

ТАҲОРАТ КИТОБИ

Мусаннифлар:
Зиёвуддин РАҲИМ,
Одилхон қори ЮНУСХОН ўғли



Тошкент 2014

УЎК: 297
КБК: 86.38
3-60

Исломда покликка алоҳида эътибор берилган. Ибодатларнинг қабул бўлиши ҳам албатта, моддий ва маънавий-руҳий покликка бевосита боғлиқ. Шунинг учун фикҳга доир барча асарлар поклик китоби билан бошланади. Поклик деганда асосан бадан, кийим ва жой поклиги тушунилади. Баданни поклаш гусл, таҳорат ёки таяммум қилиш билан амалга оширилади.

Ушбу китобда мусанниф таҳоратга доир деярли барча оят ва ҳадисларни келтириб, шарҳ ва фақиҳларнинг фатволари билан бойитган. Шунингдек, китобда ҳозирги давримиз тақозоси билан таҳоратга доир янги пайдо бўлган масалалар атрофлича баён этилган.

Мусанниф рухсатисиз ушбу китобни чоп этиб, сотиши шаръан ҳаром ва қонунан ман этилади. Илм йўлида манба кўрсатилиши шарти билан иқтибос олиши жоиз.

Таҳорат китоби / Зиёвуддин Раҳим, Одилхон Юнусхон ўғли; масъул муҳаррир Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: «Мовароуннаҳр», 2014. – 376 б.

Масъул муҳаррир:

Шайх Абдулазиз Мансур

Тақризчи:

Анвар қори Турсунов

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 3097-рақамли тавсияси билан чоп этилди.

ISBN 978-9943-12-262-8

© Зиёвуддин РАҲИМ
© «Movarounnahr», 2014.

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИМ**Муқаддима**

Оламлар Парвардигори Аллоҳ таолога Ўзи рози бўладиган даражада ҳамд айтамыз. Аллоҳнинг Ҳабиби ва Расули Муҳаммад пайғамбаримизга, у зотнинг оила аъзолари ҳамда саҳобаларига салавот ва саломларимиз бўлсин!

Ислом динида поклик масаласига катта эътибор билан қаралади. Зеро, поклик динимизнинг асосий арконларидан бири намознинг калити ва мўминнинг энг асосий сифатидир. Шунингдек, Аллоҳ покликни хуш кўради ва бандаларини пок бўлишга чақиради. Поклик жуда кенг қамровли тушунча. Масалан, кийим ва бадан поклиги, қалб поклиги, турар жой ва ҳоказо. Ислом покликнинг ҳамма турини жамлаган ҳолда мўмин бандаларни шу сифат билан хулқланишга чақиради. Динимиз уламолари ёзиб қолдирган фикҳ китобларининг айнан “Поклик китоби”дан бошланиши ҳам бежиз эмас. Шундан ҳам биламыз, ибодат амалларининг тўғри адо этилиши ва мақбул бўлишида поклик бош омил вазифасини бажаради ва намоз ўқишдан олдин таҳорат олиш намоз қабул бўлишининг асосий шартидир. Халқимиз орасида “поклик” деганда асосан “таҳорат” тушунилиши ҳам шундан бўлса керак.

“Поклик китоби”ни фикҳий манбаларда “Китабут тоҳаро” деб номланиб, унда сувларнинг ҳукми, таҳорат, ғул, ҳайз, нифос, истиҳоза, териларни поклаш, нажосатларни кетказиш, хуллас, мутлақ покликка оид барча масалалар атрофлича ва батафсил баён қилинади.

Намоз ўқишдан олдин таҳоратни тўғри ва мукаммал адо этишни ҳар бир мўмин пухта ўзлаштириб олиши ва бу хусусда тўлақонли тасаввурга эга бўлиши керак. Шу сабаб ушбу китобни “Таҳорат китоби” деб атаган ҳолда таҳорат ва у билан боғлиқ барча ҳукмлар баёнига бағишладик. Бу ўринда ғул, ҳайз, нифос, истиҳоза, териларни поклаш ва нажосатларни кетказиш каби покликка оид умумий масалаларни келтирмадик. Иншааллоҳ, мазкур мавзуларни

мавриди келганда “Поклик китоби”да алоҳида ўрганамиз. Ушбу китобимизда эса асосан таҳорат ва унинг ҳукмларини тўлиқ ва ҳар томонлама ўрганишга киришамиз.

Арабий луғат ва манбаларда ўзбек тилидаги таҳорат сўзи “вузуъ”¹ дейилади. Бу сўз луғатда ярқираш, чирой ва кўрк каби маъноларни беради. Шаръий истилоҳда намоз ўқиш, Қуръон тиловат қилиш ва шунга ўхшаш ибодат амалларидан олдин кўзда тутилган аъзоларни сув билан поклашга таҳорат дейилади. Шунинг ҳам таъкидлаш лозим, таҳорат олиш Қуръони карим оятлари ва ҳадиси шарифлар билан собит бўлган. Ислом тарихидан яхши биламиз, таҳорат дастлаб Маккада жорий қилинган. Таҳорат ҳақидаги оят эса Мадинада нозил бўлган. Таҳоратда икки хил поклик, яъни моддий ва маънавий поклик мавжуд. Моддий поклик орқали дунёда кўп манфаатларга эришилса, маънавий-руҳий поклик орқали охират саодати қозонилади. Шариатда поклик икки қисмга бўлинади:

1. Баданни таҳоратли қилиш. Бу тананинг айрим қисмини (таҳорат) ёки ҳаммасини ювиш (ғусл) билан амалга ошади.

2. Либос, бадан ва макондаги најосат – кир ва нопок нарсаларни кетказиш.

Бу китобда асосан намоз қабул бўлишида асосий шартлардан бири ҳисобланган таҳоратга² оид масалаларга кўпроқ эътибор қаратилди. Келинг, олдин таҳорат қилиш фазилатлари ҳақида ворид бўлган ҳадиси шарифларга тўхталиб ўтсак.

¹ Луғатда “Тоҳаротун” сўзи “поклик”, “вузуъ” эса “чирой” маъносини англатади. Арабий манбаларда “Китабут тоҳаро” деганда “Поклик китоби”, “Китабул вузуъ” деганда эса “Таҳорат китоби” назарда тутилади.

² Аслида таҳорат икки хил: ҳукмий таҳорат (ҳадасдан покланиш) ва ҳақиқий таҳорат (хобасдан покланиш) бўлади. Ҳукмий таҳорат уч қисмга бўлинади. Булар таҳорат, ғусл ва таяммум. Кичик таҳоратсизликдан таҳорат қилинади. Катта таҳоратсизлик (жунублик)дан ғусл қилиш билан покланилади. Таяммум маълум вақтларда таҳорат ва ғусл ўрнига ўтади.

Ҳақиқий таҳорат кўриниб турган нопок нарсани кетказишдир.

ТАҲОРАТ ОЛИШ ФАЗИЛАТЛАРИ

Таҳорат билан боғлиқ фикҳий масалаларни ўрганишдан олдин унинг қандай фазилатларга эга эканига эътиборни қаратсак, фойдадан холи бўлмайди. Бу маълумотлар таҳоратга нисбатан эътиборимизни ошириб, уни тўлиқ ва мукамал бажариш учун туртки бўлса, ажаб эмас.

۱ – عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي سُؤَالِ جِبْرَائِيلَ إِيَّاهُ عَنِ الْإِسْلَامِ فَقَالَ: الْإِسْلَامُ أَنْ تَشْهَدَ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ وَأَنْ تُقِيمَ الصَّلَاةَ وَتُؤْتِيَ الزَّكَاةَ وَتَحُجَّ وَتَعْتَمِرَ وَتَغْتَسِلَ مِنَ الْجَنَابَةِ وَأَنْ تُتِمَّ الْوُضُوءَ وَتَصُومَ رَمَضَانَ قَالَ: فَإِذَا فَعَلْتَ ذَلِكَ فَأَنَا مُسْلِمٌ قَالَ: نَعَمْ قَالَ: صَدَقْتَ. (رَوَاهُ ابْنُ خُزَيْمَةَ وَابْنُ حِبَّانَ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

1 – Ибн Умар (розияллоҳу анҳу) Набийдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилган ҳадисда у зот Жаброилнинг Ислом ҳақида берган саволига қуйидагича жавоб қайтарганлар: «Ислом Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад Унинг расули деб иқроор бўлишинг, намозни бекаму кўст адо этишинг, закот беришинг, ҳаж ва умра қилишинг, жунубликдан ғусл қилишинг, таҳоратни мукамал қилишинг, Рамазон рўзасини тутишингдир». Шунда (Жаброил алайҳиссалом): “Агар шуларни қилсам, мен мусулмон бўламанми?” деганида, (Расулуллоҳ алайҳиссалом): “Ҳа”, дедилар. (Жаброил): “Тўғри айтдинг”, деди» (Ибн Хузайма ва Ибн Ҳиббон ривояти. Ривоят санади саҳиҳ).

“Сихоҳи ситта” соҳиблари келтирган ривоятларда бу ҳадис бошқа сийғада нақл этилган. Бу ўринда эса Исломнинг асосий амаллари қаторига жунубликдан ғусл қилиш ва таҳоратни мукамал суратда бажариш ҳам қўшилмоқда. Демак, поклик Исломнинг асосий шартларидан бўлиб, таҳоратни мукамал қилиш орқали банда мусулмон бўлар экан.

۲ – وَعَنْ رَجُلٍ مِنْ بَنِي سُلَيْمٍ قَالَ: عَقَدْتُهُنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي يَدِي أَوْ قَالَ: عَقَدْتُهُنَّ فِي يَدِهِ وَيَدُهُ فِي يَدِي: سُبْحَانَ اللَّهِ نِصْفَ الْمِيزَانِ وَالْحَمْدُ لِلَّهِ يَمَلَأُ الْمِيزَانَ وَاللَّهُ أَكْبَرُ يَمَلَأُ مَا بَيْنَ السَّمَاءِ إِلَى الْأَرْضِ وَالْوُضُوءُ نِصْفُ الْإِيمَانِ وَالصَّوْمُ نِصْفُ الصَّبْرِ. (رَوَاهُ الدَّارِمِيُّ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ).

2 – Журай Наҳдий бани сулаймлик бир кишидан ривоят қилади: У айтди: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қўлимни ушлаб, таъкид билан: “Субҳаналлоҳ” мезоннинг ярми, “алҳамду лиллаҳ” мезонни тўлдиради, “Аллоҳу акбар” осмон билан Ер ўртасини тўлдиради, таҳорат имоннинг ярми³, рўза сабрнинг ярмидир”, дедилар» (Доримий ривояти. Ривоят санади ҳасан).

Аллоҳга ва охират кунига ишонган бандагина таҳорат олади ва имонли бандагина таҳоратни мукамал бажаради. Бошқа ривоятларда қайсидир амал имондан ёки имоннинг бир қисми дейилган бўлса, бу ерда таҳорат имоннинг ярми экани билдирилмоқда. Шундан ҳам Ислолда таҳорат қай даражада аҳамиятли эканини билиб оламиз.

۳ – وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: إِذَا تَوَضَّأَ الْعَبْدُ الْمُسْلِمُ أَوْ الْمُؤْمِنُ فَعَسَلَ وَجْهَهُ خَرَجَ مِنْ وَجْهِهِ كُلِّ خَطِيئَةٍ نَظَرَ إِلَيْهَا بَعَيْنَيْهِ مَعَ الْمَاءِ أَوْ مَعَ آخِرِ قَطْرِ الْمَاءِ فَإِذَا غَسَلَ يَدَيْهِ خَرَجَ مِنْ يَدَيْهِ كُلِّ خَطِيئَةٍ كَانَ بَطَشَتْهَا يَدَاهُ مَعَ الْمَاءِ أَوْ مَعَ آخِرِ قَطْرِ الْمَاءِ فَإِذَا غَسَلَ رِجْلَيْهِ خَرَجَتْ كُلُّ خَطِيئَةٍ مَشَتْهَا رِجْلَاهُ مَعَ الْمَاءِ أَوْ مَعَ آخِرِ قَطْرِ الْمَاءِ حَتَّى يَخْرُجَ نَفْيًا مِنَ الذُّنُوبِ. (رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَالتِّرْمِذِيُّ وَمَالِكٌ وَأَحْمَدُ).

3 – Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шундай деганларини ривоят қилади: “Агар мусулмон ёки мўмин банда таҳорат қилиб, юзини ювса, юзидан икки кўзи билан қилган барча гуноҳла-

³ Хужр ибн Адий айтади: “Мен Али ибн Абу Толиб: “Таҳорат имоннинг ярмидир”, деб айтганини эшитганман” (Байҳақий “Шуъбул имон” да ривоят қилган).

ри⁴ сув билан ёки сувнинг охирги томчиси билан чиқиб кетади. Агар қўлини ювса, икки қўли билан содир этган ҳамма гуноҳлари сув билан ёки сувнинг охирги томчиси билан чиқиб кетади. Агар оёғини ювса, оёғи (билан) юриб содир этган барча гуноҳлар сув билан ёки сувнинг охирги қатраси билан чиқиб кетади. Шундай қилиб у гуноҳлардан (бутунлай) покланади⁵” (*Муслим, Термизий, Молик ва Аҳмад ривояти*).

Ушбу ҳадиси шарифда таҳорат аъзоларни поклашдан ташқари гуноҳларнинг кечирилишига ҳам сабабчи экани айтилмоқда ва кечирилиши ваъда қилинаётган гуноҳлар кичик гуноҳлар экани таъкидланмоқда. Ҳадислардан бирида катта гуноҳлардан сақланилса, намоз, хусусан, беш маҳал фарз ва жума намози кичик гуноҳларга каффорат бўлиши айтилган. Улуғ ибодат бўлмиш намоз катта гуноҳлар ювилишига сабаб бўла олмас экан, қандай қилиб таҳоратнинг ўзигина кабира гуноҳларга каффорат бўла олсин?

Мулоҳаза қилиб кўрилса, юз, қўл, оёқ ва бош бошқа аъзоларга қараганда тез кирланади. Шундай экан, мана шу аъзоларни тез-тез ювиб турилмаса, улардан бадбўй ҳид тарқайди. Бошқа томондан олиб қаралса, айнан шу

⁴ Ҳадисда юз ювилганда фақат кўз орқали содир этилган гуноҳлар кечирилиши зикр қилинишига икки хил сабаб келтирилган: 1) кўз қалб ойнаси бўлиб, у билан содир этилган гуноҳлар зикр қилиниши бошқа аъзоларга кифоя қилади; 2) таҳоратда оғиз, бурун ва кулоқ алоҳида тарзда покланади. Кўз эса таҳоратда махсус ювиш билан покланмайди. Шу сабаб кўз билан қилинган гуноҳлар юзни ювиш билан тўкилади.

⁵ Қози: “Бу ердаги гуноҳларнинг сув билан чиқиб кетиши унинг кечирилишидан далолатдир. Зеро, гуноҳнинг баданга кириб-чиқиши мумкин эмас”, деган. Лекин бошқа уламолар: “Гуноҳлар банданинг ботинига ҳам, зоҳирига ҳам таъсир қилади. Бу нарса аъзонинг қорайишида кўринади”, дейишган ва бунга гуноҳ содир этилганда, қалб қорайиб, истиффордан сўнг чароғон бўлишини мисол қилиб келтиришган. Аҳмад, Ибн Хузайма Ибн Аббосдан (розияллоху анху), у Расулulloҳдан (соллаллоху алайҳи ва саллам) ривоят қилади: “Ҳажарул асвад жаннатдан (тушган) бўлиб, (аввалда) оппоқ ёқут эди. У қордан ҳам оппоқ бўлган. Аммо мушриклар содир этган гуноҳлар уни қорайтириб юборган”.

Имом Суютий бу ҳадис ҳақида: “Гуноҳлар тошга таъсир қилса, гуноҳ содир этувчининг танаси тошдан кўра таъсирланишга муносиброқдир”, деган. Яъни, гуноҳлар тошни қорайтирар экан, гуноҳ содир этилган аъзолар ҳам гуноҳлар таъсиридан бенасиб қолмайди, улар ҳам қораяди, дейилмоқчи. Бу қорайиш маънавий ёки моддий бўлиши мумкин. Бошқа ривоятда: “Албатта ёлғон (гап) юзни қорайтиради”, дейилган. Демак, гуноҳлар банд танасига таъсир кўрсатади.

тўрт аъзо гуноҳ содир этишда асосий вазифани бажаради. Аллоҳ таоло бандаларига шунчалик меҳрибон, уларга кунига беш маҳал кичик гуноҳлардан покланиш имконини берган. Шу боис таҳорат олаётганимизда ҳар бир аъзомиздан гуноҳлар тўкилаётгани ва Аллоҳ тарафидан кечирилаётганини ҳис этсак, таҳоратимиз янада мукамал бўлиб, қалбимизда ихлос ва намозимизда хушу пайдо бўлади.

٤ – وَعَنْ عُثْمَانَ بْنِ عَفَّانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَنْ تَوَضَّأَ فَأَحْسَنَ الْوُضُوءَ خَرَجَتْ خَطَايَاهُ مِنْ جَسَدِهِ حَتَّى تَخْرُجَ مِنْ تَحْتِ أَظْفَارِهِ. (رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَالنَّسَائِيُّ وَأَحْمَدُ وَالطَّبْرَانِيُّ فِي الْأَوْسَطِ وَالْبَيْهَقِيُّ فِي شُعَبِ الْإِيمَانِ.)

4 – Усмон ибн Аффон (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким таҳорат қилиб, уни мукамал адо этса, унинг гуноҳлари танасидан, ҳатто тирноқлари остидан чиқиб кетади”, деганлар” (*Муслим, Насоий, Аҳмад, Табароний “Авсат”да ва Байҳақий “Шуъабул имон”да ривоят қилган*).

Одатда, ёпиқ ҳолдаги ёки тирноқ остида тўпланган кирларга нисбатан очиқ аъзолардаги кирларни кетказиш осон.

Чунки тирноқ остидаги кирларни тозалаш учун алоҳида эътибор талаб этилади. Кўриб ўтганимиздек, олдинги ривоятларда таҳорат олиш туфайли юз, қўл, бош ва оёқдан гуноҳлар тўкилиши нақл этилса, бу ўринда тирноқ остидаги гуноҳлар ҳам кечирилиши айтилмоқда. Бу эса таҳорат туфайли кичик гуноҳлардан биронтаси ҳам кечирилмай қолмаслигига далолат қилади. Усмон ибн Аффон (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Мен Расулulloҳ (алайҳиссалом): “Қайси бир киши чиройли таҳорат олиб, сўнгра намоз ўқиса, ўша намоз билан келаси намозни ўқигунча вақт орасидаги (гуноҳ)лари кечирилади”, деб айтганларини эшитганман” (*Насоий. Ривоят санади саҳих*).

۵ - وَعَنْ أَبِي أُمَامَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِذَا تَوَضَّأَ الرَّجُلُ الْمُسْلِمُ خَرَجَتْ ذُنُوبُهُ مِنْ سَمْعِهِ وَبَصَرِهِ وَيَدَيْهِ وَرِجْلَيْهِ فَإِنْ قَعَدَ قَعَدَ مَغْفُورًا لَهُ. (رواهُ أَحْمَدُ وَالطَّبْرَانِيُّ فِي الْكَبِيرِ وَالْبَيْهَقِيُّ فِي السَّنَنِ الْكُبْرَى وَإِسْنَادُهُ حَسَنٌ.)

5 – Абу Умома (розияллоҳу анҳу) Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади: “Агар мусулмон киши таҳорат олса, унинг гуноҳлари қулоғи, кўзи, икки қўли ва икки оёғидан чиқиб кетади. Агар ўтирса, гуноҳлари кечирилган ҳолда ўтиради” (*Аҳмад, Табароний “Кабир”да ва Байҳақий “Сунанул кубро”да ривоят қилган. Ҳадис санади ҳасан.*)

Қаранг, ҳар бир банда таҳоратини талаб даражасида бажарса, қулоғи, кўзи, қўли ва оёғи содир этган гуноҳлари кечирилади. Агар у таҳорат қилиб бўлса, унинг биронта ҳам гуноҳи қолмайди.

۶ - وَعَنْ أَبِي مَالِكٍ الْأَشْعَرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: الطُّهُورُ شَطْرُ الْإِيمَانِ وَالْحَمْدُ لِلَّهِ تَمْلَأُ الْمِيزَانَ وَسُبْحَانَ اللَّهِ وَالْحَمْدُ لِلَّهِ تَمْلَأَانِ أَوْ تَمْلَأُ مَا بَيْنَ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَالصَّلَاةُ نُورٌ وَالصَّدَقَةُ بُرْهَانٌ وَالصَّبْرُ ضِيَاءٌ وَالْقُرْآنُ حُجَّةٌ لَكَ أَوْ عَلَيْكَ كُلُّ النَّاسِ يَغْدُو فَبَايِعَ نَفْسَهُ فَمَعَتْقُهَا أَوْ مُوْبِقُهَا. (رواهُ مُسْلِمٌ وَالتِّرْمِذِيُّ وَأَحْمَدُ وَالطَّبْرَانِيُّ فِي الْكَبِيرِ وَالْبَيْهَقِيُّ فِي شُعَبِ الْإِيمَانِ وَفِي رِوَايَةِ التِّرْمِذِيِّ وَالنَّسَائِيِّ وَابْنِ مَاجَهَ وَابْنِ حَبَّانَ قَالَ: إِسْبَاغُ الْوُضُوءِ شَطْرُ الْإِيمَانِ.)

6 – Абу Молик Ашъарий (розияллоҳу анҳу) Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шундай деганларини ривоят қилади: “Поклик имоннинг ярми. “Алҳамду лиллаҳ” мезонни тўлдиради. “Субҳаналлоҳ” ва “алҳамду лиллаҳ” осмон билан Ер ўртасини тўлдиради. Намоз нур, сада-

қа ҳужжат ва сабр зиёдир. Қуръон сенинг фойдангга ёки зарарингга далилдир. Ҳар бир инсон ҳаракат қилиб, ўзини сотади – ё қутқаради ёки ҳалок қилади” (Муслим, Термизий, Аҳмад, Табароний “Кабир”да, Байҳақий “Шуъабул имон”да ривоят қилган. Термизий, Насоий, Ибн Можа ва Ибн Ҳиббон келтирган ривоятда: “Таҳоратни мукаммал қилиш имоннинг ярмидир”, дейилган).

Расулуллоҳ (алайҳиссалом) ушбу ҳадисда бир қанча савобли амалларни баён этишдан ташқари улардан олдин покликни қайд этмоқдалар. Бу эса ҳар қандай амал фақат поклик туфайли мақбул бўлишини билдиради. Поклик имоннинг асосидир, деган гап бежиз айтилмаган. Келинг, бу ҳадиси шариф билан тўлиқроқ танишайлик.

“Поклик – имоннинг ярми”. Имом Ғаззолий: “Поклик қалбнинг ғиллу ғаш, ҳасад, ёмонлик, нафрат ва бошқа иллатлардан саломат бўлишидир. Имон ана шу покланиш туфайли комил бўлади”, дея тушунтирган. Баъзи уламолар: “Ким қалбини покласа, сўнг таҳорат ёки ғул қилиб намоз ўқиса, у тўлиқ поклик билан ибодатини бажарибди. Агар фақатгина аъзолар поклиги билан намоз ўқиса, у ҳолда тўлиқ бўлмайди. Зеро, Аллоҳ таоло қалблар поклигига назар солади”, деган.

Баъзи уламолар бу ўриндаги “имон” сўзини “намоз” маъносида изоҳлаб, таҳорат намознинг асосий шартларидан биридир, деган. Аллоҳ таоло Қуръони карим оятларининг бирида “намоз”ни “имон” сўзи билан ифодалаган. Яна бошқа уламолар: “Покликнинг савоби имонга бериладиган савобнинг ярмига тенглигини келтириб, имон аввал қилинган гуноҳларга каффорат бўлса, таҳорат кейин қилинган гуноҳларни ўчиради”, дейди. Шундан ҳам билиш мумкин, поклик ва озодалиқ имоннинг ярми экан, тозалikka амал қилмасдан, нопок ҳолда юрадиган кишилар имони қусурли бўлиши шубҳасиз.

“Алҳамду лиллаҳ” мезонни тўлдиради, “субҳаналлоҳ валҳамду лиллаҳ” Ер ва осмон ўртасини тўлдиради”.

Бундан зикрнинг савоби нақадар улуғлиги, ҳамд амаллар тортиладиган мезон салмоғини ошириши, тасбеҳ ва

ҳамд ер билан осмон орасини савобга тўлдириб юборишини билиб оламиз. Демак, ихлос билан айтилган бу калималардан ҳосил бўлган савобнинг ўлчови чексиздир. “Ҳамд” Аллоҳнинг улуғлиги ва қудратини тасдиқлаган ҳолда айтилган мақтов бўлиб, у фақат Аллоҳ таологагина хосдир. Тасбеҳ айтиш эса, Аллоҳни барча айб-нуқсонлардан пок эканини тан олишдан иборат. Шу ерда баъзи мулоҳазаларни айтиб ўтишга тўғри келади. Тилимизга араб тилидан қилинган кўпгина таржималарда “Субҳаналлоҳ” сўзи “Аллоҳни поклаб ёд этаман, Аллоҳни поклайман”, деб ўгирилган. Бу тўғри эмас. Биринчидан, Аллоҳ азалдан пок Зот, иккинчидан, У зот бизнинг поклашимизга муҳтож эмас. Биз Аллоҳни поклаб ёд этмаймиз, балки Уни пок деб биламиз, ҳар қандай айбу нуқсондан холи эканини эътироф этамиз, холос.

“Намоз – нур”. Яъни, намоздан ҳосил бўлган савоб инсонга нур бўлади. Намознинг нур экани қуйидаги ҳолатларда яққол кўринади:

- намоз ўқиган банданинг юзидан нур балқиб туради;
- намоз бандани маъсият ва фаҳш ишлардан сақлайди;

- намознинг савоби қиёмат куни бандага нур бўлади;
- намоз қалбга нур бағишлаб, уни мунаввар қилади.

Очилмай қолган ҳақиқатлар ва ботиний ҳоллар кашф қилинишида намознинг ўрни беқиёс;

- намоз банда қабрини ёритувчи нур бўлади.

“Садақа – ҳужжат”. Садақа имоннинг саломат эканини исботловчи ҳужжатдир. Чунки мунофиқлар ҳам намоз ўқишса-да, лекин эътиқоди тўғри бўлмагани боис, гарчи мол-дунёлари кўп бўлса ҳам, садақа қилишни ўзларига оғир олади. Чунки бой киши ўз молидан садақа қилиб юрса, қиёмат куни сўроқ қилинаётганда моли унинг фойдасига ҳужжат бўлади. Баъзилар: “Садақа инфоқ-эҳсон қилувчи бандага далил бўлиб, у молини сарфлаш хусусида саволга тортилмайди”, дейишган.

“Сабр – зиё”. Яъни Аллоҳ таолога итоат этиш, дунёда учрайдиган қийинчилик ва машаққатларга сабр қилиш,

ҳақдан тойилмаслик, маъсиятлар содир этишдан ўзини тийиш зиёга айланиб банданинг йўлини ёритади. Бу мақталган сабрдир. Ким мана шундай сабр билан сифатланса, сабр унинг қалбини нурга тўлдириб, уни тўғри йўлга бошлайди. Сабр-тоқат ва қаноат инсон қалбига маърифат нурларини таратади. Сабр билан банда улуғ даража ва савобларга эришади.

“Қуръон сенинг фойдангга ёки зарарингга далилдир”. Яъни Қуръон шафоатчинг ёки даъвогаринг бўлади. Ким Қуръонни ўқиб, унга амал қилса, ҳаром ишлардан сақланса, Аллоҳ буюрган йўлда юрса, Қуръон унга шафоатчи бўлади. Лекин қайси банда Қуръонга беписанд қараб, ҳаром ишлардан қайтмаса ва буюрилганларни бажармаса, Қуръон бундай банданинг зарарига гувоҳлик беради.

“Ҳар бир инсон ҳаракат қилиб, ўзини сотади – ё қутқаради ёки ҳалок қилади”.

Ҳар ким ўзи учун ҳаракат қилади, кимдир нафсини Аллоҳга сотиб-итоат этиб, Унга бўйсунди ва азобига йўлиқмайди. Яна кимдир нафсини шайтонга сотиб-иблиснинг васвасасига учиб, ҳавои нафс йўлида қулларча тентирайди, оқибатда ҳалокатга учрайди.

۷ – وَعَنْ أَبِي مَالِكٍ الْأَشْعَرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ نَبِيَّ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: الطُّهُورُ شَطْرُ الْإِيمَانِ وَالْحَمْدُ لِلَّهِ يَمْلَأُ الْمِيزَانَ وَلَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَاللَّهُ أَكْبَرُ تَمْلَأَنَّ مَا بَيْنَ السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ وَالصَّلَاةُ نُورٌ وَالصَّدَقَةُ بُرْهَانٌ وَالْوُضُوءُ ضِيَاءٌ وَالْقُرْآنُ حُجَّةٌ لَكَ أَوْ عَلَيْكَ وَكُلُّ النَّاسِ يَغْدُو فَبَائِعٍ نَفْسَهُ فَمُعْتِقُهَا أَوْ مُوْبِقُهَا. (رَوَاهُ الدَّارِمِيُّ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

7 – Абу Молик Ашъарийдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилишича, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шундай деганлар: “Поклик имоннинг ярми. “Алҳамду лиллаҳ” мезонни тўлдиради. “Лаа илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар” осмон билан Ер ўртасини тўлдиради. Намоз нур, садақа ҳужжат ва таҳорат зиёдир. Қуръон сенинг фойдангга ёки зарарингга далилдир. Ҳар бир инсон ҳаракат қилиб, ўзини

савдога қўяди – ё қутқаради ёки ҳалок қилади” (*Доримий ривояти. Ривоят санади саҳиҳ*).

Бу ривоят олдингисига ўхшайди ва ровийси ҳам бир киши. Фақат баъзи ўринларда фарқ борлиги кўзга ташланади, холос. Бу ҳадисда “сабр” ўрнида “таҳорат” сўзи зикр этилган. Таҳоратнинг нур экани Расулуллоҳнинг (алайҳиссалом) бошқа ҳадисларида ҳам учрайди. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Мен Расулуллоҳ (алайҳиссалом): “Менинг умматим қиёмат куни таҳорат туфайли юз ва қўл-оёқларидан нур таралиб турган ҳолда чақирилади. Бас, ким юзидаги нурини узайтиришга қодир бўлса, шуни қилсин!” деб айтганларини эшитганман” (*Бухорий, Муслим, Насоий, Ибн Можа ва Аҳмад*).

۸ – وَعَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: أَمَرَنَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِاسْبَاغِ الْوُضُوءِ. (رَوَاهُ الدَّارِمِيُّ وَابْنُ مَاجَةَ وَأَحْمَدُ وَالطَّبْرَانِيُّ فِي الْكَبِيرِ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

8 – Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) айтади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бизларни таҳоратни мукаммал қилишга буюрганлар” (*Доримий, Ибн Можа, Аҳмад, Табароний “Кабир”да ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ*).

Эътибор берилса, бундан олдинги ҳадисларда асосан таҳоратни мукаммал қилиш ҳақида сўз боради. Мазкур ривоятдан бу иш Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобаларга тайинлаган вазифа эканини билиб оламиз. Демак, таҳорат талаб даражасида олинса, намозлар тўқис бўлиши таъминланади. Абдуллоҳ ибн Амр (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Таҳоратни мукаммал қилинглар!” деганлар” (*Насоий ривояти. Ривоят санади саҳиҳ*).

۹ – وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: أَلَا أَدُلُّكُمْ عَلَى مَا يَمْحُو اللَّهُ بِهِ الْخَطَايَا وَيَرْفَعُ بِهِ الدَّرَجَاتِ قَالُوا: بَلَى يَا

رَسُولَ اللَّهِ قَالَ: إِسْبَاغُ الْوُضُوءِ عَلَى الْمَكَارِهِ وَكَثْرَةُ الْخُطَا إِلَى الْمَسَاجِدِ
وَأَنْتَظَارُ الصَّلَاةِ بَعْدَ الصَّلَاةِ فَذَلِكُمْ الرَّبَاطُ. (رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَالتِّرْمِذِيُّ وَالنَّسَائِيُّ
وَالدَّارِمِيُّ وَابْنُ مَاجَهَ وَمَالِكٌ وَأَحْمَدُ وَالْحَاكِمُ وَابْنُ خُزَيْمَةَ وَابْنُ حِبَّانَ وَالتَّطَبَّرِيُّ
فِي الْكَبِيرِ وَالتَّبَهَقِيُّ فِي شُعَبِ الْإِيمَانِ).

9 – Абу Хурайра (розияллоҳу анху) ривоят қилишича, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Мен сизларни Аллоҳ гуноҳларни ўчирадиган⁶ ва даражаларни кўтарадиган (амаллар)га далолат қилайми?” дедилар. Шунда (одамлар): “Ҳа, эй Расулulloҳ”, дейишди. У зот: “Қийин (пайт)ларда таҳоратни мукамал қилиш, масжидларга кўп қатнаш, бир намоздан сўнг (келаси) намозни кутиш⁷. Мана шу муробитликдир”, дедилар (Муслим, Термизий, Насоий, Доримий, Ибн Можа, Молик, Аҳмад, Ҳоким, Ибн Хузайма, Ибн Ҳиббон, Табароний “Кабир”да ва Байҳақий “Шуъабул имон”да ривоят қилган).

Ушбу ривоятдан учта амалнинг қанчалик фазилат ва савоб касб этишини билиб оламиз. Расулulloҳнинг (алайҳиссалом) динга даъват қилиш ва солиҳ амалларга буюриш усуллари ажойиб эди. У зот аввал тингловчи эътиборини ўзларига жалб қилиб, муайян даражада қизиқиш уйғотганларидан сўнг асосий масалани баён этишга ўтганлар.

⁶ Али (розияллоҳу анху) ривоят қилишича, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Мен сизларга Аллоҳ унинг сабабидан гуноҳларни ўчирадиган (амаллар)га далолат қилайми: қийин (вақт)ларда таҳоратни мукамал қилиш, масжидга юриб бориш, бир намоздан сўнг (келаси) намозни кутиш. (Мана шулар) гуноҳларни бутунлай ювиб ташлайди”, деганлар. (Ҳоким, Абу Яъло ва Баззор ривояти. Ривоят санади саҳиҳ).

⁷ Бир намоздан сўнг келаси намозни кутиш “Ал-мунтақо шарҳул муваттоъ” китобида қуйидагича тушунтирилган: “Банда жамоат билан намоз ўқиб бўлгач, жойнамоз устида ўтириб келаси намозни қутади. Бу бир-бирига яқин бўлган икки намоз орасида бўлади. Масалан, пешин намозидан сўнг асрни ёки шомдан кейин хуфтон намозини кутиш мумкин. Аммо хуфтондан кейин бомдодни кутиш инсон тоқати етадиган иш эмас. (Кўп ҳолларда бунга имкон ҳам бўлмайди) қолаверса, бу вақт мобайнида таҳорат синади. Шунингдек, бомдоддан сўнг пешинни кутиш ҳам шунга қиради”.

Лекин бошқа уламолар, банда хоҳ жамоат билан, хоҳ ёлғиз ўзи ўқисин, бошқа ишларини бажарган ҳолда қалби намозга боғлиқ бўлса, бир намоздан кейин келаси намозни кутган бўлади, дейишган.

Бу ерда айтилишича, у зот одамларга қарата: “Шундай амаллар бор, Аллоҳ уларни қилган банданинг гуноҳларини ўчириб, даражасини кўтаради. Ўша амалларни сизларга ҳам айтайми?” деганларида, одамлар: “Гуноҳларни ўчирадиган, даражаларни кўтарадиган амаллар қайсилар экан?” деб қизиқиб, эшитишни хоҳлашди. Шунда у зот уларга қийин пайтларда таҳоратни мукаммал қилиш, жамоат билан намоз ўқиш учун масжидларга кўп қатнаш ва бир намозни ўқиб бўлгач, кейинги намозни орзиқиб кутиш гуноҳларни ўчириб, мартабаларни кўтаришини билдирдилар. “Муробитлик” душманга қарши туриш маъносини билдиради. Соддароқ тушунтирадиган бўлсак, нафсни енгиш ва шайтонга ҳай беришдир. Ана шунда банда худди душманга қарши сабот билан тургандек бўлиб, ваъда қилинган даражаларга эришади. Юқорида санаб ўтилган амаллар банданинг жаннатдаги мартабасини ҳам оширади.

Биз бу ривоятнинг мавзуимизга алоқадор жиҳатларини бир оз изоҳлашга ҳаракат қиламиз:

“Қийин (пайт)ларда таҳоратни мукаммал қилиш”.

Мазкур ҳадисда ҳар қандай шароитда таҳоратни чала қилмаслик ва қийинчиликларга қарамай тўлиқ покланишга тарғиб бор. Таҳорат олишдаги қийинчилик замон, макон ва шароит билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Улар қуйидагилардан иборат:

- қаттиқ совуқда сув иситиш имкони камлиги;
- касаллик туфайли сув ишлатишга қийналиш;
- сув тақчиллиги ёки унинг баҳоси қимматлиги;
- бирон жойга шошилиш;
- чарчоқ ёки уйқу келиши;
- нотаниш жойда ёки ноқулай шароитда таҳорат олиш

ва ҳоказо.

Демак, турли ноқулайлик ва машаққатларга қарамай, таҳорат бекаму кўст бажарилса, гуноҳлардан фориг бўлиб, улуғ даражаларга эришилади.

Қуйидаги ҳадисда мукаммал таҳорат қандай бўлиши келтирилган.

١٠ - وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: جَاءَ رَجُلٌ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: مَا إِسْبَاغُ الْوُضُوءِ؟ قَالَ: فَسَكَتَ عَنْهُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَتَّى حَضَرَتِ الصَّلَاةُ، قَالَ: فَدَعَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِمَاءٍ فَغَسَلَ يَدَيْهِ ثُمَّ اسْتَنْشَرَ وَمَضَمَضَ وَغَسَلَ وَجْهَهُ ثَلَاثًا وَيَدَيْهِ ثَلَاثًا ثَلَاثًا وَمَسَحَ بِرَأْسِهِ وَغَسَلَ رِجْلَيْهِ ثَلَاثًا ثَلَاثًا ثُمَّ نَضَحَ تَحْتَ ثَوْبِهِ فَقَالَ: هَكَذَا إِسْبَاغُ الْوُضُوءِ. (رَوَاهُ أَبُو يَعْلَى وَالْبَزَّارُ وَسَنَدُهُ ضَعِيفٌ.)

10 – Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Бир киши Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига келиб, “Таҳоратни мукаммал олиш қандай бўлади?” деди. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) намоз вақти бўлгунича жим турдилар ва кейин сув олиб келишни буюрдилар. Сўнгра икки қўлларини ювдилар, бурунларига сув олиб қоқдилар ва оғизга сув олиб чайқадилар, юз ва қўлларини уч мартадан ювдилар, бошларига масҳ тортдилар, оёқларини уч мартадан ювдилар. Сўнгра кийимлари остига сув сешиб: “Таҳоратни мукаммал қилиш мана шундай бўлади”, дедилар” (Абу Яъло ва Баззор ривояти. Ривоят санади заиф).

Таҳорат фазилатлари баён этилган ҳадислар билан танишаётган ўқувчиларимизда қандай қилиб таҳоратни тўлиқ ва мукаммал бажариш мумкин, деган савол туғилиши табиий. Шу сабаб бу ўринда мазкур ривоятни келтириши ўринлидир. Ривоятдан маълум бўлади, таҳоратнинг суннат, мустаҳаб ва одобларига амал қилинса, жумладан, аъзолар уч мартадан яхшилаб ишқалаб ювилса, таҳорат мукаммал адо этилган ҳисобланади.

١١ - وَعَنْ عَبْدِ اللَّهِ الصَّنَابِحِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: إِذَا تَوَضَّأَ الْعَبْدُ الْمُؤْمِنُ فَمَضَمَضَ خَرَجَتْ الْخَطَايَا مِنْ فِيهِ وَإِذَا اسْتَنْشَرَ خَرَجَتْ الْخَطَايَا مِنْ أَنْفِهِ فَإِذَا غَسَلَ وَجْهَهُ خَرَجَتْ الْخَطَايَا مِنْ وَجْهِهِ

حَتَّى تَخْرُجَ مِنْ تَحْتِ أَشْفَارِ عَيْنَيْهِ فَإِذَا غَسَلَ يَدَيْهِ خَرَجَتْ الْخَطَايَا مِنْ يَدَيْهِ حَتَّى تَخْرُجَ مِنْ تَحْتِ أَظْفَارِ يَدَيْهِ فَإِذَا مَسَحَ بِرَأْسِهِ خَرَجَتْ الْخَطَايَا مِنْ رَأْسِهِ حَتَّى تَخْرُجَ مِنْ أُذُنَيْهِ فَإِذَا غَسَلَ رِجْلَيْهِ خَرَجَتْ الْخَطَايَا مِنْ رِجْلَيْهِ حَتَّى تَخْرُجَ مِنْ تَحْتِ أَظْفَارِ رِجْلَيْهِ قَالَ: ثُمَّ كَانَ مَشْيُهُ إِلَى الْمَسْجِدِ وَصَلَاتُهُ نَافِلَةً لَهُ.
(رَوَاهُ النَّسَائِيُّ وَابْنُ مَاجَهَ وَمَالِكٌ وَأَحْمَدُ وَالْحَاكِمُ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

11 – Абдуллоҳ Сунобиҳий (розияллоҳу анҳу) Расулulloҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади: “Агар мўмин банда таҳорат қилаётиб, оғзини чайса, оғзидан гуноҳлари чиқиб кетади. Агар бурнига сув олиб қоқса, бурнидан гуноҳлари чиқиб кетади. Агар юзини ювса, юзидан, ҳатто икки кўзининг четидан гуноҳлари чиқиб кетади. Агар икки қўлини ювса, қўлидан, ҳатто қўлининг тирноқлари тагидан гуноҳлари чиқиб кетади. Агар бошига масҳ тортса, бошидан, ҳатто икки қулоғидан гуноҳлари чиқиб кетади. Агар икки оёғини ювса, оёғидан, ҳатто оёғининг тирноқлари остидан гуноҳлари чиқиб кетади. Сўнгра масжидга бориши ва (ўқиган) намози у учун қўшимча (савоб) бўлади” (*Насоий, Ибн Можа, Молик, Аҳмад ва Ҳоким ривояти. Ҳадис санади саҳиҳ*).

Ушбу ривоятда таҳорат олишда ювиладиган аъзолар бирма-бир кўрсатилиб, уларни ювиш билан содир этилган гуноҳлар чиқиб кетиши ва Аллоҳ тарафидан кечирилиши баён қилинмоқда. Ҳадис охирида: Сўнгра масжидга бориши ва (ўқиган) намози у учун қўшимча (савоб) бўлади”, дейилмоқда.

Маълумки, таҳорат ва намоз банда гуноҳларига кифорат бўлади. Агар таҳорат мукаммал олиниб, хушу билан намоз ўқилса, бу намоз орқали банда кўп ажр-савобларга эришади. Баъзи китобларда: “Таҳорат олиш туфайли банданинг ўтган гуноҳлари кечирилади. Таҳоратдан кейин намоз ўқиш орқали унинг келаси намозгача бўлган гуноҳлари афв этилади”, дейилган.

Абу Умома Ҳимсий Расулуллоҳнинг (алайҳиссалом): “Албатта таҳорат ўзидан олдинги (гуноҳлар)га каффоратдир. Сўнгра намоз қўшимча (ажр) бўлади”, деганларини айтди. Шунда унга: “Буни Расулуллоҳнинг (алайҳиссалом) ўзларидан эшитганмисан?” дейилди. У: “Ҳа, бир марта эмас, икки марта эмас, уч марта эмас, тўрт марта эмас, беш марта ҳам эмас (ундан кўп эшитганман)”, деди (*Аҳмад “Муснад”да ва Табароний “Кабир”да ривоят қилган. Ривоят санадида заифлик бор*).

۱۲ – وَعَنْ حُمْرَانَ قَالَ: دَعَا عُمَانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ بِوُضُوءٍ وَهُوَ يَرِيدُ الْخُرُوجَ إِلَى الصَّلَاةِ فِي لَيْلَةٍ بَارِدَةٍ فَجِئْتُهُ بِمَاءٍ فَغَسَلَ وَجْهَهُ وَيَدَيْهِ فَقُلْتُ: حَسْبِكَ اللَّهُ وَاللَّيْلَةَ شَدِيدَةَ الْبَرْدِ فَقَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: لَا يُسْبِغُ عَبْدٌ الْوُضُوءَ إِلَّا غَفَرَ اللَّهُ لَهُ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِهِ وَمَا تَأَخَّرَ. (رواه البزار بإسناد حسن.)

12 – Ҳумрон ривоят қилади: “Усмон (розияллоху анху) совуқ тунда намоз ўқимоқчи бўлиб таҳорат суви сўради. Мен тезда унга сув олиб келдим ва у юз-қўлини ювди. Шунда мен: “Аллоҳ сизга кифоя қилади, қаттиқ совуқ тунда ўзингизни эҳтиёт қилинг”, дедим. У бўлса: “Мен Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Агар қайси банда таҳоратини мукамал суратда бажарса, Аллоҳ унинг ўтган ва келаси гуноҳларини, албатта кечиради”, деганларини эшитганман”, деди” (*Баззор ҳасан санад билан ривоят қилган*).

Қандай шароит бўлмасин, ибодатларни тўқис адо этиш бандани улуғ мақомларга кўтаради. Жумладан, ноқулай шароитда ҳам эринмасдан таҳоратни мукамал тарзда бажарадиган банданинг ўтган ва келаси гуноҳлари кечирилади. Тушунган банда учун бу ривоят улуғ башорат ва катта имкониятдир.

۱۳ – وَعَنْ أَبِي أُمَامَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ

قَالَ: أَيُّمَا رَجُلٍ قَامَ إِلَى وَضُوئِهِ يُرِيدُ الصَّلَاةَ ثُمَّ غَسَلَ كَفَيْهِ نَزَلَتْ خَطِيئَتُهُ مِنْ كَفَيْهِ مَعَ أَوَّلِ قَطْرَةٍ فَإِذَا مَضَمَضَ وَاسْتَنْشَقَ وَاسْتَنْشَرَ نَزَلَتْ خَطِيئَتُهُ مِنْ لِسَانِهِ وَشَفْتَيْهِ مَعَ أَوَّلِ قَطْرَةٍ فَإِذَا غَسَلَ وَجْهَهُ نَزَلَتْ خَطِيئَتُهُ مِنْ سَمْعِهِ وَبَصَرِهِ مَعَ أَوَّلِ قَطْرَةٍ فَإِذَا غَسَلَ يَدَيْهِ إِلَى الْمَرْفَقَيْنِ وَرِجْلَيْهِ إِلَى الْكَعْبَيْنِ سَلِمَ مِنْ كُلِّ ذَنْبٍ هُوَ لَهُ وَمِنْ كُلِّ خَطِيئَةٍ كَهَيْئَتِهِ يَوْمَ وَلَدَتْهُ أُمُّهُ قَالَ: فَإِذَا قَامَ إِلَى الصَّلَاةِ رَفَعَ اللَّهُ بِهَا دَرَجَتَهُ وَإِنْ قَعَدَ قَعَدَ سَالِمًا. (رواه أحمد في المسند والطبراني في الكبير والأوسط وسنده صحيح.)

13 – Абу Умома (розияллоху анху) ривоят қилишича, Расулulloҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) шундай деганлар: “Қайси банда намоз ўқимоқчи бўлиб таҳорат (олиш) учун турса ва икки кафтини ювса, (сувнинг) аввалги томчиси билан унинг кафтидан гуноҳлари тўкилади. Агар оғзини чайса ва бурнига сув олиб қоқса, аввалги томчи билан унинг тили ва лабларидан гуноҳлари тўкилади. Агар юзини ювса, аввалги томчи билан қулоғи ва кўзидан гуноҳлари тўкилади. Агар қўлини тирсағи ва оёғини тўпиғига ювса, худди онаси туққан кундагидек ҳар қандай гуноҳдан фориғ бўлади. Агар намоз ўқишга киришса, Аллоҳ (намоз) билан унинг даражасини кўтаради ва агар ўтирадиган бўлса, (гуноҳлардан) фориғ (бўлган) ҳолда ўтиради” (Аҳмад “Муснад”да, Табароний “Кабир” ва “Авсат”да ривоят қилган. Ҳадис санади саҳиҳ).

Бу ҳадис аввалги ривоятни шарҳлайди. Яъни таҳоратда ишлатилган сувнинг илк томчиси туфайли гуноҳлар ювилиб, таҳоратга киришган заҳоти банда ўз гуноҳларидан фориғ бўлади. Буни тасаввур қила оласизми? Бошқа ривоятларда “охирги томчи билан” деб келтирилган. Бу эса таҳоратдан сўнг биронта кичик гуноҳ қолмай барчаси афв этилишини англатади. Валлоху аълам!

Фарзанд дунёга келганида маъсум, беғубор ва бада ни пок бўлади. Ким таҳоратни мукамал қилса, худди

онадан янги туғилган чақалоқ каби гуноҳларидан фориғ бўлади. Агар таҳоратдан сўнг намоз ўқиса, бу намоз туфайли Аллоҳ банданинг даражасини кўтаради.

١٤ - وَعَنْ أَبِي أُمَامَةَ الْبَاهِلِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ عَمْرَو بْنَ عَبْسَةَ يَقُولُ: قُلْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ كَيْفَ الْوُضُوءُ قَالَ: أَمَّا الْوُضُوءُ فَإِنَّكَ إِذَا تَوَضَّأْتَ فَغَسَلْتَ كَفَّيْكَ فَانْقَيْتَهُمَا خَرَجْتَ خَطَايَاكَ مِنْ بَيْنِ أَظْفَارِكَ وَأَنَا مَلِكٌ فَإِذَا مَضَمْتُمْ وَاسْتَنْشَقْتَ مَنْخَرِيكَ وَغَسَلْتَ وَجْهَكَ وَيَدَيْكَ إِلَى الْمَرْفَقَيْنِ وَمَسَحْتَ رَأْسَكَ وَغَسَلْتَ رِجْلَيْكَ إِلَى الْكَعْبَيْنِ اغْتَسَلْتَ مِنْ عَامَّةِ خَطَايَاكَ فَإِنْ أَنْتَ وَضَعْتَ وَجْهَكَ لِلَّهِ عَزَّ وَجَلَّ خَرَجْتَ مِنْ خَطَايَاكَ كَيَوْمٍ وَلَدَتْكَ أُمُّكَ.
 قَالَ أَبُو أُمَامَةَ: فَقُلْتُ يَا عَمْرُو بْنَ عَبْسَةَ أَنْظِرْ مَا تَقُولُ أَكُلُّ هَذَا يُعْطَى فِي مَجْلِسٍ وَاحِدٍ فَقَالَ: أَمَا وَاللَّهِ لَقَدْ كَبُرَتْ سِنِّي وَدَنَا أَجْلِي وَمَا بِي مِنْ فَقْرٍ فَأَكْذَبَ عَلَيَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَلَقَدْ سَمِعْتُهُ أُذْنَايَ وَوَعَاهُ قَلْبِي مِنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ. (رَوَاهُ النَّسَائِيُّ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

14 – Абу Умома Боҳилий ривоят қилади: “Мен Амр ибн Абасадан эшитдим, у айтади: “(Бир куни), эй Расулulloҳ, таҳорат қандай олинади?” деб сўрадим. У зот: “Сен таҳорат олсанг – қўлларингни ювиб, уларни покласанг, тирноқларинг ораси ва бармоқларинг учидан гуноҳларинг чиқиб кетади. Агар мазмаза – оғзингга сув олиб чайқасанг ва истиншоқ – бурнингга сув олиб қоқсанг, юзингни ва икки қўлингни тирсаккача ювиб, бошингга масҳ тортсанг ва икки оёғингни тўпиғигача ювсанг, барча гуноҳларингни ювган бўласан. Агар шу ҳолда Аллоҳ азза ва жаллага юзлансанг, онадан янги туғилгандек гуноҳлардан покланасан”, дедилар”. Абу Умома айтади: “Шунда мен: “Эй Амр ибн Абаса, қара нима деяпсан? Мана шу нарса (бандага) бир вақтнинг ўзида бериладими?!” деб сўраган эдим, у: “Аллоҳга қасам, мен кексайиб, ажалим яқинлашди. Шу чоғда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайхи ва саллам)

номларидан ёлғон гапиришга қандай эҳтиёжим бўлсин?!” Буни Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) икки қулоғим эшитган ва қалбим уни ўзига сингдирган”, деди” (*Насоий ривояти. Ривоят санади саҳиҳ*).

Бу ривоятда Амр ибн Абаса (розияллоҳу анху) Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳорат ҳақида савол беради ва У зот унга қандай жавоб қайтарганлари келтирилади. Ривоятга эътибор берадиган бўлсак, таҳорат қандай бўлиши ҳақида сўралганда Набий (алайҳиссалом) мана бу ва мана бу аъзоларингни ювасан, деб жавоб бермаяптилар, балки таҳорат қандай бўлишини тўлиқ ўргатиб, унинг фазилатларини ҳам айтаяптилар.

ТАҲОРАТДА АЪЗОЛАРНИ ТЎЛИҚ ЮВИШНИНГ ФАЗИЛАТИ

۱۵ – عَنْ نَعِيمِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ أَنَّهُ رَأَى أَبَا هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ يَتَوَضَّأُ فَعَسَلَ وَجْهَهُ وَيَدَيْهِ حَتَّى كَادَ يَبْلُغُ الْمَنْكَبِينَ ثُمَّ غَسَلَ رِجْلَيْهِ حَتَّى رَفَعَ إِلَى السَّاقَيْنِ ثُمَّ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: إِنَّ أُمَّتِي يَأْتُونَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ غُرًّا مُحَجَّلِينَ مِنْ أَثَرِ الْوُضُوءِ فَمَنْ اسْتَطَاعَ مِنْكُمْ أَنْ يُطِيلَ غُرَّتَهُ فَلْيَفْعَلْ. (رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَالتِّرْمِذِيُّ وَابْنُ مَاجَةَ وَأَحْمَدُ).

15 – Нуайм ибн Абдуллоҳ ривоят қилишича, у Абу Хурайра таҳоратда юзини ва қўлини елкасигача, оёғини болдиригача юваётганини кўрган экан. Шунда Абу Хурайра (розияллоҳу анху) унга: “Мен Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Албатта менинг умматим қиёмат куни таҳорат туфайли юз ва қўл-оёқларидан нур таралиб турган ҳолда чақириладилар. Бас, ким юзидаги нуруни узайтиришга қодир бўлса, шуни қилсин!” деб айтганларини эшитганман”, деган (*Бухорий, Муслим, Насоий, Ибн Можа ва Аҳмад ривояти*).

Ушбу ривоятда Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) таҳорат қай даражада улуғ фазилат касб этишини чиройли

Ўхшатиш орқали умматларига башорат бермоқдалар. Ҳадисда таъкидланишича, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) охиратда одамлар орасидан ўз умматларини қўл ва оёқларидан таралиб турган нурдан таниб оладилар. Қиёмат куни ҳамма ёқни зулмат қоплаб олганидан аксарият одамлар саросимага тушади, юзларини ғубор ва қоронғилик қоплаб олади. Лекин бу дунёда таҳоратни тўлиқ бажариб, намозини қанда қилмаган мўминларнинг юзлари ва қўл-оёқларидан ажиб нур таралиб туради. Буни сўз орқали тўлиғича ифодалаб бериш мушкул. Ҳадиси шарифда “юз ва қўл-оёқларидан нур таралиб турган ҳолда” дейилган жумла аслиятда “ғурран муҳажжалийн”⁸ лафзи билан келтирилган. Араб тилида “ғурротун” сўзи отнинг пешонасидаги оппоқ қашқаси, “тахжийл” эса икки орқа ва олд оёғидаги оқ қашқаси маъносини беради. Бу ерда таҳорат туфайли қиёмат куни мўминларнинг юз, қўл ва оёқларидан таралиб турадиган нур отнинг ғурро ва таҳжийлига ўхшатишмоқда. Шунингдек, “ғурротун” сўзи инсонга нисбатан қўлланганда “юз, чеҳра” маъносини ҳам беради. Расулуллоҳ (алайҳиссалом) ушбу ҳадисда “кўпайтирсин” эмас, балки “узайтирсин” деб айтаётганлари таҳорат олаётганда белгиланган ҳад-чегарадан бир оз ўтказиб, аъзоларни тўлиқ ювиш нур кўпайишига сабаб бўлишини англатади.

Уламолар таҳоратда ғурро ва таҳжийлни узайтириш мустаҳаб эканига ижмо қилган⁹. Шу билан бирга, узайтириш миқдори хусусида турли қарашларни келтиришган.

⁸ Бу ҳадисдан келиб чиқиб, баъзилар: “Таҳорат фақат уммати муҳаммадийга хос”, деб айтган. Бу тўғри эмас. Сабаби аввалги умматлар, жумладан, роҳиб Журайжнинг таҳорат қилиб намоз ўқигани ҳақида ривоятлар бор. Балки бу умматга ғурро ва таҳжийл хосланган деса, тўғри бўлади. Бошқа умматларда таҳорат бўлгани билан мўмин-мусулмонлар айнан мана шу нур билан қиёмат куни бошқалардан ажралиб туради.

⁹ Ибн Баттол ва моликийлардан баъзилари: “Таҳоратда қўлни тирсақдан, оёқни тўпикдан ўтказиб ювиш мустаҳаб эмас. Сабаби Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким бундан оширса, аниқ, ёмон қилибди ва зулм қилибди”, деганлар”, дейишган. Уларнинг бу фикри ноўрин. Биринчидан, улар келтирган ҳадисда аъзоларни белгиланган чегарадан ўтказиб ювиш эмас, балки уч мартадан кўп ювиш ҳақида сўз боради. Иккинчидан, ғурро ва таҳжийлни узайтириш ҳақида саҳиҳ ривоятлар кўп. Бу амалнинг мустаҳаблигини салафларнинг кўпчилиги, шофиъий ва ҳанафий уламолар таъкидлашган.

Баъзи уламолар қўллар елкагача ва оёқлар тиззагача ювилади, дейишган. Бу ҳақда Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анху) шундай ривоят келтирилган.

١٦ - وَعَنْ أَبِي حَازِمٍ قَالَ: كُنْتُ خَلْفَ أَبِي هُرَيْرَةَ وَهُوَ يَتَوَضَّأُ لِلصَّلَاةِ فَكَانَ يَمُدُّ يَدَهُ حَتَّى تَبْلُغَ إِبْطَهُ فَقُلْتُ لَهُ: يَا أَبَا هُرَيْرَةَ مَا هَذَا الوُضُوءُ فَقَالَ: يَا بَنِي فَرُوحٍ أَنْتُمْ هَاهُنَا لَوْ عَلِمْتُ أَنَّكُمْ هَاهُنَا مَا تَوَضَّأْتُ هَذَا الوُضُوءَ سَمِعْتُ خَلِيلِي صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: تَبْلُغُ الْحَلِيَّةَ مِنَ الْمُؤْمِنِ حَيْثُ يَبْلُغُ الوُضُوءَ. (رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَالتَّسَائِيُّ وَأَحْمَدُ وَفِي رِوَايَةِ ابْنِ خُزَيْمَةَ وَابْنِ عَوَانَةَ قَالَ: إِنَّ الْحَلِيَّةَ تَبْلُغُ مَوَاضِعَ الطُّهُورِ.)

16 – Абу Ҳозим айтади: “Абу Ҳурайра намозга таҳорат олаётганда унинг орқасида қараб турган эдим. У қўлини юваётиб таҳорат сувини икки қўлтиғигача етказди. Шунда мен: “Эй Абу Ҳурайра, бу қандай таҳорат бўлди?!” дедим. У: “Эй Фаррух фарзандлари, сизлар шу ерда эдингизми? Агар шу ерда эканингизни билганимда, бундай таҳорат қилмасдим. Мен халилим Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Мўминнинг безаги таҳорат суви етган жойгача етади”, деб айтганларини эшитганман”, деди” (*Муслим, Насоий ва Аҳмад ривояти. Ибн Ҳузайма ва Абу Авоналар ривоятида: “Албатта безак таҳорат(да ювиладиган) жойларгача етади”, дейилган.*)

Фаррух – Иброҳим (алайҳиссалом) ўғилларидан бирининг исми. Лайс: “Бизларга хабар қилинишича, Фаррух Иброҳимнинг (алайҳиссалом) Исҳоқ ва Исмоилдан кейин туғилган ўғлидир. Унинг авлодлари кўпайиб, улардан ажам халқлари тарқалган”, деган. Ушбу ривоятда айтилишича, мўмин банда таҳоратда аъзоларини тўлиқ ювса, ювиш лозим бўлган жойлардан ўтказиб покласа, жаннатда ўша ергача олтин билагузук ва маржонлар билан безатилади¹⁰.

¹⁰ Бу ҳақда Каҳф сурасининг 31-, Ҳаж сурасининг 23- ва Фотир сурасининг 33-оятларида маълумотлар бор.

Ушбу ҳадисда қайд этилган ҳолат фақатгина Абу Хурайринг (розияллоҳу анҳу) ўзигагина тегишли бўлиб, буни Пайғамбаримиздан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилмаган. Балки ҳадисга кўпроқ амал қилиш мақсадида ўз раъйига қараб иш тутган. Ибн Умар Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу) бунга фақат ёз фаслида амал қилган бўлса керак, деган фикрни билдиради. Ғурро ва таҳжийлни узайтириш борасида бошқа тоифа вакиллари оёқлар тизза ва қўллар елка суюгининг ярмигача, деса, яна бошқалар бундан бир оз тепароққача ювилади, деган. Бу ҳақда Бағовийдан нақл қилинади. Ҳадиси шариф ва уламолар ижмоъсига кўра, таҳоратда ювиладиган жойларнинг бу уч турдаги узайтириш миқдорининг ҳар бири жоиз. Шофиъий: “Ғуррони узайтириш ювиш шарт бўлган жойлардан ташқари бошнинг соч чиққан қисмини ва юзнинг ҳамма тарафини тўлиғича ювишдир. Таҳжийлни узайтириш эса, қўлнинг тирсак ва оёқнинг тўпиқ қисмидан юқорисини қўшиб ювиш”, деб тушунтиради.

Ибн Баттол ушбу ҳадисдаги ғурро ва таҳжийлни узайтиришни “ҳар бир намозга алоҳида таҳорат олиш, шу билан банда аъзоларининг нури кўпаяди. Зеро, узайтириш ва давомий бўлиш бир-бирига яқин тушунчалардир”, деган.

۱۷ – وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: إِنَّ حَوْضِي أَبْعَدُ مِنْ أَيْلَةٍ مِنْ عَدَنٍ لَهُوَ أَشَدُّ بَيَاضًا مِنَ الثَّلْجِ وَأَحْلَى مِنَ الْعَسَلِ بِاللَّبَنِ وَلَا يَنْتَبُهُ أَكْثَرُ مِنْ عَدَدِ النُّجُومِ وَإِنِّي لِأُصِدُّ النَّاسَ عَنْهُ كَمَا يَصُدُّ الرَّجُلُ إِبِلَ النَّاسِ عَنْ حَوْضِهِ قَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ أَنْتَ عَرَفْنَا يَوْمَئِذٍ قَالَ: نَعَمْ لَكُمْ سِيمًا لَيْسَتْ لِأَحَدٍ مِنَ الْأُمَّمِ تَرِدُونَ عَلَيَّ غُرًّا مُحَجَّلِينَ مِنْ أَثَرِ الْوُضُوءِ. (رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَابْنُ مَاجَةَ.)

17 – Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилишича, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Менинг Айладан Адангача бўлган (масофа)дан узоқроқ ҳовузим

қордан ҳам оппоқ, асалли сутдан ҳам шириндир. Унинг идишлари юлдузлар саноғидан ҳам кўп. Мен ўзгалар туясини ўз ҳовузидан тўсган киши каби одамларни ундан тўсиб тураман”, деганларида, одамлар: “Эй Расулуллоҳ, сиз ўша куни бизни танийсизми?” деб сўради. У зот: “Ҳа, сизларда бошқа умматларда бўлмаган белги бўлади. Сизлар ҳузуримга таҳорат туфайли юз, қўл ва оёқларингиздан нур таралиб турган ҳолда келасизлар”, дедилар (*Муслим ва Ибн Можа ривояти*).

Айла Қуддус шахрининг бошқа бир номи бўлиб, Адан эса Ямандаги шаҳар. Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) жаннатдаги ҳовузлари жуда кенглигидан ташқари унинг атрофига ҳисобсиз идишлар қўйилган бўлиб, хоҳлаган банда шу ҳовуздан сув олиб ичади. Бу ҳовузнинг суви қордан оппоқ ва асалли сутдан ҳам тотли экан. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) у ерда ўз умматларини бу дунёда таҳорат олганлари туфайли баданларидан таралиб турадиган нур орқали таниб олар эканлар.

۱۸ – وَعَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ بُسْرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: أُمَّتِي يَوْمَ الْقِيَامَةِ غُرٌّ مِنَ السُّجُودِ مُحَجَّلُونَ مِنَ الْوُضُوءِ. (رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَأَحْمَدُ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

18 – Абдуллоҳ ибн Буср (розияллоҳу анху) Пайғамбардан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади: “Қиёмат куни сажда туфайли умматнинг юзидан ва таҳорат туфайли қўл-оёқларидан нур таралиб туради” (*Термизий ва Аҳмад ривояти. Ҳадис санади саҳиҳ*).

Бу ривоятнинг тўлиқроқ матни бошқа китобларда ҳам мавжуд. Абдуллоҳ ибн Буср Мозиний ривоят қилишича, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Умматимдан ҳар бирини мен қиёмат куни таний оламан”, деганларида, одамлардан бири: “Эй Расулуллоҳ, ғуж-ғуж одамлар ичидан умматингизни қандай танийсиз?” деб сўради. Шунда у зот: “Қара, агар сен бир хил тим қора рангли отлар орасидан олди ва орқа оёқларида оқ қашқаси бор отларни аж-

рата оласанми?” дедилар. У тасдиқлади. У зот: “Ўша куни сажда туфайли умматимнинг юзлари ва таҳорат туфайли қўл-оёқларидан нур таралиб туради”, дедилар (*Аҳмад, Табароний “Авсат”да ва Байҳақий “Шуъбул имон”да ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ*).

Юқоридаги ривоятлар ва уламолар сўзидан маълум бўлади, ғурро ва таҳжийлини узайтириш икки хил маънони беради:

1. Ювилиши фарз бўлган аъзоларни ҳад-чегарасидан ўтказиб ювиш;

2. Доимий равишда таҳоратли юриш¹¹.

۱۹ – وَعَنْ زُرِّ بْنِ حُبَيْشٍ أَنَّ عَبْدَ اللَّهِ بْنَ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قِيلَ يَا رَسُولَ اللَّهِ كَيْفَ تَعْرِفُ مَنْ لَمْ تَرَ مِنْ أُمَّتِكَ قَالَ: غُرٌّ مُحَجَّلُونَ بُلْقٌ مِنْ آثَارِ الْوُضُوءِ. (رَوَاهُ ابْنُ مَاجَهَ وَأَحْمَدُ وَابْنُ حِبَّانَ وَابْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَالطَّبْرَانِيُّ فِي الْكَبِيرِ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ صَحِيحٌ.)

19 – Зирр ибн Хубайш Абдуллоҳ ибн Масъуддан (рози-яллоҳу анҳу) ривоят қилишича, бир киши: “Эй Расулulloҳ, кўрмаган умматларингизни (қиёмат куни) қандай таниб оласиз?” деб сўраганида, у зот: “Таҳоратлари туфайли уларнинг юз ва қўл-оёқларидан нур таралиб туради”, деганлар (*Ибн Можа, Аҳмад, Ибн Хиббон, Ибн Абу Шайба, Табароний “Кабир”да ривоят қилган. Ривоят санади ҳасан-саҳиҳ*).

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, таҳорат олаётганда дастлаб ювиш шарт бўлган аъзоларни яхшилаб тозалаш, таҳоратнинг суннат, мустаҳаб ва одобларига амал қилиш лозим. Хусусан, юзнинг бош ва бўйин қисми, қулоқлар билан қўшиб, чаккаларни тўлиқ ювиш, шунингдек, қўлни тирсак қисмидан бир оз ўтказиб, елка суягининг ярмигача ҳамда оёқни тўпик қисмидан ҳам озроқ тепароққача (болдир суягининг ярмигача) ювиш мақсадга мувофиқдир.

¹¹ Моликийлар наздида ривоятда иккинчи маъно назарда тутилган. Шу сабаб улар аъзолардан ўтказиб ювишни макруҳ, деган.

ДОИМ ТАҲОРАТЛИ ЮРИШ ВА ТАҲОРАТНИ ЯНГИЛАШ ФАЗИЛАТИ

۲۰ – عَنْ ثَوْبَانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: اسْتَقِيمُوا وَلَنْ تَحْصُوا وَأَعْلَمُوا أَنَّ خَيْرَ أَعْمَالِكُمُ الصَّلَاةُ وَلَا يُحَافِظُ عَلَى الْوُضوءِ إِلَّا مُؤْمِنٌ. (رَوَاهُ مَالِكٌ وَالِدَّارِمِيُّ وَابْنُ مَاجَهَ وَأَحْمَدُ وَالْحَاكِمُ وَابْنُ حَبَّانَ وَالطَّبْرَانِيُّ فِي الْكَبِيرِ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

20 – Савбон (розияллоҳу анҳу) Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади: “Собитқадам бўлинглар, зинҳор тоқат қила олмайсизлар (ёки ҳисоблай олмайсизлар). Билинглар, албатта, амалларингиз ичида энг яхшиси намоздир. Таҳоратни фақат мўмингина сақлайди” (Молик, Доримий, Ибн Можа, Аҳмад, Ҳоким, Ибн Ҳиббон, Табароний “Кабир”да ривоят қилган. Ҳадис санади саҳиҳ).

Динда собитқадамлик ва Аллоҳнинг амрига бўйсуниб, итоатида бўлиш нафсга осон эмас. Бу ишни фақат қалб кўзи очиқ ва Аллоҳнинг ҳидояти етган ихлосли бандаларгина эплай олади.

“Билинглар, албатта амалларингиз ичида энг яхшиси намоздир”.

Яъни, агар динда собитқадам бўла олмасангиз ёки бу ишда сусткашликка йўл қўйсангиз, у ҳолда диннинг асоси ҳисобланган намозни маҳкам тутинглар. Зеро, у энг улуғ ва ажри кўп амалдир.

“Таҳоратни фақат мўмингина сақлайди”.

Фақат мўмин бандагина таҳорат қилади, фақат мўмингина таҳоратини сақлайди ва уни мукаммал амалга оширади. Мўмин доим таҳоратли ҳолда юради. Таҳоратли юриш фақат мўминга хосдир.

۲۱ – وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ

وَسَلَّمَ: لَوْلَا أَنْ أَشَقَّ عَلَيَّ أُمَّتِي لِأَمْرَتِهِمْ عِنْدَ كُلِّ صَلَاةٍ بِوُضُوءٍ أَوْ مَعَ كُلِّ وُضُوءٍ سِوَاكَ وَلَا خَرْتُ عِشَاءَ الْآخِرَةِ إِلَى ثُلُثِ اللَّيْلِ. (رَوَاهُ النَّسَائِيُّ فِي السُّنَنِ الْكُبْرَى وَأَحْمَدٌ فِي الْمُسْنَدِ وَاللَّفْظُ لَهُ وَإِسْنَادُهُ حَسَنٌ.)

21 – Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) Расулulloҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади: “Агар умматимга қийин қилиб қўй(ишни ўйла)маганимда, уларни ҳар бир намозга таҳорат олиш ёки ҳар бир таҳоратда мисвок ишлатишга ва хуфтон намозини туннинг учдан биригача кечиктиришга буюрган бўлар эдим” (*Насоий “Ас-сунанул кубро”да ва Аҳмад “Муснад”да ривоят қилган. Ҳадис лафзи Аҳмадга тегишли ва унинг ривояти санади ҳасан.*)

Бу ерда тарғиб қилинаётган амаллар мустаҳаб саналади. Ҳар бир намозга алоҳида таҳорат олиш, ҳар таҳоратда мисвок ишлатиш ва хуфтон намозини туннинг учдан биригача кечиктириб ўқиш яхши ва фазилатли бўлганидан умматларни бу ишга тарғиб қилинди. Аммо бу амаллар нафсга бир оз оғир келиши эҳтимолидан бу амалга жазм билан буюрилмаяпти. Кўпроқ ажр олиш ва олий мақомга эришишни истаганлар бу амалларни маҳкам тутиши уқтирилмоқда.

٢٢ – وَعَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ بُرَيْدَةَ عَنْ أَبِيهِ قَالَ: دَعَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِلَالًا فَقَالَ: يَا بِلَالُ بِمَ سَبَقْتَنِي إِلَى الْجَنَّةِ إِنِّي دَخَلْتُ الْجَنَّةَ الْبَارِحَةَ فَسَمِعْتُ خَشْخَشَتَكَ أَمَامِي فَقَالَ بِلَالٌ: يَا رَسُولَ اللَّهِ مَا أَذْنُ قَطُّ إِلَّا صَلَّيْتُ رَكَعَتَيْنِ وَمَا أَصَابَنِي حَدٌّ قَطُّ إِلَّا تَوَضَّأْتُ عِنْدَهَا فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: بِهَذَا. (رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَأَحْمَدُ وَابْنُ خُرَيْمَةَ وَالْحَاكِمُ وَالْبَيْهَقِيُّ فِي شُعَبِ الْإِيمَانِ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

22 – Абдуллоҳ ибн Бурайда отасидан ривоят қилади: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Билолни чақириб, “Эй Билол, жаннатга мендан нима (амалинг) сабаб

ўзиб кетдинг. Мен бугун кечаси жаннатга кириб, олдимда пойабзалинг овозини эшитдим”, деган эдилар, Билол: “Ё Расулуллоҳ, агар азон айтсам, ундан кейин дарҳол икки ракат намоз ўқийман ва агар таҳоратим бузилса, янгидан таҳорат оламан”, деб жавоб берди. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Шу сабабдан экан-да”, дедилар” (*Термизий, Аҳмад, Ибн Хузайма, Ҳоким, Байҳақий “Шуъабул имон”да ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ.*)

Бир куни Расулуллоҳ (алайҳиссалом) бомдод намозидан кейин Билолни (розияллоҳу анҳу) ҳузурларига чақириб, “Эй Билол, бугун кечаси тушумда сени жаннатда кўрдим. Қайси амалинг билан бундай мақомга эришдинг?” деб сўраганларида, Билол: “Азон айтганимда, иқоматдан олдин дарҳол намоз ўқийман. Агар таҳоратим бузилса, дарҳол таҳоратимни янгилайман ва икки ракат намоз ўқийман” деб жавоб берди. Шунда Расулуллоҳ (алайҳиссалом): “Мана шу амалларинг билан жаннатга кирган экансан-да”, дедилар. Бу ривоятдан азондан кейин намоз ўқиш ва доим таҳоратли юриш қай даражада фазилатли амал эканини билиб оламиз.

۲۳ – وَعَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ قَالَ: مَنْ تَوَضَّأَ عَلَى طَهْرٍ كَتَبَ اللَّهُ لَهُ بِهِ عَشْرَ حَسَنَاتٍ. (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَابْنُ مَاجَةَ وَابْنُ جَرِيرٍ الطَّبْرِيُّ وَابْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَعَبْدُ بْنُ حُمَيْدٍ وَسَنَدُهُ ضَعِيفٌ.)

23 – Ибн Умар (розияллоҳу анҳу) Набийдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади: “Ким таҳорат устига таҳорат олса, Аллоҳ унга ўша (таҳорат) туфайли ўнта ҳасана (яхшилик) ёзади” (*Абу Довуд, Термизий, Ибн Можя, Ибн Жарир Табарий, Ибн Абу Шайба, Абд ибн Хумайд ривояти. Ҳадис санади заиф.*)

Ушбу ҳадисда таҳорати бўла туриб, яна таҳорат олиш орқали банда ўнта ажр-савоб ва яхшиликка эришиши айтилган. Уламолар таҳорат устига таҳорат олиш мустаҳаблигини айтишган. Бунда аввалги таҳорат билан намоз ўқилган бўлиши керак. Тийбий аввалги таҳорат билан на-

моз ўқимай яна таҳорат олишни макруҳ санаган. Бунда сув исроф бўлиши эътиборга олинган. Ривоятларнинг бирида: “Таҳорат устига таҳорат олиш нур устига нурдир”, дейилган. Кўпчилик уламолар бу гап улуғ зотларга хос эканини айтган.

٢٤ - وَعَنْ أَبِي غُطَيْفِ الْهَدَلِيِّ قَالَ: سَمِعْتُ عَبْدَ اللَّهِ بْنَ عُمَرَ بْنَ الْخَطَّابِ فِي مَجْلِسِهِ فِي الْمَسْجِدِ فَلَمَّا حَضَرَتِ الصَّلَاةُ قَامَ فَتَوَضَّأَ وَصَلَّى ثُمَّ عَادَ إِلَى مَجْلِسِهِ فَلَمَّا حَضَرَتِ الْعَصْرُ قَامَ فَتَوَضَّأَ وَصَلَّى ثُمَّ عَادَ إِلَى مَجْلِسِهِ فَلَمَّا حَضَرَتِ الْمَغْرِبُ قَامَ فَتَوَضَّأَ وَصَلَّى ثُمَّ عَادَ إِلَى مَجْلِسِهِ فَقُلْتُ: أَصْلَحَكَ اللَّهُ أَفْرِیضَةً أَمْ سُنَّةَ الْوُضُوءِ عِنْدَ كُلِّ صَلَاةٍ قَالَ: أَوْ فَطَنْتُ إِلَيَّ وَإِلَى هَذَا مِنِّي فَقُلْتُ: نَعَمْ فَقَالَ: لَا لَوْ تَوَضَّأْتُ لَصَلَاةِ الصُّبْحِ لَصَلَّيْتُ بِهِ الصَّلَوَاتِ كُلَّهَا مَا لَمْ أُحَدِّثْ وَلَكِنِّي سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: مَنْ تَوَضَّأَ عَلَى كُلِّ طَهْرٍ فَلَهُ عَشْرُ حَسَنَاتٍ وَإِنَّمَا رَغِبْتُ فِي الْحَسَنَاتِ. (رَوَاهُ ابْنُ مَاجَهَ وَسَنَدُهُ ضَعِيفٌ.)

24 – Абу Ғутайф Ҳузалий ривоят қилади: “Мен Абдуллоҳ ибн Умар ибн Хаттобнинг масжидда бўлган мажлисида ҳозир бўлдим. Намоз вақти бўлганида, у туриб таҳорат олди ва намоз ўқиди. Сўнгра жойига қайтиб келди. Аср вақти бўлганида, туриб таҳорат олди ва намоз ўқиди. Кейин жойига қайтиб келди. Шом вақти кирганида яна таҳорат олиб, намоз ўқиди. Кейин жойига қайтиб келди. Шунда мен: “Аллоҳ сени саодатли қилсин! Ҳар бир намоз вақтида таҳорат қилиш фарзми ёки суннатми?” деб сўраган эдим, у: “Мени кузатиб турганмидинг?” деди. Мен: “Ҳа”, дедим. У: “Йўқ, (ҳар бир намоз вақтида таҳорат қилиш фарз эмас). Агар бомдод намозига таҳорат олсам ва таҳоратим синмаса, ўша таҳорат билан қолган намозларни ҳам ўқийман. Лекин мен Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким таҳорат устига таҳорат олса, унга ўнта

савоб ёзилади”, деб айтганларини эшитганман ва мен бу билан фақат савоб олиш умидидаман”, деб жавоб берди” (Ибн Можа ривояти. Ривоят санади заиф).

Бу ривоят матнидан юқорида келган ҳадисни кенгроқ тушуниб олиш имкони бор. Абу Ғутайф Ҳузалий ривоят қилади: “Мен Абдуллоҳ ибн Умарнинг олдида эдим. Пешинга азон айтилганида, у таҳорат олиб намоз ўқиди. Асрга азон айтилганида ҳам яна таҳорат қилганида, мен ундан бунинг сабабини сўраган эдим, у: Расулуллоҳ (алайҳиссалом): “Ким таҳорат устига таҳорат олса, унга ўнта савоб ёзилади”, деб айтар эдилар”, деб жавоб берди” (Абу Довуд ва Байҳақий ривояти. Ривоят санади заиф).

Юқорида айтилганидек, ҳар бир намоз вақтида таҳорат қилиш мустаҳаб. Ким хоҳласа, шу амални қилиб, бунинг эвазига савобга эришади. Лекин буни асло фарз деб билмаслик лозим. Аслида бир таҳорат билан бир неча намозларни ўқиш мумкин. Қуйидаги ривоятлар шунга далолат қилади.

٢٥ - وَقَالَ مُحَمَّدٌ هُوَ أَبُو أَسَدٍ بِنِ عَمْرٍو قَالَ: سَأَلْتُ أَنَسَ بْنَ مَالِكٍ عَنِ الْوُضُوءِ فَقَالَ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَتَوَضَّأُ لِكُلِّ صَلَاةٍ وَكُنَّا نُصَلِّي الصَّلَوَاتِ بِوُضُوءٍ وَاحِدٍ. (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالدَّارِمِيُّ وَابْنُ مَاجَهَ وَأَبُو يَعْلَى وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

25 – Муҳаммад (Абу Асад ибн Амр) айтади: “Мен Анас ибн Моликдан таҳорат ҳақида сўрадим. У: “Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳар бир намозга¹² таҳорат олар эдилар. Биз намозларни бир таҳорат билан ўқир эдик”, деб жавоб берди” (Абу Довуд, Доримий, Ибн Можа ва Абу Яъло ривояти. Ривоят санади саҳиҳ).

Расулуллоҳ (алайҳиссалом) таҳоратлари бўлса ҳам, ҳар бир намоз вақтида таҳорат қилар эдилар. Уламолар у зотнинг бу ишларини турлича изоҳлашган. Жумладан:

¹² Бу ерда “ҳар бир намозга” иборасини “ҳар бир фарз намозига” деб тушуниш лозим. Масалан, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳорат қилиб, асрни ўқиганлар. Шом намози учун янги таҳорат қилганлар.

– Расулulloҳ (алайҳиссалом) кўп ҳолларда ҳар бир намоз вақти учун таҳорат олар эдилар, аммо бу доимий бўлмаган;

– у зотнинг ўзларига ҳар бир намоз вақти учун таҳорат қилиш вожиб бўлган. Макка фатҳ қилинган кун бу амал насх (бекор) қилинган;

– у зот бу ишни мустаҳаб сифатида амалга оширганлар. Сўнгра вожиб бўлиб қолиши эҳтимоли бўлгани учун уни тарк қилганлар.

Мана шу учинчи фикр ҳақиқатга яқинроқ. Валлоҳу аъламу бис-соваб!

۲۶ – وَعَنْ سُلَيْمَانَ بْنِ بُرَيْدَةَ عَنْ أَبِيهِ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ صَلَّى الصَّلَاةَ يَوْمَ الْفَتْحِ بَوْضُوءَ وَاحِدٍ وَمَسَحَ عَلَى خَفَيْهِ فَقَالَ لَهُ عُمَرُ: لَقَدْ صَنَعْتَ الْيَوْمَ شَيْئًا لَمْ تَكُنْ تَصْنَعُهُ قَالَ: عَمْدًا صَنَعْتَهُ يَا عُمَرُ. (رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَصْحَابُ السُّنَنِ وَالِدَّارِمِيُّ وَالْحَاكِمِيُّ وَابْنُ خُزَيْمَةَ وَابْنُ حِبَّانَ وَعَبْدُ الرَّزَّاقِ).

26 – Сулаймон ибн Бурайда отасидан ривоят қилишича, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Фатҳ куни барча намозларни бир таҳорат билан ўқиганлар ва маҳсиларига масҳ тортганлар. Шунда Умар: “Сиз бугун олдин қилиб юрмаган ишни қилдингиз?” деб сўраганида, у зот: “Эй Умар, атайин қилдим”, деганлар (*Муслим, Суан соҳиблари, Доримий, Ҳоким, Ибн Хузайма, Ибн Ҳиббон ва Абдураззоқ ривояти*).

Саҳобалар Расулulloҳ (алайҳиссалом) қилаётган ҳар бир ҳаракатни синчковлик билан кузатиб борар эди. Жумладан, у зот қандай таҳорат қилдилар, қайси намозга таҳорат қилдилар, ҳамма-ҳаммасини диққатдан қочирмасдилар.

Макка фатҳ қилинган кун Набий (алайҳиссалом) бир неча вақт намозларни бир таҳоратда ўқиганларини кўрган Умар (розияллоҳу анҳу) Расулulloҳ (алайҳиссалом) эрдан чиқариб қўймадиларми, деган фикрда, у зотга савол берганида, Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва сал-

лам) буни атайин қилганлари ва бу ҳар бир фарз намозига таҳорат олиш лозим эмаслигини¹³ билдириш учун бўлганини айтиб ўтдилар.

Макка фатҳ қилинган кун Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қайси намозларни бир таҳоратда ўқиганлари бошқа ривоятларда айtilган. Бурайда отасидан ривоят қилади: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳар бир намоз вақти учун таҳорат олар эдилар. Фақат Макка фатҳ қилинган кун бундай қилмадилар. Ўша кун у зот банд бўлиб, пешин ва асрни бир таҳоратда ўқидилар” (*Ибн Хузайма ривояти*).

Яна Ибн Бурайда отасидан ривоят қилади: “Расулulloҳ (алайҳиссалом) Макка фатҳ қилингунга қадар ҳар бир намоз вақти учун алоҳида таҳорат олар эдилар. Фатҳ кун у зот пешин, аср ва шом намозларини бир таҳоратда ўқидилар” (*Абдураззоқ ривояти*).

Демак, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Макка фатҳ қилинган кун пешин, аср ва шом намозларини бир таҳоратда ўқидилар. Пешинда таҳорат олган бўлсалар, аср ва шомда таҳоратни янгиламаганлар. Ўз навбатида бу билан ҳар бир намоз вақти учун таҳорат олиш шарт эмаслигини баён қилганлар.

۲۷ – وَعَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَتَوَضَّأُ عِنْدَ كُلِّ صَلَاةٍ قُلْتُ: كَيْفَ كُنْتُمْ تَصْنَعُونَ قَالَ: يُجْزِئُ أَحَدَنَا الْوُضُوءُ مَا لَمْ يُحْدَثْ. (رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَأَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.)

27 – Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу): “Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳар бир намоз учун таҳорат олар эдилар”, деди. Мен (Амр ибн Омир) Анасга: “Сизлар қандай қилар эдингиз?” деган эдим, у: “Агар биронтамининг таҳорати бузилмаса, бир марта қилинган таҳорат

¹³ Баъзилар Аллоҳ таолонинг: “Эй имон келтирганлар, қачон намозга турсангиз юзларингизни ва қўларингизни тирсақларигача ювингиз, бошларингизга масҳ тортингиз ва оёқларингизни ҳам тўпикларигача (ювингиз)!” (*Моид*, 6) оятини далил қилиб, “ҳар бир намоз вақти учун таҳорат қилиш шарт”, деб айтишган. Лекин муҳаққиқ уламолар бу оятни “намоз вақти кирганида таҳоратсиз бўлсангиз...” деб тафсир қилишган.

кифоя қилар эди”, деди” (*Бухорий, Абу Довуд ва Термизий ривояти*).

Бу бобда келган ривоятларни далил қилиб, баъзи зоҳирийлар (гапни зоҳирини олувчилар) ҳар бир намоз вақтида таҳорат қилиш вожиблигини айтишган. Лекин аксар уламолар бу ишнинг мустаҳаблигини таъкидлашган.

БАРМОҚЛАР ОРАСИНИ ХИЛОЛ ҚИЛИШ ЛОЗИМЛИГИ ВА ТАҲОРАТДА БАЪЗИ АЪЗОЛАР ЮВИЛМАЙ ҚОЛИБ КЕТИШИНING ЗАРАРИ

۲۸ – عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: لَتَنْتَهَكَنَّ الْأَصَابِعَ بِالطُّهُورِ أَوْ لَتَنْتَهَكَنَّهَا النَّارُ. (رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ فِي الْأَوْسَطِ وَسَنَدُهُ ضَعِيفٌ.)

28 – Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу) Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганларини ривоят қилади: “Сен таҳоратда бармоқларингга (сув) етказасан ёки унга (жаҳаннам) олови етиши муқаррар” (*Табароний “Авсат”да ривоят қилган. Ривоят санади заиф*).

“Бармоқлар орасини хилол қилиш” деганда ўнг ва чап қўл бармоқларини бир-бири орасига киргизиб яхшилаб ювиш, шунингдек, оёқ бармоқлари орасига сув етказиб тозалаш тушунилади. Ушбу ривоятда таҳоратда бармоқлар орасини яхши ювмаслик, қўлни пала-партиш ва чала ювиш қандай оқибатларга олиб келиши билдирилмоқда. Ривоятда айтилган икки амалдан бирининг бўлиши муқаррар – банда таҳоратда бармоқлари орасини яхшилаб ювади, акс ҳолда таҳоратда чала ювилган бармоқлар орасига жаҳаннам олови киради! Ҳузайл Абдуллоҳ ибн Масъуддан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Киши таҳоратда бармоқлари орасини хилол қилади ёки унга жаҳаннам олови етади” (*Табароний “Кабир”да ривоят қилган. Ривоят санади ҳасан*).

Абдуллоҳ ибн Масъуддан келтирилган бошқа ривоятда: “Бешта бармоғингизни хилол қилинг! Аллоҳ улар

орасини жаҳаннам олови билан тўлдирмасин!” дейилган (*Табароний “Кабир”да ривоят қилган*). Бармоқлар орасини хилол қилиш таҳорат суннатлари қаторида зикр қилинса-да, аммо бармоқлар орасига сув кирмаса, у жой одатий ҳолга биноан покланмаса, таҳорат мукамал бўлмайди. Шу сабаб бу ишга алоҳида эътибор бериш лозим.

۲۹ – وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ رَأَى قَوْمًا يَتَوَضَّئُونَ مِنَ الْمَطْهَرَةِ فَقَالَ: أَسْبِغُوا الْوُضُوءَ فَإِنِّي سَمِعْتُ أَبَا الْقَاسِمِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: وَيُلِّ لِلْعِرَاقِيبِ مِنَ النَّارِ. (رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَالنَّسَائِيُّ وَابْنُ مَاجَةَ وَأَحْمَدُ.)

29 – Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу) таҳорат олинадиган жойда таҳорат қилаётган одамларни кўриб, уларга: “Таҳоратни мукамал қилинглар! Чунки мен Абулқосим (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ароқийбга жаҳаннамда ҳалокат бўлсин!” деб айтганларини эшитганман”, деди (*Бухорий, Муслим, Насоий, Ибн Можа ва Аҳмад ривояти*).

“Ароқийб” арабча сўз бўлиб, тилимизда “товон устидаги йўғон пай” маъносини англатади. Имом Бағавий ҳадис жумласини: “Товонларни ювишда камчиликка йўл қўядиганларга ҳалокат бўлсин!” деб изоҳлаган. Бу ривоятда алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳатлар бор:

– таҳоратда оёқни ювиш лозимлиги. Бусиз таҳорат таҳорат бўлмаслиги. Баъзи тоифалар оёқда маҳси бўлмаса ҳам унга масҳ тортиш жоизлигини даъво қилишган. Бу ерда улар фикрига етарли раддия бор;

– таҳоратда ювиш ноқулай ёки сув тегмай қолиш эҳтимоли бўлган аъзолар, жумладан, бармоқ ва бўғимлар ораси, оёқнинг товон қисмига алоҳида аҳамият бериш кераклиги;

– таҳоратда сув тегмаган ёки яхши ювилмаган аъзоларга жаҳаннамда азоб бўлиши.

Чала таҳорат олганлар ҳақидаги бу таҳдид ва огоҳлантиришлар сабабини излаб кўрайлик. Шунини айтиш мумкин, таҳорат барча амаллар калити ҳисобланиб, кўпгина амалларни таҳоратсиз бажариш мумкин эмас. Диннинг

устуни ҳисобланган намоз ҳам фақат таҳорат билан қабул қилинади. Таҳоратга эътиборсизлик бора-бора намозга, умуман шариат аҳкомларига эътиборсизликка олиб боради. Шу сабаб бўлса керак, ривоятларда таҳоратни мукамал қилишга нафақат тарғиб қилинган, балки буюрилган.

۳۰ – وَعَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: رَجَعْنَا مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنْ مَكَّةَ إِلَى الْمَدِينَةِ حَتَّى إِذَا كُنَّا بِمَاءٍ بِالطَّرِيقِ تَعَجَّلَ قَوْمٌ عِنْدَ الْعَصْرِ فَتَوَضَّؤُوا وَهُمْ عَجَالٌ فَانْتَهَيْنَا إِلَيْهِمْ وَأَعْقَابَهُمْ تَلُوحٌ لَمْ يَمْسَسْهَا الْمَاءُ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: وَيْلٌ لِلْأَعْقَابِ مِنَ النَّارِ أَسْبَغُوا الْوُضُوءَ.
(رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَالتَّسَائِيُّ وَابْنُ مَاجَهَ وَأَحْمَدُ.)

30 – Абдуллоҳ ибн Амр (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Биз Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан Маккадан Мадинага қайтаётган эдик. Йўлда сув бор жойга етиб келганимизда, одамлар аср намозига шошилганча таҳорат олишди. Биз уларнинг олдига бордик. Товонларининг сув тегмаган жойи кўриниб турарди. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “(Яхши ювилмаган) товонларга жаҳаннамда ҳалокат бўлсин! Таҳоратни яхшилаб қилинглари!” дедилар” (*Муслим, Абу Довуд, Насоий, Ибн Можа ва Аҳмад ривояти*).

Ўшанда одамлар таҳорат олаётиб, оёққа келганда унга масх тортиб қўйишган, уни ювишмаган. Буни кўрган Расулуллоҳ (алайҳиссалом): “(Яхши ювилмаган) товонларга жаҳаннамда ҳалокат бўлсин! Таҳоратни яхшилаб қилинглари!” деб уларни қаттиқ огоҳлантирганлар.

Таҳоратни мукамал қилиш уч хил бўлади:

- таҳоратда ювиладиган аъзоларга бир марта сув етказиш ва яхшилаб тозалаш фарз;
- аъзоларни уч мартадан ювиш суннат;
- исрофга йўл қўймаган ҳолда аъзолардан бир оз ўтказиб, масалан, қўлни тирсак ва оёқни тўпиқ юқорисигача ювиш мустаҳабдир.

۳۱ – وَعَنْ عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَجُلًا تَوَضَّأَ فَتَرَكَ مَوْضِعَ ظِفْرِ عَلَى قَدَمِهِ فَأَبْصَرَهُ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: ارْجِعْ فَأَحْسِنْ وُضُوءَكَ فَرَجَعَ ثُمَّ صَلَّى. (رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَأَحْمَدُ وَالطَّبْرَانِيُّ فِي الْكَبِيرِ وَالْبَيْهَقِيُّ فِي السُّنَنِ الْكُبْرَى.)

31 – Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анҳу) ривоят қилишича, бир киши таҳорат қилганда оёғида тирноқча жойни (ювмай) қолдирди. Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уни кўриб қолиб, “қайтиб боргин-да, таҳоратингни яхшилаб қил!” дедилар. Бас, у (бориб таҳоратини мукаммал қилиб) қайтиб келди, сўнгра намоз ўқиди (*Муслим, Абу Довуд, Аҳмад, Табароний “Кабир”да ва Байҳақий “Ас-сунанул кубро”да ривоят қилган*).

Ушбу ҳадисга кўра, таҳоратда ювиладиган аъзоларнинг бир қисми ювилмай қолиб кетса, бундай таҳорат тўғри бўлмайди. Бунда киши хоҳ атайин, хоҳ билмасдан қилсин, фарқи йўқ.

Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анҳу) ривоят қилишича, Расулуллоҳ (алайҳиссалом) пешин намозига таҳорат олаётиб, оёғида тирноқча жойни ювмасдан қолдирган кишини кўриб, “қайтиб боргин-да таҳоратингни яхшилаб қил!” деганларида, у қайтадан таҳорат олган ва намоз ўқиган (*Аҳмад. Ривоят санади саҳиҳ*).

۲۳ – وَعَنْ خَالِدٍ عَنْ بَعْضِ أَصْحَابِ النَّبِيِّ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَأَى رَجُلًا يُصَلِّيَ وَفِي ظَهْرِهِ قَدَمُهُ لُْمْعَةٌ قَدَرُ الدَّرْهِمِ لَمْ يُصِبْهَا الْمَاءُ فَأَمَرَهُ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ يُعِيدَ الْوُضُوءَ وَالصَّلَاةَ. (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

32 – Холид баъзи саҳобалардан ривоят қилишича, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир киши намоз ўқиётганини кўрдилар. Унинг оёғида танга миқдорича ювилмай қолган жой бор эди. Бас, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва сал-

лам) уни қайта таҳорат қилиб, намозни бошидан ўқишга буюрдилар. (*Абу Довуд ривояти. Ривоят санади саҳиҳ*).

Бу ерда ҳам таҳорат мукаммал қилинмаса, намоз қабул бўлмаслиги таъкидланмоқда.

ТАҲОРАТДАН СЎНГ ИККИ РАКАТ НАМОЗ ЎҚИШ ФАЗИЛАТИ

۳۳ – عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ لِبَلَالٍ عِنْدَ صَلَاةِ الْفَجْرِ: يَا بَلَالُ حَدِّثْنِي بِأَرْجَى عَمَلٍ عَمَلْتَهُ فِي الْإِسْلَامِ فَإِنِّي سَمِعْتُ دَفَّ نَعْلَيْكَ بَيْنَ يَدَيَّ فِي الْجَنَّةِ قَالَ: مَا عَمَلْتُ عَمَلًا أَرْجَى عِنْدِي أَنِّي لَمْ أَتَطَهَّرْ طَهُورًا فِي سَاعَةِ لَيْلٍ أَوْ نَهَارٍ إِلَّا صَلَّيْتُ بِذَلِكَ الطُّهُورِ مَا كُتِبَ لِي أَنْ أُصَلِّيَ. (رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَأَحْمَدُ وَأَبْنُ حِبَّانَ).

33 – Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилишича, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бомдод намозида Билолга: “Эй Билол, Исломда қилган энг умидли амалинг ҳақида сўзла. Чунки мен жаннатда ёнимда оёқ кийиминг овозини эшитдим”, деганларида, у: “Мен бирон умидли амал қилганим йўқ, аммо кечасими ёки кундузим таҳорат қиладиган бўлсам, мана шу таҳорат билан қодир бўлганча намоз ўқийман”, деди (*Бухорий, Муслим, Аҳмад ва Ибн Ҳиббон ривояти*).

Билол (розияллоҳу анҳу) азон айтса, иқоматдан аввал икки ракат намоз ўқирди ва доим таҳоратли юрарди. Қачон таҳорати синса, янгидан таҳорат қилиб, унинг кетидан имкон қадар намоз ўқишга ҳаракат қиларди¹⁴. Ҳадисда мана шу нарса Билолни (розияллоҳу анҳу) юксак мақомга кўтаргани, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва сал-

¹⁴ Имом Нававий “Саҳиҳи Муслим”га шарҳида: “Бу ҳадисда таҳорат кетидан намоз ўқиш фазилатли амал экани айтилмоқда. У суннатдир. Бу намозни қайтарилган вақтларда – қуёш чиқаётганда, тиккага келганда ва ботаётганда (бомдод ва аср намозларидан сўнг) ўқиш мумкин. Чунки бу намознинг ўқилишига сабаб бор. Бизнинг мазҳабда (яъни, шофиъий мазҳабда) шундай дейилган”, деб ёзади.

лам) тушларида уни жаннатда кўрганлари айтилмоқда ва бу ишда давомли бўлишга қизиқтирилмоқда.

۳۴ – وَعَنْ عُقْبَةَ بْنِ عَامِرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَتْ عَلَيْنَا رِعَايَةُ الْإِبِلِ فَجَاءَتْ نَوْبِي فَرَوَّحْتُهَا بَعْشِي فَأَدْرَكْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَائِمًا يُحَدِّثُ النَّاسَ فَأَدْرَكْتُ مِنْ قَوْلِهِ مَا مِنْ مُسْلِمٍ يَتَوَضَّأُ فَيُحْسِنُ وُضُوئَهُ ثُمَّ يَقُومُ فَيُصَلِّي رَكَعَتَيْنِ مُقْبِلَ عَلَيْهِمَا بَقْلِبِهِ وَوَجْهَهُ إِلَّا وَجِبَتْ لَهُ الْجَنَّةُ. (رواهُ مُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَالتَّسَائِي وَابْنُ مَاجَهَ وَابْنُ خُزَيْمَةَ.)

34 – Уқба ибн Омир (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Туяларни боқиш вазифаси бизнинг бўйнимизда эди. Менинг навбатим келганида, (ўтлатиб,) кечаси уларни қайтариб олиб келдим ва Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тик туриб одамларга гапираётганлари устидан чиқиб қолдим. Мен у зот: “Қайси бир мусулмон таҳоратни чиройли қилиб, сўнгра қалби ила юзланган ҳолда хушу ва хузу билан икки ракат намоз ўқиса, унга жаннат вожиб бўлибди”, деб айтганларини эшитдим” (*Муслим, Абу Довуд, Насоий, Ибн Можа ва Ибн Хузайма ривоят қилган*).

Юқорида Билал (розияллоҳу анҳу) ҳам доим таҳоратли юриш ва таҳоратдан сўнг хушу билан намоз ўқиш орқали жаннатга киришдек улуғ мартабага эришган эди. Бу иш бандага жаннатга кириш учун берилган катта имконият. Қийин эмас, фақат хоҳиш ва бир оз эътибор бўлса бас. Агар шу нарсага амал қилсак, иншааллоҳ, жаннатга киришни қўлга киритамиз. Аммо, фақат шунинг ўзинигина қилсам жаннатга кираман, бошқа ишларни қилмасам ҳам бўлаверади, деб хато тушунмаслик лозим. Бу ерда банданинг жаннатга киришига сабаб бўладиган фақат биргина амал ҳақида сўз бормоқда. Бундай амаллар кўп. Имкон борича солиҳ амалларни ажратмай барчасини қилиб бориш мақсадга мувофиқ.

۳۵ – وَعَنْ حُمْرَانَ مَوْلَى عُثْمَانَ أَخْبَرَهُ أَنَّهُ رَأَى عُثْمَانَ بْنَ عَفَّانَ دَعَا بِإِنَاءٍ

فَأَفْرَغَ عَلَى كَفِّهِ ثَلَاثَ مَرَارٍ فَغَسَلَهُمَا ثُمَّ أَدْخَلَ يَمِينَهُ فِي الْإِنَاءِ فَمَضَمَصَ
وَأَسْتَنْشَقَ ثُمَّ غَسَلَ وَجْهَهُ ثَلَاثًا وَيَدَيْهِ إِلَى الْمَرْفَقَيْنِ ثَلَاثَ مَرَارٍ ثُمَّ مَسَحَ بِرَأْسِهِ
ثُمَّ غَسَلَ رِجْلَيْهِ ثَلَاثَ مَرَارٍ إِلَى الْكَعْبَيْنِ ثُمَّ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ
عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَنْ تَوَضَّأَ نَحْوَ وَضُوءِي هَذَا ثُمَّ صَلَّى رَكَعَتَيْنِ لَا يُحَدِّثُ فِيهِمَا
نَفْسَهُ غُفِرَ لَهُ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِهِ. (رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ
وَأَبْنُ مَاجَةَ وَأَحْمَدُ وَأَبْنُ حِبَّانَ.)

35 – Усмоннинг мавлоси Хумрон ривоят қилишича, у Усмон ибн Аффоннинг идиш(да сув олиб келиш)ни буюрганини кўрган экан. У аввал қўлига уч марта сув қуйиб ювди. Сўнгра ўнг қўлини идишга тиқиб, оғиз-бурнини ювди. Кейин юзи ва қўлини тирсагигача уч марта ювди. Сўнгра бошига масҳ тортди. Шундан кейин уч марта оёғини тўпиғигача ювди ва: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким менинг таҳоратимга ўхшатиб таҳорат қилиб, сўнгра (хаёли) чалғимаган ҳолда икки ракат намоз ўқиса, унинг ўтган гуноҳлари, албатта кечирилади”, дедилар”, деб айтди (*Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Насоий, Ибн Можа, Аҳмад ва Ибн Ҳиббон ривояти*).

Ушбу ривоятда Усмон ибн Аффон (розияллоҳу анху) томонидан Набий (алайҳиссалом) таҳоратлари таърифланиб, сўнгра у зот айтган ҳадис келтирилмоқда. Демак, ким яхшилаб таҳорат олиб, хаёлини бир жойга йиғиб, хушу билан икки ракат намоз ўқиса, ўша банданинг ўтган гуноҳлари кечирилади ва унга жаннатга кириш вожиб бўлади.

Бу ривоятда афв этилиши ваъда қилинаётган гуноҳлар кичик гуноҳлардир. Аммо бу катта гуноҳларга дахли йўқлигини англатмайди. Кимда фақат кичик гуноҳлар бўлса, гуноҳи енгиллашади. Кимда кичик гуноҳ ҳам, катта гуноҳ ҳам бўлмаса, унинг мартабаси кўтарилади¹⁵.

¹⁵ Бу фикрлар Ибн Ҳажар Асқалонийнинг “Фатҳул борий” китобида келтирилган.

۳۶ – وَعَنْ عُقْبَةَ بْنِ عَامِرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: مَنْ تَوَضَّأَ فَأَحْسَنَ الْوُضُوءَ ثُمَّ صَلَّى غَيْرَ سَاهٍ وَلَا لِأَهْ غُفِرَ لَهُ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِهِ. (رواهُ أَحْمَدُ وَالطَّبْرَانِيُّ فِي الْكَبِيرِ وَفِي سَنَدِهِ ضَعْفٌ).

36 – Уқба ибн Омир (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Мен Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким чиройли таҳорат қилиб, сўнгра чалғимасдан, фикрини бир жойга йиғиб намоз ўқиса, унинг ўтган гуноҳлари мағфират қилинади”, деганларини эшитганман” (*Аҳмад ва Табароний “Кабир”да ривоят қилган. Ривоят санадида заифлик бор*).

Бу ерда аввалги ривоят маъноси қисқа тарзда айнан ўша ровий томонидан келтирилмоқда. Хулоса шу, банда таҳорат қилиб, хоҳ фарз, хоҳ суннат ёки бошқа нафл намозини ўқисин, ҳадисда айтилган фазилатга эришади. Таҳорат қилаётганимизда ва намоз ўқиётганимизда бу ҳадислар ёдимизда турса, ибодатга бўлган эътиборимиз янада ортади.

ТАҲОРАТНИНГ ОХИРАТ УЧУН ФОЙДАЛАРИ

Аллоҳ таоло бандаларига намоз ўқишларидан олдин таҳорат олишни буюрди. Бунда кўплаб фойда ва манфатлар бор. Юқорида таҳорат олиш банданинг баъзи гуноҳларига каффорат бўлиши ҳақидаги ҳадислар билан танишиб чиқдик. Энди эса таҳоратда аъзоларни ювганда кетма-кет узмасдан бажариш орқали ҳосил бўладиган ҳикматларни кўриб чиқамиз.

1. Таҳоратда ювиш фарз бўлган аъзоларнинг биринчиси юзdir. Юз инсондаги энг асосий аъзолардан бири бўлиб, бу аъзо айна пайтда гуноҳ содир этишда ҳам бош сабабчи саналади. Чунки унда кўз, бурун, оғиз ва тил каби гуноҳ содир этишда воситачи аъзолар бор. Чунончи, номаҳрамларга тикилишда кўз, ҳаром луқмани чайнашда оғиз, кишиларни ғийбат қилиб, обрўларини тўкишда тил “хизмат” қилади. Шу сабаб энг биринчи навбатда Аллоҳ

таоло ушбу аъзони ювишни, ундаги кир ва нопок нарсалар билан бирга, истиғфор ва тавба орқали содир этилган гуноҳларни кетказишни амр қилган.

2. Юздан кейин қўллар гуноҳ содир этишда ўзига хос ўрин тутади. Бунга сабаб шу, кўз кўради ва қўллар ёмонлик содир этади. Шу боис юздан сўнг икки қўл ювилиши керак.

3. Таҳоратдан кўзланган фойда кўпроқ маънавий поклик эканини бошга масҳ тортиш мисолида кўриш мумкин. Чунки бош тўлиқ ҳўлланиб, яхшилаб ювилмаса, тоза бўлмайди. Таҳоратда эса қўллар ҳўлланиб, бошга суртилади. Бу эса, аввало, Аллоҳ тарафидан бандаларга берилган энгиллик ва гуноҳлардан фориғ бўлиш учун яхши имкониятдир. Чунки гуноҳ содир этишда бошда жойлашган мия асосий ўрин эгаллайди. Айнан у маъсият иш ҳақида ният ва режа тузиб, сўнг бошқа аъзоларга буйруқ беради. Шунинг учун меҳрибон Аллоҳ миямизда ожизлигимиз туйфайли тугиб қўйган гуноҳ ҳақида қинғир режаларимиз, яъни гуноҳларимизга каффорат бўлиши учун бошга масҳ тортишга амр қилган.

4. Таҳоратда ювиш фарз қилинган кейинги аъзо бу оёқдир. Оёқнинг ёмон иш қилишда қўшган улуши бошқалардан кам эмас. Шу сабаб бу аъзонинг моддий кирларини кетказиш қаторида маънавий доғларини поклашга буюрилганмиз.

Таҳоратнинг охират учун фойдалари ҳақидаги хулосалар қуйидагилардан иборат:

- таҳорат олиш билан банда Аллоҳ розилиги ва муҳаббатига эришади;
- таҳорат улуғ ибодат бўлмиш намознинг калитидир;
- таҳоратни мукамал адо этиш имоннинг ярмига тенг;
- таҳорат банданинг баъзи гуноҳларига каффоратдир;
- таҳорат билан банданинг илоҳий даргоҳдаги мақоми кўтарилади;
- кўп таҳорат қилиш ва аъзоларни мукамал ювиш банданинг қиёматдаги нурини зиёда қилади;

– мукаммал таҳорат олиб, ҳадисларда келган дуоларни ўқиган банда учун жаннатнинг саккиз эшиги очилиб, хоҳлаганидан киради;

– доим таҳоратли юриш банда имонининг комиллигидандир;

– ҳар бир фарз намозидан олдин таҳорат устига таҳорат олиш банда учун нур устига нур бўлади.

Ниятни холис қилиб, таҳоратни яхшилаб адо этган банда дунёда ҳам, охиратда ҳам катта фойдаларга эришади. Шу маънода қуйида таҳоратнинг тиббий фойдалари ҳақида ҳам бир оз маълумот беришни маъқул топдик. Зеро, бу маълумотлар таҳоратга бўлган эътиборимизни янада ошириши шубҳасиз.

ТАҲОРАТНИНГ ТИББИЙ ФОЙДАЛАРИ

Аллоҳ таоло таҳорат ҳақидаги оятнинг охирида: **“Аллоҳ сизларни бирон машаққатга солишни истамайди, балки сизларни поклашни ва сизларга Ўз неъматларини мукаммал қилишни хоҳлайди. Шояд шукр қилсаларингиз!”** (*Моида, 6*), деган. Бу оятда айтилишича, таҳоратдан икки хил мақсад кўзланади:

– аъзоларни поклаш;

– неъматларнинг мукаммал қилиниши.

Агар аҳамият берилса, ояти каримадаги “неъматларнинг мукаммал қилиб берилиши” диққатни ўзига жалб этади. Бизнингча, бу саломатлик ва соғлиқдаги баъзи камчиликлар ўрнини тўлдириш бўлса ажаб эмас. Аллоҳ таоло бандаларига буюрган ҳар бир амалда олам-олам ҳикмат ва фойдалар мавжуд бўлиб, уларнинг саноғига етиш мушкул. Шариатнинг барча буйруқ ва қайтариқлари инсон манфаати учун хизмат қилади. Мисол учун, таҳорат инсон соғлиғи учун ниҳоятда фойдали бўлиб, турли касалликлар олдини олиши илмий тарафдан исботланган. Илм-фан ривожлангани сари бу маълумотлар янада кўпайиб бормоқда. Таҳоратда кафт, оғиз, бурун, юз, қўл (тирсаккача) ва оёқ каби аъзолар уч марта-

дан ювилади ва бош, қулоқ¹⁶ ва бўйинга бир марта масх тортилади.

Таҳорат олиш ювиладиган аъзоларни тозалаб, гуноҳларга каффорат бўлишдан ташқари уларнинг иш фаолиятини яхшилаб, саломатлигини янада мустаҳкамлайди.

Қуйида таҳоратнинг соғлиққа умумий таъсирини кўриб чиқамиз.

– банда таҳорат олаётганда миясидаги ёмон ўй-фикр, дунёга тегишли нарсаларни вақтинча унутади. Натижада бундан руҳий енгиллик ҳосил бўлиб, қалб ором олади ва хушу билан Аллоҳга юзланади. Дунёда инсон учун руҳий хотиржамлик ва қалб тинчлигидан кўра улуғроқ неъмат йўқ;

– ташқи аъзоларни кунига бир неча марта ювиш тери касалликлари олдини олади;

– таҳорат орқали тана ўзига ёпишган электронлардан фориғ бўлади. Натижада киши ўзида жисмоний оғирлашувни ҳис этмайди;

– таҳорат қон айланиш тизимига ижобий таъсир кўрсатиб, бутун танага қон етиб боришини таъминлайди. Натижада қариш секинлашади;

– таҳорат олиш орқали тананинг энг чекка қисмигача қон орқали озик моддалар етиб бориши таъминланади;

– таҳорат овқат ҳазм қилиш жараёнини фаоллаштиради;

– таҳорат кишини тери саратони касаллигидан сақлайди;

– таҳорат орқали руҳий тушкунлик, асабийлик ва жиззакилик каби нохуш ҳолатлар барҳам топади. Уйқусизлик касалига чалинганларга ҳам кечаси ётишдан олдин таҳорат олиш тавсия қилинади. Чунки қўл, юз ва оёқ каби асосий аъзоларни ювиш ёқимсиз туш, алаҳсираш ва нохуш ҳолатлардан асрайди;

– танадаги ортиқча чиқинди моддалар тер ёки ёғ шаклида асосан юз, қўл ва оёқда тўпланади. Маълумки, таҳоратда айнан шу аъзолар ювилади. Демак, ўз-ўзидан аён, таҳорат олиш баданни ортиқча чиқиндилардан фориғ этади;

¹⁶ Маълумки, қулоқ бошдан ҳисобланади. Унинг ўзи алоҳида аъзо эмас.

– таҳорат аъзолар учун гўё массаж (уқалаш) бўлиб, бу нарса унинг иш фаолиятини яхшилайдди;

– тана қанчалик пок бўлишида терининг аҳамияти катта. У тана оғирлигининг ўн беш фоизини ташкил қилади. Тери бир неча қаватлардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири муайян вазифани бажаради. Тери остида безлар мавжуд бўлиб, улар ёғ, туз ва терни ажратиб чиқаради. Тери остидан тирноқ ва тук ўсиб чиқади.

Тери жисми турли микроблардан сақлайди, тана эса ҳароратни бир меъёрда ушлаб туради. Шунингдек, тери остида асаб толалари мавжуд бўлиб, бу билан инсон иссиқ ва совуқни ҳис қилади. Тери остидаги минглаб безлардан тер ва ёғсимон моддалар ажралиб, унинг устки қатламига сингади. Агар унинг таркибидаги сув буғланса, тер таркибидаги қолдиқлар унинг юза қисмида тўпланиб қолади ва теридаги мавжуд майда тешикларни беркитиб қўяди. Бу эса тери фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Шу сабаб терини доим сувда ювиб туриш керак. Юқорида таҳоратнинг умумий фойдаларини кўриб чиқдик. Қуйида таҳоратнинг ҳар бир аъзога таъсирини ҳам ўрганамиз.

Истинжонинг фойдалари.

Шариатимизда ҳаётда керак бўладиган ҳар қандай катта-кичик масалалар баён қилинган ва ҳар бир ҳолат бўйича ўз қоида ва одоблари бор. Шундай одоблардан бири истинжодир. Истинжо деб, ҳожат чиқарилгач, орқа ёки олд нажосат йўлини тош, кесак, сув ва шунга ўхшаш яроқли нарсалар билан поклашга айтилади. Аслида истинжода сувдан фойдаланиб, ундан бошқа покловчи нарсалар фақат сув бўлмаган ҳолатлардагина қўлланади.

Истинжо қилишнинг тиббий фойдалари жуда кўп. Замонавий илм шу нарсани кашф қилди, қанд касаллиги билан оғриган бемор ҳожат чиқарганидан кейин яхшилаб истинжо қилмаса, танага теккан сийдикни ювиб ташламаса, унинг таркибидаги микроблар сийдик йўлига ўтиб яллиғланишни келтириб чиқаради. Бу нарса жинсий алоқа пайтида эрдан аёлга ўтиб, натижада бачадон яллиғланишига сабаб бўлади. Бунинг оқибатида кейинчалик бепуштлик келиб чиқиши эҳтимолдан холи эмас.

Истинжо турли зараркунанда, қурт ва гижжалардан ҳам сақлайди. Кичик игнасимон қуртлар орқа нажосат тешиги атрофида жойлашиб, тухум қўяди. Бу тухумлар аввал кийимга, кейин қўлга юқади ва яна ошқозонга тушиб, шу тариқа айланиб юради. Агар доимий суратда истинжо қилиб юрилса, ҳожатхонадан чиққач, қўллар совунлаб ювилса, бундай ҳолатларга ўрин қолмайди.

Истинжо ич терлама, вабо ва вирусли жигар вабоси каби хафвли касалликлардан ҳам сақлайди. Ўтган асрнинг 60-йиллари Англия шаҳарларининг бирида ич терлама касали тез суратда тарқайди. Бу нарса шаҳарда вабо тарқалиш хафвини келтириб чиқаради. Тиббий идоралар аҳолига ҳожатдан чиққач истинжо қилишни шарт қилиб қўяди ва бу шаҳарга микроб тарқалишининг олдини олишда энг яхши ва самарали усул экани билдирилади. Шаҳар аҳолиси тавсия этилган маслаҳатга амал қилиб, ҳожатхонада ишлатиладиган махсус қоғозлар билан кифояланмай, худди мусулмонлар каби истинжо қилишади. Бир оз фурсат ўтгач, ўша шаҳарда ичтерлама касаллиги барҳам топади¹⁷.

Шуни ҳам таъкидлаш лозим, истинжони чап қўл ёрдамида қилишда ҳам катта ҳикмат бор. Зеро, инсон ўнг қўли билан бошқалар билан кўришади, таом ейди ва ундан бошқа ишларни амалга оширади. Истинжони чап қўлда бажариш билан микроблар кўпайишининг олди олинади. Шу ўринда истинжодан кейин қўлни тупроққа суртиш ёки совунлаб ювиш янада фойдали эканини унутмаслик керак.

Тиббий нуқтаи назардан қараганда, истибро (сийдик қолдиқларидан сақланиш, эҳтиёт бўлиш)нинг ҳам катта аҳамияти бор. Сийдик йўлининг сийдикдан бутунлай фориғ бўлиши у жойда туз, жумладан, фосфат тузи йиғилишига йўл қўймайди. Сийдик йўлида туз йиғилиши кейинчалик унда майда тош чўкмасини юзага келтириши мумкин.

Қўлни бўғимгача ювиш фойдалари.

Маълумки, таҳоратни икки қўлимизни ювишдан бошлаймиз. Бунинг кўплаб фойдалари бор. Инсон қўли билан турли нарсаларни ушлаши ва бошқалар билан қўл бериб

¹⁷ Маҳмуд Аҳмад Нажиб, "Ат-тиббун набавий шифаун бил худал қуръаний".

кўришиши бактериянинг тарқалиб, кўпайишига сабаб бўлади. Тиббиётда терлама, дизентерия (ичбуруғ) ва гастрит каби касалликлар кўпроқ қўл орқали юқиши аниқланган. Динимизда қўлни ювиб, тирноқларни ўз вақтида олиб, озода бўлиб юришга ҳар бир мўмин-мусулмон амал қилиши қатъий белгилаб қўйилган. Қўллар ювилганда, бармоқ учларидан нур чиқиб, қўл атрофида доира ҳосил қилади. Натижада ички қувватимиз ҳаракатга келиб, қўлларимиз тоза ва чиройли кўриниш касб этади.

Оғизни чайиш (мазмаза)нинг фойдалари.

Таҳоратда қўлларни ювишнинг фойдаси жуда кўп. Агар яхшилаб ювилмаса, ундаги бактериялар оғиз орқали ошқозонга ўтиб, касалликни келтириб чиқаради. Оғизни ювиб юриш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Агар ўз вақтида тозаланмаса ёки мисвок билан покланмаса, ҳаво, озиқ-овқат ва бошқа нарсалар орқали оғизга турли зарарли моддалар тушади ва унда милк ва тиш касалликлари вужудга келади. Таҳоратда мисвок ишлатиш суннати муаккада бўлиб, тиббий нуқтаи назардан қараганда ҳам у ниҳоятда фойдалидир. Замонавий илмий кашфиётлар мисвок ҳақида қўйидаги хулосаларга келди:

- арок дарахтидан тайёрланган мисвок таркибида кўп миқдорда фторид бўлиб, бу модда тиш чиришининг олдини олишда катта аҳамиятга эга;
- мисвок эмал ва милкларга зарар етказмаган ҳолда тишларни керакли миқдорда тозалайди ва оқартиради;
- мисвок таркибидаги табиий антисептиклар оғиздаги зарарли микроорганизмларни йўқотади;
- мисвок таркибидаги фтор моддаси тишларни кариесдан сақлайди;
- хлор моддаси мавжуд бўлгани сабабли тишлардан турли ранг ва доғларни кеткизади;
- ошловчи кислота (дубильная кислота) милкни касалликлардан асрайди;
- хлорид моддаси ҳар хил тошма ва доғларни кетказишга ёрдам беради;
- мисвок таркибидаги силикат моддаси тишларни оқартиради;

- мисвокдаги баъзи моддалар оғиз саратони ва чиришинг олдини олади;
- фарфор моддаси тишни чиритувчи бактериялардан ҳимоя қилади;
- мисвокдаги хушбўй ёғ сўлак ажралиб чиқишини (саливация¹⁸) кўпайтиради ва натижада ксеростомия¹⁹ касаллигига чалинишга йўл қўймайди;
- мисвок умумий шамоллашнинг оддий давосидир;
- гингивит²⁰ касаллигини камайтиради;
- арок дарахти экстрактида оғиз чайилса, оғиздаги бактериялар етмиш беш фоизгача камайиши ўз тасдиғини топди. Мисвок билан тозалаганда ҳам шу натижага эришилади;
- милк қонашига йўл қўймайди;
- Мисрда олиб борилган тадқиқотларда маълум бўлишича, мисвок билан оғиз тозалангач, унинг қолдиқлари икки кунгача бактерияларни ўлдириш хусусиятини сақлаб қолиши аниқланди;

Бурунни ювиш (истиншоқ)нинг фойдалари.

Инсон ўпкасига чанг ва захарли моддалар аралашмаган тоза ҳаво керак. Ўпкага ютиладиган ҳавонинг намлик даражаси саксон фоиз бўлиши лозим. Мана шуни таъминлаш учун Аллоҳ таоло бизга бурун аъзосини берган. Бурун танадаги асосий аъзолардан биридир. Буни яхшироқ ҳис қилиш учун бурнингизни бир муддат беркитиб кўринг! Бунга қанча вақт чидаб тура оласиз? Бурнингизни беркитиб гапириб кўринг. Қанча вақт сабр қиласиз? Бурун ҳавони нам ва илиқ ҳолатга келтириб, ўпкага юборади. Бурун ичида чўткага ўхшаш ингичка туклар мавжуд. Ана шу туклар бактерияларни ўзида тутиб қолиш ва зарарсизлантириш хусусиятига эга. Инсон нафас олган вақтда унинг бурнида чанг ва шунга ўхшаш нарсалар тўпланиб туради. Таҳоратда бурунни ювиш орқали ана шу кирлар кеткази-

¹⁸Саливация – тил, жағ ости ва қулоқ олди сўлак безлари ҳамда оғиз бўшлиғи шиллиқ пардасида жойлашган кўпгина майда безлар фаолияти натижасида сўлак ажралиши.

¹⁹ Ксеростомия – сўлак безлари секрециясининг камайиши боис оғизнинг қуриб туриши.

²⁰ Гингивит – милк шиллиқ пардасининг яллиғланиши.

либ, касалликка чалиниш эҳтимоли камаяди. Айниқса, бурунни ювиш тумов бўлганда ва бурун деворлари яллиғланганда фойдалидир.

Искандария институтининг илмий ходими Муҳаммад Сулайм айна бурун билан боғлиқ тадқиқот ишида таҳорат қилмайдиган ва таҳорат қиладиган кишиларни юз нафардан танлаб, тажриба ўтказди. Микроб ва уларнинг турларини аниқлаш мақсадида бир неча ой давомида танланган одамлар бурнидан намуналар олиб, экиб кўради. Тадқиқот давомида шу нарса маълум бўлади, таҳоратсиз юрадиганлар бурни кир, нопок, ранги қора, бурун девори ва тукларига чанг-ғубор ёпишиб қолар экан. Ҳар доим таҳоратда юрадиганлар бурни тоза ва турли хил микроблардан холи эканини аниқлайди.

Тадқиқотлардан яна шу нарса маълум бўлдики, бурун бир марта ювилганида ундаги микробларнинг ярми кетса, икки марта ювилса, буруннинг учдан икки қисми покланар экан. Агар уч марта ювилса, бурун кирлардан тўлиқ покланади. Олимларнинг аниқлашларича, бурун тозалаб ювилганидан сўнг уч соатдан беш соатгача пок ҳолда туриб, сўнг яна кирлана бошлайди. Шу сабаб ҳар куни беш маҳал таҳорат оладиганлар бурнида нопок нарсалар асло қолмайди.

Юзни ювиш фойдалари.

Юзни ювиш юз терисини майин ва эгилувчан ҳолатга келтиради. Шунингдек, таҳоратда бу аъзони ювиш юзга нур ва чирой бағишлайди. Юзни ювиш орқали унда қон айланиши меъёрида бўлиши таъминланади. Юзни ювиш чоғида сув кўз ва унинг атрофига ҳам етказилгани учун кўриш қобилиятини кучайтириб, уни равшан қиладди ва нур бағишлайди. Юз ва пешона қисмини уч марта ювиш мияни тинчлантиради. Юзни ювиш юзга барвақт ажин тушишидан сақлаб, кўзни турли инфекциялардан ҳимоя қиладди. Жумладан, трахома²¹ касаллигининг олди олинади.

Қўлларни тирсакни ҳам қўшиб ювиш фойдалари.

Тирсакда учта томир мавжуд бўлиб, улар юрак, жигар ва мия билан боғланади. Агар бу томирларга намлик тег-

²¹ Трахома – кўз шиллиқ пардасининг юқумли касаллиги. Бунда кўз шиллиқ пардаси инфилътратлар, доначалар билан қопланиб, охири чандиқ бўлиб қолади.

са, юрак, жигар ва миянинг фаолияти яхшиланади. Кун бўйи қўлнинг тирсаккача бўлган қисмини либос ёпиб турса, унга сув ёки ҳаво тегмаса, асабийлашиш ва руҳий ҳолат ёмонлашуви кузатилган. Агар таҳорат вақтида енглар шимарилиб, қўл тозалаб ювилса, асабийлашмайди, саломатлик жойида бўлади.

Бошга масҳ тортиш фойдалари.

Бошнинг орқа қисми билан бўйин орасида асосий қон томири жойлашган бўлиб, бу томир орқа мия ва тананинг бошқа қисмларига тарқалувчи кичик томирлар билан узвий боғланган. Қулоққа масҳ тортиш орқали у ердаги чанг-ғубор ва қулоқ ичидан чиқадиган қулоқ олтингугурти вақти-вақти билан тозалаб турилади. Агар қулоқда кир ва олтингугурт йиғилиб қолса, эшитиш қобилияти сусаяди ёки қулоқ яллиғланади. Шунингдек, қулоқ ичи ва ташқарисига масҳ тортиш юқори қон босимини тушириб, тиш ва томоқ оғриғини тузатади. Бош ва бўйинга масҳ тортилганда қўлдаги нурлар орқа мия ва кичик томирларга ўтиб, тананинг кўпгина аъзолари фаолиятини кучайтиради. Бўйинга масҳ тортиш кишини асаб бузилиш ва руҳий касалликлардан сақлайди.

Оёқни ювиш фойдалари.

Инсон танасидаги ортиқча моддалар тер, сийдик ёки ахлат шаклида танадан чиқиб туради. Баданда қувват сарф бўлганида у тер ёки ёғ ҳолатида оёқда, айниқса, бармоқлар орасида тўпланади. Агар шу нарса ўз вақтида тозалаб турилмаса, бора-бора ортиқча чиқиндилар зарарли нарсага айланади. Таҳоратда оёқни ювиш билан бундай зарарли моддалар барҳам топиб, киши соғлиғига путур етмайди.

Оёқ кафтларида танадаги барча тизим аъзолари билан туташган етмиш мингдан ортиқ асаб толаларининг учлари жойлашган. Бу биологик фаол нуқталар турли аъзо ва тизимларнинг ишлашига масъул. Оёқни ювиш орқали бу нуқталар қўзғатилиши кайфиятни кўтаради, биологик фаол нуқталар ишлаши ўз ўрнида бўлади ҳамда бу нуқталар билан боғлиқ барча аъзолар иши уйғунлашади.

Ҳозирги пайтда кишилар деярли кун бўйи ёпиқ оёқ кийимда юрганлари боис таҳоратда оёқларни ювиш, айниқса, бармоқлар орасини ишқалаб ювиш катта аҳамият касб этади.

СУВЛАР ҲУКМИ

Таҳорат қилиш мумкин бўлган сувлар

Истеъмол қилишга яроқли ва тозалик учун ишлатиладиган сувларни Аллоҳ таоло осмондан ёмғир ҳолида туширади. Бу бандаларга берилган улуғ неъматдир. Аллоҳ таоло айтади:

وَهُوَ الَّذِي أَرْسَلَ الرِّيحَ بُشْرًا بَيْنَ يَدَيْ رَحْمَتِهِ وَأَنْزَلْنَا مِنَ السَّمَاءِ مَاءً طَهُورًا



“У Ўз раҳмати (яъни, ёмғир) олдидан хушхабар қилиб шамолларни юборган Зотдир. Ва Биз осмондан покиза сув ёғдирдик” (Фурқон, 48).

Ушбу оятда Аллоҳ таоло осмондан ёмғир ёғдириши, шундан ҳосил бўлган сув билан бандалар покланиши ва бу нарса одамлар учун раҳмат экани билдирилмоқда. Ҳақиқатан, агар Аллоҳ осмондан сув туширмаганида истеъмол қиладиган ва покланадиган сувни қаердан топардик? Шу сабаб биз сувни улуғ неъмат деб билишимиз лозим. Таҳоратда сув энг муҳим ўрин тутаети. Чунки сув бўлмаган ҳолатда тупроқ билан қилинадиган таяммум тўлиқ поклик ҳисобланмайти.

Таҳорат қилиш мумкин бўлган сувлар етти қисмга ажрайти:

- денгиз суви;
- дарё суви;
- қудуқ суви;
- булоқ суви;
- қор суви;
- дўл суви;
- ёмғир суви;

۳۷ – عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: جَاءَ رَجُلٌ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنَّا نَرَكِبُ الْبَحْرَ وَنَحْمَلُ مَعَنَا الْقَلِيلَ مِنَ الْمَاءِ فَإِنْ تَوَضَّأْنَا بِهِ عَطَشْنَا أَفْتَتَوَضَّأُ بِهِ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: هُوَ الطَّهْرُ مَاؤُهُ الْحَلُّ مِيتَتُهُ. (رَوَاهُ أَصْحَابُ السُّنَنِ وَالِدَّارِمِيُّ وَمَالِكٌ وَأَحْمَدُ وَابْنُ حَزِيمَةَ وَابْنُ حِبَّانَ وَالْحَاكِمُ وَالِدَّارِقُطْنِيُّ وَالطَّبْرَانِيُّ فِي الْكَبِيرِ وَقَالَ التِّرْمِذِيُّ: حَدِيثٌ حَسَنٌ صَحِيحٌ.)

37 – Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Бир киши Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига келиб, “Ё Расулуллоҳ, биз денгиз (кемалари)га минамиз ва ўзимиз билан кам сув олиб юрамиз. Агар у сув билан таҳорат қилсак, чанқаб қоламиз. Денгиз суви билан таҳорат қилаверайликми?” деган эди, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Унинг суви пок ва ўлимтиги ҳалолдир”, дедилар” (Сунан соҳиблари, Доримий, Молик, Аҳмад, Ибн Хузайма, Ибн Ҳиббон, Ҳоким, Дорақутний, Табароний “Кабир”да ривоят қилган. Термизий ҳадис ҳасан-саҳиҳ, деган).

Денгиз суви шўр, аччиқ ва ҳиди бадбўй бўлади. Шу сабаб ҳам ривоятда ичиб бўлмайдиган денгиз сувини таҳоратга яроқлими-йўқми, деган савол билан мурожаат қилинганда, Расулуллоҳ (алайҳиссалом) денгиз суви пок ва нарсаларни ҳам покловчи экани ва унда яшовчи жонзотлар ўлимтикларини ейиш ҳалоллигини билдирдилар. Бундан маълум бўлади, денгиз сувида таҳорат ва ғусл қилиш жоиз.

Имом Шофиъий: “Бу ҳадис поклик илмининг ярмидир”, деган экан. Ҳофиз ибн Мулаққин эса: “Бу улуғ ҳадис поклик асосларидан бири бўлиб, ўзида кўп аҳком ва муҳим қоидаларни жамлаган”, деб айтган.

۳۸ – وَعَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: الْمَاءُ لَا يَنْجِسُهُ شَيْءٌ. (رَوَاهُ أَحْمَدُ وَالطَّبْرِيُّ وَابْنُ حِبَّانَ وَالِدَّارِقُطْنِيُّ وَابُو يَعْلَى وَالطَّبْرَانِيُّ فِي الْكَبِيرِ وَالْأَوْسَطِ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

38 – Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) Расулуллоҳдан (солаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади: “Сувни ҳеч нарса ифлос қилмайди” (*Аҳмад, Табарий, Ибн Ҳиббон, Дорақутний, Абу Яъло, Табароний “Кабир” ва “Авсат”да ривоят қилган. Ҳадис санади саҳиҳ*).

Агар сувнинг ҳиди, таъми ва рангига унга тушган нарса таъсир қилмаса ёки сув миқдори кўп бўлиб, унга тушган нарса кичик бўлса, сувни булардан биронтаси ифлос қилолмайди. Сабаби сувнинг асли пок. Буни қўйида келадиган ривоятлар ва уларнинг шарҳи орқали янада яхшироқ тушуниб оламиз.

۳۹ – وَعَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: أَنْتَهَيْنَا إِلَى غَدِيرِ فَاذًا فِيهِ جَيْفَةٌ حَمَارٌ قَالَ: فَكَفَفْنَا عَنْهُ حَتَّى أَنْتَهَى إِلَيْنَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: إِنَّ الْمَاءَ لَا يُنَجِّسُهُ شَيْءٌ فَاسْتَقَيْنَا وَأَرْوَيْنَا وَحَمَلْنَا. (رَوَاهُ ابْنُ مَاجَهَ وَالطَّبْرِيُّ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

39 – Жобир ибн Абдуллоҳ (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Биз бир ҳовуз олдига борган эдик, ҳовузда эшакнинг ўлимтиги ётган экан. Расулуллоҳ (алайҳиссалом) олдимизга келгунларича ҳеч нарса қилолмай қолдик. У зот келиб, “сувни ҳеч нарса ифлос қилмайди”, деганларидан сўнг аввал ўзимиз ичдик, чорваларимизни суғордик ва ўзимиз билан ҳам олволдик” (*Ибн Можа ва Табарий ривояти. Ривоят санади саҳиҳ*).

Ҳовузга тушган нажосат ундаги сув хусусиятини ўзгартирмаса, сувлик ва поклик сифати йўқолмаса, бундай сув ифлос ҳисобланмайди. Бу ерда тилга олинган ҳовуз кенгроқ бўлишдан ташқари ўлимтик унинг бир четида бўлса керак. Акс ҳолда, Расулуллоҳ (алайҳиссалом) саҳобаларга ҳовуз сувидан фойдаланишга рухсат бермасдилар. Абу Юсуфдан (рахматуллоҳи алайҳ) ривоят қилинишича, катта жилға ҳам оқар сув ҳукмида бўлиб, агар сифати ўзгармаса, унинг суви нопок бўлмайди (“*Ал-кифоя*”, “*Фатҳул Қодир*”).

٤٠ - وَعَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قِيلَ يَا رَسُولَ اللَّهِ أَنْتَوَضَّأُ مِنْ بَثْرٍ بُضَاعَةٌ وَهِيَ بَثْرٌ يَلْقَى فِيهَا الْحَيْضُ وَلُحُومُ الْكِلَابِ وَالتَّنُّ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِنَّ الْمَاءَ طَهُورٌ لَا يَنْجَسُهُ شَيْءٌ. (رواه أبو داود والترمذي والنسائي والشافعي وأحمد والطبري وأبو يعلى وسنده صحيح).

40 – Абу Саид Худрий (розияллоху анху) ривоят қилади: “Кимдир: “Эй Расулulloх, биз Бузоа қудуғидан таҳорат қиламиз. Унга ҳайз латталари, итларнинг ўлимтиги ва бадбўй нарсалар ташланади”, деган эди, Расулulloх (алайҳиссалом): “Албатта сув покдир, уни ҳеч нарса ифлос қилмайди”, дедилар” (Абу Довуд, Термизий, Насоий, Шофиъий, Аҳмад, Табарий, Абу Яъло ривояти. Ривоят санади саҳиҳ).

Бузоа Мадинадаги машҳур қудуқнинг номи бўлиб, Расулulloх алайҳиссалом ундан челақда сув олиб таҳорат қилганлар ва ортиб қолган сувни яна қайтариб қудуққа тўкканлар. Бу билан қудуқ муборак бўлган. Агар бирон киши бетоб бўлса, унга Бузоъа суви билан ғусл қилиш тавсия этилган. Шунда бемор ҳеч нарса кўрмагандек тузалиб кетарди. Бу ривоятда ана ўша машҳур қудуқ суви билан боғлиқ масала ҳақида сўз бормоқда.

Бир киши Бузоа қудуғига турли чиқинди ва нопок нарсалар ташланишини айтиб, унинг сувидан фойдаланиш ҳақида сўраганида, Расулulloх (алайҳиссалом) Бузоа қудуғи катталигини ҳисобга олган ҳолда унга тушган нопок нарсалар қудуқ сувини ифлос қилмаслигини айтдилар. Агар қудуққа ўлимтик суяги тушиб, унинг гўшти ва ёғи бўлса, сув ифлосланади. Акс ҳолда, фақат суякнинг ўзи сувни ифлосламайди. (“Миърожуд дироя”).

Инсон териси ёки пўсти кам миқдорда тушса, сувни ифлосламайди. Агар у кўп миқдорда бўлса, сув ифлосланади. Фақат тирноқ тушиши билан сув ифлос бўлмайди. (“Ал-хуласоту”).

Нажосат тушган қудуқни қандай поклашга оид ҳукмлар фикҳий китобларда батафсил ёритилган. Бу тўғрида

кўпроқ маълумотга эга бўлишни хоҳлаганлар бунга оид манбаларга мурожаат қилишсин.

٤١ - وَعَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ بَعْضَ أَزْوَاجِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ اغْتَسَلَتْ مِنَ الْجَنَابَةِ فَتَوَضَّأَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِفَضْلِهَا فَذَكَرَتْ ذَلِكَ لَهُ فَقَالَ: إِنَّ الْمَاءَ لَا يَنْجِسُهُ شَيْءٌ. (رَوَاهُ النَّسَائِيُّ وَأَحْمَدُ وَالطَّبْرِيُّ وَابْنُ خُزَيْمَةَ وَابْنُ حِبَّانَ وَالْحَاكِمُ وَالطَّبْرَانِيُّ فِي الْكَبِيرِ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

41 – Ибн Аббосдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинишича, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) аёлларидан кимдир жунубликдан ғусл қилгач, Набий (алайҳиссалом) ундан ортиб қолган сувда таҳорат қилдилар. У (аёл) бунга у зотга айтган эди, у зот: “Сувни ҳеч нарса ифлос қилмайди”, дедилар” (*Насоий, Аҳмад, Табарий, Ибн Хузайма, Ибн Ҳиббон, Ҳоким, Табароний “Кабир”да ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ*).

Шуни инобатга оладиган бўлсак, жунуб ёки таҳоратсиз одам бирон идишда ғусл қилса ёки таҳорат олса, ортиб қолган сувдан фойдаланиш мумкин. Зеро, жунублик ёки таҳоратсизликни кетказиб, ундан ортиб қолган сувни фойдаланишга яроқсиз деб бўлмайди. Шунингдек, бундай ҳолатда покланган аёлдан қолган сувда ҳам ғусл ва таҳорат олиш жоиз. Бу ҳақда турли ривоятлар келган. Мазкур ривоятда жунублик ҳолатида ғусл қилган аёл “Набий (алайҳиссалом) аёлларидан кимдир” деб келтирилмоқда. Аммо Ибн Аббосдан (розияллоҳу анҳу) келтирилган бошқа ривоятда ўша аёл Маймуна (розияллоҳу анҳо) экани айтилади. Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) Маймуна онамиздан шундай ривоят қилади: “Мен идишда ғусл қилдим ва озроқ сув ортиб қолди. Расулуллоҳ (алайҳиссалом) ғусл ёки таҳорат қилмоқчи эдилар, мен: “Бу сувда ғусл қилганим!” дедим. Шунда у зот: “Сувни ҳеч нарса ифлос қилмайди”, дедилар” (*Табароний “Таҳзибул асар”да ривоят қилган*).

٤٢ - وَعَنْ أَبِي أُمَامَةَ الْبَاهِلِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِنَّ الْمَاءَ لَا يَنْجِسُهُ شَيْءٌ إِلَّا مَا غَلَبَ عَلَى رِيحِهِ وَطَعْمِهِ وَلَوْنِهِ. (رَوَاهُ ابْنُ مَاجَهَ وَالِدَّارِقُطْنِيُّ وَالطَّبْرَانِيُّ فِي الْكَبِيرِ وَسَنَدُهُ ضَعِيفٌ.)

42 – Абу Умома Боҳилий (розияллоху анху) ривоят қилади: “Расулulloҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Агар (бирон нарса) сувнинг ҳиди, таъми ва рангидан устун келмаса, уни ҳеч нарса ифлос қилмайди”, дедилар” (*Ибн Можа, Дорақутний, Табароний “Кабир”да ривоят қилган. Ҳадис санади заиф*).

Бу ривоятда сув қандай ҳолатларда ифлосланиши айтилмоқда. Юқорида сувнинг асли пок бўлиши ва уни ҳеч нарса ифлос қилмаслиги келтирилган. Аммо баъзи ҳолатларда сув поклиги кетиши мумкин. Агар нажосат тушиб, сувнинг ҳиди, таъми ёки ранги ўзгарса, бундай сувга ифлосланган сув деб ҳукм қилинади.

Покиза сувга тушган нарса сувнинг табиий ҳолатини ўзгартирса, бундай сувда таҳорат олиш мумкин эмас. Агар тушган нарса сувга аралашиб кетиб, оқувчанлик ва суюқлик хусусиятини ўзгартирса, сувнинг табиий ҳолати ўзгарган деб ҳукм этилади. Агар сувга барг ёки мевага ўхшаган нарсалар аралашса-да, аммо сувнинг ҳиди, таъми ва рангини ўзгартирмаса, бундай сувда таҳорат олиш жоиз. Агар оқар сувга ўлимтик ёки хамр (маст қилувчи ичимлик) каби харом нарсалар тушса, аммо сувнинг ранги, таъми ёки ҳидини ўзгартирмаса, бу сув ифлосланмаган ҳисобланади. (“*Мунятул мусоллий*”).

Куз фаслида сувга барг тушиб, ундаги ҳар учала сифатни ўзгартирса ҳам жумҳур ҳанафий уламолар наздида бундай сувда таҳорат олиш мумкин. (“*Шарҳу мунятил мусоллий*”).

٤٣ - وَعَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ عَنْ أَبِيهِ قَالَ: سَأَلَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنِ الْمَاءِ وَمَا يَنْوِبُهُ مِنَ الدَّوَابِّ وَالسَّبَاعِ فَقَالَ

صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِذَا كَانَ الْمَاءُ قُلَّتَيْنِ لَمْ يَحْمِلِ الْخَبَثَ. (رَوَاهُ أَصْحَابُ السُّنَنِ وَالِدَّارِمِيُّ وَالشَّافِعِيُّ وَأَحْمَدُ وَالطَّبْرِيُّ وَابْنُ خُزَيْمَةَ وَابْنُ حِبَّانَ وَالْحَاكِمُ وَالِدَّارِقُطْنِيُّ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ).

43 – Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Умар отасидан ривоят қилади: “Расулulloҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳайвон ва йиртқич жониворлар теккан сув ҳақида сўралган эди, у зот: “Агар сув икки қулла бўлса, ифлос бўлмайди”, дедилар” (Сунан соҳиблари, Доримий, Шофиъий, Аҳмад, Табарий, Ибн Хузайма, Ибн Ҳиббон, Ҳоким ва Дорақутний ривояти. Ривоят санади саҳиҳ).

Одатда, «қулла» қирқ пақир сув ёки тахминан 204 килограммга тенг ўлчов бирлиги. Ана шу миқдордаги сув очиқ жойда бўлса ва унга ҳайвон ёки йиртқич тегса ёки кам миқдорда нажосат тушса, бу сув ифлос бўлмайди. Уни покланиш мақсадида ишлатиш жоиз.

Агар сув икки қулла ёки ундан кўпроқ бўлиб, унга тушган нарса ранги, ҳиди ёки таъмини ўзгартирса, бундай сув пок ҳисобланмайди. Сабаби бунда сувнинг асосий сифатларидан бири ўзгарди. Шунингдек, сувда туғиладиган қони йўқ ҳашаротлар (масалан, балиқ, пашша, чивин)нинг ўлимтиги ҳам сувни ифлос қилмайди.

٤٤ – عَنْ سَلْمَانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: يَا سَلْمَانَ كُلُّ طَعَامٍ وَشَرَابٍ وَقَعَتْ فِيهِ دَابَّةٌ لَيْسَ لَهَا دَمٌ فَمَاتَتْ فِيهِ فَهُوَ حَلَالٌ أَكَلَهُ وَشَرِبَهُ وَوَضُوؤُهُ. (رَوَاهُ الدَّارِقُطْنِيُّ فِي السُّنَنِ وَالْبَيْهَقِيُّ فِي السُّنَنِ الْكُبْرَى وَفِي سَنَدِهِ ضَعْفٌ).

44 – Салмон (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Эй Салмон, ҳар бир таом ва ичимликка қони йўқ ҳашарот тушиб ўлиб қолса, уни ейиш, ичиш ва (ўша сув билан) таҳорат қилиш ҳалолдир”, дедилар” (Дорақутний “Сунан”да ва Байҳақий “Ас-сунанул кубро”да ривоят қилган. Ривоят санадида заифлик бор).

Бунда мазкур ҳашарот ва жониворлар сувда ўлган бўлса ҳам ёки қуруқликда ўлиб, сўнг сувга тушган бўлса ҳам, фарқи йўқ. Демак, қони йўқ ҳашаротлар сувга тушиб, унда ўлиб қолса ҳам сувни ифлосламайди. Агар қони бор ҳашарот ёки ҳайвон сувга тушиб, унда ўлиб қолса ва сувнинг асосий сифатларидан бирини ўзгартирса, бундай сувни покланиш учун ишлатиб бўлмайди. Шунингдек, сувда яшайдиган балиқ²², қурбақа ва қисқичбақанинг ўлиши ҳам сувни ифлос қилмайди. Бунда қурбақа қуруқликда ёки сувда яшашининг фарқи йўқ.

٤٥ - وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: لَا يَغْتَسِلُ أَحَدُكُمْ فِي الْمَاءِ الدَّائِمِ وَهُوَ جُنْبٌ فَقَالَ: كَيْفَ يَفْعَلُ يَا أَبَا هُرَيْرَةَ قَالَ: يَتَنَاوَلُهُ تَنَاوُلًا. (رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَالنَّسَائِيُّ وَابْنُ مَاجَةَ وَابْنُ خُرَيْمَةَ وَابْنُ حَبَّانَ وَالْبَيْهَقِيُّ.)

45 – Абу Хурайра (розияллоҳу анху): “Расулulloҳ (солалллоҳу алайҳи ва саллам): “Биронтангиз жунуб ҳолида оқмайдиган сувда ғусл қилмасин!” деганлар”, деб айтганида, бир киши: “Эй Абу Хурайра, у ҳолда қандай қилади?” деб сўради. У: “Қўли билан ҳовучлаб олади”, деди (*Муслим, Насоий, Ибн Можа, Ибн Хузайма, Ибн Хиббон ва Байҳақий ривояти*).

Бу ривоятда оқмайдиган сувда ғусл қилиш ўша сувни ифлос қилиши билдирилган. Хоҳ кўп, хоҳ кам миқдордаги оқмайдиган сув ичига тушган ҳолда ғусл қилиш мумкин эмас, балки идишда сув олиб, шу сув билан четроқда покланиш керак. Шунингдек, булоқ ёки қудуқ бошида ҳам ғусл қилинмайди. Чунки бундан сувнинг поклигига путур етиб, натижада бошқалар ундан фойдалана олмаслиги мумкин. Аммо оқмайдиган сувнинг миқдори кўп бўлса, у

²² Баъзилар: “Балиқдан бошқа сув жониворларининг ўлимтиги сувни ифлос қилади”, дейишган.

оқар сув ҳукмида бўлиб, унинг бир четига нажосат тушиши билан сувни ифлос деб ҳукм қилиб бўлмайди. Қачон сувнинг асосий сифатларидан бири ўзгарса, ўшандагина сувни ифлос деса бўлади.

“Сувлар ҳукми” бобида бунга ўхшаш ривоятлар кўп бўлиб, уларда ҳовуз, қудуқ ва оқар сувларнинг ҳукмлари батафсил ёритилган. Ҳозирги вақтда тоза сувлар асосан темир қувурлар орқали одамларга етказиб берилади. Ҳозир бундай ҳукмлар унчалик аҳамиятли эмасдек туюлса-да, барибир билиб қўйиш зарар қилмайди. Биринчидан, бу ҳукмларни ўрганиш орқали сувнинг нақадар улуғ неъмат эканини ва ҳозирги замонавий қулайликлардан унумли фойдаланиб, унинг қадрига етиш кераклигини англаб оламиз. Қолаверса, айрим ҳолларда қувурда сув тўхтаган вақтда очиқ жойда турган сувдан фойдаланишга ёки яқин ўртадаги қудуқ ва ҳовузлардаги сувдан фойдаланишга тўғри келади. Ана шунда сув тўғрисида билганимиз асқотади. Яна бир нарсани эслатиб ўтиш лозим, сувларнинг ҳозирги ҳукмлари ҳам асли биз ўрганаётган ҳукмлардан олинади. Бу эски ҳукмлар, уларни ўрганмаса ҳам бўлади, деган фикрга бориш мутлақо хато. Шариатимизда келтирилган ҳар бир ҳукмни батафсил ўрганиб бориш фойдадан холи эмас. Сувлар ҳукмига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

1. Тоза ва тозаловчи сув.

Бундай сувлар табиий ҳолдаги тоза сув бўлиб, улардан таҳоратда фойдаланиш мумкин. Бунга юқорида санаб ўтилган осмондан тушган (ёмғир ва қор) ва ердан чиққан (булоқ ва қудуқ) сувлари киради.

2. Тоза ва тозаловчи, аммо таҳорат учун танзиҳий макруҳ ҳисобланган сувлар.

Бунга мушук ва шу каби уй ҳайвонлари теккан сувлар мисол бўлади.

3. Тоза, аммо тозаловчи бўлмаган сувлар.

Бу мустаъмал (ишлатилган) сув бўлиб, у таҳорат ёки гуслда қўлланган сувдир. Ўсимлик ва мевалардан сиқиб чиқарилган сувлар ҳам шу турга киради.

4. Нопок сув.

Агар оқмайдиган сувга нажосат тушса, унда нажосат асари билинмаса ҳам, сув ифлос сувга айланади. Агар оқар сувга нажосат тушиб, унинг асари сувда билинса, сув нопок ҳисобланади. Акс ҳолда, нопок ҳисобланмайди. Нажосатнинг асари деганда уч сифатдан бири – таъми, ранги ёки ҳиди кўзда тутилади.

5. Ўзи пок, аммо тозаловчилиги шубҳали бўлган сув.

Агар бирон идишдан эшак ёки хачир сув ичса, ундан қолган сувнинг тозаловчилиги шубҳалидир.

СУЪР (ҚОЛДИҚ СУВ)ЛАР ҲУКМИ

Инсон ва ҳайвон ичган сувдан ортиб қолган нарса “суър” деб аталади ва у тўрт қисмга бўлинади:

1. Тоза ва тозаловчи суър.

Бунга хоҳ мўмин, хоҳ кофир, хоҳ жунуб, хоҳ ҳайзли бўлсин, оғзида нажосат бўлмаган кишилардан ортиб қолган сув киради. Демак, инсон зоти ишлатганидан қолган сув тоза деб ҳукм этилган.

٤٦ - عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: اغْتَسَلَ بَعْضُ أَزْوَاجِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي جَفْنَةِ فَأَرَادَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ يَتَوَضَّأَ مِنْهُ فَقَالَتْ: يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنِّي كُنْتُ جُنْبًا فَقَالَ: إِنَّ الْمَاءَ لَا يُجْنِبُ. (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَابْنُ مَاجَهَ وَابْنُ حَبَّانَ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ صَحِيحٌ.)

46 – Ибн Аббос (розияллоху анху) ривоят қилади: “Набий (соллаллоху алайҳи ва саллам) аёлларидан бири идишда ғусл қилди. Расулulloх (алайҳиссалом) ўша идишдан (сув олиб) таҳорат қилмоқчи эдилар, ўша (аёл): “Эй Расулulloх, мен жунуб эдим”, деди. У зот эса: “Сув жунуб бўлмайди”, дедилар” (*Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа ва Ибн Ҳиббон ривояти. Ривоят санади ҳасан-саҳиҳ.*)

Маймуна (розияллоху анҳо) катта идишдан сув олиб, ғусл қилганларидан кейин Расулulloх (алайҳиссалом) ор-

тиб қолган сувда таҳорат қилмоқчи бўлдилар. Маймуна онамиз мендан қолган сувни Расулуллоҳ (алайҳиссалом) ишлатишлари қандай бўлар экан, устига-устак жунуб ҳолда эдим, деган фикрга бориб: “Эй Расулуллоҳ, мен бу сувдан олиб ғусл қилгандим”, деганларида Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Бу сувдан олиб ғусл қилганинг билан ортган сувга зарар етмайди, сендан қолгани покиза”, деган маънода таълим бердилар. Бундан келиб чиқади, аёл кишидан (ҳатто у жунуб бўлса ҳам) ортган сувда таҳорат ва ғусл қилиш жоиз. Ҳанафий, шофиъий, моликий ва яна кўплаб уламолар бунга иттифоқ қилишган. Аҳмад ибн Ханбал ва Довуд: “Агар аёл киши сувни бир ўзи ишлатса, эркак киши ундан қолганини ишлатиши мумкин эмас”, дейди. Ҳасан Басрий ва Саид ибн Мусайяб: «Эркак аёлдан қолган сувни ишлатиши мутлақ кароҳатлидир», деган. Бу ихтилофлар ривоятларнинг турлича бўлишидан келиб чиққан. Лекин эркак аёлдан қолган сувни ишлатиши жоиз экани ҳақидаги далиллар кучлироқ. Агар сув ичаётган кишининг оғзида арок, ҳаром гўшт, ёғ, қон ва шунга ўхшаш нарсалар бўлса, бундай сувлар ўз-ўзидан нопок деб ҳукм қилинади. Агар санаб ўтилган нажосатлар бўлган киши оғзини ювса ёки лабини бир неча марта ялаб, сўнг сўлагини ичига ютса, ундан қолган сув нажосат эмас, балки макруҳдир. Оғзи қонаб, унинг изидан сув ичган кишидан қолган сув ҳам нопокдир. Агар у сўлагини бир неча марта ичига ютса, оғзи пок ҳисобланади.

Агар хамр ичувчининг мўйлаби узун бўлса, гарчи бир соатдан кейин сув ичса ҳам, у ичган идишдаги сув нопокдир (“Татархоний”).

٤٧ – وَعَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ قَالَ: كَانَ الرَّجَالُ وَالنِّسَاءُ يَتَوَضَّئُونَ فِي زَمَانِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ جَمِيعًا. (رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَأَبُو دَاوُدَ وَالنَّسَائِيُّ.)

47 – Абдуллоҳ ибн Умар (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) даврла-

рида эркак ва аёллар бирга таҳорат қилар эди” (*Бухорий, Абу Довуд ва Насоий ривояти*).

Ушбу ривоятни уламолар турлича тушунтирган. Жумладан:

– эркак ва аёллар бир идишдан таҳорат оларди;

– эркак ва аёллар бир жойда таҳорат қиларди. Яъни, аввал эркаклар, кейин аёллар таҳорат оларди. Биринчи қавл кучли саналади. Бу ривоятда ҳижоб ояти нозил бўлишидан олдинги ҳолат ҳақида сўз бормоқда. Ибн Умардан (розияллоҳу анху) келтирилган бошқа ривоятда Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), эркаклар ва аёллар бир идишдан сув олиб таҳорат қилаётганини кўрганлари айтилган. Ҳижоб ояти нозил бўлишидан олдин бегона эркак ва аёллар бир жойда йиғилишлари жоиз бўлиб, ўраниш ҳукми жорий бўлгач, бу одат секин-аста барҳам топган.

Шуни айтиб ўтиш лозим, фақат бир-бирига маҳрам эркак ва аёллар бир жойда таҳорат қилиши мумкин. Хусусан, эр ва хотин бир идишдан таҳорат ва ғул олиши мумкин.

Шунингдек, от²³ ва гўшти ейиладиган ҳайвонлардан қолган сув ҳам тоза ва тозаловчидир. Гўшти ҳалол ҳайвон нажосатларни егач, унинг оғзида ўша нажосат юқи қолмаса, ундан қолган сув макруҳдир. Кавш қайтарадиган ҳайвонлар оғзида кавш қайтариб чайнаётган нарсанинг асари бўлса, ундан қолган сув нопок. Сабаби ҳайвон кавш қайтарганда ошқозонидаги нарсани чайнаётган бўлади.

2. Нопок суър.

Гўшти ейилмайдиган фил, ит, тўнғиз, бўри, тулки, шер, арслон, маймун ва шу каби ҳайвонлардан қолган сув ва бошқа нарсалар нажас деб ҳукм этилган. Бундай сувда таҳорат олиш мумкин эмас ва бошқа нарсаларни поклашда ҳам ишлатилмайди. Фақат зарурат бўлганда уларни ишлатишга рухсат этилади. Итдан қолган ичимлик ва таом ҳам нопокдир. Аммо имом Молик итнинг суърини

²³ Фикҳ китобларида отдан қолган сув алоҳида зикр қилиниши бежиз эмас. Чунки аҳли сунна уламолари ичида отнинг гўшти ҳалол ёки ҳаромлиги борасида ихтилоф бор. Мақсад ўша ихтилофга барҳам беришдир. Баъзилар отнинг гўштини ейиш мумкин эмаслигини таъкидлаган. Лекин бу ихтилофга от гўштининг нопоклиги эмас, балки унинг кундалик эҳтиёжларда, хусусан жанг-жадалларда керак бўлгани сабаб эканини унутмаслигимиз лозим.

тоза, деб айтган. Аммо ўзи ҳам бошқалар қатори ит ялаган идишни етти марта ювиш лозимлигини таъкидлаган.

Тўнғиз Қуръони каримнинг Анъом сураси 145-оятда нопок деб айтилган. Тўнғиз итдан ҳам жирканчли маҳлуқ бўлиб, унинг нақадар нопоклиги ва гўштининг саломатликка қанчалик зиён эканини ҳаммамиз яхши биламиз. Ҳайвонлар сўлаги унинг гўшtidан пайдо бўлгани учун гўшти ейилмайдиган ҳайвон теккан идишдаги сувни ишлатиш мумкин эмас. “Ҳайвон теккан” деганда, унинг идишдан ичиши ва тилининг бир четини бўлса ҳам унга текказиши ёки баданининг бирон қисми тегиб кетиши тушунилади.

3. Тоза сув борлигида ишлатиш макруҳ ҳисобланган сув.

Бунга мушук, хонаки товук ва бургут кабилардан қолган сув киради²⁴. Агар мазкур ҳайвонлар ҳолатидан беҳабар қолинса, улардан қолган сув макруҳдир.

٤٨ - وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَأْتِي دَارَ قَوْمٍ مِنَ الْأَنْصَارِ وَدُونَهُمْ دَارٌ قَالَ: فَشَقَّ ذَلِكَ عَلَيْهِمْ فَقَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ سُبْحَانَ اللَّهِ تَأْتِي دَارَ فُلَانٍ وَلَا تَأْتِي دَارَنَا قَالَ: فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: لِأَنَّ فِي دَارِكُمْ كَلْبًا قَالُوا: فَإِنَّ فِي دَارِهِمْ سَنُورًا فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِنَّ السَّنُورَ سُبُعٌ. (رَوَاهُ أَحْمَدُ وَالْحَاكِمُ وَالِدَّارَقُطْنِيُّ وَسَنَدُهُ ضَعِيفٌ).

48 – Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ансорлардан бир қавмнинг уйига борар эдилар. Улардан кейин бир уй бор эди. Бу ҳолат ўша уй соҳибларига оғир ботиб, “эй Расулulloҳ, субҳаналлоҳ, фалончининг уйига келасизу, нега бизнинг уйга келмайсиз?!” дейишди. Шунда Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Чунки уйингизда ит бор”, де-

²⁴ Моликийлар наздида оғзининг поклиги шубҳали бўлган ароқ ичган одамдан қолган сувни ишлатиш ҳам макруҳ.

дилар. Улар эса: “Уларнинг уйида мушук бор-ку?!” дейишганида, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Мушук йиртқичдир”, дедилар” (*Аҳмад, Ҳоким ва Дорақутний ривояти. Ривоят санади заиф*).

Мана шу ривоятни далил сифатида келтириб, Абу Ҳанифа мушукдан қолган нарса макруҳдир, деб айтган²⁵. Аммо мушукнинг суъри ит, тўнғиз ёки маймунниқига қараганда енгилроқлигини ҳам алоҳида таъкидлаган мазҳаббошимиз²⁶. Ҳанафий уламолар бунинг сабабини тунтириб, мушукнинг суъри поклиги муайян шароит ва маконга нисбатан олиниб, мушук сичқон ва шунга ўхшаш нопок нарсаларни еб юришини айтишган. Агар шундан бошқа сув бўлмаса, мушук теккан сувда таҳорат олса бўлади. Уламолар агар имкони бўлса, поклигига шубҳа бўлмаган сувда таҳорат қилиш афзалроқ, дейишган. Аввал айтиб ўтганимиздек, бошқа тоза сув турганда мушукдан қолган сувда таҳорат қилинмагани дуруст. Пок сув бўла туриб, макруҳ сувда таҳорат олиш макруҳ. Агар бошқа сув топилмаса, ўзини ортиқча қийнамасдан макруҳ сувда таҳорат қилиш жоиз. (“*Ал-ихтиёр шарҳул мухтор*”).

Агар йиртқич қушлар бир хонадонда боқилиб, унинг эгаси қуш тумшугида нопок нарса йўқлигини аниқ билса, ундан қолган сувни ишлатишда кароҳият йўқ.

4. Тозаловчилиги шубҳали ҳисобланган суър.

Бунга эшак ва хачирдан ортиб қолган сув киради.

٤٩ – عَنْ أَنَسِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: أَتَانَا مُنَادِي رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: إِنَّ اللَّهَ وَرَسُولَهُ يَنْهَاكُمُ عَنْ لُحُومِ الْحُمُرِ فَإِنَّهَا رَجَسٌ. (رَوَاهُ النَّسَائِيُّ وَالِدَارِمِيُّ وَابْنُ مَاجَةَ وَأَحْمَدُ وَابْنُ حَبَّانَ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

49 – Анас (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) нидочилари ке-

²⁵ Имом Таҳовий: “Мушук гўшти ҳаром бўлгани сабаб ундан қолган сув таҳримий макруҳ”, деган. Кархий эса: “Мушукдан қолган сув танзиҳий макруҳ”, деб айтган.

²⁶ Абу Ҳанифа ва Имом Муҳаммад мушукнинг суъри макруҳ, дейишган. Абу Юсуф эса жумҳур уламолар фикрини маъқуллаган.

либ, “албатта Аллоҳ ва Унинг расули сизларни эшак гўшти (истеъмоли)дан қайтаради. Чунки у нопок нарса”, деди” (Насоий, Доримий, Ибн Можа, Аҳмад, Ибн Ҳиббон ривояти. Ривоят санади саҳиҳ).

Ушбу ҳадиси шарифда асосан эшак гўшти харом экани ва мусулмонларни уни ейишдан қайтарилгани айтилмоқда. Ривоятдан эшак гўшти нопок бўлганидан ундан қолган сув ҳам пок эмаслигини билиб оламиз. Бироқ эшак гўшти ҳақида бошқа ривоятлар ҳам бор. Уламолар шунга ўхшаш ривоятлардан келиб чиққан ҳолда эшакдан қолган сувни таҳоратда ишлатиш шубҳали, деб айтган. Агар эшак ёки хачирдан қолган сувдан бошқа сув топилмаса, шу сувда таҳорат олиниб, яна эҳтиёт юзасидан таяммум ҳам қилиниб, сўнгра намоз ўқилади²⁷. Бунда олдинига таҳорат қилдимми ёки таяммум қилдимми, фарқи йўқ. Бироқ олдин таҳорат, кейин таяммум қилиш афзал. Уламолар эшакдан қолган сувда таҳорат олаётганда эҳтиёт юзасидан ният қилиш дуруст эканини айтишган. (“Ал-Баҳрур роиқ”).

Шуни унутмаслик керак, эшак ёки хачир гўштининг харомлигида шубҳа йўқ, балки улардан қолган сув бошқа нарсаларни поклашида шубҳа бор. Чунончи, эшак ва хачирдан қолган сув кийим, бадан ва сувни ифлос қилмайди, аммо таҳоратсизликни кетказмайди. Эшак ва хачир инсонга ҳамроҳ бўлиб юрадиган ҳайвон саналади ва бу ҳайвонлар одамлар тутадиган идишлардан сув ичиш эҳтимоли кўпроқ. Шунингдек, эшак ва хачирдан улов сифатида фойдаланиш уларнинг суъри шубҳали эканига мана шу омиллар ҳам сабабчидир. Ҳанафий мазҳабига кўра, эшак ва хачирнинг сўлаги пок ҳисобланиб, фақат ундан қолган сув покловчи эканида шубҳа бор, холос. Олдинроқ эшак гўшти ҳукми ҳақида бир ривоятни ўргандик ва унда эшак гўшти харом экани айтилди. Дорақутний ва Байҳақийлар келтирган ривоятда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) очарчилик пайтида бир кишига эшак ёғидан фойдаланишга рухсат берганлари айтилган. (Бу ривоят санади

²⁷ Нусайр ибн Яҳё эшакдан қолган сувдан бошқа суви йўқ бўлган киши ҳақида: “У эшак суърини тўкиб юборади. Шунда унинг суви йўқ ҳисобланади ва кейин таяммум қилади”, деб айтган.

сахих эмас). Бу борада Анасдан (розияллоҳу анҳу) келтирилган ривоят сахихроқ саналади. Агар бир нарсанинг ҳалол ёки ҳаромлиги ҳақида ихтилофга борилса, у ҳаром деб қабул қилинади. Ҳайвонларнинг қайси турга оидлигини аниқлашда урғочиси эътиборда тутилади. Масалан, бўри урғочи қўй билан қўшилиб, бўри туғилса, уни ейиш ҳалол бўлади. Ҳатто уни қурбонликка сўйиш ҳам мумкин. (“*Ал-Баҳрур-роиқ шарҳу канзид-дақоиқ*”). Агар эшак бия (отнинг урғочиси) билан қўшилса, ундан туғилган хачир гўштини ейиш макруҳ эмас. Шунга кўра унинг суъри ҳам шубҳали бўлмайди (“*Ал-Ғояту*”).

“Навозил” китобида: “Эшакдан қолган сувни ичиш ҳалол эмас”, дейилган. Ибн Муқотил бунинг зарари йўқ, деган. Фақиҳ Абу Лайс: “Эҳтиёт юзасидан бундай сувни ичмаган маъқул”, деб айтган.

Ҳар қандай ҳайвондан чиққан тер ундан қолган сув ҳукмида бўлиб, агар эшак ёки хачирнинг тери ё сўлаги оз миқдордаги сувга тушса, гарчи тер ва сўлак кам бўлса ҳам, сувни ифлос қилади (“*Ҳидоя*”).

ТАҲОРАТ ҚИЛИШ МУМКИН БЎЛМАГАН СУВЛАР

Қуйидаги сувларда таҳорат олиш мумкин эмас:

1. Дарахт, мева ёки кўкатлардан сиқиб олинган сув.

Масалан, тарвуз, бодринг, атиргул суви, сирка каби суюқлик ва ичимликлар билан таҳорат қилиш жоиз эмас. Шунингдек, шўрва сувидан ҳам таҳоратда фойдаланиш жоиз эмас. Абу Ҳанифа: “Хурмо набизи (ичимлиги) билан таҳорат олинади, тупроқ билан таяммум қилинмайди”, деган (“*Ал-жомивус сағир*”). Яъни, Абу Ҳанифа сув топилмаган пайтда, агар хурмо мевасидан тайёрланган ичимлик бўлса, ундан таҳоратда фойдаланиш жоизлиги, аммо изидан таяммум қилинмаслигини айтган. Абу Юсуф: “Қандай ҳолатда бўлса ҳам, сув бўлмаган тақдирда таяммум қилинади, набиз билан таҳорат олинмайди”, деган. Муҳаммад: “Эҳтиёт юзасидан иккаласини ҳам қилади. Биронтасини тарк қилиш мумкин эмас. Қайси бирини олдин ёки кейин

адо этишида фарқ йўқ”, деган²⁸. Асад ибн Нажм ва Нух ибн Абу Марямдан ривоят қилинишича, Абу Ҳанифа кейинчалик шогирди Абу Юсуфнинг ҳукмини маъқуллаган. Бошқа ҳанафий уламолар ҳам бу борада Абу Юсуфнинг ҳукмига қўшилган.

Бундан ташқари, совунли ёки ишқорли сувда ҳам таҳорат олинмайди. Агар совун сувнинг суюқлик ҳолатига таъсир ўтказса ва асл ҳолатини ўзгартирса, бундай сув таҳорат учун яроқли эмас. Агар сувнинг софлиги ва суюқлиги ўзида сақланиб турса, унда таҳорат олиш жоиз. Бунда таҳоратда қўлни совун билан ювиш мумкин эмас экан-да, деб нотўғри тасаввурга бормаслик лозим. Идишдаги совунли сувда таҳорат олиш билан тоза сувда таҳорат қилаётиб, қўлни совунлаб ювиш орасида фарқ бор. Шунингдек, ток новдасидан оқиб тушган сувдан ҳам таҳоратда фойдаланиш жоиз эмас. Заъфарон ва атиргул аралашган сув суюқ бўлса, сувнинг хусусияти уларникидан устун келса, бундай сувда таҳорат қилса бўлади. Агар сув қизарса, у ҳолда жоиз эмас. Агар сувда нўхат ёки ловия ивителиб, ундан қолган сувнинг ранги ва таъми ўзгарса, аммо суюқлиги йўқолмай турса, бундай сувда таҳорат қилиш мумкин. Агар бу иккиси сувда пиширилиб, уларнинг ҳиди сувда сақланиб турса, бундай сувда таҳорат қилиш жоиз эмас (*“Фатаво Қозихон”*).

Агар нонни сувда бўктириб қўйилгач, сувнинг суюқлик ҳолати сақланиб қолса, унда таҳорат қилиш мумкин. Агар сув ҳолати ўзгариб, қуюқлашса, мумкин эмас. Агар сувга сирка, сут ва майиздан тайёрланган ичимлик каби тоза нарса аралашса ва шу туфайли сувнинг хусусияти йўқолса, бундай сувда таҳорат олиш мумкин эмас.

Сут ва заъфарон каби нарсалар сувга қўшилса, бу ҳолатда уларнинг ранги сувдан устун келиш-келмаслигига қаралади. Агар ранги бўлмаган бошқа суюқлик сувга аралашса, сувнинг таъми ўзгариш-ўзгармаслигига эътибор берилади (*“Бадоиғус саноиғ”*). Масалан, лой, тупроқ, гипс ва оҳак каби нарсалар сувга аралашиб, рангини ўзгартир-

²⁸ Имом Таҳовий ҳам хурмо набизи билан таҳорат қилгандан сўнг эҳтиёт юзасидан таяммум қилиб олиш яхши эканини айтган.

са ёки унда узоқ муддат туриб қолса, бундай сувда таҳорат қилиш жоиз (“*Бадоиъус саноиъ*”). Аммо жала сувига тупроқ аралашиб, сувлик хусусияти ғолиб келса ва сув суюқ ҳолда бўлса, бундай сувда таҳорат қилиш мумкин. Агар лой каби қуюқ бўлса, жоиз эмас.

2. Аллоҳга қурбат ҳосил қилиш учун таҳорат устига таҳорат олиш мақсадида ишлатилган сув.

Абу Юсуф: “Агар киши бетаҳорат ёки жунуб ҳолатда бўлса, у ишлатган сув нопок, агар таҳорат олган кишининг таҳорати бўлса, у ишлатган сув покдир”, деган. Зуфар: “Сув ишлатувчининг таҳорати бўлса, ишлатган суви покиза ва покловчи бўлади”, деб айтган.

3. Нопокликни кетказиш учун мустаъмал (ишлатилган) сувлар.

Қайси сув билан нопоклик кетказилса ёки қурбат ҳосил қилиш учун таҳорат олинса, бундай сув бадандан оқиб тушиши билан мустаъмал (ишлатилган сув)га айланади. Ҳали аъзодан оқиб тушмаган сув мустаъмал эмас. Аксар ҳанафий уламолар, шофиъий, моликий ва ҳанбалийлар мустаъмал сув пок, аммо покловчи эмаслиги, бундай сувда таҳорат олиш мумкин эмаслигига иттифоқ қилишган. Аммо ҳанафий уламолар орасида унинг поклиги борасида ихтилоф мавжуд. Муҳаммад: “У покдир”, деган. Бу Абу Ҳанифадан ривоят қилинган. Уламолар ҳам шунга фатво берган (“*Ал-муҳит*”).

Агар таҳоратсизлик ёки жунублик ёки ҳайздан покланмоқчи бўлган аёл ҳовучлаб сув олса, зарурат юзасидан бўлгани боис бундай сув мустаъмал сув ҳукмида бўлмайди. Сув мустаъмал бўлиши учун бирон аъзони тўлиқ сувга ботириш шарт қилинади. Бир ёки икки бармоқни сувга тикиш орқали сув мустаъмалга айланмайди. Агар кафтни тўлиқ сувга тикилса, сув мустаъмалга айланади. Агар киши таҳоратда ювадиган аъзоларидан бошқа бир аъзосини, масалан, сони ёки биқинини ювса, сув мустаъмал бўлмайди (“*Ал-хуласоту*”). Агар бир киши таҳоратли бўла туриб сочини олдириш учун бошини ювса, сув мустаъмал бўлмайди (“*Аз-зоҳирийя*”). Агар таҳоратли киши ўз бада-нидаги лой, хамир ёки кирни кетказиш учун таҳорат олса

ёки таҳорати бўла туриб салқинлаш учун ғусл қилса, бунда ҳам сув мустаъмал бўлиб қолмайди (“*Фатовою Қозихон*”).

Агар таҳоратсиз киши салқинлаш ёки таълим бериш мақсадида таҳорат қилса, Абу Ҳанифа ва Абу Юсуф наздида сув мустаъмалга айланади, аммо Муҳаммад наздида бундай сув мустаъмалга айланмайди (“*Ал-хуласоту*”). Агар ўсмир бола қўли ёки оёғини идишдаги сувга тикса ва унинг қўл-оёғининг тозалиги аниқ бўлса, ишлатилган сувда таҳорат қилиш жоиз. Агар боланинг қўл-оёғи поклиги аниқ бўлмаса, бошқа сув билан таҳорат қилиш мустаҳаб. Шу билан бирга, ўша сувда таҳорат қилиш жоиз (“*Ал-муҳит*”).

Агар киши таҳорат қилиб бўлгач, таҳоратда ювилган аъзоларини дастрўмол билан артса ва дастрўмол жиққа хўл бўлса ёки аъзоларидан оққан сув кийимини хўл қилса, ўша кийим билан намоз ўқиши жоиз. Бундай ҳолатда мустаъмал сув Муҳаммад наздида поклиги далил қилиб олинган (“*Ал-Бадоиъ*”). Мустаъмал сувни ичиш макруҳ (“*Ал-хуласоту*”). Шунингдек, таомдан олдин ёки кейин қўлни ювиш орқали сув мустаъмалга айланади (*Сарахсий*, “*Ал-муҳит*”). Маййит ювилган сув нопокка айланиб, гарчи маййит баданида кўзга ташланиб турган нажосат бўлмаса ҳам, ювилгандан кейин сув мустаъмалга айланади (“*Аз-зоҳирийя*”). Агар қудуққа оз миқдорда мустаъмал сув тушган бўлса, унинг зарари йўқ. Агар тушган мустаъмал сув қудуқ сувидан устун келса, қудуқ суви ифлосланган ҳисобланади (*Сарахсий*, “*Ал-муҳит*”). Куёшда иситилган сувда таҳорат ва ғусл қилиш макруҳ.

۵۰ - عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: دَخَلَ عَلَيَّ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَقَدْ سَخِنَتْ مَاءٌ فِي الشَّمْسِ فَقَالَ: لَا تَفْعَلِي يَا حُمَيْرَاءُ فَإِنَّهُ يُورِثُ الْبَرَصَ. (رَوَاهُ الدَّارَقُطْنِيُّ وَابْنُ بَيْهَقٍ فِي السُّنَنِ الْكُبْرَى وَالطَّبْرَانِيُّ فِي الْأَوْسَطِ وَسَنَدُهُ ضَعِيفٌ.)

50 – Ойша (розияллоху анҳо) ривоят қилади: “Олдимга Расулulloҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) кирдилар. Мен

қуёшда сув иситиб қўйгандим. У зот: “Эй Хумаиро, бундай қилмагин! Чунки у пес (касали)га сабаб бўлади”, дедилар” (*Дорақутний, Байҳақий “Ас-сунанул кубро” ва Табароний “Авсат”да ривоят қилган. Ривоят санади заиф*).

Гарчи ривоят санади заиф бўлса-да, фазилатли амаллар ёки бандага зарарли нарсалардан сақланиш ҳақида келган ривоятларга амал қилиш афзал. Ушбу ривоятда айтилганидек, қуёшда исиган сувда таҳорат олишнинг соғлиқка зарари бор. Чунки қуёш нури таркибидаги зарарли моддалар сувга ўтиб, соғлиқка зарар еткази.

۵۱ – وَعَنْ حَسَّانَ بْنِ أَزْهَرَ أَنَّ عُمَرَ بْنَ الْخَطَّابِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: لَا تَغْتَسِلُوا بِالْمَاءِ الْمُسَمِّسِ فَإِنَّهُ يُورِثُ الْبَرَصَ. (رَوَاهُ الدَّارَقُطْنِيُّ وَالْبَيْهَقِيُّ).

51 – Ҳассон ибн Азҳар ривоят қилишича, Умар ибн Хаттоб: “Қуёшда иситилган сувда ғул қилманглар. Чунки у мохов (касали)га олиб боради”, деган экан (*Дорақутний ва Байҳақий ривояти*).

Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анҳу) бу гапни ўзидан тўқиб айтмаяпти. У буни Набийдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эшитган ёки бирон ишончли манбадан олгани учун қуёшда исиган сувда ғул қилишдан қайтармоқда.

Жобир ибн Абдуллоҳдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинишича, Умар (розияллоҳу анҳу) қуёшда исиган сувда ғул қилишни ёмон кўрар ва у мохов (касали)га сабаб бўлади, деб айтарди. (*Байҳақий “Ас-сунанул кубро”да ривоят қилган*). Юқорида қуёшда исиган сувда таҳорат ва ғул қилиш яхши эмаслиги айтилди. Аммо оловда иситилган илиқ сувда таҳорат қилиш жоиз.

۵۲ – وَعَنْ أَسْلَمَ مَوْلَى عُمَرَ أَنَّ عُمَرَ بْنَ الْخَطَّابِ كَانَ يُسَخِّنُ لَهُ مَاءً فِي قُمْمَةٍ وَيَغْتَسِلُ بِهِ. (رَوَاهُ الدَّارَقُطْنِيُّ وَالْبَيْهَقِيُّ وَابْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَإِسْنَادُهُ صَحِيحٌ).

52 – Умарнинг мавлоси Аслам ривоят қилишича, Умар ибн Хаттоб учун идишда сув иситиб берилар ва у ғул қилар эди (*Дорақутний, Байҳақий, Ибн Абу Шайба ривояти. Ривоят санади саҳиҳ*).

Айюб ривоят қилади: “Мен Нофеъдан иссиқ сув ҳақида сўраган эдим, у Ибн Умар иссиқ сувда таҳорат қилар эди, деб жавоб берди” (*Ибн Абу Шайба*). Абу Салама: “Ибн Аббос оловда қиздирилган ёғни баданимизга суртамыз ва оловда қайнатилган сув билан таҳорат қиламыз”, деган”, деди. (*Ибн Абу Шайба ривояти*). Қуррадан ривоят қилинади: “Мен Ҳасан Басрийдан иссиқ сувда таҳорат қилиш ҳақида сўраган эдим, у бунинг зарари йўқ, деб жавоб берди” (*Ибн Абу Шайба ривояти*). Шофиъийлар: “Жуда иссиқ ёки ҳаддан ташқари совуқ сувда таҳорат қилиш танзиҳий макруҳ”, деган.

ИСТИНЖО

Поклик асосига қурилган динимизда бу ишга ҳам алоҳида аҳамият берилган. Ҳадиси шарифларда ҳожатхонага оид одоблар тўла-тўқис баён қилинган. Ташқаридан қараганда, бу кимгадир жуда эриш туюлиши мумкин. Аммо инсон ҳаётини ҳар томонлама ўзида тўлиқ акс эттирган динимизда бу нозик масала ҳам эътибордан четда қолмаган. Зеро, банданинг мукамал покликка эришишида бу одобларга риоя қилиш ҳам ўзига хос аҳамият касб этади. “Истинжо” сўзи²⁹ аслида “дарахтни илдизи билан суғуриб олиш” маъносини англатади. Фикҳий истилоҳда эса, олд ва орқа аврат йўлидан чиққан најосат қолдиғини сув билан тозалашга “истинжо”, тош, кесак ёки шу каби нарсалар ёрдамида поклашга эса “истижмор” дейилади. Истинжо ва истижмор эркак ва аёлларга бир хилда суннати муаккаддир³⁰. Расулulloҳ (алайҳиссалом) доим бу амални қилиб келганлар. Истинжони таҳорат суннатлари қаторида кел-

²⁹ “Истинҷоъ” ва “иститоба” сўзлари ҳам истинжо маъносида қўлланилади.

³⁰ Уламолар истинжонинг ҳукми борасида турли фикрларни айтган. Баъзилар уни мустаҳаб, яна баъзилар суннат, деган. Истинжо суннат экани ҳақидаги фикр тўғри бўлиб, жумҳур уламолар шунга иттифоқ қилган.

Шайхул Ислом: “Истинжо икки хил бўлади: тош билан истинжо ва сув билан истинжо. Тош билан истинжо қилиш суннат. Сув билан истинжо қилиш эса одоб ва фазилатдир”, деган. (“Ал-Жавҳаротун наййир”).

Ривоят қилинишича, саҳобалар баъзида сув билан истинжо қилиб, баъзида уни тарк қиларди. Бунга уламолардан бири: “Аввалги даврларди (яъни, саҳобалар вақтида) сув билан истинжо қилиш мустаҳаб эди. Аммо бизнинг замонга келиб, бу иш суннат даражасига кўтарилган”, деб изоҳ берган.

тирилмаслигига сабаб шуки, у бадандаги ҳақиқий нажосатни кетказади. Таҳоратнинг бошқа суннат амалларини бажариш билан бадандаги ҳукмий нажосатлар покланади.

Агар орқа авратдан чиқадиган ахлат одатдагидан ўзгармаса, истинжо учун тош ва унинг ўрнини босадиган нарсалар кифоя қилади. Агар ахлат йиринг ёки қон аралаш келса, бу ҳолда сувдан фойдаланиш лозим бўлади. Мазий ёки вадийни кетказиш учун тош етарли. Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) истинжо қилиш ҳақида кўплаб ривоятлар ворид бўлган. Қуйида шундай ривоятларнинг асосийлари билан танишиб чиқамиз.

۵۳ – عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَدْخُلُ الْخَلَاءَ فَأَحْمِلُ أَنَا وَعُغْلَامٌ نَحْوِي إِدَاوَةً مِنْ مَاءٍ وَعَنْزَةً فَيَسْتَنْجِي بِالْمَاءِ. (رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَالنَّسَائِيُّ وَأَحْمَدُ وَأَبْنُ خُزَيْمَةَ وَأَبُو يَعْلَى.)

53 – Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳожатхонага кирадиган бўлсалар, мен ва мен қатори яна бир хизматкор кичик мешда сув ва (учи темир тиғли) найзани кўтариб борар эдик. У зот сув билан истинжо қилардилар” (Бухорий, Муслим, Насоий, Аҳмад, Ибн Хузайма ва Абу Яъло ривояти).

Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу) анча йиллар давомида Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хизматларида бўлган улуғ саҳобадир. У кишидан ривоят қилинишича, Анас ва у тенги яна бир бола Расулуллоҳ (алайҳиссалом) ҳожатхонага борганларида бир идишда сув ва найзани кўтариб борар эдилар. Набий (алайҳиссалом) сув билан истинжо қилар, сўнг таҳорат олиб, намоз ўқир эдилар.

Найза Пайғамбаримизга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) намоз ўқишларида керак бўлган. Намоз ўқиётганда олдиларидан биров ўтиш эҳтимоли бўлганида, уни сутра қилганлар.

۵۴ – وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: اتَّبَعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ

وَخَرَجَ لِحَاجَتِهِ فَكَانَ لَا يَلْتَمِتُ فَدَنَوْتُ مِنْهُ فَقَالَ: ابْغِي أَحْجَارًا أَسْتَنْفِضُ بِهَا أَوْ نَحْوَهُ وَلَا تَأْتِي بَعْظُمَ وَلَا رَوْثَ فَآتَيْتُهُ بِأَحْجَارٍ بَطْرَفِ ثِيَابِي فَوَضَعْتُهَا إِلَى جَنْبِهِ وَأَعْرَضْتُ عَنْهُ فَلَمَّا قَضَى أَتْبَعَهُ بِهِنَّ. (رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ فِي الْجَامِعِ الصَّحِيحِ وَالْبَيْهَقِيُّ فِي السُّنَنِ الْكُبْرَى).

54 – Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳожатга чиққан эдилар, ортларидан бордим. У зот бундай пайтда ён-атрофга қарамас эдилар. У кишининг олдиларига яқинлашиб борган эдим, менга: “Тошлардан олиб кел. Улар билан истинжо қиламан (ёки шунга ўхшаш нимадир дедилар). Лекин суяк ва тезак олиб келма”, дедилар. Бас, мен кийимим этагида тош келтириб, у зот олдиларига қўйдим ва ўгирилиб турдим. У зот ҳожат чиқариб бўлгач, кетидан ўша тошларни ишлатдилар” (*Бухорий, “Ал-жамиъус соҳиҳ”-да ва Байҳақий “Ас-сунанул кубро”да ривоят қилган*).

Ушбу ривоятда Расулуллоҳ (алайҳиссалом) ҳожатхонага борганларида Абу Хурайранинг (розияллоҳу анҳу) хизматларига шай бўлиб туриши, истинжо одоблари, қандай нарсалар билан истинжо қилиш ва истинжода нималар ишлатиш жоиз ёки жоиз эмаслиги баён қилинмоқда. Расулуллоҳнинг (алайҳиссалом) “тошлардан олиб кел” деган сўзларидан истинжода шундан бошқа нарсани ишлатиш мумкин эмас, деган маъно келиб чиқмайди. Балки истинжо учун тош ва унинг ўрнини босадиган бошқа нарсалар жоиз. Бу ўринда шароитдан келиб чиққан ҳолда тош олиб келиш буюрилмоқда.

۵۵ – وَعَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَتَبَرَّزُ لِحَاجَتِهِ بِالْمَاءِ فَيَتَغَسَّلُ بِهِ. (رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَبُو يَعْلَى).

55 – Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳожатга чиққанларида мен сув олиб борар ва у зот ўша сув билан истинжо қилар эдилар” (*Муслим ва Абу Яъло ривояти*).

Ушбу ривоятда ҳам Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳожатдан сўнг сув билан истинжо қилишлари айтилмоқда. Уламолар сув ва тош билан истинжо қилиш борасида турлича фикрда бўлган. Аксарият салафлар ва улардан кейингилар истинжога аввал тош, кейин сув ишлатиш афзал, дейишган³¹. Бунда тош билан нажосат енгиллатилса, сув билан ювиш орқали тўлиқ покланилади. Агар шулардан бири билан кифояланмоқчи бўлса, хоҳлаганини танлаши мумкин. Сув бўла туриб, фақат тош билан истинжо қилиш ёки аксинча қилиш ҳам мумкин. Лекин барибир иккисидан бирини танлашга тўғри келса, фақат сув билан ювишни танлаган маъқул. Чунки сув нажосат изини ҳам, ҳидини ҳам кетказади. Тош эса нажосатни енгиллаштиради, холос. Шу ўринда яна бир нарсани эслатиб ўтиш лозим. Истинжога фақат тошни ишлатиб, кейин намоз ўқиш жоиз. Бу афв қилингандир.

۵۶ – وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا أَتَى الْخَلَاءَ أَتَيْتُهُ بِمَاءٍ فِي تَوْرٍ أَوْ رَكْوَةٍ فَاسْتَنْجَى ثُمَّ مَسَحَ يَدَهُ عَلَى الْأَرْضِ ثُمَّ أَتَيْتُهُ بِإِنَاءٍ آخَرَ فَتَوَضَّأَ. (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَأَحْمَدُ وَابْنُ حِبَّانَ وَالْبَيْهَقِيُّ فِي السُّنَنِ الْكُبْرَى وَسَنَدُهُ حَسَنٌ.)

56 – Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳожатхонага борсалар, мен мисдан қилинган кичик идишда ёки теридан қилинган идишда сув олиб борар эдим. У зот истинжо қилгандан кейин қўлларини ерга ишқалардилар. Шундан сўнг бошқа идишда сув олиб борардим ва у зот ўша сув билан таҳорат қилардилар” (Абу Довуд, Аҳмад, Ибн Ҳиббон, Байҳақий “Ас-сунанул кубро”да ривоят қилган. Ривоят санади ҳасан).

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ҳам Анас (розияллоҳу анҳу) каби Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўп хизмат қилган. Хусусан, у зот ҳожатхонага борганларида истинжога сув олиб борарди. Набий (соллаллоҳу алайҳи ва

³¹ Баъзи уламолар истинжога тош ишлатиш афзал эканини ёқлаб чиққан. Ибн Ҳабиб Моликӣ: “Суви йўқ одамгина тош ишлатиши мумкин”, деган.

саллам) бу ишдан бўшаганларидан кейин қўлларини тупроққа ишқар эдилар. Шундай қилинса, қўлда ёқимсиз ҳид ва нажосат асари қолмайди. Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) истинжо қилиб бўлганларидан кейин сув туғаб қолса, Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) бошқа идишда сув олиб келарди ва у зот таҳорат қилардилар³².

۵۷ – وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تَوَضَّأَ فَلَمَّا اسْتَنْجَى ذَلِكَ يَدَهُ بِالْأَرْضِ. (رَوَاهُ النَّسَائِيُّ وَأَبْنُ مَاجَةَ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ).

57 – Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилишича, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳорат қилишдан олдин истинжо қилсалар, қўлларини ерга ишқар эдилар” (*Насоий ва Ибн Можа ривояти. Ривоят санади ҳасан*).

Бу ривоятда ҳам Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) истинжо қилишлари ва ундан кейин қўлларини тупроққа ишқалашлари айтилмоқда.

۵۸ – وَعَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: مَا رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ خَرَجَ مِنْ غَائِطٍ قَطٍ إِلَّا مَسَّ مَاءً. (رَوَاهُ ابْنُ مَاجَةَ وَأَبْنُ حِبَّانَ وَسَنَدُهُ هَذَا الْحَدِيثُ صَحِيحٌ).

58 – Ойша (розияллоҳу анҳо) ривоят қилади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳожатхонадан чиқсалар, албатта, сув ишлатар эдилар” (*Ибн Можа ва Ибн Ҳиббон ривояти. Ушбу ҳадис санади саҳиҳ*).

Ушбу ривоятни уламолар икки хил таъвил қилган:

– агар қазои ҳожатга борсалар, сув билан истинжо қилардилар;

– агар ҳожатхонадан чиқсалар, таҳорат қилар эдилар.

Ҳар икки маънони қувватловчи ривоятлар бор. Лекин у зот ҳожатхонадан чиққач, истинжо қилишлари ҳақидаги фикр кучли далил саналади.

³² Ушбу ривоятни далил қилиб, баъзи уламолар: “Истинжо учун алоҳида идиш, таҳорат учун алоҳида идиш қилингани маҳбубдир”, деб айтишган (Муҳаммад Шамсулҳақ Азимободий, “Авнул маъбуд”).

۵۹ – وَعَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَغْسِلُ مَقْعَدَتَهُ ثَلَاثًا قَالَ ابْنُ عُمَرَ: فَعَلْنَاهُ فَوَجَدْنَاهُ دَوَاءً وَطُهُورًا. (رَوَاهُ ابْنُ مَاجَةَ فِي السُّنَنِ وَالطَّبْرَانِيُّ فِي الْأَوْسَطِ وَسَنَدُهُ ضَعِيفٌ.)

59 – Ойшадан (розияллоҳу анҳо) ривоят қилинишича, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ортларини сув билан уч марта ювар эдилар. Ибн Умар: “Биз ҳам шундай қилдик ва унинг шифо ва поклик эканини билдик”, деган (Ибн Можа “Сунан”да ва Табароний “Авсат”да ривоят қилган. Ривоят санади заиф).

Истинжо орқали банда аввало, пок бўлади, шу билан бирга ўзидан турли ҳид ва нохуш нарсаларни кеткизади. Қолаверса, истинжо саломатлик учун ҳам жуда фойдали бўлиб, бу хусусда юқорида тўхталиб ўтдик.

۶۰ – وَقَالَتْ عَائِشَةُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا: مُرَّنَ أَرْوَاجِكُنَّ أَنْ يَسْتَطِيبُوا بِالْمَاءِ فَإِنِّي أَسْتَحْيِيهِمْ فَإِنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَفْعَلُهُ. (رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَالنَّسَائِيُّ وَأَحْمَدُ وَابْنُ حِبَّانَ وَأَبُو يَعْلَى وَالطَّبْرَانِيُّ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

60 – Ойша (розияллоҳу анҳо) шундай деган: “Сизлар эрларингизни сув билан (истинжо қилиб) покланишга буюринглар. Мен улар(га буни айтиш)дан уяламан. Зеро, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шундай қилар эдилар” (Термизий, Насоий, Аҳмад, Ибн Ҳиббон, Абу Яъло ва Табароний ривояти. Ривоят санади саҳиҳ).

Имом Аҳмаднинг “Муснад”ида Ойша (розияллоҳу анҳо) бу сўзларни басралик аёлларга айтгани келтирилган. Шундан истинжо ҳар бир мўмин-муслмонга лозим бўлган вазифалиги ва уни Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) канда қилмай бажарганларини билиб оламиз. Бу ривоятда баъзи масалалар эркакларга тўғридан-тўғри эмас, балки аёллар орқали етказилиши дурустлиги маълум бўлмоқда. Чунончи, Ойша (розияллоҳу анҳо) онамиз Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) истинжо қилганла-

рини бевосита кўп бора кўрганлар ва танмахрам сифатида бу ишга гувоҳ бўлганлар унга нисбатан озчиликни ташкил қилади. Бироқ бу хусусдаги гапларни аёл эркаклар олдида гапириши ноқулай. Шу боис Ойша (розияллоҳу анҳо) онамиз басралик аёлларга эрларини истинжо қилишга буюришлари бежиз эмас.

Истинжо ҳанафийлар мазҳабида суннат. Уламоларимиз наздида, истинжо қилмасдан ўқилган намоз жоиз, аммо кароҳати бор. Мазҳабимизга кўра, кийим ва баданга теккан оз миқдордаги нажосат афв қилинади. Шофиъийларда эса бундай эмас. Улар истинжо қилишни шарт деб айтган. Ҳанафийлардан бошқалар икки нажосат йўлидан чиққан бавл, мазий ёки қазои ҳожатдан сўнг истинжо ёки истижмор қилишни вожиб, дейишади ва бунга Муддассир сурасининг 5-ояти ва яна кўплаб ҳадисларни далил қилиб келтиришади. Ҳақиқатан ҳам, олд ва орқа аврат йўлидан нажосат чиққан жойни сув билан ювилмаса, тўлиқ покликка эришиб бўлмайди. Бироқ ел чиққандан сўнг истинжо қилиш шарт эмас. Чунки бу билан тана нопок бўлмайди.

ҲОЖАТХОНА ВА ИСТИНЖО ОДОБЛАРИ

Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳадиси шарифларида ҳожатхона одоблари хусусида кўплаб йўл-йўриқлар берилган. Уларга амал қилиш кишининг тоза бўлишида катта аҳамият касб этади. Қуйида ана ўша ривоятлар асосида ҳожатхона ва истинжо одобларига диққатни жалб этамиз.

Одамлар кўзи тушмайдиган жойларда ҳожат чиқариш.

Ҳожатга борадиган киши бировнинг кўзи тушмайдиган хилватроқ жойни танлаши лозим. Бу нарса ҳали ҳожатхоналар қуриш одатга айланмаган даврларга хос бўлса-да, барибир киши ҳожат чиқараётганда ўзгалар назаридан четда бўлиши ва авратини беркитиши талаб этилади. Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) гўзал одобларидан бири ҳам шундай эди.

٦١ - عَنْ الْمُغِيرَةَ بْنِ شُعْبَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ إِذَا ذَهَبَ الْمَذْهَبَ أَبْعَدَ. (رَوَاهُ أَصْحَابُ السُّنَنِ وَابْنُ خُرَيْمَةَ وَالْحَاكِمُ وَالطَّبْرَانِيُّ فِي الْكَبِيرِ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ صَحِيحٌ.)

61 – Муғира ибн Шуъба (розияллоҳу анҳу) ривоят қилишича, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) борадиган жойга борсалар, узоқлашиб кетар эдилар (Сунан соҳиблари, Ибн Хузайма, Ҳоқим, Табароний “Кабир”да ривоят қилган. Ривоят санади ҳасан-саҳиҳ).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) очик жойда ҳожат чиқармоқчи бўлсалар, одамлар кўзи тушмайдиган жойни танлар эдилар. Авратни бировлар назаридан сақлаш ва одамларга зиён етказмаслик учун ҳам шундай қилардилар.

٦٢ - وَعَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ إِذَا أَرَادَ الْبِرَّازَ انْطَلَقَ حَتَّى لَا يَرَاهُ أَحَدٌ. (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالْبَيْهَقِيُّ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

62 – Жобир ибн Абдуллоҳ (розияллоҳу анҳу) ривоят қилишича, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳожат чиқармоқчи бўлсалар, ҳеч ким кўрмайдиган масофагача кетар эдилар (Абу Довуд ва Байҳақий ривояти. Ривоят санади саҳиҳ).

Бу ривоятда ҳам аввалгисидаги маъно такрорланган. Уламолар ушбу ривоятлардан келиб чиққан ҳолда ҳожат чиқарадиган одам кишилар кўзидан узоқроқ бўлиши, ҳожат вақтида овози эшитилмаслиги ва нажосат ҳиди етиб келмаслигига аҳамият беришини алоҳида таъкидлашган.

٦٣ - وَعَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ جَعْفَرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: أَرَدَفَنِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ذَاتَ يَوْمٍ خَلْفَهُ فَأَسْرَّ إِلَيَّ حَدِيثًا لَا أُحَدِّثُ بِهِ أَحَدًا مِنَ النَّاسِ وَكَانَ أَحَبَّ مَا اسْتَتَرَ بِهِ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِحَاجَتِهِ هَدْفٌ أَوْ حَائِشٌ

نَحْلٍ. (رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَالدَّارِمِيُّ وَابْنُ مَاجَةَ وَأَحْمَدُ وَابْنُ خُزَيْمَةَ.)

63 – Абдуллоҳ ибн Жаъфар (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Бир куни Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мени уловларига мингаштириб, менга бир сирли гапни айтдилар. Мен уни одамлардан ҳеч кимга айтмайман. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳожат пайтида дўнглик ёки хурмо (боғининг) деворини тўсиқ қилишни яхши кўрар эдилар” (Муслим, Абу Довуд, Доримий, Ибн Можа, Аҳмад ва Ибн Хузайма ривояти).

Юқорида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳожат чиқариш пайтида одамлар кўзидан узоқроқ жойни танлашлари айtilса, бу ўринда у зот яна қандай жойларни танлаганлари айtilмоқда. Демак, назар тушмаслиги учун дўнглик ёки хурмо боғ деворини танланган. Уламолар мана шу ривоятни далил қилиб, ҳожатга ўтирган одамнинг бирон аъзоси бошқаларга кўринмаслиги суннати муаккададир, дейишган.

٦٤ - وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَنْ اِكْتَحَلَ فُلْيُوتَرٌ مِنْ فَعَلٍ فَقَدْ أَحْسَنَ وَمَنْ لَا فَلَا حَرَجَ مَنْ اسْتَجَمَرَ فُلْيُوتَرٌ مِنْ فَعَلٍ فَقَدْ أَحْسَنَ وَمَنْ لَا فَلَا حَرَجَ مَنْ أَكَلَ فَلْيَتَخَلَّلَ فَمَا تَخَلَّلَ فَلْيَلْفِظْ وَمَا لَاكَ بِلِسَانِهِ فَلْيَبْتَلِعْ مَنْ أَتَى الْغَائِطَ فَلْيَسْتَسِرْ فَإِنْ لَمْ يَجِدْ إِلَّا كَثِيبَ رَمَلٍ فَلْيَسْتَدْبِرْهُ فَإِنَّ الشَّيَاطِينَ يَتَلَاعَبُونَ بِمَقَاعِدِ بَنِي آدَمَ مَنْ فَعَلَ فَقَدْ أَحْسَنَ وَمَنْ لَا فَلَا حَرَجَ. (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالدَّارِمِيُّ وَاللَّفْظُ لَهُ وَأَحْمَدُ وَالطَّبْرَانِيُّ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ.)

64 – Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким сурма қўйса, тоқ қилсин. Ким шундай қилса, яхши қилибди. Ким қилмаса, ҳечқиси йўқ. Ким тош билан истинжо қилса, тоқ қилсин. Ким шундай қилса, яхши қилибди. Ким қилмаса, зарари йўқ. Ким таом еб тиши орасидаги қолдиқларни

чиқарса, тупуриб ташласин. Тили билан чиқарганини ютаверсин. Ким ҳожатга борса, бас, ўзини пана жойга олсин. Агар қум уюмидан бошқа нарса топа олмаса, унинг орқасига ўтиб олсин. Зеро, шайтонлар Одам боласи орқасини ўйнайди. Ким шундай қилса, яхши қилибди. Ким қилмаса, зарари йўқ”, дедилар” (Абу Довуд, Доримий, Аҳмад ва Табароний ривояти. Ҳадис лафзи Доримийга тегишли ва унинг санади ҳасан).

Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ушбу ҳадисларида тўрт нарса муҳим экани баён этилган.

“Ким сурма қўйса, тоқ қилсин. Ким шундай қилса, яхши қилибди. Ким қилмаса, ҳечқиси йўқ”.

Бизда сурмани фақат аёллар қўйиши одат тусига кирган. Аслида мусулмон эркак ва аёллар бирдек сурмадан фойдаланган. Сурманинг ҳижоб ёки билагузук каби фақат аёлларга хослик тарафи йўқ. Сурма кўзга жуда фойдали нарса. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сурма қўйганлар ва умматларини ҳам шунга тарғиб қилганлар. Ҳадисда сурмани тоқ қўйиш тавсия қилинмоқда. Уламолар бунини изоҳлаб, ҳар бир кўзга уч мартадан сурма қўйилади, дейишган. Ким суннатга эргашиб, сурмани тоқ қўйса, савобга эришади. Чунки Аллоҳ тоқдир ва тоқни яхши кўради. Агар ким жуфт қўйса, зарари йўқ, гуноҳ бўлмайди.

“Ким тош билан истинжо қилса, тоқ қилсин. Ким шундай қилса, яхши қилибди. Ким қилмаса, зарари йўқ”.

Ким тош билан истинжо қилса, уч, беш ёки еттита тош ишлатсин. Ким шундай қилса, савоб олади. Агар ким жуфт ишлатса, зарари йўқ. Истинжодан мақсад, тошларни тоқ ишлатиш эмас, покланишдир.

“Ким таом еб тиши орасидаги қолдиқларни чиқарса, тупуриб ташласин. Тили билан чиқарганини ютаверсин”.

Овқатланиб бўлгандан кейин тишлари орасида қолган нарсаларни тиш ковлагич ёрдамида чиқарган киши уни тупуриб ташласин. Чунки қолдиққа қон аралашган бўлиши мумкин. Яна унинг биз билмаган бошқа сабаблари ҳам бордир. Ким тиши орасидаги қолдиқни тили ёрдамида чиқарса, ютиши мумкин. Лекин тили билан чиқарганда,

ўша нарсага қон аралашса, уни ютиши мумкин эмас.

“Ким ҳожатга борса, бас, ўзини пана жойга олсин. Агар қум уюмидан бошқа нарса топа олмаса, унинг панасига ўтиб олсин. Зеро, шайтонлар Одам боласи орқасини ўйнайди. Ким шундай қилса, яхши қилибди. Ким қилмаса, зарари йўқ”.

Очиқ жойда қазои ҳожат чиқармоқчи бўлган киши иложи борича ўзини панага олсин. Агар саҳрода бўлиб, паналаб ўтиришга жой топа олмаса, қумни тўплаб, ўшанга орқа ўгириб ўтирсин. Шунда шайтон зараридан сақланади. Ким тавсияга қулоқ тутиб, ўзини четроққа олса, яхши. Аммо ким бундай қилолмаса, зарари йўқ. Тик турган ҳолатда аврат очилмайди. Бу ҳам истинжонинг муҳим одобларидандир.

٦٥ - عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ إِذَا أَرَادَ حَاجَةً لَا يَرْفَعُ ثَوْبَهُ حَتَّى يَدْنُو مِنَ الْأَرْضِ. (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَالدَّارِمِيُّ وَالبَيْهَقِيُّ فِي السُّنَنِ الْكُبْرَى وَالتَّبْرَانِيُّ فِي الْأَوْسَطِ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

65 – Ибн Умар (розияллоҳу анҳу) ривоят қилишича, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳожат чиқаришга борсалар, ўтирмагунча кийимларини кўтармас эдилар (*Абу Довуд, Термизий, Доримий, Байҳақий, “Ас-сунанул кубро”да ва Табароний, “Авсат”да ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ*).

Юқорида айтиб ўтганимиздек, авваллари қазои ҳожат очиқ жойларда амалга оширилар, махсус ҳожатхоналар кам бўлган. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳожат чиқармоқчи бўлсалар, авратлари кўриниб қолмаслиги учун аввал ерга ўтириб, кейин либосларини кўтарар эдилар. Тийбий: “Бу нарса очиқ жойда ва бино ичида ҳам бир хил. Кийимни кўтариш авратни очиш дегани. Бу фақат зарурат юзасидан мумкин. Шу сабаб олдин ерга яқинлашиб, кейин кийимни кўтариш (ёки ечиш) лозим”, деган.

Ҳожатхонага киришдан аввал Аллоҳ зикри ёзилган нарсаларни (узук, Қуръон ва ҳ.к.) ташқарида қолдириш лозим.

Чунки ҳожатхона нопок жой. Бундай жойга муқаддас калом ва зикрлар ёзилган нарсаларни олиб кириш маъқул эмас. Шунингдек, фаришталар ва Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) исми ёки сифатлари ёзилган нарсалар ҳам ҳожатхонага мутлақо олиб кирилмайди.

٦٦ – عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا دَخَلَ الْخَلَاءَ نَزَعَ خَاتَمَهُ. (رَوَاهُ أَصْحَابُ السُّنَنِ وَالْحَاكِمُ وَابْنُ حِبَانَ وَأَبُو يَعْلَى وَالْبَيْهَقِيُّ فِي السُّنَنِ الْكُبْرَى وَصَحَّحَهُ الْمُنْذِرِيُّ وَالتِّرْمِذِيُّ.)

66 – Анас (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қачон ҳожатхонага кирсалар, узукларини ечиб қўяр эдилар” (Сунан соҳиблари, Ҳоким, Ибн Ҳиббон, Абу Яъло, Байҳақий “Ас-сунанул кубро”да ривоят қилган. Мунзирий ва Термизий ҳадис санади саҳиҳ, дейишган).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) узукларига “Муҳаммадур расулуллоҳ” деб ёзилган бўлиб, шу узук билан мактубларга муҳр босардилар. Қачон ҳожатхонага борсалар, узукни ечиб қўярдилар. Анас (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) узукларининг ёзуви уч қатордан иборат эди: “Муҳаммадун” бир қатор, “Расулу” бир қатор ва “Аллоҳ” бир қатор” (Термизий ва Ибн Ҳиббон ривояти. Ривоят санади саҳиҳ). Икримадан ривоят қилинади: “Ибн Аббос ҳожатхонага кирса, узугини менга тутқазар эди” (Ибн Абу Шайба ривояти).

٦٧ – وَعَنْ الزُّهْرِيِّ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَبَسَ خَاتَمًا نَقَشَهُ مُحَمَّدٌ رَسُولُ اللَّهِ فَكَانَ إِذَا دَخَلَ الْخَلَاءَ وَضَعَهُ. (رَوَاهُ الْحَاكِمُ وَقَالَ: هَذَا حَدِيثٌ صَحِيحٌ عَلَى شَرْطِ الشَّيْخَيْنِ.)

67 – Зухрий ривоят қилишича, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) “Муҳаммадур Расулуллоҳ” деб ёзилган узук тақар, қачон ҳожатхонага кирадиган бўлсалар, уни ечиб қўяр эдилар (Ҳоким ривоят қилган ва: “Бу ҳадис икки шайх шартига кўра саҳиҳ”, деган).

Бу ривоятда ҳам юқоридаги маъно қайтарилган. Баъзилар юқоридаги ҳадисни заиф, деганлари учун ҳам, уни қувватлаш мақсадида мазкур ривоятни келтирмоқдамиз.

Ҳожатхонага киришдан олдин “Бисмиллаҳ” дейиш.

۶۸ – عَنْ عَلِيِّ بْنِ أَبِي طَالِبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: سَتَرُ مَا بَيْنَ أَعْيُنِ الْجَنِّ وَعَوْرَاتِ بَنِي آدَمَ إِذَا دَخَلَ أَحَدُهُمُ الْخَلَاءَ أَنْ يَقُولَ بِسْمِ اللَّهِ. (رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَابْنُ مَاجَهَ وَأَحْمَدُ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

68 – Али (розияллоҳу анҳу) ривоят қилишича, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар: “Агар (Одам фарзандларидан) биронтаси ҳожатхонага кирса, жин ва одам фарзандлари аврати ўртасида тўсиқ (бўладиган) нарса “Бисмиллаҳ”, дейишидир” (*Термизий, Ибн Можа ва Аҳмад ривояти. Ривоят санади саҳиҳ*).

Мўмин эркак ва аёллар ҳожатхонага киришдан олдин “Бисмиллаҳ”, деса, жинлар уларнинг авратига назар солмайди, яъни, авратни жинлардан тўсадиган парда пайдо бўлади.

“Бисмиллаҳ”дан сўнг қуйидаги ривоятда келган дуони ўқиш.

۶۹ – عَنْ أَنَسِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا دَخَلَ الْخَلَاءَ قَالَ: اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْخُبْثِ وَالْخَبَائِثِ. (رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَأَصْحَابُ السُّنَنِ وَالدَّارِمِيُّ وَأَحْمَدُ وَابْنُ حَبَّانَ.)

69 – Анас (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳожатхонага кирсалар: “Аллоҳумма инний аъзузу бика минал хубуси вал хобаис”, деб айтардилар” (*Бухорий, Муслим, Сунан соҳиблари, Доримий, Аҳмад ва Ибн Ҳиббон ривояти*).

Дуонинг маъноси қуйидагича: “Ё Аллоҳ, мен Сендан эркак ва аёл жинлар ёмонлигидан паноҳ беришингни сўрайман!” Аллоҳ номи зикр қилинмагани учун эркак ва урғочи жинлар ҳамда шайтонлар ҳожатхонани ўзига макон

тутади. Шу сабаб унга киришдан олдин жин ва шайтонлар ёмонлигидан Аллоҳ асрашини сўраш лозим. Акс ҳолда жин ва шайтонлар бандага зарар келтириши мумкин. “Бисмиллаҳ” ва мазкур ривоятда келган дуо ҳожатхона ташқарисида айтилади. Ҳожатхона хоҳ очик жойда, хоҳ ёпиқ жойда бўлсин, ушбу дуо ўқиладеради. Агар ҳожатхона бино шаклида бўлса, унга киришдан олдин, агар очик жойда бўлса, ҳожат чиқаришга тайёрланаётганда айтилади.

Зайд ибн Арқам (розияллоҳу анҳу) ривоят қилишича, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Бу боғларда жин ва шайтонлар бор. Агар сизлардан бирон тангиз унга кирса: “Ё Аллоҳ, мен Сендан эркак ва урғочи жинлар (ёмонлиги)дан паноҳ беришингни сўрайман”, десин”, деганлар (*Абу Довуд, Ибн Можа, Аҳмад, Ибн Ҳиббон, Табароний “Кабир”да ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ*).

Ҳожатхонага чап оёқ билан кириб, ўнг оёқ билан чиқиш.

Ислом одобига кўра, пок жойларга ўнг оёқ билан кирилади. Нопок жойларга эса чап оёқ биринчи босилади. Ҳожатхона ҳам нопок жойлардан бўлиб, у ерга чап оёқ билан кириш одобдандир.

Ҳожатхонага киришдан аввал сув ва бошқа зарур нарсаларни тайёрлаб олиш керак.

Ҳожатхонада олди ёки орқасини қиблага қаратиб ўтирмаслик.

Қибла мўмин ибодатда юзланадиган томон бўлиб, Исломнинг энг асосий шиорларидандир. Шу сабаб ҳожатхонада олди ёки орқасини қиблага ўгириб ўтиришдан қайтарилган.

۷۰ - عَنْ أَبِي أَيُّوبَ الْأَنْصَارِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِذَا أَتَى أَحَدُكُمْ الْغَائِطَ فَلَا يَسْتَقْبِلُ الْقِبْلَةَ وَلَا يُؤَلِّهَا ظَهْرَهُ شَرْقًا أَوْ غَرْبًا. (رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَأَصْحَابُ السُّنَنِ وَأَحْمَدُ وَابْنُ حَبَّانَ وَالِدَّارَقُطْنِيُّ).

70– Абу Айюб Ансорий (розияллоҳу анҳу) Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади: “Агар биронтангиз ҳожатхонага борса, қиблага юзланмасин ва у томонга орқасини ҳам ўгирмасин, балки шарққа ёки ғарбга юзланинглар” (*Бухорий, Муслим, Сунан соҳиблари, Аҳмад, Ибн Ҳиббон ва Дорақутний ривояти*).

Ушбу ҳадисда қазои ҳожат пайтида қиблага юзини ёки орқасини қаратмаслик кераклиги таъкидланмоқда. Бу нарса ҳожатхона одобларининг энг асосийларидан биридир. Ривоятдаги “балки шарққа ёки ғарбга қараб юзланинглар”, деган сўз Мадина аҳлига тегишли бўлиб, улар шу тарафга қараб ўтирса, қибла ён томонларида бўлади. Бошқа юртларда қибла айнан шарқ ёки ғарб томонда бўлиши мумкин. Улар бу ҳадиснинг зоҳирига эмас, балки моҳиятига амал қилишлари керак бўлади. Аёл киши боласини катта ёки кичик ҳожат учун қибла тарафга қаратиши мумкин эмас (“*Ас-сирожул ваҳҳож*”).

٧١ – وَعَنْ سَلْمَانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: لَقَدْ نَهَانَا رَسُولُ اللَّهِ أَنْ نَسْتَقْبِلَ الْقِبْلَةَ بَغَائِطٍ أَوْ بَوْلٍ أَوْ أَنْ نَسْتَنْجِيَ بِالْيَمِينِ أَوْ أَنْ نَسْتَنْجِيَ بِأَقْلٍ مِنْ ثَلَاثَةِ أَحْجَارٍ أَوْ أَنْ نَسْتَنْجِيَ بِرَجِيعٍ أَوْ عَظْمٍ. (رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَالتَّسَائِيُّ وَالتَّطَبْرَانِيُّ).

71 – Салмон (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бизларни катта ёки кичик таҳорат ушатишда қиблага юзланиш, ўнг қўл билан истинжо қилиш, учтадан кам тош билан истинжо қилиш ва истинжода тезак ва суяк ишлатишдан қайтарганлар” (*Муслим, Абу Довуд, Термизий, Насоий ва Табароний ривояти*).

Ушбу ривоятда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобаларга ҳожатхона одобларини қай тариқа ўргатганлари ҳақида сўз бормоқда. Бундан шундай хулоса қилиш мумкин, жоҳилият даврида одамлар поклик масаласига кўп эътибор беришмаган. Ислоҳ эса мусулмонлар-

ни ҳар бир соҳада пок бўлишга ундаган ва банданинг қалби, танаси ва кийими пок бўлиши талаб этилган.

Ушбу ривоятдан қуйидаги одобларни билиб оламиз:

- ҳожатхонада қиблага юзланмаслик;
- қазои ҳожатда ўнг қўлни ишлатмаслик;
- истинжода камида учта тош ишлатиш дурустлиги;
- тезак ва суюк билан истинжо қилмаслик.

۷۲ – وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَنْ لَمْ يَسْتَقْبِلِ الْقِبْلَةَ وَلَمْ يَسْتَدْبِرْهَا فِي الْغَائِطِ كُتِبَ لَهُ حَسَنَةٌ وَمُحِي عَنْهُ سَيِّئَةٌ. (رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ فِي الْكَبِيرِ وَالْأَوْسَطِ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

72 – Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) Расулulloҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади: “Ким ҳожатхонада қиблага юзланмаса ва у тарафга орқасини ўгирмаса, унга бир ҳасана ёзилади ва бир гуноҳи ўчирилади” (Табароний “Кабир” ва “Авсат”да ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ).

Ким шариатда буюрилганини бажарса, ваъда қилинган ажр-савобга эришади. Шундан келиб чиққан ҳолда, уламолар ким ҳожат чиқараётганда билмасдан юзини ёки орқасини қибла томонга қаратса, имкон қадар қибладан бошқа томонга қайрилиши керак, дейишган.

۷۳ – وَعَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: رَقِيتُ عَلَى بَيْتِ أُخْتِي حَفْصَةَ فَرَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَاعِدًا لِحَاجَتِهِ مُسْتَقْبِلَ الشَّامِ مُسْتَدْبِرَ الْقِبْلَةَ. (رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَالتِّرْمِذِيُّ وَأَحْمَدُ.)

73 – Ибн Умар (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Мен опам Ҳафсанинг уйига бордим ва Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) юзларини Шом тарафга ва орқаларини қиблага қаратиб ҳожат чиқараётганларини кўрдим” (Бухорий, Муслим, Термизий ва Аҳмад ривояти).

Бу ривоят ҳақида турли қарашлар мавжуд. Жумладан, Ибн Умар кўрган ҳолат бино ичида бўлган ёки бу нарса

Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўзларига хос, деган талқинлар бор. Баъзилар агар ҳожатхона бино шаклида бўлса, у ерда юзни қиблага қаратиш ёки у томонга орқа ўгиришнинг зарари йўқ, дейишган. Лекин хоҳ очиқ жойда бўлсин, хоҳ бино ичида бўлсин, ҳожат чиқаришда қиблага юзланмаслик ёки орқани қаратмаслик энг афзалидир. Ҳожатхона қураётганда шу жиҳатни эътиборга олиш лозим. Ҳанафийлардан бошқа жумҳур уламолар фикрича, қазои ҳожат учун мослаб қурилган бино ичида қиблага олди ёки орқасини қаратиб ўтириш макруҳ эмас. Бунга улар мана шу ва бошқа ривоятларни далил қилган.

٧٤ - وَعَنْ مَرْوَانَ الْأَصْفَرِ قَالَ: رَأَيْتُ ابْنَ عُمَرَ أَنَاخَ رَاحِلَتَهُ مُسْتَقْبِلَ الْقِبْلَةِ ثُمَّ جَلَسَ يَبُولُ إِلَيْهَا فَقُلْتُ: يَا أَبَا عَبْدِ الرَّحْمَنِ أَلَيْسَ قَدْ نَهَى عَنْ هَذَا قَالَ: بَلَى إِنَّمَا نَهَى عَنْ ذَلِكَ فِي الْفِضَاءِ فَإِذَا كَانَ بَيْنَكَ وَبَيْنَ الْقِبْلَةِ شَيْءٌ يَسْتُرُكَ فَلَا بَأْسَ. (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَابْنُ حُرَيْمَةَ وَالْحَاكِمُ وَالِدَّارِقُطِيُّ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ).

74 – Марвон Асфар ривоят қилади: “Мен Ибн Умар уловини қибла тарафга турғазиб қўйиб, сўнг ўша томонга қараб ўтириб, бавл қилаётганини кўрдим ва: “Эй Абу Абдурахмон, бу ишдан қайтарилганмиз-ку”, деган эдим, у: “Ҳа, очиқ жойда бу ишдан қайтарилган. Аммо сен билан қибла ўртасида бирон нарса бўлса, зарари йўқ”, деди” (*Абу Довуд, Ибн Хузайма, Ҳоким, Дорақутний ривояти. Ривоят санади ҳасан*).

Ушбу ривоятдан қибла билан ўртада бирон тўсиқ бўлса, у томонга қараб ҳожат чиқариш жоизлиги маълум бўлади. Қазои ҳожат учун мўлжалланмаган жойда юзини ёки орқасини қиблага ўгириш ҳаром. Агар очиқ жойда бўлса, уч зиро миқдоридеги баландликда пана бўладиган нарса сутра қилинади. Шунингдек, очиқ жойда устига ёпинчиқ ёпмасдан жимо қилиш ҳам ҳаром. Агар ёпиқ жойда бўлса зарари йўқ. Бироқ одоб юзасидан жимо вақтида устига бирон нарса ташлаб олиш афзал. Шамол эсиб турган томонга қараб бавл қилинмайди. Чунки сийдик қайтиб,

ўзига тегиши мумкин. Хурмат юзасидан қабристонда ҳам бавл қилинмайди.

٧٥ – وَعَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: نَهَى نَبِيُّ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ نَسْتَقْبِلَ الْقِبْلَةَ بَبُولٍ فَرَأَيْتُهُ قَبْلَ أَنْ يُقْبَضَ بِعَامٍ يَسْتَقْبِلُهَا. (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَابْنُ مَاجَهَ وَابْنُ خُزَيْمَةَ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ صَحِيحٌ.)

75 – Жобир ибн Абдуллоҳ (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Аллоҳнинг Пайғамбари (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бизни қиблага юзланиб бавл қилишдан қайтарган эдилар. Лекин вафотларидан бир йил олдин у зот (қибла томонга) юзлан(иб, ҳожат чиқараёт)ганларини кўрдим” (Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа, Ибн Хузайма ривояти. Ривоят санади ҳасан-саҳиҳ).

Шу каби ривоятлар³³ уламолар томонидан ушбу бобдаги турли фикрлар айтилишига сабаб бўлган³⁴.

Имом Нававий “Саҳиҳу Муслим”га ёзган шарҳида шундай дейди: “Уламолар қиблага юзланиб ҳожат чиқаришдан қайтариш ҳақида турли фикрлар айтишган:

Биринчиси. Очик жойда қиблага юзланиб ҳожат чиқариш ҳаром, бино ичида бўлса, жоиз. Бу Шофиъий ва Молик ҳукми. Аббос ибн Абдулмутталиб, Абдуллоҳ ибн Умар, Шаъбий, Исҳоқ ибн Роҳвайҳ ва Аҳмад ибн Ҳанбалдан шундай ривот қилинган.

³³ Мазкур ривоят қуйидаги сабабларга кўра ҳужжат бўла олмайди. Биринчидан, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қазои ҳожатда қиблага юзланиб ёки орқа ўгириб ўтиришдан қайтарганлар. Бу у зотнинг қавллари. Ибн Умар ва Жобирлар (розияллоҳу анҳумо) ривоятида Набийнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳоллари баён қилинган. Кишининг ҳолати бирон сабаб ёки узр туфайли ўзгариши мумкин. Аммо унинг айтган гапи одатда ҳолатга боғлиқ бўлмайди. Иккинчидан, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтган гаплари шарият асоси, қилган ишлари эса одатларидир. Шарият одатдан олдин туради. Учинчидан, Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу ишлари ҳақиқатан қонун бўлганида, кўпчиликдан маҳфий қолмасди. Демак, бундан келиб чиқиб айтиш мумкин, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бирон сабаб билан қибла томонга юзланиб ҳожат чиқарганлар. Бу ҳақида келган бир-иккита ривоятларни далил қилиб, бу иш жоиз, дейиш нотўғри.

³⁴ Ибн Ҳажар бу ҳадис ҳақида: “Бу ривоятдан ҳужжат олишга шошилмаслик керак. Сабаби бу Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўзлари қилган иш, умумий эмас. Бу ҳолат узр сабабидан ёки бино ичида бўлган бўлиши эҳтимолдан холи эмас”, деган.

Иккинчиси. Хоҳ очик жойда, хоҳ бино ичида бўлсин, бу иш жоиз эмас. Бу Абу Айюб Ансорий, Мужоҳид, Иброҳим Наҳаъий, Суфён Саврий ва Абу Савр ҳукми.

Учинчиси. Очик жойда ҳам, бино ичида ҳам қиблага юзланиб ҳожат чиқариш жоиз. Бу Урва ибн Зубайр, Моликнинг шайхи Робиъа ва Довуд Зоҳирий ҳукми.

Тўртинчиси. Очик жойда ҳам, бино ичида ҳам қиблага юзланиб ҳожат чиқариш мумкин эмас, аммо у иккисида орқа ўгириб ўтириш жоиз. Бу Абу Ҳанифа ва Аҳмаддан келтирилган икки ривоятдан бири”.

Юқорида айтилган фикрга ҳадиси шарифларда далиллар бор. Имом Нававий Молик ва Шофиъий фикрини маъқул кўрган. Шунингдек, Ибн Ҳажар ҳам шу фикрни афзал деб билган ва: “Уларнинг ҳукми энг адолатлиси”, деган. “Тухфатул аҳвазий” муаллифи: “Менинг фикримча, очик жойда ҳам, бино ичида ҳам қиблага юзланиб ҳожат чиқариш мумкин эмас, деганлар фикри энг афзал ва энг кучлидир. Чунки Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) белгилаб берган чегарага кўра, қибла тарафга юзланиб ҳам, у томонга орқа ўгириб ҳам ҳожат чиқариш мумкин эмас. Бу нарса мутлақ, бино ва очик жойнинг фарқи йўқ. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу ҳукми умматлари учун ҳам ўзгартирмаганлар”, деган. Биз ҳам шу фикрга қўшиламыз³⁵.

Қазои ҳожатни нопок нарсалар сачрамайдиган баландроқ жойда қилиш.

Қазои ҳожат ердан бир оз баландроқ жойда қилинса, оёқ кийим ва либосга нажосат тегмайди. Чунки сийдик ва ахлатдан сақланиш, кийимни ифлосликдан эҳтиёт қилиб юриш ҳар бир мўмин банданинг вазифасидир. Бунга жиддий эътибор бериш лозим. Акс ҳолда либосга бир дирҳамдан кўп миқдорда нажосат тегса, ўша либосда ўқилган намоз мақбул бўлмайди.

۷۶ – عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: لَقَدْ ظَهَرْتُ ذَاتَ يَوْمٍ عَلَى

³⁵ Шавкониё “Найлул автор”да: “Энг адолатли ҳукм бу ишнинг мутлақ мумкин эмаслиги, шубҳасиз ҳаром эканидир”, деган. Яна кўплаб уламолар қибла томонга қараб ҳожат чиқариш мутлақ жоиз эмаслигини баён қилишган.

ظَهَرَ بَيْتَنَا فَرَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَاعِدًا عَلَى لَبَنَيْنِ مُسْتَقْبِلَ بَيْتِ الْمَقْدِسِ. (رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَالِدَّارِمِيُّ وَابْنُ مَاجَهَ وَأَحْمَدُ وَابْنُ حَبَّانَ وَالِدَّارُقَطْنِيُّ.)

76 – Абдуллоҳ ибн Умар (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Бир куни мен уйимиз томига чиққан эдим, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) икки ғишт устида Байтул Мақдис томонга қараб (ҳожат чиқариб) ўтирганларини кўрдим” (*Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Доримий, Ибн Можа, Аҳмад, Ибн Ҳиббон ва Дорақутний ривояти*).

Юқорида келган ривоятда Ибн Умар (розияллоҳу анҳу) Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) юзларини Шом тарафга, орқаларини қиблага қаратиб ҳожат чиқараётганларини кўргани айтилган эди. Бу ривоятда эса у зот ўшанда оёқлари остига ғишт қўйиб олганлари зикр қилинмоқда. Демак, бундай ҳолатда иложи борича либос ва баданга нажосат тегизмасликка ҳаракат қилиш лозим.

Икки оёғини кенгроқ очиб, ўнг оёғини тикка қилиб, чап оёққа таяниб ўтириш.

٧٧ – عَنْ سُرَاقَةَ بْنِ مَالِكِ بْنِ جُعْشَمٍ قَالَ: عَلَّمَنَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَذَا وَكَذَا فَقَالَ رَجُلٌ كَأَلْمُسْتَهْزِئِ: أَمَا عَلَّمَكُم كَيْفَ تَخْرُونَ قَالَ: بَلَى وَالَّذِي بَعَثَهُ بِالْحَقِّ أَمَرْنَا أَنْ نَتَوَكَّلَ عَلَى الْيُسْرَى وَأَنْ نَنْصِبَ الْيُمْنَى. (رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ فِي الْكَبِيرِ وَسَنَدُهُ ضَعِيفٌ.)

77 – Сууроқа ибн Молик ибн Жуъшум (розияллоҳу анҳу) ривоят қилишича, у: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бизга фалон-фалон ишларни ўргатдилар”, деганида, бир киши бу нарсадан кулгандек бўлиб, “у сизларга қандай бўшанишни ҳам ўргатдимиз?!” деди. Шунда у: “Ҳа, у зотни ҳақ билан юборган (Аллоҳ)га қасам, у киши бизларни ҳожатхонада чап оёққа суяниб ўтириш ва ўнг оёқни тикка қилишга буюрганлар”, деган (*Табароний, “Қабир”да ривоят қилган. Ривоят санади заиф*).

Бунда тана оғирлиги чап оёққа тушиб, ўнг оёқ тўғри тугилади. Шундай қилинса, чиқадиган нарса осонлик билан чиқади. Шунингдек, ҳожатхонада узоқ вақт ўтириб қолмаслик керак. Сабаби бу жигар хасталиги ва бавосирга олиб боради.

Ҳожат пайтида гаплашилмайди.

Ҳожатхонада гапириш ва тилида Аллоҳни зикр қилиш макруҳдир. Фақат зарурат юзасидан гапириш жоиз.

۷۸ – عَنْ أَبِي سَعِيدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: لَا يَخْرُجُ الرَّجُلَانِ يَضْرِبَانِ الْغَائِطَ كَاشِفَيْنِ عَنْ عَوْرَتَيْهِمَا يَتَحَدَّثَانِ فَإِنَّ اللَّهَ عَزَّ وَجَلَّ يَمُتُّ عَلَى ذَلِكَ. (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَأَحْمَدُ وَابْنُ خُرَيْمَةَ وَابْنُ حَبَّانَ وَالطَّبْرَانِيُّ وَالتَّسَائِيُّ فِي السُّنَنِ الْكُبْرَى وَسَنَدُهُ ضَعِيفٌ).

78 – Абу Саид Худрий (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Мен Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Агар икки киши ҳожатхонага бориб, авратларини очиб бир-бири билан гаплашса, Аллоҳ азза ва жалла бундан қаттиқ ғазабланади”, деб айтганларини эшитганман” (Абу Довуд, Аҳмад, Ибн Хузайма, Ибн Ҳиббон, Табароний, Насоий “Ас-суанул кубро”да ривоят қилган. Санади заиф).

Икки ёки ундан кўпроқ кишининг бир жойда ҳожат чиқариши ва авратини очган ҳолда бир-бири билан гаплашиши мутлақо мумкин эмас. Бу иш Аллоҳнинг ғазабини кўзғайди. Шунингдек, ҳожат вақтида осмонга, фаржига ва чиқётган нарсага қарамайди, ўнгга-чапга алангламайди ва мисвок қилмайди.

۷۹ – وَعَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَجُلًا مَرَّ وَرَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَبُولُ فَسَلَّمَ فَلَمْ يَرُدَّ عَلَيْهِ. (رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَصْحَابُ السُّنَنِ وَابْنُ خُرَيْمَةَ وَابْنُ حَبَّانَ وَالْحَاكِمُ وَالطَّبْرَانِيُّ فِي الْأَوْسَطِ).

79 – Ибн Умар (розияллоҳу анҳу) ривоят қилишича, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бавл қилаётган-

ларида бир киши олдиларидан ўтаётиб салом берганида, у зот унга алик олмаганлар” (Муслим, Сунан соҳиблари, Ибн Хузайма, Ибн Ҳиббон, Ҳоким, Табароний “Авсат”да ривоят қилган).

Салом бериш суннат, аммо унга алик олиш вожиб. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) салом берилганда саломга алик олмаганлари сабабини бошқа ривоятларда ҳам келтирилади. Айтилишича, Расулulloҳ (алайҳиссалом) бавл қилиб бўлгач, бориб таҳорат олганлар ва бу ҳолатда салом берган кишига алик қайтарганлар ва шу вақтда Аллоҳ исмини зикр қилишни хоҳламаганларини билдирганлар. Аввало ҳожат чиқараётган одамга салом бериш у ёқда турсин, унга қараш дуруст эмас. Агар кимга бундай ҳолатда салом берилса, унга алик қайтариши макруҳ. Бунга сабаб шуки, ҳожат чиқараётган одам Аллоҳни зикр қилиши, тасбеҳ ва ҳамд айтиши ҳамда саломга алик олиши мумкин эмас. Бундан ташқари, оддий сўзларни ҳам гапириш мумкин эмас. Буларнинг ҳаммаси танзиҳий макруҳдир. Ҳожат чиқариш вақтида фақат зарурат бўлса, шундагина гапиришга рухсат қилинади. Масалан, бир одам ҳалокатга яқин турибди, аммо ўзи буни билмаяпти. Ана шу вақтда овоз чиқариб, уни хафвдан огоҳлантириш нафақат жоиз, балки вожибдир.

Қазои ҳожатни ўтирган ҳолда бажариш.

Бундай вақтда ўтирмаслик айрим ўтира олмайдиган узрлилар учун жоиз. Дейлик, бавл чиқадиган жойда зарар берувчи нарсалар бўлса, шундай вақтда ўрнидан туриб ёзилишга рухсат этилган. Ўрнидан турган ҳолатда бавл сийиш кароҳати ҳақида қуйироқда баён қиламиз.

Суяк ва тезак билан истинжо қилмайди.

Истинжода суяк, тезак, инсон ва ҳайвонларга озуқа бўладиган нарсалар ва кўмир, пишиқ ғишт, шиша, сопол, оҳак, ёғоч, қамиш, тупроқ, ганчли лой, янги латта, тоза ёки ёзуви бор қоғоз, дарахт барги, ипак ва пахта³⁶ каби нарсалардан фойдаланиш макруҳдир. Аммо қуруқ, тоза ва зарар етказмайдиган, нажосатни кетказувчи, аммо таъми ёки шарафи

³⁶ Мато, пахта ёки шу каби кийматли нарсалар билан истинжо қилиш камбағалликка сабаб бўлади.

билан одамлар наздида қадрли бўлмаган, бошқанинг мулки ҳисобланмайдиган нарсалар билан истинжо қилиш жоиз.

۸۰ – عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: نَهَانَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ نَتَمَسَّحَ بِعَظْمٍ أَوْ بَعْرٍ. (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَأَحْمَدُ وَالْبَيْهَقِيُّ فِي السُّنَنِ الْكُبْرَى وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

80 – Жобир ибн Абдуллоҳ (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бизларни суяк ёки тезак билан истинжо қилишдан қайтарганлар” (*Абу Довуд, Аҳмад, Байҳақий “Ас-сунанул кубро”да ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ.*)

Бу ривоятда Расулуллоҳ (алайҳиссалом) суяк ва тезак билан истинжо қилишдан қайтарганлари айтилмоқда. Тезак нопок нарса бўлгани учун унинг бошқа бир нарсани поклашини ақл бовар қилмайди. Суяк ҳам истинжо қилишга ярамайди. Чунки у текис ва ўткир бўлиб, биринчидан нажосатни кетказмайди, иккинчидан одамга шикаст етказиши мумкин.

Ҳанафий ва моликийлар: “Жоиз бўлмаган нарсалар билан истинжо қилиш кароҳат билан мумкин”, деган.

۸۱ – وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: إِنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَهَى أَنْ يُسْتَنْجَى بِرَوْثٍ أَوْ بِعَظْمٍ وَقَالَ: إِنَّهُمَا لَا يُطَهَّرَانِ. (رَوَاهُ الدَّارِقُطْنِيُّ وَصَحَّحَهُ.)

81 – Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилишича, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тезак ёки суяк билан истинжо қилишдан қайтарганлар ва: “У иккиси (нажосатни) покламайди”, деганлар (*Дорақутний ривоят қилган ва саҳиҳ, деган.*)

Ушбу ривоятда суяк ва тезак билан истинжо қилиш мумкин эмаслик сабабларидан бири келтирилмоқда. Ҳанафийлар истинжода сувдан бошқа нарса, масалан, атиргул суви ва сиркани ишлатса бўлади, деган. Ҳанафийлар-

дан бошқалар эса истинжода ишлатиладиган нарса қаттиқ ва қуруқ бўлишини шарт қилиб, суюқлик билан истинжо қилишга рухсат бермаган.

۸۲ – وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ كَانَ يَحْمِلُ مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِدَاوَةً لَوْضُوئِهِ وَحَاجَتَهُ فَبَيْنَمَا هُوَ يَتَّبِعُهُ بِهَا فَقَالَ: مَنْ هَذَا فَقَالَ: أَنَا أَبُو هُرَيْرَةَ فَقَالَ: ابْغِنِي أَحْجَارًا أَسْتَنْفِضُ بِهَا وَلَا تَأْتِنِي بَعْظُمٌ وَلَا بَرَوْتَةٌ فَاتَيْتُهُ بِأَحْجَارٍ أَحْمَلُهَا فِي طَرْفِ ثَوْبِي حَتَّى وَضَعْتُهَا إِلَى جَنْبِهِ ثُمَّ انْصَرَفْتُ حَتَّى إِذَا فَرَعْتُ مَشَيْتُ فَقُلْتُ: مَا بَالُ الْعِظْمِ وَالرَّوْتَةِ قَالَ: هُمَا مِنْ طَعَامِ الْجَنِّ وَإِنَّهُ أَتَانِي وَفَدَّ جَنِّ نَصِييْنِ وَنَعِمَ الْجَنُّ فَسَأَلُونِي الرَّادَ فَدَعَوْتُ اللَّهَ لَهُمْ أَنْ لَا يَمْرُؤَا بَعْظُمٌ وَلَا بَرَوْتَةٌ إِلَّا وَجَدُوا عَلَيْهَا طَعَامًا. (رواهُ البُخَارِيُّ فِي الْجَامِعِ الصَّحِيحِ وَالنَّبِيهِيُّ فِي دَلَائِلِ النُّبُوَّةِ.)

82 – Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилишича, у Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан бирга таҳорат ва бошқа ҳожатлари учун кичик идиш(да сув) кўтариб юрарди. Бир куни у (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ортларидан келганида, у зот: “Бу ким?” дедилар. У: “Мен Абу Хурайраман”, деди. Шунда у зот: “Ундай бўлса, истинжо қилишим учун менга бир нечта тош олиб кел. Аммо суяк ва тезак олиб келма”, дедилар. (Абу Хурайра айтади:) “Кийимим четида бир нечта тош олиб келиб, у зот ёнларига қўйдим ва узоқроқ кетдим. У зот ҳожат чиқариб бўлганларидан сўнг келиб, “нима сабабдан суяк ва тезак билан истинжо қилиш мумкин эмас?” деб сўрагандим, у зот: “У иккиси жинлар таомидир. Менинг олдимга Насибин жинлари гуруҳи келиб, улар қандай яхши жинлар, мендан озуқа сўрашган эди. Мен Аллоҳга дуо қилиб, улар бирон суяк ёки тезак олдидан ўтсалар, унда ўзлари учун таом топишларини сўрадим”, дедилар” (Бухорий “Ал-жамиъус саҳиҳ”да ва Байҳақий “Далаилун нубувва”да ривоят қилган).

Насибин Арабистон яриморолидаги жой номи. Суяк ва тезак жинларга озуқа қилиб берилган. Бошқа ривоятларда келишича, суяк жинларга, тезак эса чорваларига таом бўлар экан. Мана шу ва юқоридаги ривоятни жамласак, суяк ва тезак билан истинжо қилиш мумкин эмаслигига икки сабаб келиб чиқади:

– суяк ва тезак нажосат бўлиб, у билан нопок нарсани тозалаш иложи йўқ;

– бу иккиси жинлар таомидир.

۸۳ – وَعَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَدِمَ وَفَدَ الْجَنِّ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالُوا: يَا مُحَمَّدُ إِنَّهُ أُمَّتَكَ أَنْ يَسْتَنْجُوا بِعَظْمٍ أَوْ رَوْثَةٍ أَوْ حُمَمَةٍ فَإِنَّ اللَّهَ تَعَالَى جَعَلَ لَنَا فِيهَا رِزْقًا قَالَ: فَهِيَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْ ذَلِكَ. (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ فِي السُّنَنِ وَالْبَيْهَقِيُّ فِي السُّنَنِ الْكُبْرَى وَسَنَدُ هَذَا الْحَدِيثِ صَحِيحٌ.)

83 – Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Жинлар вакили Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига келиб, “эй Муҳаммад, умматингизни суяк, тезак ва кўмир (ёки кул) билан истинжо қилишдан қайтаринг. Чунки Аллоҳ таоло уларни бизга ризқ қилиб берди”, деди. Бас, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу нарсалар (билан истинжо қилиш)дан қайтардилар” (Абу Довуд “Сунан”да ва Байҳақий “Ас-сунанул кубро”да ривоят қилган. Ушбу ҳадис санади саҳиҳ).

Насибин жинлари гуруҳи Набий (алайҳиссалом) олдиларига Макка даврида ҳижратдан олдин келганлар ва у зот умматларини суяк, тезак ва кўмир билан истинжо қилишдан қайтаришларини сўраганлар. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) жинларнинг бу илтимосини қабул қилиб, мазкур нарсалар билан истинжо қилишдан қайтардилар. Демак, истинжода тош, кесак, гувала, пок тупроқ ва эски латтадан фойдаланса бўлади. Олдинги уламолар томонидан ёзилган китобларда истинжо учун қоғоз ишла-тиш мумкин эмаслиги алоҳида таъкидланган. Ҳақиқатан,

олдинлари қоғоз ноёб бўлиб, фақат ёзув ва шу каби муҳим нарсалар учун ишлатилган. Ҳозирда эса ҳожатхона учун махсус қоғозлар ишлаб чиқарилмоқда. Бундай қоғозларни истинжода қўллаш жоиз.

Истинжода тош ёки кесакни тоқ ишлатиш, иложи бўлса, учтадан кам ишлатмаслик.

Бунда учта, бешта ёки еттита тош билан истинжо қилиш тавсия этилиб, аммо тоқ ишлатишни шарт қилиб қўйилмаган. Агар хоҳласа, тўртта ёки олтита тош билан ҳам истинжо қилиши мумкин. Энг маъқули камида учта тош ишлатишдир.

Ҳанафий ва моликийлар: “Истинжода уч дона тош ишлатиш вожиб эмас, балки мустаҳабдир”, деган. Ҳанафий уламоларга кўра, бундан мақсад тошларни тоқ ишлатиш эмас, балки поклашдир. Агар бир дона тош билан мақсад ҳосил бўлса, кифоя қилади. Агар уч дона тош билан ҳам мақсад ҳосил бўлмаса, яна қўшилади. Шофиъий ва ҳанбалийлар: “Истинжода нажосат жойни поклаш ва уч дона тош ишлатиш вожиб. Агар уч дона тош билан ҳам мақсад ҳосил бўлмаса, тўртта ёки ундан кўпроқ тош билан истинжо қилинади”, деган. Шофиъийларда тоқ сон ва поклик эътиборда тутилади. Агар учтадан кам тош билан поклик амалга ошса ҳам, учта тош ишлатиш керак, бўлмаса жоиз эмас. Имом Муслим Салмон Форсийдан (розияллоҳу анҳу) келтирган ривоятда: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бизларни учтадан кам тош билан истинжо қилишдан қайтарганлар”, дейилган³⁷.

٨٤ - عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ:

³⁷ Шофиъийлар Набийнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким истинжо қилса, тоқ қилсин”, деган гапларини далил қилиб, истинжода тошларни тоқ ишлатиш вожиб, деган. Аммо бу борада ҳанафийлар далили кучлироқдир. Уларнинг биринчи далили: “Ким истинжо қилса, тоқ қилсин. Ким шундай қилса, яхши. Ким қилмаса, зарари йўқ”, дейилган. Қолаверса, Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу) ривоят қилган ҳадисда Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ундан истинжо учун бир нечта тош олиб келишни сўраганлар. У иккита тош ва битта тезак олиб келган. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) икки тошни олиб, тезакни отиб юборганлар. У зот Ибн Масъуддан яна бир тош олиб келишни сўрамаганлар. Агар тоқ ишлатиш шарт бўлганида, у зот, албатта, учта тош бўлиши кераклигини айтганлар. Валлоҳу аълам бис-саваб!

مَنْ تَوَضَّأَ فَلَيْسَتْ نَشْرُهُ وَمَنْ اسْتَجَمَرَ فَلْيُوتِرْ. (رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَالتَّسَائِيُّ
وَالدَّارِمِيُّ وَابْنُ مَاجَهَ وَمَالِكٌ وَأَحْمَدُ وَابْنُ خُزَيْمَةَ وَابْنُ حَبَّانَ.)

84 – Абу Ҳурайра (розияллоҳу анху) Набийдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади: “Ким таҳорат қилса, бурнига сув олиб, сўнгра чиқариб ташласин. Ким тош билан истинжо қилса, бас, тоқ қилсин” (*Бухорий, Муслим, Насоий, Доримий, Ибн Можа, Молик, Аҳмад, Ибн Ҳузайма ва Ибн Ҳиббон ривояти*).

Имом Шофиъий шу ҳадисни далил сифатида қўлаб, истинжо вақтида тошларни тоқ ишлатиш вожиблигини айтган. Бироқ тоқ ишлатишнинг асл моҳияти бошқа ривоятларда тўлиқроқ ифодаланган.

٨٥ – وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ:
مَنْ اسْتَجَمَرَ فَلْيُوتِرْ مَنْ فَعَلَ فَقَدْ أَحْسَنَ وَمَنْ لَا فَلَا حَرَجَ. (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ
وَالدَّارِمِيُّ وَابْنُ مَاجَهَ وَأَحْمَدُ وَالْحَاكِمُ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ.)

85 – Яна Абу Ҳурайра (розияллоҳу анху) Пайғамбардан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади: “Ким тош билан истинжо қилса, бас, тоқ қилсин. Ким шундай қилса, яхши қилибди. Ким қилмаса, зарари йўқ” (*Абу Довуд, Доримий, Ибн Можа, Аҳмад ва Ҳоким ривояти. Ҳадис санади ҳасан*).

Бу ривоят ҳанафий ва моликийларга далил бўлади.

٨٦ – وَعَنْ سَهْلِ بْنِ سَعْدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ
سُئِلَ عَنِ الاسْتِطَابَةِ فَقَالَ: أَوْلَا يَجِدُ أَحَدُكُمْ ثَلَاثَةَ أَحْجَارٍ حَجْرَانَ لِلصَّفْحَتَيْنِ
وَحَجْرًا لِلْمَسْرُوبَةِ. (رَوَاهُ الدَّارِقُطْنِيُّ وَالطَّبْرَانِيُّ وَابْنُ أَبِي حَتْمَةَ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ.)

86 – Саҳл ибн Саъд (розияллоҳу анху) ривоят қилишича, Пайғамбардан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тош билан истинжо қилиш ҳақида сўрашганида, у зот: “Сизлардан бирон киши уч дона тош топа олмайдими? Иккитаси махраж атрофига, биттаси махражга (ишлатилади)”, деганлар

(Дорақутний, Табароний ва Байҳақий ривояти. Ривоят санади ҳасан).

Бу ривоятда орқа нажосат йўли одатда уч дона тош билан тўлиқ покланиши айтилмоқда. Бундан истинжода тошларни тоқ ишлатиш, тоқ ишлатганда ҳам сонини учтага етказиш дуруст бўлишини билиб оламиз. Агар учтадан кўп тош ишлатишни ҳолат тақозо этса, тоқ ишлатиш (бешта, етгита) суннатдир.

٨٧ - وَعَنْ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: خَرَجَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِحَاجَتِهِ فَقَالَ: التَّمَسْ لِي ثَلَاثَةَ أَحْجَارٍ قَالَ: فَأَتَيْتُهُ بِحَجْرَيْنِ وَرَوْثَةٍ فَأَخَذَ الْحَجْرَيْنِ وَأَلْقَى الرَّوْثَةَ وَقَالَ: إِنَّهَا رِكْسٌ. (رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَابْنُ مَاجَهَ وَأَحْمَدُ وَالِدَّارَقُطْنِيُّ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

87 – Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳожат учун ташқарига чиқдилар ва: “Менга уч дона тош олиб кел”, дедилар. Мен иккита тош ва битта тезак олиб келдим. У зот икки тошни олиб, тезакни ташлаб юбордилар ва: “У нопокдир”, дедилар” (Термизий, Ибн Можа, Аҳмад ва Дорақутний ривояти. Ривоят санади саҳиҳ).

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳожатга борганларида хизматларида бўлиб турган Абдуллоҳ ибн Масъудга (розияллоҳу анҳу) уч дона тош олиб келишни буюрдилар. Ибн Масъуд иккита тош олиб, учинчи тошни қидира-қидира топа олмади³⁸ ва ўрнига эшак тезагини³⁹ олиб келди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) икки тошни олиб, тезакни отиб юбордилар ва у нажосатни поклай олмаслиги, аксинча ўзи нопок эканини айтдилар.

Мана шу ривоятдан истинжода тошларни тоқ ишлатиш шарт эмаслигини билиб оламиз. Агар бу нарса шарт бўлганида, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Ибн

³⁸ Имом Бухорий ва бошқалар келтирган ривоятда учинчи тошни топа олмай, ўрнига тезак олиб келгани айтилган.

³⁹ Ибн Хузаймининг ривоятида учинчиси эшакнинг тезаги экани зикр қилинган.

Масъуд олиб келган тезакни отиб юборганларидан кейин ўрнига бошқа тош олиб келишни буюрардилар.

۸۸ – وَعَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: إِذَا ذَهَبَ أَحَدُكُمْ إِلَى الْغَائِطِ فَلْيَذْهَبْ مَعَهُ بِثَلَاثَةِ أَحْجَارٍ يَسْتَتِيبُ بِهِنَّ فَإِنَّهَا تُجْزِي عَنْهُ. (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالنَّسَائِيُّ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ.)

88 – Ойша (розияллоҳу анҳо) ривоят қилишича, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шундай деганлар: “Агар биронтангиз ҳожатхонага борадиган бўлса, покланиш учун ўзи билан уч дона тош олсин. Мана шу унга кифоя қилади” (Абу Довуд ва Насоий ривоят қилган. Ҳадис санади ҳасан).

Мана шу ва бошқа ривоятларни далил қилиб, шофиъийлар истинжода тошларни тоқ ишлатиш, тоқ ишлатганда ҳам унинг учтадан кам бўлмаслиги вожибдир, деб айтган. Аммо юқорида айтиб ўтганимиздек, бу борада келган бошқа ривоятларни ўрганиб чиқсак, масаланинг асл моҳияти ойдинлашади ва бу нарса жудаям шарт эмаслиги, балки одоб экани маълум бўлади.

۸۹ – وَعَنْ سَلْمَانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قِيلَ لَهُ قَدْ عَلَّمَكُم نَبِيُّكُمْ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كُلَّ شَيْءٍ حَتَّى الْخِرَاءَةَ فَقَالَ: أَجَلٌ لَقَدْ نَهَاَنَا أَنْ نَسْتَقْبَلَ الْقِبْلَةَ لَغَائِطٍ أَوْ بَوْلٍ أَوْ أَنْ نَسْتَنْجِيَ بِالْيَمِينِ أَوْ أَنْ نَسْتَنْجِيَ بِأَقْلٍ مِنْ ثَلَاثَةِ أَحْجَارٍ أَوْ أَنْ نَسْتَنْجِيَ بِرَجِيعٍ أَوْ بِعَظْمٍ. (رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَصْحَابُ السُّنَنِ وَأَحْمَدٌ وَابْنُ خُرَيْمَةَ وَالِدَّارَقُطْنِيُّ.)

89 – Салмон (розияллоҳу анҳу) ривоят қилишича, унга: “Пайғамбарингиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сизларга ҳамма нарсани, ҳатто қандай бўшанишни ҳам ўргатди”, дейилганида, у: “Ҳа, у зот бизни катта ёки кичик таҳорат ушатишда қиблага юзланиш, ўнг қўл билан истинжо қилиш, ис-

тинжода учтадан кам тош⁴⁰ ишлатиш, тезак ва суюк билан истинжо қилишдан қайтарганлар”, деган” (*Муслим, Суан соҳиблари, Аҳмад, Ибн Хузайма ва Дорақутний ривояти*).

Насоий, Ибн Можа, Аҳмад ва Дорақутний саҳиҳ санад билан келтирган ривоятга кўра, бу гапни Салмон Форисийга (розияллоҳу анҳу) мушриклар истехзо маъносида айтган.

Бу ривоятда ҳожатхона одобларининг бир қанчаси баён қилинмоқда ва улардан айримларини юқорида ўргандик, бошқаларини қўйида ўрганамиз. Бу ўринда эътиборга олинадиган муҳим жиҳат бор. Исломи дини мукаммал дин бўлиб, у инсон ҳаётининг ҳар бир жабҳа ва қиррасини тўлиқ қамраб олади. Бунда банданинг ибодатидан бошлаб, қандай покланиши, аҳли-оиласи билан қандай муомалада бўлиши, қандай ётиб-туриши, овқатланиши, кийиниши, қадам ташлашигача, ҳамма-ҳаммаси очиқ ва тўлиқ баён қилинган. Мусулмон киши бошқалар каби нима қилишни ва қандай йўл тутишни билмай ҳайрон бўлмайди. Чунки унинг дини ва шариатида ҳамма нарса миридан сиригача тўлиқ баён қилинган. Динимиздан беҳабар кишилар ҳожатхона одобларини бирон жойда ўрганиш ёки бу ҳақида китоб ёзишни ажабланиб қабул қилишлари мумкин. Аммо поклик асосига қурилган Исломи динида ҳар бир масала назардан четда қолдирилмаган. Мана шундай етук ва осон динга мансуб қилган, улуғ Пайғамбар умматлари қилган Аллоҳ таолога қанча ҳамду санолар айтсак, шунча камлик қилади.

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобалар ичидаги аҳли илмларнинг аксарияти ва улардан кейингилар: “Тош билан истинжо қилиш етарли. Чунки ахлат ва бавл асари кетказилса, сув билан истинжо қилиш шарт эмас”, деган. Суфён Саврий, Ибн Муборак, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқ ҳам шуни ёқлайди. Шуниси қизиқ, истинжода олд ва орқа најосат йўлини неча марта ювиш ҳақида пайғамбаримиздан бирон ривоят учрамайди, аммо бу

⁴⁰ Баъзи зоҳирийлар шунга ўхшаш ривоятлардан келиб чиқиб, “истинжода тош ишлатиш шарт, бошқа нарса жоиз эмас”, деган. Лекин барча уламолар тош шарт эмаслиги, балки унинг ўрнига эски латта, кесак ва шу каби нарсаларни қўллаш жоизлигини таъкидлаган.

хусусда турли қарашлар бор. Баъзи китобларда бу жой уч марта ювилиши айтилган. Чунки кўзга ташланмайдиган нажосатлар, одатда уч марта ювиш орқали тозаланади. Сийдик қолдиғи ҳам кўринмайди. Орқадан чиққан нажосат қолдиғи кўринса ҳам, аммо истинжо қилувчи уни кўрмайди. Шу сабаб у ҳам сийдик ўрнидадир⁴¹.

Кўпчилик уламолар кўнгил таскин топадиган даражада ювишни маъқуллашган. Агар икки ё уч марта ювилгандан сўнг тоза бўлганига ишонилса, бошқа ювиш шарт эмас. Агар шунда ҳам покланмаса, ювиш учтадан оширилади. Бундан ҳам худди тош ишлатишда бўлганидек поклик мақсад қилинган. Ҳожатга киришдан олдин оёққа пойабзал ва истинжо учун сув ҳозирлаб кирилади. Қазои ҳожатни адо этгач, аввал истибро, сўнг истинжо бажарилади. Истинжодан олдин қўл ювилиб, олдинига закар, кейин орқа аврат тозаланади. Истинжодан сўнг ювилган ўринларни артиш учун қуруқ ва тоза мато бўлгани маъқул. Бу соғлиқни сақлаш учун муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, қиш фаслида қуруқ мато билан артилмаса, таносил аъзолари шамоллаши мумкин. Бу тозаликка ёшу қари, эркагу аёл бирдек эътибор бериши лозим. Бундан ташқари, рўза тутилганда орқа авратини эҳтиётлик ила ювиш лозим. Акс ҳолда орқа тешиқдан сув ичкарига ўтиб, рўза очилишига сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун рўзадор ҳолатда ҳам истинжодан кейин сочиқ ишлатиш керак. Чунки орқа авратни ювилганда сув бир оз муддат у ерда туриб қолса, унинг ичга кириш эҳтимоли бор. Эркаklar аввал олд авратни, ундан сўнг орқа авратни ювади. Аёлларнинг ихтиёри ўзларида бўлиб, хоҳласалар, олд тарафдан, хоҳласалар орқадан бошлашлари мумкин.

Ўнг қўл билан истинжо қилмайди.

Ўнг қўл доимо покиза нарсалар учун ишлатилиб, нажосатни кетказишда эса чап қўлдан фойдаланилади. Агар чап қўлни ишлатишга бирон узр бўлса, у ҳолда ўнг қўл билан истинжо қилиш жоиз.

⁴¹ Баъзилар, хусусан, Имом Аҳмад ит теккан идишни поклаш ҳақида келган ривоятни далил қилиб, истинжо етти марта ювиш билан амалга оширилишини айтган.

۹۰ – عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ أَبِي قَتَادَةَ عَنْ أَبِيهِ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَهَى أَنْ يَمَسَّ الرَّجُلُ ذَكَرَهُ بِيَمِينِهِ. (رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَابْنُ حَبَّانَ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ).

90 – Абдуллоҳ ибн Абу Қатода отасидан ривоят қилишича, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) киши ўнг қўли билан закарини ушлашидан қайтарганлар (*Термизий ва Ибн Ҳиббон ривояти. Ривоят санади саҳиҳ*).

Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бавл қилаётганда ва ундан бошқа ҳолатларда закарини ўнг қўл билан ушлашдан қайтарганлар. Чунки ўнг қўлда ҳалол ва покиза ишлар қилиниб, тоза нарсалар ушланади. Айниқса, овқатланишни ўнг қўл билан бажаришни алоҳида таъкидлаш лозим. Агар ўнг қўлни ҳожатхонада ишлатилса, нажосатга теккан қўлда юқи қолиши ва шу нарса покликка зарар етказиши мумкин. Бу бир сабаби бўлса, унда биз билмаган бошқа сабаблар ҳам мавжуд.

۹۱ – وَعَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: كَانَتْ يَدُ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْيُمْنَى لَطْهُورِهِ وَطَعَامِهِ وَكَانَتْ يَدُهُ الْيُسْرَى لِخَلَاتِهِ وَمَا كَانَ مِنْ أَدَى. (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَأَحْمَدُ وَالْبَيْهَقِيُّ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ).

91 – Ойша (розияллоҳу анҳо) ривоят қилади: “Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўнг қўллари пок нарсалар ва таом учун, чап қўллари эса истинжо ва бошқа азият берувчи нарсалар учун (ишлатилар) эди” (*Абу Довуд, Аҳмад ва Байҳақий ривояти. Ривоят санади саҳиҳ*).

Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўзлари бунга қанчалик амал қилганлари ушбу ривоятда айтилмоқда.

۹۲ – وَعَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ أَبِي قَتَادَةَ عَنْ أَبِيهِ عَنْ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: إِذَا بَالَ أَحَدُكُمْ فَلَا يَأْخُذَنَّ ذَكَرَهُ بِيَمِينِهِ وَلَا يَسْتَنْجِي بِيَمِينِهِ وَلَا يَتَنَفَّسُ فِي الْإِنَاءِ. (رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَأَصْحَابُ السُّنَنِ وَالِدَّارِمِيُّ وَأَحْمَدُ وَابْنُ خَزِيمَةَ وَابْنُ حَبَّانَ).

92 – Абдуллоҳ ибн Абу Қатода отасидан, отаси Набийдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади: “Агар биронтангиз бавл қилса, зинҳор закарини ўнг қўли билан ушламасин, ўнг қўли билан истинжо қилмасин ва идиш ичига нафас чиқармасин!” (Бухорий, Муслим, Суан соҳиблари, Доримий, Аҳмад, Ибн Хузайма ва Ибн Ҳиббон ривояти).

Бу ривоятда бавл қилаётганда закарни ўнг қўл билан ушламаслик, ўнг қўл билан истинжо қилмаслик ва сув ичганда идиш ичига нафас чиқармаслик алоҳида таъкидланмоқда. Уламолар закарни ўнг қўл билан ушлаш ҳаром эмас, балки танзиҳий макруҳдир, дейишган. Агар чап қўли шол бўлса ва уни истинжода ишлата олмаса, сув қуйиб турадиган одам ҳам топилмаса, у истинжо қилмайди. Агар оқиб турадиган сув бўлса, ўнг қўли билан истинжо қилади (“Ал-хуласоту”).

Агар касал кишининг аёли ёки чўриси бўлмаса, ўзи таҳорат қила олмаса, ўғли ёки ака-укаси таҳорат қилишда унга ёрдам беради. Фақат истинжо қилдирмайди. Чунки улар бемор авратини ушлашлари жоиз эмас. Бундай ҳолатда бемордан истинжо соқит бўлади⁴² (“Ал-муҳит”).

Агар касал аёлнинг эри бўлмаса ва таҳорат қилишга қодир бўлмаса, қизи ёки опа-синглиси унга таҳоратда ёрдам беради. Ундан ҳам истинжо соқит бўлади (“Фатаво қозихон”).

Одамлар ўтадиган ёки кўзи тушадиган жойларга қазои ҳожат чиқариш мумкин эмас.

Бунда одамларга озор берилади. Бундай ишни қилган кимса одамлар ҳақорати ва лаънатига қолади.

۹۳ – عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: اتَّقُوا اللَّعَّانِينَ قَالُوا: وَمَا اللَّعَّانَانِ يَا رَسُولَ اللَّهِ قَالَ: الَّذِي يَتَخَلَّى فِي طَرِيقِ النَّاسِ أَوْ فِي ظِلِّهِمْ. (رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَأَحْمَدُ وَابْنُ خُرَيْمَةَ وَابْنُ حِبَّانَ وَالْحَاكِمُ.)

⁴² Истинжога қодир бўлмаган кишини фақат унинг никоҳида бўлганларгина (яъни, хотини ёки жорияси) истинжо қилдириши мумкин.

93 – Абу Хурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинишича, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Икки лаънатловчидан эҳтиёт бўлинглар!” деганларида, одамлар: “Ё Расулуллоҳ, икки лаънатловчи нима?” деб сўрашди. Шунда у зот: “Одамлар йўли ёки улар (ўтирадиган) соя (жойлар)га ҳожат чиқарадиган кимса (лаънатланувчидир”, дедилар (*Муслим, Абу Довуд, Аҳмад, Ибн Хузайма, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривояти*).

Динимизда бировга қўли, тили, ҳиди ва бошқа амаллари билан азият етказиш ҳаромдир. Шунга кўра, мусулмон киши одамларга озор беришдан сақланиши керак. Бу ривоятда одамлар озорланишига сабаб бўладиган ишлардан бири ҳақида сўз бормоқда. Одамлар ўтадиган ёки салқинлаб дам оладиган жойга ҳожат чиқариш яхши эмас. Одатда бундай ишларни қилганларга танбеҳ берилади, шунда ҳам қайтмаса, лаънатланади. Ушбу ривоятда ҳам мазкур иш лаънатга сабаб бўлиши айтилиб, ундан қайтарилган.

٩٤ – وَعَنْ مُعَاذِ بْنِ جَبَلٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: اتَّقُوا الْمَلَاعِنَ الثَّلَاثَةَ الْبِرَازَ فِي الْمَوَارِدِ وَقَارِعَةَ الطَّرِيقِ وَالظَّلَّ. (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَابْنُ مَاجَهَ وَأَحْمَدُ وَالْحَاكِمُ وَالطَّبْرَانِيُّ فِي الْكَبِيرِ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ.)

94 – Муоз ибн Жабал (розияллоҳу анҳу) Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади: “Учта лаънат тегадиган жой (иш) – сув боши, йўл ўртаси ва соя жойга ҳожат чиқаришдан эҳтиёт бўлинглар!” (*Абу Довуд, Ибн Можа, Аҳмад, Ҳоким, Табароний “Кабир”да ривоят қилган. Ҳадис санади ҳасан*).

Бу ҳадиси шарифда олдинги икки лаънатланувчи ишга учинчиси қўшимча қилинмоқда. Яъни, сув олинадиган жойларга сийиш ҳам лаънатга сабаб бўлиши айтилмоқда. Демак, мўмин-мусулмон ўзи бу ишни қилмаслиги, болаларини ҳам ушбу кўрсатмаларга мувофиқ тарбиялаб бориши лозим. Шунингдек, қабр устига ҳожат ушатиш ҳам таҳримий макруҳ (ҳаромга яқин бўлган макруҳ амал)дир.

Оқадиган ва оқмайдиган сувга ва ҳаммомга бавл қилишдан сақланиш

Оқмай турган кам миқдордаги сувга ҳожат чиқариш ҳаром. Агар оқмайдиган сувнинг кўплиги маълум бўлса, бу ҳолда унга ҳожат чиқариш таҳримий макруҳ бўлади. Агар сув оқаётган бўлса, унга ҳожат чиқариш танзиҳий макруҳдир.

۹۵ – وَعَنْ جَابِرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ نَهَى أَنْ يُبَالَ فِي الْمَاءِ الرَّائِدِ. (رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَالتَّسَائِي وَابْنُ مَاجَهَ وَأَحْمَدُ وَابْنُ حِبَّانَ).

95 – Жобир (розияллоҳу анҳу) ривоят қилишича, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) оқмайдиган сувга бавл қилишдан қайтарганлар (*Муслим, Насоий, Ибн Можа, Аҳмад ва Ибн Ҳиббон ривояти*).

Набий (алайҳиссалом) бу ишдан бежизга қайтармаганлар. Чунки оқмайдиган сувга бавл қилинса, бошқалар ундан фойдалана олмайди. Агар билмасдан фойдаланган тақдирда ҳам соғлиқ учун зарарлидир. Шунинг учун ҳар қандай сувга катта таҳорат ушатиш бавлдан ҳам ёмонроқдир. Бир идишга сийиб, уни сувга тўкса ҳам, ариқ ёнига сийса-ю, у оқиб ариққа тушса ҳам, бу иш жоиз бўлмайди. Уламолар бирон сув бўйига сийиш ёки ахлат чиқаришда айнан сувга тушмаган тақдирда ҳам, бу иш макруҳдир, дейишган. Бунга Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бирон сув бўйида сийишдан қайтарганларини далил қилиб келтириб, у ердан ўтувчиларга озор беради ва устига-устак, бунда сувга нажосат тушиши хавфи бор, дейишган.

۹۶ – وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنْ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: لَا يَبُولَنَّ أَحَدُكُمْ فِي الْمَاءِ الدَّائِمِ ثُمَّ يَغْتَسِلُ مِنْهُ. (رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَالتَّسَائِيُّ وَأَحْمَدُ وَابْنُ حِبَّانَ وَالتَّطَبْرَانِيُّ وَفِي رِوَايَةٍ قَالَ: ثُمَّ يَتَوَضَّأُ مِنْهُ).

96 – Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу) Набийдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади: “Биронтангиз оқмайдиган сувга бавл қила кўрмасин! (Чунки) кейин ундан ўзи ювинади” (*Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий, Насоий, Аҳмад, Ибн Ҳиббон ва Табароний ривояти. Бир ривоятда: “Сўнгра ундан ўзи таҳорат қилади”, дейилган*).

Бу ҳадисда сувга сийишдан қайтарилиб, тоза сувга сийдик аралашгач, унинг таркибидаги зарарли моддалардан ичган кишиларга зарар етади. Шу сабаб бу ишга Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) алоҳида эътибор қаратганлар. Мазкур ривоятдан оқмайдиган ва оқадиган сувга ҳам сийиш дуруст эмаслигини билиб оламиз.

۹۷ – وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: لَا يَبُولَنَّ أَحَدُكُمْ فِي الْمَاءِ الدَّائِمِ وَلَا يَغْتَسِلُ فِيهِ مِنَ الْجَنَابَةِ. (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَأَحْمَدُ وَابْنُ حِبَّانَ وَالْبَيْهَقِيُّ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ صَحِيحٌ.)

97 – Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Сизлардан бирон киши оқмас сувга ҳаргиз бавл қилмасин ва унда жунубликдан (сўнг) ғул қилмасин!” дедилар” (*Абу Довуд, Аҳмад, Ибн Ҳиббон ва Байҳақий ривояти. Ҳадис санади ҳасан-саҳиҳ*).

Ушбу ривоятда оқмайдиган сувга бавл қилиш ва ғул қилишдан қайтариқ бор. Шу ривоятни далил қилиб баъзилар мустаъмал сув нажосат эканини айтган.

۹۸ – وَعَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مُغَفَّلٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَهَى أَنْ يَبُولَ الرَّجُلُ فِي مُسْتَحَمِّهِ وَقَالَ: إِنَّ عَامَّةَ الْوَسْوَاسِ مِنْهُ. (رَوَاهُ أَصْحَابُ السُّنَنِ وَأَحْمَدُ وَابْنُ حِبَّانَ وَالْبَيْهَقِيُّ وَالطَّبْرَانِيُّ وَقَالَ الْأَبَانِيُّ: صَحِيحٌ دُونَ قَوْلِهِ «فَإِنَّ عَامَّةَ الْوَسْوَاسِ مِنْهُ».)

98 – Абдуллоҳ ибн Муғаффал (розияллоҳу анҳу) ривоят қилишича, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир

кишини ҳаммомда бавл қилишидан қайтара туриб, “албатта, васвасанинг аксари шундан (келиб чиқади)”, деганлар (*Сунан соҳиблари, Аҳмад, Ибн Ҳиббон, Байҳақий ва Табароний ривояти*).

Аксарият уламолар ҳаммом суви тўпланмасдан оқиб кетадиган ҳолатда бўлса, бундай жойда сийишнинг карохати йўқ, дейишган. Аммо иложи борича ҳаммомда бавл чиқармаган яхши. Бундай ҳолатда кийим ёки баданга сийдик томчиси тегиши ва қалбда турли васваса пайдо бўлиши мумкин.

Ҳанафий уламолар таҳорат ёки ғул қиладиган жойга сийишни макруҳ, дейишган⁴³.

Тешик жойга сийишдан сақланиш

Одатда ҳашаротлар тешик жойларга ин қуради, агар унга бавл қилинса, уларга озор етади, аксинча, бавл теккан вақтда ҳашаротлар ўзини ҳимоя қилиш учун унга ҳам зарар етказиши мумкин.

۹۹ – عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ سَرْجَسٍ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَهَى أَنْ يُبَالَ فِي الْجُحْرِ قَالُوا لَقَتَادَةَ: مَا يُكْرَهُ مِنَ الْبَوْلِ فِي الْجُحْرِ قَالَ: كَانَ يُقَالُ إِنَّهَا مَسَاكِنُ الْجِنِّ. (رواه أبو داود والنسائي وأحمد والبيهقي وسنده صحيح.)

99 – Абдуллоҳ ибн Саржис ривоят қилишича, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тешикка бавл қилишдан қайтарганлар. Одамлар Қатодадан: “Нима сабаб тешикка бавл қилишдан қайтарилган?” деб сўрашганида, у: “У жойлар жинлар маконидир, деган гап бор”, деди (*Абу Довуд, Насоий, Аҳмад, Ҳоким ва Байҳақий ривояти. Ривоят санади саҳиҳ*).

Дуч келган тешик жойга сийиб кетавериш яхши эмас. Чунки ўша тешикда илон, чумоли ёки бошқа зарарли ҳашарот ётган бўлиши мумкин. Бундай ҳолда икки тарафга ҳам озор етиш эҳтимоли бор. Агар ҳожатхонадан ташқарида бавл қилишга тўғри келса, қулай жой топиш, ўша жой

⁴³ “Ас-сирожул ваҳҳож”.

қаттиқ бўлмаслигига аҳамият бериш ва қум ёки тупрок каби юмшоқ бўлиши лозим. Чунки қаттиқ жойга бавл қилинса, сийдик томчилари бадан ва либосга сачраш эҳти-моли йўқ эмас.

۱۰۰ – وَعَنْ أَبِي مُوسَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كُنْتُ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ذَاتَ يَوْمٍ فَأَرَادَ أَنْ يَبُولَ فَأَتَى دَمَثًا فِي أَصْلِ جِدَارِ فَبَالَ ثُمَّ قَالَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِذَا أَرَادَ أَحَدُكُمْ أَنْ يَبُولَ فَلْيَرْتَدِّ لِبَوْلِهِ مَوْضِعًا. (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَسَنَدُهُ ضَعِيفٌ).

100 – Абу Мусо (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Бир куни мен Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан бирга эдим. У зот бавл қилмоқчи бўлиб девор тагидаги юмшоқ тупроқли жойга бордилар ва бавл қилдилар. Сўнгра у зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Агар бирон тангиз бавл қилмоқчи бўлса, сийиш учун жой топсин”, дедилар” (Абу Довуд ривояти. Ривоят санади заиф).

Яъни сийишдан олдин бировга зарар бермайдиган ва ўзи ҳам озорланмайдиган қулай жойни қидириб топиш лозим.

Ҳожатдан чиққанда ўқиладиган дуолар.

Динимизда Аллоҳни доимо зикр қилиш ва зинҳор ғофил қолмасликка тарғиб қилинади. Буни ҳатто ҳожатхонага кириш ва ундан чиқишда ўқиладиган махсус дуолар борлигидан ҳам билиш мумкин. Бу дуолар Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳадисларида мавжуд.

۱۰۱ – عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ إِذَا خَرَجَ مِنَ الْغَائِطِ قَالَ: غُفْرَانَكَ. (رَوَاهُ أَصْحَابُ السُّنَنِ وَالِدَّارِمِيُّ وَأَحْمَدُ وَأَبْنُ حَزِيمَةَ وَأَبْنُ حَبَّانَ وَالْحَاكِمُ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ).

101 – Ойша (розияллоҳу анҳо) ривоят қилишича, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қачон ҳожатхонадан чиқсалар: “Ғуфронака”, деб айтардилар (Сунан соҳиблари,

Доримий, Аҳмад, Ибн Хузайма, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривояти. Ривоят санади саҳиҳ).

Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи ва саллам) ҳожатхонадан чиққандан сўнг нима сабабдан истиғфор айтганларига уламолар икки хил сабабни келтиради:

– Пайғамбаримиз (соллalloҳу алайҳи ва саллам) ҳар қандай ҳолатда доим Аллоҳни зикр қилардилар. Фақат ҳожатхонада бу ишни тарк этиб, у ердан чиққанда Аллоҳни бир оз “унутганлари” учун истиғфор айтганлар;

– Аллоҳ таоло бандаларига ҳисобсиз неъматлар ато этиб, уларга турли таом ва ичимликларни озуқа қилиб берган. Аммо ҳар қанча уринса ҳам банда уларнинг шукрини муносиб ва тўлиқ адо этолмайди. Набий (соллalloҳу алайҳи ва саллам) ҳожатхонада шуни ўйлаб, у ердан чиққандан кейин истиғфор айтганлар.

۱۰۲ – وَعَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا خَرَجَ مِنَ الْخَلَاءِ قَالَ: الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي أَذْهَبَ عَنِّي الْأَذَى وَعَافَانِي. (رَوَاهُ ابْنُ مَاجَهَ وَسَنَدُهُ ضَعِيفٌ).

102 – Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Набий (соллalloҳу алайҳи ва саллам) ҳожатхонадан чиққанларидан сўнг: “Алҳамду лиллаҳил-лазий азҳаба ʻаннил-азаа ва ʻаафааний”, деб айтардилар” (Ибн Можа ривояти. Ривоят санади заиф).

Дуонинг⁴⁴ маъноси қуйидагича: “Мендан азият берувчи нарсаларни кетказиб, офият берган Аллоҳ мақтовга энг муносиб Зотдир!”

Овқатланиб бўлгандан кейин танамизда фойдалиси қолиб, кераксизлари чиқинди ҳолида ташқарига чиқиб кетади. Агар еган овқатдан бирон қисми танага сингмасдан олдин ташқарига чиқиб кетганида, ҳалок бўлардик. Шунинг учун таомнинг баданга сингиши, унинг озуқага айланиши ҳамда муайян вақтдан кейин чиқинди бўлиб чиқиб кетиши хоҳиш-иродамизга боғлиқ бўлмаган жараён. Бу улуғ

⁴⁴ Иброҳим Таймийдан ривоят қилинишича, Нуҳ (алайҳиссалом) ҳам ҳожатхонадан чиққандан сўнг ушбу дуони ўқир эди (Ибн Абу Шайба ривояти).

илоҳий тадбирдан бошқа нарса эмас. Шу сабаб ҳам банда Парвардигорига қанча шукр ва ҳамду санолар айтса, шунча кам. Хожатдан чиққанда ўқиладиган дуонинг икки-уч хил кўриниши бор. Биз келтирган икки ривоятни жамлаб ўқилса ҳам жоиз:

غُفْرَانَكَ، الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي أَذْهَبَ عَنِّي الْأَذَى وَعَافَانِي

Агар имкон бўлса, ҳожатхонага намозда кийилмайдиган кийимда кириш мустаҳаб. Агар бунга иложи етмаса, либосига нажосат ва истинжо учун ишлатган суви тегишидан сақланади. Шу баробарида ҳожатхонага бош кийим билан кирилиб, у ерда узрсиз ҳолда туриб, ёнбошлаб ёки яланғоч ҳолда бавл қилиш мумкин эмас. Агар бунга бирон бир узри бўлса, у ҳолда жоиз. Агар ер қаттиқ бўлса, бавлдан олдин унга кифоя қиладиган чуқур казилади⁴⁵.

ИСТИНЖО ҚИЛИШ ТАРТИБИ

Ҳожатхонага чап оёқ билан кирилиб, киришдан олдин “бисмиллоҳ” айтилгандан кейин ҳадисда келган дуо ўқилади. Ҳожатхонада олди ва орқасини қиблага қаратмайди. Шунингдек, ҳожат вақтида сўзлаш ёки ташқарида турган биров билан гаплашиш мумкин эмас. Аллоҳни зикр қилмайди. Шунини унутмаслик керак, ҳожатхонада узоқ ўтириш турли касалликларга сабаб бўлади. Хоҳ катта ҳожат ёки кичик ҳожат чиқарсин, ҳар икки авратни поклашдан олдин қўлини ювади. Истинжода учта бармоқдан фойдаланиб, бармоқлар учи билан эмас, балки ён томони ёки ўртаси билан истинжо қилинади. Истинжода фақат бир бармоқнинг ўзини ишлатиш жоиз эмас. Бундай қилиш касалликка олиб боришдан ташқари тозаланадиган жой тўлиқ тозаланмайди. Шунини ҳам таъкидлаш керак, истинжо шошилмасдан амалга оширилади, сув зарб билан урилмайди. Ювиш вақтида аввал олд, сўнг орқа нажосат

⁴⁵ Бу гап бино шаклида бўлмаган ҳожатхоналар ҳақида айтилган. Махсус ҳожатхоналарда бу ишни қилиш шарт эмас.

йўли ювилади⁴⁶. Нажосат жойларни сув билан ювгандан сўнг қўлни яхшилаб ювиб ташлаш лозим. Чунки унда нопок нарсалар ҳиди ўтириб қолиши мумкин. Расулуллох (соллаллоху алайҳи ва саллам) истинжо қилганларидан кейин қўллари тупроққа ишқалаганлар. Ким суннатга амал қилса, шундай қилиши мумкин. Аксинча, совун ва замонавий тозалаш воситаларидан фойдаланиши жоиз. Энг муҳими, истинжодан кейин таҳорат қилишдан олдин икки қўлни тўлиқ поклашдир.

ИСТИНЖО ТУРЛАРИ

Истинжо ҳолатга қараб қуйидаги турларга ажрайди:

1. Фарз.

а) жунуб, ҳайз ва нифосдан покланаётганда ғусл қилишдан олдин олд ва орқа аврат ҳамда унинг атрофини яхшилаб сувда ювиш фарз. Бунда ўша ерда нажосат бор-йўқлиги ёки оз-кам бўлишининг фарқи йўқ;

б) агарда олд ва орқа йўлдан чиққан нажосат тарқалган жой бир дирҳамдан ошса, уни кесак ва тош каби нарсалар билан поклашнинг ўзи кифоя қилмайди. Балки уни сувда ювиб тозалаш фарз.

Агар чиққан нажас қуюқ бўлса, оғирлиги дирҳам (тахм. 3 гр. атрофида), агар суюқ бўлса, кафт кенглиги билан ўлчанади.

2. Вожиб.

Агар нажосат атрофга тарқалиб, унинг кенглиги дирҳам миқдорича келса, уни сувда ювиш вожибдир. Агар катта ёки кичик таҳорат ушатмаса, истиҳозали аёл ҳар бир намоз вақти учун истинжо қилиши вожиб эмас⁴⁷.

3. Суннат.

Агар чиққан нажосат бир дирҳам миқдоридан камроқ бўлса, уни сувда ювиш суннат. Мабодо истинжо ўрнида бир дирҳам миқдорида нажосат қолса, мана шу ҳолатда

⁴⁶ Абу Ҳанифа: “Аввал орқани, сўнг олдини ювади”, деган. Абу Юсуф ва Муҳаммадлар эса: “Аввал олдини ювади”, дейишган. Афзали аввал закарни, кейин мақъадни ювишдир. Сабаби бавл орқадан чиққан нажосатдан енгил саналади.

⁴⁷ “Ас-сирожия”.

ўқилган намоз жоиз. Агар у бир дирҳамдан ошса, ўқиган намози қабул бўлмайди, нажосатни ювиш шарт.

4. Мустаҳаб.

а) агар чиққан нажосат махраждан ошмаса, уни сувда ювиш мустаҳаб;

б) сийгандан кейин олд нажосат йўлини сувда ювиш мустаҳаб.

5. Одоб.

Агар ҳожат вақтида ичи қуюқ келса, тош ёки шунга ўхшаш нарсалар билан истинжо қилгандан кейин сувда ювиш одобдир.

6. Бидъат.

Ел чиқаргандан сўнг истинжо қилиш бидъат⁴⁸. Шунингдек, уйқудан уйғониш, жиннилик, ҳушидан кетиш ва мастлик ҳам истинжони шарт қилмайди. Кесак ёки тош ишлатишдан кўра сувда ювган афзал. Яъни, агар бири билан кифояланадиган ҳолат бўлса, нажосатни сув ёрдамида поклаш яхши.

ҚУБО АҲЛИНИНГ СИФАТИ

Аллоҳ таоло айтади:

لَا نَقْمُ فِيهِ أَبَدًا لَّمَسْجِدٍ أُسِّسَ عَلَى التَّقْوَىٰ مِنْ أَوَّلِ يَوْمٍ أَحَقُّ أَنْ تَقُومَ فِيهِ فِيهِ رِجَالٌ مُّحِبُّونَ أَنْ يَنْظُرُوا إِلَى اللَّهِ يُحِبُّ الْمُطَهَّرِينَ

“Эй Муҳаммад,) ҳеч қачон у (масжид)да (намозга) турманг! Биринчи кундан тақво асосига қурилган масжид бор, Сизнинг ўшанда туришингиз лойиқроқ. Унда покликни севадиган кишилар бордир. Аллоҳ ўта пок зотларни яхши кўради” (Тавба, 108).

Аллоҳ таоло бу оятда Расулуллоҳни (алайҳиссалом) Зирор масжидида намоз ўқимасликка, балки тақво асосига қурилган Қубо масжидида намозни адо этишга буюрмоқда. Шунингдек, Қубода намозни тўқис адо этадиган, гуноҳ-маъсиятлардан узоқ юрадиган, баданларини нопок

⁴⁸ “Ал-фатаво ал-ҳиндия”.

нарсалардан асрайдиган қавм борлиги маълум қилиниб, улар шаънига мақтов айтилмоқда. Ушбу оят тафсирини юқорида келтирилган ривоятлар орқали ўрганамиз.

۱۰۳ – عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: نَزَلَتْ هَذِهِ الْآيَةُ فِي أَهْلِ قَبَاءَ «فِيهِ رَجَالٌ يُحِبُّونَ أَنْ يَتَطَهَّرُوا» قَالَ: كَانُوا يَسْتَنْجُونَ بِالْمَاءِ فَانزَلَتْ فِيهِمْ هَذِهِ الْآيَةُ. (رواه أبو داود والتِّرْمِذِيُّ وَابْنُ مَاجَةَ وَالْحَاكِمُ وَابْنُ مَرْدَوَيْهِ وَالطَّبْرَانِيُّ فِي الْكَبِيرِ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

103 – Абу Хурайра (розияллоху анху) ривоят қилади: “Набий (соллаллоху алайҳи ва саллам): **“Унда покликни севадиган кишилар бордир”** ояти Қубо аҳли ҳақида нозил бўлган”, дедилар”. (Абу Хурайра) айтади: “Улар сув билан истинжо қилар эди. Улар ҳақида ушбу оят тушди” (Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа, Ҳоким, Ибн Мардавайҳ, Табароний “Қабир”да ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ).

Қубо Мадинадан икки ёки уч мил узоқликдаги жой бўлиб, Қубо аҳли фақат тош билан кифояланиб қолмай, истинжода сувни ишлатарди. Аллоҳ таоло уларнинг бу сифатини Ўз Каломида тилга олган.

۱۰۴ – وَعَنْ خُزَيْمَةَ بْنِ ثَابِتٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ رَجَالٌ مَنَا إِذَا خَرَجُوا مِنَ الْغَائِطِ يَغْسِلُونَ أَثَرَ الْغَائِطِ فَانزَلَتْ فِيهِمْ هَذِهِ الْآيَةُ «فِيهِ رَجَالٌ يُحِبُّونَ أَنْ يَتَطَهَّرُوا». (رواه ابن جرير الطبري وابن مردويه والطبراني في الكبير.)

104 – Хузайма ибн Собит (розияллоху анху) ривоят қилади: “Бизнинг қавмдаги одамлар хожатхонадан чиқишса, нажосат асарини сув билан ювар эдилар. Улар ҳақида “унда покликни севадиган кишилар бордир” ояти нозил бўлди” (Ибн Жарир Табарий, Ибн Мардавайҳ, Табароний “Қабир”да ривоят қилган).

Бу ривоятда ҳам юқоридаги маъно таъкидланмоқда.

١٠٥ - وَعَنْ أَبِي أَيُّوبَ الْأَنْصَارِيِّ وَجَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ وَأَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمْ أَنَّ هَذِهِ الْآيَةَ نَزَلَتْ «فِيهِ رَجَالٌ يُحِبُّونَ أَنْ يَتَطَهَّرُوا وَاللَّهُ يُحِبُّ الْمُطَهَّرِينَ» قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: يَا مَعْشَرَ الْأَنْصَارِ إِنَّ اللَّهَ قَدْ أَتَنَى عَلَيْكُمْ فِي الطُّهُورِ فَمَا طُهِرْكُمْ قَالُوا: نَتَوَضَّأُ لِلصَّلَاةِ وَنَغْتَسِلُ مِنَ الْجَنَابَةِ وَنَسْتَنْجِي بِالْمَاءِ قَالَ: فَهُوَ ذَاكَ فَعَلَيْكُمْوه. (رواه ابن ماجه والحاكم والدارقطني وابن مردويه والبيهقي في شعب الإيمان والطبراني في مسند الشاميين وسنده صحيح).

105 – Абу Айюб Ансорий, Жобир ибн Абдуллоҳ ва Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳум) ривоят қилишича, “унда покликни севадиган кишилар бордир” ояти нозил бўлганида, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Эй ансорлар жамоаси, Аллоҳ сизларга поклик бобида мақтов айтди. Сизнинг поклигингиз нимада?” деганларида, улар: “Намоз учун таҳорат оламиз, жунублиқдан ғул қиламиз ва сув билан истинжо қиламиз”, деб жавоб беришган. Шунда у зот: “Мана шунинг учун экан-да. Бас, бу амалингизни маҳкам ушланглар”, деганлар (*Ибн Можа, Ҳоким, Дорақутний, Ибн Мардавайҳ, Байҳақий “Шуъабул имон”-да ва Табароний “Муснадуш шомийин”да ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ.*)

Юқоридаги оят нозил бўлганида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Кубо аҳлидан уларнинг покликларига нима сабаб бўлиши ҳақида сўраганларида, намоз учун таҳорат олишлари, жунуб бўлгандан сўнг ювинишлари ва сув билан истинжо қилишларини айтишган. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шунда нима сабабдан поклик бобида мақтов айтилганини билиб, уларга бу ишда бардавом бўлишни тайинладилар. Демак, сув билан истинжо қилиш ва пок бўлиш Аллоҳ суйган амаллардан бири экан. Ким шуни ўзига одат қилса, у Аллоҳнинг маҳбуб бандалари қаторига киради.

СИЙГАНДАН СЎНГ ИСТИНЖО ҚИЛИШ ЛОЗИМЛИГИ ВА ИСТИБРОНИ ТАРК ЭТИШ ОҚИБАТЛАРИ

Кийим ва баданга сийдик тегишига эътиборсизлик қандай оқибатларга олиб келиши ҳақида ҳадисларда етарли маълумотлар берилган.

۱۰۶ - عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: مَرَّ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِقَبْرَيْنِ فَقَالَ: إِنَّهُمَا لَيُعَذَّبَانِ وَمَا يُعَذَّبَانِ فِي كَبِيرٍ أَمَّا أَحَدُهُمَا فَكَانَ لَا يَسْتَتِرُ مِنَ الْبَوْلِ وَأَمَّا الْآخَرُ فَكَانَ يَمْشِي بِالنَّمِيمَةِ ثُمَّ أَخَذَ جَرِيدَةً رَطْبَةً فَشَقَّهَا نِصْفَيْنِ فَغَرَزَ فِي كُلِّ قَبْرٍ وَاحِدَةً قَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ لِمَ فَعَلْتَ هَذَا قَالَ: لَعَلَّهُ يُخَفَّفُ عَنْهُمَا مَا لَمْ يَيَّبَسَا. (رواه البخاري ومسلم وأصحاب السنن وأحمد.)

106 – Ибн Аббос (розияллоху анҳу) ривоят қилади: “Набий (соллаллоху алайҳи ва саллам) икки қабр олди-дан ўта туриб, “мана шу икки (қабрдаги маййит) азоблан-моқда. Лекин катта (гуноҳ) учун азобланаётганлари йўқ. Уларнинг бири сийдикдан эҳтиёт бўлмас⁴⁹, бошқаси ғий-бат қилиб юрар эди”, дедилар ва бир ҳўл новдани олиб иккига бўлдилар ва ҳар бир қабрга биттадан тиқиб қўй-дилар. Шунда: “Ё Расулуллоҳ, нима сабабдан бундай қил-дингиз?” дейилганда, у зот: “Шояд икки (новда) қуригун-ча (азобларини) енгиллатса”, дедилар” (*Бухорий, Муслим, Сунаун соҳиблари ва Аҳмад ривояти*).

Пайғамбар (соллаллоху алайҳи ва саллам) икки қабр олди-дан ўта туриб, қабрдаги маййитлар азобланаётгани-ни эшитиб, буни саҳобаларга айтдилар. Шундан кейин уларни бу азобга гирифтор этган сабабни ҳам баён қилди-лар. Чунки тириклик вақтида бири сийдикдан покланмас, иккинчиси одамлар орасида гап ташиб, ғийбат ва бўҳтон қилишдан тийилмасди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва

⁴⁹ Биз ҳадис таржимасида “сийдикдан эҳтиёт бўлмас эди” деб ифодалаган жум-ла арабий матнда турли ривоятларда уч хил кўринишда – لَا يَسْتَتِرُ، لَا يَسْتَتِرُهُ، لَا يَسْتَتِرُ وَلَا يَسْتَتِرُ ва لَا يَسْتَتِرُ وَلَا يَسْتَتِرُ шаклларида келади. Буларнинг ҳаммаси саҳиҳ ва бир-бирига маъно жиҳатидан яқин.

саллам хурмонинг ҳўл новдасини олиб, иккига бўлдилар ва ҳар бир қабр устига суқиб қўйдилар. Бунинг сабаби сўралганида, у зот бу нарса новдалар қуригунга қадар шу қабрда ётган марҳумлар азобини енгиллатишидан умид қилишларини айтдилар. Бу ҳадисда жуда кўп ҳикмат ва фойдалар бор. Бу хусусда кўп ва узоқ шарҳлаш мумкин. Шунини инобатга олган ҳолда, ушбу ривоятдан олинадиган фойда ва хулосаларни мухтасар баён қиламиз:

- қабр азобининг ҳақ экани. Мўътазилийлардан бошқа аксар мазҳаблар буни тан олишган;

- Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қабрда ётган маййитлар ҳолини билишлари;

- сийдик ғализа нажосат экани. Чунки қабр азобига сабаб бўладиган нарсани енгил олиш тўғри эмас;

- ғийбат, гап ташувчилик ва чақма-чақарлик катта гуноҳ ва қабр азобига сабаб бўлиши;

- сийдикдан покланиш ва ғийбатнинг катта гуноҳ эканини назарга илмаслик ва уни одамлар билмаслиги. Ҳақиқатан ҳам аксарият кишилар бу иккисига арзимас гуноҳ деган назар билан қарайди. Аммо Аллоҳ наздида улар катта гуноҳдир. Сийдикдан бадан ва либос покланмай ўқилган намоз қабул бўлмайди. Шунингдек, бу нарса инсон саломатлигига ҳам зарарли. Ғийбат, чақимчилик қанчалик қабиҳ иллат эканини ҳаммамиз яхши биламиз;

- қабр устида кўкариб турган ўт-ўлан ва майсалар қабрдаги маййитга фойда бериши. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) азоб тортаётган маййит қабрига ҳўл новдани суқиб қўйишлари шунга далолат қилади. Уламолар қабр олдида Қуръон ўқиш мустаҳаб, деган. Сабаби оддий. Оддий новданинг тасбеҳ айтишидан умидвор бўлинса, Қуръон тиловатидан маййитга наф етишига шубҳа қилмаслик керак. Бухорий “Саҳиҳ”да ривоят қилишича, саҳобий Бурайда ибн Ҳасийб Асламий Пайғамбарнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мана шу амалларига эргашиб, вафот этганидан кейин қабрига иккита ҳўл новда суқиб қўйишларини васият қилган экан. Демак, қазои ҳожат вақтида кийим ва баданга нажосат тегиши-

дан эҳтиёт бўлиш ҳамда чақимчиликдан тийилиш лозим. Яъни, қабр азобини ўйлайлик, ҳамиша моддий ва маънан пок бўлишга ҳаракат қилайлик!

۱۰۷ – وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كُنَّا نَمْشِي مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَمَرَرْنَا عَلَى قَبْرَيْنِ فَقَامَ فَمَقُمْنَا مَعَهُ فَجَعَلَ لَوْنُهُ يَتَغَيَّرُ حَتَّى رَعَدَ كُمْ فَمِصَّهُ فَقُلْنَا: مَا لَكَ يَا رَسُولَ اللَّهِ فَقَالَ: أَمَا تَسْمَعُونَ مَا أَسْمَعُ فَقُلْنَا: وَمَا ذَاكَ يَا نَبِيَّ اللَّهِ قَالَ: هَذَانِ رَجُلَانِ يُعَذِّبَانِ فِي قُبُورِهِمَا عَذَابًا شَدِيدًا فِي ذَنْبٍ هَيْنٍ قُلْنَا: فِيمَ ذَلِكَ قَالَ: كَانَ أَحَدُهُمَا لَا يَسْتَنْزَهُ مِنَ الْبَوْلِ وَكَانَ الْآخَرُ يُؤْذِي النَّاسَ بِلِسَانِهِ وَيَمْشِي بَيْنَهُمْ بِالتَّمِيمَةِ فَدَعَا بِجَرِيدَتَيْنِ مِنْ جَرَائِدِ النَّخْلِ فَجَعَلَ فِي كُلِّ قَبْرٍ وَاحِدَةً قُلْنَا: وَهَلْ يَنْفَعُهُمْ ذَلِكَ قَالَ: نَعَمْ، يُخَفِّفُ عَنْهُمَا مَا دَامَتَا رَطْبَتَيْنِ. (رَوَاهُ ابْنُ حِبَّانَ فِي صَحِيحِهِ.)

107 – Абу Ҳурайра (розияллоҳу анху) ривоят қилади: “Биз Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан кетаётган эдик, икки қабр олдидан ўтдик. Шунда у зот бирдан тўхтаб қолдилар. Биз ҳам у киши олдида тўхтаб қолдик. У зотнинг ранглари ўзгара бошлади. Ҳатто кўйлақларининг энги титраб кетди. Биз: “Сизга нима бўлди, ё Расулуллоҳ”, дедик. У зот: “Мен эшитаётган нарсаларни сизлар эшитмаяпсизми?” дедилар. Биз: “У нима экан, ё Аллоҳнинг Пайғамбари?” дедик. У зот: “Бу икки киши “енгил” гуноҳ туфайли қабрида қаттиқ азобланмоқда”, дедилар. Биз: “Нима сабабдан (азобланишмоқда)?” дедик. У зот: “Уларнинг бири сийдикдан эҳтиёт бўлмас, бошқаси эса тили билан одамларга озор берар ва улар ўртасида чақимчилик қиларди”, дедилар ва хурмо новдаларидан иккитасини (олиб келишни) буюрдилар. Сўнгра ҳар бир қабрга биттадан суқиб қўйдилар. Биз: “Бу уларга фойда берадимми?” деб сўрадик. У зот: “Ҳа, ушбу икки (новда) токи ҳўл экан, улардан (азобни) енгиллаштиради”, дедилар (Ибн Ҳиббон “Саҳиҳ”да ривоят қилган).

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Мадина ёки Макка деворларидан бири олдидан ўтаётган маҳалда қабрида азобланаётган икки одамнинг овозини эшитиб: “У иккиси азобланмоқда. Аммо катта (гуноҳ) учун азобланаётгани йўқ”, дедилар ва кейин: “Йўқ, (улар катта гуноҳдир). Улардан бири сийдикдан сақланмас, яна бири чақимчилик қилиб юрарди”, деб айтдилар. Кейин ҳўл новдани олиб келишни буюриб, уни иккига бўлдилар ва ҳар бир қабр устига тикиб қўйдилар. Шунда у зотга: “Ё Расулulloҳ, нега бундай қилдингиз?” деб сўралганида, у зот: “Шояд мана шу (новдалар қуригунича (уларнинг азобини) енгилатса”, деб жавоб бердилар” (*Бухорий, Насоий ва Ибн Хузайма ривояти*). Асосан сийдикдан сақланиш лозимлиги ҳақида сўз бораётган экан, бу борада айтилган бошқа ривоятларни ҳам ўрганиб чиқсак, фойдадан холи бўлмайди.

۱۰۸ – وَعَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِنَّ عَامَّةَ عَذَابِ الْقَبْرِ مِنَ الْبَوْلِ فَتَنْزَهُوا عَنْهُ. (رَوَاهُ الْبَزَّازُ وَالْحَاكِمُ وَالِدَّارِقُطْنِيُّ وَالطَّبْرَانِيُّ فِي الْكَبِيرِ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

108 – Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Албатта, қабр азобининг аксари сийдик сабабдир. Бас, ундан эҳтиёт бўлинглар!” деганлар” (*Баззор, Ҳоқим, Дорақутний, Табароний “Қабир”да ривоят қилган. Ҳадис санади саҳиҳ*).

Қабр азоби ҳақ эканига мўмин-мусулмон киши имон келтиради. Шу боис қабрдаги азоб турли гуноҳ ишлар сабабли бўлишини доимо ёдда тутиш керак. Лекин шулар орасида сийдикдан эҳтиёт бўлмаслик энг кўп сабаб бўлувчи экан. Тушунарлироқ айтадиган бўлсак, аксарият одамлар айнан сийдикдан эҳтиёт бўлмаслик оқибатида қабрда азоб чекади. Покликка эътиборсизлик мана шундай оқибатга олиб боради. Айрим шофиъий уламолар бу ривоятни истибронинг вожиблигига далил қилиб келтиради. Бу ҳадис кийим ёки баданга теккан сийдикни ўша заҳоти-

ёқ ювиб ташлаш кераклигига далолат қилади. Шофиъий, Аҳмад ва Абу Ҳанифа шуни маъқул топган. Аммо Абу Ҳанифа кийимга бир дирҳам миқдорида теккан сийдик афв этилади, деган. Бироқ, эҳтиёт юзасидан покликка тўлиқ амал қилган афзал.

۱۰۹ – وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: أَكْثَرُ عَذَابِ الْقَبْرِ مِنَ الْبَوْلِ. (رَوَاهُ ابْنُ مَاجَةَ وَأَحْمَدُ وَالْحَاكِمُ وَابْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ).

109 – Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади: “Қабр азобининг кўпи бавл (сабаби)дандир” (*Ибн Можа, Аҳмад, Ҳоким ва Ибн Абу Шайба ривояти. Ҳадис санади саҳиҳ*).

Бу ривоятда ҳам қабр азобига энг кўп сабаб бўладиган амал айнан сийдикдан эҳтиёт бўлмаслик деб келтирилмоқда.

۱۱۰ – وَعَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ حَسَنَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: خَرَجَ عَلَيْنَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَفِي يَدِهِ كَهَيْئَةِ الدَّرَقَةِ فَوَضَعَهَا ثُمَّ جَلَسَ خَلْفَهَا فَبَالَ إِلَيْهَا فَقَالَ بَعْضُ الْقَوْمِ: انظُرُوا يَبُولُ كَمَا تَبُولُ الْمَرْأَةُ فَسَمِعَهُ فَقَالَ: أَوْ مَا عَلِمْتُمْ مَا أَصَابَ صَاحِبَ بَنِي إِسْرَائِيلَ كَانُوا إِذَا أَصَابَهُمْ شَيْءٌ مِنَ الْبَوْلِ قَرَضُوهُ بِالْمَقَارِيزِ فَفَنَهَاهُمْ صَاحِبُهُمْ فَعُذِبَ فِي قَبْرِهِ. (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتَّنْسَائِيُّ وَابْنُ مَاجَةَ وَأَحْمَدُ وَابْنُ حَبَّانَ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ).

110 – Абдурахмон ибн Ҳасана (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Расулуллоҳ (алайҳиссалом) олдимизга чиқдилар. Қўлларида худди қалқонга ўхшаш нарса бор эди. Уни ерга қўйиб, сўнгра унинг орқасига ўтиб ўтирдилар ва бавл қилдилар. Шунда баъзи одамлар: “Анавини қаранглар, худди аёл каби бавл қилмоқда”, деб айтди. Буни эшитган Расулуллоҳ: “Бани Исроил соҳиби қандай балога йўлиққанидан беҳабармисан? Улар кийимларидаги сийдик теккан

жойни қайчи билан кесиб ташлар эди. Бани Исроил соҳиби уларни бу ишдан қайтарди ва (шу туфайли) қабрида азобланди”, дедилар” (*Абу Довуд, Насоий, Ибн Мож, Аҳмад, Ибн Ҳиббон ривояти. Ривоят санади саҳиҳ*).

Бу ривоятда нафақат сийдикдан эҳтиёт бўлмаслик, балки ундан эҳтиёт бўлган одамни бу ишдан қайтариш ҳам қабр азобига сабаб бўлиши келтирилган. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ниҳоятда ҳаёли эдилар. Агар ҳожат чиқармоқчи бўлсалар, одамлар кўзидан панароқ жойга ўтиб, кўринмасликни ўйлардилар. Шу мақсадда қўлларига қалқонга ўхшаш нарсани тутиб, четроқ жойга ўтганда қўлларидаги нарсани ерга қўйдилар ва унинг орқасига ўтиб ўтириб бавл қилдилар. Бу ҳолат баъзиларга эриш туюлди. Чунки одатга кўра эркак киши тик турган ҳолда бавл қилар ёки бавл қилаётиб, ўзини яшириш эркаклар иши эмас, деган тушунчада бўлишган.

۱۱۱ – وَعَنْ أَبِي أُمَامَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: اتَّقُوا الْبَوْلَ فَإِنَّهُ أَوَّلُ مَا يُحَاسِبُ بِهِ الْعَبْدُ فِي الْقَبْرِ. (رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ وَقَالَ الْمُنْذِرِيُّ: إِسْنَادٌ لَا بَأْسَ بِهِ وَقَالَ الْهَيْثَمِيُّ: رَجَالُهُ مُوثَقُونَ.)

111 – Абу Умома (розияллоҳу анҳу) Набийдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади: “Сийдикдан эҳтиёт бўлинглар! Чунки банда қабрида биринчи у ҳақида ҳисоб қилинади” (*Табароний “Қабир”да ривоят қилган. Мунзирий: “Ҳадис санади ёмон эмас”, деган. Ҳайсамий: “Ҳадис ровийлари ишончли”, деб айтган*).

Демак, банда қабрида биринчи навбатда сийдик ҳақида ҳисоб беради ва аксарият ҳолларда қабр азобига сийдикдан эҳтиёт бўлмаслик сабаб бўлар экан.

Кўйида сийдикдан покланиш учун нима қилиш лозимлиги баён қилинади.

۱۱۲ – وَعَنْ عِيسَى بْنِ يَزِيدَ عَنِ أَبِيهِ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِذَا بَالَ أَحَدُكُمْ فَلْيَنْتَرْ ذِكْرَهُ ثَلَاثَ مَرَّاتٍ. (رَوَاهُ ابْنُ مَاجَهَ وَأَحْمَدُ)

وَأَبْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَالْبَيْهَقِيُّ فِي السُّنَنِ الْكُبْرَى وَسَنَدُهُ ضَعِيفٌ.

112 – Исо ибн Яздод отасидан ривоят қилишича, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар: “Агар биронтангиз бавл қилса, бас, закарини уч марта истинтор қилсин!” (Ибн Можжа, Аҳмад, Ибн Абу Шайба, Байҳақий “Ас-сунанул кубро”да ривоят қилган. Ҳадис санади заиф).

Билишимиз лозим, “закарни истинтор қилиш” истибро⁵⁰ қилиш, яъни бавлдан кейин закар йўлида чиқмай қолган сийдик томчиси бўлса, уни қоғоз, кесак ва шунга ўхшаш бошқа нарсалар билан чиқариб, кейинроқ кийимга томчилашига йўл қўймасликдир. Бу нарса истинждодан олдин қилинади.

Демак, камида уч марта истибро қилинса, закар сийдикдан тўлиқ покланади. Бу амал ҳолатга қараб турлича бўлиши мумкин. Сийдик кам-камдан тўхтамай келса, уч мартадан ҳам кўпроқ истибро қилишга тўғри келади. Қандай бўлмасин, сийдик йўлида бирон томчи сийдик қолмаганига тўлиқ ишонч ҳосил бўлгунча истибро қилиш керак. Чунки истиброни мукаммал бажариш поклик ва амаллар қабул бўлишининг асосидир. Чунки истибро чала қилинса, таҳоратга нуқсон етади. Таҳоратсиз ўқилган намоз қабул қилинмайди! Мана шу жиҳатларни ўрганар эканмиз, бежизга сийдикдан покланмаслик қабр азобига сабаб бўлмаслиги ва сийдикнинг бир томчисидан ҳам эҳтиёт бўлиш лозимлигини англаб етамиз. Айниқса, сийдик йўли сийдик томчиларидан бутунлай бўшаганига ишонч ҳосил қилмай туриб, таҳоратни бошлаш жоиз эмас. Шунинг учун эркак кишига истибро вожиб. Аёл бавлдан сўнг бир оз ўтиб, истибро қилади.

Бинобарин, истиброни юриш, томоқ қириш, ўтирган ҳолда чап томонга энгашиш билан амалга ошириш тавсия этилган. Истибро вақтида чап қўлнинг ўрта бармоғи закар остига, бош бармоқ унинг устига қўйилгандан кейин закар учи томон юргизилади. Сийдик йўлида бирон томчи-

⁵⁰ “Истинзоҳ” сўзи ҳам истибро маъносида қўлланилади.

сини қолдирмаслик учун бу ишни уч марта шошилмасдан бажариш мустаҳабдир. Истибро кўнгил таскин топгунча бажарилади. Агар уч мартадан кейин ҳам сийдик йўлида бирон томчиси қолганига шубҳа қилса, истиброни қайтадан бажаради. Истибро ҳар бир кишининг ўз ҳолатига қараб турлича бўлади. Баъзилар бир-икки ҳаракатдаёқ ундан покланади, баъзилар уни бир неча марта бажариб муддаосига эришади ва яна бошқаларда эса томоқ қиришга зарурат бўлади. Энг асосийси, сийдик йўлида сийдик томчиси қолмаганига ишонч ҳосил қилса, кифоя. Истиброни мукамал адо этгандан сўнг яна ҳар хил хаёл ва васвасалардан узоқлашиш керак. Бу шайтон ҳийласи бўлиб, бундай васвасаларга берилиш намозда ҳам чалғишга олиб келади.

ТИК ТУРГАН ҲОЛДА БАВЛ ҚИЛИШ КАРОҲАТИ

۱۱۳ – عَنْ الْمُقَدَّامِ بْنِ شُرَيْحٍ عَنْ أَبِيهِ عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: مَنْ حَدَّثَكُمْ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَبُولُ قَائِمًا فَلَا تُصَدِّقُوهُ مَا كَانَ يَبُولُ إِلَّا قَاعِدًا. (رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَالتَّسَائِيُّ وَابْنُ مَاجَهَ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

113 – Миқдом ибн Шурайх отасидан, отаси Ойшадан (розияллоҳу анҳо) ривоят қилади: “Ким сизларга: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) туриб бавл қилар эдилар”, деб айтса, унга ишонманглар. Зеро, у зот фақат ўтириб бавл қилардилар” (Термизий, Насоий ва Ибн Можа ривояти. Ривоят санади саҳиҳ).

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) одатда ўтириб бавл қилардилар. Фақат айрим узрли ҳолат бўлса ёки бирон сабабга кўра тик турган ҳолда бавл қилганлари ҳақида ривоятлар бор.

۱۱۴ – وَعَنْ ابْنِ عُمَرَ عَنْ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَأَنَا أَبُولُ قَائِمًا فَقَالَ: يَا عُمَرُ لَا تَبُلْ قَائِمًا فَمَا بُلْتَ قَائِمًا بَعْدُ. (رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَابْنُ مَاجَهَ وَالْحَاكِمُ وَالتَّبِهَقِيُّ فِي السُّنَنِ الْكُبْرَى وَسَنَدُهُ ضَعِيفٌ.)

114 – Ибн Умар (отаси) Умардан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тик турган ҳолда бавл қилаётганимни кўриб қолдилар ва: “Эй Умар, туриб бавл қилма!” дедилар. Шундан сўнг тик турган ҳолда бавл қилмадим” (Термизий, Ибн Можа, Ҳоким, Байҳақий “Ас-сунанул кубро”да ривоят қилган. Ривоят санади заиф).

Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) умматларини тик турган ҳолда бавл қилишдан қайтарганлар. Хусусан, ҳазрат Умардек (розияллоҳу анҳу) улуғ саҳобага бошқа бундай қилмасликни тайинлаганлар.

۱۱۵ – وَعَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: نَهَى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ يُبُولَ قَائِمًا. (رَوَاهُ ابْنُ مَاجَةَ وَسَنَدُهُ ضَعِيفٌ.)

115 – Жобир ибн Абдуллоҳ (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тик турган ҳолда бавл қилишдан қайтарганлар” (Ибн Можа ривояти. Ривоят санади заиф).

Ҳоким ва Абу Авонанинг Ойшадан (розияллоҳу анҳо) келтирган ривоятида: “Қуръон нозил бўлганидан бери Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тик турган ҳолда бавл қилмаганлар”, дейилган. Юқорида айтиб ўтганимиздек, айрим ҳолатда узрли сабабларга кўра, беморлик ёки атроф-муҳит шароитидан келиб чиққан ҳолда тик турган ҳолда бавл қилишга рухсат этилади. Жумладан, агар ҳожат ушатишга мўлжалланган жойда ҳар хил чиқинди, ахлат ва шунга ўхшаш нарсалар бўлса, у ерда тик турган ҳолда бавл қилиш жоиз. Чунки бундай жойларда ўтирган ҳолда бавл қилинса, ифлос жойда бирон озор етиши мумкин.

۱۱۶ – عَنْ حُذَيْفَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: أَتَى النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ سِبَاطَةَ قَوْمٍ فَبَالَ قَائِمًا ثُمَّ دَعَا بِمَاءٍ فَجِئْتَهُ بِمَاءٍ فَتَوَضَّأَ. (رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَأَصْحَابُ السُّنَنِ وَالِدَّارِمِيُّ وَأَحْمَدٌ.)

116 – Ҳузайфа (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) одамлар ахлат ташлайдиган жойга келиб, тик турган ҳолда бавл қилдилар. Сўнгра сув олиб келишни буюрдилар. Бас, мен сув олиб келдим ва у зот таҳорат қилдилар” (Бухорий, Муслим, Суан соҳиблари, Доримий ва Аҳмад ривояти).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) нима сабабдан тик турган ҳолда бавл қилганларига қуйидаги сабаблар келтирилади:

– тик турган ҳолда бавл қилиш жоизлигини билдириш;

– ўтиришга жой топа олмаганида турган ҳолда бавл қилишга мажбур бўлиш;

– Шофиъий ва Аҳмаддан ривоят қилинишича, арабларда белдаги оғриқни мана шу йўл орқали даволаш одати бўлган. Расулуллоҳни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам шунга ўхшаш касаллик безовта қилган бўлиши мумкин;

– Ҳоким ва Байҳақий Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) келтирган ривоятда: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тиззалари ичкарасида жароҳат бўлгани боис тик турган ҳолда бавл қилдилар”, дейилган. Бундан келиб чиқади, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тик турган ҳолда бавл қилган бўлсалар, унинг бирон сабаби бўлган. У зот асосан ўтириб бавл қилганлар.

ИДИШГА БАВА ҚИЛИШ

۱۱۷ – عَنْ حُكَيْمَةَ بِنْتِ أُمَيْمَةَ بِنْتِ رُقَيْقَةَ عَنْ أُمِّهَا أَنَّهَا قَالَتْ: كَانَ لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَدْحٌ مِنْ عِيدَانٍ تَحْتَ سَرِيرِهِ يُبُولُ فِيهِ بِاللَّيْلِ. (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَابْنُ حَبَّانٍ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ صَحِيحٌ.)

117 – Ҳукайма бинти Умайма бинти Руқайқа онасидан ривоят қилади: “Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ётоқ сўрилари тагида хурмо дарахти ёғочидан қилинган идиш бўларди. У зот кечаси унга бавл қилар эдилар” (Абу

Довуд, Насоий ва Ибн Ҳиббон ривояти. Ривоят санади ҳасан-саҳиҳ).

Бу ҳолат Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) касалликлари даврида юз берган. Аслида бирон сабабсиз уйда сийдик бўлиши яхши эмас. Чунки сийдик нажосат ҳисобланади. Табароний “Авсат”да Абдуллоҳ ибн Язиддан жаййид (яхши) санад билан келтирган ривоятда: “Агар бирон уйда жомда сийдик бўлса, у ерга фаришталар кирмайди”, дейилган. Ибн Абу Шайба “Мусоннаф”да Ибн Умардан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Сийдик бор уйга фаришта кирмайди”.

۱۱۸ – وَعَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: يَقُولُونَ إِنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَوْصَى إِلَى عَلِيٍّ لَقَدْ دَعَا بِالطُّسْتِ لِيُبُولَ فِيهَا فَاَنْخَشَتْ نَفْسُهُ وَمَا أَشْعُرُ فِإِلَى مَنْ أَوْصَى. (رَوَاهُ النَّسَائِيُّ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

118 – Ойшадан (розияллоҳу анҳо) ривоят қилинади: “Айтишларича, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Алига васият қилдилар. У зот бавл қилиш учун жом (мис тоғора) олиб келишни буюрдилар. Шунда у зотнинг аъзолари бўшашди. Мен у зот кимга васият қилганларини билмайман” (Насоий ривояти. Ривоят санади саҳиҳ).

Бу ривоятда Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) вафотларидан олдин бетоб ётганларида бавл қилиш учун жомдан фойдаланганлари айтилмоқда. Бундан кексалар ёки бетоб кишилар уйда идишга ҳожат чиқаришлари жозизлиги маълум бўлади.

НАМОЗ ЎҚИШ УЧУН ТАҲОРАТ ОЛИШ ФАРЗ ЭКАНИ

۱۱۹ – عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ خَرَجَ مِنَ الْخَلَاءِ فَقَدِمَ إِلَيْهِ طَعَامٌ فَقَالُوا: أَلَا نَأْتِيكَ بَوْضُوءٍ فَقَالَ: إِنَّمَا أَمَرْتُ بِالْوُضُوءِ إِذَا قُمْتُ إِلَى الصَّلَاةِ. (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَالنَّسَائِيُّ وَأَحْمَدُ وَابْنُ خُرَيْمَةَ وَالتَّطَبْرَانِيُّ فِي الْكَبِيرِ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

119 – Абдуллоҳ ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) ривоят қилишича, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳожатхонадан чиққанларида у зотга таом келтирилди ва: “Сизга таҳорат суви олиб келайликми?” дейишди. Шунда у зот: “Мен қачон намозга турсам, ўшанда таҳорат қилишга буюрилганман”, дедилар (*Абу Довуд, Термизий, Насоий, Аҳмад, Ибн Хузайма, Табароний “Қабир”да ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ*).

Ушбу ривоятда ҳожатхонадан чиқилганда ёки овқат ейишдан олдин таҳорат қилиш вожиб эмаслиги билдирилмоқда ва намоз ўқимоқчи бўлсагина таҳорат олиниши айтилмоқда. Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Биз Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларида эдик. У зот ҳожатхонадан чиққанларидан кейин таом келтирилди ва: “Таҳорат қиласизми?” дейилди. Шунда у зот: “Нега, намоз ўқирмидим, таҳорат қиламан?” дедилар” (*Муслим ва Ибн Абу Шайба ривояти*).

۱۲۰ – وَعَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: لَا تُقْبَلُ صَلَاةٌ بِغَيْرِ طُهُورٍ وَلَا صَدَقَةٌ مِنْ غُلُولٍ. (رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَصْحَابُ السُّنَنِ وَالِدَّارِمِيُّ وَأَحْمَدُ وَابْنُ خُزَيْمَةَ وَابْنُ حَبَّانَ).

120 – Ибн Умар (розияллоҳу анҳу) Набийдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади: “Покликсиз намоз ва хиёнатдан (касб қилиб берилган) садақа қабул қилинмайди” (*Муслим, Сунаун соҳиблари, Доримий, Аҳмад, Ибн Хузайма ва Ибн Ҳиббон ривояти*).

Ушбу ривоятда ўқилган намоз Аллоҳ даргоҳида қабул бўлиши учун таҳорат олиш шарт экани ва ҳаромдан топиб берилган садақа қабул бўлмаслиги айтилмоқда. Бу ерда “поклик” деганда “таҳорат, ғусл ёки таяммум” назарда тутилмоқда. Айтиш жоиз, намозни адо этиш учун бир неча шартлар бажарилиши лозим. Аввало намоз ўқилишидан олдин либос ва бадан пок бўлиши керак. Қолаверса, намоз ўқилишидан олдин таҳоратсиз бўлса, дарҳол таҳорат олиниб, кейин намозга киришиш талаб этилади. Бундан

ташқари, жунуб, ҳайз ва нифосдан покланган аёллар ғусл қилгандан кейин намозини ўқийди. Агар сув топилмаса ёки сув ишлатишга бирон-бир тўсқинлик бўлса, бундай ҳолатларда тоза тупроқ билан таяммум қилиниб, намозга киришилади. Барча уламолар намоз тўғри адо этилиши учун таҳоратли бўлиш шарт эканини таъкидлайди ва таҳоратсиз ҳолда намоз ўқиб бўлмаслигини ҳам алоҳида эслатиб ўтадилар. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкин, фарз, вожиб, нафл намоз, жаноза намози, шукр ёки тиловат саждаси каби ибодатлардан биронтасини таҳоратсиз ҳолда бажариш мутлақо мумкин эмас. Узри бўлмасдан, атайлаб, таҳоратсиз ҳолда намоз ўқиган киши, шофиъий ва жумҳур уламолар наздида, гуноҳкор бўлади. Абу Ҳанифа бундай банд шариатга енгил қарагани учун кофир бўлади, деган фикрни айтган. Унутмаслик керак, намоз улуғ ибодат бўлиб, унда Аллоҳ билан юзма-юз турилади. Ўйлаб кўрилса, бу бахтга ҳар қандай одам ҳам мушарраф бўлмайди. Шундай мақомда бўлишнинг энг катта шарти покликдир. Ҳар қанча уринмасин, покликсиз ибодат қабул бўлмайди. Шундан ҳам Ислом покликка қанчалик катта аҳамият беришини билиб олиш мумкин.

۱۲۱ – وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: لَا يَقْبَلُ اللَّهُ صَلَاةَ أَحَدِكُمْ إِذَا أَحْدَثَ حَتَّى يَتَوَضَّأَ. (رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَأَحْمَدُ وَأَبْنُ خُرَيْمَةَ.)

121 – Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) Набийдан (солаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади: “Агар бирон-тангизнинг таҳорати бузилса, (қайта) таҳорат қилмагунча Аллоҳ унинг намозини қабул қилмайди” (*Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий, Аҳмад ва Ибн Ҳузайма ривояти*).

Кимнинг таҳорати бўлмаса ёки унга таҳоратсизлик етса, таҳоратни кетказувчи ёки ғуслни вожиб қилувчи ҳолатлардан бири юз берса, токи ғусл ёки таҳорат қилмагунча, унинг ўқиган намози қабул бўлмайди. Агар таҳорат

намоз вақтида бузилса, намоздан чиқади, янгидан таҳорат олади ва қайтадан намоз ўқийди. Бунда хоҳ ихтиёрий тарзда, хоҳ мажбуран таҳорат кетсин, фарқи йўқ. Ҳар иккала ҳолатда ҳам қайтадан таҳорат олгандан кейин намоз ўқийди.

۱۲۲ – وَعَنْ عَلِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مِفْتَاحُ الصَّلَاةِ الطُّهُورُ وَتَحْرِيمُهَا التَّكْبِيرُ وَتَحْلِيلُهَا التَّسْلِيمُ. (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَالدَّارِمِيُّ وَابْنُ مَاجَهَ وَأَحْمَدُ وَالدَّارِقُطْنِيُّ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ صَحِيحٌ.)

122 – Али (розияллоҳу анху) ривоят қилади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Намознинг калити поклик, таҳрими такбир, таҳлили эса салом беришдир”, деганлар” (Абу Довуд, Термизий, Доримий, Ибн Можа, Аҳмад ва Дорақутний ривояти. Ҳадис санади ҳасан-саҳиҳ).

Намоз раҳмат эшигидир. Таҳоратсизлик эса шу эшикнинг қулфи. Таҳорат эса ўша қулфни очувчи калитдир. Демак, Аллоҳнинг раҳматига ноил бўлиш учун намоз ўқиш керак. Намоз қабул бўлиши учун эса таҳорат олиш шарт. “Аллоҳу акбар!” деб қулоқ қоқиб, намозга кирилгандан кейин гапириш ва намоз ташқарисида қилинадиган барча ишлар ҳаром бўлади. Намозни яқунлаб, икки тарафга салом бергач, намозда ман этилган ишларини (албатта, ҳалол амалларни) қилиши мумкин бўлади.

ТАҲОРАТ ФАРЗЛАРИ

يَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِذَا قُمْتُمْ إِلَى الصَّلَاةِ فَاغْسِلُوا وُجُوهَكُمْ وَأَيْدِيَكُمْ إِلَى الْمَرَافِقِ وَامْسَحُوا بِرُءُوسِكُمْ وَأَرْجُلَكُمْ إِلَى الْكَعْبَيْنِ

Аллоҳ таоло айтади: “Эй имон келтирганлар, қачон намозга турсангиз юзларингизни ва қўлларингизни тирсакларигача ювингиз, бошларингизга масҳ тортингиз ва оёқларингизни ҳам тўпиқларигача (ювингиз)!..” (Моида, 6).

Таҳоратда қайси аъзоларни ювиш лозимлиги мана шу оятдан олинган. Жумладан, ҳанафий мазҳаби уламолари мазкур оятдан келиб чиққан ҳолда таҳоратда тўртта фарз борлигини айтган. Ушбу оятда таҳорат шартлари баён этилишдан ташқари агар таҳоратсиз бўлса, намоз ўқишдан олдин таҳорат олиш лозимлиги таъкидланмоқда. Агар таҳорати бўлса, намоз ўқишдан олдин таҳоратни янгилаб олиш мустаҳабдир. Зайд ибн Аслам ушбу оятни “агар уйқудан уйғониб, намозга турсангиз...” деб изоҳлаган (*Молик, Ибн Жарир ва Ибн Мунзир ривояти*).

Таҳорат асосан ювиш ва масҳ тортишдан иборат. Таҳорат олишда асосан учта аъзо (юз, қўл, оёқ) ювилиб, бошга эса масҳ тортилади. Аъзолар ювилганда устидан сувни тўлиқ оқизиш шарт. Масҳ тортилганда эса аъзони намли қўл билан силанади. Таҳоратда аъзолардан камида икки ёки уч томчи сув оқиши шарт. Агар худди ёғ сурган каби ювилган аъзолардан сув оқмаса, бундай таҳорат тўғри эмас. Агар қор билан таҳорат қилса-ю, лекин ювиладиган аъзолардан бирон томчи сув оқмаса, бундай таҳорат тўғри эмас. Мисол учун, қор билан таҳорат қилганда ҳам икки ёки уч томчи сув оқиши керак. Акс ҳолда, ювилган эмас, масҳ тортилган бўлиб қолади. Юқоридаги оятда таҳоратнинг фарзи асосан тўртта⁵¹ бўлиши билдирилди. Улар:

⁵¹ Ҳанафийлар таҳорат ҳақида келган оятдан келиб чиқиб, таҳоратнинг тўртта фарзи борлигини айтган. Лекин бошқа мазҳаб уламолари ҳадиси шарифлардан далиллар олиб, таҳоратнинг яна бошқа фарзлари ҳам борлигини таъкидлаган. Жумладан, шофиъий, моликий ва ҳанбалийлар таҳоратда ният фарзлигига иттифоқ қилган. Моликий ва ҳанбалийлар аъзоларни кетма-кет ювишни, шофиъий ва ҳанбалийлар тартибни, моликийлар аъзоларни ишқалаб ювишни фарз, деб айтган.

Ҳанафийларга қўра, таҳоратнинг фарзи тўртта. Булар юз, қўл ва оёқни ювиш, бошга масҳ тортиш. Моликийларда еттита. Ният, ишқалаб ювиш ва кетма-кетлик қўшимча. Шофиъийларда олтита. Ният ва тартиб қўшимча фарз саналади. Ҳанбалий, шиа ва имомияларда еттита. Ният, тартиб ва кетма-кетлик қўшимча фарз ҳисобланади. Шунингдек, ҳанбалийлар оғиз ва бурун юздан эканини айтиб, мазмаза ва истиншоқ қилиш фарзлигини таъкидлаган. Бундан ташқари улар таҳорат аввалида “Бисмиллоҳ” деб айтишни ҳам фарз деган. Шундан маълум бўлади, таҳоратнинг фарзи икки қисмга бўлинади: 1) Барча мазҳаблар иттифоқ қилган фарзлар; 2) Ихтилоф қилинган фарзлар.

Демак, бизнинг ҳанафий мазҳабимизда таҳоратнинг фарзлари тўртта. Бошқа мазҳаблар фарз деган амаллар таҳоратнинг мукаммал бўлишига ёрдам беради.

1. Юзни ювиш;
2. Қўлни тирсаклари билан қўшиб ювиш;
3. Бошнинг тўртдан бирига масҳ тортиш;
4. Оёқларни тўпиқлари билан қўшиб ювиш.

Таҳоратда мазкур тўрт аъзони ювиш фарз қилиб белгила- ниши ҳикматдан холи эмас. Одатда айнан шу аъзолар кўпроқ кирланиб, тез-тез таҳорат олишга тўғри келади. Таҳоратда мазкур тўрт аъзони бир марта ювиш фарз эканига сабаб оят- да такрор маъноси йўқ. Аммо уларни икки ва уч марта ювиш эса суннатдир. Таҳоратда ювиш фарз бўлган аъзодан бирон- таси тўлиқ ювилмай қолса ёки чала-чулпа ювилса, таҳорат тўлиқ адо этилмаган ҳисобланади. Шу сабаб бу тўрт аъзони ювишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Қуйида таҳорат- нинг мазкур тўртта фарзани батафсилроқ кўриб чиқамиз.

1. Юзни ювиш.

Юзнинг ҳадди ва чегараси қанчалиги ҳақида очик ри- воят йўқ. Фақиҳлар луғатлардан фойдаланган ҳолда унинг ҳадди ва чегараси қанча эканини аниқлашган. Ибн Масъ- уд Косоний “Бадоиъус саноиъ” асарида юзнинг чегараси- ни бундай белгилаган. Узунасига олганда юзнинг чегара- си бошнинг соч чиққан жойидан ияк остигача, кенглиги икки қулоқ юмшоғининг орасигача бўлган жойдан ибор- рат. Баъзи уламолар қулоқнинг ички тарафи юз қисмига, ташқи тарафи бош қисмига киради, дейишган.

Юзнинг чегарасини аниқлаш масаласида мазҳаблар орасида турлича қарашлар бор. Юз бош ва бўйин билан қўшилиб кетганидан унинг ҳудудини аниқлаб бўлмайди. Шунинг учун юзни тўлиқ ювишда белгиланган чегарадан бир оз ўтказиш мақсадга мувофиқ. Таҳорат олганда икки кўз ичига сув етказиш вожиб эмас. Чунки кўзнинг ичи юз қисмидан ҳисобланмайди. Бу иш одамларга қийинчилик туғдиради. Устига-устак, таҳоратда доимий кўз ичига сув етказишга уриниш оқибатида кўзини кўр қилганлар ҳа- қида ривоятлар бор⁵².

Шуни ҳам унутмаслик керакки, юз ювилганда кўзни очиш ҳам, қаттиқ юмиб олиш ҳам шарт эмас, балки уни

⁵² Ибн Аббос ва Ибн Умар (розияллоху анҳум) умри охирида шу сабаб кўр бўлиб қолгани нақл қилинади.

енгилроқ юмиб турилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Агар бошнинг олд қисмида соч бўлмаса, соч тўкилиб кетган қисмига сув етказиш шарт эмас. Икки лаб ва буруннинг ташқи қисми, қош, киприк ва мўйлаб ҳамда чаккадаги туклар ҳам юз қисмига кирмайди. Шунингдек, лаб ўртасидан пастга қараб ўсадиган тук ҳамда юз қисмидан чиққан соқол ўрнини ҳам ювиш шарт. Лаб юмилганда унинг ташқарида қолган қисми юзниги ва ичкаридагиси эса оғизники ҳисобланади. Агар мўйлаб узун бўлса, унинг остига сув етказиш шарт эмас. (Аслида мусулмонга мўйлабни узун қилиб ўстириш мумкин эмас, балки уни қисқартириш ёки таги билан олиб юриш керак.) Сийрак ўсган соқол остига сув етказилади, агар у юз терисини кўрсатмайдиган даражада қалин бўлса, унинг орасига хилол қилинади. Қалин соқолни хилол қилиш суннат. Агар қалин соқол остига сув етказиш вожиб бўлганида, бу амал кўпчиликка машаққат туғдирарди. Худди бошни ювиш лозим бўлмаганидек, қалин соқол остига сув етказиш ҳам шарт эмас.

Абу Ҳанифа ва Зуфардан ривоят қилинишича, агар соқолнинг учдан ёки тўртдан бирига⁵³ масҳ тортилса⁵⁴, яъни хилол қилинса, жоиз. Бундан камини хилол қилиш жоиз эмас. Ҳанафий ва моликийларга кўра, соқолнинг юз доирасидан ташқарига чиқиб, осилиб турган қисмини ювиш шарт эмас. Чунки ювиш фарз бўлган чегарадан чиққани учун у юз қисмига киритилмайди⁵⁵.

Даҳан устидаги соқолга сув етказилгач, уни устара билан қирилса, даҳанни ювиш шарт эмас. Шунингдек, мўйлаб олинса, бошга масҳ тортгандан кейин сочини олдирса ёки тирноқни қисқартирса ҳам, қайта таҳорат қилиш шарт эмас.

2. Икки қўлни тирсак билан қўшиб ювиш.

Қўлнинг бўғимларини яхшилаб ювиш ва бармоқ учини тўсадиган даражадаги узун тирноқлар остига сув етказиш

⁵³ Абу Ҳанифа соқолнинг тўртдан бирини хилол қилиш фарзлигини айтган.

⁵⁴ Китобларда соқолни хилол қилиш баъзида “соқолга масҳ тортиш” деб зикр қилинади.

⁵⁵ Лекин шофиъий ва ҳанбалийлар уни ювиш лозимлиги, сабаби у ювиш фарз бўлган жойдан ўсиб чиққанини айтган.

лозим. Абу Ҳанифа, Абу Юсуф ва Муҳаммад наздида, қўл тирсақларга қўшиб ювилади⁵⁶.

Агар қўл тирсақкача жойдан кесилган бўлса, қолган қисми ювилади. Агар тирсақдан кесилган бўлса, билак суягининг боши, яъни кесилган жойнинг ўзи ювилади. Агар тирсақдан тепадан кесилган бўлса, қўлнинг қолган қисмини ювиш мандубдир.

۱۲۳ – عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا تَوَضَّأَ أَدَارَ الْمَاءَ عَلَى مِرْفَقَيْهِ. (رَوَاهُ الدَّارِقُطْنِيُّ وَالْبَيْهَقِيُّ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

123 – Жобир ибн Абдуллоҳ (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳорат қилсалар тирсақларидан сув оқизардилар” (*Дорақутний ва Байҳақий ривояти. Ривоят санади саҳиҳ*).

Бу ривоятда Расулуллоҳ (алайҳиссалом) таҳоратда қўлларини тирсақларига қўшиб ювишлари айтилмоқда. Баззор ва Табароний Усмон (розияллоҳу анҳу) томонидан Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳоратлари сифатланган ривоятда: “Қўлларини тирсақларидан ўтказиб ювдилар”, дейилган.

Тўртала мазҳабда ҳам қўл тирсақни ҳам қўшиб ювилиши лозимлиги келтирилган.

Агар қўлда ортиқча бармоқ ёки кафт бўлса, уларни ҳам ювиш вожиб.

Агар хамир қорилганида тирноқлар ичига хамир кириб қолса, тирноқ остига сув етказиш лозим. Агар бармоқ учини ёпиб қўядиган даражада узун бўлса, тирноқ остигача сув етказиш шарт. Агар тирноқ калта бўлса, шарт эмас (яъни, тирноқ узун бўлса ёки тирноқ остига сув етиб боришига тўсқинлик қиладиган нарсалар бўлса, у ерга сув етказишга алоҳида эътибор бериш лозим).

Тирноққа сурилган бўёқ сув ўтказмайдиган бўлса, уни кўчириб ташламагунча таҳорат ва ғусл дуруст эмас. Агар

⁵⁶ Оятда келган إِلَى الْمِرْفَقَيْنِ ва إِلَى الْكُعْبَيْنِ даги إِلَى чегаранинг охиригача боришни ифода-
далаб، مع маъносини англатади.

қўлига таққан узук тор бўлса, остига сув етказиш учун уни жойидан қимирлатиш вожиб. Агар узук кенг бўлса, қимирлатиб қўйиш мустаҳабдир.

۱۲۴ – عَنْ عُبَيْدِ اللَّهِ بْنِ أَبِي رَافِعٍ عَنْ أَبِيهِ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ إِذَا تَوَضَّأَ حَرَّكَ خَاتَمَهُ. (رَوَاهُ ابْنُ مَاجَهَ وَالِدَّارِقُطْنِيُّ وَسَنَدُهُ ضَعِيفٌ.)

124 – Убайдуллоҳ ибн Абу Рофеъ отасидан ривоят қилишича, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳорат қилганларида узукларини қимирлатар эдилар (*Ибн Можа ва Дорақутний ривояти. Ривоят санади заиф*).

Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кумуш узуклари бўлиб, унинг устига “Муҳаммадур расулуллоҳ” деб ёзилганди. У зот таҳорат олаётганларида узук остига сув тегиши ёки бармоқ яхши тоза бўлиши учун узукни қимирлатиб қўярдилар.

3. Бошнинг тўртдан бирига бир марта масҳ тортиш.

“Масҳ” сўзи “силаш, текказиш” маъноларини ифодалайди. Таҳоратдаги масҳ эса қўлларни ҳўллаб, маълум аъзоларга текказишдир. Таҳорат олганда бош, икки қулоқ, бўйин ва маҳсига масҳ тортилади. Таяммумда эса юз ва қўллар тупроқ билан масҳ қилинади.

۱۲۵ – عَنْ الْمُغِيرَةَ بْنِ شُعْبَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تَوَضَّأَ فَمَسَحَ بِنَاصِيَتِهِ وَعَلَى الْعِمَامَةِ وَعَلَى الْخُفَّيْنِ. (رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَالنَّسَائِيُّ وَأَحْمَدُ وَالشَّافِعِيُّ وَالِدَّارِقُطْنِيُّ.)

125 – Муғира ибн Шўъба (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинишича, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳорат қилиб, пешоналари, салла ва икки маҳсига масҳ тортганлар (*Муслим, Насоий, Аҳмад, Шофизий ва Дорақутний ривояти*).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳорат олаётиб, бошга масҳ тортишга келганда салланинг бир четидан қўлларини киргизиб, бошларининг олд қисмига масҳ тортганлар. Кейин саллаларига масҳ тортганлар.

Ҳанафий уламолар ушбу ривоятни далил қилиб, бошнинг тўртдан бирига масҳ тортиш фарз, ундан камига масҳ тортиш масҳ ўрнига ўтмайди, деган фикрни билдирган⁵⁷.

Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Мен Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳорат олаётганларини кўрдим. Бошларида қатарий салла бор эди. У зот салла тагидан қўлларини киргизиб, бошларининг олд қисмига масҳ тортдилар, саллани ечмадилар” (Абу Довуд ва Ибн Можа ривояти. Ривоят санади заиф).

Нофеъдан ривоят қилинишича, Ибн Умар (розияллоҳу анҳу) бошига масҳ тортмоқчи бўлса, дўпписини кўтариб, бошининг олд қисмига масҳ тортар эди. (Байҳақий “Ас-сунанул кубро”да ривоят қилган). Агар бошнинг тўртдан бири ёки кўпроғига ёмғир тегса, қўли билан масҳ тортса-тортмас, бу масҳ ўрнига ўтади. Бунда қўл билан масҳ тортиш мақсад эмас, мақсад соч устига сув тегишидир. Валлоҳу аълам!

Бундан ташқари, сочга сув етиб боришига тўсқинлик қилганидан салла, дўппи ва шу кабиларга масҳ тортилмайди. Аёл киши рўмолига масҳ тортмайди, балки рўмол тагига масҳ тартади. Агар рўмол юпқа ва сочга сув ўтказадиган бўлса, унга масҳ тортиш жоиз.

۱۲۶ – وَعَنْ هِشَامِ بْنِ عُرْوَةَ أَنَّ أَبَاهُ عُرْوَةَ بْنَ الزُّبَيْرِ كَانَ يَنْزِعُ الْعِمَامَةَ

⁵⁷ Абу Ҳанифа бошнинг тўртдан бирига масҳ тортилишини айтган. Моликий ва ҳанбалийлар бошнинг ҳамма қисмига масҳ тортиш вожиб экани, агар соч бўлма-са, бош териси устидан масҳ тортиш лозимлигини айтишган. Шофиъий эса: “Масҳ тортиш деб аталадиган даражада масҳ тортса, бўлди. Ҳатто уч дона соч толасига ҳам масҳ тортса бўлади”, деб айтган.

Ҳанбалийлар эркак киши бошига тўлиқ масҳ тортиши, аёл эса бошининг олд қисмига масҳ тортса, кифоя қилишини таъкидлашган. Шунингдек, ҳанбалийлар наздида, икки кулоқнинг ташқи ва ички томонларига ҳам масҳ тортиш вожиб.

Бошнинг тўртдан бирига масҳ тортиш кифоя қилишини айтувчилар оятдаги “ба” ҳарфини “табъийз” (баъзини олиш, бўлақларга ажратиш) маъносида тушуниб, وَأَمْسَحُوا بَعْضَ رُءُوسِكُمْ نِي وَأَمْسَحُوا رُءُوسِكُمْ деб изоҳлашган. Бошнинг ҳаммасига масҳ тортиш лозим, деганлар эса, “ба”ни “баул илсоқ” деб олиб, оятни وَأَمْسَحُوا رُءُوسِكُمْ деб изоҳлашган.

Ҳанафийлар масҳ тортиш учун бир восита кераклиги, ана ўша восита қўлнинг бармоқлари, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, учта бармоқ эканини айтишган. Сабаби, учта бармоқ қўлнинг аксар бармоғидир. Аксар эса ҳаммаси ҳукмидадир.

Эътибор берадиган бўлсак, ҳанафийлар бу борада ўртача ва маъқул йўлни танлашган. Ҳамма ўз мазҳабига амал қилса, ихтилофлар олди олинисини эслатиб ўта-миз.

وَيَمْسَحُ رَأْسَهُ بِالْمَاءِ. (رَوَاهُ مَالِكٌ وَالْبَيْهَقِيُّ وَابْنُ أَبِي شَيْبَةَ.)

126 – Ҳишом ибн Урва ривоят қилишича, унинг отаси Урва ибн Зубайр саллани ечиб, сўнг бошига сув билан масҳ тортар эди (*Молик, Байҳақий ва Ибн Абу Шайба ривояти*).

Бош кийим устидан масҳ тортиш мумкин эмас. Бошдаги кийим ё тўлиқ олиб қўйилиб, бошга масҳ тортилади ёки бир чети кўтарилиб, бошнинг олд қисмига, камида бошнинг тўртдан бирига масҳ тортилади. Бунда афзали бошдаги кийим ечиб қўйилиб, бошга тўлиқ масҳ тортишдир.

١٢٧ – وَعَنْ نَافِعٍ عَنِ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ كَانَ إِذَا مَسَحَ رَأْسَهُ رَفَعَ الْقَلَنْسُوَّةَ وَمَسَحَ مُقَدَّمَ رَأْسِهِ. (رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ وَالِدَّارِقُطِيُّ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

127 – Нофеъ ривоят қилишича, Ибн Умар (розияллоҳу анху) бошига масҳ тортса, бошкийимни кўтариб, бошнинг олд қисмига масҳ тортар эди (*Байҳақий ва Дорақутний ривояти. Ривоят санади саҳиҳ*).

Бошга масҳ тортилганда нам қўл сочга тегиши керак. Агар бошкийим кийилган бўлса, уни ечиб қўйиб ёки бир четини кўтариб, бошга масҳ тортиш керак. Фақат бошкийимнинг ўзига масҳ тортиш кифоя қилмайди.

١٢٨ – وَعَنْ عَطَاءٍ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تَوَضَّأَ فَحَسَرَ الْعِمَامَةَ وَمَسَحَ مُقَدَّمَ رَأْسِهِ أَوْ قَالَ نَاصِيَتَهُ بِالْمَاءِ. (رَوَاهُ الشَّافِعِيُّ فِي مُسْنَدِهِ وَالْبَيْهَقِيُّ فِي السُّنَنِ الْكُبْرَى.)

128 – Ато ривоят қилишича, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳоратда саллани кўтариб, бошларининг олди қисмига (ёки пешоналарига, деди) сув билан масҳ тортганлар. (*Шофиъий “Муснад”да ва Байҳақий “Ас-сунанул кубро”да мурсал тарзда ривоят қилган*).

Аввалги ривоятларда Пайғамбар (алайҳиссалом) салланинг бир четини кўтариб, бошларига масҳ тортишлари айtilган эди. Аксар аҳли илмларга кўра, бошга бир марта

масҳ тортилади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳоратларини таърифлаган саҳобаларнинг деярли барчаси у зот аъзоларни уч мартадан ювиб, бошларига масҳ тортганларини айтишган. Лекин неча марта масҳ тортилгани кўпгина ривоятларда айtilмаган. Шундан Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бошларига бир марта масҳ тортганлари келиб чиқади. Масҳ камида учта бармоқ билан тортилиб, бир ёки икки бармоқ билан масҳ тортиш жоиз эмас. Бошга масҳ тортиш учун учта бармоқни ётқиши ёки ёйиш керак. Акс ҳолда бармоқлар тикка ҳолида тортилган масҳ тўғри бўлмайди. Бошга масҳ тортишда соч остига сув етказиш шарт эмас. Чунки бунда қийинчилик бор. Ҳар сафар таҳорат олганда бошни ювиш оғирлик қилади. Шу сабаб бошга масҳ тортиш унинг остига сув етказиш ўрнига ўтади. Агар соч бўялиб, масҳ тортилганда бўёқ ва сув аралашиб, сувнинг хусусияти ўзгарса, бундай масҳ тўғри эмас.

Узун сочга масҳ тортилганда соч тагида бош бўлиши муҳим. Агар соч тагида пешона ёки бўйин бўлса, унга масҳ тортилмайди. Фақат қулоқнинг ўзига масҳ тортиш бошга масҳ тортиш ўрнига ўтмайди.

Узун ва қулоқ остига тушиб турган сочга масҳ тортиш жоиз эмас. Қулоқдан тепасига эса масҳ тортиш, жоиз. Сабаби сочга масҳ тортиш унинг остига масҳ тортишга ўхшайди. Қулоқ ости бўйин ва қулоқдан тепаси эса бош қисмига киради. Бошнинг олд қисмига эмас, балки бошнинг охири, ўнг, чап томони ёки ўртасига масҳ тортиш ҳам жоиз.

4. Икки оёқни тўпиқларига қўшиб ювиш.

Оятнинг маъносидан келиб чиқсак, таҳоратда оёқни ювиш фарз эканини билдик. Таҳоратда оёқни ювиш фарзлиги ва агар оёқ ювилмаса, таҳорат ўрнига ўтмаслиги ҳадиси шарифларда қайта-қайта такрорланган⁵⁸. Агар оёқда маҳси ёки оғир жароҳат устига гипс боғланган бўлса, унга масҳ тортилади. Агар оёққа ёғ суртилса, кейин таҳоратда

⁵⁸ Баъзи уламолар оятдаги “масҳ” сўзи “ювиш” маъносини англатишини айтган. Сабаби агар оёққа ҳам масҳ тортиш лозим бўлганида унинг чегараси тўпиққача қилиб белгиланмасди. Қўлни ювиш ҳақидаги оятда чегара тирсаккача экани айtilган. Бошга масҳ тортишда чегара белгиланмаган. Демак, “оёққа масҳ тортиш”, деганда уни ювиш тушунилади (“*Ал-мисбахул мунир фи ғорибиш шарҳил кабир*”).

оёққа сув қуйилганда ёғ суртилган жой сувни қабул қил-маса ҳам таҳорат жоиздир⁵⁹.

Агар таҳоратда ювилиши лозим бўлган аъзонинг озроқ қисмига сув тегмай қолса ва ўша аъзодаги сувни қуруқ жойга суркаб қўйса, жоиз⁶⁰. Аммо бир аъзодаги намликни олиб, бошқа аъзодаги қуруқ жойга суркаш жоиз эмас. Агар бир киши ёмғирда ивिसа ёки оқадиган ариққа тушса, унинг таҳорати ва ғусли жоиз. Агар сув тананинг ҳамма жойига тегса, мазмаза ва истиншоқ қилиши керак⁶¹.

Таҳоратда оёқни ювиш ҳақида ихтилоф бор⁶². Баъзи тоифалар оёққа масҳ тортиш жоиз, ювиш шарт эмас, деб даъво қилиб, одамларни адаштиради⁶³. Шу сабаб қуйида оёқни ювиш таҳоратда фарз эканига далолат қилувчи ҳужжатларни келтираемиз.

۱۲۹ – عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: تَخَلَّفَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي سَفَرٍ سَافَرْنَاهُ فَأَدْرَكْنَا وَقَدْ أَرْهَقْنَا الصَّلَاةَ الصَّلَاةَ الْعَصْرَ وَنَحْنُ نَتَوَضَّأُ فَجَعَلْنَا نَمْسُحُ عَلَى أَرْجُلِنَا فَنَادَى بِأَعْلَى صَوْتِهِ: وَيْلٌ لِلْأَعْقَابِ مِنَ النَّارِ مَرَّتَيْنِ أَوْ ثَلَاثًا. (رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَأَحْمَدُ وَابْنُ خُرَيْمَةَ.)

⁵⁹ “Фатаво ҳиндийя”.

⁶⁰ “Ал-хуласоту”.

⁶¹ “Ас-сирожийя”.

⁶² Бу ихтилофнинг келиб чиқишига оятнинг икки хил ўқилиши сабаб бўлган. Оятдаги *أَرْجُلِكُمْ* сўзи насб ва жарр билан ўқилади. Оёққа масҳ тортишни даъво қилувчилар мазкур сўзни жарр билан ўқийди ва у “бош”га атф-боғланган экани, бош билан бирга оёққа ҳам масҳ тортилишини айтади.

Аслида оятдаги *أَرْجُلِكُمْ* сўзини жарр билан ўқиш муҳтамал, очиқ ихтилофли, насб билан ўқишнинг муҳкамлиги собит бўлган. Оёқ ювиш фарз эканини таъкидловчилар бу сўзни насб билан қироат қилади ва у юз ҳамда икки қўлга атф эканини алоҳида таъкидлайди. Муфассирлар имоми Абдуллоҳ ибн Аббос (розияллоху анху) мазкур сўзни насб билан ўқиган ва оёқ ювилиши лозимлигини айтган (*Ибн Жарир, Ибн Музир ва Абд ибн Ҳумайд ривояти*).

Шунингдек, Али, Ибн Масъуд ва Урва ҳам ушбу сўзни насб билан ўқиган.

Анас ибн Молик (розияллоху анху) айтади: “Қуръонда масҳ деб айтилган бўлса, суннатда ювиш собит бўлган” (*Ибн Жарир ривояти*).

Ибн Хузайма “Саҳиҳ”да бешта боб очиб, унда оёқни ювиш лозимлиги, унга масҳ тортиш кифоя қилмаслиги ҳақидаги ривоятларни келтирган.

⁶³ Улар оёққа масҳ тортиш вожиб деб, бунга ҳадиси шарифдан ҳам далил келтиришга уринади. Кўп муҳаддислар бу ҳақдаги ривоятнинг илллати борлигини айтса, бошқалар унинг мансүх бўлганини таъкидлайди. Ҳайсам: “Бу Исломнинг илк давридагина бўлган”, дейди.

129 – Абдуллоҳ ибн Амр (розияллоҳу анху) ривоят қилади: “Сафарларнинг бирида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) биздан орқада қолиб кетдилар. Сўнгра етиб олдилар. Ўшанда намоз вақти – аср намози вақти бўлиб қолган ва биз таҳорат қилаётган эдик. Бас, биз оёқларимизга масҳ торта бошлаган эдик, у зот баланд овозда икки ёки уч марта: “Товонларга жаҳаннамда вайл бўлсин!” дедилар” (*Бухорий, Муслим, Аҳмад ва Ибн Хузайма ривояти*).

Ривоятдаги “оёқларимизга масҳ торта бошлаган эдик” деган жумлани ўқиганда саҳобалар таҳорат қилаётиб, оёққа келганда унга худди бошга масҳ тортилганидек масҳ тортишган экан, деб тушунмаслик лозим. Балки оёқларини бепарволик билан ювишлари натижасида бу енгил ювиш худди масҳ тортишганга ўхшаб қолган. Буни кўрган Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобалардан ўтган хатоликни тузатиш мақсадида баланд овозда: “Таҳоратда яхши ювилмаган товонларга жаҳаннамда азоб бўлсин!” деб такрорладилар. Бундан таҳоратда оёқни ювиш фарзлиги келиб чиқади. Агар оёқ ёки пайпоққа масҳ тортиш жоиз бўлганида, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобаларни бу тариқа тергамасдилар. Ушбу ривоятдан олинган фойдалар:

1. Таҳоратда оёқни яхшилаб ювиш лозимлиги. Айниқса, товонларга алоҳида эътибор бериш кераклиги;
2. Таҳоратда ювиладиган аъзоларнинг бирида қуруқ жой қолса, таҳорат тўғри бўлмаслиги;
3. Бирон киши таҳоратни тўғри адо этмаётганини кўриб, уни тузатмаслик яхши эмаслиги;
4. Жаҳаннам азобининг ҳақ экани. Унда осийлар бадани азобланиши;
5. Муҳим нарсани таъкидлаш учун овозни баланд кўтариш жоизлиги;
6. Олим кишилар фарз амаллар тўлиқ бажарилишини назорат қилиб туришлари.

۱۳۰ – وَعَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: أَمَرَنَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ

عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا تَوَضَّأْنَا لِلصَّلَاةِ أَنْ نَغْسِلَ أَرْجُلَنَا. (رَوَاهُ الدَّارَقُطْنِيُّ فِي السُّنَنِ).

130 – Жобир ибн Абдуллоҳ (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳорат олаётганимизда оёқларимизни ювишга буюрганлар” (*Дорақутний “Сунан”да ривоят қилган*).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобаларни таҳоратда нафақат оёқни ювишга, балки уни тўлиқ поклашга буюрганлар, товонларда ювилмай қолган жойлар бўлмаслиги лозимлигини таъкидлаганлар. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сўзларида ҳам, амалларида ҳам оёқни ювиш собит бўлган. У зот Қуръонни тушунтирувчи ва ҳаётга татбиқ этувчи эдилар. Агар оятда оёққа масҳ тортиш ирода қилинганида, биринчи бўлиб Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бунга амал қилган ва умматларини ҳам оёққа масҳ тортишга ундаган бўлардилар. Ато (рахматуллоҳи алайҳ): “Мен бирон киши оёғига масҳ тортганини кўрмаганман”, деган (*Ибн Жарир ривояти*).

Абдурахмон ибн Абу Лайло айтади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобалари (таҳоратда) оёқни ювишни бир овоздан таъкидлаган” (*Саид ибн Мансур ривояти*). Ҳакам бундай деган: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ва у зотдан кейингилардан оёқни ювиш собит бўлган” (*Ибн Абу Шайба ривояти*).

۱۳۱ – وَعَنْ أَبِي حَيَّةَ قَالَ: رَأَيْتُ عَلِيًّا تَوَضَّأَ فَغَسَلَ قَدَمَيْهِ إِلَى الْكَعْبَيْنِ ثُمَّ قَالَ: أَرَدْتُ أَنْ أُرِيكُمْ طُهُورَ نَيْبِكُمْ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ. (رَوَاهُ ابْنُ مَاجَةَ وَأَحْمَدُ وَابْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ).

131 – Абу Ҳайя ривоят қилади: «Мен Алининг таҳорат олаётиб, икки оёғини тўпиғигача ювганини кўрдим. Шундан сўнг у: “Мен сизларга Пайғамбарингизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳоратларини кўрсатмоқчи эдим”, деди» (*Ибн Можа, Аҳмад ва Ибн Абу Шайба ривояти. Ривоят санади саҳиҳ*).

Таҳорат ҳақида сўз борганда оёқни ювишга алоҳида урғу берилиши бежиз эмас. Мақсад бу борадаги ихтилофга барҳам бериш ва оёққа масҳ тортишни даъво қилувчи мазҳабларга раддия қайтаришдир. Бу ривоятда Али (розияллоҳу анху) Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳоратларини таърифлаб беришдан ташқари у зот қандай таҳорат олганлари ҳақида яна кўплаб саҳобалар ривоят қилишганини билиб оламиз. Қайси бир саҳоба қандай макон ва шароитда бўлмасин, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳоратларини таърифлаганда, оёқ ювилганини албатта айтиб ўтганига гувоҳ бўламиз. Шунинг ўзи ҳам таҳоратда оёқ ювилмаса, таҳорат дуруст эмаслигига очиқ далилдир. Барча уламолар, фуқаҳолар таҳоратда оёқни ювиш шартлиги, унга масҳ тортиш кифоя қилмаслиги ва оёқни ювгандан сўнг унга масҳ тортиш вожиб эмаслигини таъкидлаган.

ТАҲОРАТНИНГ ВОЖИБ БЎЛИШ ШАРТЛАРИ

Юқорида таҳорат фарзларини баҳоли қудрат ўргандик. Энди таҳорат вожиб бўлиши шартларини кўриб чиқамиз. Таҳорат қилиш вожиб бўлиши учун бандада қуйидаги шартлар топилиши керак:

1. Мусулмон бўлиш.

Намоз вожиб бўлган бандага таҳорат ҳам вожиб бўлади. Мусулмон одам намоз ўқиши фарз. Демак, унинг таҳорат қилиши ҳам фарз. Исломга кирмаган бандалар намоз ўқишга буюрилган эмас, балки аввал имон келтиришлари лозим⁶⁴.

2. Балоғатга етиш.

Балоғатга етмаган ёш болаларга илоҳий буйруқларни бажариш фарз эмас. Балоғатга етганлик аломати қуйидагилар: эҳтилом бўлиш, маълум аъзоларда тук чиқиши, хайз кўриш ва ёшнинг тўлиши.

⁶⁴ Ҳанафийлар фикрича, кофирлар шариатдаги ибодатларни бажаришга буюрилган эмас, улар охиратда фақат имон келтирмагани учунгина жазоланади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкин, банда мусулмон бўлмагунича унинг бажарган ҳар қандай ибодати қабул қилинмайди. Агар мусулмон бўлса, кофирлик чоғида тарк қилган ибодатлари қазосини ўташ талаб қилинмайди.

Балоғатга етмаган ёш болаларга таҳорат қилиш вожиб эмас. Аммо етти ёшдан ошгач, болаларни аста-секин таҳорат ва намозга ўргатиб бориш афзал.

3. Ақлли бўлиш.

Ақли норасо телба кишиларга ҳам илоҳий буйруқларни адо этиш шарт қилинмайди. Тутқаноғи бор ва уйқудаги киши ҳам шу ҳукмдадир. Бироқ таҳорат қилиш маст кишидан соқит бўлмайди. Чунки мастликка банданинг ўзи сабабчи бўлади.

4. Таҳорат қилиш учун сувга эга бўлиш.

Киши таҳоратга етадиган сувга эга бўлсагина таҳорат қилиши лозим. Агар сув топа олмаса, таяммум қилади.

5. Таҳоратсиз бўлиш.

Таҳорат устига таҳорат олиш вожиб ёки фарз эмас, балки мустаҳабдир.

6. Ҳайз ва нифосдан покланиш.

Ҳайз ва нифосдаги аёллар маълум муддатга намоз ўқиш ва бошқа ибодатлардан озод этилади. Шу сабаб то поклангунларича уларга таҳорат олиш лозим бўлмайди.

7. Вақтнинг кириши.

Намоз вақти кирмасдан олдин таҳорат олиш шарт эмас. Намоз вақти кириши билан таҳорат вожиб бўлади. Аммо вақт кирмасдан олдин таҳорат олиш афзал.

8. Уйғоқ бўлиш.

Уйқудаги одамга таҳорат қилиш шарт эмас. Уйқудаги одам то уйғонгунича мукаллаф бўлмайди.

9. Унутиб қўймаслик.

Аслида намозни унутиш мўминга бегона бўлса-да, баъзи ҳолларда унутиб қўйиши мумкин. Шундай ҳолларда унга таҳорат қилиш шарт бўлмайди. Қачон намозини эсласа, шунда таҳорат қилиши шарт.

10. Мажбурланмаслик, ихтиёри ўзида бўлиши.

Уламолар ижмосига кўра, ухлаб қолган, унутиб қўйган ёки мажбуран ибодатдан тўсилган банда намозининг қазосини адо қилади.

11. Таҳорат қилишга қодир бўлиш.

Таҳорат қилишга қодир бўлмаганлар ҳолатга қараб, таяммум қилади ёки бошқа чораларни кўради. Шунингдек,

таҳорат олиш учун сув, таяммумга тупроқ каби ер жинсидан бўлган нарса бўлиши керак. Сув ва тупроқ топа олманларга таҳорат вожиб бўлмайди.

ТАҲОРАТНИНГ ТЎҒРИ БАЖАРИЛИШ ШАРТЛАРИ

Қўидаги шартлар бажарилганда таҳорат тўғри амалга оширилган бўлади:

1. Ювиш лозим бўлган аъзоларни тўла ювиш.

Агар биронта аъзодан игна учи қадар жой ювилмай қолса ҳам таҳорат мукамал бўлмайди.

Таҳоратда бўғимларни ювишга алоҳида эътибор қаратиш керак. Шунингдек, агар тирноқлар узун бўлса, улар остига сув етказиш, кўз атрофига йиғилиб қоладиган чиркларни тозалаб, тўлиқ ювиш фарздир. Аъзони ювиш деганда ундан сув оқизиш назарда тутилади. Абу Ҳанифа ва Имом Муҳаммад наздида, бадандан бир томчи бўлса ҳам сув оқса, у ювилган ҳисобланади. “Файзул Қодир”да “икки томчи сув оқиб тушишидир”, дейилган.

2. Таҳоратда ювиш фарз бўлган аъзолар терига сув етиб боришига тўсқинлик қилувчи нарсалардан холи бўлиши.

Буларга ёғ, шам, аёллар тирноқларига қўйиладиган ёғли бўёқ (лак) ва хамир кабилар киради.

3. Таҳорат олаётганда ҳайз, нифос ва сийдик оқиб туриши каби ҳолатлардан холи бўлиш.

Ҳайз ва нифосдаги аёллар таҳорат олишлари шарт эмас, чунки улар поклангунларича баъзи шаръий буйруқлардан озод этилади. Агар сийдик томчилаб турса ёки бурун қонаётган бўлса, уни тўхтатмасдан олинган таҳорат таҳорат ўрнига ўтмайди. Аммо бу ҳолатлар узр туфайли бўлса, у ҳолда бундай таҳорат дуруст ва узр соҳиби ҳар бир намоз учун алоҳида таҳорат олади.

ТАҲОРАТ СУННАТЛАРИ

Таҳорат суннатлари қанчалиги тўрт мазҳабнинг ҳар бирида турлича. Масалан, ҳанафийлар наздида таҳорат суннатлари ўн саккизта, моликийларда саккизта, шофиъийларда ўттизга яқин (уларда суннат ва мандуб бир нарса), ҳанбалийларда йигирмага яқин. Унутмаслик керак, бундан мақсад таҳорат суннатлари аниқ миқдорда эканини билдириш эмас, балки ўқувчиларга таълим учун қулайлик яратишдир.

Қуйидагилар таҳорат суннатларидир:

- ният қилиш;
- таҳоратни “бисмиллаҳ” билан бошлаш;
- таҳорат олишдан олдин икки қўлни бўғимларига қўшиб ювиш;
- қўлни ювгач, мазмазадан олдин мисвок қилиш;
- уч мартадан мазмаза ва истиншоқ қилиш;
- мазмаза ва истиншоқда тартибга риоя қилиш;
- мазмаза ва истиншоқни ўнг қўл билан қилиш;
- рўза тутмаганлар яхшилаб мазмаза ва истиншоқ қилиши;
- таҳоратда тартибга риоя қилиш;
- таҳорат аъзоларини ювишни кетма-кет, узлуксиз бажариш;
- аъзоларни уч мартадан ювиш;
- қўлларни ювишни бармоқ учларидан бошлаш;
- бармоқлар орасини хилол қилиш;
- бошга бир марта масҳ тортиш;
- бошга масҳ тортишни пешонадан бошлаш;
- бошга масҳ тортилган нам қўл билан икки қулоққа масҳ тортиш;
- соқолни хилол қилиш.

Энди таҳоратда суннат ҳисобланган амалларнинг далиллари билан танишиб чиқамиз.

Ният қилиш.

Таҳоратни бошлашдан олдин ўзидан нопокликни кетказиш ёки таҳоратсиз бажариш мумкин бўлмаган

ибодатни адо қилиш ният қилинади. Масалан, “Аллоҳга яқинлик ҳосил қилиш мақсадида намоз ўқиш учун таҳорат олишни ният қилдим” ёки “нопокликни кетказишни ният қилдим” ё бўлмаса, “таҳорат олишни ният қилдим”, деб кўнглидан ўтказади ёки тили билан айтади. Таҳоратга истинжо қилишдан олдин ният қилинади. Агар истинжо қилинмаса, икки кафт ювилаётганда ният қилинади⁶⁵. Ниятнинг ўрни қалб бўлиб, ҳанафий уламолар қалбни уйғотиш учун қилинадиган ниятни тил билан айтиш мустаҳаб⁶⁶, дейди⁶⁷.

۱۳۲ – عَنْ عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: إِنَّمَا الْأَعْمَالُ بِالنِّيَّاتِ وَإِنَّمَا لِكُلِّ امْرِئٍ مَا نَوَى فَمَنْ كَانَتْ هَجْرَتُهُ إِلَى دُنْيَا يُصِيبُهَا أَوْ إِلَى امْرَأَةٍ يَنْكِحُهَا فَهَجْرَتُهُ إِلَى مَا هَاجَرَ إِلَيْهِ. (رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَأَصْحَابُ السُّنَنِ وَأَحْمَدُ وَابْنُ خُزَيْمَةَ وَالِدَارِقُطْنِيُّ).

132 – Умар ибн Хаттоб (розияллоху анху) ривоят қилади: “Мен Расулуллоҳнинг (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Албатта амаллар ниятга боғлиқ. Ҳар бир кишининг ният қилган нарсаси бўлади. Бас, кимнинг ҳижрати эришмоқчи бўлган дунёга ёки никоҳланмоқчи бўлган аёлга бўлса, бас, у нима учун ҳижрат қилган бўлса, ҳижрати ўшанга бўлади”, деб айтганларини эшитганман” (*Бухорий, Муслим, Сунаун соҳиблари, Аҳмад, Ибн Хузайма ва Дорақутний ривояти*).

“Ният” сўзи луғатда “бирон нарсани мақсад қилиш, кўзлаш” маъносини беради. Шаръий истилоҳда ният Аллоҳ буюрган амални У Зотнинг розилиги учун бажаришга қалбни фориғ этишдир.

⁶⁵ Ҳанбалийлар таҳоратни “бисмиллаҳ” билан бошлаётганда ният қилинади, деган. Моликийлар ният юз ювилаётганда қилинишини айтган. Шофъийларга кўра, юзни юва бошлаш билан ният қилиш вожиб, икки кафтни ювишдан олдин ният қилиш мустаҳабдир.

⁶⁶ “Ал-жавҳаротун наййиро”.

⁶⁷ Таҳоратда ният қилишни ҳанафийлар суннат, қолган уч мазҳаб уламолари фарз, деб айтган. Сабаби банда қиладиган ҳар қандай амал унинг ниятига боғлиқ бўлади. Ҳанафий уламоларимиз фикрича, таҳоратдаги поклик ниятга боғлиқ эмас. Ниятсиз ҳам аъзоларни тозалаш мумкин. Аммо таҳорат ният билан мукамал бўлади.

Ушбу ҳадисда айтилишича, бажариладиган ҳар бир амал унинг нияти билан эътиборлидир. Яхши ният билан амаллар мукамал бўлади. Баъзилар амаллар тўғри бўлиши учун ният шарт, деган.

Ушбу ривоятни таҳорат билан боғлаб изоҳлайдиган бўлсак, шуни айтиш мумкин, банда таҳорат қилиш билан аввало Аллоҳ розилигини, У Зот буюргани учун таҳорат олаётганини, шу таҳорат туфайли покланиш ва намоз ўқишни ният қилади. Буни тил билан айтиш шарт эмас, лекин айтиш дуруст. Асосийси, таҳоратга киришаётганда қалбда холис ният қилинса етарлидир.

Ханафий уламолар оят ва ҳадисларда таҳорат ҳақида сўз борганда “ният қилиш” айтилмагани учун таҳоратга ният фарз эмас, балки суннатдир, деган. Улар буни қуйидагича тушунтирган: “Намозга қилинадиган таҳоратдан мақсад ҳақиқий покланиш бўлиб, бунда ният шарт эмас. Таяммум эса зарурий (зарурат юзасидан қилинадиган) поклик бўлиб, унда моддий покланиш йўқ. Таяммумда фақат ният билан поклик ҳосил қилинади. Шу сабаб ниятсиз таяммум тўғри эмас”.

Таҳоратни “бисмиллаҳ” билан бошлаш.

۱۳۳ – عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: لَا صَلَاةَ لِمَنْ لَا وُضُوءَ لَهُ وَلَا وُضُوءَ لِمَنْ لَمْ يَذْكُرْ اسْمَ اللَّهِ تَعَالَى عَلَيْهِ. (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَابْنُ مَاجَةَ وَأَحْمَدُ وَالْحَاكِمُ وَالدَّارِقُطْنِيُّ وَالتَّبْرَانِيُّ فِي الْكَبِيرِ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

133 – Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади: “Таҳоратсиз кишининг намози йўқ. Таҳоратида Аллоҳ таолонинг исмини зикр қилмаган кишининг таҳорати йўқ” (Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа, Аҳмад, Ҳоким, Дорақутний, Табароний “Кабир”да ривоят қилган. Ҳадис санади саҳиҳ).

Ушбу ҳадис икки хил талқин қилиниб, уламолардан баъзилари ҳадисга кўра, “бисмиллаҳ”ни айтмаган киши-

нинг таҳорати тўғри бўлмайди”, деса, бошқалари эса бу ердаги инкор комилликни инкор қилиш бўлиб, “Бисмиллаҳ”ни айтмаган банданинг таҳорати мукамал бўлмайди, савобни тўлиқ олмайди, деган.

Ҳанафий, шофиъий ва моликийлар таҳоратда “бисмиллаҳ” айтишни суннат, дейишган ва унга бир қанча ривоятларни далил қилиб келтиришади. Шундай ривоятлар ичида энг кучлиси – Усмон ва Али (розияллоҳу анҳумо) томонидан Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳоратлари ҳақида келтирилган ривоятларда “бисмиллаҳ” лафзи учрамайди. Агар таҳоратдан олдин ушбу калимани айтиш шарт бўлганида, Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уни айтиб, саҳобалар ҳам ўз ривоятларида келтирган бўлишарди.

۱۳۴ – وَعَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا مَسَّ طَهْرَهُ يُسَمِّي اللَّهَ. (رَوَاهُ الدَّارِقُطْنِيُّ فِي السُّنَنِ.)

134 – Ойша (розияллоҳу анҳо) ривоят қилади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳорат қилмоқчи бўлсалар, “бисмиллаҳ” деб айтардилар” (*Дорақутний “Сунан”да ривоят қилган*).

У зотнинг одатлари шундай эди. Ҳар бир ибодатдан олдин Аллоҳ таоло исмини зикр қилар эдилар.

۱۳۵ – وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَا تَوَضَّأَ مَنْ لَمْ يَذْكُرْ اسْمَ اللَّهِ وَمَا صَلَّى مَنْ لَمْ يَتَوَضَّأْ وَمَا آمَنَ بِي مَنْ لَمْ يُحِبَّنِي وَمَا أَحْبَبَنِي مَنْ لَمْ يُحِبَّ الْأَنْصَارَ. (رَوَاهُ الدَّارِقُطْنِيُّ فِي السُّنَنِ وَسَنَدُهُ ضَعِيفٌ.)

135 – Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу) Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади: “Таҳоратда Аллоҳнинг номини зикр қилмаган таҳорат олмабди. Таҳорат олмаган намоз ўқимабди. Мени яхши кўрмаган менга имон келтирмабди. Ансорларни яхши кўрмаган ме-

ни (ҳам) яхши кўрмабди” (*Дорақутний “Сунан”да ривоят қилган. Ҳадис санади заиф*).

Ушбу ривоятда ибодат ва эътиқодни инкор этиш унинг комиллигини инкор этиш билан баробар қўйилмоқда. Бунга имон шартларида Расулуллоҳни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) яхши кўриш айнан келтирилмаганидир. Фақат у зотни яхши кўриш имон мукамаллигига далил ва у зотни ёмон кўриш нифоқ аломатидир. Шунингдек, таҳоратда “бисмиллаҳ”ни айтмаганнинг таҳорати нуқсонли бўлиши билдирилиб, аммо бундай таҳорат бутунлай хато дейилаётгани йўқ. Қуйида келадиган ривоятлар ҳам буни исботлайди.

Ибн Умар (розияллоҳу анҳу) Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади: “Ким таҳорат олаётган маҳалда Аллоҳнинг исмини зикр қилса, (ўша таҳорати бутун) бадани учун поклик бўлади. Кимки таҳоратида Аллоҳнинг исмини тилга олмаса, (фақат ўша ювган) аъзолари учун поклик бўлади” (*Дорақутний “Сунан”да ривоят қилган*).

۱۳۶ – وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَنْ تَوَضَّأَ وَذَكَرَ اسْمَ اللَّهِ تَطَهَّرَ جَسَدُهُ كُلُّهُ وَمَنْ تَوَضَّأَ وَلَمْ يَذْكُرْ اسْمَ اللَّهِ لَمْ يَتَطَهَّرْ إِلَّا مَوْضِعَ الْوُضُوءِ. (رواه الدارقطني في السنن وسنده ضعيف.)

136 – Яна Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади: “Ким таҳорат олиб, Аллоҳ исмини зикр қилса, унинг бутун жасади покланади. Агар таҳорат пайтида Аллоҳ исмини зикр қилмаса, фақат таҳорат ўрнигина (яъни, таҳоратда ювилган аъзоларгина) покланади” (*Дорақутний “Сунан”да ривоят қилган. Ҳадис санади заиф*).

Ушбу ҳадис таҳоратда “бисмиллаҳ”ни айтиш суннат, деганларнинг фикрини тасдиқлайдиган ҳужжатдир. Ким таҳорати аввалида “бисмиллаҳ”, деса, унинг бутун бадани ва таҳоратда ювилмаган аъзолари ҳам покланади. Агар “бисмиллаҳ”ни зикр қилмаса, фақат таҳоратда ювилган

аъзоларигина покланади. Бу ҳам “бисмиллаҳ” айтилмай қилинган таҳорат тўғри бўлиши, аммо мукаммал даражада эмаслигини англатади. Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анху) ривоят қилади: “Мен (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Агар сизлардан бирон киши таҳорат олса, Аллоҳнинг исмини зикр қилсин. Шунда (таҳорат) унинг бутун баданини поклайди. Агар таҳоратида Аллоҳнинг исмини айтмаса, баданидан фақат сув теккан жойигина покланади. Агар таҳорат олиб бўлиб, “ла илаҳа иллаллоҳ ва анна Муҳаммадан ʼабдуҳу ва росулуҳ”, деса, унга осмон эшиклари очилади”, деб айтганларини эшитганман” (*Дорақутний “Сунан”да ривоят қилган*).

۱۳۷ – وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: يَا أَبَا هُرَيْرَةَ إِذَا تَوَضَّأْتَ فَقُلْ: بِسْمِ اللَّهِ وَالْحَمْدُ لِلَّهِ فَإِنَّ حَفَظَتَكَ لَا تَسْتَرِيحُ تَكْتُبُ لَكَ الْحَسَنَاتِ حَتَّى تُحَدِّثَ مِنْ ذَلِكَ الْوُضُوءِ. (رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ فِي الْمَعْجَمِ وَقَالَ الْهَيْثَمِيُّ: سَنَدُهُ حَسَنٌ).

137 – Абу Ҳурайра (розияллоҳу анху) ривоят қилади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Эй Абу Ҳурайра, агар таҳорат олсанг, “бисмиллаҳ валҳамду лиллаҳ”, деб айтгин. Шунда амалларингни ёзиб турувчи фаришталар таҳоратинг сингунича сенга яхшилик (ажр-савоб) ёзишдан тўхтамайди”, дедилар” (*Табароний “Муъжам”да ривоят қилган. Ҳайсамий ривоят санади ҳасан, деган*).

Таҳоратни фақат “бисмиллаҳ” лафзи билан бошлаш шарт эмас, бундан бошқа лафзлар ҳам бор. Ушбу ривоятда айтилишича, ким таҳоратни “бисмиллаҳ, валҳамду лиллаҳ” деб бошласа, банда амалларини номаи аъмолига ёзиб турувчи фаришталар шу таҳорат сингунича унинг ҳаққига яхшилик, мукофот ва савоблар ёзиб турар экан. Бу хуш-хабар ҳар биримизни таҳоратни “бисмиллаҳ” билан бошлашга ундаши лозим.

“Бисмиллаҳ”ни таҳорат аввалида айтиш керак. Агар баъзи аъзоларни ювгандан сўнг эслаб, кейин айтса, сун-

натни бажармаган саналади⁶⁸. Аммо таҳорат бошида унутса, эслаган чоғида айтиб қўявериш керак. Таҳорат қилиб бўлгунча айтишга улгурса, шунда таҳорати “бисмиллаҳ”-дан холи бўлмайди⁶⁹.

“Бисмиллаҳ” калимаси истинжодан олдин ёки кейин айтилиши борасида ихтилоф қилинган. Баъзилар: “У истинжодан аввал айтилади. Сабаби истинжо таҳоратни очувчи суннатдир”, деса, яна баъзи тоифа уламолар: “Истинжодан сўнг айтилади. Чунки истинжода аврат очилади. Ҳурмат юзасидан бундай ҳолатда Аллоҳ номи тилга олинмайди”, дейишган. Аслида иккала фикр ҳам тўғри. Фақат истинжодан олдинги “бисмиллаҳ”ни ҳожатхонада эмас, балки ташқарида айтиб олинса, яхши бўлади. Истинжодан сўнг қўлларни юваётганда ҳам яна бир бор Аллоҳ номи зикр қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Таҳорат қилишдан олдин икки қўлни бўғимлари билан қўшиб ювиш.

۱۳۸ – عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: إِذَا اسْتَيْقَظَ أَحَدُكُمْ مِنْ نَوْمِهِ فَلَا يَغْمَسُ يَدَهُ فِي الْإِنَاءِ حَتَّى يَغْسِلَهَا ثَلَاثًا فَإِنَّهُ لَا يَدْرِي أَيْنَ بَاتَتْ يَدُهُ. (رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَأَصْحَابُ السُّنَنِ وَمَالِكٌ وَالشَّافِعِيُّ وَأَحْمَدُ وَابْنُ حُزَيْمَةَ وَابْنُ حَبَّانَ وَالِدَارَقُطْنِيُّ).

138 – Абу Ҳурайра (розияллоҳу анху) ривоят қилишича, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шундай деганлар: “Агар биронтангиз уйқудан турса, қўлини уч марта ювмагунича (сув) идишга тикмасин. Чунки у кечаси қўли қаерда тунаганини билмайди” (*Бухорий, Муслим, Суан соҳиблари, Молик, Шофиъий, Аҳмад, Ибн Ҳузайма, Ибн Ҳиббон ва Дорақутний ривояти*).

Ушбу ривоятда покликка оид муҳим қоидалардан бири баён қилинмоқда.

Бу ерда уйқудан турган одам қўлини идишга тикишдан қайтарилмоқда. Демак, қўли нопоклиги аниқ бўлган одам

⁶⁸ “Табйин”.

⁶⁹ “Ас-сирожул ваҳҳаж”.

бу ишни қилмаслиги таъкидлироқдир. Бундай ҳолатда кичик идишда сув олиб қўлни ювиш керак.

Инсон баданини қўли ёрдамида тозалайди. Шу сабаб энг аввал қўлнинг ўзини тозалаш мақсадга мувофиқ. Баъзилар: “Кечаси ва кундузи уйқудан турган киши қўлини ювиши фарз”, деган. Баъзилар фақат тунги уйқудан тургандан кейингина қўлларни ювиш лозимлигини айтган⁷⁰. Аслида, ривоятда нопок бўлиши мумкин бўлган нарсани ювиш ҳақида гап кетмоқда. Нопок нарсани ювиш фарз эканига барча иттифоқ қилган. Нарсаларнинг пок ёки нопоклиги шубҳа билан эмас, қатъий ишонч билан аниқланади. Шу сабаб айтиш мумкин, уйқудан турган киши қўлини уч марта ювиши мустаҳаб. Бу ишни тарк қилиш ҳаром эмас, танзиҳий макруҳдир.

Одатда, уйқудаги одам кечаси қўли қаерга текканини аниқ билолмайди. Балки у нопок жойга теккан бўлиши мумкин. Шу сабаб уйқудан уйғонган киши қўлини уч марта ювиб олиши буюрилмоқда.

Таҳорат қилмоқчи бўлган киши одатда, аввал истинжо қилади. Бунда қўлни ювишга яна ҳам жиддий аҳамият бериш лозим. Истинжо қилмаган тақдирда ҳам, бошқа аъзолар айнан қўл билан ювилади. Шу сабаб энг биринчи қўлни тозалаб ювиш керак.

Қўл ювиш вақти ҳақида уламолар турли фикрларни айтган. Баъзилар: “Қўл истинжодан олдин ювилади”, деса, баъзилар: “Истинжодан кейин ювилади”, деган. Учинчи тоифа вакиллари эса: “Тўлиқ покликка эришиш учун истинжодан олдин ҳам, кейин ҳам қўлни ювиш яхши”, деб айтган.

Ҳанафий мазҳаби уламолари юқорида келтирилган ҳадисдан келиб чиқиб, поклиги гумон бўлган нарсалар уч марта ювилиши лозимлигини айтган.

Ушбу ривоятдан олинадиган фойдалар:

⁷⁰ Аҳмад ибн Ҳанбалдан ривоят қилинишича, тунги уйқудан туриб, қўлини идишга тиқиш таҳримий макруҳ. Кундузги уйқудан туриб, қўлни идишга тиқиш эса танзиҳий макруҳдир.

Аҳмад ибн Ҳанбал айтади: “Агар тунги уйқудан туриб, қўлини ювмасдан олдин уни таҳорат сувига тиқса, ўша сувни тўкиб юборишни афзал биламан” (Муҳаммад Абдураҳмон ибн Абдураҳим Абулаъло Муборакфурий, “Тухфатул аҳвазий”).

1. Кам миқдордаги сувга нажосат тушиши билан сув ифлос бўлиши;

2. Нажосатга сув тушиши билан сувга нажосат тушиши орасида фарқ борлиги. Агар сувга нажосат тушса, уни ифлос қилади. Нажосатга сув тушса, нопокликни кетказди;

3. Нопок нарсаларни уч марта ювиш лозимлиги. Поклиги гумон бўлган қўлни уч марта ювишга буюрилди-ми, демак, нопоклиги аниқ бўлган нарсаларни ювиш янада таъкидлироқ бўлади;

4. Васваса ва исрофга йўл қўймаган ҳолда ибодат ва покликда эҳтиёт тарафини олиш яхши экани.

Таҳоратдан олдин икки қўлни бўғимларигача ювиш қанчалик муҳим эканини қўйдаги ривоятдан билиб оламиз.

۱۳۹ – وَعَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ جُبَيْرِ بْنِ نُفَيْرٍ عَنْ أَبِيهِ أَنَّ أَبَا جُبَيْرِ الْكِنْدِيِّ قَدِمَ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَأَمَرَ لَهُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِوُضُوءٍ وَقَالَ: تَوَضَّأْ يَا أَبَا جُبَيْرٍ فَبَدَأَ فِيهِ فَقَالَ لَهُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: لَا تَبْدَأُ بِفِيكَ فَإِنَّ الْكَافِرَ يَبْدَأُ فِيهِ ثُمَّ دَعَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِوُضُوءٍ فَغَسَلَ يَدَيْهِ حَتَّى أَنْقَاهُمَا ثُمَّ تَمَضَّمْ وَأَسْتَنْشَرْ ثُمَّ غَسَلَ وَجْهَهُ ثَلَاثًا ثُمَّ غَسَلَ يَدَهُ الْيُمْنَى إِلَى الْمِرْفَقِ ثَلَاثًا ثُمَّ غَسَلَ يَدَهُ الْيُسْرَى إِلَى الْمِرْفَقِ ثَلَاثًا ثُمَّ مَسَحَ بِرَأْسِهِ وَغَسَلَ رِجْلَيْهِ. (رَوَاهُ ابْنُ حِبَّانَ فِي صَحِيحِهِ وَأَبُو نَعِيمٍ فِي مَعْرِفَةِ الصَّحَابَةِ وَسَنَدُهُ جَيِّدٌ.)

139 – Абдурахмон ибн Жубайр ибн Нуфайр отасидан ривоят қилишича, Абу Жубайр Киндий Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига борганида, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унга таҳорат қилишни буюриб: “Эй Абу Жубайр, таҳорат қил”, дедилар. У таҳоратни оғзини ювишдан бошлаган эди, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “(Таҳоратни) оғзинг(ни

ювиш)дан бошлама! Кофир оғзидан бошлайди”, дедилар. Сўнгра таҳорат суви олиб келишни буюриб, икки қўлларини тоза бўлгунича ювдилар. Кейин мазмаза ва истиншоқ қилдилар. Сўнгра юзларини уч марта ювдилар. Шундан сўнг ўнг қўлларини тирсагигача уч марта, чап қўлларини ҳам тирсагигача уч марта ювдилар. Кейин бошларига масх тортдилар ва оёқларини ювдилар (*Ибн Ҳиббон “Саҳиҳ”да ва Абу Нуъайм “Маърифатус саҳоба”да ривоят қилган. Ривоят санади жайид*).

Таҳоратда икки қўл ювилишидан кейин оғиз чайилишини ҳисобга олсак, бу иш қай даражада лозим эканини англаб етамиз. Сабаби қўл рисоладагидек покланмаса, ундаги зарарли нарсалар оғизга, оғиз орқали бутун танага тарқалади ва кишини касалликка чалинтиради. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бежизга истинжодан кейин қўлларини тупроққа ишқамаганлар. Тупроқ ўрнига совун ёки бошқа тозалаш воситаларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Муҳими таҳоратдан олдин икки қўлни бўғимигача яхшилаб ювиш керак.

Қўлни ювгач, мазмазадан аввал мисвок қилиш.

۱۴۰ – عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: لَوْلَا أَنْ أَشَقَّ عَلَيَّ أُمَّتِي لِأَمْرَتُهُمْ بِالسَّوَاكِ عِنْدَ كُلِّ وُضُوءٍ. (رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَالنَّسَائِيُّ وَأَحْمَدُ وَابْنُ خُزَيْمَةَ وَالْبَيْهَقِيُّ وَالطَّبْرَانِيُّ.)

140 – Абу Ҳурайра (розияллоҳу анху) Набийдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади: “Агар умматимга қийин қилиб қўй(ишни ўйла)маганимда, уларни ҳар бир таҳоратда мисвок (ишлатиш)га, албатта буюрган бўлар эдим” (*Бухорий, Насоий, Аҳмад, Ибн Ҳузайма, Байҳақий ва Табароний ривояти*).

Ҳар сафар таҳорат олганда ва намоз ўқиганда мисвок ишлатиш фазилати улуғ амалдир. Уламолар таҳоратда мисвок ишлатиш суннати муаккада, деган. Сабаби Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) доим таҳорат ва намоздан олдин мисвок қилганлар.

Таҳоратда мисвок ишлатиш вақти ҳақида уламолар турли фикрларни айтган. “Ниҳоя” ва “Фатҳул қодир” китобларида мазмаза қилаётганда, “Бадоеъ” ва “Мужтаба”да эса таҳоратдан олдин, дейилган. Лекин аввалгиси афзалроқ.

Авзойи: “Мисвок таҳоратнинг ярмидир”, деган (“Ал-Биная”).

Баъзи уламолар мисвок таҳоратнинг суннатиدير, деган. Имом Шофиъий эса, мисвок намознинг суннатиدير, деган. Мисвок асли таҳорат билан боғлиқ бўлса-да, намоздан олдин ҳам мисвок ишлатиш ҳақида ривоятлар бор.

Ҳанафийлар, мисвок таҳорат вақтида қилинади. Бир таҳорат билан бир неча вақт намоз ўқиса, қилган ўша мисвоки кифоя қилади, деса, шофиъийлар, ҳар бир намоз учун алоҳида мисвок қилади, дейди.

Агар таҳоратда мисвок ишлатилган бўлса, намоз ўқишдан олдин такрор ишлатилмайди. Агар таҳорат вақтида унутилган бўлса, намоздан олдин мисвок қилиб олиш мустаҳабдир.

Агар арок дарахтидан олинган мисвок бўлмаса, тишларни қўл ёрдамида тозалаш мумкин. Аёллар учун (мисвок йўғида) сақич мисвок ўрнига ўтади. Сабаби уларнинг бармоқлари нозик бўлгани учун тишни яхши тозаламайди.

١٤١ – وَعَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ لَا يَرْقُدُ مِنْ لَيْلٍ وَلَا نَهَارٍ فَيَسْتَيْقِظُ إِلَّا تَسَوَّكَ قَبْلَ أَنْ يَتَوَضَّأَ. (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَابْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَالطَّبْرَانِيُّ فِي الْأَوْسَطِ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ.)

141 – Ойша (розияллоҳу анҳо) ривоят қилишича, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кечасими ёки кундүзимиди уйқудан турсалар, таҳорат қилишдан олдин, албатта мисвок ишлатар эдилар (*Абу Довуд, Ибн Абу Шайба, Табароний “Авсат”да ривоят қилган. Ривоят санади ҳасан.*)

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уйқудан уйғониб, таҳорат қилмоқчи бўлсалар, албатта мисвок билан оғизларини тозалар эдилар.

۱۴۲ – وَعَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا زَوْجَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ قَالَ: فَضْلُ الصَّلَاةِ بِالسَّوَاكِ عَلَى الصَّلَاةِ بغيرِ سَوَاكٍ سَبْعِينَ ضِعْفًا. (رواهُ أَحْمَدُ وَابْنُ خُرَيْمَةَ وَالْحَاكِمُ وَصَحَّحَهُ وَالِدَارَقُطْنِيُّ وَالْبِرَّازُ وَأَبُو يَعْلَى.)

142 – Набийнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) аёллари Ойша (розияллоҳу анҳо) Набийдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади: “Мисвок билан (ўқилган) намоз мисвоксиз (ўқилган) намоздан етмиш даража афзалдир” (Аҳмад, Ибн Хузайма, Ҳоким, Дорақутний, Баззор ва Абу Яъло ривояти. Ҳоким ҳадис санади саҳиҳ, деган).

Баъзи сабабларга кўра амаллар учун бериладиган савоб бир неча баробар кўпайтирилади. Масалан, жамоат намози ёлғиз ўқилган намоздан йигирма етти баробар афзал. Бош кийим билан ўқилган намоз бошланг ўқилганидан устун. Шунингдек, ибодатда ихлос, хушу ҳам амалларнинг савобини зиёда қилади. Бу ҳадисда мисвок ишлатиб намоз ўқиш ажр-савобни бир неча марта кўпайтириши таъкидланмоқда. Энди тасаввур қилинг, банда намоз ўқишдан олдин мисвок ишлатса, жамоатга ҳозир бўлса, ибодатини ихлос билан амалга оширса, қанчалик катта мукофот ва улуғ мартабага эришади! Демак, амалларда миқдор эмас, сифат муҳимроқ экан. Мисвок эса таҳорат ва намозни сифатли, рисоладагидек адо этишда муҳим аҳамиятга эга.

Уч мартадан мазмаза ва истиншоқ қилиш.

“Мазмаза” сўзи “оғизга сув олиб, яхшилаб ғарғара қилиб чайиш”, “истиншоқ” эса “бурунга сув олиб, чиқариб ташлаш” маъноларини англатади. Демак, мазмаза оғизни чайиш, истиншоқ эса бурунга сув олиб қоқишдир. Аммо шаръий истилоҳда урф бўлгани учун биз уларни “мазмаза” ва “истиншоқ” деб ишлатишни лозим топдик.

Ҳанафийлар наздида мазмаза ва истиншоқ таҳоратнинг суннатларидандир⁷¹. Ривоятларда Расулulloҳ (сол-

⁷¹ Маълумот ўрнида шуни айтиш мумкин, Аҳмад ибн Ҳанбал: “Мазмаза ва истиншоқ таҳоратда ҳам, ғуслда ҳам фарздир”, деган. Шофиъий: “Мазмаза ва истиншоқ таҳорат ва ғуслда суннатдир”, деб айтган. Буни тушунтирар экан имом Шофиъий

лаллоҳу алайҳи ва саллам) доим мазмаза ва истиншоқ қилганлари келтирилади.

Йигирма нафар саҳобий Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳорат қилишларини таърифлаган. Булар: Усмон ибн Аффон, Ибн Аббос, Али ибн Абу Толиб, Абу Ҳурайра, Муғира ибн Шуъба, Абдуллоҳ ибн Зайд ибн Осим, Миқдом ибн Маъдиқариб, Рубаййиъ бинти Муъаввиз, Абу Молик Ашъарий, Абу Бакра, Воил ибн Хужр, Абу Жубайр ибн Нуфайр Киндий, Абу Умома, Оиша, Анас ибн Молик, Каъб ибн Амр Ёмий, Абу Айюб Ансорий, Абдуллоҳ ибн Абу Афво, Баро ибн Озиб ва Абу Коҳиллардир (розияллоҳу анҳум). Уларнинг ҳаммаси ўз ривоятларида мазмаза ва истиншоқни зикр қилган.

١٤٣ - عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: عَشْرٌ مِنَ الْفِطْرَةِ: قَصُّ الشَّارِبِ وَإِعْفَاءُ اللَّحْيَةِ وَالسَّوَاكُ وَاسْتِنْشَاقُ الْمَاءِ وَقَصُّ الْأَظْفَارِ وَغَسْلُ الْبَرَاجِمِ وَنَتْفُ الْإِبْطِ وَحَلْقُ الْعَانَةِ وَانْتِقَاصُ الْمَاءِ. قَالَ زَكَرِيَّا: قَالَ مُصْعَبٌ: وَنَسِيتُ الْعَاشِرَةَ إِلَّا أَنْ تَكُونَ الْمَضْمَضَةَ. (رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَالنَّسَائِيُّ وَابْنُ مَاجَةَ وَأَحْمَدُ وَالدَّارَقُطْنِيُّ).

143 – Ойша (розияллоҳу анҳо) Расулulloҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади: “Ўнта (нарса) фитратдандир: мўйлабни қисқартириш; соқолни ўстириш; мисвок; истиншоқ қилиш; тирноқларни қисқартириш; бўғимларни ювиш; қўлтиқ (остидаги туклар)ни юлиш; қовуқ (остидаги туклар)ни қириш ва истинжо қилиш”. *Закариё айтади*: “Мусъаб: “Мен ўнинчисини унутдим. Эҳтимол, мазмаза қилиш бўлса керак!” деди” (*Муслим, Абу Довуд, Термизий, Насоий, Ибн Можа, Аҳмад ва Дорақутний ривояти*).

“Фитрат” деганда инсоннинг соф табиатига хос бўлган одат ва хусусиятлар назарда тутилади. Расулulloҳ (сол-

айтади: “Жунубликдан ғул қилиш тананинг ташқи қисмига оид. Бурун ичи ва оғиз тананинг ички қисми бўлиб, ғулда уларни ювиш вожиб эмас”.

Эслатиб ўтамиз, бизнинг ҳанафий мазҳабига кўра, мазмаза ва истиншоқ таҳоратда суннат, ғулда фарз саналади.

лаллоҳу алайҳи ва саллам) таъкидлашларича, қуйидагилар инсоннинг асл табиатига хос экан:

“Мўйлабни қисқартириш”.

Мўйлабни қисқартириш соғлиқ учун ўта фойдалидир. Сабаби мўйлабга турли зарарли моддалар илашиб, кейин оғиз орқали ичга кириб, инсонга зиён келтириши мумкин.

“Мисвок”.

Мисвокнинг фойдалари ва манфаатлари ҳақида ҳар қанча гапирса, оз. Бу ривоятда мисвок ишлатиш, тиш тозалаш ва оғиз поклигига эътиборли бўлиш ҳар бир инсон табиатига хос экани алоҳида таъкидланмоқда.

“Истиншоқ қилиш”.

Хоҳ таҳоратда, хоҳ уйқудан уйғонгандан кейин бўлсин, бурунга сув олиб, яхшилаб ювиш инсон саломатлигини сақлашда катта аҳамиятга эга. Сабаби нафас олганда ҳаводаги чанг, ғубор ва бошқа зарарли моддалар бурунга тўпланиб қолади. Агар бурун сув билан яхшилаб ювиб ташланса, турли зиён келтирувчи нарсалардан саломат бўлинади.

“Тирноқларни қисқартириш”.

Бу иш ҳам киши саломатлигини сақлашда беқиёс ўринга эга.

“Бўғимларни ювиш”.

Одатда оёқ ва қўлдаги бўғимларда кир тўпланиб қолади. Шу сабаб таҳорат ёки ғусл қилаётганда бўғимларни ишқалаб ювишга алоҳида аҳамият бериш керак.

“Қўлтиқ (остидаги туклар)ни юлиш”.

Қўлтиқ ости кўп терлайди, устига устак у ерда кир тўпланиб қолиши сабаб бадбўй ҳид чиқиши мумкин. Шу сабаб у ердаги туклар мунтазам олиб турилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Қўлтиқ остидаги тукни қириш ёки юлиш ҳам жоиз. Нима бўлганда ҳам уни кетказиш ва покликка амал қилиш керак.

“Қовуқ (остидаги туклар)ни қириш”.

Эркак ва аёлнинг жинсий аъзолари атрофидаги ва киндик остидаги тукларни олиш ҳам ўта муҳим вазифа-

лардан саналади. Бунинг энг кам муддати етти кун, энг кўпи эса қирқ кундир.

Қовуқ остидаги тукларни қириш, юлиш ёки бошқа воситалар билан кетказишга рухсат берилган бўлса-да, уламолар суннатда айтилганидек, қириш афзалдир, деб такидлашган.

“Истинжо қилиш”.

Қазои ҳожат қилгач, истинжо қилиш ҳам юқоридаги амаллар каби ҳар бир банданинг шахсий озодалиги, сиҳат-саломатлиги учун муҳимдир. Зарарли нарсалар баданга теккач, дарҳол илиқ сув билан ювиб ташланмаса, турли касалликларга, ёмон ҳид чиқиб туриши ва яна ёқимсиз ҳолатларга сабаб бўлади. Бу ҳақида юқорида атрофлича тўхталиб ўтдик.

Инсоннинг соф фитратига оид ўнта нарсанинг тўққиз-тасини санаб келиб, ўнинчиси ҳадис силсиласидаги ровийлардан бўлмиш Мусъабнинг ёдидан кўтарилибди. У омонат юзасидан буни очиқ-ойдин айтди. Аммо ўша ёдидан кўтарилган ўнинчиси “мазмаза қилиш” бўлиши эҳти-моли кучлироқ эканини ҳам зикр қилди. Агар Мусъаб, ўнинчисини унутдим, демай туриб, тўғридан-тўғри “мазмаза қилиш”, деганида ва аслида Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бошқа нарсани айтган бўлганларида, бу ровий ёлғон ҳадис тўқувчилардан бўлиб қолар эди. Шу сабаб илмий омонат юзасидан ожизлик қилиб ёдидан чиқаргани ва гумони қайси бирига кучлироқ эканини очиқ айтиб ўтди.

Ҳақиқатан, оғизни чайиш ҳам озодалик ва поклик учун аҳамиятли нарсалардандир. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳорат ва ғуслда, таомдан олдин ва кейин қўлларни ювишни ҳамда оғизни чайишни (айниқ-са, ёғли овқатлардан кейин) алоҳида таъкидлаганлар.

۱۴۴ – وَعَنْ سُلَيْمَانَ بْنِ مُوسَى قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَنْ تَوَضَّأَ فَلَيْمَضِمِضْ وَلَيْسْتَنْشِقْ. (رَوَاهُ الدَّارِقُطْنِيُّ فِي السُّنَنِ وَالْبَيْهَقِيُّ فِي السُّنَنِ الْكُبْرَى).

144 – Сулаймон ибн Мусо Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади: “Ким таҳорат ол(моқчи бўл)са, бас, мазмаза ва истиншоқ қилсин!” (*Дорақутний “Сунан”да ва Байҳақий “Ас-сунанул кубро”да ривоят қилган*).

Ушбу ривоятда Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳорат қиладиган ҳар бир бандани мазмаза ва истиншоқ қилишга буюрмоқдалар. Мана шу ривоятни далил қилиб, Аҳмад ибн Ҳанбал (раҳматуллоҳи алайҳ) таҳоратда мазмаза ва истиншоқ қилиш фарз, деб айтган.

Ойша (розияллоҳу анҳо) Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади: “Мазмаза ва истиншоқ таҳоратда қилиниши керак бўлган (амал)лардандир” (*Дорақутний ривояти*).

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилишича, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мазмаза ва истиншоққа буюрганлар. (*Байҳақий “Ас-сунанул кубро”да ривоят қилган*).

Аввал уч марта мазмаза, сўнг уч марта истиншоқ қилинади. Буларнинг ҳар бири учун алоҳида сув олинади. Ўрни, иккаласи учун олти марта сув олинади.

Кафтга сув олиб, ўша сувдан уч марта мазмаза қилиш жоиз. Аммо бир марта олинган сувда уч марта истиншоқ қилиш мумкин эмас. Сабаби истиншоқда ишлатилган сувнинг бир қисми қўлга қайтиб тушади, мазмазада бундай эмас.

Агар кафтида сув олиб, сувнинг бир қисми билан мазмаза, қолгани билан истиншоқ қилса, жоиз. Аммо аксини қилиш мумкин эмас.

Мазмаза ва истиншоқ ҳукми борасида тўрт хил фикр бор:

1. Шофиъий ва Молик мазмаза ва истиншоқ таҳорат ва ғуслда суннатлигини таъкидлаган. Салафлардан Ҳасан Басрий, Зухрий, Ҳакам, Қатода, Робиа, Яҳё ибн Саид Ансорий, Авзой, Лайс ибн Саъд ҳам шу фикрни айтган.

2. Аҳмад ибн Ҳанбал фикрича, мазмаза ва истиншоқ таҳорат ва ғуслда вожиб. Буларсиз у иккиси тўғри бўлмай-

ди. Ибн Абу Лайло, Ҳаммоод, Исҳоқ ибн Роҳвайҳлар ҳам шу фикрни айтган.

3. Абу Ҳанифа, унинг шогирдлари ва Суфён Саврий фикрича, мазмаза ва истиншоқ ғуслда вожиб, таҳоратда суннат.

4. Истиншоқ таҳорат ва ғуслда вожиб, мазмаза эса у иккисида суннат. Бу Абу Савр, Абу Убайда, Довуд Зоҳирӣ, Абу Бакр ибн Мунзирлар фикри.

Демак, бизнинг ҳанафий мазҳабимизда таҳоратда мазмаза ва истиншоқ қилиш суннат саналади.

١٤٥ – وَعَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: الْمَضْمَضَةُ وَالِاسْتِنْشَاقُ سُنَّةٌ. (رَوَاهُ الدَّارَقُطْنِيُّ وَسَنَدُهُ ضَعِيفٌ.)

145 – Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Мазмаза ва истиншоқ суннатдир”, деганлар” (*Дорақутний ривояти. Ривоят санади заиф*).

Демак, мазмаза ва истиншоқ таҳоратнинг таъкидланган суннатларидан саналади. Уларсиз таҳорат мукамал бўлмайди.

Уламолар мазмаза истиншоқдан олдин қилинишига иттифоқ қилган. Аммо бу иш мустаҳаб ёки шартлиги борасида икки хил фикр бор:

– аввал мазмаза, кейин истиншоқ қилиш шарт. Сабаби булар икки хил аъзо бўлиб, аввал оғиз ювилиши лозим;

– бу иш мустаҳаб. Бу худди чап қўлдан олдин ўнг қўлни ювишга ўхшайди.

Биринчи фикрни, яъни аввал мазмаза, кейин истиншоқ қилиш кераклигини кўпчилик маъқуллаган.

١٤٦ – وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِذَا تَوَضَّأَ أَحَدُكُمْ فَلْيَسْتَنْشِقْ بِمَنْخَرِيهِ مِنَ الْمَاءِ ثُمَّ لِيَنْتَشِرْ. (رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَحْمَدُ وَأَبُو عَوَانَةَ.)

146 – Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу) Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади: “Агар биронтангиз таҳорат қилса, бас, бурнига сув олиб, сўнгра чиқариб ташласин” (*Муслим, Аҳмад ва Абу Авона ривояти*).

Бу ерда таҳоратда бурунга сув олиб, сўнг қоқиб ташлаш (истиншоқ ва истинсор) ҳақида сўз кетмоқда ва бу нарса қанчалик муҳим экани билдирилмоқда. Баъзилар ушбу ривоятни далил қилиб, ҳатто: “Таҳоратда истиншоқ қилиш вожиб”, деб айтган. Нима бўлганда ҳам таҳоратда мазмаза ва истиншоқни қолдирмай қилиш мақсадга мувофиқ.

١٤٧ – وَعَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: اسْتَنْشَرُوا مَرَّتَيْنِ بِالْغَتَيْنِ أَوْ ثَلَاثًا. (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَابْنُ مَاجَهَ وَأَحْمَدُ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

147 – Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади: “Икки марта мукаммал ёки уч марта истинсор қилинглар” (*Абу Довуд, Ибн Можа ва Аҳмад ривояти. Ривоят санади саҳиҳ*).

Шариатдаги ҳар бир амал банда манфаати учун хизмат қилишини ушбу ривоят мисолида кўришимиз мумкин.

“Истинсор” сўзи “бурунга сув олиб, бурундаги сув, мишиқ ва кирларни қоқиб чиқариш” маъносини англатади. Демак, таҳоратда истиншоқни икки ёки уч марта яхшилаб қилиш, бурунда кир ва чанглар қолмаслигига эътибор бериш керак. Шунда шариат буйруғи бажарилган бўлади ва банда турли касалликлардан сақланади.

Уйқудан турганда юз ювилса ёки таҳорат қилинса, истиншоққа алоҳида эътибор бериш лозим. Бунинг сабаби қуйидаги ривоятда айтилади.

١٤٨ – وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: إِذَا اسْتَيْقَظَ أَرَاهُ أَحَدَكُمْ مِنْ مَنَامِهِ فَتَوَضَّأَ فَلْيَسْتَنْشِرْ ثَلَاثًا فَإِنَّ الشَّيْطَانَ يَبِيتُ عَلَى خَيْشُومِهِ. (رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَالنَّسَائِيُّ وَابْنُ خُرَيْمَةَ.)

148 – Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу) Набийдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади: “Агар биронтангиз уйқудан туриб таҳорат қилса, бурнига уч марта сув олиб (кейин) чиқариб ташласин. Чунки шайтон унинг бурнида тунайди” (*Бухорий, Муслим, Насоий ва Ибн Хузайма ривояти*).

Банда ухлаганида шайтон унинг бурнидан жой олар экан. Шу сабаб уйқудан уйғонгач, бурунни яхшилаб ювиб ташлаш лозим. Бу ҳаммага хос. Ётишдан олдин шайтонни узоқлаштирувчи оят ва дуоларни ўқиган ёки ўқимаган бўлсин, фарқи йўқ. Сабаби ҳадис ҳукми мутлақ. У ҳар бир мўмин ва мўминага тегишли.

١٤٩ – وَعَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ شَرِبَ لَبَنًا ثُمَّ دَعَا بِمَاءٍ فَتَمَضَّضَ وَقَالَ: إِنَّ لَهُ دَسْمًا. (رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَأَصْحَابُ السُّنَنِ وَأَحْمَدُ وَابْنُ خُرَيْمَةَ وَابْنُ حِبَّانَ.)

149 – Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) ривоят қилишича, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сут ичдилар, сўнгра сув олиб келишни буюрдилар ва мазмаза қилдилар. Кейин: “Албатта у (сут)да ёғ бор”, дедилар (*Бухорий, Муслим, Суна соҳиблари, Аҳмад, Ибн Хузайма ва Ибн Ҳиббон ривояти*).

Кишининг таҳорати бўлса-бўлмаса, ёғли овқатлар, хусусан сут ичганидан кейин оғзини чайиб ташлаши маъқул. Акс ҳолда ёғ оғиз ҳидланишига сабаб бўлади.

Ушбу ҳадисдан келиб чиқиб, уламолар: “Овқат егач ёки ёғли ичимлик ичгандан кейин оғизни чайиш мустаҳабдир”, деган.

Агар таҳорати бўлса, мазмаза қилиб, намоз ўқиши жоиз. Аммо мазмаза қилмаса ҳам бўлади. Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу) ривоят қилишича, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сут ичиб, оғизларини чаймаганлар, таҳоратни ҳам янгиламасдан намоз ўқиганлар. (*Абу Довуд ривояти. Ривоят санади ҳасан.*)

Ясама тиш (бизда у танглай тиш дейилади) қўйдирганлар таҳорат вақтида уни ечиб қўйишлари шарт эмас. Сабаби ясама тишни олмасдан ҳам оғиз ва тишларни то-

залаш мумкин. Устига-уштак таҳорат қилганда ҳар сафар ясама тишларни ечиш машаққат туғдиради.

Мазмаза ва истиншоқда тартибга риоя қилиш.

Яъни, аввал оғизни ғарғара қилиб, кейин бурунга сув олиб қоқиш. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам доим шундай қилганлар.

Мазмаза ва истиншоқни ўнг қўл билан қилиш.

Оғиз ва бурунга ўнг қўл билан сув олинади, бурун эса чап қўл билан қоқилади. Сабаби бурун ичида нопок нарсалар бўлиб, одатга кўра бундай нарсалар чап қўл ёрдамида кетказилади.

۱۵۰ – عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ زَيْدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: رَأَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مُمْضِضًا وَأَسْتَنْشِقُ مِنْ كَفِّ وَاحِدٍ فَعَلَّ ذَلِكَ ثَلَاثًا. (رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَالْحَاكِمُ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

150 – Абдуллоҳ ибн Зайд (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Мен Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир ҳовуч (сув) билан мазмаза ва истиншоқ қилганларини кўрдим. У зот буни уч марта қилдилар” (*Термизий ва Ҳоким ривояти. Ривоят санади саҳиҳ*).

Ушбу ривоятни уламолар икки хил таъвил қилган:

1. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мазмаза ва истиншоқда фақат бир қўлларини (ўнг қўлни) ишлатганлар;

2. У зот бир ҳовуч сув билан мазмаза ва истиншоқ қилганлар.

Ҳар икки тарафнинг ўз далиллари бор. Шофиъий ва Аҳмад ибн Ҳанбал бир ҳовуч сув билан мазмаза, ҳам истиншоқ қилишни афзал билган. Уларнинг далиллари: Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) ривоят қилишича, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир мартадан таҳорат қилганлар, мазмаза ва истиншоқни қўшиб бажарганлар (*Доримий, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривояти. Ривоят санади ҳасан*).

Яна Ибн Аббос ривоят қилишича, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳорат қилаётганларида бир ҳо-

вуч сув олиб, мазмаза ва истиншоқ қилганлар. Сўнгра бир ҳовуч сув олиб, юзларини ювганлар. Кейин яна бир ҳовуч сув билан ўнг қўлларини ювганлар (*Насоий, Ибн Ҳузайма ва Ибн Ҳиббон ривояти. Ривоят санади ҳасан-саҳиҳ*).

Бу хусусда бошқа ривоятлар ҳам бор.

Ҳанафий мазҳаби уламолари мазмаза ва истиншоқ алоҳида қилинишини таъкидлаган. Бунда аввал уч марта алоҳида сув олиб мазмаза қилинади. Кейин ҳар сафар янги сув олиб, уч марта истиншоқ қилинади. Бунга далил қуйидаги ривоят. Толҳа ибн Мусорриф отасидан, отаси бобоси Каъб ибн Амр Ёмийдан ривоят қилишича, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳоратда уч марта мазмаза ва уч марта истиншоқ қилганлар ҳамда буларнинг ҳар бири учун алоҳида сув олганлар (*Табароний ривояти*).

Демак, бу хусусда икки хил ривоят мавжуд. Шу сабаб уламолар унинг ҳар иккисига ҳам амал қилиш мумкинлигини айтган. Аммо қайси бири афзаллиги борасида турли фикрларни билдиришган. Баъзилар мазмаза ва истиншоқни қўшиб амалга ошириш (яъни, бир ҳовуч сув олиб, ўша сув билан мазмаза ва истиншоқ қилиш) афзал, деса, бошқалар бу иккисини алоҳида амалга ошириш афзаллигини таъкидлайди.

Хуллас, нима бўлганда ҳам мазмаза ва истиншоқни тарк қилмаса бўлгани. Қайси усулда бажарсин, бу иккисини қолдирмаса кифоя. Лекин бизнинг ҳанафий мазҳабида мазмаза ва истиншоқ алоҳида бажарилишини унутмаслигимиз керак.

Оғиз ва бурунга ўнг қўл билан сув олиб, бурунни чап қўл ёрдамида қоқиш кераклигига қуйидаги ривоят далил бўлади.

١٥١ - وَعَنْ عَبْدِ خَيْرٍ عَنْ عَلِيٍّ أَنَّهُ دَعَا بِوَضُوءٍ فَتَمَضَّمْضَ وَأَسْتَنْشَقَ وَنَشَرَّ
بِيَدِهِ الْيُسْرَى فَفَعَلَ هَذَا ثَلَاثًا ثُمَّ قَالَ: هَذَا طُهُورٌ نَبِيِّ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ.
(رَوَاهُ النَّسَائِيُّ وَالِدَارِمِيُّ وَأَحْمَدُ وَابْنُ حِبَّانَ وَالِدَارِقُطْنِيُّ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

151 – Абдухайр ривоят қилишича, ҳазрат Али таҳорат суви чақиртириб, мазмаза ва истиншоқ қилди, чап қўли билан бурнини қоқди ва буни уч марта бажарди. Сўнгра: “Бу Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳоратлари”, деди (*Насоий, Доримий, Аҳмад, Ибн Ҳиббон ва Дорақутний ривояти. Ривоят санади саҳиҳ*).

Доримий, Аҳмад, Ибн Хузайма, Дорақутний ва Абу Яъло саҳиҳ санад билан келтирган ривоятда айтилишича, ҳазрат Али (розияллоҳу анҳу) бомдод намозидан кейин хизматкорига сув олиб келишни буюрган ва таҳоратни мукаммал суратда кўрсатган. Таҳорат қилиб бўлгач, қўлига сув олиб ичган ва: “Мана шу Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳоратлари. Ким Аллоҳнинг Пайғамбари таҳоратлари қандайлигини билмоқчи бўлса, мана шу у зотнинг таҳоратлари!” деган.

Рўза тутмаганларнинг яхшилаб мазмаза ва истиншоқ қилиши.

Яъни, оғиз чайишда сув томоққача етказилади, истиншоқда бурун ачишгунча сув олинади. Аммо рўзадор кишининг рўзаси очилиб кетиши эҳтимоли бўлгани боис унга бундай қилиш макруҳдир. Рўзадор киши мазмаза ва истиншоқни эҳтиёткорлик билан қилади.

١٥٢ - عَنْ لَقِيطِ بْنِ صَبْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قُلْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ أَخْبِرْنِي عَنِ الْوُضُوءِ قَالَ: أَسْبَغَ الْوُضُوءَ وَخَلَّلَ بَيْنَ الْأَصَابِعِ وَبَالَغَ فِي الْإِسْتِنْشَاقِ إِلَّا أَنْ تَكُونَ صَائِمًا. (رَوَاهُ أَصْحَابُ السُّنَنِ وَالشَّافِعِيُّ وَأَحْمَدُ وَابْنُ خُرَيْمَةَ وَابْنُ حَبَّانَ وَالْحَاكِمُ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

152 – Лақийт ибн Сабра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: «Мен: “Ё Расулаллоҳ, менга таҳорат ҳақида таълим беринг”, дедим. У зот: “Таҳоратни мукаммал қил, панжалар орасини хилол қил ва агар рўзадор бўлмасанг, яхшилаб истиншоқ қил”, дедилар» (*Сунан соҳиблари, Шофиъий, Аҳмад, Ибн Хузайма, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривояти. Ривоят санади саҳиҳ*).

Лақийт ибн Сабра (розияллоху анху) Расулуллоҳдан (соллаллоху алайҳи ва саллам) қандай қилиб таҳоратни мукамал бажариш ҳақида сўраганида, у зот: “Таҳоратнинг фарз ва суннатларини тўлиқ адо қил, жумладан, қўл ва оёқларинг панжалари орасини ишқалаб юв, агар рўзадор бўлмасанг, бурнинг ичига яхшилаб сув олиб, сўнг чиқариб ташла” деб таълим бердилар.

Уламолар рўзадор оғиз ва бурунни ювишда чегарадан чиқиши макрух, деган. Сабаби бу иккиси рўзани очиб юбориши мумкин. Рўза тутмаган вақтида хоҳлаганча ювиши мумкин.

Агар банданинг ўзи сабабчи бўлиб, сув димоғигача борса, рўза очилади. Хато қилиб, мазмаза ва истиншоқда ичига сув кетган киши ҳақида ихтилоф қилинган. Ҳанафий мазҳаби уламолари, Молик ва Шофиъий бундай ҳолда рўза бузилишини айтган. Аҳмад ибн Ҳанбал, Исҳоқ, Авзойи ва Шофиъийнинг шогирдлари бу ҳолатда рўза бузилмаслиги, сабаби бунда банда худди унутган киши каби эканини айтган.

Таҳоратда тартибга риоя қилиш.

Бунда Қуръони каримда келган тартибга амал қилиш назарда тутилади. Яъни, аввал юз, кейин икки қўл ошиғи билан қўшиб ювилади. Бошга масҳ тортилгандан сўнг икки оёқ тўпиғи билан қўшиб ювилади. Оятда зикр қилинмаган, аммо таҳоратнинг суннати ҳисобланувчи амалларда ҳам тартибга риоя этиш яхши.

Ҳанафийлар таҳоратда аъзоларни тартиб билан ювиш суннат эканини айтган⁷². Шофиъий наздида бу фарз саналади⁷³.

۱۵۳ - عَنْ عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَجُلًا تَوَضَّأَ فَتَرَكَ مَوْضِعَ ظِفْرِ

⁷² Ҳанафий ва моликийларга кўра, таҳоратда тартиб фарз эмас, суннати муаккададир.

⁷³ Таҳорат оятидаги “вав” ҳарфини ҳанафийлар, моликийлар мутлақ жам (кўплик) сифатида олган. Агар тартибни англатганида, “фа” ёки “сумма” билан ифодаланган бўларди. Ибн Масъуд Косоний “Бадоиъ” китобида: “Таҳоратга буюришдан мурод, аъзоларни поклаш. Поклик эса тартибга боғлиқ эмас”, деган. Яъни, оятда келган тартибга риоя қилмасдан ҳам аъзоларни покласа бўлади, демоқчи. Имом Шофиъий эса бу ҳарф тартибни англатишини айтган.

عَلَى قَدَمِهِ فَأَبْصَرَهُ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: ارْجِعْ فَأَحْسِنْ وُضُوءَكَ
فَرَجَعَ ثُمَّ صَلَّى. (رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَأَحْمَدُ وَالطَّبْرَانِيُّ فِي الْكَبِيرِ وَالْبَيْهَقِيُّ
فِي السُّنَنِ الْكُبْرَى.)

153 – Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анҳу) ривоят қилишича, бир киши таҳорат қилиб оёғида тирноқча жойни (ювмай) қолдирди. Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уни кўриб қолиб: “Қайтиб боргин-да, таҳоратингни яхшилаб қил!” дедилар. Бас, у (бориб таҳоратини мукаммал қилиб), қайтиб келди, сўнгра намоз ўқиди (*Муслим, Абу Довуд, Аҳмад, Табароний “Кабир”да ва Байҳақий “Ас-сунанул кубро”да ривоят қилган*).

Ушбу ривоятда Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳоратни чала қилган кишига айтган сўзлари уламолар томонидан турлича талқин қилинган. Жумладан:

1. Қайтиб боргинда, ўша чала ювган оёғингни яхшилаб покла;
2. Қайтиб боргин-да, таҳоратни бошидан мукаммал адо эт.

Шу сабаб бу ривоятни баъзилар таҳоратда тартиб ёки кетма-кетлик вожиб эмаслигига, яна бошқа тоифалар эса, аксинча, таҳоратда аъзоларни кетма-кет ювиш лозимлигига далил қилиб келтиради.

Бу ривоятда биз алоҳида эътибор қаратишимиз лозим бўлган жиҳатлар бор. Жумладан:

1. Ким таҳоратда ювилиши лозим бўлган аъзолардан бирини чала ювса ёки тирноқча жой ювилмай қолса, таҳорат ўрнига ўтмаслиги;
2. Билмайдиганларга мулойимлик билан таълим бериш кераклиги;
3. Таҳоратда оёқни ювиш лозимлиги. Унга масҳ тортиш кифоя қилмаслиги;
4. Бирон кишининг хатосини кўрганда, уни ўзига айтиб, тўғрилаш кераклиги;
5. Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобаларига ўта эътиборли бўлганлари.

Кудурий ният, тартиб ва аъзоларни мукаммал ювишни таҳорат мустаҳаблари қаторида санаган. Лекин аксарият ҳанафийлар тартиб таҳорат суннатларидан бири эканини айтган.

۱۵۴ – عَنْ جَابِرِ بْنِ سَيْلَانَ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ أَنَّ رَجُلًا جَاءَ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَسَأَلَهُ عَنِ الرَّجُلِ يَغْتَسِلُ مِنَ الْجَنَابَةِ فَيُحْطِئُ بَعْضَ جَسَدِهِ الْمَاءَ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: يَغْسِلُ ذَلِكَ الْمَكَانَ ثُمَّ يُصَلِّي. (رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ فِي السُّنَنِ الْكُبْرَى وَالطَّبْرَانِيُّ فِي الْكَبِيرِ وَرَجَّاهُ مُؤْتَقُونَ.)

154 – Жобир ибн Сийлон Абдуллоҳ ибн Масъуддан ривоят қилишича, бир киши Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига келиб, жунублиқдан ғусл қилаётиб, танасининг баъзи жойларига сув текказмаган киши ҳақида сўради. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ана ўша жойни ювади ва намоз ўқийди”, деб жавоб бердилар (*Байҳақий “Ас-сунанул кубро”да ва Табароний “Кабир”да ишончли ровийлардан ривоят қилган*).

Ривоятда ғусл қилаётиб танасининг баъзи қисмига сув тегмай қолган киши ғуслдан кейин ўша ювилмай қолган жойнинг ўзини ювиб, намоз ўқиши мумкин экани айтилмоқда. Бу билан ғусл ва таҳоратда покланиш учун тартибга риоя қилиш шарт эмаслиги маълум бўлади. Агар тартиб шарт бўлганида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўша кишини қайта ғусл қилишга буюрган бўлардилар.

۱۵۵ – وَعَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو بْنِ هِنْدٍ قَالَ: قَالَ عَلِيُّ: مَا أَبَالِي إِذَا أْتَمَمْتُ وُضُوءِي بِأَيِّ أَعْضَائِي بَدَأْتُ. (رَوَاهُ الدَّارَقُطْنِيُّ.)

155 – Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ҳинд ривоят қилинади: “Али: “Агар таҳоратимни мукаммал қилсам, қайси аъзоимни ювишдан бошлашимга парво қилмайман”, деган” (*Дорақутний ривояти*).

Ушбу ривоятда таҳорат мукаммал қилинса, унда тартиб ёки ўнг томондан бошлаб ювиш шарт эмаслиги ай-

тилмоқда. Муҳими поклик. Бироқ, ҳам аъзоларини тўлиқ покласа, ҳам тартиб ва ўнг томондан бошлаб ювишга эътибор берса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Таҳорат аъзоларини кетма-кет ювиш.

Ҳанафий уламолар таҳоратда аъзоларни кетма-кет ювишни суннат дейишган⁷⁴.

Таҳоратни бошлагандан сўнг орага бошқа иш қўшмасдан пайдар-пай бажариш ҳам суннат амаллардандир. Агар қўлларни тирсаккача ювиб, орада бирон иш қилгунча қўллардаги намлик қуриб қоладиган бўлса, таҳорат кетма-кет амалга оширилмаган бўлади. Аммо кун иссиқ ёки шамол эсиб турган бўлса, кетма-кет ювса ҳам аъзолари тез қуриб қолиши мумкин. Бунда мўътадил ҳаво эътиборга олинади.

Таҳоратда аъзоларни кетма-кет ювиш суннат эканлигига мана бу ривоят далил бўлади.

۱۵۶ – عَنْ نَافِعٍ أَنَّ عَبْدَ اللَّهِ بْنَ عُمَرَ بَالَ فِي السُّوقِ ثُمَّ تَوَضَّأَ فَغَسَلَ وَجْهَهُ وَيَدَيْهِ وَمَسَحَ رَأْسَهُ ثُمَّ دُعِيَ لِحَنَازَةٍ لِيُصَلِّيَ عَلَيْهَا حِينَ دَخَلَ الْمَسْجِدَ فَمَسَحَ عَلَى خُفَيْهِ ثُمَّ صَلَّى عَلَيْهَا. (رَوَاهُ مَالِكٌ وَالشَّافِعِيُّ.)

156 – Нофеъ ривоят қилишича, Абдуллоҳ ибн Умар бозорда бавл қилиб, сўнгра таҳорат олди – юз-қўлини ювиб, бошига масҳ тортди. Масжидга кирганида жаноза намози ўқиб бериши учун чақирилди. У маҳсига масҳ тортди ва (жаноза) намозини ўқиди (*Молик ва Шофиъий ривояти*).

Ушбу ривоятда Абдуллоҳ ибн Умар (розияллоҳу анху) бозорда таҳорат қилгани, аммо таҳоратни охиригача тугатмагани, у ерда фақат юз ва қўлини ювиб, бошига масҳ тортгани, кейин масжидга қириб, маҳсига масҳ тортгани айтилмоқда.

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) суннатларига энг кўп ва мукамал суратда амал қилган саҳоба Аб-

⁷⁴ Ҳанафий ва шофиъийлар наздида, таҳоратда кетма-кетлик вожиб эмас, суннатдир. Уларга кўра, таҳоратда аъзоларни ювиш ораси озроқ чўзилса, зарари йўқ. Сабаби бундан сақланиш қийин. Агар кўп муддат, бир аъзо ювилгандан сўнг қуриб қолгунича ораси узилса ҳам жоиз. Таҳорат ибодат бўлиб, орани узиш билан ботил бўлиб қолмайди.

Моликий ва ҳанбалийларга кўра, таҳоратда кетма-кетлик фарз.

дуллоҳ ибн Умарнинг бу иши таҳоратда аъзоларни кетма-кет ювиш вожиб эмаслигига далолат қилади⁷⁵.

Аллоҳ таоло таҳоратда аъзоларни поклашни амр қилган. Ким ўша аъзоларини ювса, Аллоҳ амрини бажарган бўлади. Бунда у таҳоратни кетма-кет бажарадимиди ёки орасини узадими, фарқи йўқ. Баъзилар бир аъзони ювгунча бошида ювган аъзоси қуриб қолса, таҳоратни қайта бошидан қилишини айтади. Аммо аъзоларни қуриб қолиши таҳоратни кетказмайди. Демак, бунда аъзоларни тўлиқ ювишга, чала бўлиб қолмаслигига эътиборни қаратиш керак. Албатта, таҳоратда тартиб ва кетма-кетликка амал қилиш таҳоратнинг мукамал бажарилишига хизмат қилади. Лекин бу нарсани шарт деб қабул қилиш керак эмас. Шунини ҳам таъкидлаш лозим, таҳоратни узрсиз ҳолда бўлиб-бўлиб қилиш макруҳ.

Аъзоларни уч мартадан ювиш.

Таҳоратда аъзоларни бир марта ювиш фарз, икки ёки уч марта ювиш суннатдир. Ювишнинг энг кам миқдори бир марта бўлиб, агар тўлиқ бир бор ювилмаса, таҳорат дуруст бўлмайди. Уч мартадан кўп ювилса, сув исроф қилинган бўлади. Шу сабаб таҳоратда аъзоларни икки ёки уч мартадан ювиш афзал саналади.

۱۵۷ – عَنْ عَمْرٍو بْنِ شُعَيْبٍ عَنْ أَبِيهِ عَنْ جَدِّهِ قَالَ: جَاءَ أَعْرَابِيٌّ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَسْأَلُهُ عَنِ الْوُضُوءِ فَأَرَاهُ الْوُضُوءَ ثَلَاثًا ثَلَاثًا ثُمَّ قَالَ: هَكَذَا الْوُضُوءُ فَمَنْ زَادَ عَلَى هَذَا فَقَدْ أَسَاءَ وَتَعَدَّى وَظَلَمَ. (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالنَّسَائِيُّ وَابْنُ مَاجَهَ وَأَحْمَدُ وَابْنُ خُزَيْمَةَ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ صَحِيحٌ وَفِي رِوَايَةِ أَبِي دَاوُدَ قَالَ: فَمَنْ زَادَ عَلَى هَذَا أَوْ نَقَصَ فَقَدْ أَسَاءَ وَظَلَمَ أَوْ ظَلَمَ وَأَسَاءَ.)

⁷⁵ Имом Молик бу ривоятни ўзи келтирган бўлса ҳам, аммо уни далил сифатида олмаган, балки Ибн Умар бу ишни атайлаб қилган, деган фикрни билдирган. Моликий уламолардан баъзилари бу ривоятни шарҳлаб, “балки Ибн Умар бу ҳолатда оёғига масҳ тортишни ёдидан чиқариб, кечиктиргандир, балки таҳорат орасини бўлиб амалга ошириш жоизлигини билдирмоқчи бўлгандир, ё бўлмаса, бозорда суви қолмагани учун масжидга киргандир”, дейишган.

157 – Амр ибн Шуъайб отасидан, отаси бобосидан ривоят қилади: “Бир аъробий Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига келиб, таҳорат ҳақида савол берди. У зот унга таҳоратни уч марта-уч мартадан (қилиб) кўрсатдилар ва сўнгра: “Таҳорат мана шундай (қилинади). Ким бундан оширса, аниқ, ёмон қилибди, ҳаддидан ошибди ва зулм қилибди”, дедилар” (*Абу Довуд, Насоий, Ибн Можа, Аҳмад, Ибн Ҳузайма ривояти. Ривоят санади ҳасан-саҳиҳ. Абу Довуд келтирган ривоятда: “Ким бундан оширса ёки камайтирса, аниқ, ёмон қилибди ва зулм қилибди ёки зулм қилибди ва ёмон қилибди”, дейилган).*

Ушбу ривоятда ўқиш-ёзишни билмайдиган сахролик одам Набийдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳорат қандай қилинишини сўрагани, у зот унга аъзоларни уч мартадан ювиб таҳоратни ўргатганлари баён қилинмоқда.

Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳорат қилиб бўлгач, “ким бундан оширса, аниқ, ёмон қилибди, ҳаддидан ошибди ва зулм қилибди”, дедилар.

Демак, таҳоратда аъзоларни уч мартадан ювиш яхши, аммо бу миқдордан оширган одам шариат чегарасидан чиққан, ёмон иш қилган бўлади. Сабаби уч марта ювганда аъзолар тўлиқ покланади. Тоза аъзони яна ювиб, сув ва вақтни исроф қилиш яхши эмас.

Абу Довуд томонидан келтирилган ривоятда: “Ким бундан оширса ёки камайтирса, аниқ, ёмон қилибди ва зулм қилибди ёки зулм қилибди ва ёмон қилибди”, дейилган.

Уламолар ривоятдаги “ёки камайтирса...” жумласини “Таҳоратда аъзоларни узрсиз ҳолда уч мартадан кам ювиш суннатга хилоф. Бунда банда савобни тўлиқ олмасдан нафсига зулм қилган бўлади”, деб изоҳлашган.

Лекин ҳадис матнидаги “ёки камайтирса...” жумласи “таҳоратни чала қилиш” маъносини англатиши эҳтимолдан холи эмас. Сабаби бошқа ривоятларда аъзоларни бир ёки икки марта ювиш ҳам жоизлиги айtilган. Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) юқоридаги ҳадисларини Муттолиб ибн Ҳантобдан Нуайм ибн Ҳаммо

ибн Муовия марфуъ тарзда (санади Русулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) етказилиб) келтирган ривоят шарҳлайди. Ўша ривоятда: “Таҳорат бир марта-бир марта ёки уч мартадан (қилинади). Ким бир мартадан камай-тирса ёки уч мартадан кўпайтирса, аниқ, хато қилибди”, дейилган. Ушбу ривоят ровийлари ишончли.

Агар қалбида шубҳа уйғонганида хотиржам бўлиш ёки бошқа таҳорат олиш ниятида аъзоларни уч мартадан кўп ювса, зарари йўқ⁷⁶.

١٥٨ - وَعَنْ أَبِي بِنِ كَعْبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ دَعَا بِمَاءٍ فَتَوَضَّأَ مَرَّةً مَرَّةً فَقَالَ: هَذَا وَظِيفَةُ الْوُضُوءِ أَوْ قَالَ: وَضُوءٌ مَنْ لَمْ يَتَوَضَّأْهُ لَمْ يَقْبَلِ اللَّهُ لَهُ صَلَاةً ثُمَّ تَوَضَّأَ مَرَّتَيْنِ مَرَّتَيْنِ ثُمَّ قَالَ: هَذَا وَضُوءٌ مَنْ تَوَضَّأَهُ أَعْطَاهُ اللَّهُ كَفْلَيْنِ مِنَ الْأَجْرِ ثُمَّ تَوَضَّأَ ثَلَاثًا ثَلَاثًا فَقَالَ: هَذَا وَضُوءِي وَوُضُوءُ الْمُرْسَلِينَ مِنْ قَبْلِي. (رَوَاهُ ابْنُ مَاجَهَ وَالْحَاكِمُ وَالِدَّارِقُطْنِيُّ وَأَبُو يَعْلَى وَسَنَدُهُ ضَعِيفٌ.)

158 – Убай ибн Каъб (розияллоҳу анху) ривоят қилишчи, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сув олиб келишни амр қилдилар ва (аъзоларни) бир мартадан (ювиб,) таҳорат қилдилар, сўнгра: “Бу таҳоратнинг шарти ёки ким бундай таҳорат қилмаса, Аллоҳ унинг намозини қабул қилмайди”, дедилар. Сўнгра икки мартадан (ювиб) таҳорат қилдилар ва: “Ким шундай таҳорат қилса, Аллоҳ унга икки баробар кўп ажр беради”, дедилар. Кейин уч мартадан (ювиб) таҳорат қилдилар ва: “Мана шу менинг ва мендан олдин ўтган пайғамбарлар таҳоратидир”, дедилар (*Ибн Можжа, Ҳоким, Дорақутний ва Абу Яъло ривояти. Ривоят санади заиф*).

Таҳоратда аъзоларни камида бир марта ювиш лозим. Бу таҳоратнинг фарзи ва асосидир. Агар бир марта тўлиқ ювилмаса, таҳорат тўғри бажарилмаган бўлади. Аъзоларни икки мартадан ювиш билан банда икки баробар кўп са-

⁷⁶ “Ан-нихая”, “Ас-сирожул ваҳҳаж”.

вобга эришади. Таҳоратда аъзоларни уч мартадан ювиш эса Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ва аввал ўтган пайғамбарлар суннатидир.

Таҳоратда аъзоларни бир ёки икки мартадан ювиш жоизлиги ҳақида саҳиҳ ривоятлар бор.

۱۵۹ – وَعَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: تَوَضَّأَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَرَّةً مَرَّةً. (رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَأَصْحَابُ السُّنَنِ وَالِدَّارِمِيُّ وَابْنُ حُرَيْمَةَ وَالْحَاكِمُ.)

159 – Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) (аъзоларини) бир мартадан (ювиб) таҳорат қилдилар” (*Бухорий, Сунан соҳиблари, Доримий, Ибн Хузайма ва Ҳоким ривояти*).

Одатда, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) аъзоларни уч мартадан ювардилар. Аммо баъзи ҳолларда у зот бир мартадан ювиб таҳорат қилганлар. Далилларни ўрганиб чиқар эканмиз, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қуйидаги сабабларга кўра таҳоратда аъзоларни бир мартадан ювганлари маълум бўлади:

1. Бу иш жоиз эканини билдириш мақсадида шундай қилганлар;

2. Вақт зиқ ёки шароит ноқулайлиги учун бир мартадан ювганлар.

Бунга қуйидаги ривоят далил бўлади. Ҳазрат Умар (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Табук ғазоти куни Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) (аъзоларини) бир мартадан (ювиб) таҳорат қилганларини кўрдим” (*Ибн Можа ривояти. Ривоят санади ҳасан*).

Агар сув камлиги, ҳаво совуқлиги ёки бирон узр туфайли аъзоларни бир мартадан ювса, ҳечқиси йўқ. Узрсиз бундай қилган суннатни тарк этган бўлади⁷⁷.

۱۶۰ – وَعَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ زَيْدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ

⁷⁷ “Миърожуд дироя”.

تَوَضَّأَ مَرَّتَيْنِ مَرَّتَيْنِ. (رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَأَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَأَحْمَدُ وَابْنُ خُرَيْمَةَ وَابْنُ حَبَّانَ وَالْحَاكِمُ وَالِدَارَقُطْنِيُّ).

160 – Абдуллоҳ ибн Зайд (розияллоҳу анҳу) ривоят қилишича, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) (аъзоларини) икки мартадан (ювиб) таҳорат қилганлар (*Бухорий, Абу Довуд, Термизий, Аҳмад, Ибн Хузайма, Ибн Ҳиббон, Ҳоким ва Дорақутний ривояти*).

Эътибор берадиган бўлсак, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) аъзоларини бир ёки икки марта ювганлари ҳақидаги ривоятларда феъл ўтган замонда “ювдилар” деб келтирилмоқда. Бу каби ривоятлар кўп эмас. Шундан хулоса қилиш мумкин, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳоратда аъзоларини уч мартадан ювиш шарт эмаслиги, балки икки, ҳатто бир мартадан ҳам ювиш жозизлигини билдириш учун шундай қилганлар. Агар бу нарсани баён қилмаганларида уммат учун машаққат туғилар, уч марта ювиш фарз бўлиб қолиши мумкин эди.

Лекин, уч марта ювиш энг афзали. Вақт ва шароит бўлса, аъзоларни уч мартадан ювиб, таҳоратни мукамал қилганга етмайди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) аксарият ҳолларда шундай қилганлар.

١٦١ – وَعَنْ عَلِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تَوَضَّأَ ثَلَاثًا ثَلَاثًا. (رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَابْنُ مَاجَهَ وَأَحْمَدُ وَأَبُو يَعْلَى وَالطَّبْرَانِيُّ فِي الْكَبِيرِ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ).

161 – Али (розияллоҳу анҳу) ривоят қилишича, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) (аъзоларини) уч мартадан (ювиб) таҳорат қилганлар (*Термизий, Ибн Можа, Аҳмад, Абу Яъло, Табароний “Кабир”да ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ*).

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳоратда аъзоларини уч мартадан ювганлари ҳақида ҳазрат Усмон, Рубаййиъ, Ибн Умар, Ойша, Абу Умома, Абу Рофеъ, Абдул-

лоҳ ибн Амр, Муовия, Абу Ҳурайра, Жобир, Абдуллоҳ ибн Зайд ва Абу Зарр (розияллоҳу анҳум) ҳам ривоят қилган.

Аъзоларни ҳар сафар ювганда ювилиши лозим бўлган аъзонинг ҳамма жойига сув тегиши керак. Агар бир марта ювгандан кейин қуруқ жой қолса, иккинчи марта сув олиб, қолган жойга сув етказса, учинчи марта ҳам бошқа қуруқ жой ювилса, бу аъзони уч марта ювиш ҳисобланмайди. Балки неча марта сув олса ҳам, бир аъзони тўлиқ ювмагунича бир марта ювган саналади.

۱۶۲ – وَعَنْ أَبِي إِسْحَقَ عَنْ أَبِي حَيَّةَ قَالَ: رَأَيْتُ عَلِيًّا رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ تَوَضَّأَ فَذَكَرَ وُضُوئَهُ كُلَّهُ ثَلَاثًا ثَلَاثًا قَالَ: ثُمَّ مَسَحَ رَأْسَهُ ثُمَّ غَسَلَ رِجْلَيْهِ إِلَى الْكَعْبَيْنِ ثُمَّ قَالَ: إِنَّمَا أَحْبَبْتُ أَنْ أُرِيكُمْ تُطَهَّرُونَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ. (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

162 – Абу Исҳоқ Абу Ҳайядан ривоят қилишича, у: “Мен Али (розияллоҳу анҳу) таҳорат қилаётганини кўрдим”, деб, таҳоратда аъзоларни уч мартадан ювганини зикр қилди. “Сўнгра (Али) бошига масҳ тортди ва оёғини тўпиғигача ювди. Кейин: “Мен сизларга Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳоратларини кўрсатмоқчи эдим”, деди” (Абу Довуд ривояти. Ривоят санади саҳиҳ).

Али (розияллоҳу анҳу) кўп марта турли жойларда одамларга Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қандай таҳорат қилишларини кўрсатган. Бу ривоятда у таҳорат қилаётиб, аъзоларини уч мартадан ювгани, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шундай таҳорат қилганлари айтилмоқда.

Таҳоратда баъзи аъзоларни икки марта, баъзиларини уч марта ювиш ҳам мумкин.

۱۶۳ – وَعَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ زَيْدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تَوَضَّأَ فَغَسَلَ وَجْهَهُ ثَلَاثًا وَغَسَلَ يَدَيْهِ مَرَّتَيْنِ مَرَّتَيْنِ وَمَسَحَ بِرَأْسِهِ وَغَسَلَ رِجْلَيْهِ مَرَّتَيْنِ. (رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَابْنُ خُرَيْمَةَ وَالِدَّارِقُطْنِيُّ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ صَحِيحٌ.)

163 – Абдуллоҳ ибн Зайд (розиаллоҳу анҳу) ривоят қилишича, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳоратда юзларини уч марта ва қўлларини икки марта ювдилар, бошларига масҳ тортдилар ва кейин оёқларини икки марта ювдилар (*Термизий, Ибн Хузайма ва Дорақутний ривояти. Ривоят санади ҳасан-саҳиҳ*).

Ушбу ривоятда айтилишича, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир сафар таҳорат қилганларида юзларини уч марта, қўл ва оёқларини икки мартадан ювганлар ва бошларига бир марта масҳ тортганлар. Демак, таҳоратда бир аъзони неча марта ювса, қолганларини ҳам ўша миқдорда ювиш шарт эмас экан. Уламолар шундан келиб чиқиб, таҳоратда бир аъзони уч марта, бошқасини икки, ҳатто бир марта ювиш жоиз эканини айтган.

Қўлларни ювишни бармоқ учларидан бошлаш.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳорат қилаётганларида қўлларини бармоқлар учидан бошлаб ювар эдилар. Биз ҳам у зотга эргашишимиз лозим.

Бармоқлар орасини хилол қилиш.

Бармоқлар орасини хилол қилиш бармоқларни бир-бирининг орасига киргазиб, сув билан у ердаги кирларни кетказишдир⁷⁸.

۱۶۴ – عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: إِذَا تَوَضَّأْتَ فَخَلَّلْ بَيْنَ أَصَابِعِ يَدَيْكَ وَرِجْلَيْكَ. (رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَابْنُ مَاجَهَ وَأَحْمَدُ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ صَحِيحٌ).

164 – Ибн Аббос (розиаллоҳу анҳу) ривоят қилишича, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Агар таҳорат қилсанг, икки қўл ва оёғинг бармоқлари орасини хилол қилгин!” деганлар (*Термизий, Ибн Можа ва Аҳмад ривояти. Ривоят санади ҳасан-саҳиҳ*).

Бу ривоятда қўл ва оёқ бармоқлари орасини қўл панжаси билан яхшилаб тозалаш лозимлиги айтилмоқда. Баъзилар ушбу ривоятга асосланиб, бармоқлар орасини

⁷⁸ Моликийлар наздида, қўл бармоқлари орасини хилол қилиш вожиб, оёқ бармоқлари орасини хилол қилиш эса мандубдир.

хилол қилиш вожиб, деган. Бармоқлар орасига сув тегмай қолса, таҳорат тўғри бўлмайди. Оқибатда намоз каби улуғ ибодат таҳоратсиз ўқилган бўлади. Шу сабаб бу ишга алоҳида эътибор бериш лозим.

Осим ибн Лақийт отаси Лақийт ибн Сабрадан (розияллоҳу анху) ривоят қилади: “Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Агар таҳорат қилсанг, бармоқлар орасини хилол қил!” деб айтганлар” (*Термизий ва Аҳмад ривояти. Ривоят санади саҳиҳ*).

۱۶۵ – وَعَنْ الْمُسْتَوْرِدِ بْنِ شَدَّادِ الْفَهْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: رَأَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا تَوَضَّأَ ذَلِكَ أَصَابَعَ رَجُلَيْهِ بِخَنْصَرِهِ. (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَأَحْمَدُ وَالتَّبْرَانِيُّ فِي الْكَبِيرِ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

165 – Муставрид ибн Шаддод Фихрий (розияллоҳу анху) ривоят қилади: “Мен Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳорат қилаётганларида жимжилоқлари билан оёқ бармоқлари орасини хилол қилаётганларини кўрганман” (*Абу Довуд, Термизий, Аҳмад, Табароний “Кабир”да ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ*).

Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳоратни мукаммал қилар, жумладан, оёқ бармоқлари орасини чап қўллари жимжилоғи билан ишқалаб ювардилар. Биз ҳам у зотга эргашиб шундай қилишимиз керак.

Бошнинг ҳаммасига масҳ тортиш.

Ўқувчиларимиз орасида “бошга масҳ тортиш таҳоратнинг фарзи эди. Нима сабаб у таҳоратнинг суннатлари қаторида ҳам зикр қилинмоқда”, деган ҳақли савол туғилиши мумкин. Жавоб шуки, бошнинг тўртдан бир қисмига масҳ тортиш фарз, бошнинг ҳаммасига масҳ тортиш эса суннатдир. Таҳоратнинг фарзларида бошнинг тўртдан бир қисмига масҳ тортиш лозимлиги, бусиз таҳорат тўғри бўлмаслиги айтилса, таҳорат суннатларида бошнинг ҳамма ерига масҳ тортиш таҳоратнинг мукаммал бўлишига сабаб экани зикр қилинади.

Ҳанафий мазҳабига кўра, бошга бир марта масҳ тортилади. Уч марта масҳ тортиш макруҳ⁷⁹. Ибн Масъуд Косоний “Бадоиъус саноиъ” китобида: “Ювиладиган аъзоларни уч мартадан ювиш фойдадан холи эмас. Сабаби бир марта ювиш билан мақсад ҳосил бўлмайди. Уч марта ювилса, поклик янада зиёда бўлади. Аммо масҳда бундай эмас, у бир марта тортиш билан ҳам ҳосил бўлади”, деган.

۱۶۶ – عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ أَبِي لَيْلَى قَالَ: رَأَيْتُ عَلِيًّا رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ تَوَضَّأَ فَغَسَلَ وَجْهَهُ ثَلَاثًا وَغَسَلَ ذِرَاعَيْهِ ثَلَاثًا وَمَسَحَ بِرَأْسِهِ وَاحِدَةً ثُمَّ قَالَ: هَكَذَا تَوَضَّأَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ. (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

166 – Абдурахмон ибн Абу Лайло ривоят қилади: “Мен Али (розияллоҳу анҳу) таҳорат қилаётиб юзини уч марта, икки қўлини уч марта ювгани ва бошига бир марта масҳ тортиб, сўнгра: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мана шундай таҳорат қилганлар”, деб айтганини биламан” (Абу Довуд ривояти. Ривоят санади саҳиҳ).

Ушбу ривоятда таҳоратда бошга бир марта масҳ тортилиши айтилмоқда⁸⁰. Бу нарса бошқа ривоятларда ҳам таъкидланган.

۱۶۷ – وَعَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ زَيْدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ رَأَى النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تَوَضَّأَ وَأَنَّهُ مَسَحَ رَأْسَهُ بِمَاءٍ غَيْرِ فَضْلِ يَدَيْهِ. (رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَالِدَارِمِيُّ وَأَحْمَدُ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

167 – Абдуллоҳ ибн Зайд (розияллоҳу анҳу) ривоят қилишича, у Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳорат қилаётганларида қўллари юиб бўлгач, янги сув олиб бошларига масҳ тортганларини кўрган (Термизий, Доримий ва Аҳмад ривояти. Ривоят санади саҳиҳ).

⁷⁹ Имом Шофийий бошга уч марта масҳ тортиш суннат эканини айтган. Ҳанафий олимлар эса қўлни бир марта ҳўллаб, ўша нам қўл билан бошга масҳ тортиш жоизлигини айтган.

⁸⁰ Моликий ва ҳанбалийлар бошга тўлиқ масҳ тортишни вожиб, дейишган.

Демак, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бошларига масҳ тортиш учун қўлларини ҳўллаганлар. Қўлларини ювган сувдан қолгани билан бошларига масҳ тортмаганлар. Пайғамбарнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу ишлари бошқа ривоятда аниқроқ келтирилган. Абдуллоҳ ибн Зайд ибн Осим Мозиний ривоят қилишича, у Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳорат қилганларини кўрган. Ўшанда у зот мазмаза ва истиншоқ қилиб, сўнг юзларини уч марта, ўнг ва чап қўлларини уч мартадан ювганлар, янги сув билан бошларига масҳ тортганлар ва оёқларини тозалаб ювганлар. (*Муслим, Абу Довуд, Доримий, Аҳмад ва Ибн Хузайма ривояти*).

١٦٨ - وَعَنْ الرَّبِيعِ بْنِ مُعَوِّذِ بْنِ عَفْرَاءَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تَوَضَّأَ فَأَخَذَ لِرَأْسِهِ مَاءً جَدِيدًا أَذْبَرَ بِيَدَيْهِ وَأَقْبَلَ بِهِمَا. (رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ فِي الْكَبِيرِ).

168 – Рубайийи бинти Муъаввиз ибн Афроъ (розияллоҳу анҳо) ривоят қилади: “Мен Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳорат қилганларини кўрдим. У зот бошларига янги сув олиб, қўлларини (бошнинг олди томонидан) орқасига қараб, кейин (орқасидан) олдига (қайтариб) юргиздилар. (*Табароний “Кабир”да ривоят қилган*).

Қўлни ювгандан қолган сув билан бошга масҳ тортиш мумкин эмас. Сабаби қўлни ювиш фарз, бошга масҳ тортиш ҳам фарз. Қўлни ювгандан сўнг унда қолган сув ишлатилган ҳисобланади. Ишлатилган сув билан бошга масҳ тортиш мумкин эмас. Бунга аҳамият бериш лозим.

١٦٩ - وَعَنْ الْمُقَدَّامِ بْنِ مَعْدِيكَرَبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تَوَضَّأَ فَلَمَّا بَلَغَ مَسْحَ رَأْسِهِ وَضَعَ كَفَّيْهِ عَلَى مُقَدِّمِ رَأْسِهِ فَأَمَرَهُمَا حَتَّى بَلَغَ الثَّفَا ثُمَّ رَدَّهُمَا إِلَى الْمَكَانِ الَّذِي بَدَأَ مِنْهُ. (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالْبَيْهَقِيُّ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ).

169 – Миқдом ибн Маъдикариб (розияллоҳу анху) ривоят қилади: “Мен Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳорат қилаётиб бошга масҳ тортишга келганларида, икки кафтларини пешоналарига қўйиб, гарданларига-ча юргизиб, сўнг икки кафтларини яна (масҳ тортишни) бошлаган жойларига-ча (яъни, пешонагача) қайтарганларини кўрганман” (*Абу Довуд ва Байҳақий ривояти. Ривоят санади саҳиҳ*).

Бу ривоятда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бошларига қандай масҳ тортганлари айтилмоқда. Бу ерда бошга тўлиқ масҳ тортиш таърифланган. Демак, бошга тўлиқ масҳ тортиш учун аввал қўлларни хўллаб, сўнг икки кафтни очиб, бош олд қисмининг соч чиққан жойига қўйилади. Сўнг қўллар бош устидан юргизилиб, гардангача олиб борилади. Кейин яна масҳ тортишни бошлаган жойгача кафт юргизиб борилади. Шундан сўнг икки қулоқ ичи ва ташқарисига масҳ тортилади.

Ҳанафийлар наздида, бошга бир марта тўлиқ масҳ тортиш суннат⁸¹.

۱۷۰ – وَعَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ زَيْدِ الْمَازِنِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: مَسَحَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَأْسَهُ فِي وُضُوئِهِ مِنْ نَاصِيَّتِهِ إِلَى قَفَاهُ ثُمَّ رَدَّ يَدَيْهِ إِلَى نَاصِيَّتِهِ وَمَسَحَ رَأْسَهُ كُلَّهُ. (رَوَاهُ ابْنُ خُزَيْمَةَ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ).

170 – Абдуллоҳ ибн Зайд Мозиний ривоят қилади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳоратда бошга масҳ тортишни пешонадан бошлаб, бўйинларига-ча олиб бордилар ва кейин икки кафтларини яна пешоналарига-ча қайтариб олиб келдилар. У зот бошларининг ҳамма қисмига масҳ тортдилар” (*Ибн Хузайма ривояти. Ривоят санади саҳиҳ*).

Мана бу ривоятда ҳам Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бошларига бир марта тўлиқ масҳ тортганлари билдирилган.

⁸¹ Бу иш моликиларга кўра, фарз саналади.

۱۷۱ – وَعَنْ الرَّبِيعِ بِنْتِ مُعَوِّذِ ابْنِ عَفْرَاءَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تَوَضَّأَ عِنْدَهَا فَمَسَحَ الرَّأْسَ كُلَّهُ مِنْ قَرْنِ الشَّعْرِ كُلِّ نَاحِيَةٍ لِمَنْصَبِ الشَّعْرِ لَا يُحْرِكُ الشَّعْرَ عَنْ هَيْئَتِهِ. (رواه أبو داود وأحمد والطبراني في الكبير وسنده حسن.)

171 – Рубайийи бинти Муъаввиз ибн Афро (розияллоҳу анҳо) ривоят қилишича, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унинг олдида таҳорат олганлар. (Ўшанда) бошларининг тепасидан (яъни, пешоналаридан) бўйинларигача ҳамма жойига масҳ тортдилар. Бунда сочлари жойидан силжимаган (Абу Довуд, Аҳмад, Табароний “Кабир”да ривоят қилган. Ривоят санади ҳасан).

Ривоятларда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сочлари узунлигидан қулоқларигача тушиб туриши келтирилади. У зотнинг сочлари узун бўлганидан ҳам бошларига масҳ тортганда сочлари ўрнидан қўзғалмаган бўлиши мумкин.

Бошга масҳ тортишни пешонадан бошлаш.

Юзнинг пешонага қадар қисми юз ювилаётган маҳалда покланади. Масҳ тортиш пешонадан бошланса, бош ҳам моддий, ҳам маънан тўлиқ покланган ҳисобланади.

۱۷۲ – عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ زَيْدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَسَحَ رَأْسَهُ بِيَدَيْهِ فَأَقْبَلَ بِهِمَا وَأَدْبَرَ بَدَأَ بِمُقَدِّمِ رَأْسِهِ ثُمَّ ذَهَبَ بِهِمَا إِلَى قَفَاهُ ثُمَّ رَدَّهُمَا حَتَّى رَجَعَ إِلَى الْمَكَانِ الَّذِي بَدَأَ مِنْهُ ثُمَّ غَسَلَ رِجْلَيْهِ. (رواه الترمذي وسنده صحيح.)

172 – Абдуллоҳ ибн Зайд (розияллоҳу анҳу) ривоят қилишича, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) икки қўллари билан бошларига масҳ тортишда кафтларини олдиндан орқага, орқадан олдига юргиздилар – масҳни пешоналаридан бошлаб, сўнгра қўлларини бўйинларигача юргизиб бордилар. Кейин икки қўлларини масҳ тортишни

бошлаган жойгача қайтардилар. Шундай сўнг икки оёқларини ювдилар (*Термизий ривояти. Ривоят санади саҳиҳ*).

Бу ривоятдан Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бошга масҳ тортишни пешонадан бошлаганлари маълум бўлади.

Бошга масҳ тортилган нам қўл билан икки қулоққа масҳ тортиш.

Қулоқ ҳам бош қисмидан бўлиб ҳисобланади ва бошга масҳ тортилса, унга ҳам масҳ тортиш афзалдир.

۱۷۳ – عَنْ أَبِي أُمَامَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: تَوَضَّأَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَعَسَلَ وَجْهَهُ ثَلَاثًا وَيَدَيْهِ ثَلَاثًا وَمَسَحَ بِرَأْسِهِ وَقَالَ: الْأُذُنَانِ مِنَ الرَّأْسِ. (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَابْنُ مَاجَةَ وَأَحْمَدُ وَالدَّارَقُطْنِيُّ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ).

173 – Абу Умома (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳоратда юзларини уч марта, қўлларини уч марта ювдилар, бошларига масҳ тортиб: “Икки қулоқ бошдандир”, дедилар” (*Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа, Аҳмад ва Дорақутний ривояти. Ривоят санади саҳиҳ*).

Бу ривоятда бошга қўшиб икки қулоққа ҳам масҳ тортиш кераклиги айтилмоқда.

Абу Ҳанифа ва Саврий нам қўллар билан бошга масҳ тортилганда қулоққа ҳам масҳ тортилишини айтган⁸².

۱۷۴ – وَعَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَسَحَ بِرَأْسِهِ وَأُذُنَيْهِ ظَاهِرَهُمَا وَبَاطِنَهُمَا. (رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَابْنُ مَاجَةَ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ صَحِيحٌ).

174 – Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) ривоят қилишича, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бошларига ва икки қулоқларининг ташқариси ва ичига масҳ тортганлар (*Термизий ва Ибн Можа ривояти. Ривоят санади ҳасан-саҳиҳ*).

⁸² Имом Шофиъий: “Уларнинг ҳар бирига алоҳида сув олиш суннатдир”, деган. Яъни, қўлни хўллаб, бошга масҳ тортилгандан сўнг қўлни яна бир бор хўллаб, қулоққа масҳ тортиш назарда тутилмоқда.

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) ривоят қилишича, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қулоқлари ичига кўрсаткич бармоқлари ва қулоқлари ташқарисига бош бармоқлари билан масҳ тортганлар (*Ибн Можа ва Абу Яъло ривояти. Ривоят санади ҳасан-саҳиҳ*).

۱۷۵ – وَعَنْ عَمْرِو بْنِ شُعَيْبٍ عَنْ أَبِيهِ عَنْ جَدِّهِ أَنَّ رَجُلًا أَتَى النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ كَيْفَ الطُّهُورُ فَدَعَا بِمَاءٍ فِي إِنَاءٍ فَغَسَلَ كَفَيْهِ ثَلَاثًا ثُمَّ غَسَلَ وَجْهَهُ ثَلَاثًا ثُمَّ غَسَلَ ذِرَاعَيْهِ ثَلَاثًا ثُمَّ مَسَحَ بِرَأْسِهِ فَأَدْخَلَ إِصْبَعَيْهِ السَّبَّاحَتَيْنِ فِي أُذُنَيْهِ وَمَسَحَ بِإِبْهَامَيْهِ عَلَى ظَاهِرِ أُذُنَيْهِ وَبِالسَّبَّاحَتَيْنِ بَاطِنِ أُذُنَيْهِ ثُمَّ غَسَلَ رِجْلَيْهِ ثَلَاثًا ثَلَاثًا ثُمَّ قَالَ: هَكَذَا الْوُضُوءُ فَمَنْ زَادَ عَلَى هَذَا أَوْ نَقَصَ فَقَدْ أَسَاءَ وَظَلَمَ أَوْ ظَلَمَ وَأَسَاءَ. (رواهُ أَبُو دَاوُدَ فِي السُّنَنِ وَالْبَيْهَقِيُّ فِي السُّنَنِ الْكُبْرَى وَسَنَدُهُ حَسَنٌ صَحِيحٌ.)

175 – Амр ибн Шуъайб отасидан, отаси бобосидан ривоят қилишича, бир киши Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига келиб, “Ё Расулulloҳ, таҳорат қандай олинади?” деб сўради. У зот бир идишда сув олиб келишни бунордилар ва кафтларини уч марта, юзларини уч марта ва қўлларини уч марта ювдилар. Кейин бошларига масҳ тортиб, икки кўрсаткич бармоқларини қулоқларига тикдилар ва бош бармоқлари билан қулоқлари ташқарисига, кўрсаткич бармоқлари билан қулоқлари ичига масҳ тортдилар. Сўнгра оёқларини уч марта ювиб: “Таҳорат мана шундай (қилинади). Ким бундан оширса ёки камайтирса, ёмон қилибди ва зулм қилибди... ёки зулм қилибди ва ёмон қилибди...”, дедилар (*Абу Довуд “Сунан”да ва Байҳақий “Ас-сунанул кубро”да ривоят қилган. Ривоят санади ҳасан-саҳиҳ*).

Ушбу ривоятда Расулulloҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳорат ҳақида сўраган кишига таҳоратни қандай олишни таълим берганлари айтилмоқда. Демак, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қулоқлари ичига

кўрсаткич бармоқлари ва қулоқлари ташқарисига бош бармоқлари билан масҳ тортганлар.

۱۷۶ – وَعَنْ الرَّبِيعِ بِنْتِ مَعُوذِ ابْنِ عَفْرَاءَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: تَوَضَّأَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَأَدْخَلَ إِصْبَعِيهِ فِي جُحْرِي أُذُنِيهِ. (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَابْنُ مَاجَةَ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ صَحِيحٌ).

176 – Рубайийи бинти Муъаввиз ибн Афроъ (розияллоҳу анҳо) ривоят қилади: “Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳоратда икки кўрсаткич бармоқларини қулоқлари ичига тиқдилар” (Абу Довуд ва Ибн Можа ривояти. Ривоят санади ҳасан-саҳиҳ).

Аввалги ривоятда айтиб ўтилганидек, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўрсаткич бармоқларини қулоқлари ичига тиқиб, масҳ тортар эдилар⁸³.

Соқолни хилол қилиш.

Соқолни хилол қилиш дастлаб қўлни хўллаб, кейин уни соқол орасига киргизишдир. Соқол пастдан юқорига қараб хилол қилинади. Агар соқол юзнинг маълум қисмини беркитадиган даражада қалин бўлса, юзни уч марта ювилгандан сўнг соқол хилол қилинади. Агар соқол сийрак бўлса, унинг остига сув етказиш вожибдир.

Абу Ҳанифа ва Имом Муҳаммад соқолни хилол қилишни таҳорат одоблари қаторига киритган. Абу Юсуф наздида бу амал суннат. Расулulloҳ (алайҳисалом) таҳоратлари ҳақида хабар берган аксар саҳобалар соқолларини хилол қилмаган. Абу Юсуф Набий (алайҳиссалом) амалларига суянган ҳолда, соқолни хилол қилишни суннат деган. Кўпчилик ҳанафий олимлар айнан мана шу фикрни олган.

۱۷۷ – عَنْ عُثْمَانَ بْنِ عَفَّانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يُخَلِّلُ لِحْيَتَهُ. (رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَابْنُ مَاجَةَ وَابْنُ خُرَيْمَةَ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ).

⁸³ Ҳанбалийлар: “Қулоққа масҳ тортиш вожиб. Сабаби қулоқ бошдан ҳисобланади. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳадисларида бу очиқ-ойдин айтилган”, деган.

Шофиъийлар наздида қулоққа уч марта, жумхур уламолар наздида, бир марта масҳ тортилади.

177 – Усмон ибн Аффон (розияллоху анху) ривоят қилишчи, Набий (соллаллоху алайҳи ва саллам) соқолларини хилол қилар эдилар (*Термизий, Ибн Можа ва Ибн Хузайма ривояти. Ривоят санади саҳиҳ*).

Ушбу ривоятда Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) бир ёки икки марта эмас, балки доимий равишда соқолларини хилол қилгани айтилмоқда. Ибн Аббос, Ибн Умар, Али, Саид ибн Жубайр, Абу Қилоба, Мужоҳид, Ибн Сирин, Заҳҳок, Иброҳим Нахаъий соқолини хилол қилганлари ҳақида ривоятлар бор. Ҳассон ибн Билал ривоят қилишчи, у Аммор ибн Ёсир таҳоратда соқолини хилол қилганини кўрган экан. У (Аммор)га: “Соқолингни хилол қиласанми?” дейилганида, у: “Мен Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) соқолларини хилол қилганларини кўрганимдан кейин мени бу ишдан нима қайтара оларди”, деб жавоб берган экан (*Термизий ва Ҳоким ривояти. Ривоят санади саҳиҳ*).

١٧٨ – وَعَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ إِذَا تَوَضَّأَ أَخَذَ كَفًّا مِنْ مَاءٍ فَأَدْخَلَهُ تَحْتَ حَنَكِهِ فَخَلَّلَ بِهِ لِحْيَتَهُ وَقَالَ: هَكَذَا أَمَرَنِي رَبِّي عَزَّ وَجَلَّ. (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالطَّبْرَانِيُّ فِي الْأَوْسَطِ وَالْبَيْهَقِيُّ فِي السُّنَنِ الْكُبْرَى وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

178 – Анас ибн Молик (розияллоху анху) ривоят қилишчи, Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) таҳорат қилсалар, бир ҳовуч сув олиб, уни ияклари тагига етказиб соқолларини хилол қилар эдилар ва: “Раббим азза ва жалла менга шундай (қилишни) амр қилган”, дердилар (*Абу Довуд, Табароний “Авсат”да ва Байҳақий “Ас-сунанул кубро”да ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ*).

Бу ҳолатда Расулуллоҳ (алайҳиссалом) соқолларини қандай хилол қилганлари ва бу ишни у зотга Аллоҳ таоло буюргани келтирилган.

Мазкур ривоятдан келиб чиққан ҳолда, баъзилар, жумладан, Исҳоқ деган олим соқолни хилол қилиш вожиб,

деган. Бироқ жумҳур уламолар бу ривоят соқолни хилол қилиш вожиблиги учун далил бўла олмаслигини, бу амал Расулуллоҳнинг (алайҳиссалом) ўзлари учун хос бўлиши мумкинлигини ва шу каби омилларни ҳисобга олиб, соқолни хилол қилиш вожиб эмас, балки мустаҳабдир, дейишган.

۱۷۹ – وَعَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا تَوَضَّأَ خَلَلَ لِحْيَتَهُ وَفَرَجَ أَصَابِعَهُ مَرَّتَيْنِ. (رَوَاهُ ابْنُ مَاجَةَ وَصَحَّحَهُ الْأَلْبَانِيُّ دُونَ الْمَرَّتَيْنِ.)

179 – Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳорат қилсалар, соқолларини икки марта хилол қилар ва бармоқлари орасини очар эдилар” (*Ибн Можа ривояти*).

Набий (алайҳиссалом) соқолни хилол қилишда бармоқларини каттароқ очар эдилар. Шундай қилинса, панжалар соқол ичига киради. Акс ҳолда соқолни хилол қилиш қийинлашади.

ТАҲОРАТ МУСТАҲАБЛАРИ

Таҳоратда икки хил мустаҳаб амал бор. Булар:

1. Қўл ва оёқни ювишни ўнг томондан бошлаш.

Таҳоратда жуфт аъзоларни ўнг томондан ювишни бошлаш мустаҳабдир. Таҳоратда ювиладиган аъзолардан фақат қўл ва оёқ жуфтликка эга. Аввал ўнг қўл чап қўл ёрдамида ювилса, сўнгра чап қўл ўнг қўл билан ювилади. Оёқни ювишда фақат чап қўлдан фойдаланилади. Аввал ўнг оёқ, кейин чап оёқни шошилмасдан ва товонларга алоҳида эътибор берилган ҳолда тўлиқ ювилади.

۱۸۰ – عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُعْجِبُهُ التَّيْمُنُ فِي تَنْعَلِهِ وَتَرْجُلِهِ وَطُهُورِهِ وَفِي شَأْنِهِ كُلِّهِ. (رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَابْنُ مَاجَةَ وَأَحْمَدُ.)

180 – Ойша (розияллоҳу анҳо) ривоят қилади: “Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) барча ишларини – пойабзал кийиш, соч тараш ва таҳорат қилишни ўнг томондан бош-лашни яхши кўрар эдилар” (*Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа ва Аҳмад ривояти*).

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) барча ишларни ўнг томондан бошлардилар. Ривоятда айтилганидек, таҳоратда ҳам аввал ўнг аъзоларини ювардилар. Бу динимизнинг умумий қоидаси. Барча пок амаллар ўнг томондан бошлаб амалга оширилади. Мисол учун либос кийиш, масжидга кириш, мисвок ишлатиш, сурма қўйиш, тирноқ олиш, мўйлаб қисқартириш, соч тараш, соч олдириш, намозда икки тарафга салом бериш, ҳожатхонадан чиқиш, ейиш-ичиш ва саломлашиш каби амалларда ўнг томондан бошлаш мустаҳабдир.

Ўнг томоннинг ҳурмати баланд. Шу сабаб ибодат ва зийнатланиш, пок аъзоларни тозалаш кабилар ўнг қўл билан бажарилиб, ўнг томондан бошланади. Ойша (розияллоҳу анҳо) ривоят қилади: “Набий (алайҳиссалом) имкони борича ҳамма ишларни – таҳорат қилиш, соч тараш, пойабзал кийишни ўнг томондан бошлашни яхши кўрар эдилар” (*Бухорий, Насоий ва Аҳмад ривояти*).

۱۸۱ – وَعَنْ أُمِّ عَطِيَّةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَهِنَّ فِي غَسْلِ أَيْدِيَهُنَّ بِمِيَاهِنَهَا وَمَوَاضِعِ الْوُضُوءِ مِنْهَا. (رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَالتَّسَائِيُّ وَأَحْمَدُ.)

181 – Умму Атийя ривоят қилишича, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уларга қизларини ғусл қилдиришда ўнг томонидан, таҳорат аъзоларидан бошлашни амр қилганлар (*Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Насоий ва Аҳмад ривояти*).

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қизлари Зайнаб вафот этганида уни юваётган аёлларга ғусл қилдиришда маййитнинг ўнг томонидан ва таҳорат аъзоларидан бошлаб ювишни буюрганлар.

۱۸۲ – وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِذَا لَبَسْتُمْ وَإِذَا تَوَضَّأْتُمْ فَأَبْدُوا بِأَيَّامِنِكُمْ. (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَابْنُ مَاجَةَ وَأَحْمَدُ وَابْنُ خُزَيْمَةَ وَابْنُ حِبَّانَ وَالطَّبْرَانِيُّ وَالْبَيْهَقِيُّ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

182 – Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу) Расулulloҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади: “Агар либос кийсангиз ва таҳорат олсангиз, бас, ўнг томонингиздан бошланг” (*Абу Довуд, Ибн Можа, Аҳмад, Ибн Хузайма, Ибн Хиббон, Табароний ва Байҳақий ривояти. Ривоят санади саҳиҳ*).

Ушбу ривоятда ҳам кийим кийиш ва таҳорат олишда ўнг томондан бошлаш афзаллиги айтилмоқда. Имом Нававий: “Уламолар таҳоратда аввал ўнг қўл ва ўнг оёқни ювиш суннат эканига ижмоъ қилган. Агар бунга хилоф тарзда иш тутилса, фазилатдан маҳрум бўлади, аммо таҳорати тўғри бўлаверади”, деган.

Таҳоратда икки қулоқ ва кафтлар биргаликда ювилади. Бир тараф олдин, иккинчи тараф кейин эмас. Агар ундан бири кесилган бўлса, ўнг томондан бошланади.

Таҳоратда аъзоларни ювишни ўнг томондан бошлаш фарз эмаслигига қуйидаги ривоятлар далил бўлади.

۱۸۳ – وَعَنْ أَبِي الْعَبِيدَيْنِ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ أَنَّهُ سُئِلَ عَنْ رَجُلٍ تَوَضَّأَ فَبَدَأَ بِمَيْسِرِهِ فَقَالَ: لَا بَأْسَ. (رَوَاهُ الدَّارَقُطْنِيُّ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

183 – Абу Убайдайн ривоят қилишича, Абдуллоҳ ибн Масъуддан таҳоратини чап томон аъзоларини ювишдан бошлаган киши ҳақида сўралганида, у: “Зарари йўқ”, деб жавоб берган (*Дорақутний ривояти. Ривоят санади саҳиҳ*).

Демак, таҳоратда қўл ва оёқни чап тарафдан бошлаб ювишнинг ҳам зарари йўқ. Аммо бирон узрсиз бунга одатланиш яхши эмас. Имкон бўла туриб, афзалини қилишни тарк этмаслик керак.

۱۸۴ – وَعَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو بْنِ هِنْدٍ قَالَ: قَالَ عَلِيُّ: مَا أَبَالِي إِذَا أْتَمَمْتُ وَضُوءِي بِأَيِّ أَعْضَائِي بَدَأْتُ. (رَوَاهُ الدَّارَقُطْنِيُّ.)

184 – Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ҳинд ривоят қилади: “Али: “Агар таҳоратимни мукаммал қилсам, қайси аъзойимни ювишдан бошлашимга парво қилмайман”, деган” (*Дорақутний ривояти*).

Ушбу ривоятда таҳорат мукаммал олинса, унда тартиб ёки ўнг томондан бошлаб ювиш шарт эмаслиги билдирилган. Бани Махзумнинг мавлоси Зиёддан ривоят қилинади: “Алига (розияллоҳу анҳу): “Абу Ҳурайра таҳоратда аъзоларини ўнг томондан бошлаб ювмоқда”, дейилганида, Али сув олиб келишларини буюрди ва чап томондан ювиб таҳорат қила бошлади” (*Дорақутний ривояти*).

Бу ҳолатда ҳазрат Али (розияллоҳу анҳу) бу амал фарз ёки вожиб эмаслигини билдирмоқчи.

Зиёд Алидан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Таҳоратни ўнг томонидан олдин чап томондан бошласам, бунга парво қилмайман” (*Дорақутний ривояти*).

2. Бўйинга масҳ тортиш.

Бўйинга масҳ тортишни баъзилар суннат, яна бошқалар одобдир, деган⁸⁴. Аммо ҳалқумга, яъни томоққа масҳ тортиш бидъатдир.

۱۸۵ – عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: مَنْ تَوَضَّأَ وَمَسَحَ بِيَدَيْهِ عَلَى عُنُقِهِ وَفِي الْعُلَى يَوْمَ الْقِيَامَةِ. (رَوَاهُ أَبُو الْحُسَيْنِ بْنُ فَارِسٍ وَقَالَ: هَذَا إِنْ شَاءَ اللَّهُ حَدِيثٌ صَحِيحٌ.)

185 – Ибн Умар (розияллоҳу анҳу) Набийдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади: “Ким таҳоратда икки қўли билан бўйнига масҳ тортса, қиёмат куни кишандан озод бўлади” (*Абулҳусайн ибн Форис ривоят қилган ва: “Иншааллоҳ, бу саҳиҳ ҳадисдир”, деган*).

Анас ибн Сириин ривоят қилишича, Ибн Умар (розияллоҳу анҳу) таҳорат олганида бўйнига масҳ тортар ва: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким таҳорат олиб, бўйнига масҳ тортса, қиёмат куни кишанлар билан

⁸⁴ Бўйинга масҳ тортишни Абу Бакр Аъмаш суннат, Абу Бакр Искоф эса мустаҳаб, деган (“Бадаиъус сонаиъ фи тартибиш шароиъ”).

кишанланмайди”, деганлар”, дер эди. (Абу Нуайм “Тарийху асбаҳан”да ривоят қилган).

۱۸۶ – وَعَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: مَنْ تَوَضَّأَ وَمَسَحَ عَلَى عُنُقِهِ وَقِيَّ الْغُلَّ يَوْمَ الْقِيَامَةِ. (رَوَاهُ أَبُو مَنْصُورٍ الدَّيْلَمِيُّ فِي مُسْنَدِ الْفَرْدَوْسِ بِسَنَدٍ ضَعِيفٍ.)

186 – Яна Ибн Умар (розияллоҳу анҳу) Набийдан (солаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади: “Ким таҳоратда бўйнига масҳ тортса, қиёмат куни кишандан ҳимояланади” (Абу Мансур Дайламий “Муснадул фирдавс”да заиф санад билан ривоят қилган).

Бўйинга масҳ тортиш ҳақида мана шунга ўхшаш яна бир-иккита ривоят келган, холос. Чамаси Расулуллоҳ (алайҳиссалом) жуда оз муддат бўйинларига масҳ тортган бўлсалар керак. Чунки аксарият ривоятларда бу хусусда маълумот йўқ. Шу сабаб ханафийлар бўйинга масҳ тортишни таҳорат мустаҳаблари қаторига киритган.

Бўйин орқасига икки кафтнинг устки қисми билан масҳ тортилади.

Биз таҳоратнинг мустаҳаблари қаторида келтирган икки амални баъзилар суннатлар сирасига киритади. Бунда ихтилофга берилишнинг ҳожати йўқ. Хоҳ мустаҳаб, хоҳ суннат амал бўлсин, қўл ва оёқларни ўнг томондан бошлаб ювиш ва бўйин орқасига масҳ тортиш тўлиқ таҳорат олишда муҳим аҳамият касб этади.

ТАҲОРАТ ОДОБЛАРИ

Ханафийлар наздида таҳоратнинг одоблари асосан ўн тўртта бўлиб, буларга қуйидагилар киради:

Қалбидаги ниятни тили билан айтиш.

Ханафий уламолар қалбади ниятни тил билан айтиш афзал деган.

Намоз вақти кирмасдан олдин таҳорат олиш.

Бунда Аллоҳнинг амрига шошилиш ва намозга интилиш маъноси бор. Бу нарса узри бўлмаган киши учун. Шу

боис узрлилар ёки таяммум қилувчилар намоз вақти кирганидан кейин таҳорат олади.

Қиблага юзланиш.

Қибла энг улуғ тараф. Қиблага қараб турганда дуонинг қабул бўлишидан кўпроқ умид қилинади. Шу сабаб намоз, дуо, зикр ва бошқа кўплаб ибодатлар қиблага юзланган ҳолда амалга оширилади. Таҳорат ҳам ибодат. Шу сабаб бу амал қиблага юзланган ҳолда бажарилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Шофиъий ва ҳанбалий уламолар таҳоратни қибла томонга юзланган ҳолда бажариш суннат эканини айтган. Шу ўринда бу икки мазҳаб суннат ва одобни бир нарса деб ҳисоблашини эслатиб ўтиш лозим.

Сув сачрамайдиган баландроқ жойда таҳорат олиш.

Таҳорат қилувчи ўзи учун қулай жой танлаши лозим. Жумладан, ерга тушаётган сув кийим ва баданга тегмаслиги учун баландроқ яъни, сув сачрамайдиган жойларда таҳорат олиш афзал.

Абу Ҳанифа ва Абу Юсуф наздида, масжид ичида таҳорат олиш макруҳ («*Бадоиғус саноиғ*»).

Бунда масжид биноси ичида таҳорат олиш назарда тутилмоқда. Аммо масжид катта бўлса, унинг ҳовлисида ёки намозгоҳдан четроқ жойда таҳорат олиш жоиз. Валлоҳу аълам!

Шунингдек, ҳожатхона ва шу каби нопок жойларда таҳорат олиш макруҳ.

Ҳар бир аъзони ювишдан олдин “бисмиллаҳ” дейиш.

Таҳоратни бошлашдан олдин “бисмиллаҳ” дейиш таҳорат комиллигидан эканини юқорида кўриб чиқдик. Ҳар бир аъзони ювиш олдидан ҳам “бисмиллаҳ” дейилса, нур устига нур бўлади.

Узрсиз бировнинг ёрдамидан фойдаланмаслик.

Расулulloҳ (алайҳиссалом) кўп ҳолларда таҳорат суви-ни ўзлари қуйганлар. Бу ибодатдаги камтарлик белгисидир. Бировнинг ёрдамидан узрсиз фойдаланишда бир оз

бўлса ҳам кибр ва манманлик мавжуд. Шу сабаб таҳорат оладиган киши соғлом ва қодир бўлса, сув тайёрлаш, қуйиш ва шу каби амалларни ўзи бажаргани маъқул.

۱۸۷ – عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَا يَكُلُ طَهْرَهُ إِلَى أَحَدٍ وَلَا صَدَقَتَهُ الَّتِي يَتَصَدَّقُ بِهَا يَكُونُ هُوَ الَّذِي يَتَوَلَّاهَا بِنَفْسِهِ. (رَوَاهُ ابْنُ مَاجَهَ وَسَنَدُهُ ضَعِيفٌ.)

187 – Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳорат сувлари ва садақа қиладиган садақаларини ҳеч кимга бермасдан фақат ўзлари қилар эдилар” (*Ибн Можа ривояти. Ривоят санади заиф*).

Агар биронта узрли ҳолат бўлмаса, Расулуллоҳ (алайҳиссалом) таҳорат олишда ёрдам сўрамас ва сувни ўзлари қуяр эдилар. Аммо беморлик ва кексалик туфайли таҳоратда бошқалар ёрдамидан фойдаланиш жоиз. Расулуллоҳга (алайҳиссалом) саҳобалар таҳорат сувини қуйиб турганлари ҳақида ривоятлар бор.

۱۸۹ – وَعَنْ الرَّبِيعِ بِنْتِ مُعَوِّذِ بْنِ عَفْرَاءَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَأْتِينَا فِي مَنْزِلِنَا فَاخُذُ مِیْضَةً لَنَا تَكُونُ مُدًّا وَثَلَاثَ مُدِّ أَوْ رُبْعَ مُدٍّ فَاسْكُبُ عَلَيْهِ فَيَتَوَضَّأُ ثَلَاثًا ثَلَاثًا. (رَوَاهُ الدَّارِمِيُّ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ.)

189 – Рубаййиъ бинти Муъаввиз ибн Афроъ (розияллоҳу анҳо) ривоят қилади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бизнинг уйга келар ва мен таҳорат суви турадиган идишни (у идишда бир мудд ва мудднинг учдан бири ёки мудднинг тўртдан бири миқдорида сув бўларди) олиб, у зотга сув қуйиб турардим. У зот аъзоларини уч мартадан ювиб, таҳорат олар эдилар” (*Доримий ривояти. Ривоят санади ҳасан*).

Ушбу ривоятда Рубаййиъ бинти Муъаввиз (розияллоҳу анҳо) Набийга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳорат суви қуйиб тургани келтирилган. Синдий “Сунани ибн

Можа”га ёзган шарҳида: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Рубаййиънинг таҳорат сувини қуйиб туришни хоҳлаётганини кўриб, унга рухсат берган бўлишлари мумкин”, деган.

Рубаййиъ бинти Муъаввиз (розияллоҳу анҳо) ривоят қилади: “Мен Набийга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳорат суви олиб келдим. У зот: “Сувни қуйиб тур!” дедилар. Мен сувни қуйиб турдим. У зот юз ва қўлларини ювиб, кейин янги сув билан бошларининг олд ва орқа қисмига масҳ тортдилар. Сўнгра оёқларини уч марта ювдилар” (*Ибн Можа ривояти. Ривоят санади ҳасан*).

١٩٠ – وَعَنْ صَفْوَانَ بْنِ عَسَّالٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: صَبَبْتُ عَلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْمَاءَ فِي السَّفَرِ وَالْحَضْرِ فِي الْوُضُوءِ. (رَوَاهُ ابْنُ مَاجَةَ وَسَنَدُهُ ضَعِيفٌ.)

190 – Сафвон ибн Ассол (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Мен сафарда ҳам, муқимликда ҳам Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳорат олаётганларида сув қуйиб турганман” (*Ибн Можа ривояти. Ривоят санади заиф*).

Баъзи фақиҳлар Расулуллоҳ (алайҳиссалом) сафарларда таҳорат сувини қуйиб туришда ёрдам сўраганларини келтиради. Аммо бу ривоятда у зотга сафарда ҳам, муқимликда ҳам таҳорат суви қуйиб турилгани айтилмоқда. Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкин, агар иложи бўлса, таҳоратда бошқалар ёрдамидан фойдаланмаслик афзал. Аммо касаллик ёки кексалик вақтида бунга рухсат этилади.

Идишни ўнг томонга қўйиш.

Шундай қилинса сув қуйиш осон бўлади.

Таҳорат пайтида дунёга тегишли сўзларни гапирмаслик.

Бунда қалбан Аллоҳ зикр қилиниб аъзоларни юваётганда “бисмиллаҳ” айтилиб, бошқа дуолар ўқилади. Чунки таҳорат ҳам ибодатдир. Ибодатни ортиқча гап-сўзларсиз Аллоҳ зикри билан адо этиш нақадар гўзал. Таҳорат чоғида сўзлашиш бандани ихлос ва дуодан тўсади.

Сувни исроф қилмаслик.

Исрофгарчилик мўминга умуман ёт нарса бўлгани учун исрофдан сақланиш керак. Хусусан, намозга туришдан олдин таҳорат олаётиб исрофга йўл қўйиш намоздаги хушуъ ва қалб уйғоқлигига путур етказиши мумкин. Чунки исроф ҳам гуноҳ. Таҳорат эса Аллоҳга қурбат ҳосил қилишдир. Аллоҳга яқин бўлиш мақсадида банда исрофга йўл қўйиб гуноҳкор бўлиши яхши эмас.

۱۹۱ – عَنْ أَبِي بِنِ كَعْبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِنَّ لِلْوُضُوءِ شَيْطَانًا يُقَالُ لَهُ وَلَهَانُ فَاتَّقُوا وَسْوَاسَ الْمَاءِ. (رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَابْنُ مَاجَهَ وَابْنُ خُزَيْمَةَ وَابْنُ حِبَّانَ وَالْبَيْهَقِيُّ فِي السُّنَنِ الْكُبْرَى وَسَنَدُهُ ضَعِيفٌ.)

191 – Убай ибн Каъб (розияллоҳу анҳу) Расулulloҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади: “Дарҳақиқат, таҳоратнинг шайтони бор. У “Валаҳон” деб аталади. Бас, сизлар сув васвасасидан сақланинглар!” (Термизий, Ибн Можа, Ибн Хузайма, Ибн Ҳиббон, Байҳақий “Ас-сунанул кубро”да ривоят қилган. Ривоят санади заиф).

Ҳадисда айтилишича, “Валаҳон” деган шайтон таҳоратда бандаларни васваса қилар, яъни, чалғитар экан. Унинг васвасаси турлича бўлади:

- аъзоларга сув тўлиқ етиб бордими-йўқми?
- аъзоларни бир марта ювдими ёки икки мартами?
- аъзолар тўлиқ пок бўлдими-йўқми?

“Валаҳон” сўзи “ҳирси ўта кучли” деган маънони беради. Чунки у таҳоратда бандаларни васваса қилишга қаттиқ ҳаракат қилади. Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) “Валаҳон” номли шайтон таҳоратда бандаларни васваса қилишидан хабар берганларидан сўнг, ўша шайтондан сақланишга буюрмоқдалар. Хўш, қандай қилиб бу шайтон васвасасидан сақланиш мумкин?

Таҳоратни “бисмиллаҳ” билан бошлаш, сувни исроф қилмаслик, турли ўй-хаёл ва чалғитувчи фикрлар, шубҳа-

гумонларга бормаслик орқали унинг васвасасидан қутулиш мумкин.

Намоздан олдин таҳорат пайтида ҳам шайтон ўз васвасаси билан ҳалақит беришга уринади. Шайтон биринчи навбатда сувни исроф қилишга ва яна аъзоларни чала-чулпа ювишга ундаб, шошилтиради.

Таҳоратда сувни исроф қилиш шайтондан эканини Иброҳим Нахаъий ҳам келтирган: “Таҳоратда сувни кўп ишлатиш шайтондандир. Агар бу фазилатли амал бўлганида, Муҳаммад (алайҳиссалом) саҳобалари уни афзал деб биларди”.

Иброҳим Таймий: “Намоздаги васваса таҳорат пайтида бошланади”, дейди.

Бундай васвасадан қутулиш учун таҳоратни “бисмиллаҳ” билан бошлаб, сўнгра аъзоларни шошилмай, тўлиқ ювиш, аммо сувни исроф қилмаслик лозим.

۱۹۲ – وَعَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَرَّ بِسَعْدٍ وَهُوَ يَتَوَضَّأُ فَقَالَ: مَا هَذَا السَّرْفُ فَقَالَ: أَفِي الْوُضُوءِ إِسْرَافٌ قَالَ: نَعَمْ وَإِنْ كُنْتَ عَلَى نَهْرٍ جَارٍ. (رَوَاهُ ابْنُ مَاجَهَ وَأَحْمَدُ وَالْبَيْهَقِيُّ فِي شَعَبِ الْإِيمَانِ وَسَنَدُهُ ضَعِيفٌ.)

192 – Абдуллоҳ ибн Амр (розияллоҳу анҳу) ривоят қилишича, Саъд таҳорат олаётганида Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унинг олдидан ўтиб қолдилар ва: “Бу қандай исрофгарчилик?!” дедилар. Шунда (Саъд): “Таҳоратда ҳам исроф бўладими?” деди. У зот: “Ҳа, гарчи оқар дарё олдида бўлсанг ҳам, (таҳоратда сувни ортиқча ишлатиш исрофдир)”, дедилар (*Ибн Можа, Аҳмад, Байҳақий “Шуъабул имон”да ривоят қилган. Ривоят санади заиф*).

Таҳоратни тўлиқ олиш учун сувни кўп ишлатиб, исрофга йўл қўйиш шарт эмас. Сувни тежаган ҳолда ҳам мукамал таҳорат олиш мумкин. Аксинча, сувни ҳаддан ташқари кўп ишлатиб, аъзоларни чала-чулпа ювиб, камчиликка йўл қўйиш ҳоллари ҳам учраб туради.

Саъд ўзича таҳорат ибодатдир. Таҳоратим қанчалик мукаммал бўлса, намозим ҳам шунча тўқис бўлади. Бу ҳолатда қанча сув ишлатсам арзийди, деб ўйлаган бўлса керак. Шу сабаб таҳоратда ҳам исроф борлигига ажабланиб қарамоқда. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уни таҳоратда сувни исроф қилишдан қайтардилар. Ҳатто сув кўп бўлса ҳам, оқар дарё бўйида таҳорат олинаётган бўлса ҳам, сувни эҳтиёждан ташқари ишлатиш исроф экани ва таҳоратни тўлиқ қилиш учун сувни кўп ишлатиш шарт эмаслигини тушунтирдилар.

Энди, ушбу ҳадисга ҳаётимизда қай тарзда амал қилинаётганига назар ташлайлик. Ҳозирда намозхонлар намоз ўқиш баробарида таҳорат одобларини ҳам мукаммал билиб, унга амал қилишлари керак. Шундай одоблардан бири сувни исроф қилмасдан ишлатишдир. Баъзилар таҳорат олишдан олдин жўмракни очиб қўяди, сўнг-ра бир-икки дақиқа пойабзалини ечиш билан машғул бўлади. Яна баъзилар жўмракни охиригача бураб, сувни шариллатиб оқизган ҳолда таҳорат олади. Ахир, бу қандай исрофгарчилик?! Ахир Аллоҳ таоло мўмин бандаларига: “Енглар, ичинглар, (берган неъматларимдан фойдаланинглар,) аммо исроф қилманглар” деб амр қилмаганми?! Қолаверса, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам бизни исрофдан қайтарганлар. Шундай экан, арзимас кўринган амал орқали катта хато қилиш мумкинлигини тўғри тушунтириш керак. Намоздаги хушу таҳорат қай тарзда адо этилишига ҳам боғлиқ.

۱۹۳ – وَعَنْ أَبِي نَعَامَةَ أَنَّ عَبْدَ اللَّهِ بْنَ مُغَفَّلٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ سَمِعَ ابْنَهُ يَقُولُ: اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ الْقَصْرَ الْأَبْيَضَ عَنْ يَمِينِ الْجَنَّةِ إِذَا دَخَلْتُهَا فَقَالَ: أَيُّ بُنْيٍّ سَأَلَ اللَّهُ الْجَنَّةَ وَتَعَوَّذَ بِهِ مِنَ النَّارِ فَإِنِّي سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: إِنَّهُ سَيَكُونُ فِي هَذِهِ الْأُمَّةِ قَوْمٌ يَعْتَدُونَ فِي الطُّهُورِ وَالِدُّعَاءِ. (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَابْنُ مَاجَةَ وَأَحْمَدُ وَعَبْدُ بْنُ حُمَيْدٍ وَالْبَيْهَقِيُّ فِي السُّنَنِ الْكُبْرَى وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

193 – Абу Наъома ривоят қилишича, Абдуллоҳ ибн Муғаффал ўғлининг: “Ё Аллоҳ, мен жаннатга кирсам, жаннатнинг ўнг томонидаги оқ қасрни сўрайман!” деб дуо қилаётганини эшитиб: “Эй ўғлим, Аллоҳдан жаннатни сўра ва жаҳаннамдан паноҳ тила. Зеро, мен Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Албатта бу умматда поклик ва дуода ҳаддидан ошадиган бир қавм бўлади”, деб айтганларини эшитганман”, деди (Абу Довуд, Ибн Можа, Аҳмад, Абд ибн Хумайд, Байҳақий “Ас-сунанул кубро”да ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ).

Ушбу ривоятда поклик ва дуода меъёрдан ошмаслик лозимлиги таъкидланмоқда. Покланишда ҳаддан ошиш аъзоларни уч мартадан кўп ювиш, таҳорат, ғул ва нопок нарсаларни тозалашда сувни исроф қилиш ва шу кабилардир. Дуода ҳаддан ошиш эса мумкин бўлмаган нарсаларни сўраш, овозни баланд кўтариш, қичқириш, пайғамбарлар мақомини сўраш ва шу кабилар. Имом Ғаззолий “Иҳё” асарида дуода ҳаддидан ошиш дуони қофияга солиб, худди шеърга ўхшатишдир, деган.

Демак, ҳар соҳада ўртача йўлни тутиш яхши. Жумладан, покланишда ҳам. Бунинг учун сувни тежаш, поклиги аниқ бўлган нарсаларни беҳуда ювавермаслик, таҳоратда шубҳага бориб, аъзоларни уч мартадан ўтказиб ювмаслик керак. Таҳоратда сувни қандай ишлатишни Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўрганайлик.

۱۹۴ – وَعَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: بَتُّ عِنْدَ خَالَتِي مَيْمُونَةَ فَقَامَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَتَوَضَّأَ مِنْ شَتَّةٍ وَضُوءًا يُقَلِّلُهُ فَقُمْتُ فَصَنَعْتُ كَمَا صَنَعَ. (رَوَاهُ ابْنُ مَاجَهَ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

194 – Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Мен холам Маймунаникида тунаб қолдим. Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кечаси туриб, кичик мешдан оз-оз сув олиб, таҳорат қилдилар. Бас, мен ҳам туриб у зот қандай қилган бўлсалар, худди шундай қилдим” (Ибн Можа ривояти. Ривоят санади саҳиҳ).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сувни қандай тежаб ишлатиш лозимлигини мазкур ривоят мисолида кўрсатиб бердилар. У зот таҳорат ва ғулда сувни оз-оздан ишлатсалар-да, лекин таҳоратни чала қилмасдилар. Бизлар ҳам шунга ҳаракат қилишимиз лозим.

۱۹۵ – وَعَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: يُجْزَى فِي الْوُضُوءِ رِطْلَانِ مِنْ مَاءٍ. (رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَأَحْمَدُ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

195 – Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу) ривоят қилишича, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Таҳоратда икки ритл сув етарлидир”, деганлар (*Термизий ва Аҳмад ривояти. Ривоят санади саҳиҳ*).

Бир ритл тахминан 410–415 граммга тенг. Демак, ривоятда айтилишича, таҳорат учун тахминан 820–830 грамм сув етарли. Таҳорат ва ғулда ишлатиладиган сув миқдори турли ривоятларда турлича. Чунки ғул ва таҳорат турли шароит ва маконда қилинган. Имом Шавкониё: “Ғулда кифоя қиладиган сув миқдори бутун баданга сув тегиши даражасида бўлиши керак. Бунда сув бир соъ бўладими, ундан кам ёки кўпми, фарқи йўқ. Шунга биноан сувни кам ишлатиб, камчиликка йўл қўйиш, ёки аксинча, сувни ҳаддан ташқари кўп ишлатиб, исроф қилиш мумкин эмас. Таҳоратда ҳам худди шундай. Таҳоратда ишлатиладиган сув миқдори ҳақида айтадиган бўлсак, шу миқдордаги сув таҳоратда ювиладиган аъзолар тўлиқ покланишига етиши керак. Бунда сув бир мудд бўладими, ундан кам ёки кўпми, фарқи йўқ. Асосийси, сувни кам ишлатиб, нуқсонга йўл қўйилмаса ёки сувни кўп ишлатиб, исроф қилинмаса бўлгани”, деган.

۱۹۶ – وَعَنْ أَنَسِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَتَوَضَّأُ بِالْمُدِّ وَيَغْتَسِلُ بِالصَّاعِ إِلَى خَمْسَةِ أَمْدَادٍ. (رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَصْحَابُ السُّنَنِ وَالِدَّارِمِيُّ وَأَحْمَدُ.)

196 – Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир мудд (сув) билан таҳорат олар ва бир соъдан беш муддгача (сув) билан ғусл қилар эдилар” (*Муслим, Сунан соҳиблари, Доримий ва Аҳмад ривояти*).

Бир мудд 688 граммга тенг. Бир соъ эса 2 литр, 75 граммга тенг. Бу ривоятда айтилишича, Набий (алайҳиссалом) таҳоратига тахминан 688 грамм сув етарли бўлган, 2,5 дан 3,5 литргача бўлган сувда ғусл қилар эдилар.

Орамизда ҳеч ким бунчалик кам сувда таҳоратни тўлиқ бажара олмаса керак. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) каби кам сув ишлатиб, таҳоратни у зотга ўхшаб тўқис қила олмасак-да, барибир сувни тежашга одатланиш лозим. Ҳозирги шароит ҳам сувдан оқилона фойдаланишни тақозо этмоқда.

Оғиз ва бурунга ўнг қўл билан сув олиб, бурунни чап қўл билан қоқиш.

Оғиз пок аъзо бўлгани боис ўнг қўл билан сув олиниб, у ўнг қўл билан тозаланади. Бурун ҳам аслида пок аъзо бўлса-да, аммо унда нопок ва кир нарсалар тўпланиб туриши боис ўнг қўл билан бурунга сув олиниб, ундаги нопокликларни чап қўл билан кетказиш одобдандир. Агар чап қўлда бирон узр бўлса, бурунни ўнг қўл билан қоқишнинг зарари йўқ.

Ювилиши фарз бўлган аъзолардан бир оз ўтказиб, қиёматда нур бўладиган “ғурро” ва таҳжийл”ни узайтириш.

Бунда юзни томоқ қисмидан, пешонанинг соч чиққан жойигача, қўлларнинг бўғимларидан ўтказиб, оёқлар тўпикдан тепаси ҳам қўшиб ювилади. Бу ҳақда юқорида етарли маълумотга эга бўлдик.

Аъзоларни сув билан яхшилаб ишқалаб ювиш.

Айниқса, қиш фаслида бунга, алоҳида эътибор бериш лозим. Чунки қишда сув аъзоларга яхши юкмайди. Қиш фаслида аъзолар сув билан ишқаланмаса, ундаги кирлар яхши тозаланмайди. Халаф ибн Айюб таҳорат қилувчи қиш фаслида худди ёғ суртгандек аъзоларига яхшилаб сув куйиши керак. Чунки қишда сув аъзоларга яхши сингмайди, деган⁸⁵.

⁸⁵ Ибн Масъуд Косоний, “Бадоиъус санаиъ”.

Жумҳур уламолар таҳорат ва ғуслда аъзоларга сув тек- казишнинг ўзи кифоя бўлишига иттифоқ қилган⁸⁶.

Таҳоратдан сўнг Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алай- хи ва саллам) ривоят қилинган маъсур дуоларни ўқиш.

Бу дуоларни қай ҳолда ўқилса ҳам жоиз. Аммо қибла- га юзланиб, тик турган ҳолда дуо қилиш афзал.

۱۹۷ – عَنْ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَا مِنْكُمْ مِنْ أَحَدٍ يَتَوَضَّأُ فَيُحْسِنُ الْوُضُوءَ ثُمَّ يَقُولُ حِينَ يَفْرُغُ مِنْ وُضُوئِهِ: أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ وَأَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ إِلَّا فَتِحَتْ لَهُ أَبْوَابُ الْجَنَّةِ الثَّمَانِيَةِ يَدْخُلُ مِنْ أَيِّهَا شَاءَ. (رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَأَحْمَدُ وَابْنُ خُزَيْمَةَ وَابْنُ حِبَّانَ وَالبَيْهَقِيُّ وَزَادَ التِّرْمِذِيُّ: اللَّهُمَّ اجْعَلْنِي مِنَ التَّوَّابِينَ وَاجْعَلْنِي مِنَ الْمُتَطَهِّرِينَ.)

197 – Умар (розияллоҳу анҳу) Расулуллоҳдан (соллал- лоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади: “Сизлардан бирон киши таҳоратини чиройли олса ва таҳорат олиб бўлгач, “Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарийка лаҳ ва анна муҳаммадан ʼабдуҳу ва росулуҳ”, деса, унга жаннат- нинг саккиз эшиги очилиб, (банда) хоҳлаган биридан ки- ради” (*Муслим, Абу Довуд, Термизий, Аҳмад, Ибн Хузайма, Ибн Ҳиббон ва Байҳақий ривояти. Термизий келтирган ри- воятда: “Аллоҳуммажъалний минат-таввабийн важъалний минал мутатоҳҳирийн”ни зиёда қилган*).

Тавба ва истиғфор билан қалбдаги кирлар кетади, таҳорат эса бадан зоҳирини ҳам, ботинини ҳам тозалай- ди. Тавба ва таҳорат уйғунлашса, банда тўлиқ покликка эришади.

Қайси бир банда таҳоратни мукаммал адо этиб, сўнг- ра “Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарийка лаҳ ва анна муҳаммадан ʼабдуҳу ва росулуҳ”, деса, у банда-

⁸⁶ Аммо Молик ибн Анас ва Музанийлар таҳоратда аъзоларни ишқалаш шарт- лигини таъкидлаган.

га жаннатнинг саккиз эшиги очилиб, унга хоҳлаганидан кира олар экан. Бу катта имконият. Бунинг учун ихлос ва кунт талаб этилади. Ўзини билган, ҳақни таниган бандда учун ушбу ривоятда ваъда қилинаётган мукофот жуда умидбахш ҳамда қалбни сурурга тўлдиради.

Дуонинг маъноси: “Гувоҳлик бераман, ягона Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Унинг шериги ҳам йўқ, Муҳаммад Унинг бандаси ва расулидир”. Термизий келтирган дуонинг маъноси: “Ё Аллоҳ, мени тавба қилувчилардан ва ўта пок зотлардан қилгин!”. Ҳанбалий уламолар ғуслдан кейин ҳам ушбу дуони ўқишни маъқуллаган.

۱۹۸ – وَعَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَنْ تَوَضَّأَ فَغَسَلَ كَفَيْهِ ثَلَاثًا وَاسْتَنْشَرَ ثَلَاثًا وَمَضَمَضَ ثَلَاثًا وَغَسَلَ وَجْهَهُ وَيَدَيْهِ ثَلَاثًا ثَلَاثًا وَمَسَحَ رَأْسَهُ ثَلَاثًا وَغَسَلَ رِجْلَيْهِ ثَلَاثًا ثَلَاثًا ثُمَّ قَالَ: أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ قَبْلَ أَنْ يَتَكَلَّمَ غُفِرَ لَهُ مَا بَيْنَهُ وَبَيْنَ الْوُضُوءَيْنِ. (رَوَاهُ الدَّارِقُطْنِيُّ.)

198 – Ибн Умар (розияллоҳу анху) ривоят қилади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким таҳорат олиб, икки кафтини уч марта ювса, уч мартадан истиншоқ ва мазмаза қилса, юз-қўлини уч мартадан ювса, бошига уч марта масҳ тортса ва оёғини уч марта ювса, сўнгра гапирмасдан олдин “Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳ ва анна муҳаммадан ʼабдуҳу ва росулуҳ”, деса, унинг икки таҳорат ўртасидаги (гуноҳ)лари кечирилади”, дедилар” (*Дорақутний ривояти*).

Бу ерда олдинги ривоятдагига нисбатан бир неча қўшимчалар учрайди. Яъни, мазкур дуони таҳорат олиб бўлгач, гапирмай туриб ўқиш керак. Колаверса, ушбу дуо ўқилгач, банда учун нафақат жаннатнинг саккиз эшиги очилади, балки унинг олдинги таҳорати билан ҳозиргиси орасида содир этган кичик гуноҳлари ҳам кечирилар экан.

۱۹۹ – وَعَنْ أَبِي سَعِيدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ

قَالَ: مَنْ تَوَضَّأَ فَقَالَ: سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ وَبِحَمْدِكَ أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ أَسْتَغْفِرُكَ وَأَتُوبُ إِلَيْكَ كُتِبَ فِي رَقٍّ ثُمَّ طُبِعَ بِطَابِعٍ فَلَمْ يَكْسِرْ إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ. (رَوَاهُ الْحَاكِمُ فِي الْمُسْتَدْرَكِ وَصَحَّحَهُ وَالنَّسَائِيُّ فِي السُّنَنِ الْكُبْرَى وَالطَّبْرَانِيُّ فِي الْأَوْسَطِ.)

199 – Абу Саид (розияллоҳу анҳу) Набийдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади: “Ким таҳорат олиб, (сўнгра) “субҳаанакаллоҳумма ва бихамдика ашҳаду аллаа илааҳа иллаа анта астағфирука ва атубу илайк”, деса, бу (айтган дуоси) бир саҳифага ёзилади ва унга муҳр урилади, сўнгра қиёмат кунигача ўчирилмайди” (Ҳоким “Мустадрок”да, Насоий “Ас-сунанул кубро”да ва Табароний “Авсат”да ривоят қилган. Ҳоким ҳадис саҳиҳ, деган).

Бу ерда таҳоратдан кейин ўқиладиган бошқа бир дуо келтирилмоқда. Дуонинг маъноси: “Эй Аллоҳ, Сен (барча айб-нуқсонлардан) Поксан, мен Сенга ҳамд айтаман. Мен Сендан бошқа илоҳ йўқ эканлигига гувоҳлик бераман, Сенга истиғфор айтаман ва тавба қиламан!”

٢٠٠ – وَعَنْ أَبِي مُوسَى الْأَشْعَرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: أَتَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِوُضوءٍ فَتَوَضَّأَ فَسَمِعْتُهُ يَدْعُو وَيَقُولُ: اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي ذَنْبِي وَوَسِّعْ لِي فِي دَارِي وَبَارِكْ لِي فِي رِزْقِي فَقُلْتُ: يَا نَبِيَّ اللَّهِ ، سَمِعْتُكَ تَدْعُو بِكَذَا وَكَذَا قَالَ: وَهَلْ تَرَكْنِ مِنْ شَيْءٍ. (رَوَاهُ النَّسَائِيُّ وَأَبُو يَعْلَى وَابْنُ السُّنِّيِّ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

200 – Абу Мусо Ашъарий (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Мен Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳорат суви олиб бордим. У зот таҳорат олиб бўлгач, “аллоҳуммағфир лий занбий ва вассиъ лий фий даарий ва баарик лий фий ризқий”, деб дуо қилаётганларини эшитиб, “ё Аллоҳнинг пайғамбари, Сиз фалон-фалон дуоларни ўқиётганингизни эшитдим”, деган эдим, у зот:

“Биронтаси қолиб кетдими?” дедилар” (Насоий, Абу Яъло ва Ибн Сунний ривояти. Ривоят санади саҳиҳ). Дуонинг маъноси: “Эй Аллоҳ, менинг гуноҳимни кечир, мен учун уйимда кенглик қил ва ризқимга барака бер!”

Таҳоратдан сўнг ушбу дуолардан бирини ёки барчасини кетма-кет ўқиш мумкин.

۱ – أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ.

۲ – اللَّهُمَّ اجْعَلْنِي مِنَ التَّوَّابِينَ وَاجْعَلْنِي مِنَ الْمُتَطَهِّرِينَ.

۳ – سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ وَبِحَمْدِكَ أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ أَسْتَغْفِرُكَ وَأَتُوبُ إِلَيْكَ.

۴ – اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي ذَنْبِي وَوَسِّعْ لِي فِي دَارِي وَبَارِكْ لِي فِي رِزْقِي.

Юқоридаги дуолардан кейин Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) салавот ва саломлар йўллаш суннат. Сомирий: «Таҳоратдан сўнг Қадр сураси уч марта ўқиладди», деган. Таҳоратда ҳар бир аъзони ювишда ўқиладиган дуолар ҳадис китобларида берилмаган⁸⁷. Аммо дуолар салафлардан ривоят қилинган. Ҳанафий ва моликий уламолар буни мустаҳаб санаган. Шофиъий уламолардан баъзилари унга рухсат беришган. Улар қуйидаги дуолардир.

“Бисмиллаҳ”дан сўнг:

الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي جَعَلَ الْمَاءَ طَهُورًا.

“Сувни покловчи қилиб қўйган Аллоҳ ҳамдга энг муносиб Зотдир!”

Мазмазада:

۱ – اللَّهُمَّ اسْقِنِي مِنْ حَوْضِ نَبِيِّكَ مُحَمَّدٍ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَأَسَا لَا أَظْمَأُ بَعْدَهُ أَبَدًا.

⁸⁷ Бу ҳақда Ибн Ҳиббон “Мажруҳийн”да Анас ибн Моликдан (розияллоҳу анху) ривоят келтирган. Аммо ровийлар силсиласида Аббод ибн Суҳайб бўлгани учун мазкур ривоят мавзӯ саналади. Шунингдек, бу бобда Али ва Баро ибн Озибдан (розияллоҳу анхумо) ҳам ривоятлар бор. Аммо уларнинг санади жуда заиф ва мажҳул. Шу сабаб жумҳур уламолар бу хусусда биронта ҳам саҳиҳ ҳадис ворид бўлмаганини айтган.

۲ - اَللّٰهُمَّ اَعِنِّيْ عَلٰى تِلَاوَةِ الْقُرْآنِ وَذِكْرِكَ وَشُكْرِكَ وَحُسْنِ عِبَادَتِكَ.

1. “Ё Аллоҳ, мени Пайғамбаринг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳавзидан бир қадаҳда суғоргин, натижада зинҳор чанқамай!”

2. “Ё Аллоҳ, менга Қуръон тиловати, Сени зикр қилиш, Сенга шукр қилиш ва Сен учун чиройли ибодат қилишимда ёрдам бергин!”

Истиншоқда:

اَللّٰهُمَّ لَا تَحْرِمْنِيْ رَائِحَةَ نَعِيْمِكَ وَجَنّٰتِكَ.

“Ё Аллоҳ, мени неъматларинг ва жаннатинг ҳидидан маҳрум қилма!”

Юзни ювишда:

اَللّٰهُمَّ بَيِّضْ وَجْهِيْ يَوْمَ تَبْيِضُ وُجُوهُ وَتَسْوَدُ وُجُوهُ.

“Ё Аллоҳ, баъзи юзлар оқарадиган ва яна баъзилари қораядиган қиёмат кунда менинг юзимни оқартиргин!”

Икки қўлни юваётганда:

اَللّٰهُمَّ اَعْطِنِيْ كِتَابِيْ بِيْمِيْنِي الْاَللّٰهُمَّ لَا تُعْطِنِيْ كِتَابِيْ بِشَمَالِي.

“Ё Аллоҳ, номаи аъмолимни ўнг томонимдан бергин! Эй Аллоҳ, номаи аъмолимни чап томонимдан бермагин!”

Бошга масҳ тортаётганда:

اَللّٰهُمَّ حَرِّمْ شَعْرِيْ وَبَشْرِيْ عَلٰى النَّارِ وَاظْلِنِيْ تَحْتَ عَرْشِكَ يَوْمَ لَا ظِلَّ اِلَّا ظِلُّكَ.

“Ё Аллоҳ, сочим ва бутун баданимни жаҳаннамга ҳаром қилгин ва Сенинг соянгдан ўзга соя бўлмайдиган (қиёмат) кунда мени Аршинг соясига олгин!”

Қулоққа масҳ тортаётганда:

اَللّٰهُمَّ اجْعَلْنِيْ مِنَ الَّذِيْنَ يَسْتَمِعُوْنَ الْقَوْلَ فَيَتَّبِعُوْنَ اَحْسَنَهُ.

“Ё Аллоҳ, мени каломни эшитиб, унинг яхшисига эргашадиганлардан қилгин!”

Икки оёқни юваётганда:

اللَّهُمَّ ثَبِّتْ قَدَمَيَّ عَلَى الصِّرَاطِ.

“Ё Аллоҳ, менинг икки қадамимни тўғри йўлда (ёки сирот кўпригида) мустаҳкам қилгин!”

Бўйинга масҳ тортаётганда:

اللَّهُمَّ اَعْتِقْ رَقَبَتِي مِنَ النَّارِ.

“Ё Аллоҳ, менинг бўйнимни жаҳаннамдан озод қил!” деб дуо қилади.

Таҳорат олгач, икки ракат нафл намоз ўқиш.

Бу намознинг алоҳида номи йўқ. Аммо омма тилида мазкур намоз “шукри вузу намози” дейилади.

۲۰۱ – عَنْ عُقْبَةَ بْنِ عَامِرِ الْجُهَنِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَنْ تَوَضَّأَ فَأَحْسَنَ الْوُضُوءَ ثُمَّ صَلَّى رَكَعَتَيْنِ يُقْبَلُ عَلَيْهِمَا بِقَلْبِهِ وَوَجْهِهِ وَجَبَتْ لَهُ الْجَنَّةُ. (رَوَاهُ النَّسَائِيُّ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ).

201 – Уқба ибн Омир Жуханий (розияллоҳу анху) ривоят қилади: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким таҳоратни чиройли олиб, сўнгра қалби ва юзи билан юзланган ҳолда икки ракат намоз ўқиса, унга жаннат вожиб бўлади”, дедилар” (*Насоий ривояти. Ривоят санади саҳиҳ*).

Қайси банда таҳоратни мукаммал олиб, сўнгра хушу ва ихлос билан икки ракат намоз ўқиса, унга жаннатга кириш вожиб бўлади. Қандай ажойиб мужда! Бунга эришиш учун бир оз ҳафсала ва қунт қилинса, унинг эвазига улуғ мартабага эришади. Таҳорат олгач, намоз ўқиш макруҳ ёки ҳаром бўлмаган пайтлар бўлса, икки ракат намоз ўқиб олади. Акс ҳолда, намоз ўқимади. Тонг отгандан бошлаб, қуёш бир найза бўйи кўтарилгунча, қуёш тиккага келган пайт, аср намозидан сўнг то шомгача бўлган вақт оралигида нафл намозини ўқиш мумкин эмас. Лекин жума куни таҳорат олгач, қуёш тиккага келган бўлса ҳам, нафл

намоз ўқиб олса бўлади. Чунки жума куни жаҳаннам қиздирилмайди.

ТАҲОРАТДАГИ МАКРУҲ АМАЛЛАР

Таҳорат одобларига зид ҳисобланган барча амаллар таҳоратдаги макруҳ амаллардир. Жумладан:

Нажосат бор жойда таҳорат қилиш.

Маълумки, таҳорат покланишдир. Бу амални пок жойда, либос ва баданга ифлос нарсалар тегмайдиган тоза жойда қилиш лозим.

Таҳорат суннатларидан бирини узрсиз тарк қилиш.

Бунда суннат амалларга эътиборсизлик ва ҳафсаласизлик юзага келади. Таҳоратдаги барча суннат амаллар таъкидланган бўлиб, уларсиз таҳорат мукаммал бўлмайди.

Сувни исроф қилиш.

Маълумки, таҳоратда аъзоларни уч мартадан ювиш суннат. Агар уч ёки икки марта ювганига шубҳа пайдо бўлса, уч марта ювган деб ҳисобланади. Чунки аъзоларни икки марта ювиш билан кифояланса, зарари йўқ. Аммо уч марта ювган тақдирда икки марта ювдим деб ўйлаб, ювишни тўрт мартага етказилса, бу ҳам исрофга киради. Хоҳ пулга, хоҳ текин, хоҳ арзон, хоҳ қиммат бўлсин, сувни исроф қилиш ҳаром. Исрофда молларнинг одамлар ўлчовидаги қийматига қаралмайди. Балки Аллоҳ тарафидан махлуқотлар манфаати учун яратилган ҳар қандай нарса-ни беҳуда сарфлаш исрофга киради.

Агар сув таҳорат олаётган кишиники бўлса, сувни исроф қилиш макруҳ. Агар у жамоатники бўлса, исроф қилиш ҳаромдир. Чунки бунда ўзидан бошқалар ҳақиқага тажовуз қилган бўлади. Шофиъийдан бошқа жумхур уламо-лар наздида, бошга бир мартадан ортиқ масҳ тортиш ҳам исроф.

Худди масҳ тортаётгандек сувни ҳаддан ташқари оз ишлатиш.

Таҳоратда сувни ишлатишда ўртача йўл тугилади. Сувни ҳаддан зиёд кўп ишлатиб, исрофга йўл қўйилмай-

ди. Аксинча, поклаш лозим бўлган жойларга сув тўлик етиб бормаса ёки уларни нам қўл билан ишқаб қўйилса, кифоя қилмайди. Аъзолардан камида икки томчи сув оқиши керак.

Сувни юзга зарб билан уриш.

Сув юзга зарб билан урилса, ундан ён-атрофга сачрайди. Бу эса одобга зиддир. Шунингдек, юз мўътабар аъзо, уни юмшоқлик билан ювган маъқул.

Таҳорат асносида узрсиз одамларнинг сўзи, яъни дунёга тегишли сўзларни сўзлаш.

Ортиқча сўз кишини дуо ва хушудан чалғитади. Намоз Аллоҳ билан мулоқот қилишдир. Бунинг учун банда жисми ва руҳини поклаши керак. Намозга рисоладагидек тайёргарлик кўриш учун фикрни бир жойга жамлаб, Аллоҳ кўриб турганини қалбан ҳис этган ҳолда, эътибор ва ҳафсала билан таҳорат олинса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Бировнинг ёрдамидан узрсиз ҳолда фойдаланиш.

Юқорида бу масалани кўриб ўтдик. Фақат касаллик ёки кексалик туфайли таҳоратда бошқалар ёрдамидан фойдаланиш жоиз.

Чап қўл билан мазмаза ва истиншоқ қилиб, узрсиз ҳолда ўнг қўл билан бурунни қоқиш.

Оғиз ва бурунга ўнг қўл билан сув олиб, чап қўл ёрдамида бурун қоқилади. Бунинг акси таҳорат одобларига зид.

Рўзадор оғиз ва бурнига муболаға билан кўп сув олиши.

Рўзадор бўлмаганлар оғиз ва бурунни яхшилаб, ачиштириб ювиши афзал. Аммо рўза тутганлар эҳтиёткорлик билан иш тутишлари лозим. Акс ҳолда рўзанинг очилиб кетиш хафви бор.

ТАҲОРАТДАН СЎНГ СОЧИҚ БИЛАН АРТИНИШ ҲАҚИДА

۲۰۲ – عَنْ أَبِي مَرْيَمَ إِيَّاسَ بْنِ جَعْفَرٍ عَنْ فُلَانٍ رَجُلٍ مِنَ الصَّحَابَةِ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ لَهُ مَنَدِيلٌ أَوْ خِرْقَةٌ يَمْسَحُ بِهَا وَجْهَهُ إِذَا تَوَضَّأَ. (رَوَاهُ النَّسَائِيُّ فِي الْكُنَى بِسَنَدٍ صَحِيحٍ.)

202 – Абу Марям Иёс ибн Жаъфар саҳобалардан бўлган фалончидан ривоят қилишича, Набийнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир дастрўмоллари ёки матолари бўларди. Агар таҳорат қилсалар, ўша билан юзларини артар эдилар (*Насоий “Ал-Кунаа”да саҳиҳ санад билан ривоят қилган*).

Демак, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳорат олганларидан кейин сочиқ билан артинар эдилар. Қуйидаги ривоят ҳам буни тасдиқлайди.

۲۰۳ – وَعَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: كَانَ لِرَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ خِرْقَةٌ يُنَشِّفُ بِهَا بَعْدَ الْوُضُوءِ. (رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَالْحَاكِمُ وَسَنَدُهُ ضَعِيفٌ.)

203 – Ойша (розияллоҳу анҳо) ривоят қилади: “Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир матолари бўлиб, таҳоратдан сўнг ўша билан артинар эдилар” (*Термизий ва Ҳоким ривояти. Ривоят санади заиф*).

Бу ривоятни ўқиб, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам таҳоратдан кейин доимо сочиқ билан артинар эканлар, деган хулосага келиш тўғри эмас. У зот баъзи ҳолларда артинмаганлар. Ҳар иккиси ҳам жоиз. Аммо уламолар иложи бўлса, артинмаган афзал, деган. Албатта, бу иссиқ ўлкаларга хослаб айтилган. Совуқ диёрларда таҳорат ва ғуслдан кейин сочиқ билан артинмаслик шамоллаш ва бошқа касалликларни келтириб чиқаради. Социқ билан артиниш ҳақида келган ривоятлар кўп. Аммо уларнинг аксарияти санадида заифлик бўлса, улар ичида санади саҳиҳлари ҳам бор.

Бир тоифа уламолар Ойшадан (розияллоҳу анҳо) келтирилган ривоятни далил қилиб, таҳоратдан кейин сочиқ билан артиниш мустаҳаб, деган. Аммо баъзи салафлар буни афзал кўрмаган. Чунки гуноҳлар сув томчилари билан чиқиб кетади. Саҳиҳ ҳадисда “унинг гуноҳлари сув билан ёки сувнинг охирги томчиси билан чиқиб кетади”, дейилган. Агар таҳоратдан кейин сочиқ билан артинилмаса, гуноҳлар тўлиқ мағфират қилинади, дейишган. Лекин аксар уламолар совуқ кунларда таҳоратдан сўнг сочиқ билан артинган ҳолатда ҳам ваъда қилинган ажр-савоб ва мағфиратга эришилишини билдирган.

۲۰۴ – وَعَنْ مُعَاذِ بْنِ جَبَلٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: رَأَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا تَوَضَّأَ مَسَحَ وَجْهَهُ بِطَرَفِ ثَوْبِهِ. (رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَالطَّبْرَانِيُّ وَالْبَزَّازُ وَسَنَدُهُ ضَعِيفٌ.)

204 – Муоз ибн Жабал (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Мен Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳорат қилганларида кийимларининг чети билан юзларини артинганларини кўрганман” (*Термизий, Табароний ва Баззор ривояти. Ривоят санади заиф*).

Бу ривоятда ҳам таҳоратдан кейин сочиқ билан артиниш жоизлиги зикр қилинмоқда.

Салафлардан таҳоратдан кейин сочиқ билан артиниш ҳақида ривоятлар бор. Усмон, Ҳасан ибн Али, Анас, Башир ибн Абу Масъуд таҳоратдан кейин сочиқ ишлатган. Ҳасан Басрий, Ибн Сирийн, Алқама, Асвад, Масруқ ва Заҳҳок бунга рухсат берган. Молик, Саврий, Аҳмад ва Исҳоқ бунинг аҳамияти йўқлигини айтган. Ҳанафий ва ҳанбалийлар наздида таҳоратдан кейин сочиқ билан артинишни тарк қилиш одоб. Аслида бунда сочиқ билан артиниш жоиз. Соғлиғига зарар етмаса, артинмаслик афзал.

Таҳоратдан сўнг артинмасликнинг фазилатлари:

- таҳорат суви мезонда ўлчанади;
- таҳорат суви қиёмат куни нур бўлади;
- таҳорат суви томчилари билан банда гуноҳлари тўкилади;
- сочиқ билан артинса, бадандан ибодатнинг асари кетади;
- таҳорат суви аъзоларда турган чоғида тасбеҳ айтади.

۲۰۵ – وَعَنْ سَلْمَانَ الْفَارِسِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تَوَضَّأَ فَقَلَبَ جُبَّةَ صُوفٍ كَانَتْ عَلَيْهِ فَمَسَحَ بِهَا وَجْهَهُ. (رَوَاهُ ابْنُ مَاجَةَ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

205 – Салмон Форсий (розияллоҳу анҳу) ривоят қилишича, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳорат қилиб, эгниларидаги жундан қилинган жубба (кийим) нинг орқасини ўгирганлар ва ўша билан юзларини артганлар (*Ибн Можа ривояти. Ривоят санади саҳиҳ*).

Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳоратдан сўнг сочиқ ва шунга ўхшаш матолар билан артинганлари ҳақида биз билган икки саҳиҳ ҳадис ва у зот ғусл қилганларидан сўнг қўллари билан баданларидаги сувни сидирганлари таҳоратдан кейин сочиқ билан артиниш жоизлиги, бу ишнинг ҳеч қандай ёмон жойи йўқлигига далолат қилади. Айниқса, қиш кунлари ёки совуқ пайтда шундай қилинади. Аммо иссиқ кунларда таҳоратдан сўнг сочиқ ишлатмаслик афзал.

РАСУЛУЛЛОҲ (СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМ) ТАҲОРАТЛАРИ

۲۰۶ – عَنْ حُمْرَانَ مَوْلَى عُمَانَ أَخْبَرَ أَنَّ عُمَانَ بْنَ عَفَّانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ دَعَا بَوْضُوءَ فَتَوَضَّأَ فَغَسَلَ كَفَيْهِ ثَلَاثَ مَرَّاتٍ ثُمَّ مَضَمَّ وَاسْتَنْشَرَ ثُمَّ غَسَلَ وَجْهَهُ ثَلَاثَ مَرَّاتٍ ثُمَّ غَسَلَ يَدَهُ الْيُمْنَى إِلَى الْمِرْفَقِ ثَلَاثَ مَرَّاتٍ ثُمَّ غَسَلَ

يَدَهُ الْيُسْرَى مِثْلَ ذَلِكَ ثُمَّ مَسَحَ رَأْسَهُ ثُمَّ غَسَلَ رِجْلَهُ الْيُمْنَى إِلَى الْكَعْبَيْنِ ثَلَاثَ مَرَّاتٍ ثُمَّ غَسَلَ الْيُسْرَى مِثْلَ ذَلِكَ ثُمَّ قَالَ: رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تَوَضَّأَ نَحْوَ وَضُوءِي هَذَا ثُمَّ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَنْ تَوَضَّأَ نَحْوَ وَضُوءِي هَذَا ثُمَّ قَامَ فَرَكَعَ رَكَعَتَيْنِ لَا يُحَدِّثُ فِيهِمَا نَفْسَهُ غُفِرَ لَهُ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِهِ. (رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَالتَّسَائِيُّ وَأَحْمَدُ وَابْنُ خُزَيْمَةَ وَالدَّارِقُطْنِيُّ.)

206 – Усмоннинг мавлоси Ҳумрон ривоят қилишича, Усмон ибн Аффон таҳорат суви чақиртириб, таҳорат қилди – икки кафтини уч марта ювди, мазмаза ва истиншоқ қилди, юзини уч марта, ўнг қўлини тирсагигача уч марта ва чап қўлини ҳам шундай ювди, кейин бошига масҳ тортди, ўнг оёғини тўпиғигача уч марта ва чап оёғини ҳам худди шундай ювди ва: “Мен Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мен қилган таҳоратим каби таҳорат қилганларини кўрганман. Сўнг Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким шу таҳоратимга ўхшаш таҳорат қилса, сўнгра туриб, гапирмаган ҳолда икки ракат намоз ўқиса, унинг ўтган гуноҳлари кечирилади”, дедилар”, деб айтди (*Бухорий, Муслим, Насоий, Аҳмад, Ибн Хузайма ва Дорақутний ривояти*).

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қандай таҳорат олганлари кўплаб саҳобалар томонидан ривоят қилинган. Улар ичида энг тўлиғи айнан Усмондан (розияллоҳу анҳу) келтирилган ривоят. Уламолар ушбу ривоят таҳорат сифати ва унга оид ҳукмлар чиқаришда энг асосий ривоятлардан бири эканини алоҳида таъкидлаган. Чунки бу ривоят Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) энг ишончли саҳобаларидан бўлган ҳазрат Усмондан (розияллоҳу анҳу) келтирилган. Қолаверса, бу ривоят бошқаларидан кўра тўлиқроқ саналади. Бундан ташқари, ривоят санади ҳам саҳиҳ.

Ушбу ривоятдан олинадиган фойда ва хулосалар:

1. Усмон (розияллоҳу анҳу) одамларга илм ўргатишга каттиқ қизиққани;

2. Усмон (розияллоҳу анҳу) Набийнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қандай таҳорат олишларини эътибор бериб ўргангани ва кейинчалик уни бошқаларга ўргатгани;

3. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳорат олишдан олдин қўлларини уч марта ювиш одатлари борлиги. Бу нарса фақат уйқудан турган ёки қўли нопок бўлганларгагина хос эмаслиги;

4. Бирон киши таҳоратини Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) каби мукаммал бажара олмаслиги. Шунга урғу берилиб, ривоятда “мен каби” эмас, балки “шу таҳоратимга ўхшаш таҳорат қилса...” дейилмоқда;

5. Таҳоратда оёққа масҳ тортиш жоиз, деганлар фикри хато бўлиб, балки таҳоратни тўғри адо этиш оёқларни тўлиқ ювишга боғлиқлиги;

6. Таҳорат ва ундан кейин ўқиладиган икки ракат намоз кичик гуноҳларга каффорат бўлиши;

۲۰۷ – وَعَنْ أَبِي حَيَّةَ قَالَ: رَأَيْتُ عَلِيًّا تَوَضَّأَ فَغَسَلَ كَفَيْهِ حَتَّى أَنْقَاهُمَا ثُمَّ مَضَمَّ ثَلَاثًا وَأَسْتَنْشَقَ ثَلَاثًا وَغَسَلَ وَجْهَهُ ثَلَاثًا وَذَرَاعَيْهِ ثَلَاثًا وَمَسَحَ بِرَأْسِهِ مَرَّةً ثُمَّ غَسَلَ قَدَمَيْهِ إِلَى الْكَعْبَيْنِ ثُمَّ قَامَ فَأَخَذَ فَضْلَ طَهُورِهِ فَشَرِبَهُ وَهُوَ قَائِمٌ ثُمَّ قَالَ: أَحَبُّتُ أَنْ أُرِيكُمْ كَيْفَ كَانَ طَهُورُ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ. (رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَأَحْمَدُ وَأَبُو يَعْلَى وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

207 – Абу Ҳайя ривоят қилади: “Мен Алининг таҳорат қилганини кўрдим. У икки кафтини тоза бўлгунича ювди, кейин уч марта мазмаза қилди, уч марта истиншоқ қилди, юзини уч марта ва икки қўлини уч мартадан ювиб, бошига бир марта масҳ тортди, сўнг икки оёғини тўпиғигача ювди ва ўрнидан турди, таҳоратдан ортиб қолган сувни олиб турган ҳолида ичди. Кейин: “Мен сизларга Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳоратлари қандай экани-

ни кўрсатмоқчи эдим”, деди” (Термизий, Аҳмад ва Абу Яъло ривояти. Ривоят санади саҳиҳ).

Бу ривоятда Али (розияллоҳу анху) одамларга Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қандай таҳорат қилганларини кўрсатиб, сўнгра турган ҳолда ундан ортиб қолган сувни ичгани айтилмоқда.

۲۰۸ – وَعَنْ عَبْدِ خَيْرٍ عَنْ عَلِيٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ دَعَا بِكُوزٍ مِنْ مَاءٍ ثُمَّ قَالَ: *أَيْنَ هَؤُلَاءِ الَّذِينَ يَزْعُمُونَ أَنَّهُمْ يَكْرَهُونَ الشُّرْبَ قَائِمًا قَالَ: فَأَخَذَهُ فَشَرِبَ وَهُوَ قَائِمٌ ثُمَّ تَوَضَّأَ وَضُوءًا خَفِيفًا وَمَسَحَ عَلَى نَعْلَيْهِ ثُمَّ قَالَ: هَكَذَا وَضُوءُ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِلظَّاهِرِ مَا لَمْ يُحَدِّثْ.* (رَوَاهُ أَحْمَدُ وَابْنُ خَزِيمَةَ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ.)

208 – Абдухайрдан ривоят қилинишича, Али (розияллоҳу анху) бир идишда сув олиб келишларини буюрди ва: “Туриб ичимлик ичишни ёмон кўрадиганлар қани?” деди ва идишни олиб, турган ҳолида сувдан ичди. Сўнгра енгил таҳорат қилди ва икки пойабзалига масҳ тортди. Кейин у: “Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу(ндай) таҳоратлари таҳорати бузилмаган таҳоратли киши учундир”, деди (Аҳмад ва Ибн Хузайма ривояти. Ривоят санади ҳасан).

Бу ерда аввалги ривоятдаги каби Али (розияллоҳу анху) томонидан Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳоратлари оммага кўрсатилгани ва тик турган ҳолда ичимлик ичиш жоизлиги айтилмоқда. Тик турган ҳолда сув ичиш борасида турли ривоятлар бор. Аллоҳ насиб қилса, кези келганида бу масалани ҳам батафсил ўрганамиз.

Бу ерда эътибор берилиши керак бўлган жиҳат шуки, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳоратлари синмаган бўлса, “енгил” таҳорат олардилар. Аслида таҳоратни бундай сифатлаш ноўрин. Бу сўз Али (розияллоҳу анху) таъбири билан айтилмоқда. “Енгил таҳорат” аъзоларни бир марта ювиш ёки уларга масҳ тортгандек сув теккизишдир. Қуйидаги ривоят ҳам буни қувватлайди.

Наззол ибн Сабра ривоят қилади: “Али (розияллоҳу анҳу) пешинни ўқиб бўлгач, одамлар ҳожати учун ўтирди. Аср вақти кирганида, бир идишда сув олиб келинди. У бир ҳовуч сув олиб, уни юзи, икки қўли, боши ва оёғига суртди (масҳ тортди). Сўнгра таҳоратдан ортиб қолган сувни олиб, тик турган ҳолда ичди ва: “Одамлар буни ёмон кўради. Мен Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шундай қилганларини кўрганман. Бу таҳорати бузилмаган кишининг таҳоратидир”, деди” (*Насоий, Ибн Ҳиббон ва Абу Яъло ривояти. Ривоят санади саҳиҳ*).

РАСУЛУЛЛОҲ (СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМ) ТАҲОРАТ СУВЛАРИНИНГ ФАЗИЛАТИ

۲۰۹ – عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: مَرَضْتُ فَاتَانِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَأَبُو بَكْرٍ يَعُودَانِي مَاشِيَيْنِ فَأَغَمِي عَلَيَّ فَتَوَضَّأْتُ ثُمَّ صَبَّ عَلَيَّ مِنْ وُضُوئِهِ فَأَفَقْتُ قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ كَيْفَ أَقْضِي فِي مَالِي فَلَمْ يَرُدَّ عَلَيَّ شَيْئًا حَتَّى نَزَلَتْ آيَةُ الْمِيرَاثِ «يَسْتَفْتُونَكَ قُلْ اللَّهُ يُفْتِيكُمْ فِي الْكُلَالَةِ».
(رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَالنَّسَائِيُّ.)

209 – Жобир ибн Абдуллоҳ (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Касал бўлиб қолганимда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ва Абу Бакр мени кўргани пиёда юриб келишди. Ўша вақтда мен ҳушимдан кетиб қолдим. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳорат қилиб, таҳорат сувларидан менга сепган эдилар, ҳушимга келдим ва: “Ё Расулуллоҳ, молимни қандай васият қиламан?” деб сўрадим. У зот менга бирон нарса демадилар. Шунда мерос ояти – “(Эй Муҳаммад,) **Сиздан фатво сўрайдилар. Аллоҳ сизларга калола ҳақида фатво беради**”, деб **айтинг**” (ояти) тушди” (*Муслим ва Насоий ривояти*).

Ушбу ривоятда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ва Абу Бакр (розияллоҳу анҳу) бемор Жобир ибн Абдуллоҳни (розияллоҳу анҳу) кўргани боришгани ва у ерда

мерос ҳақида оят нозил қилинишига сабаб бўлган ҳодиса юз бергани айтилмоқда.

Бу ерда эътибор қаратишимиз лозим бўлган жиҳатлар қуйидагилар:

1. Беморни зиёрат қилиш улуғ ишлардан экани. Айниқса, бу иш пиёда амалга оширилса;

2. Солиҳ ва тақводор кишилардан қолган нарса мўътабар экани. Хусусан, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳорат сувларининг баракали экани. Уламолар ушбу ривоятни далил қилиб, мустаъмал сув покиза эканини айтган. Чунки Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) идишдаги ортиб қолган сувдан эмас, балки қўлларидаги сувдан Жобир ибн Абдуллоҳга сепганлари ҳақиқатга яқинроқ;

3. Оғир ҳолатда ётган беморлар мол-мулкани меросхўрларга тақсимлаб бериши яхши экани;

۲۱۰ – وَعَنْ عَوْنِ بْنِ أَبِي جُحَيْفَةَ عَنْ أَبِيهِ قَالَ: شَهِدْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِالْبَطْحَاءِ وَأَخْرَجَ بِلَالٌ فَضْلَ وَضُوءَهُ فَأَبْتَدَرَهُ النَّاسُ فَنَلَتْ مِنْهُ شَيْئًا وَرَكَزَتْ لَهُ الْعَنْزَةَ فَصَلَّى بِالنَّاسِ وَالْحُمْرِ وَالْكَلابِ وَالْمَرْأَةِ يَمْرُونَ بَيْنَ يَدَيْهِ.
(رَوَاهُ النَّسَائِيُّ فِي السُّنَنِ وَالطَّبْرَانِيُّ فِي الْكَبِيرِ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

210 – Авн ибн Абу Жухайфа отасидан ривоят қилади: “Мен Набийни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Батҳода кўрдим. Билол у зотдан қолган таҳорат сувини олиб чиқди. Одамлар ундан олиб қолиш учун шошилди. Мен ҳам ундан бирон нарса олдим. Мен у зот учун асони ерга қадаб қўйдим. Бас, у зот одамлар билан намоз ўқидилар. Олдиларидан эшак, ит ва аёллар ўтиб турар эди” (*Насоий “Сунан”да ва Табароний “Кабир”да ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ*).

Бу ерда Набийдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қолган нарсалар баракали бўлгани, ҳатто у зотнинг таҳорат сувидан ортгани ҳам одамлар наздида қадрли экани ва у сувнинг кишилар ўртасида талаш бўлгани айтилмоқда.

ТАҲОРАТ ОЛИШ ТАРТИБИ

Юқорида таҳоратнинг фарз, суннат, мустаҳаб ва одоблари ҳақида тўхталдик. Энди уларни жамлаган ҳолда умумий тавсифини келтирамиз. Шариатимиз кўрсатмалари энди-энди ўрганаётганлар учун бу нарса қийин бўлмайди.

– таҳорат олиш учун дастлаб ният қилинади. Агар эҳтиёж бўлса, хожатхонага бориб, истинжо қилинади (Истинжога бормаса, ният қилиниб, қўлни ювиш билан таҳорат олишни бошлайди);

– сўнгра, “бисмиллаҳ” билан таҳорат олишга киришилади;

– олдин икки қўл бармоқлар ораси хилол қилиниб, бўғимигача ювилади;

– ўнг қўлда сув олиниб, оғиз уч марта чайилади (Шу пайтда мисвок қилинади);

– бурунга ўнг қўл билан уч марта сув олиниб, чап қўл билан қоқиб ташланади;

– сўнгра бошнинг соч чиққан жойидан ияк ости билан юзни икки қулоқ юмшоғигача қўшиб уч марта ювилади;

– аввал ўнг қўл, сўнгра чап қўл тирсаклари билан қўшиб уч марта ювилади. Бунда бармоқ учлари ҳам қўшилади ва бармоқлар ораси хилол қилинади;

– қўлга янги сув олиб, тўкиб ташланади ва бошнинг ҳамма қисмига бир марта масҳ тортилади;

– бошга масҳ тортилган нам қўл билан кўрсаткич бармоқлар ёрдамида қулоқлар ичи, бош бармоқ билан қулоқлар орқасига бир марта масҳ тортилади;

– қўл янгидан намланиб, иккала кафтнинг орқаси билан бўйинга масҳ тортилади;

– бўйинга масҳ тортилгач, чап қўл билан аввал ўнг оёқ, сўнгра чап оёқ тўпикларига қўшиб, бармоқлар ораси хилол қилиниб уч марта ишқалаб ювилади;

– таҳорат олиб бўлгач, Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилинган дуолар ўқилади.

ТАҲОРАТНИ СИНДИРУВЧИ АМАЛЛАР

Қуйидагилар таҳоратни синдиради⁸⁸:

Орқа ва олд йўлдан чиққан ҳар қандай нарса.

Хоҳ ахлат, хоҳ бавл (мазий, вадий, маний ҳам), хоҳ ел, хоҳ қурт ва шунга ўхшаш нарсалар бўлсин, икки нажосат йўлидан чиқса, таҳорат синади. Шунингдек, бу икки йўлдан бирига бармоқ кирса ёки клизма қилинса ҳам таҳорат кетади.

۲۱۱ – عَنْ زُرِّ بْنِ حُبَيْشِ الْأَسَدِيِّ قَالَ: سَأَلْتُ صَفْوَانَ بْنَ عَسَّالٍ عَنِ الْمَسْحِ عَلَى الْخَفَّيْنِ فَقَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَأْمُرُنَا إِذَا كُنَّا مُسَافِرِينَ أَنْ نَمْسَحَ عَلَى خِفَافِنَا وَلَا نَنْزَعَهَا ثَلَاثَةَ أَيَّامٍ مِنْ غَائِطٍ وَبَوْلٍ وَنَوْمٍ إِلَّا مِنْ جَنَابَةٍ. (رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَالنَّسَائِيُّ وَابْنُ مَاجَةَ وَالشَّافِعِيُّ وَأَحْمَدُ وَالِدَّارِقُطْنِيُّ وَابْنُ خُزَيْمَةَ وَابْنُ حِبَّانَ وَالطَّبْرَانِيُّ فِي الْكَبِيرِ وَالْأَوْسَطِ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ.)

211 – Зирр ибн Хубайш Асадийдан ривоят қилинади: “Мен Сафвон ибн Ассолдан маҳсига масҳ тортиш ҳақида сўрадим. У: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бизларни, агар сафарга чиқсак, маҳсига масҳ тортишга, уч кунгача катта ҳожат, кичик ҳожат ва уйқудан сўнг уни ечмасликка буюрар эдилар. Фақат жунубликдан (ечишга буюрганлар)”, деди” (*Термизий, Насоий, Ибн Можа, Шофибий, Аҳмад, Дароқутний, Ибн Хузайма, Ибн Хиббон, Табароний “Кабир” ва “Авсат”да ривоят қилган. Ривоят санади ҳасан.*)

Ушбу ривоятда икки йўлдан нажосат чиқиши ва уйқу туфайли таҳорат кетиши айтилмоқда.

⁸⁸ Таҳоратни бузувчи нарсалар борасида мазҳаблар ўртасида ихтилоф бор. Уларнинг аксариятида иттифоқ қилинган бўлса, баъзисида ўзгача фикрлар илгари сурилган.

Ҳанафийлар наздида, таҳоратни синдирувчи нарсалар ўн иккита, моликийларда учта, шофиийларда бешта ва ханбалийларда саккизта. Биз ханафий мазҳабини оламиз.

Таҳоратни бузувчи хос нарсаларга маҳсига тортилган масҳ муддатининг туғаши ёки маҳсини ечиш, мустаҳожа ёки чакмазак (сийдик оқиб туриши) касалига учраганларнинг намоз вақти чиқиши билан таҳоратлари синиши ва шу кабилар киради.

۲۱۲ – وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: لَا تُقْبَلُ صَلَاةٌ مَنْ أَحْدَثَ حَتَّى يَتَوَضَّأَ قَالَ رَجُلٌ مِنْ حَضْرَمَوَاتٍ: مَا الْحَدِيثُ يَا أَبَا هُرَيْرَةَ قَالَ: فُسَاءٌ أَوْ ضِرَاطٌ. (رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَأَحْمَدُ وَعَبْدُ الرَّزَّاقِ وَالْيَهْقِي فِي السُّنَنِ الْكُبْرَى.)

212 – Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу): “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Кимнинг таҳорати бузилса, (қайтадан) таҳорат олмагунича, унинг намози қабул бўлмайди”, дедилар”, деганида, ҳазрамавтлик бир киши: “Эй Абу Ҳурайра, таҳоратни нима синдиради?” деб сўради. У киши: “Овозсиз ёки овоз билан чиққан ел”, деб жавоб берди (Бухорий, Аҳмад, Абдураззоқ, Байҳақий “Ас-сунанул кубро”да ривоят қилган).

Ушбу ривоятда овозли ва овозсиз ел чиқиши билан таҳорат синиши айтилмоқда. Аммо аёлнинг олд ва эркакнинг закаридан чиққан ел таҳоратни синдирмайди. Чунки у ҳақиқий ел ҳисобланмайди.

Уламолар ҳазрамавтлик киши Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) таҳоратни синдирадиган амал ҳақида сўраганда фақат ел чиқишини айтганига бир неча сабабларни келтиради:

– бошқаларидан кўра ел чиқиши намозда кўп кузатилади. Шу сабаб Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) мана шуни хослаб жавоб берган;

– ел чиқиши таҳоратни кетказишида шубҳа ва ихтилоф йўқ. Масалан, закарни ушлаш, аёлга тегиш ва қон олдириш кабилар таҳоратни синдиришида ихтилофлар бор;

– Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ҳазрамавтлик киши елдан бошқа таҳоратни синдирувчи амалларни билади, деб ўйлаган. Шу сабаб қисқа жавоб билан кифояланган;

– ел чиқиши таҳоратни кетказувчи амалларнинг энг кичиги. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) энг кичигини айтсам, қолганлари шундоқ ҳам маълум бўлади, деган хаёлга борган бўлиши мумкин. Аллоҳ билгувчидир!

۲۱۳ – وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: لَا وُضُوءَ إِلَّا مِنْ صَوْتٍ أَوْ رِيحٍ. (رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَابْنُ مَاجَةَ وَأَحْمَدُ وَابْنُ خُزَيْمَةَ وَالطَّبْرَانِيُّ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

213 – Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилишича, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Таҳорат фақат овоз ёки ҳиддан қилинади”, деганлар (*Термизий, Ибн Можа, Аҳмад, Ибн Хузайма ва Табароний ривояти. Ривоят санади саҳиҳ*).

Бу ерда ҳам ел чиқиши билан таҳорат синиши айтилмоқда. Агар овозли ел чиқса ёки у овозсиз бўлса ҳам, унинг ҳиди атрофга тарқалса, таҳорат бузилган бўлади. Бу ҳадисда айтилган гапни “елдан бошқа нарса таҳоратни бузмас экан-да”, деб тушунмаслик керак. Балки бу ерда ел чиқиши билан таҳорат аниқ бузилиши айтилмоқда. Эҳтимол бу ҳадис сўровчининг ҳолига қараб, васвасадан қайтариш мақсадида ҳослаб айтилган бўлиши ҳам мумкин.

۲۱۴ – وَعَنْ عَلِيِّ بْنِ طَلْقٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِذَا فَسَأَ أَحَدُكُمْ فِي الصَّلَاةِ فَلْيَنْصِرْفْ فَلْيَتَوَضَّأْ وَلْيُعِدِّ الصَّلَاةَ. (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَابْنُ حَبَّانَ وَالطَّبْرِيُّ وَالِدَّارِقُطْنِيُّ وَسَنَدُهُ ضَعِيفٌ.)

214 – Али ибн Толқ (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Агар сизлардан биронтангиз намозда овозсиз ел чиқарса, бас, бориб таҳорат қилсин ва намозини қайтариб ўқисин!” деганлар” (*Абу Довуд, Ибн Ҳиббон, Табароний ва Дорақутний ривояти. Ривоят санади заиф*).

Баъзи ҳолларда намоз ўқиётганда беихтиёр ёки бирон узр туфайли ел чиқиб кетиши мумкин. Шунда намозни тўхтатиб, янги таҳорат олинад ва намоз бошидан қайтариб ўқилади. Бу имомга эргашувчиларга хос ҳукмдир. Агар имом шундай ҳолатга тушиб қолса, бурнини беркитиб, ўрнига олдинги сафдагилардан бирини қўйиб, масжиддан чиқиб кетади ва таҳорат олиб, намозини ўқийди.

۲۱۵ – وَعَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: لَا يَنْقُضُ الْوُضُوءَ إِلَّا مَا خَرَجَ مِنْ قَبْلِ أَوْ دُبْرٍ. (رَوَاهُ الدَّارِقُطْنِيُّ فِي كِتَابِهِ غَرَائِبِ مَالِكٍ وَهُوَ ضَعِيفٌ.)

215 – Ибн Умар (розияллоҳу анҳу) Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади: “Таҳоратни фақат олд ёки орқадан чиққан нарса бузади” (*Дорақутний “Ғароиб Молик” китобида ривоят қилган. Ривоят санади заиф*).

Бу ерда таҳоратни бузадиган амалларнинг бошқалари билдирилмоқда. Ҳақиқатан ҳам, бу ҳолат аъзонинг қонаши, уйқу ва оғиз тўлиб қусишдан кўра кўпроқ кузатилади.

۲۱۶ – وَعَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: الْوُضُوءُ مِمَّا يَخْرُجُ وَلَيْسَ مِمَّا يَدْخُلُ. (رَوَاهُ الدَّارِقُطْنِيُّ وَالْبَيْهَقِيُّ وَسَنَدُهُ ضَعِيفٌ.)

216 – Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) ривоят қилишича, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Таҳорат кирган нарсдан эмас, чиққан нарсдан (қилинади)”, деганлар (*Дорақутний ва Байҳақий ривояти. Ривоят санади заиф*).

Бадандан бирон нопок нарса чиқса, таҳорат синади, танага кирган озиқлантирувчи нарсалар таҳоратни синдирмайди. Аксинча, рўзада эса баданга кирган нарса рўзани бузади. Танадан чиққани эса рўзани бузмайди.

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) олдида таомдан сўнг таҳорат қилиш ва рўзадорнинг қон олдириши ҳақидаги масала зикр қилинганида: “Таҳорат фақат чиққан нарсдан қилинади, киргандан эмас. Рўза фақат кирган нарсдан очилади, чиққандан эмас”, деган (*Байҳақий “Ас-сунанул кубро”да ривоят қилган*).

۲۱۷ – قَالَ عَلِيُّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: كُنْتُ رَجُلًا مَدَّاءً فَاسْتَحْيَيْتُ أَنْ أَسْأَلَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَأَمَرْتُ الْمُقَدَّادَ بْنَ الْأَسْوَدِ فَسَأَلَهُ فَقَالَ: فِيهِ

الْوُضُوءُ. (رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَالتَّسَائِي وَأَحْمَدُ وَابْنُ خُزَيْمَةَ وَابْنُ حِبَّانَ.)

217 – Али (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Мен кўп мазийли киши эдим. Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу ҳақида сўрашга уялиб, Миқдод ибн Асвадга айтган эдим, у сўради ва у зот: “Ундан таҳорат қилинади”, деб жавоб бердилар” (*Бухорий, Муслим, Насоий, Аҳмад, Ибн Хузайма ва Ибн Ҳиббон ривояти*).

Ушбу ривоятда мазий чиқиши билан таҳорат бузилиши айтилмоқда.

Мазий жинсий алоқани ўйлаганда ёки аёли билан ўйнаганда ёки шу билан боғлиқ баъзи ҳатти-ҳаракатларни қилганда чиқадиган суюқ ва ёпишқоқ суюқлик. У шаҳват билан чиқмайди.

Ривоятда айтилишича, ҳазрат Али (розияллоҳу анҳу) кўп мазийли эди ва у билан боғлиқ ҳукмларни билмасди. Бир тарафдан Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қизлари Фотима (розияллоҳу анҳо) хотини бўлгани учун Али буни Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уялиб сўрай олмасди. Шу сабаб у орага Миқдод ибн Асвадни кўйиб, бу ҳақда сўраб беришини айтган. Али (розияллоҳу анҳу) мазий чиққанидан кейин таҳорат қилиш керакми ёки ғуслми, қайси бирини қилишни билолмагани учун ҳам Миқдод ибн Асвадга буни Набийдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сўрашга юборган. Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу масалани сўраганида, у зот мазий таҳоратни синдиришини айтдилар.

Ҳазрат Алидан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Мен кўп мазийли эдим. Шу сабаб кўп ғусл қилаверганимдан белим оғриб қолди. Буни Набийга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтганимда, у зот: “Мазийни кўрсанг, бундай қилма. Закарингни ювиб, намозга оладиган таҳоратингни қил. Агар сув (маний) чиқарсанг, унда ғусл қил!” дедилар” (*Абу Довуд, Насоий ва Аҳмад ривояти. Ривоят санади саҳиҳ*).

Бу борада ҳазрат Али (розияллоҳу анҳу) билан боғлиқ бошқа ривоятлар ҳам бор.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мазий таҳоратни кет-казади, аммо унга ғулл шарт эмас. Закарнинг мазий теккан қисми ювилади. Унинг ҳамма жойини ювиш шарт эмас.

۲۱۸ – وَعَنْ سَهْلِ بْنِ حَنِيْفٍ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ قَالَ: كُنْتُ أَلْقَى مِنَ الْمَذَى شِدَّةً فَكُنْتُ أَكْثَرَ الْغُسْلِ مِنْهُ فَذَكَرْتُ ذَلِكَ لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَسَأَلْتُهُ عَنْهُ فَقَالَ: إِنَّمَا يُجْزِئُكَ مِنْ ذَلِكَ الْوُضُوءُ. قَالَ قُلْتُ: فَكَيْفَ بِمَا يُصِيبُ ثَوْبِي مِنْهُ قَالَ: خُذْ كَفًّا مِنْ مَاءٍ فَانْضَحْهُ حَيْثُ تَرَى أَنَّهُ أَصَابَهُ. (رَوَاهُ الدَّارِمِيُّ وَأَحْمَدُ وَابْنُ حَبَّانَ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

218 – Саҳл ибн Хунайф ривоят қилади: “Мен шиддат билан мазий чиқарар ва шу сабабли кўп ғулл қилар эдим. Бунин Набийга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтиб, бу ҳақида сўраган эдим, у зот: “Бундан таҳорат қилишинг кифоя қилади”, дедилар. Шунда мен: “Кийимимга теккан мазийни қандай тозалайман?” дедим. У зот: “Бир ҳовуч сув олиб, теккан жойига сеп”, дедилар” (*Доримий, Аҳмад ва Ибн Ҳиббон ривояти. Ривоят санади саҳиҳ*).

Саҳл ибн Хунайф ҳам Али (розияллоҳу анҳу) каби кўп мазийли бўлиб, мазий⁸⁹ чиққанидан сўнг ғулл қилиш керак, деб ўйлаган экан. Бу ҳолат унга машаққат туғдирганидан унинг ҳукмини Набийдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сўраганида, у зот мазийдан сўнг таҳорат қилиш етарли ва кийимнинг мазий теккан жойини бир ҳовуч сув билан ювиш кераклигини айтдилар.

Орқа йўлдан чиққан қурт таҳоратни синдиради.

Орқа йўлдан чиққан қурт ўзи билан нажас нарсани олиб чиққани сабаб бунда таҳорат бузилган ҳисобланади.

⁸⁹ Закардан чиқадиған шаҳват билан боғлиқ суюқлик уч хил бўлади: 1) Мазий. Бу ҳақида юқорида тўхталиб ўтдик; 2) Вадий. Бу суюқлик сийдикдан олдин ва кейин, шунингдек, жимоъдан сўнг келиши мумкин. Агар закардан вадий чиқса, закар ювилади ва намозга қилинадиган таҳорат қилинади; 3) Маний. Маний шаҳват билан чиқади ва ҳомила бўлишига сабаб бўлади. Маний чиққанидан кейин ғулл қилиш вожиб бўлади.

Эрқадан мазий, аёлдан қозй (“зал” ҳарфи билан) деб номланадиган суюқлик чиқади (Ибн Манзур, “Лисанул араб”, 5-жуз, 3562–3563-бетлар).

Икки йўлдан бошқа жойдан нопок нарса чиқса ва баданнинг пок жойига оқса, таҳорат кетади.

Бунга қон ва йиринг мисол бўлади. Аммо жароҳат катта бўлиб, қон ёки йиринг ундан ташқарига чиқмасдан унинг ичида бўлса, таҳорат синмайди. Агар икки йўлдан бошқа жойдан чиққан нарса нажас бўлса ҳам пок ерга оқмаса ёки чиққан нарса нажас бўлмаса, таҳорат синмайди. Масалан, кўкрақдан сут чиқиши, тер, кўз ёши, мишиқ, сўлак, тупук кабилар таҳоратни кетказмайди.

۲۱۹ – عَنْ تَمِيمِ الدَّارِيِّ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: الْوُضُوءُ مِنْ كُلِّ دَمٍ سَائِلٍ. (رَوَاهُ الدَّارِقُطْنِيُّ وَالبَيْهَقِيُّ.)

219 – Тамим Дорий (розияллоҳу анху) Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади: “Ҳар бир оққан қондан таҳорат (қилинади)” (*Дорақутний ва Байҳақий ривояти*).

Баданнинг бирон жойидан қон чиқиб, атрофга тарқалса, таҳорат синади.

Оқувчи қон қандай экани қуйидаги ривоятда айтилади.

۲۲۰ – وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: لَيْسَ فِي الْقَطْرَةِ وَلَا الْقَطْرَتَيْنِ مِنَ الدَّمِ وَضُوءٌ إِلَّا أَنْ يَكُونَ دَمًا سَائِلًا. (رَوَاهُ الدَّارِقُطْنِيُّ وَسَنَدُهُ ضَعِيفٌ.)

220 – Абу Ҳурайра (розияллоҳу анху) Набийдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади: “Бир ёки икки томчи қондан таҳорат (қилиш) йўқ. Магар у оқадиган (кўринган) бўлса, (таҳорат қилинади)” (*Дорақутний ривояти. Ривоят санади заиф*).

Ҳанафий ва ҳанбалийлар ушбу ҳадисни далил қилиб, бадандан чиққан қон атрофга тарқалса, таҳоратни янгилаш вожиблигини айтган. Улар ривоятдаги “томчи” сўзи

“камлик”ни яъни, жойидан четга чиқмагани, “оқувчи” сўзи “кўплик”ни англатишини таъкидлаб ўтган.

Агар таҳоратли киши бирон нарсани тишласа ёки мисвок қилиб, унда қон изини кўрса, таҳорат бузилмайди. Агар пашша ёки чивин чақса, таҳорат кетмайди. Шунингдек, зулук катталашгунича бадандан қон сўрса, таҳорат бузилади⁹⁰.

Бурун қонаши билан таҳорат синиши ривоятларда алоҳида таъкидланган.

۲۲۱ – عَنْ سَالِمٍ عَنْ ابْنِ عُمَرَ قَالَ: إِذَا رَعَفَ الرَّجُلُ فِي الصَّلَاةِ أَوْ ذَرَعَهُ الْقَيْءُ أَوْ وَجَدَ مَذْبِيًّا فَإِنَّهُ يَنْصَرِفُ وَيَتَوَضَّأُ ثُمَّ يَرْجِعُ فَيُتِمُّ مَا بَقِيَ عَلَى مَا مَضَى مَا لَمْ يَتَكَلَّمْ. (رَوَاهُ عَبْدُ الرَّزَّاقِ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

221 – Ибн Умардан (розияллоху анху) Солим ривоят қилади: “Агар намозда кишининг бурни қонаса ёки қайт устунлик қилса ёки мазий чиққанини сезса, у бориб таҳорат қилади. Сўнг қайтиб, агар гапирмаган бўлса, келган жойидан намозининг қолганини ўқиб қўяди” (*Абдураззоқ ривояти. Ривоят санади саҳиҳ*).

Ушбу санаб ўтилган ишлар намоздан ташқарида бўлса ҳам таҳорат синади. Агар бу ишлар намозда кузатилса, намоз тўхтатилиб, қайта таҳорат олинади ва орада гапирилмаган бўлса, намозни келган жойидан давом эттириш мумкин.

Тупук қизарадиган даражада қон тупуриш.

Агар қуюқ қон қусилса, таҳорат сўзсиз кетади. Аммо бошқа нарса аралашган ҳолда қайт қилинса, унинг рангига эътибор бериш керак. Агар оз миқдорда бўлса ҳам қусганда тупугида қон ранги устунлик қилса, таҳорати синади. Агар тупук сарғиш тусда бўлса, таҳорат бузилмайди. Чунончи оғиз тўлмасдан қусганда тупукнинг рангига эътибор берилди. Тиш қонаши билан қон қайт қилиш орасида фарқ бор. Тиш қонаб, бошқа ерга ёйилса, таҳорат кетади. Бу ерда рангининг фарқи йўқ. Аммо қонни қайт қил-

⁹⁰ Сарахсий, “Ал-Мабсут”.

ганда ранги эътиборли бўлиб, у тупукдан устун келмаса, таҳоратни синдирмайди⁹¹.

Оғиз тўлиб қусиш.

Ҳанафий ва ҳанбалийлар наздида, оғиз тўлдирадиган даражада қусиш таҳоратни синдиради. Хоҳ овқат, хоҳ сув, хоҳ қон ёки бошқа нарса бўлсин, қусуқ оғзини тўлатадиган даражада бўлса, таҳорат синади. Агар қусганда гапира олмайдиган даражада бўлса ёки оғзини беркита олмаса, оғзини тўлатиб қусган ҳисобланади.

۲۲۲ – عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَنْ أَصَابَهُ قَيْءٌ أَوْ رُعَافٌ أَوْ قَلَسٌ أَوْ مَذْيٌ فَلْيَنْصِرْفْ فَلْيَتَوَضَّأْ ثُمَّ لِيَبْنِ عَلَى صَلَاتِهِ وَهُوَ فِي ذَلِكَ لَا يَتَكَلَّمُ. (رَوَاهُ ابْنُ مَاجَةَ وَالِدَارَقُطْنِيُّ وَسَنَدُهُ ضَعِيفٌ).

222 – Ойша (розияллоҳу анҳо) ривоят қилади: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким (намозда) қайт қилса, бурни қонаса, қусса ёки мазий чиқарса, бориб таҳорат қилсин ва гапирмаган бўлса, намозини келган жойидан давом эттирсин” (Ибн Можа ва Дорақутний ривояти. Ривоят санади заиф).

Намоздалик чоғида шундай ҳолатларга дуч келинса, намозни тўхтатиб, таҳорат қилади ва орада гапирмаган бўлса, намозини келган жойидан давом эттиради.

Ушбу ривоятда қайт қилиш, бурун қонаш ва мазий чиқиш кабилар таҳоратни синдириши айтилмоқда.

۲۲۳ – وَعَنْ أَبِي الدَّرْدَاءِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَاءَ فَأَفْطَرَ فَتَوَضَّأَ فَلَقِيْتُ ثَوْبَانَ فِي مَسْجِدِ دِمَشْقَ فَذَكَرْتُ ذَلِكَ لَهُ فَقَالَ: صَدَقَ، أَنَا صَبَبْتُ لَهُ وَضُوءَهُ. (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَالنَّسَائِيُّ وَأَحْمَدُ وَابْنُ

⁹¹ Хоҳ кам, хоҳ кўп бўлсин, агар қоннинг ўзини қусса, таҳорат бузилади. Ҳасан ибн Зиёддан ривоят қилинишича, агар қон суюқ бўлса, кам бўлсин, кўп бўлсин, таҳорат бузилади. Агар қон қуюқ бўлиб, оғзини тўлдирадиган даражада бўлмаса, таҳорат кетмайди. Ибн Рустам Муҳаммаддан ривоят қилишича, қандай бўлишидан қатъи назар, агар қон оғзини тўлдирадиган даражада бўлмаса, таҳорат синмайди. Баъзи ҳанафий уламолар Муҳаммаднинг ривоятини тўғри деб билган. (Ибн Масъуд Косоний, “Бадаиъус сонаиъ”).

خَزِيمَةَ وَالْحَاكِمُ وَالِدَارِقُطْنِي وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

223 – Абу Дардо (розияллоҳу анҳу) ривоят қилишича, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қайт қилдилар, шу билан рўзалари бузилди⁹² ва янгидан таҳорат қилдилар. (Маъдон ибн Абу Талҳа айтади:) “Мен Дамашқ масжидида Савбонни учратиб қолиб, унга бу ҳақида айтган эдим, у: “Тўғри айтибди. Ўшанда у зотга мен сув қуйиб тургандим”, деди» (Абу Довуд, Термизий, Насоий, Аҳмад, Ибн Хузайма, Ҳоким ва Дорақутний ривояти. Ривоят санади саҳиҳ).

Ушбу ривоятда қайт қилиш билан таҳорат бузилиши баён қилинмоқда.

Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобаларидан бир қанчаси, тобеинларнинг баъзиси, Суфён Саврий, Ибн Муборак, Аҳмад, Исҳоқ ва Абу Ҳанифа қайт қилиш билан таҳорат бузилади, деб ҳукм қилган. Имом Зуфар киши оғиз тўла ҳолда қусса ҳам, кам қусса ҳам таҳорати бузилишини айтган. Аммо бу Имом Зуфарнинг ҳукми бандаларга машаққат келтиради. Чунки қусиш ҳолати кўп такрорланади.

Агар балғам тоза бўлиб, унга бирон нарса аралашмаган бўлса, таҳорат кетмайди. Чунки у ошқозондан чиқмаган бўлади. Агар балғамга таом аралашса, у ҳолда таҳорат синади.

۲۲۴ – عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: يُعَادُ الْوُضُوءُ مِنْ سَبْعٍ: مِنْ إِفْطَارِ الْبَوْلِ وَالِدَّمِ السَّائِلِ وَالْقَيْءِ وَمِنْ دَسْعَةٍ تَمَلَأُ الْفَمَ وَنَوْمِ الْمُضْطَجِعِ وَفَهْقِهِ الرَّجُلِ فِي الصَّلَاةِ وَخُرُوجِ الدَّمِ. (رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ فِي الْخِلَافِيَّاتِ وَسَنَدُهُ ضَعِيفٌ.)

224 – Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади: “Етти нарсадан таҳорат қилинади: сийдик оқиши, қон оқиши, қайт қилиш, оғиз тўлиб қусиш, ёнбошлаб ухлаш, намозда ки-

⁹² “Тухфатул аҳвазий” да: “Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўша вақтда рўздор эдилар. Қусганларидан сўнг қувватлари кетиб қолган ва шу сабаб рўзаларини бузганлар”, дейилган.

шининг қаҳқаҳа билан кулиши ва қон чиқиши” (Байҳақий “Хилафият”да ривоят қилган. Ривоят санади заиф).

Бу ривоятда таҳоратни бузадиган етти нарса зикр қилинмоқда. Улар орасида оғиз тўлатиб қайт қилиш ва қон оқиши ҳам бор.

Агар киши сув ичиб, кейин оғиз тўлатиб тоза суюқлик қусса ҳам таҳорати бузилади⁹³.

Балғам туфлаш ёки кекириш билан таҳорат бузилмайди.

Ҳушидан кетиш, тутқаноқ тутиш, жинни бўлиш ва маст бўлиш.

Бирон кишининг таҳорати бўла туриб, ҳушидан кетса, тутқаноғи қўзиса, жинни бўлиб қолса ёки маст бўлса, таҳорати кетади.

Ҳушидан кетиш худди уйқу каби бўлиб, унда инсон ўзида содир бўлган ҳолатларни идрок қила олмайди. Шу сабаб унинг таҳорати синган ҳисобланади.

Ҳушидан кетганда бўғимлар бўшашади. Ҳушдан кетиш уйқудан ҳам устунроқ ҳолатдир.

Тутқаноқ ва жинни бўлиш ақлнинг ноқислиги сабаб келиб чиқиб, унда ҳам киши нима қилаётганини билмайди. Жумладан, ўзидан нажосат чиққан ёки чиқмаганини билолмайди.

Шунингдек, ароқ ичиб маст бўлган, наша чеккан, гиёҳванд моддалар истеъмол қилганларнинг ҳам таҳорати кетади. Маст бўлиш ақли заифликнинг бир тури бўлиб, бунда киши нима қилаётганини билмайди. Уламолар маст одамнинг таҳорати кетиши учун мастлик даражаси қандай бўлиши ҳақида асосан икки хил фикрни айтган. Баъзилар: “Маст одам эркак билан аёлни ажратолмайдиган даражада бўлса, таҳорати кетади”, деса, бошқалар: “Агар у гандираклаб юрса, таҳорати кетади”, деб айтган.

Бундай маълумотлар шаръий ҳукмларни баён қилиш, инсонларга таълим бериш мақсадида келтирилади. Аслида таҳорат қилиб, намоз ўқийдиган мўмин-мусулмон кишилар мазкур иллатлардан йироқ юришлари лозимлиги ҳаммамизга кундек равшан.

⁹³ “Ас-сирожул ваҳҳаж”.

Моликийлар киши муртад бўлиши билан таҳорати синишини айтган. Аммо ҳанафий ва шофиъийларга кўра, муртадлик билан таҳорат синмайди.

Ёнбошлаб ухлаш.

Фараз қилайлик, бир киши ёнбошлаб ёки бирон нарсага суюнган ҳолда ухлаб қолди. Агар ўша суюнган нарса олиб қўйилганда йиқилиб тушадиган даражада бўлса, таҳорати синади.

۲۲۵ – عَنْ عَلِيٍّ بْنِ أَبِي طَالِبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: وَكَأَنَّ السَّهَّ الْعَيْنَانَ فَمَنْ نَامَ فَلْيَتَوَضَّأْ. (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَابْنُ مَاجَهَ وَأَحْمَدُ وَالِدَّارِقُطْنِيُّ وَالطَّبْرَانِيُّ وَالْبَيْهَقِيُّ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ.)

225 – Али ибн Абу Толиб (розияллоҳу анҳу) Расулulloҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади: “Орқанинг ипи икки кўздир. Бас, ким ухласа, таҳорат қилсин!” (Абу Довуд, Ибн Можа, Аҳмад, Дорақутний, Табароний ва Байҳақий ривояти. Ривоят санади ҳасан).

Одамнинг икки кўзи нафақат ташқи муҳитни кўради, балки танани назорат қилиб туради. Уйқу пайтида икки кўз юмилиши билан ўша назорат бўшашади. Жумладан, уйқуда орқадан ел чиққани билинмайди. Шу сабаб қаттиқ ухлаган одамнинг таҳорати синган ҳисобланади.

Ривоятда икки кўз қопни маҳкам боғлаб турадиган боғич – ипга қиёсланмоқда. Одам уйғоқлигида сергак бўлиб, танасини тўлиқ бошқариб туради. Ухлаганда орқанинг ипи ечиледи, танани назорат қилиш банда ихтиёрида бўлмайди.

Баъзи тоифалар уйқу асло таҳоратни кетказмаслигини даъво қилган. Яна бошқа тоифалар эса, қандай ҳолатдан бўлишидан қатъий назар, уйқунинг ози ҳам, кўпи ҳам таҳоратни синдиришини айтган. Аммо Абу Ҳанифа ва Шофиъий каби машҳур имомлар наздида, ёнбошлаб ёки ётиб ухлаш билан таҳорат кетади, уйқунинг ози (ўтириб ёки ўзини билган ҳолда ухлаш) таҳоратни кетказмайди.

۲۲۶ - عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ رَأَى النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَامَ وَهُوَ سَاجِدٌ حَتَّى غَطَّ أَوْ نَفَخَ ثُمَّ قَامَ يُصَلِّي فَقُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنَّكَ قَدْ نَمَتَ قَالَ: إِنَّ الْوُضُوءَ لَا يَجِبُ إِلَّا عَلَى مَنْ نَامَ مُضْطَجِعًا فَإِنَّهُ إِذَا اضْطَجَعَ اسْتَرَحَّتْ مَفَاصِلُهُ. (رواه أبو داودَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَالدَّارِقُطْنِيُّ وَأَبُو يَعْلَى وَالتَّطَبَّرَانِيُّ فِي الْكَبِيرِ وَسَنَدُهُ ضَعِيفٌ.)

226 – Ибн Аббосдан (розияллоҳу анху) ривоят қилишича, у Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саждада ухлаб қолиб, ҳатто пишиллаб овоз чиқарганларини кўрган экан. У зот уйқудан туриб, намоз ўқидилар. Шунда мен (Ибн Аббос): “Ё Расулulloҳ, сиз ухладингиз-ку?” деган эдим, менга: “Таҳорат (қилиш) фақат ёнбошлаб ухлаган кишига лозим бўлади. Зеро, агар (одам) ёнбошласа, унинг бўғимлари бўшашади”, деб жавоб бердилар” (Абу Довуд, Термизий, Дорақутний, Абу Яъло, Табароний “Кабир”да ривоят қилган. Ривоят санади заиф).

Ушбу ривоятда саждада ухлаш билан таҳорат кетмаслиги ва ёнбошлаб ухлаганда бўғимлар бўшашгани учун таҳорат синишини билиб олдик. Ҳақиқатан, ётиб ёки ёнбошлаб ухлаганда бўғимлар бўшашади, тана тўлиқ ором олади. Аммо шундай ҳолатда ел чиққан-чиқмаганини билиб бўлмайди. Эҳтиёт юзасидан таҳорат бузилган деб ҳисобланади. Балки уйқу вақтида ундан ел чиқмаслиги ҳам мумкин. Аммо ҳеч ким, ҳатто ўзи ҳам буни аниқ билмайди. Маълумки, шариат ҳукмларида ҳар қандай нарсанинг эҳтиёт тарафи олинади. Бу ерда ҳам эҳтиёт юзасидан таҳорат синган ҳисобланади.

Табароний “Кабир”да Ибн Аббосдан (розияллоҳу анху) ривоят қилишича, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бомдод(нинг фарзи)дан олдин икки ракат (суннат) намозини ўқиб, сўнг сажда ҳолатида ёки ўтирган ҳолда ухлаганлар. Ҳатто пишиллаганлари эшитилган. У зот уйқудан туриб намоз ўқиганлар. Ибн Аббос: “Ё Расулulloҳ, сиз ухладингиз-ку. (Таҳоратингиз кетмадимми?!)” деб сўра-

ганида, у зот: “Таҳорат фақат ёнбошлаб ухлаган одамга вожиб бўлади. Чунки у ёнбошласа, бўғимлари бўшашади”, деганлар.

Ким саждада ухлаб қолса, қаралади, агар суннатга мувофиқ сажда қилган бўлса, қорнини тиззасидан кўтариб, қўлларини биқинидан узоқроқ тутиб ухлаган бўлса, таҳорати кетмайди. Агар қорин тиззага ёпишган, қўллари ерга теккан ҳолда ухлаган бўлса, таҳорат синади.

Бир киши ўрнига яхшилаб ўрнашган ҳолда ухлаётганида йиқилиб тушди. Агар ерга тушганидан сўнг дарҳол сергак тортса, таҳорати синади. Агар ерга тушмасдан олдин ўзига келса, таҳорати синмайди. Абу Юсуф наздида, уйқудалик чоғида ўзини ушлаб қололмай йиқилгани учун таҳорат кетади. Имом Муҳаммад эса, агар мақъади (орқа думбаси) ердан узилмасдан бурун, ўзига келса, таҳорат синмайди. Агар сергак тортгунича мақъади ердан узилса, таҳорат кетади, деган. Бемор ётиб намоз ўқиётганида ухлаб қолса, таҳорати синади.

Ўтириб ёки туриб ухлаганда одам енгил ухлаган бўлиб, у атрофдагиларнинг гапларини эшитади. Қаттиқ уйқудаги одам атрофдаги гап-сўзни эшитмайди, ундаги ҳис қилиш қобилияти йўқолади, қўлидан тушган нарса ёки сўлаги оққанини билмайди. Мана шундай уйқу таҳоратни кетказди.⁹⁴

Агар уловда ухлаб қолса, ваҳоланки уловнинг эгари бўлмай, текис жойда кетаётган ёки тепаликка чиқаётган бўлса, таҳорати синмайди. Агар пастга тушаётган бўлса, таҳорати синади.

Балоғатга етган, уйқуда бўлмаган кишининг руку ва саждали намозда қаҳқаҳа отиб кулиши.

Балоғатга етмаган ёш бола руку ва саждали намозларда овозини чиқариб кулса, унинг таҳорати синмайди. Руку ва саждасиз намоз жаноза намозидир. Одатда бу намозда бандалар ўлимни эслаб, жиддий ҳолатда туради. Бунда деярли овозини чиқариб, кулиш тасаввурга сиғмайди.

⁹⁴ Моликийлар таъкидлашича, қисқа муддатли оғир уйқу ҳам таҳоратни кетказди. Енгил уйқу қанча узоқ давом этса ҳам, таҳоратни синдирмайди.

Шундай бўлса ҳам, ким жаноза намозида қаҳқаҳа отиб кулса, унинг таҳорати синмайди. Шунингдек, тиловат саждаси ва намоздан ташқаридаги қаҳқаҳа отиб кулиш ҳам таҳоратни кетказмайди. Намозда кулиш уч хил бўлади:

1. Қаҳқаҳа отиб кулиш.

Ўзидан бошқаларга эшитиладиган кулгига қаҳқаҳа дейилади. Бунда атайин ёки беихтиёр куладими, тиши кўринадими ёки йўқми, фарқи йўқ.

Руку ва саждали намозда қаҳқаҳа билан кулган балоғатга етган эркак ва аёл янгидан таҳорат қилиб, намозини қайтадан ўқиши лозим⁹⁵.

۲۲۷ – عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَنْ ضَحِكَ فِي الصَّلَاةِ قَهَقَهَا فَلْيُعِدِ الوُضُوءَ وَالصَّلَاةَ. (رَوَاهُ ابْنُ عَدِيٍّ فِي الْكَامِلِ)

227 – Ибн Умар (розияллоҳу анҳу) Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади: “Ким намозда қаҳқаҳа билан кулса, қайтадан таҳорат қилиб, намозини бошидан ўқисин!” (Ибн Адий “Ал-комил”да ривоят қилган).

Бу ривоятда қаҳқаҳа таҳоратни ҳам, намозни ҳам бузиши айтилмоқда. Аслида қаҳқаҳа отиб кулганда таҳоратсизлик содир бўлмайди. Бироқ намознинг ҳурматидан шундай ҳукм жорий қилинган. Бундан маълум бўладики, нажосат чиқмаса ҳам таҳорат бузилиши мумкин экан. Уйқуда ҳам қисман шундай.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) Набийдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади: “Агар қаҳқаҳа отиб кулса, таҳоратини қайтадан олиб, намозини ҳам қайта ўқийди” (Дорақутний “Сунан”да ривоят қилган. Ривоят санади заиф).

Абу Малийх ибн Усома отасидан ривоят қилади: “Биз Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) орқаларида

⁹⁵ Ҳанафийлардан бошқа жумҳур уламолар қаҳқаҳа билан таҳорат бузилмаслигини айтган. Улар бунга сабаб қилиб, қаҳқаҳа намоз ташқарисида таҳоратни бузмаслиги, худди шунингдек, намоз ичида ҳам акса уриш ва йўталиш кабилар таҳоратни синдирмаслигини таъкидлаган. Аслида, ҳар қандай кулги нажосат эмас. Лекин ҳанафийлар бу хусусда келган ривоятлардан келиб чиқиб, эҳтиёт тарафини олган.

туриб намоз ўқиётган эдик. Кўзи ожиз бир киши келиб, чуқурга⁹⁶ тушиб кетди. Биз бундан кулган эдик, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бизларни таҳоратни қайта қилиш ва намозни бошидан ўқишга буюрдилар” (*Дорақутний “Сунан”да ривоят қилган*)⁹⁷.

Уламолар юқоридаги ҳадис ривоятига айнан шу воқеа сабаб бўлганини айтишган. Агар намоздалиги ёдидан кўтарилиб, қаҳқаҳа отиб кулса, таҳорати ҳам синади.

Жаноза намози ва тиловат саждасида қаҳқаҳа отиб кулган кишининг таҳорати синмайди, аммо намози ва саждаси бузилади. Чунки жаноза намози мутлақ намоз эмас. Ҳатто бир киши намоз ўқимасликка қасам ичиб, кейин жаноза намозини ўқиса, қасамини бузмаган ҳисобланади.

2. Қиқирлаб кулиш.

Бундай кулиш араб тилида “зиҳкун” (“зоҳкун” ёки “зоҳикун”) дейилади. Фақат ўзи эшитадиган даражадаги кулги қиқирлаб кулишдир. Руку ва саждали намозларда қиқирлаб кулиш намозни бузади, аммо таҳорат синмайди. Ким намозда қиқирлаб кулса, намозини қайтадан ўқийди, таҳоратни қайта қилиши шарт эмас.

۲۲۸ – عَنْ جَابِرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: الضَّحْكُ يَنْقُضُ الصَّلَاةَ وَلَا يَنْقُضُ الْوُضُوءَ. (رَوَاهُ الدَّارَقُطْنِيُّ فِي السُّنَنِ وَسَنَدُهُ ضَعِيفٌ.)

228 – Жобир ибн Абдуллоҳ (розияллоҳу анҳу) Набийдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади: “Кулиш

⁹⁶ Баъзи шофийий уламолар Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) масжидларида ҳеч қандай чуқур бўлмаганини даъво қилган. Лекин у зотнинг масжидларида ёмғир суви йиғиладиган чуқур бўлгани маълум. Ўша чуқур ривоятларда “кудуқ” деб аталган.

⁹⁷ Баъзилар бу маълум шароитга мослаб айтилган, уни мутлақ ҳукм сифатида олиш мумкин эмас, деса, бошқалар, саодат асрида яшаган саҳобалар намозда, Аллоҳ билан юзма-юз мулоқотда, устига-устак Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ортларида туриб овоз чиқариб кулишлари қизиқ ҳолат, деб бу воқеага шубҳа билан қарайди. Лекин Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан бирга намоз ўқиганлар орасида ихлосли мўминлар билан бир қаторда мунофиқлар, таълим кўрмаган аъробийлар ҳам бўлганини нутмаслигимиз лозим.

намозни бузади, аммо таҳоратни синдирмайди” (*Дорақутний “Сунан”да ривоят қилган. Ривоят санади заиф*).

Абу Суфёндан ривоят қилинишича, Жобирдан (розиаллоху анху) намозда кулган киши ҳақида сўралганида: “Намозини қайтадан ўқийди, аммо таҳоратини янгиламайди”, деб жавоб берган (*Дорақутний ривояти*).

Ибн Масъуд (розиаллоху анху) ҳам намозда кулган одам намозини қайтадан ўқиши лозим, аммо, таҳорати бузилмайди, деган. Бадриддин Айний “Умдатул қори”да бу бобда Расулуллоҳдан (соллаллоху алайҳи ва саллам) ўн битта ҳадис ривоят қилиб, уларни бирма-бир санадлари билан келтирган⁹⁸.

3. Табассум.

Мийиғида жилмайиш ва оҳиста кулиш табассум бўлиб, мана шу кулги мўминнинг сифатидир. Намозда табассум қилиш намозни бузмайди ва таҳорат ҳам синмайди.

۲۲۹ – عَنْ جَابِرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يُصَلِّي بِأَصْحَابِهِ صَلَاةَ الْعَصْرِ فَتَبَسَّمَ فِي الصَّلَاةِ فَلَمَّا انْصَرَفَ قِيلَ لَهُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ تَبَسَّمْتَ وَأَنْتَ تُصَلِّي قَالَ فَقَالَ: إِنَّهُ مَرَّ بِي مِيكَائِيلُ عَلَيْهِ السَّلَامُ وَعَلَى جَنَاحَيْهِ غُبَارٌ فَضَحِكَ إِلَيَّ فَتَبَسَّمْتُ إِلَيْهِ وَهُوَ رَاجِعٌ مِنْ طَلَبِ الْقَوْمِ. (رَوَاهُ الدَّارِقُطْنِيُّ وَأَبُو يَعْلَى وَالْبَيْهَقِيُّ وَسَنَدُهُ ضَعِيفٌ.)

229 – Жобирдан (розиаллоху анху) ривоят қилинишича, Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) саҳобалари билан аср намозини ўқиётганларида табассум қилдилар. Намоздан сўнг у зотга: “Ё Расулуллоҳ, намоз ўқиб туриб табассум қилдингизми?” дейилди. Шунда у зот: “Менинг олдимдан Микоил (алайҳиссалом) ўтди. Унинг икки қанотида чанг бор эди. У менга кулган эди, мен унга табассум қилдим. У одамлар ҳожатини раво қилиб қайтаётган экан”, дедилар (*Дорақутний, Абу Яъло ва Байҳақий ривояти. Ривоят санади заиф*).

⁹⁸ Ўша ҳадисларнинг тўрттаси мурсал, еттитаси муснад тарзда ривоят қилинган.

Абу Яъло Муслий “Муснад”да Жобирдан (розияллоҳу анху) келтирган ривоятда айтилишича, бу воқеа Бадр ғазоти пайтида юз берган. Ушбу ривоятдан маълум бўлади, намозда табассум қилиш намозни ҳам, таҳоратни ҳам бузмайди.

Эркакнинг жинсий аъзоси ҳеч қандай тўсиқсиз аёлнинг жинсий аъзосига тегиши.

Бу ишни бир жинсдагилар қилса ҳам таҳорат кетади. Шунингдек, эркак ва аёлнинг яланғоч ҳолда кучоқлашиши таҳоратни бузади. Чунки бунда жинсий аъзодан мазий деб аталадиган нопок суюқлик чиқади ва у таҳоратни кетказади⁹⁹.

Эркак киши аёлни ушласа ёки аёл эркакни ушласа, икковининг ҳам таҳорати кетмайди. Хулоса қиладиган бўлсак, ҳанафий, моликий ва ҳанбалий мазҳаби бўйича, эркакнинг аёлга оддий, беихтиёр ва шаҳватсиз тегиши таҳоратни синдирмайди.

Агар касалик туфайли киндик, кўкрак, қулоқ ёки кўздан сув чиқса, таҳорат бузилади. Кўз соққаси яллиғланиши туфайли кўздан ёш оқса, ҳар бир намоз вақти учун алоҳида таҳорат олинади. Чунки бунда кўздан йиринг ёки шу кабилар чиқиши мумкин¹⁰⁰.

ТАҲОРАТНИ БУЗМАЙДИГАН НАРСАЛАР

Бадандан чиқиб атрофга ёйилмаган қон.

Қон кам чиқиши билан баданнинг бошқа жойига тарқалмайди. Бунда таҳорат бузилмайди. Таҳорат бузилиш учун қон оқувчи бўлиши керак.

Қон оқмаган ҳолда бадандан гўштнинг узилиб тушиши.

⁹⁹ Моликий ва ҳанбалийлар наздида, эркакнинг танаси аёл баданига шаҳват билан ёки лаззат олиш мақсадида тегса, таҳорат кетади.

Шофиъийларда эса, эркакнинг танаси номаҳрам аёл баданига тегиши билан иккисининг таҳорати кетади. Гарчи бунда шаҳватсиз ушланса ҳам, ушланувчи ўлик, юзига ажин тушган кампир, ушловчи ёши улуғ чол бўлса ҳам, бирон тўсиқсиз, хоҳ ўз хоҳиши билан бўлсин, хоҳ беихтиёр, хоҳ ният билан, хоҳ ниятсиз, фарқи йўқ, иккала тарафнинг таҳорати бузилади. Агар аёлнинг туки, тиши ёки тирноғи ушланса, таҳорат кетмайди, дейилади шофиъий мазҳабида.

Моликийларга кўра, мутлақ ўпиш таҳоратни синдиради.

¹⁰⁰ “Табйин”.

Бунда гўшт парчасидан қон оқмагани учун таҳорат бузилмаган ҳисобланади.

Тузалган яранинг қон оқмаган ҳолда кўчиб тушиши.

Бу ҳам худди қон оқмаган ҳолда бир парча гўштнинг узилиб тушишига ўхшайди.

Яра, қулоқ ёки бурундан қурт чиқиши.

Бунда қурт сиртида нажосат бўлмайди. Яра гўшт ва қондан иборат бўлиб, улар асли покдир. Агар қурт орқа авратдан чиқса, унинг сиртида нажосат бўлиши эҳтимолидан таҳорат синган ҳисобланади.

Жинсий аъзони ушлаш.

Умар, Али, Ибн Масъуд, Ибн Аббос, Зайд ибн Собит (розияллоҳу анҳум), Ҳасан Басрий, Саид ибн Жубайр ва Саврий закарни ушлаш билан таҳорат кетмаслигини айтган.

۲۳۰ – عَنْ قَيْسِ بْنِ طَلْقٍ عَنْ أَبِيهِ طَلْقِ بْنِ عَلِيٍّ قَالَ: قَدِمْنَا عَلَى نَبِيِّ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَجَاءَ رَجُلٌ كَأَنَّهُ بَدَوِيٌّ فَقَالَ: يَا نَبِيَّ اللَّهِ مَا تَرَى فِي مَسِّ الرَّجُلِ ذِكْرَهُ بَعْدَ مَا يَتَوَضَّأُ فَقَالَ: هَلْ هُوَ إِلَّا مُضْغَةً مِنْهُ أَوْ قَالَ: بَضْعَةً مِنْهُ. (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَالنَّسَائِيُّ وَأَحْمَدُ وَابْنُ حَبَّانَ وَالدَّارِقُطْنِيُّ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

230 – Қайс ибн Толқ отаси Толқ ибн Алидан¹⁰¹ ривоят қилади: “Биз Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига бордик. Шунда бадавийга ўхшаш бир киши келиб, “эй Аллоҳнинг Пайғамбари, киши таҳорат қилганидан кейин закарини ушлаши ҳақида нима дейсиз”, деб сўраганида, у зот: “У (закар инсоннинг) бир парчаси ёки бир бўлаги, холос”, дедилар” (Абу Довуд, Термизий, Насоий, Аҳмад, Ибн Ҳиббон ва Дорақутний ривояти. Ривоят санади саҳиҳ).

¹⁰¹ Толқ ибн Алининг (розияллоҳу анху) Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига бориши ҳижратнинг аввалги йилларига тўғри келади. Ўшанда мусулмонлар Мадинада Масжиди набавийни қураётган эдилар. Ривоятларнинг бирида Толқ Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан Мадина масжиди қурилишида иштирок этгани айтилган.

Ривоятдаги бадавий сифат киши Расулуллоҳдан (солаллоҳу алайҳи ва саллам) закарни ушлаш билан таҳорат синадими, деган маънода сўраганида, у зот закар одамнинг бир парча гўшти, уни бехосдан ушлаш ёки тегиб кетиш билан таҳорат синмаслигини баён қилдилар.

Ҳанафий наздида, фарж (жинсий аъзо)ни ушлашнинг таҳоратга зарари йўқ¹⁰². Аммор ибн Ёсир, Ҳузайфа ибн Ямон, Имрон ибн Ҳусойн, Абу Дардо, Саъд ибн Абу Ваққос, Иброҳим Наҳаъий ҳам бу билан таҳорат синмайди деб ҳукм қилган.

Баъзи уламолар бу ривоят мансух бўлган ёки савол берувчи бадавийга ўхшаш одамга хос бўлиши мумкин, деган. Аммо закарни ушлаш билан таҳорат кетмаслиги ҳақида бошқа ривоятлар ва салафлар томонидан айтилган сўзлар бор.

Абдуллоҳ ибн Усмон ибн Хайсамдан ривоят қилинади: “Мен Саид ибн Жубайрдан намозда закарни ушлаш ҳақида сўраган эдим, у: “Мен уни ёки бурнимни ушлайманми, парво қилмайман”, деб жавоб берди” (*Ибн Абу Шайба ривояти*).

Баданни бирон аъзосини ушлаш билан таҳорат кетмаганидек, закарни ушлаш билан ҳам таҳорат синмайди.

Аёлни ушлаш.

۲۳۱ - عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَبَّلَ امْرَأَةً مِنْ نِسَائِهِ ثُمَّ خَرَجَ إِلَى الصَّلَاةِ وَلَمْ يَتَوَضَّأْ. قَالَ عُرْوَةُ: فَقُلْتُ لَهَا: مَنْ هِيَ إِلَّا أَنْتَ فَصَحَّحْتَ. (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَابْنُ مَاجَهَ وَأَحْمَدُ وَالِدَّارَقُطْنِيُّ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

¹⁰² Моликийларга кўра, закарни ушлаш билан таҳорат кетади. Бунда унинг бутун қисмини ёки баъзисини ушлаш, лаззат олиш ёки лаззатланмасликнинг фарқи йўқ.

Шофиъий ва ҳанбалийлар наздида, одам фаржи (закар, орқа нажосат йўли, аёл фаржи)ни ушлаш билан таҳорат бузилади. Бу фарж ўзиникими ёки бошқаникими, кичик ёки каттами, тирик ё ўликми, фарқи йўқ. Фақат бир шarti бор: кафтнинг ички қисми билан ушланса, таҳорат кетади. Агар кафтнинг ташқи қисми, ён тарафи ёки бармоқлар билан ушласа, таҳорати кетмайди.

Ҳанбалийларда кафтнинг ичи билан ташқи қисми орасида фарқ йўқ. Агар қўл тегса бас, таҳорат кетади.

231 – Ойшадан (розияллоҳу анҳо) ривоят қилинишича, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) аёлларидан бирини ўпдилар ва таҳорат олмасдан намозга чиқдилар. Урва айтади: “Мен унга: “Ўша сиз бўлсангиз керак?” деган эдим, (Ойша) кулди” (*Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа, Аҳмад, Дорақутний ривояти. Ривоят санади саҳиҳ*).

Ушбу ривоятга кўра, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Ойшани (розияллоҳу анҳо) ўпиб, сўнг таҳорат олмасдан намозга чиққанлар. Бундан аёлни ушлаш билан таҳорат бузилмаслиги маълум бўлади.

Баъзилар, бу ҳолат Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўзларигагина тегишли бўлиши мумкин, дейиши эҳтимолдан холи эмас. Бунга Абдуллоҳ ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) жавоб беради: “Ўпиш билан таҳорат кетмайди” (*Дорақутний ривояти*).

Албатта, бунда ҳаддан ошмаган ҳолда аёлини ўпиш ёки кучоқлаш назарда тутилган. Агар бу иш меъёридан ўтса, таҳорат синиши шубҳасиз.

Ҳазрат Али, Ибн Аббос, Ато, Товус, Суфён Саврий, Абу Ҳанифа аёлни ўпиш билан таҳорат синмаслигини айтган¹⁰³.

۲۳۲ – وَعَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: إِنْ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِيُصَلِّيَ وَإِنِّي لَمُعْتَرِضَةٌ بَيْنَ يَدَيْهِ اعْتِرَاضَ الْجِنَاةِ حَتَّى إِذَا أَرَادَ أَنْ يُوتَرَ مَسَّنِي بِرِجْلِهِ. (رَوَاهُ التَّسَائِيُّ وَأَحْمَدُ وَالطَّبْرَانِيُّ فِي الْكَبِيرِ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

232 – Ойша (розияллоҳу анҳо) ривоят қилади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) намоз ўқир, мен эса у зот олдиларида худди (имом олдига қўйиладиган) жаноза (маййити) каби ётар эдим. Агар витрни ўқимоқчи бўлсалар, мени оёқлари билан туртардилар” (*Насоий, Аҳмад ва Табароний ривояти. Ривоят санади саҳиҳ*).

Бу ривоятда Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) намозда Ойшага (розияллоҳу анҳо) тегишлари айтилмоқда.

¹⁰³ Абдуллоҳ ибн Масъуд, Ибн Умар, Зухрий, Молик, Авзоий, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқ аёлни ўпиш билан таҳорат синишини таъкидлашган.

Агар эр ўз хотинига тегиши билан таҳорат бузилганида у зот бундай қилмасдилар.

Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) завжалари Ойшадан (розияллоҳу анҳо) ривоят қилинади: “Мен Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) олдиларида ухлар, икки оёғим у зотнинг қибла тарафларида бўларди. Агар сажда қилмоқчи бўлсалар, мени туртар, мен оёғимни йиғиштириб олардим. Агар қиёмга турсалар, яна оёғимни чўзардим. Ўша пайтда уйларда чироқ бўлмасди” (*Бухорий, Муслим, Насоий, Молик ва Аҳмад ривояти*).

۲۳۳ – وَعَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَبَّلَهَا وَهُوَ صَائِمٌ وَقَالَ: إِنَّ الْقُبْلَةَ لَا تَنْقُضُ الْوُضُوءَ وَلَا تَفْطُرُ الصَّائِمَ وَقَالَ: يَا حُمَيْرَاءُ إِنَّ فِي دِينِنَا لَسَعَةً. (رواهُ إِسْحَاقُ بْنُ رَاهُوَيْهِ فِي مُسْنَدِهِ.)

233 – Ойша (розияллоҳу анҳо) ривоят қилишича, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) рўзадор ҳолларида уни ўпиб, “ўпиш таҳоратни кетказмайди, рўзани бузмайди. Эй Хумайро, албатта динимизда кенглик бор”, деганлар (*Исҳоқ ибн Роҳвайҳ “Муснад”да ривоят қилган*).

Ўпиш таҳорат ва рўзани бузмаслиги учун у меъёрда бўлиши лозим. Агар чегарадан чиқилса, иккиси ҳам бузилади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу ерда энгил шахватсиз ўпишни назарда тутганлар.

۲۳۴ – عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: لَيْسَ فِي الْقُبْلَةِ وُضُوءٌ. (رواهُ الدَّارِقُطْنِيُّ وَصَحَّحَهُ.)

234 – Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Ўпиш сабабидан таҳорат олинмайди” (*Дорақутний ривоят қилган ва санадини саҳиҳ, деган*).

Ато, Масруқ ва Абу Жаъфар ҳам аёлни ўпиш билан таҳорат синмаслигини айтган.

Оғизни тўлдирмасдан қушиш.

Агар киши гапира олмаса ёки қайтара олмаса, оғиз тўлиб қусган ҳисобланади ва бундай ҳолатда таҳорат бу-

зилади. Агар қусганда оғиз тўлмаса, таҳорат синмайди. Чунки у ошқозон юқорисидан чиққан бўлади.

Балғам тупуриш.

Балғам ҳам тупук ва у тозадир. Хоҳ оз бўлсин, хоҳ кўп балғам тупуриш билан таҳорат синмайди.

Жойига яхшилаб ўтириб олган ҳолда ухлаш.

Бунга сабаб шуки, думбасини ерга қўйиб, яхшилаб жойлашган ҳолда ухлаган кишидан таҳоратни кетказувчи ҳолатлар содир бўлиши кузатилмайди.

۲۳۵ – عَنْ عَمْرٍو بْنِ شُعَيْبٍ عَنْ أَبِيهِ عَنْ جَدِّهِ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: مَنْ نَامَ جَالِسًا فَلَا وُضُوءَ عَلَيْهِ وَمَنْ وَضَعَ جَنْبَهُ فَعَلَيْهِ الْوُضُوءُ. (رَوَاهُ الدَّارِقُطْنِيُّ وَسَنَدُهُ ضَعِيفٌ.)

235 – Амр ибн Шуаъйб отасидан, отаси бобосидан ривоят қилишича, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким ўтириб ухласа, унга таҳорат олиш шарт эмас. Ким ёнбошини (ерга) теккизса, ана ўшанга таҳорат олиш шарт”, деганлар (*Дорақутний ривояти. Ривоят санади заиф*).

Ким орқасини ерга қўйиб ухласа, унинг таҳорати кетмайди. Агар улов устида ухлаб қолса ҳам таҳорат синган дейилмайди.

Ўтириб ухлаганда ҳар қандай киши ўзини ушлаб туради. Агар ётиб ёки ёнбошлаб ухласа, бўғимлар бўшашади ва уйқуда таҳоратни синдирувчи амаллардан бири содир бўлиш эҳтимоли бор.

۲۳۶ – وَعَنْ أَنَسِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كُنَّا نَأْتِي مَسْجِدَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَنَنَامُ فَلَا نُحَدِّثُ لِدَلِكِ وُضُوءًا. (رَوَاهُ الدَّارِقُطْنِيُّ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

236 – Анас (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Биз Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) масжидлари-га бориб ухлар, лекин таҳоратимизни кетказмас эдик” (*Дорақутний ривояти. Ривоят санади саҳиҳ*).

Саҳобалар бомдод ёки хуфтон намозини кутиб ўтирган ҳолларида ухлаб қолишарди. Кейин ўрнилардан туриб, таҳоратларини янгиламасдан намоз ўқишарди.

۲۳۷ – وَعَنْ نَافِعٍ أَنَّ ابْنَ عُمَرَ كَانَ يَنَامُ جَالِسًا ثُمَّ يُصَلِّي وَلَا يَتَوَضَّأُ.
(رَوَاهُ مَالِكٌ.)

237 – Нофеъдан ривоят қилинишича, Ибн Умар ўтириб ухлар, сўнгра таҳорат қилмасдан намоз ўқир эди (*Молик ривояти*).

Шуни унутмаслик керак, таҳорат кетмаслиги учун ўтириб ухлаш енгил бўлиши лозим. Агар инсон ўзини билмаса, атрофдагилар овозини эшитмаса, ҳис қилиши йўқолса, чуқур уйқуга кетган бўлади ва бу ҳолда таҳорат синади.

Руку ёки саждадаги намозхоннинг ухлаб қолиши.

Хоҳ намозда, хоҳ намоздан ташқарида руку ва саждада ухлаб қолган кишининг таҳорати кетмайди. Агар сажда ёки рукуда ухлаб қолганда таҳоратни бузадиган ҳолатлардан бири (масалан, ел чиқиши) кузатилса, таҳорат синади.

۲۳۸ – عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ:
لَيْسَ عَلَى مَنْ نَامَ سَاجِدًا وَضُوءٌ حَتَّى يَضْطَجِعَ فَإِنَّهُ إِذَا اضْطَجَعَ اسْتَرْخَتْ
مَفَاصِلُهُ. (رَوَاهُ أَحْمَدُ وَابْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَأَبُو يَعْلَى وَرَجَالُهُ مُوْتَقُونَ.)

238 – Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) ривоят қилишича, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Токи ёнбошламагунича саждада ухлаб қолган кишига таҳорат қилиш шарт эмас. Агар ёнбошласа, унинг бўғимлари бўшашади”, деганлар (*Аҳмад, Ибн Абу Шайба ва Абу Яъло ишончли ровийлардан ривоят қилган*).

Демак, ухлаганда таҳорат кетиши учун бўғимлар бўшашини керак. Агар бўғимлари бўшашмайдиган ҳолатда ухласа, таҳорат синмайди.

Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саждада экан-

ларида ухлаб қолардилар. Биз у зот ухлаганларини пишллашларидан билардик. Кейин у зот туриб, намозларини давом эттирардилар” (Ибн Абу Шайба ривояти).

Оловда пишган нарсаларни ейиш.

Оловда пишган гўшт ва шу кабиларни ейиш билан таҳорат кетмайди. Тўрт хулафои рошидин, бошқа салаф ва халафлар, аксар уламолар шунга иттифоқ қилишган. Бунга далилларни қуйида келтирамиз.

Туя гўшти ейиш.

Жумҳур уламолар фикрича, туя гўштини ейиш таҳоратни синдирмайди. Барча уламолар, жумладан, тўрт хулафои рошидин оловда пишган гўшт ейиш билан таҳорат кетмаслигига иттифоқ қилган¹⁰⁴.

۲۳۹ – وَعَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَكَلَ كَتْفَ شَاةٍ ثُمَّ صَلَّى وَلَمْ يَتَوَضَّأْ. (رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَمَالِكٌ وَأَحْمَدُ وَابْنُ خُرَيْمَةَ وَابْنُ حَبَّانَ).

239 – Абдуллоҳ ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) ривоят қилишича, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир қўйнинг қўлини едилар. Кейин (ўрниларидан) туриб намоз ўқидилар, лекин (қайта) таҳорат олмадилар (Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий, Молик, Аҳмад, Ибн Хузайма ва Ибн Ҳиббон ривояти).

Бу ривоят оловда пишган овқатни егандан кейин таҳорат олиш лозимлиги ҳақида келган ривоятларни насх қилади. Жобирдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: “Мен Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) оловда пишган таомни еб, кейин таҳорат олмасдан намоз ўқиганларини кўрдим. Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва

¹⁰⁴ Имом Аҳмад, Исҳоқ ибн Роҳвайх: “Бу хусусда Набийдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) иккита ҳадис ворид бўлган: Жобир ибн Самура ва Баро ибн Озибнинг ҳадиси. Туя гўшти таҳоратни кетказди, деганлар мазҳаби далил тарафидан кучлироқ, гарчи жумҳур бунга қарши бўлса ҳам. Аксар уламолар Баронинг ҳадисига жавобан, Жобирнинг: “Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) икки ишдан охириги қилганлари олов теккан нарсалар (истеъмоли)дан таҳорат қилишни тарк этиш эди” ривоятини ҳужжат қилиб келтиришган. Аммо бу ривоят омм (умумий), туя гўшти истеъмолидан кейин таҳорат қилиш лозимлиги ҳақида айтилгани эса хосдир. Хос оммдан устун туради. Валлоҳу аълам”, деган (“Шарҳун-нававий ʼла муслим”).

саллам) кейин Абу Бакр оловда пишган таомни еб, таҳорат олмасдан намоз ўқиганини кўрдим. Абу Бакрдан кейин Умар оловда пишган таомни еб, таҳорат олмасдан намоз ўқиганини кўрдим” (*Ибн Ҳиббон ривояти. Ривоят санади саҳиҳ*).

Яна Жобир ибн Абдуллоҳ (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Мен Набийга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) нон ва гўшт тайёрладим. У зот таомни еб бўлгандан кейин таҳорат суви олиб келишимни буюрдилар ва таҳорат олиб пешин намозини ўқидилар. Шундан сўнг ортиб қолган таомни сўраб, ундан едилар ва яна намозга турдилар. Аммо таҳорат қилмадилар” (*Абу Довуд, Аҳмад ва Ибн Ҳиббон ривояти. Ривоят санади саҳиҳ*).

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилишича, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қўйнинг қўлини еб, кейин мазмаза қилганлар, икки кафтларини ювиб намоз ўқиганлар (*Ибн Можа ривояти. Ривоят санади саҳиҳ*).

Ушбу ривоятлардан маълум бўладики, оловда пишган таом, хусусан гўшт ейиш билан таҳорат синмайди. Аммо бунда намоз ўқишдан олдин қўл ва оғизни чайиш афзал.

٢٤٠ – وَعَنْ جَابِرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: أَكَلَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنْ لَحْمٍ وَمَعَهُ أَبُو بَكْرٍ وَعُمَرُ رَضَوَانِ اللَّهُ عَلَيْهِمَا ثُمَّ قَامُوا إِلَى الْعَصْرِ وَلَمْ يَتَوَضَّؤُوا. (رَوَاهُ ابْنُ حَبَّانٍ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

240 – Жобир (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) гўшт тановул қилдилар. У зот билан бирга Абу Бакр ва Умар (розияллоҳу анҳумо) ҳам бор эди. Сўнг улар (қайта) таҳорат олмай аср намозига туришди” (*Ибн Ҳиббон ривояти. Ривоят санади саҳиҳ*).

Жобир ибн Абдуллоҳ (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Ансорлардан бир аёл Расулulloҳни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қўй гўштига таклиф қилди. Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобалари билан ўша гўшздан едилар. Намоз вақти бўлганда, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳорат қилдилар. Кейин таомнинг қол-

ганини ейишди. Аср вақти кирганида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳорат олмадилар” (Ибн Ҳиббон “Саҳиҳ”да ва Байҳақий “Ас-сунанул кубро”да ривоят қилган. Ривоят санади кучли).

۲۴۱ – وَعَنْ جَابِرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ آخِرَ الْأَمْرَيْنِ مِنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تَرَكَ الْوُضُوءَ مِمَّا غَيَّرَتِ النَّارُ. (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتَّسَائِي وَابْنُ خَزِيمَةَ وَابْنُ حَبَّانَ وَالطَّبْرَانِيُّ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

241 – Яна Жобир (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қилган икки ишдан охиргиси олов ўзгартирган нарсадан таҳорат олишни тарк қилиш эди” (Абу Довуд, Насоий, Ибн Хузайма, Ибн Ҳиббон ва Табароний ривояти. Ривоят санади саҳиҳ).

Демак, туя гўшти ва оловда пишган бошқа турдаги таомларни егандан сўнг таҳорат шарт эмас.

Маййитни ювиш ва жанозани кўтарिश.

Жумҳур уламолар маййитни ювиш билан таҳорат синмаслигини таъкидлаган. Хаттобий айтади: “Маййитни ювгандан сўнг ғусл қилиш ёки кўтаргандан кейин таҳорат олиш вожиб, деган бирон фақиҳни билмайман.

۲۴۲ – عَنْ نَافِعٍ أَنَّ عَبْدَ اللَّهِ بْنَ عُمَرَ حَنَطَ ابْنًا لِسَعِيدِ بْنِ زَيْدٍ وَحَمَلَهُ ثُمَّ دَخَلَ الْمَسْجِدَ فَصَلَّى وَلَمْ يَتَوَضَّأْ. (رَوَاهُ مَالِكٌ.)

242 – Нофез ривоят қилишича, Абдуллоҳ ибн Умар Саид ибн Зайднинг (вафот этган) ўғлига мушку анбар суриб қўйди. Кейин уни кўтарди ва масжидга кирди. Сўнгра намоз ўқиди, аммо таҳорат олмади (Молик ривояти).

Бу ривоятда жанозани кўтарган киши таҳоратини янгилаши лозим эмаслиги очиқ айтилмоқда.

Бу бобда аслида ихтилоф йўқ. Жумҳур уламолар маййитни ювган одам ғусл қилиши, уни кўтарган эса таҳоратни янгилаши вожиб эмаслигини таъкидлаган.

Демак, хулоса қиладиган бўлсак, маййитни ювган одам ғусл қилиши вожиб эмас, балки мустаҳабдир. Жанозани

кўтаргандан сўнг таҳоратни янгилаш ҳам шарт эмас, балки жанозани кўтаришдан олдин таҳорат олиш керак бўлади.

Фаҳш (уятсиз) сўзларни сўзлаш.

Аксар уламолар фаҳш сўзларни тилга олиш, сўкиниш ва ҳақоратлаш билан таҳорат бузилмаслигини таъкидлаган. Лекин баъзилар фаҳш сўзлар ҳам таҳоратни бузишини айтган. Лекин бу далилларнинг ҳар бирига етарли радициялар бор. Буни юқорида айтиб ўтганимиз учун такрор келтириш шарт эмас.

Бироқ бу бобга тегишли бир ривоят бор. Ойша (розияллоҳу анҳо) бир-бирини сўкиб турган икки кишига қарата: “Сизлар айтаётган баъзи нарсалар таҳоратни бузадиган нопокликдан ҳам ёмонроқдир. Бас, иккинги ҳам таҳоратларингизни янгиланг!” деб буюрган экан. Бу далилга жавобан Ойша (розияллоҳу анҳо) уларни одобга чақириш ёки бир-бирини сўкиш гуноҳини ювиш учун таҳоратни янгилашга буюрган бўлиши мумкин, дейилади.

* * *

Бир киши таҳорат қилиб, тирноғини олса, сочини ва мўйлабини қисқартирса, жумҳур уламолар, жумладан, ҳанафийлар фикрича, у ўша жойга сув текказиши шарт эмас. Яъни, бу ишлар билан таҳорат кетмайди¹⁰⁵. Агар ит ёки тўнғизни ушласа, қўлига нажосат тегса, унга таҳорат қилиш лозим эмас. Қўлидаги нопок нарсани ювиб ташлашнинг ўзи кифоя қилади. Шунингдек, кўз ёш (агар оғриқ сабабидан бўлмаса), бурундан оққан сув, бадандан чиққан тер ва она кўкрагидан чиққан сут ҳам таҳоратни синдирмайди.

¹⁰⁵ Иброҳим Нахаъий наздида, тирноқ олинган, соч ва мўйлаб қисқартирилган жойларга сув текказиш вожиб. Унинг фикрича, қисқартириш ёки олиш билан поклик йўқолади. Бунда у худди маҳсини ечганга ўхшайди.

ҒУСЛ ТАҲОРАТ ЎРНИГА ЎТАДИМИ?

۲۴۳ – عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَا يَتَوَضَّأُ بَعْدَ الْغُسْلِ مِنَ الْجَنَابَةِ. (رَوَاهُ ابْنُ مَاجَهَ وَابْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

243 – Ойша (розияллоҳу анҳо) ривоят қилади: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) жунубликдан ғусл қилгач, таҳорат олмасдилар” (*Ибн Можа ва Ибн Абу Шайба ривояти. Ривоят санади саҳиҳ*).

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) жунубликдан ғусл қилсалар, яна таҳорат олмасдилар. Чунки у зот ғуслдан олдин таҳорат қилиб олардилар.

۲۴۴ – وَعَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَغْتَسِلُ وَيُصَلِّي الرُّكْعَتَيْنِ وَصَلَاةَ الْغَدَاةِ وَلَا أَرَاهُ يُحْدِثُ وَضُوءًا بَعْدَ الْغُسْلِ. (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَأَحْمَدُ وَالْحَاكِمُ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

244 – Яна Ойша (розияллоҳу анҳо) ривоят қилади: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ғусл қилиб, икки ракат (суннат) ва бомдод намоз(ининг фарз)ини ўқирдилар. Менимча, ғуслдан сўнг таҳоратларини синдирмасдилар” (*Абу Довуд, Аҳмад ва Ҳоким ривояти. Ривоят санади саҳиҳ*).

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) баъзан туннинг охирида ғусл қилар, шу ғусл билан бомдод намозини ўқир эдилар. Бунда ғуслдан сўнг таҳоратни бузадиган ҳолатлар бўлмаслиги керак. Акс ҳолда таҳоратни янгилаб олиш керак бўлади.

Ғуслдан олдин таҳорат қилиш суннат. Ғуслдан кейин таҳорат қилиш ҳақида Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) томонларидан бирон ривоят айтилмаган. Ибн Абу Шайба ривоят қилишича, бир киши: “Мен ғуслдан сўнг таҳорат қиламан”, деганида, унга: “Чуқур кетибсан!” дейилган.

Демак, ғул қилгандан сўнг таҳоратни бузувчи ишни содир этмаса, ўша ғул билан намоз ўқиш жоиз, яъни ғул таҳорат ўрнига ўтади.

УЗРАИЛАР ТАҲОРАТИ

Таҳоратни бузадиган хасталикка чалинган кишининг касали тўлиқ бир намоз вақти ўтиб бўлгунча давом этса, бундай киши узрли ҳисобланади. Масалан, асрда бошланган узр шом вақтигача тўхтамаса, киши узрли бўлади. Узрнинг тўхташ вақти бир вақт намоз муддатида тўлиқ узрдан холи бўлишдир.

Кўйидаги ҳолатларда киши узрли ҳисобланади:

- аёл кишининг истиҳоза қон кўриши;
- тўхтамасдан сийдик томиб ёки мазий чиқиб туриши;
- ярадан тўхтамай қон оқиб туриши;
- бурундан тўхтамай қон оқиб туриши;
- ичнинг доимий равишда келиб туриши;
- доимий тарзда ел чиқиб туриши.
- оғриқ билан қулоқ, кўкрак, киндик, кўздан қон ва йиринг чиқиб туриши ва ҳоказо.

Кўйида узр соҳиблари ҳақида келган ривоятларни ўрганамиз.

۲۴۵ – عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: جَاءَتْ فَاطِمَةُ بِنْتُ أَبِي حُبَيْشٍ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَتْ: يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنِّي أَمْرَأَةٌ أُسْتَحَاضُ فَلَا أَطْهَرُ أَفَادَعُ الصَّلَاةَ فَقَالَ: لَا إِنَّمَا ذَلِكَ عَرَقٌ وَلَيْسَ بِالْحَيْضَةِ فَإِذَا أَقْبَلْتَ الْحَيْضَةَ فَدَعِي الصَّلَاةَ وَإِذَا أَذْبَرْتَ فَاغْسِلِي عَنْكَ الدَّمَ وَصَلِّي. (رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَأَصْحَابُ السُّنَنِ وَالِدَّارِمِيُّ وَالِدَّارِقُطْنِيُّ وَفِي رِوَايَةِ الْبُخَارِيِّ قَالَ: ثُمَّ تَوَضَّئِي لِكُلِّ صَلَاةٍ حَتَّى يَجِيءَ ذَلِكَ الْوَقْتُ.)

245 – Ойша (розияллоху анҳо) ривоят қилади: “Фотима бинти Абу Хубайш Набий (соллаллоху алайҳи ва саллам) ҳузурларига келиб: “Ё Расулulloх, мен истиҳоза кўрадиган аёлман, покланмайман. Намозни тарк қилайми?” деб сўради.

Шунда у зот: “Бу ҳайз эмас, томир (узилиши)дир. Агар ҳайз кўра бошласанг, намозни тарк қил. Агар (ҳайз) вақти тугаса, ўзингдан қонни ювиб ташлаб, намоз ўқийвер”, дедилар” (*Бухорий, Муслим, Сунан соҳиблари, Доримий ва Дорақутний ривояти. Бухорий келтирган ривоятда: “Сўнгра ўша вақт келгунича ҳар бир намозга таҳорат қил”, дейилган*).

Ушбу ривоятда мустаҳоза (истихозали аёл) фақат ҳайз кунларини қолдириб, бошқа вақтда доим намоз ўқиши айтилмоқда. Чунки ҳайздагидек истиҳоза пайтида ҳам намоз ўқимасликка рухсат берилса, аёл қалби ибодатдан йироқлашади. Бошқа тарафдан истиҳоза ҳайз каби эмас. У фақат томир ёрилишидан келиб чиқади¹⁰⁶. Аёл ҳайз вақтида намозни тарк қилади. Одатдаги ҳайз кунларидан ўтса, у истиҳоза ҳисобланади¹⁰⁷. Истиҳоза касалликдир. Бунда у ҳар бир намоз вақти учун алоҳида таҳорат қилади.

Ойша (розияллоҳу анҳо) ривоят қилади: “Фотима бинти Абу Хубайш Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига келиб, “эй Расулulloҳ, мен истиҳозали аёлман, покланмайман. Намозни тарк қилайми?”деб сўраганида, у зот: “Йўқ. Чунки бу томир (ёрилиши)дир, ҳайз эмас. Ҳайз кунларингда намозни тарк қил. Сўнг ғусл қил ва гарчи бўйрага қон томчиласа ҳам ҳар бир намозга таҳорат қил”, дедилар” (*Ибн Можжа ва Аҳмад ривояти. Ривоят санади саҳиҳ*).

Узр соҳиби имкон қадар узрини тўхтатиш ёки камай-тиришга ҳаракат қилиши керак.

Истиҳоза қони келиб турган аёл турган ҳолда намоз ўқиганда қон тўхтамас, ўтириб ўқийди. Намоз ўқиб бўлмасдан олдин кийимига яна қон тегиши эҳтимоли бўлса, қон теккан кийимда намозини ўқиб олиши жоиз. Лекин намоз ўқигунга қадар қон оқиб кийимига тегмаслигига ишонса, у ҳолда либосидаги нажосатни поклаши лозим.

Ушбу ривоятдан олинадиган фойдалар:

1. Бирон савол пайдо бўлганда уялмасдан дарҳол сўраш жоизлиги;

¹⁰⁶ Истиҳозада “озил” (“айн” ва “зал” ҳарфи билан) деб номланувчи томир узилган бўлади.

¹⁰⁷ Ҳайз қонининг тўхтагани аломати қорамтир-сарғиш қон келишининг тугашидир.

2. Аёл поклик ва бошқа ўзига боғлиқ масалани эркак кишидан сўраши жоизлиги;
3. Зарурат юзасидан эркак бегона аёл овозини эшитиши жоиз экани;
4. Ҳайз тугаши билан тезда ғул қилиш кераклиги;
5. Қон најосат экани;
6. Ҳайз пайтида намоз ўқиш мумкин эмаслиги;
7. Ҳайз қони тўхташи биланоқ аёл намоз ўқиши шарт экани;
8. Истиҳозали аёл ҳар бир намозга таҳорат олиб, намозини қолдирмаслиги лозим экани.

٢٤٦ – وَعَنْ عُرْمَةَ أَنَّ أُمَّ حَبِيبَةَ بِنْتَ جَحْشٍ اسْتُحِيضَتْ فَأَمَرَهَا النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ تَنْتَظِرَ أَيَّامَ أَقْرَانِهَا ثُمَّ تَغْتَسِلَ وَتُصَلِّيَ فَإِنْ رَأَتْ شَيْئًا مِنْ ذَلِكَ تَوَضَّأَتْ وَصَلَّتْ. (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَفِي رِوَايَتِهِ قَالَ: وَتَوَضَّأَ عِنْدَ كُلِّ صَلَاةٍ. سَنَدُ هَذَا الْحَدِيثِ صَحِيحٌ.)

246 – Икрима ривоят қилишича, Умму Ҳабиба бинти Жаҳш истиҳоза кўрганида, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унга ҳайз тугашини кутиши, кейин ғул қилиб, намоз ўқийвериши, агар қондан бирон нарса кўрадиган бўлса, таҳорат қилиб, намоз ўқишини амр қилганлар” (Абу Довуд ва Термизий ривояти. Термизий келтирган ривоятда: “Ҳар бир намоз вақтида таҳорат қилади”, дейилган. Ривоят санади саҳиҳ).

Ушбу ривоятда ҳам мустаҳоза ҳайз пайтини ўтказиб, ғул қилиши, кейин намоз ўқийвериши, ҳар бир намоз вақти учун алоҳида таҳорат олиши, агар таҳоратни бузадиган амаллардан бири юз берса, таҳоратини янгилаб олиши лозимлиги айтилмоқда.

٢٤٧ – عَنْ خَارِجَةَ بِنِ زَيْدٍ قَالَ: كَانَ زَيْدُ بْنُ ثَابِتٍ قَدْ سَلَسَ مِنْهُ الْبَوْلُ فَكَانَ يُدَارِي مَا غَلَبَهُ مِنْهُ فَلَمَّا غَلَبَهُ أَرْسَلَهُ وَكَانَ يُصَلِّيَ وَهُوَ يَخْرُجُ مِنْهُ. (رَوَاهُ الدَّارِقُطْنِيُّ فِي السُّنَنِ).

247 – Хорижа ибн Зайд ривоят қилади: “Зайд ибн Собитдан сийдик оқиб турар эди ва у бундан сақланишга ҳаракат қиларди. Қачон бавл устун келса, сийдик оқиб турган ҳолида намоз ўқийверарди” (*Дорақутний “Сунан”да ривоят қилган*).

Ушбу ривоятда айтилишича, Зайд ибн Собит чакмазак¹⁰⁸ касалига учраган ва уни даволашга, бавлдан сақланишга ҳаракат қилган ва иложи бўлмагач, бавл оқиб турган ҳолида намоз ўқийверган.

Саид ибн Мусайяб айтади: “Агар сонимга оқса, эътибор бермайман”, деган. Суфён буни: “Яъни, агар узрли бўлса, сийдик оқиб турса...” деб изоҳлаган. (*Дорақутний ривояти*).

٢٤٨ – أَخْبَرَ الْمَسُورُ بِنَ مَخْرَمَةَ أَنَّهُ دَخَلَ عَلَى عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ مِنَ اللَّيْلَةِ الَّتِي طَعِنَ فِيهَا فَأَيَّقَظَ عُمَرَ لَصَلَاةِ الصُّبْحِ فَقَالَ عُمَرُ: نَعَمْ وَلَا حَظَّ فِي الْإِسْلَامِ لِمَنْ تَرَكَ الصَّلَاةَ فَصَلَّى عُمَرُ وَجُرْحُهُ يَثْعَبُ دَمًا. (رَوَاهُ مَالِكٌ وَالِدَارَقُطْنِيُّ وَعَبْدُ الرَّزَّاقِ وَابْنُ أَبِي شَيْبَةَ.)

248 – Мисвар ибн Махрама ривоят қилишича, Умар ибн Хаттоб яраланган кечада у Умарни бомдод намози-га уйғотди. Шунда Умар: “Ҳа, намозни қолдирган кимса учун Исломда ҳеч қандай улуш йўқ”, деди. Бас, Умар жароҳатидан қон оқиб турган ҳолида намоз ўқиди (*Молик, Дорақутний, Абдураззоқ ва Ибн Абу Шайба ривояти*).

Ушбу ривоятда кўплаб фойдалар мавжуд. Жумладан:

1. Мўмин-мусулмон бандалар намозга алоҳида эътибор билан қараши лозимлиги;
2. Умарнинг (розияллоҳу анҳу) намозга эътиборли бўлгани;
3. Намозга тура олмай, ухлаб қолган кишиларни уйғотиш яхши экани;
4. Жароҳатдан қон оқиши тўхтамаса ҳам, намоз ўқиш жоизлиги;

¹⁰⁸ Чакмазак – сийдик тутолмаслик касали.

5. Ҳатто оғир жароҳат ҳам намозни қолдиришга сабаб бўла олмаслиги.

Жароҳатдан қон чиқиши икки хил бўлади. Биринчиси, қон тўхтамасдан, муттасил келиб туриши. Иккинчиси, вақти-вақти билан қон чиқиши. Агар қон тўхтамасдан келиб турса, банда шу ҳолича намоз ўқийверади, қон чиқиши билан намоз бузилмайди. Чунки буни қайтаришнинг иложи йўқ. Агар қон тўхтаб, баъзи вақтларда чикса ёки бунга ўзи сабаб бўлса, бу ҳолда таҳорат синади. Шундай вақтда бадан ва либосдаги қонни ювиб, таҳорат қилинади ва қайтадан намоз ўқилади. Бундай ҳолатлардан сақланиш мумкин.

Шофиъий, моликий ва ҳанбалийлар фикрича, узр соҳиби таҳоратдан олдин нопокликни аритишни эмас, балки намоз ўқишни мубоҳ қилишни ният қилади. Сабаби унга доим нопоклик етиб туради. Таҳоратнинг ўзи билан буни бартараф қилиш мушкул.

Узрли киши ҳар бир намозга янгидан таҳорат олади ва шу таҳоратда ўша вақт орасида фарз ва нафл намозларини ўқиши мумкин¹⁰⁹. Вақт чиқмасдан бурун ҳар бир намозга алоҳида таҳорат олмайди. Намоз вақтининг чиқиши узрли киши таҳоратини синдиради¹¹⁰. Масалан, пешинда таҳорат олган узрли киши аср намози учун яна қайтадан таҳорат олиши керак. Бомдод намозига олинган таҳорат кун чиқиши билан синади. Бир киши пешинни ўқиб бўлиб, янги таҳорат қилган бўлса, аср вақти кирганда унинг таҳорати кетади ва қайта таҳорат олиши лозим бўлади.

¹⁰⁹ Жумҳур уламолар истиҳозали аёл хоҳ вақтида, хоҳ кечиктириб ўқисин, ҳар бир фарз намози учун алоҳида таҳорат қилиши кераклигини айтган. Аммо ҳанафийлар, вақт чиқмаган бўлса, бир таҳорат билан хоҳлаганча фарз ва нафл намозларни ўқиш мумкин, деган. Моликийлар наздида, мустаҳоза ҳар бир намоз вақтида таҳорат қилиши вожиб эмас, балки мустаҳабдир. Шарти шуки, бунда таҳоратни кетказадиган бошқа ҳолатлар бўлмаслиги лозим. Аҳмад ва Исҳоқ: “Эҳтиёт юзасидан у ҳар бир фарз намозига ғусл қилиши яхши”, деган.

¹¹⁰ Абу Ҳанифа ва Имом Муҳаммад, мустаҳозанинг таҳорати вақт чиқиши билан синади деса, Имом Зуфар, унинг таҳорати вақт кириши билан синади, деган. Масалан, мустаҳоза фажр вақтида таҳорат қилди. Абу Ҳанифа ва Имом Муҳаммад наздида, унинг таҳорати қуёш чиқиши билан бузилади. Имом Зуфар наздида эса, бирон намоз вақти кирмагани боис унинг таҳорати синмайди. Иккинчи мисол, агар мустаҳоза заволдан олдин таҳорат қилса, сўнг қуёш заволга кетса, Абу Ҳанифа ва Муҳаммадлар наздида, унинг таҳорати бузилмайди. Зуфар наздида эса, намоз вақти киргани боис бузилади. Аммо вақт чиқиши билан узрлилар таҳорати синиши уламолар томонидан маъқулланган.

Узрли кишининг касаллик жойларидан бошқа ўринларда таҳоратни кетказувчи нарсалар содир бўлса, таҳорати синади. Масалан, тўхтамасдан бавли томиб турган киши пешин намозига таҳорат қилди. Намоз ўқиб бўлгач, ел чиқарса ёки бирон жойи қонаса, аср намози кирмасдан таҳорат синган ҳисобланади.

Узр соҳиби фақат пешин намозига пешин вақти кирмасдан олдин таҳорат олиши мумкин. Чунки бомдод билан пешиннинг ораси бирон-бир фарз намозининг вақти эмас.

Узрли киши намозини охирги вақтигача кечиртириши дуруст. Чунки агар шу пайт оралиғида узри тугаб қолса, таҳоратини тўлиқ олиб, намозини рисоладагидек ўқийди. Бу сув топилишига умид қилиб турган киши таяммум қилмай, намозни охирги вақтигача кечиктиришига ўхшайди.

Юқорида узр эгалари ҳар бир намоз вақти кирганда янгидан таҳорат олишлари айтиб ўтилди. Агар улар таҳорат олишга қодир бўлишмаса, таяммум қилади. Агар қамаб қўйилганлик ёки оғир касаллик туфайли таяммум қилишга қодир бўлмаса ёки имконини топа олмаса, намоз вақти кирганида намознинг ҳурмати учун ўзини намоз ўқиётгандек тутади. Намозда қандай амаллар фарз бўлса, қиём, руку, сажда, қаъда ва салом каби барчасини адо этади. Фақат бунда намоз ўқишни ният қилмайди, Қуръони карим оятларидан тиловат этмайди. Қачон сув ишлатиш ёки таяммум қилишга қодир бўлса, ўтказиб юборган намозларини қайтариб ўқийди. Чунки у ҳақиқий маънода намоз ўқимаган, фақат намоз ҳурматидан ўзини уни ўқиётгандек тутган эди. Бўйнидаги бандалик вазифаси соқит бўлиши учун таҳорат ёки таяммумни мукамал олиб, намозларини тўлиқ ўқиши талаб этилади¹¹¹.

¹¹¹ «Бадоиъус саноиъ», «Баҳрур роиқ», «Фатавои ҳиндийя».

ТАҲОРАТДА ШУБҲАЛАНИШИ

٢٤٩ – عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِذَا وَجَدَ أَحَدُكُمْ فِي بَطْنِهِ شَيْئًا فَأَشْكَلَ عَلَيْهِ أَخْرَجَ مِنْهُ شَيْءٌ أَمْ لَا فَلَا يَخْرُجَنَّ مِنَ الْمَسْجِدِ حَتَّى يَسْمَعَ صَوْتًا أَوْ يَجِدَ رِيحًا. (رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَالدَّرِمِيُّ وَابْنُ مَاجَةَ وَأَحْمَدُ وَابْنُ خُزَيْمَةَ.)

249 – Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу) Расулulloҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади: “Агар сизлардан биронтангиз қорнида нимадир сезса ва ундан бирон нарса чиққан-чиқмагани ҳақида шубҳага борса, бас, то овозни эшитмагунича ёки ҳид сезмагунича масжиддан зинҳор чиқиб кетмасин!” (*Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий, Доримий, Ибн Можа, Аҳмад ва Ибн Ҳузайма ривояти*).

Ушбу ривоятда аниқ нарса шубҳа билан бекор бўлмаслиги таъкидланмоқда.

Инсон турли ҳолатда бўлади. Баъзида касалликка чалинган бўлиши, баъзида хаёли бирон ерга кетиб қолиши ёки шайтон васваса қилиши мумкин. Агар намозда таҳорат кетган-кетмагани аниқ билинмаса, ел овози эшитилмагунича, ҳид сезилмагунича ёки таҳоратни бузувчи бошқа ҳолатлар содир бўлмагунича таҳорат синмаган ҳисобланади.

Уламолар уни бу ҳадисдан келиб чиққан ҳолда, “бирон нарсанинг хилофи юз бергани аниқ бўлмагунича, у асл ҳукмида туради. Унга бирон шубҳа зарар қилмайди”, дейишган. Шунга кўра, таҳорат борлигига аниқ ишонса ва таҳорати кетганига шубҳаланса, таҳоратли ҳисобланади. Бу нарса намоз ичида ёки ташқарисида бўладими, фарқи йўқ. Бу салаф ва улардан кейинги жумҳур уламолар фикридир¹¹². Бироқ таҳорат борлигига шубҳаланиб, таҳорат

¹¹² Имом Моликдан икки хил ривоят келтирилади. Биринчиси, агар банда намоздан ташқарида шубҳага тушса, қайта таҳорат қилади, намоз ичида шарт эмас. Иккинчиси, ҳар қандай ҳолатда қайта таҳорат қилиши керак. Шофиъий уламолар: “Бу ҳолатда эҳтиёт юзасидан таҳорат қилиш мустаҳаб. Агар эҳтиёт юзасидан таҳорат қилганидан кейин ҳам унинг шубҳаси тугамаса, ундан масъулият соқит қилинади”.

кетганига аниқ ишонса, уламолар ижмосига кўра, қайта таҳорат олиш керак.

Аббод ибн Тамим амакисидан ривоят қилишича, бир киши намозда бир нарса бўлгандек туюладиган нарса ҳақида Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мурожаат қилганида, у зот: “У овозни эшитмагунча ёки ҳидни сезмагунча (намоздан) чиқмасин!” дедилар (*Муттафақун алайҳ*).

٢٥٠ - وَعَنْ سَعِيدِ بْنِ الْمُسَيْبِ أَنَّهُ سَمِعَهُ وَرَجُلٌ يَسْأَلُهُ فَقَالَ: إِنِّي لِأَجِدُ الْبَلَلَ وَأَنَا أَصَلِّي أَفَأَنْصَرِفُ فَقَالَ لَهُ سَعِيدٌ: لَوْ سَأَلَ عَلَى فَخَذِي مَا أَنْصَرَفْتُ حَتَّى أَقْضِيَ صَلَاتِي. (رَوَاهُ مَالِكٌ وَالِدَارِقُطْنِيُّ وَعَبْدُ الرَّزَّاقِ).

250 – Саид ибн Мусайябдан бир киши: “Мен намоз ўқиётганимда намликни ҳис қиламан. Шундай ҳолда намоздан чиқишим керакми?” деб сўраганида, Саид: “Агар сонимга бирон нарса оқса ҳам, намозимни тугатмагунимча ибодатимни бузмайман”, деди (*Молик, Дорақутний ва Абдураззоқ ривояти*).

Ушбу ривоят ҳақида бир неча мулоҳазалар бор:

– Саид ибн Мусайяб наздида намлик чиқиши билан таҳорат бузилмайди¹¹³;

– агар намозда бирон нарса чиққандек туюлса, таҳорат синмаган ҳисобланади;

– беморнинг закаридан узлуксиз сийдик томчилаб турса, у ҳар намоз вақтида таҳорат олади.

Ким таҳорат олгандан кейин закаридан бир намлик чиққанини кўрса, қайта таҳорат олади. Чунки бу сийдик томчилари бўлиб, у таҳоратни бузади. Истинжодан кейин шайтон васвасасини кетказиш учун кийимга сув пуркалади. Агар шундан кейин ҳам бирон нарса сезса, бу сув томчиси деб қаралади.

Таҳоратда шубҳаланиш фақат ел чиқиши билан боғлиқ эмас. Бундан ташқари закардан бавл ёки мазий чиқиши каби ҳолатлар ҳам бандани шубҳа кўчасига етаклайди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай шубҳа-

¹¹³ Бу ҳақда “Ал-мунтақо шарҳул муваттоъ” китобидан кенгроқ маълумот олишингиз мумкин.

лардан холи бўлиш учун қандай йўл тутганлари қуйидаги ривоятларда айтилади.

۲۵۱ – عَنْ الْحَكَمِ أَوْ ابْنِ الْحَكَمِ عَنْ أَبِيهِ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَالَ ثُمَّ تَوَضَّأَ وَنَضَحَ فَرَجَهُ. (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَأَحْمَدُ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

251 – Ҳакам ёки Ибн Ҳакам отасидан ривоят қилишича, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бавл қилиб, сўнг таҳорат олганлар ва фаржларига сув сепганлар (Абу Довуд ва Аҳмад ривояти. Ривоят санади саҳиҳ).

Таҳоратдан олдин сийганда, ҳатто яхшилаб истибро қилинса ҳам, баъзи ҳолларда таҳорат олиб бўлгач, закардан суюқлик чиққандек бўлади. Мана шунинг олдини олиш учун Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳоратдан кейин кийим устидан фаржларига қўл учида сув сепар эдилар. Шундай қилинса, қалбга васваса келмайди.

۲۵۲ – وَعَنْ أُسَامَةَ بْنِ زَيْدِ بْنِ حَارِثَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: عَلَّمَنِي جِبْرَائِيلُ الْوُضُوءَ وَأَمَرَنِي أَنْ أَنْضَحَ تَحْتَ ثَوْبِي لِمَا يَخْرُجُ مِنَ الْبَوْلِ بَعْدَ الْوُضُوءِ. (رَوَاهُ ابْنُ مَاجَةَ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ.)

252 – Усома ибн Зайд ибн Ҳориса (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Жаброил менга таҳоратни ўргатди ва менга таҳоратдан кейин чиқадиган сийдик сабабли кийимим остига сув сепишимни буюрди”, дедилар” (Ибн Можа ривояти. Ривоят санади ҳасан).

Ушбу ривоятдан қуйидагиларни билиб оламиз:

– Жаброил (алайҳиссалом) Расулulloҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳорат ва намозни ўргатгани;

– таҳорат ҳақидаги васвасани кетказиш учун кийим устидан сув сепиш лозимлиги.

۲۵۳ – وَعَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تَوَضَّأَ مَرَّةً مَرَّةً وَنَضَحَ فَرَجَهُ. (رَوَاهُ الدَّارِمِيُّ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

253 – Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) ривоят қилишича, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) аъзоларини бир мартадан ювиб таҳорат олганлар ва фаржларига сув сепганлар (*Доримий ривояти. Ривоят санади саҳиҳ*).

Кунларнинг бирида Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) аъзоларини бир мартадан ювиб таҳорат олганлар ва кийим устидан фаржларига сув сепганлар. У зот бу ишни ҳар доим эмас, баъзи вақтларда қилганлар.

٢٥٤ – وَعَنْ الصَّلْتِ بْنِ زَيْدٍ أَنَّهُ قَالَ: سَأَلْتُ سُلَيْمَانَ بْنَ يَسَارٍ عَنِ الْبَلَلِ أَجْدُهُ فَقَالَ: انْضَحْ مَا تَحْتَ ثَوْبِكَ بِالْمَاءِ وَاللَّهُ عَنَّهُ. رَوَاهُ مَالِكٌ.

254 – Солт ибн Зуяйд ривоят қилади: “Мен Сулаймон ибн Ясордан намлик ҳис қилишим ҳақида сўраган эдим, у: “Кийиминг остидан сув сеп ва кейин парво қилма!” деди” (*Молик ривояти*).

Агар закардан намлик чиққандек туюлса, фаржга сув сепилади ва кейин унга эътибор берилмайди. Шубҳага борганда шундай йўл тутилади. Агар закардан бавл ёки мазий чиққани аниқ бўлса, закарни ювиб қайта таҳорат олиш керак.

Агар таҳорат олаётганда бир аъзони ювганига шубҳа қилса ва биринчи маротаба бўлса, ўша жойни ювади. Агар бу нарса кўп такрорланса, эътибор берилмайди. Бу таҳорат олиш пайтидаги шубҳани йўқотиш учун қўлланилади. Агар таҳоратдан кейин ҳар хил шубҳа ва гумонлар хаёлини банд қилса, бунга эътибор бермайди.

Хулоса қиладиган бўлсак, ким намозда закардан намлик ёки орқасидан ел чиққандек туюлса, таҳоратли эканига шубҳаланса, намозини давом эттиради. Агар закардан сийдик, мазий ёки орқадан ел чиққанига аниқ ишонса, таҳоратини янгилаши лозим.

ТАҲОРАТ ТУРЛАРИ

Ҳанафий уламоларга кўра, таҳорат беш хил бўлади. Булар: фарз, вожиб, мустаҳаб, макруҳ (бидъат) ва ҳаром¹¹⁴.

1. Фарз таҳорат.

Хоҳ фарз, хоҳ нафл бўлсин, намоз ўқиш, тиловат саждаси қилиш, Қуръони каримни қўлга олиш учун таҳоратли бўлиш лозим. Агар бу амаллар таҳоратсиз амалга оширилса, банда гуноҳкор бўлади, таҳоратсиз ўқилган намоз мақбул эмас.

۲۵۵ – عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: لَا صَلَاةَ لِمَنْ لَا وُضُوءَ لَهُ وَلَا وُضُوءَ لِمَنْ لَمْ يَذْكُرْ اسْمَ اللَّهِ تَعَالَى عَلَيْهِ. (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَابْنُ مَاجَهَ وَأَحْمَدُ وَالْحَاكِمُ وَالدَّارِقُطْنِيُّ وَالتَّطَبَّرَانِيُّ فِي الْكَبِيرِ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

255 – Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу) Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади: “Таҳорати йўқ киши учун намоз йўқ. Унда (таҳоратда) Аллоҳ таолонинг исмини зикр қилмаган кишининг таҳорати йўқ” (*Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа, Аҳмад, Ҳоким, Дорақутний, Табароний “Кабир”да ривоят қилган. Ҳадис санади саҳиҳ*).

Бу ривоятдан таҳоратсиз ўқилган намоз қабул бўлмаслигини билиб оламиз. Шунингдек, жаноза намозини ўқиш учун ҳам таҳорат олиш шарт. Жаноза намози тўлиқ намоз бўлмаса-да, унда қиём ва салом бор.

¹¹⁴ Моликийлар наздида ҳам таҳорат беш хил бўлади: вожиб, суннат, мустаҳаб, мубоҳ ва қайтарилган таҳорат. 1) Вожиб таҳорат. Фарз ва нафл, жаноза намозлари, тиловат саждаси, Мушфафни ушлаш ва Каъбани тавоф қилиш учун таҳорат қилиш. 2) Суннат таҳорат. Жунубнинг уйқудан олдин таҳорат қилиши. 3) Мустаҳаб таҳорат. Ҳар бир намоз вақтида таҳорат қилиш, мустаҳоза ва узр соҳибининг ҳар бир намоз вақтида таҳорат қилиши. 4) Мубоҳ таҳорат. Янада покланиш ва салқинланиш учун таҳорат қилиш. 5) Қайтарилган таҳорат. Таҳорат қилиб, у билан бирон ибодатни бажармай туриб яна таҳорат қилиш.

Шофиъийлар наздида, қон олдиргандан сўнг, бурун қонаши, туриб ёки ерга яхшилаб жойлашиб олиб ухлагандан кейин, намозда қаҳқаҳа отиб кулгандан кейин, оловда пишган гўшт, туя гўшти истеъмолидан кейин, таҳорати кетгани ҳақида шубҳага тушганда, қабрларни зиёрат қилиш учун, жаноза кўтариш ва уни ушлагандан кейин таҳорат қилиш мустаҳаб.

Тафсир китобини ушлаш учун таҳорат қилиш мустаҳаб. Агар тафсирда Қуръон оятлари камроқ бўлса, уни таҳоратсиз ушлаш мумкин эмас.

2. Вожиб таҳорат.

Каъбани тавоф қилиш учун таҳорат олиш вожибдир.

۲۵۶ – عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: الطَّوَافُ حَوْلَ الْبَيْتِ مِثْلُ الصَّلَاةِ إِلَّا أَنْكُمْ تَتَكَلَّمُونَ فِيهِ فَمَنْ تَكَلَّمَ فِيهِ فَلَا يَتَكَلَّمَنَّ إِلَّا بِخَيْرٍ. (رواه الترمذی وابن خزيمة والحاکم وأبو يعلى وسنده صحيح.)

256 – Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) ривоят қилишича, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Байт(уллоҳ) атрофини тавоф қилиш худди намоз кабиридир. Фақат сизлар унда гаплашасизлар. Бас, ким у ерда гапирса, фақат яхши сўзларнигина гапирсин!” деганлар (*Термизий, Ибн Хузайма, Ҳоқим ва Абу Яъло ривояти. Ҳадис санади саҳиҳ*).

Каъбани тавоф қилиш худди намоз каби бўлиб, фарқи тавофда гапириш мумкин. Лекин тавоф пайтида фақат яхши гапларни гапириш лозим. Бу ҳолатда зикр ва дуолар билан машғул бўлиш мақсадга мувофиқ.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу ерда тавофни намозга қиёслаб, унга намоздаги каби эътиборли бўлишни тайинламоқдалар. Ҳанафийлардан бошқалар тавоф учун таҳорат олишни фарз деган. Ҳанафийлар тавоф ҳақиқий маънодаги намоз эмаслиги ва унинг тўғри бажарилиши таҳоратга боғлиқ эмаслигини айтган. Каъбани тавоф қилиш учун таҳоратли бўлиш вожиб. Агар Каъба таҳоратсиз тавоф қилинса, тавофи жоиз бўлса ҳам, банданинг ўзи гуноҳкор бўлади.

3. Мустаҳаб таҳорат.

Мустаҳаб таҳоратнинг турлари кўп. Жумладан:

Уйқудан олдин таҳорат қилиш.

۲۵۷ – عَنْ الْبَرَاءِ بْنِ عَازِبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِذَا أَتَيْتَ مَضْجِعَكَ فَتَوَضَّأْ وَضُوءَكَ لِلصَّلَاةِ ثُمَّ اضْطَجِعْ عَلَى شِقِّكَ

الْأَيْمَنِ ثُمَّ قُلْ: اللَّهُمَّ أَسَلَمْتُ وَجْهِي إِلَيْكَ وَفَوَّضْتُ أَمْرِي إِلَيْكَ وَأَلْجَأْتُ
 ظَهْرِي إِلَيْكَ رَغْبَةً وَرَهْبَةً إِلَيْكَ لَا مَلْجَأَ وَلَا مَنَاجَا مِنْكَ إِلَّا إِلَيْكَ اللَّهُمَّ آمَنْتُ
 بِكِتَابِكَ الَّذِي أَنْزَلْتَ وَبِنَبِيِّكَ الَّذِي أَرْسَلْتَ فَإِنْ مِتُّ مِنْ لَيْلَتِكَ فَأَنْتَ عَلَى
 الْفِطْرَةِ وَاجْعَلْهُنَّ آخِرَ مَا تَتَكَلَّمُ بِهِ. قَالَ: فَرَدَّدْتُهَا عَلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ
 وَسَلَّمَ فَلَمَّا بَلَغْتُ اللَّهُمَّ آمَنْتُ بِكِتَابِكَ الَّذِي أَنْزَلْتَ قُلْتُ: وَرَسُولِكَ قَالَ:
 لَا وَنَبِيِّكَ الَّذِي أَرْسَلْتَ. (رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَأَبُو دَاوُدَ وَابْنُ خُزَيْمَةَ وَالْبَيْهَقِيُّ
 فِي شُعَبِ الْإِيمَانِ.)

257 – Баро ибн Озиб (розияллоху анху) ривоят қилади: “Набий (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Агар тўшагинга ётсанг, намозга оладиган таҳоратингни ол ва ўнг томонинг билан ёт. Кейин: “Эй Аллоҳ, мен Сенинг ҳукмингга бўйсундим, ишимни Сенга ҳавола қилдим, (раҳматингдан) умид қилиб ва (ғазабингдан) қўрқиб Сенга суяндим. Сенинг (азобингдан) қутулиш ва қочиш мумкин эмас, фақат ҳузурингга қайтиш бор. Эй Аллоҳ, Сен нозил қилган Китобга ва юборган Пайғамбарингга имон келтирдим”, деб айт. Агар ўша тунда вафот этсанг, фитратда¹¹⁵ ўласан. (Кечаси) охири айтадиган сўзларинг мана шу калималар бўлсин!” дедилар”. Шунда мен бу дуони Набийга (соллаллоху алайҳи ва саллам) қайтариб ўқиб бердим. “Эй Аллоҳ, Сен нозил қилган Китобга имон келтирдим” деган жумлага келганимда, “Ва (Сен юборган) Расулингга...”, деган эдим, у зот: “Йўқ, “Сен юборган Пайғамбарингга... (деб айт)”, дедилар” (*Бухорий, Абу Довуд, Ибн Хузайма, Байҳақий “Шуаъбул имон”да ривоят қилган*).

Ушбу ривоятда Набий (соллаллоху алайҳи ва саллам) Баро ибн Озибга (розияллоху анху) ётишдан олдин таҳорат олишни буюриб, кейин олдин ўқиладиган дуони ўргатганлари келтирилган. Уйқу чоғида руҳ танани тарк этади. Агар таҳорат ва дуо билан уйқуга ётилса, тундаги

¹¹⁵ “Фитрат” сўзи бу ерда “Исломи дини”, “Иброҳим дини” маъносида келмоқда. Мазкур сўзнинг “хилқат”, “суннат” каби маънолари ҳам бор.

амаллари шу билан тугаган ҳисобланади. Ухлаган вақтда жон узилиши ёки шайтон васваса қилиши мумкин. Бундан сақланиш учун ҳам таҳоратли ҳолда уйқуга ётиш афзал. Қолаверса, таҳоратли ҳолда ётилса, шайтоний ва ёмон тушлар безовта қилмайди.

Хуфтонни ўқиш билан уйқуга ётилса, намоз учун олинган таҳорати кифоя қилади. Агар ётишдан олдин таҳорати бўлмаса, алоҳида таҳорат олади.

۲۵۸ – وَعَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَنْ بَاتَ طَاهِرًا بَاتَ فِي شِعَارِهِ مَلَكٌ فَلَمْ يَسْتَيْقِظْ إِلَّا قَالَ الْمَلَكُ: اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِعَبْدِكَ فَلَانَ فَإِنَّهُ بَاتَ طَاهِرًا. (رَوَاهُ ابْنُ حِبَّانَ وَابْنُ مُبَارَكٍ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ).

258 – Ибн Умар (розияллоҳу анҳу) Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади: “Ким пок ҳолида ухласа, унинг тўшагида бир фаришта ҳам ётиб, (тонгда) уйқудан уйғонгач, ўша фаришта: “Эй Аллоҳ, фалончи бандангни мағфират қил. Чунки у пок ҳолида ухлади”, дейди” (Ибн Ҳиббон ва Ибн Муборак ривояти. Ҳадис санади саҳиҳ).

Ушбу ривоятда тана ва либос пок ҳолда, таҳорат билан уйқуга ётилса, бир фаришта вакил қилиниб, уйқудан турганда шу фаришта уйқудан турган ҳаққиға истиғфор сўраши айтилмоқда. Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) ривоят қилишича, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шундай деганлар: “Бу таналарни покланглар. Шунда Аллоҳ сизларни поклайди. Қайси бир банда пок ҳолида ухласа, унинг ёнида бир фаришта бўлиб, туннинг бир соатида ўрнидан турса, (фаришта): “Аллоҳ, бу бандангни мағфират қилгин. Чунки у пок ҳолида тунади”, дейди” (Табароний “Авсат”да жайийид санад билан ривоят қилган).

۲۵۹ – وَعَنْ مُعَاذِ بْنِ جَبَلٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: مَا مِنْ مُسْلِمٍ يَبِيتُ عَلَى ذِكْرِ طَاهِرًا فَيَتَعَارُ مِنْ اللَّيْلِ فَيَسْأَلُ اللَّهَ خَيْرًا

مِنَ الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ إِلَّا أَعْطَاهُ إِيَّاهُ. (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَأَحْمَدُ وَالْبَزَّازُ وَعَبْدُ بَنِ حَمِيدٍ وَالطَّبْرَانِيُّ فِي الْكَبِيرِ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ).

259 – Муоз ибн Жабал (розияллоҳу анху) Набийдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади: “Қайси бир мусулмон банда (Аллоҳни) зикр қилиб пок ҳолида ухласа ва кечаси туриб, Аллоҳдан дунё ва охират яхшилигини сўраса, (Аллоҳ) унга (сўраган нарсасини), албатта беради” (Абу Довуд, Аҳмад, Баззор, Абд ибн Хумайд, Табароний “Кабир”да ривоят қилган. Ҳадис санади саҳиҳ).

Қайси мусулмон банда Аллоҳни зикр қилиб, таҳоратли ҳолида уйқуга кетса, туннинг бир қисмида туриб, Аллоҳдан дунё ва охират яхшилигини сўраса, дуо си ижобат бўлади. Бу эса таҳорат ва зикр-дуо билан уйқуга кетишнинг қанчалик фазилатли эканидан дарак беради. Айниқса, таҳажжуд намозига турганда алоҳида эътибор бериш лозим.

Уйқудан уйғонганда таҳорат қилиш.

۲۶۰ – عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ لَا يَرْقُدُ مِنْ لَيْلٍ وَلَا نَهَارٍ فَيَسْتَيْقِظُ إِلَّا تَسَوَّكَ قَبْلَ أَنْ يَتَوَضَّأَ. (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ).

260 – Ойша (розияллоҳу анҳо) ривоят қилишича, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тундами ёки кундузими, агар уйқудан уйғонсалар, таҳорат қилишдан олдин, албатта мисвок ишлатар эдилар (Абу Довуд ривояти. Ривоят санади ҳасан).

Ушбу ривоятдан Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тунги уйқу ёки кундузги қайлуладан уйғонганларидан сўнг таҳорат олиш одатлари борлигини билиб оламиз. Шунингдек, уйқудан уйғонгач мисвок ишлатиш яхши экани ушбу ривоятда айтилмоқда.

Доим таҳорат билан юриш учун қилинадиган таҳорат.

۲۶۱ – عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ بُرَيْدَةَ عَنْ أَبِيهِ قَالَ: دَعَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِاللَّاءِ فَقَالَ: يَا بِلَالُ بِمَ سَبَقْتَنِي إِلَى الْجَنَّةِ إِنِّي دَخَلْتُ الْجَنَّةَ الْبَارِحَةَ

فَسَمِعْتُ خَشَخَشَتَكَ أَمَامِي فَقَالَ بِلَالٌ: يَا رَسُولَ اللَّهِ مَا أَذْنْتُ قَطُّ إِلَّا صَلَّيْتُ رَكَعَتَيْنِ وَمَا أَصَابَنِي حَدٌّ قَطُّ إِلَّا تَوَضَّأْتُ عِنْدَهَا فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: بِهَذَا. (رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَأَحْمَدُ وَابْنُ خُرَيْمَةَ وَالْحَاكِمُ وَالْبَيْهَقِيُّ فِي شُعَبِ الْإِيمَانِ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

261 – Абдуллоҳ ибн Бурайда отасидан ривоят қилади: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Билолни чақириб: “Эй Билол, жаннатга мендан нима (амалинг) сабаб ўзиб кетдинг. Мен бугун кечаси жаннатга кириб, олдимда пойабзалинг овозини эшитдим”, деган эдилар, Билол: “Эй Расулulloҳ, агар азон айтсам кетидан икки ракат намоз ўқийман ва агар таҳоратим бузилса, янги таҳорат оламан”, деб жавоб берди. Шунда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Шу сабабдан экан-да”, дедилар” (*Термизий, Аҳмад, Ибн Хузайма, Ҳоким, Байҳақий “Шузабул имон”да ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ.*)

Ушбу ривоятда Билол (розияллоҳу анҳу) доим таҳоратли юриши ва қачон таҳорат олса, ундан кейин икки ракат намоз ўқиш билан жаннатга эришгани айтилмоқда.

Таҳорат устига таҳорат қилиш.

Таҳорати йўқ киши намоз ўқишдан олдин таҳорат олиши фарз. Агар таҳорати бўлса, таҳоратини янгिलाши мустаҳабдир.

٢٦٢ – عَنْ أَبِي غَطِيفِ الْهَدَلِيِّ قَالَ: كُنْتُ عِنْدَ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ فَلَمَّا نُودِيَ بِالظُّهْرِ تَوَضَّأَ فَصَلَّى فَلَمَّا نُودِيَ بِالْعَصْرِ تَوَضَّأَ فَقُلْتُ لَهُ فَقَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: مَنْ تَوَضَّأَ عَلَى طَهْرٍ كَتَبَ اللَّهُ لَهُ عَشْرَ حَسَنَاتٍ. (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالْبَيْهَقِيُّ وَسَنَدُهُ ضَعِيفٌ.)

262 – Абу Ғутайф Ҳузалий ривоят қилади: “Мен Абдуллоҳ ибн Умарнинг олдида эдим. Пешинга азон айтилганда, таҳорат қилиб намоз ўқиди. Асрга азон айтилганда ҳам таҳорат қилди. Мен ундан бунинг сабабини сўраганимда,

у: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким таҳорат устига таҳорат қилса, Аллоҳ унга ўнта ҳасана (савоб, яхшилик) ёзади”, деганлар”, деб жавоб берди” (*Абу Довуд ва Байҳақий ривояти. Ривоят санади заиф*).

Кимнинг таҳорати бўла туриб, ҳар бир фарз намози учун янги таҳорат олса, Аллоҳ таоло унга ўнта яхшилик ёзади. Буни уламолар турлича талқин қилган. Баъзилар унга ўн марта таҳорат қилганлик савоби ёзилади, деса, бошқалар бу ишни қилганларга ўнта савоб ёзилишини айтган. Нима бўлганда ҳам, таҳорат устига таҳорат олиш билан банданинг мақоми кўтарилиши ва ажр-савоби кўпайиши шубҳасиз.

Ҳадисларнинг бирида: “Таҳорат устига таҳорат олиш нур устига нурдир”, дейилган. (*Ушбу ривоятни Розийн “Муснад”да келтирган. Ривоят санади заиф. Баъзилар буни салафлардан бирининг сўзи бўлиши ҳам мумкин, деган*).

Ёлгон сўз ёки ғийбатдан сўнг таҳорат қилиш.

۲۶۳ – عَنْ جَابِرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: الْكَلَامُ يَنْقُضُ الصَّلَاةَ وَلَا يَنْقُضُ الْوُضُوءَ. (رَوَاهُ الدَّارَقُطْنِيُّ وَسَنَدُهُ ضَعِيفٌ.)

263 – Жобир (розияллоҳу анҳу) Расулulloҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади: “Сўзлашиш намозни бузади, аммо таҳоратни синдирмайди” (*Дорақутний ривояти. Ҳадис санади заиф*).

Намоздалик чоғида зикр ва дуога алоқаси йўқ сўзлар ишлатилса, намоз бузилади, аммо таҳорат синмайди ва намозни қайтадан ўқиш лозим. Бундан ташқари, фахш сўзларни сўзлаш, бировни ғийбат қилиш, туҳмат, бўҳтон ва ёлгон кабилар ҳам таҳоратни синдирмайди. Аммо бу ишлар содир этилганда ғазабдан тушиш ва гуноҳга каффорат бўлиши учун таҳорат олиш мустаҳаб.

Намоздан ташқарида қаҳқаҳа отиб кулгандан сўнг таҳорат олиш.

Қаҳқаҳа отиб кулиш мўмин кишига хос одат эмас. У қалбни қотиради. Намоз ичида қаҳқаҳа отиб кулган кимсанинг намози ҳам, таҳорати ҳам синади. Аммо намоздан

ташқарида қаҳқаҳа отган кишининг таҳорати синмаса-да, таҳорат олгани маъқул. Шунда у ўзини ислоҳ қилиб олади.

Ҳар бир намоздан олдин таҳорат олиш.

۲۶۴ – عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: لَوْلَا أَنْ أَشَقَّ عَلَى النَّاسِ لِأَمْرَتِهِمْ عِنْدَ كُلِّ صَلَاةٍ بَوْضُوءٍ وَمَعَ الْوُضُوءِ بِالسَّوَاكِ. (رَوَاهُ النَّسَائِيُّ فِي السُّنَنِ الْكُبْرَى وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

264 – Абу Хурайра (розияллоҳу анху) ривоят қилишича, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Агар умматимга қийин қил(иб қўйишни ўйла)маганимда, уларни ҳар бир намоз (вақти)да таҳорат (олиш) ва ҳар бир таҳоратда мисвок (ишлатиш)га, албатта буюрган бўлардим”, деганлар (*Насоий “Ас-сунанул кубро”да ривоят қилган. Ҳадис санади саҳиҳ.*).

Бир таҳорат билан бир неча вақт намозларни ўқиш жоиз. Аммо имкони бўлса, ҳар бир намоз учун таҳорат олиш яхши. Шунда кўпроқ ажр олинади, гуноҳлар тўкилиб, банданинг қиёматдаги нури кўпаяди ва қалби жилланади.

Аллоҳни зикр қилишдан олдин таҳорат қилиш.

۲۶۵ – عَنْ أَبِي الْجُهَيْمِ الْأَنْصَارِيِّ قَالَ: أَقْبَلَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَنْ نَحَوَ بئرَ جَمَلٍ فَلَقِيَهُ رَجُلٌ فَسَلَّمَ عَلَيْهِ فَلَمْ يَرُدَّ عَلَيْهِ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَتَّى أَقْبَلَ عَلَى الْجِدَارِ فَمَسَحَ بِوَجْهِهِ وَيَدَيْهِ ثُمَّ رَدَّ عَلَيْهِ السَّلَامَ. (رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَالنَّسَائِيُّ وَالِدَارَقُطْنِيُّ.)

265 – Абу Жухайм Ансорий (розияллоҳу анху) ривоят қилади: “Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Жамал қудуғи тарафдан келдилар. Бир киши у зотни учратиб қолиб, салом берган эди, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) алик қайтармадилар ва девор олдига бориб, юз-қўлларига масҳ тортдилар, кейин унинг саломига алик қайтардилар” (*Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Насоий ва Дорақутний ривояти.*).

Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу ҳолатда нима сабабдан салом берган кишига дарров жавоб қайтармаганларини қуйидаги ривоятдан билиб оламиз.

۲۶۶ – وَعَنْ الْمُهَاجِرِ بْنِ قُنْفُذِ بْنِ عَمْرٍو بْنِ جُدْعَانَ قَالَ: أَتَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَهُوَ يَتَوَضَّأُ فَسَلَّمْتُ عَلَيْهِ فَلَمْ يَرُدَّ عَلَيَّ السَّلَامَ فَلَمَّا فَرَغَ مِنْ وُضُوئِهِ قَالَ: إِنَّهُ لَمْ يَمْنَعْنِي مِنْ أَنْ أَرُدَّ إِلَيْكَ إِلَّا أَنِّي كُنْتُ عَلَى غَيْرِ وُضوءٍ.
(رَوَاهُ ابْنُ مَاجَهَ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

266 – Муҳожир ибн Қунфуз ибн Амр ибн Жудъон ривоят қилади: “Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига борсам, у зот таҳорат қилаётган эканлар. Мен у зотга салом бергандим, саломимга алик олмадилар. Таҳорат қилиб бўлгач: “Менинг таҳоратим йўқ эди. Шу сабаб саломингга жавоб қайтармадим”, дедилар” (*Ибн Можа ривояти. Ривоят санади саҳиҳ*).

Демак, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳоратсиз бўлганларида саломга жавоб қайтармаганлар. Чунки салом лафзида Аллоҳнинг исми ва сифати бор. У зот таҳоратсиз ҳолда Аллоҳни зикр қилишни хоҳламаганлар. Ибн Ҳузайма ва Ибн Ҳиббон саҳиҳ санад билан келтирган ривоятда айтилишича, Муҳожир ибн Қунфуз Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳорат олаётганларида у зотга салом берганида, саломига алик олмаганлар ва таҳорат қилиб бўлгач, келиб узр сўраганлар ва: “Мен таҳоратсиз ҳолда Аллоҳни зикр қилишни хоҳламадим”, деганлар.

Бу ривоятдан таҳоратсиз ҳолда саломга алик олиш мумкин эмас экан, деган маъно келиб чиқмайди. Бу иш фақат Набийнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўзларига хос. Аслида салом бериш суннат, унга жавоб қайтариш вожиб. Пайғамбаримиз таҳоратсиз бўлганлари боис одоб юзасидан бу ҳолатда Аллоҳ зикрини тилга олишга жазм қилмаганлар ва кейин таҳорат олиб бўлгач, дарров жавоб қайтарганлар. Бошқа ривоятларда айтилишича, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) турли ҳолатларда Аллоҳни зикр қилардилар, ҳатто таҳоратсиз ҳолатда Қуръонни оғза-

ки ўқиганлари ҳақида ривоятлар бор. Бундан келиб чиқади, Аллоҳни таҳоратсиз зикр қилиш жоиз. Бироқ таҳорат билан зикр қилиш афзал.

Зикр қилиш учун таҳоратнинг шарт эмаслигига қуйидаги ривоят далил бўлади.

۲۶۷ – عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَذْكُرُ اللَّهَ عَلَى كُلِّ أَحْيَانِهِ. (رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَالتِّرْمِذِيُّ وَأَحْمَدُ وَابْنُ خُزَيْمَةَ وَأَبُو يَعْلَى.)

267 – Ойша (розияллоҳу анҳо) ривоят қилади: “Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳар қандай ҳолатларида Аллоҳни зикр қилардилар” (*Бухорий, Муслим, Термизий, Аҳмад, Ибн Хузайма ва Абу Яъло ривояти*).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) жунуб бўлмасалар, таҳоратлари бўлса-бўлмаса, туну кун юрганда ҳам, турганда ҳам, ўтирганда ҳам, ётганда ҳам, уйғонганда ҳам Аллоҳ таолони зикр қилар эдилар.

Аллоҳга дуо қилишдан олдин таҳорат қилиш.

۲۶۸ – عَنْ عَلِيِّ بْنِ أَبِي طَالِبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: خَرَجْنَا مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَتَّى إِذَا كُنَّا بِحَرَّةِ السُّقْيَا الَّتِي كَانَتْ لِسَعْدِ بْنِ أَبِي وَقَّاصٍ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: ائْتُونِي بِوَضُوءٍ فَتَوَضَّأْتُ ثُمَّ قَامَ فَاسْتَقْبَلَ الْقِبْلَةَ ثُمَّ قَالَ: اللَّهُمَّ إِنَّ إِبْرَاهِيمَ كَانَ عَبْدَكَ وَخَلِيلَكَ وَدَعَا لِأَهْلِ مَكَّةَ بِالْبَرَكَةِ وَأَنَا عَبْدُكَ وَرَسُولُكَ أَدْعُوكَ لِأَهْلِ الْمَدِينَةِ أَنْ تَبَارِكَ لَهُمْ فِي مُدَّهْمَ وَصَاعِهِمْ مِثْلِي مَا بَارَكْتَ لِأَهْلِ مَكَّةَ مَعَ الْبَرَكَةِ بَرَكَتَيْنِ. (رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَأَحْمَدُ وَابْنُ خُزَيْمَةَ وَابْنُ حِبَّانَ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

268 – Али ибн Абу Толиб (розияллоҳу анху) ривоят қилади: “Биз Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан кетаётган эдик. Саъд ибн Абу Ваққосга тегишли Суқянинг қора тошли ерига етиб келганимизда, Расулуллоҳ (соллал-

лоҳу алайҳи ва саллам): “Менга таҳорат суви олиб келинглари”, дедилар ва таҳорат қилдилар. Сўнгра туриб, қиблага юзландилар ва: “Эй Аллоҳ, банданг ва халилинг Иброҳим Макка аҳлига барака сўраб дуо қилган. Мен ҳам банданг ва Расулингман. Мадина аҳлининг мудди ва соъига Макка аҳлининг бир баракасига икки барака берганинг каби барака беришингни сўрайман”, деб дуо қилдилар” (*Термизий, Аҳмад, Ибн Хузайма ва Ибн Ҳиббон ривояти. Ривоят санади саҳиҳ*).

“Суқя” Мадина билан Сафро водийси орасидаги жой номи. Баъзилар уни булоқ, деган. “Суқя” сўзи ҳам аслида “чашма, булоқ” маъносини англатади.

Юқорида Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) зикр қилишдан олдин таҳоратли бўлишга ҳаракат қилганлари айтилди. Бу ерда эса у зот дуодан олдин таҳорат олганлари айтилмоқда. Демак, Аллоҳни зикр қилиш, У Зотга дуо қилиш учун таҳоратли бўлиш яхши экан. Сабаби таҳорат билан банданинг танаси ҳам, қалби ҳам покланади. Пок ҳолда қилинган дуонинг ижобатидан умид қилиш мумкин.

Жунубнинг кишининг ғуслдан олдин таҳорат қилиши.

٢٦٩ – عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا اغْتَسَلَ مِنَ الْجَنَابَةِ يَبْدَأُ فَيَغْسِلُ يَدَيْهِ ثُمَّ يُفْرِغُ بِيَمِينِهِ عَلَى شِمَالِهِ فَيَغْسِلُ فَرْجَهُ ثُمَّ يَتَوَضَّأُ وَضُوءَهُ لِلصَّلَاةِ ثُمَّ يَأْخُذُ الْمَاءَ فَيُدْخِلُ أَصَابِعَهُ فِي أُصُولِ الشَّعْرِ حَتَّى إِذَا رَأَى أَنْ قَدْ اسْتَبْرَأَ حَفَنَ عَلَى رَأْسِهِ ثَلَاثَ حَفَنَاتٍ ثُمَّ أَفَاضَ عَلَى سَائِرِ جَسَدِهِ ثُمَّ غَسَلَ رِجْلَيْهِ. (رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَالتَّسَائِيُّ وَالدَّارِمِيُّ وَأَحْمَدُ وَالدَّارِقُطْنِيُّ.)

269 – Ойша (розияллоҳу анҳо) ривоят қилади: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) жунубликдан ғусл қилсалар, аввал икки қўллари ювишдан бошлар, кейин ўнг қўллари билан чап қўлларига сув қуйиб, фаржларини ювар эдилар. Сўнгра намозга қиладиган таҳоратларини қилардилар. Шундан кейин сув олиб, бармоқларини соч-

лари остига киргизардилар. Сочлари остига сув етиб борганига ишонч ҳосил қилганларидан кейингина бошларидан уч ховуч сув қуярдилар ва кейин бутун баданларига сув қуярдилар. Сўнг охирида икки оёқларини ювардилар” (Муслим, Абу Довуд, Насоий, Доримий, Аҳмад ва Дорақутний ривояти).

Уламолар мана шу ривоятдан келиб чиққан ҳолда, ғуслдан олдин таҳорат олиш суннат, баъзилар эса мустаҳаб, деган. Бу иш ғуслнинг мукамал бўлишида аҳамиятга эга.

Жунуб таом ейиш, ичимлик ичиш ёки ухлашдан олдин таҳорат олиши.

۲۷۰ – عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ أَبِي قَيْسٍ قَالَ: سَأَلْتُ عَائِشَةَ عَنْ وَتْرِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَذَكَرَ الْحَدِيثَ قُلْتُ: كَيْفَ كَانَ يَصْنَعُ فِي الْجَنَابَةِ أَكَانَ يَغْتَسِلُ قَبْلَ أَنْ يَنَامَ أَمْ يَنَامُ قَبْلَ أَنْ يَغْتَسِلَ قَالَتْ: كُلُّ ذَلِكَ قَدْ كَانَ يَفْعَلُ رَبِّمَا اغْتَسَلَ فَنَامَ وَرَبِّمَا تَوَضَّأَ فَنَامَ قُلْتُ: الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي جَعَلَ فِي الْأَمْرِ سَعَةً. (رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَالتِّرْمِذِيُّ وَابْنُ خُزَيْمَةَ وَالْحَاكِمُ.)

270 – Абдуллоҳ ибн Абу Қайс ривоят қилинади: “Мен Ойшадан Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) витрлари ҳақида сўрадим”, (деб ҳадисни зикр қилди). Сўнгра мен: “Жунубликдан қандай ғусл қилардилар, ухлашдан олдин ғусл қилармидилар ёки ғусл қилишдан олдин ухлармидилар?” деб сўрадим. Шунда у: “У зот буларнинг ҳаммасини қилардилар. Баъзида ғусл қилиб, сўнгра ухлар, баъзида эса таҳорат қилиб, кейин ухлардилар”, деди. Мен: “Ишлардан кенглик қилган Аллоҳ ҳамдга энг муносиб Зотдир!” дедим” (Муслим, Термизий, Ибн Хузайма ва Ҳоким ривояти).

Ҳукм қилувчи Аллоҳдир. У Зот бандаларига хоҳлаган амрини буюриб, хоҳлаган нарсасидан уларни қайтаради. Аллоҳ таоло мусулмон бандаларига енгиллик яратиб, жунуб бўлгандан сўнг тезда ғусл қилишларини шарт қилмади. Аслида У Зотнинг бунга ҳаққи бор эди. Агар хоҳласа, жунубликдан кейин ҳеч кимга кўринмаслик, ухламаслик ва таом емасликни шарт қилар, тезда ғусл қилишга буюр-

ган бўларди. Аммо Аллоҳ меҳрибондир. Бандалари бунга тоқат қилолмаслигини билгани учун ҳам бу борада енгиллик берган. Шу сабаб биз ҳам Абдуллоҳ ибн Қайс каби бунинг учун Аллоҳга қўп ҳамдлар айтишимиз лозим.

Жунубликдан кейин иложи борича тезроқ ғусл қилишга ҳаракат қилиш керак. Аммо ҳар доим ҳам бунинг иложи бўлавермайди. Жунубликдан кейин ухлаш, таом ейиш, ичимлик ичишга тўғри келиб қолиши мумкин. Ислонда кенглик юзасидан бундай ҳолатларда рухсат жорий қилинган. Бунинг учун таҳорат қилиб олиш керак. Бу ривоятда айтилишича, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) жунуб бўлсалар, баъзида ғусл қилиб, кейин ухлар, баъзида эса ухлагандан кейин, туриб ғусл қилар эдилар.

Ғузойф ибн Ҳорис ривоят қилади: Мен Ойшадан: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) жунубликдан туннинг аввалида ғусл қилардиларми ёки охиридами?” деб сўраганимда, у баъзида туннинг аввалида, баъзида туннинг охирида ғусл қилардилар, деди. Аллоҳу акбар! Ишларда кенглик қилган Аллоҳ ҳамдга энг муносиб Зотдир!” дедим (Абу Довуд, Насоий, Аҳмад ва Ибн Ҳиббон ривояти. Ривоят санади саҳиҳ).

٢٧١ – وَعَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا أَرَادَ أَنْ يَنَامَ وَهُوَ جُنْبٌ غَسَلَ فَرْجَهُ وَتَوَضَّأَ لِلصَّلَاةِ. (رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَالتَّسَائِي وَالِدَّارِمِيُّ وَابْنُ مَاجَةَ وَأَحْمَدُ وَابْنُ خُرَيْمَةَ وَابْنُ حَبَّانَ.)

271 – Ойша (розияллоҳу анҳо) ривоят қилади: “Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) жунуб бўлганларида ухламоқчи бўлсалар, фаржларини ювиб, намозга оладиган таҳоратларини олардилар” (Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Насоий, Доримий, Ибн Можа, Аҳмад, Ибн Хузайма ва Ибн Ҳиббон ривояти).

Ушбу ривоятда жунуб киши ухлашдан олдин таҳорат олмоқчи бўлса, аввал фаржини ювиши кераклиги айтилмоқда. Сабаби фаржга нопоклик теккан бўлади. Уни ювиб ташланмаса, таҳорат мукамал бўлмайди.

Уламолар жунубнинг ухлаш, таом ейиш ва шу кабилардан олдин таҳорат олишидан кўзланган ҳикматларни қуйидагича ифодалашган:

- банданинг нопоклиги енгиллашади;
- таҳоратда ювиладиган аъзолардан нопоклик кўтарилади;
- уйқуда вафот этиш эҳтимоли бор. Шу сабаб ҳеч бўлмаганда таҳоратли ҳолда ётиш афзал;
- аъзоларга сув тегса, бир оз бўлса ҳам тетиклашади ва ҳоказо.

۲۷۲ – وَعَنْ عَمَّارِ بْنِ يَاسِرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَخَّصَ لِلْجُنُبِ إِذَا أَرَادَ أَنْ يَأْكَلَ أَوْ يَشْرَبَ أَوْ يَنَامَ أَنْ يَتَوَضَّأَ وَضُوءَهُ لِلصَّلَاةِ. (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ صَحِيحٌ.)

272 – Аммор ибн Ёсир (розияллоҳу анҳу) ривоят қилишича, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) жунуб киши намозга қиладиган таҳоратини қилганидан кейин унга ейиш, ичиш ёки ушлашга рухсат берганлар (*Абу Довуд ва Термизий ривояти. Ривоят санади ҳасан-саҳиҳ*).

Ривоятда “рухсат берганлар” жумласидан келиб чиқиб айтиш мумкин, энг яхшиси жунуб бўлган вақтда дарҳол ғусл қилиб олиш. Имом Нававий айтади: “Ким емоқчи ёки ичмоқчи бўлса, уламолар унга таҳорат вожиб эмаслигига иттифоқ қилган”. Зоҳирийлар, моликийлардан Ибн Ҳабиб ухламоқчи бўлган одам таҳорат олиши лозимлигини таъкидлаган. Аммо жумҳур уламолар жунуб ухлашдан олдин таҳорат олиши вожиб эмас, балки мустаҳаб эканига иттифоқ қилган. Бошқа ривоятларда жунуб таом ейиш ёки ичимлик ичишдан олдин қўли билан оғзини ювса, кифоя қилиши айтилган. Шундан маълум бўлади, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай ҳолда баъзида намозга оладиган таҳоратларини қилар, баъзида эса қўл ва оғизларини ювиш билан кифояланар эдилар. Аммо бу ейиш ва ичишда бўлиб, ухлаш ва қайта қўшилишдан олдин таҳорат қилиб олиш афзал.

۲۷۳ – وَعَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ

وَسَلَّمَ يَنَامُ وَهُوَ جُنْبٌ مِنْ غَيْرِ أَنْ يَمَسَّ مَاءً. (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

273 – Ойша (розияллоҳу анҳо) ривоят қилади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) жунуб ҳолларида сув ишлатмасдан ухлар эдилар” (*Абу Довуд ривояти. Ривоят санади саҳиҳ*).

Уламолар ушбу ривоятни икки хил изоҳлаган:

– у зот ғусл учун сув ишлатмасдилар, аммо таҳорат олардилар;

– баъзи вақтларда бу иш жоизлигини билдириш учун шундай қилардилар. Агар доимий суратда дарҳол ғусл ёки таҳорат қилиб келганларида, бу иш вожиб бўлиб қолиши мумкин эди.

Иккинчи фикр тўғри ва уламолар томонидан маъқулланган. Шунга кўра, баъзи ҳолларда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) жунуб бўлганларидан сўнг таҳорат ҳам, ғусл ҳам қилмасдан уйқуга кетар эканлар.

Ойша (розияллоҳу анҳо) ривоят қилади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) жунуб бўлиб, кейин ухлардилар, аммо сув ишлатмасдилар. Уйқудан турганларидан кейин ғусл қилардилар” (*Ибн Можа ривояти. Ривоят санади саҳиҳ*).

Хулоса шуки, жунуб ғусл қилишдан олдин ухлаши, таом ейиши, ичимлик ичиши ва қайта қўшилиши мумкин. Уламолар ижмоъсига кўра, жунубнинг бадани ва териси покдир. Юқоридаги ишларни бажариш учун жунуб аввал таҳорат қилиб олиши мустаҳаб. Шофиъийлар жунубнинг таҳорат олишдан олдин ухлаши, ейиши, ичиши ва қайта қўшилиши макруҳлигини айтган. Лекин бу таҳорат вожиб эмас. Моликий ва жумҳур уламолар буни маъқуллаган.

Жунуб кишининг қайта қўшилиш олдидан таҳорат қилиши.

٢٧٤ – عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِذَا أَتَى أَحَدُكُمْ أَهْلُهُ ثُمَّ أَرَادَ أَنْ يَعُودَ فَلْيَتَوَضَّأْ. (رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَصْحَابُ السُّنَنِ وَابْنُ خُزَيْمَةَ.)

274 – Абу Саид Худрий (розияллоҳу анҳу) Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади: “Агар биронтангиз аҳлига яқинлик қилиб, сўнгра яна қайтишни хоҳласа, бас, таҳорат қилиб олсин!” (*Муслим, Сунан соҳиблари ва Ибн Хузайма ривояти*).

Бу иш вожиб эмас, балки мустаҳабдир¹¹⁶. Аёли билан бир марта яқинлик қилгандан кейин ғул қилмасдан таҳорат қилиб ёки таҳорат қилмасдан ҳам яна қўшилиш жоиз. Аммо таҳорат қилиб олиш афзал. Бунинг фойдаси нимада эканини қуйидаги ривоятдан билиб оламиз.

۲۷۵ – وَعَنْ أَبِي سَعِيدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: إِذَا أَرَادَ أَحَدُكُمْ الْعُودَ فَلْيَتَوَضَّأْ فَإِنَّهُ أَنْشَطُ لَهُ فِي الْعُودِ. (رَوَاهُ ابْنُ خُزَيْمَةَ وَابْنُ حَبَّانَ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

275 – Абу Саид Худрий (розияллоҳу анҳу) Набийдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади: “Агар сизлардан бирон киши (аёлига яқинлик қилганидан сўнг яна) қайтишни хоҳласа, бас, таҳорат қилиб олсин! Зеро, бу унга тетиклик бағишлайди” (*Ибн Хузайма ва Ибн Ҳиббон ривояти. Ҳадис санади саҳиҳ*).

Демак, орада таҳорат қилинса, инсон бардам бўлар экан. Бунинг ҳам маънавий, ҳам тиббий тарафдан фойдалари кўп.

Ғазабланган вақтда таҳорат қилиш.

۲۷۶ – قَالَ أَبُو وَائِلٍ: دَخَلْنَا عَلَى عُرْوَةَ بِنِ مُحَمَّدِ بْنِ السَّعْدِيِّ فَكَلَّمَهُ رَجُلٌ فَأَغَضِبَهُ فَقَامَ فَتَوَضَّأَ ثُمَّ رَجَعَ وَقَدْ تَوَضَّأَ فَقَالَ: حَدَّثَنِي أَبِي عَنْ جَدِّي عَطِيَّةَ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِنَّ الْغَضَبَ مِنَ الشَّيْطَانِ وَإِنَّ الشَّيْطَانَ خَلِقَ مِنَ النَّارِ وَإِنَّمَا تُطْفَأُ النَّارُ بِالْمَاءِ فَإِذَا غَضِبَ أَحَدُكُمْ فَلْيَتَوَضَّأْ.

¹¹⁶ Икки жимо орасида таҳорат қилиш борасида уламолар ихтилоф қилган. Абу Юсуф: “У мустаҳаб эмас”, деса, жумхур уламолар буни мустаҳаб санаган. Ибн Ҳабиб Моликий ва аҳли зоҳирлар бу таҳорат вожиблигини таъкидлаган. Баъзи аҳли илмлар ривоятдаги таҳоратни луғавий таҳорат, яъни қўлни ювиш деб изоҳлаган. Аммо Ибн Хузайма ва Байҳақийлар келтирган ривоятда: “Намозга қиладиган таҳоратини қилиб олсин!” дейилган. Бундан маълум бўлади, ривоятда шаръий таҳорат назарда тутилган.

(رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَأَحْمَدُ وَالطَّبْرَانِيُّ فِي الْكَبِيرِ وَالْبَيْهَقِيُّ فِي شُعَبِ الْإِيمَانِ
وَسَنَدُهُ ضَعِيفٌ.)

276 – Абу Воил айтади: “Биз Урва ибн Муҳаммад ибн Саъдийнинг олдига кирдик. Бир киши у билан гаплашиб ўтириб, жаҳлини чиқарган эди, Урва туриб таҳорат қилиб келди ва: “Менга отам бобом Атийядан ривоят қилишича, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Албатта ғазаб шайтондан. Шайтон эса оловдан яратилган. Олов сув билан ўчирилади. Бас, сизлардан ким ғазабланса, таҳорат қилсин”, деган эканлар”, деди” (Абу Довуд, Аҳмад, Табароний “Кабир”да ва Байҳақий “Шуъабул имон”да ривоят қилган. Ривоят санади заиф).

Беҳуда ғазабланиш шайтон васвасаси таъсирида юзага келади. Шайтон оловдан яратилган. Олов эса сув билан ўчирилади. Шунинг учун ғазабланганда таҳорат қилинса, ғазаб босилади, шу орқали савобга эришилади, ғазабини ютгани учун мақоми кўтарилади ва бировга зулм қилишдан сақланади.

Қуръонни ўқиш, ҳадис ривоят қилиш ёки шаръий илм олиш учун таҳорат қилиш.

Бу илмлар шарафли ва улуғ бўлганидан уларни таҳоратли ҳолда ўрганиш ва ўргатиш яхши. Ривоятларда келишича, имом Молик шогирдларига ҳадис ўқитишдан олдин таҳорат қилиб олар эди.

Азон ва такбир айтиш ёки хутба ўқиш учун таҳорат олиш.

Маълумки, азон ва такбирдан сўнг тез орада намоз ўқилади. Шу сабаб бу иккисини таҳоратли ҳолда айтишга ҳаракат қилиш керак. Аслида азон айтиш учун таҳорат шарт эмас. Лекин жамоат намозидан қолиб кетмаслик эътиборидан бунда таҳоратли бўлиш афзал.

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қабрларини зиёрат қилишдан олдин таҳорат қилиш.

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) масжидларига киришдан олдин таҳорат қилиш лозим. Сабаби у ерда намоз ўқилади, дуо ва зикрлар қилинади.

Арафотда туриш учун таҳорат қилиш.

Арафотда туриш ҳаж амалларининг энг асосийси ҳисобланади. Бу улуғ ибодатдир. Бу ҳолатда таҳоратсиз бўлиш яхши эмас. Устига-устак ўша куни Аллоҳ таоло фаришталарга Арафотдаги бандалари билан мақтанади. Мақтовга лойиқ бандалар таҳоратли бўлганлари афзал.

Сафо ва Марва орасини саъй қилиш учун таҳорат қилиш.

Бу иш ҳам ҳаж амалларидан бўлиб, у ернинг шарафи ва ҳурматидан таҳоратли бўлиш матлубдир.

4. Макруҳ (бидъат) таҳорат.

Бир киши таҳорат қилса ва ўша таҳорат билан хоҳ фарз, хоҳ нафл намоз ўқиса, унга таҳорат устига таҳорат қилиш мустаҳабдир. Аммо таҳорат олгач, ҳеч қандай намоз ўқимаса, таҳорати бўлатуриб, яна таҳорат қилиши бидъатдир. Сабаби бунда вақт ва сув исроф бўлади. Бу иш Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) суннатларига хилоф.

5. Ҳаром таҳорат.

Бировдан зулм билан тортиб олинган ёки етимга тегишли сув билан таҳорат қилиш ҳаром (Яъни, етимга тегишли сувни ҳаққи бўлмайд туриб, ишлатиш).

ТАҲОРАТСИЗ ҲОЛДА ҚИЛИШ МУМКИН БЎЛМАГАН АМАЛЛАР

Таҳоратсиз ҳолда асосан уч хил амал – намоз ўқиш, Каъбани тавоф қилиш ва Мусҳафни ушлаш мумкин эмас.

Намоз ўқиш.

Шунингдек, тиловат саждасини таҳоратсиз ҳолда бажариш мумкин эмас. Гарчи рукуси бўлмаса ҳам, чунки унда намоздаги сажда ва дуо бор.

Байтуллоҳни тавоф қилиш.

Хоҳ фарз, хоҳ нафл тавоф қилмоқчи бўлганлар таҳорат қилиши вожибдир. Ҳадиси шарифда айтилганидек, тавоф ҳам намозга ўхшайди. Фақат унда гапириш мумкин. Агар бирон киши Каъбани таҳоратсиз ҳолда тавоф қилса, амали дуруст ҳисобланса ҳам ўзи гуноҳкор бўлади.

Қуръони каримни қўлга олиш.

Хоҳ қироат қилсин, хоҳ қироат қилмасин, фарқи йўқ, Қуръони каримнинг ҳаммасини ёки бир қисмини, ҳатто биргина оятини бўлса ҳам, ушламоқчи бўлган киши таҳорат қилиши шарт.

Аллоҳ таоло айтади:

“Албатта У асралган китобдаги Улуғ Қуръондир. Уни фақат таҳоратли – пок кишиларгина ушлайдилар. (У) оламлар Парвардигори томонидан нозил қилингандир” (Воқеа, 77–80).

Аллоҳ таоло ушбу оятларда Муҳаммадга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) нозил қилган Қуръон қадри улуғ ва манфаати кўп экани, у Аллоҳ даргоҳидаги Лавҳул Махфузда сақланиши, уни фақат пок ва таҳоратли кишиларгина ушлашлари мумкинлиги, бу Қуръон оламлар Парвардигори томонидан нозил қилингани, у сеҳр, коҳинлик, шеър, инсон оғзидан чиққан оддий сўз эмаслигини маълум қилмоқда.

Агар Қуръони карим устига ундан ажраладиган ғилоф қилинган бўлса, уни таҳоратсиз ҳолда ушлаш мумкин. Фақат бу ҳолда ҳам очиб варақлай олмайди. Бир жойдан иккинчи бир жойга олиб қўйиш ёки бирон кишига бериши мумкин.

۲۷۷ – عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ أَبِي بَكْرٍ بْنِ حَزْمٍ أَنَّ فِي الْكِتَابِ الَّذِي كَتَبَهُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِعَمْرٍو بْنِ حَزْمٍ أَنَّ لَا يَمَسُّ الْقُرْآنَ إِلَّا طَاهِرٌ. (رَوَاهُ مَالِكٌ وَالِدَارِمِيُّ وَابْنُ حَبَّانَ وَسَنَدُهُ ضَعِيفٌ.)

277 – Абдуллоҳ ибн Абу Бакр ибн Ҳазм ривоят қилишича, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Амр ибн Ҳазмга ёзган мактубларида “Қуръонни фақат таҳоратли киши ушлайди”, дейилган эди (Молик, Доримий ва Ибн Ҳиббон ривояти. Ривоят санади заиф).

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Амр ибн Ҳазмни Нажрон аҳлига юборганларида унга бир мактуб битганлар. Мактубда намоз ва шу каби ибодатлар ҳақида

йўл-йўриқлар, жумладан, таҳоратсиз банда Қуръонни ушлаш мумкин эмаслиги ёзилган эди.

۲۷۸ – وَعَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: لَا يَمَسُّ الْقُرْآنَ إِلَّا طَاهِرٌ. (رَوَاهُ الدَّارِقُطْنِيُّ وَالْبَيْهَقِيُّ وَالطَّبْرَانِيُّ وَرَجَالُهُ مُوثِقُونَ.)

278 – Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо) Расулulloҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади: “Қуръонни фақат таҳоратли бандагина ушлайди” (*Дорақутний, Байҳақий ва Табароний ишончли ровийлардан ривоят қилган*).

Қуръони каримни ушламоқчи бўлган киши таҳоратли бўлиши лозим. Бу улуғ Китобни қўлига олмоқчи бўлган кишининг бадани, либоси, қолаверса, қалби пок бўлиши керак.

Абу Ҳанифа: “Таҳоратсиз киши Қуръонни ғилофли ҳолда ёки ёстиқ устига қўйиб кўтарса, зарари йўқ”, деган. Шофиъий, Аҳмад, Авзой ва Абу Савр жунуб, ҳайзли аёл ва таҳорати йўқ киши Қуръонни қўлида ушлаши мумкин эмаслигини айтган¹¹⁷. Қуръони каримнинг ғилофи ундан ажраган ҳолда бўлса, уни таҳоратсиз ушлаш мумкин. Акс ҳолда мумкин эмас¹¹⁸. Ҳанафийларга кўра, Қуръоннинг ҳаммасини ёки баъзи қисмини, оят битилган нарса, ҳатто пул бўлса ҳам, таҳоратсиз ушлаш жоиз эмаслигини таъкидлашган. Ҳанбалийлардан бошқа жумҳур уламоларга кўра, кичик ёшли болалар таълим олишда Қуръонни таҳоратсиз ушлаши жоиз.

Атодан (раҳматуллоҳи алайҳ) ривоят қилинишича, ҳайзли аёл Қуръонни ғилоф устидан ушлашида зарар йўқ.

¹¹⁷ Моликий уламоларга кўра, балоғатга етган Қуръон ўрганувчи ва ўргатувчи, гарчи ҳайз ёки нифосда бўлса ҳам, зарурат юзасидан Қуръонни ўқишлари, уни ушлаши жоиз. Сабаби улар ман қилувчини кетказишга қодир эмас. Аммо бу иш жунубга мумкин эмас. Сабаби унинг покланиши ўз ихтиёрида. Шунинингдек, улар Оятул курсий, Ихлос, Муаввизатайн, дам солиш оятларини қисқа бўлганлари учун давола-ниш мақсадида ҳайз ёки нифосдаги аёллар ўқиши мумкинлигини айтган.

¹¹⁸ Шофиъий ва моликийлар Қуръонни, гарчи тўсиқ билан бўлса-да, ушлаш ҳаром, деган. Аммо ҳанафий ва ҳанбалийларга кўра, Мухсафни ғилоф билан ушлаш жоиз.

Таҳоратсиз ҳолда Қуръонни оғзаки ўқиш жоиз. Фақат бунда жунуб бўлмаслик керак. Жунуб Қуръонни оғзаки ҳолда ҳам тиловат қилиши мумкин эмас. Ривоятда келишича, Расулulloҳни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Қуръони карим тиловатидан жунубликдан бошқа ҳеч нарса ман қила олмасди. (Абу Довуд ва Ибн Можа ривояти. Ривоят санади заиф).

Шофиъийлар наздида, Қуръон устига ҳеч нарса, ҳатто нон ва тузни ҳам қўйиш мумкин эмас.

Қуръон устига бирон нарса билан ёпилган бўлса, бу уйда аёлига яқинлик қилиш жоиз.

Варақлари илдираб, ўқиб бўлмайдиган ҳолга келиб қолган Қуръон ерга кўмилади. Шу ҳолатдаги бошқа шаръий китобларни ҳам кўмиш, оқар сувга ташлаш ёки ёқиб юбориш мумкин. Аммо кўмиш афзалроқ.

Мусулмон бўлмаган киши Қуръонни ушлаши мумкин эмас. Аммо уни ўрганиши ва фикҳдан таълим олиши жоиз.

Бошқа самовий китобларни таҳоратсиз ушлаш жоиз. Аммо Таврот, Забур ва Инжилни ўқиш макруҳ. Ҳаммаси Аллоҳнинг китоби бўлса ҳам, бироқ айнан қайси жойлари ўзгаришга учрагани маълум эмас.

Таҳоратсиз ҳолда таом ейиш жоиз.

Таҳоратсиз ҳолда таом ейиш, ичимлик ичиш, Аллоҳни зикр қилиш, Қуръонни ёддан ўқиш ва аёлига яқинлик қилиш каби амалларга рухсат берилган. Бу ишларни таҳоратсиз бажаришнинг зарари йўқлигига уламолар иттифок қилган. Ҳадиси шарифларда бунга мисоллар кўп. Қуйида улардан бирини кўриб чиқамиз.

۲۷۹ – عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كُنَّا عِنْدَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَجَاءَ مِنَ الْغَائِطِ وَأَتَى بَطْعَامٍ فَقِيلَ لَهُ: أَلَا تَوَضَّأُ فَقَالَ: لِمَ أَصْلِي فَأَتَوَضَّأُ. (رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَابْنُ أَبِي شَيْبَةَ.)

279 – Ибн Аббос (розияллоҳу анху) ривоят қилади: “Биз Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларида эдик. У зот ҳожатхонадан чиққанларидан сўнг таом олиб келин-

ди ва: “Таҳорат қиласизми?” дейилди. Шунда у зот: “Нега, намоз ўқирмидим, таҳорат қиламан?!” дедилар” (*Муслим ва Ибн Абу Шайба ривояти*).

Намоз ўқишдан олдин таҳорат олиниш шарт. Овқат ейишдан олдин ёки кейин таҳорат олиш шарт эмас. Абдуллоҳ ибн Аббосдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинишича, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳожатхонадан чиққанларида у зотга таом келтирилди ва: “Сизга таҳорат суви олиб келайликми?” дейишди. Шунда у зот: “Мен қачон намозга турсам, ўшанда таҳоратга буюрилганман”, дедилар (*Абу Довуд, Термизий, Насоий, Аҳмад, Ибн Хузайма, Табароний “Кабир”да ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ*).

МАҲСИГА МАСҲ ТОРТИШ

Динимиз ҳар бир нарсада енгиллик ва қулайликка асосланган. Аллоҳ таоло ибодатларда бизларга раҳмат юзасидан кўпгина енгилликлар яратган. Шулардан бири таҳоратда маҳсига масҳ тортишдир. “Маҳси” оёқнинг тўпик қисмини яхшилаб беркитиб, уни совуқ ва нопокликлардан сақлайди ва унга сув ва чанг киришига тўсқинлик қилади. Бу оёқ кийими теридан тикилади. Ҳар бир юртда ўзига хос маҳси турлари мавжуд. Баъзи жойларда жундан ҳам маҳси қилинган. Асосийси юқорида айтилган сифатлар мавжуд бўлса, унга масҳ тортиш жоиз. “Масҳ” сўзи “силаш” маъносини англатади. Шаръий истилоҳда маҳсига масҳ тортиш “сув билан ҳўлланган қўлни маҳсус макон, маҳсус замон ва маҳсус маҳсига текказиш”дир. Маҳсус макон маҳсининг усти, таги эмас, маҳсус замон муқимга бир кеча ва бир кундуз, мусофирга уч кеча ва уч кундуздан иборат. Таҳоратда маҳсига масҳ тортиш оёқни ювиш ўрнига ўтади ва унга масҳ тортиш суннат билан собит бўлган. Маҳсига масҳ тортиш жоиз, вожиб эмас. Агар хоҳласа, таҳоратли ҳолда маҳси кийиб, унга масҳ тортади, хоҳласа, маҳсини ечиб, оёқ ювади. Аммо масҳ тортиш ҳам, оёқ ювиш ҳам тарк қилинса, таҳорат тўғри бўлмайди.

Ҳанафийларга кўра, салла, дўппи, рўмол, паранжи, қўлқоп ва шунга ўхшаш нарсалар устига масҳ тортиш мумкин

эмас¹¹⁹. Фақат ювилган вақтда бирон зарар етадиган ярага боғланган бинт ёки гипс устига масҳ тортса бўлади.

Масҳ тортиш эркак ва аёлларга бирдек жоиз. Сафарда ҳам, ўз юртида ҳам, йилнинг исталган фаслида маҳсига масҳ тортиш мумкин.

Маҳсига масҳ тортишга рухсат беришдан қуйидаги мақсадлар кўзланган:

- бандаларга енгиллик яратиш;
- сув ва вақтни тежаш;
- оёқни совуқ ва нопокликлардан сақлаш;

Юқорида айтилганидек, маҳсига масҳ тортиш суннат билан собит бўлган. Бу ҳақда қирқтага яқин ривоят келган¹²⁰. Қуйида баъзи бирлари билан танишамиз.

۲۸۰ – عَنْ الْمُغِيرَةَ بْنِ شُعْبَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَمَسُّحُ عَلَى الْخُفَّيْنِ. (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَابْنُ خُرَيْمَةَ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

280 – Муғира ибн Шуъба (розияллоху анҳу) ривоят қилишича, Расулulloх (соллаллоху алайҳи ва саллам) маҳсига масҳ тортар эдилар (*Абу Довуд ва Ибн Хузайма ривояти. Ривоят санади саҳиҳ*).

Бу маҳсига масҳ тортиш жоизлигини билдиради. Абу Яъфурдан ривоят қилинади: “Мен Анас ибн Моликдан маҳсига масҳ тортиш ҳақида сўраганимда: “Расулulloх (соллаллоху алайҳи ва саллам) унга масҳ тортар эдилар”, деб жавоб берди” (*Ибн Ҳиббон ва Табароний ривояти. Ривоят санади саҳиҳ*).

¹¹⁹ Моликийлар, агар салла ечиш зарар келтирса, унга масҳ тортиш жоиз, деган.

Ҳанбалийлар эса: “Эркаклардан ким таҳорат қилиб, кейин салла кийса, сўнг таҳорати бузилиб, таҳорат қилаётганида саллага масҳ тортиши жоиз”, деган ва буни қувватлаш учун бир неча далиллар келтирган.

Шофиъийлар: “Фақат салланинг ўзига масҳ тортиш билан чекланиш мумкин эмас. Сабаби Аллоҳ таоло бошга масҳ тортишни фарз қилган. Саллага масҳ тортиш ҳақида келган ҳадис таъвил муҳтамалдир. Аниқ нарса муҳтамал сабабидан тарк қилинмайди. Саллага масҳ тортиш бошга масҳ тортиш, дегани эмас”, деган.

¹²⁰ Маҳсига масҳ тортиш ҳақидаги ривоятлар мутавотир даражасига етган. Баъзилар бу бобдаги ровийларни санаб, уларнинг сони саксонга яқинлигини айтган. Улар ичида жаннатийлиги башорат берилган ўн саҳоба ҳам бор. Имом Аҳмад айтади: “Бу хусусда саҳобалардан қирқта ҳадис марфуъ тарзда ривоят қилинган. Ҳасан Басрий: “Менга Расулulloх (соллаллоху алайҳи ва саллам) саҳобаларидан етмишга яқини ривоят қилишича, у зот маҳсига масҳ тортар эдилар”, деган.

۲۸۱ – وَعَنْ عَبْدِ الْمُهِمِّنِ بْنِ الْعَبَّاسِ بْنِ سَهْلِ بْنِ سَعْدِ السَّاعِدِيِّ عَنْ أَبِيهِ عَنْ جَدِّهِ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَسَحَ عَلَى الْخُفَّيْنِ وَأَمَرَنَا بِالْمَسْحِ عَلَى الْخُفَّيْنِ. (رَوَاهُ ابْنُ مَاجَةَ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

300 – Абдулмуҳаймин ибн Аббос ибн Саҳл ибн Саъд Собидий отасидан, отаси бобосидан ривоят қилади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) маҳсига масҳ тортар ва бизларни ҳам маҳсига масҳ тортишга буюрар эдилар” (*Ибн Можа ривояти. Ривоят санади саҳиҳ*).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) маҳсига масҳ тортганлар ва саҳобаларни ҳам бу ишга ундаганлар. Агар маҳсини таҳоратли ҳолда оёққа кийилса, маҳси ечиб, оёқ ювилмайди.

۲۸۲ – وَعَنْ الْمُغْبِرَةِ بْنِ شُعْبَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: وَضَّأْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَمَسَحَ عَلَيَّ خُفَّيْهِ وَصَلَّى. (رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَأَحْمَدُ.)

282 – Муғира ибн Шуъба ривоят қилади: “Набийга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳорат сувини қуйиб турдим. У зот маҳсиларига масҳ тортиб, намоз ўқидилар” (*Бухорий, Муслим, Абу Довуд ва Аҳмад ривояти*).

Ушбу ривоятда Муғира ибн Шуъба (розияллоҳу анху) Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳорат олишларига ёрдам бергани, оёқни ювишга келганда у зот маҳсига масҳ тортиб, кейин намоз ўқиганлари айтилмоқда.

۲۸۳ – وَعَنْ حُذَيْفَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كُنْتُ مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَانْتَهَى إِلَى سِبَاطَةِ قَوْمٍ فَبَالَ قَائِمًا فَتَنَحَّيْتُ فَقَالَ: أَذْنُهُ فَدَنَوْتُ حَتَّى قُمْتُ عِنْدَ عَقْبِيهِ فَتَوَضَّأَ فَمَسَحَ عَلَيَّ خُفَّيْهِ. (رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَالتَّسَائِيُّ وَأَحْمَدُ.)

283 – Хузайфа (розияллоҳу анху) ривоят қилади: “Мен Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан бирга эдим. У

зот одамлар ахлат ташлайдиган жойга бориб турган ҳолда бавл қилдилар. Мен узоқроқ кетдим. У зот (бавл қилиб бўлгач): “Яқинроқ кел”, дедилар. Мен яқин бордим ва орқаларида турдим. У зот таҳорат олиб, маҳсиларига масҳ тортдилар” (Муслим, Абу Довуд, Термизий, Насоий ва Аҳмад ривояти).

Ушбу ривоятда бир неча фойдалар бор:

- маҳсига масҳ тортиш жоиз экани;
- муқимликда ҳам маҳсига масҳ тортиш мумкинлиги;
- ерда зарарли нарсалар бўлса, тик турган ҳолда бавл қилиш жоиз экани;
- қазои ҳожат вақтида одамлар кўзидан узоқроқ кетиш лозимлиги.

۲۸۴ – وَعَنْ عُرْوَةَ بْنِ الْمَغْبِرَةِ عَنْ أَبِيهِ قَالَ: كُنْتُ مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي سَفَرٍ فَأَهْوَيْتُ لِأَنْزَعِ خَفَّيْهِ فَقَالَ: دَعَهُمَا فَإِنِّي أَدْخَلْتُهُمَا طَاهِرَتَيْنِ فَمَسَحَ عَلَيْهِمَا. (رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَالِدَّارِمِيُّ وَأَحْمَدُ وَالطَّبْرَانِيُّ فِي الْكَبِيرِ وَالْأَوْسَطِ).

284 – Урва ибн Муғира отасидан ривоят қилади: “Мен Набий (соллаллоху алайҳи ва саллам) билан сафарда бўлдим. (Таҳорат қилаётиб, оёқларини ювишга келганда) маҳсиларини ечиш учун қўлимни чўзган эдим, у зот: “Қўявер. Чунки мен бу (маҳси)ларни пок оёғимга кийганман”, дедилар ва унга масҳ тортдилар” (Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Доримий, Аҳмад, Табароний “Кабир” ва “Авсат”да ривоят қилган).

Ушбу ривоятда масҳ тортиш дуруст бўлиши учун маҳси тўлиқ таҳоратли оёққа кийилиши лозимлиги айтилмоқда. Яъни, аввал таҳорат олиб, кейин маҳси кийилади. Қачон таҳорат синса, оёқ ювилиш ўрнига маҳсига масҳ тортилади. Агар маҳси таҳоратсиз ҳолда кийилса, уни ечиб, оёқни ювиш шарт.

۲۸۵ – وَعَنْ ابْنِ بُرَيْدَةَ عَنْ أَبِيهِ أَنَّ النَّجَاشِيَّ أَهْدَى إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ خُفَّيْنِ أَسْوَدَيْنِ سَادَجَيْنِ فَلَبِسَهُمَا ثُمَّ تَوَضَّأَ وَمَسَحَ عَلَيْهِمَا. (رَوَاهُ

أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَابْنُ مَاجَةَ وَأَحْمَدُ وَالبَيْهَقِيُّ فِي السُّنَنِ الكُبْرَى وَسَنَدُهُ
حَسَنٌ صَحِيحٌ.

285 – Ибн Бурайда отасидан ривоят қилишича, Нажоший Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) иккита қора рангли одми (бир хил рангдаги) маҳси ҳадя қилганида, у зот шу маҳсини кийиб, сўнгра таҳорат қилганлар ва унга масҳ тортганлар” (Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа, Аҳмад, Байҳақий “Ас-суанул кубро”да ривоят қилган. Ривоят санади ҳасан-саҳиҳ).

“Нажоший” Ҳабашистон подшоҳлари номи бўлиб, ривоятда кўзда тутилган Нажойишнинг ҳақиқий исми Асҳама ибн Баҳр Нажошийдир. Унинг исми араб тилида “Атийя” шаклида бўлади. Нажоший аввал насроний динида бўлиб, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) даврларида Исломни қабул қилган бўлса ҳам, аммо у зот ҳузурларига келмаган. Шундай бўлса-да, Жаъфар ибн Абу Толиб бошчилигида Ҳабашистонга ҳижрат қилиб борган мусулмонларга ёрдам кўрсатиб, уларни қўллаб-қувватлаган ва бошпана берган.

Ҳабашистон ҳукмдори Нажоший Набийга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир жуфт оддий, қора рангли, устида нақш ва безаклари бўлмаган маҳси совға қилганида, у зот мамнуният билан қабул қилиб, уни кийиб юрганлар ва таҳоратда унга масҳ тортганлар.

Ибн Арабий ва Зайниддин Ироқийнинг таъкидлашича, Нажоший ўша маҳсини Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ислом динига кирмасдан олдин ҳадя қилган. Шундан келиб чиқиб, уламолар аҳли китоблардан ҳадя олиш жоиз, деб айтган.

Нажоший вафот этганида Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унга ғойибона жаноза намози ўқиганлар.

٢٨٦ – وَعَنْ الْمُغِيرَةَ بْنِ شُعْبَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَسَحَ عَلَى الْخَفَيْنِ فَقُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ نَسِيتَ قَالَ: بَلْ أَنْتَ نَسِيتَ

بِهَذَا أَمَرَنِي رَبِّي عَزَّ وَجَلَّ . (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَأَحْمَدُ وَالْحَاكِمُ وَاللَّفْظُ لَهُ وَالطَّبْرَانِيُّ فِي الْكَبِيرِ وَصَحَّحَهُ الذَّهَبِيُّ).

286 – Муғира ибн Шуъба ривоят қилади: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) маҳсига масҳ тортдилар. Шунда мен: “Ё Расулulloҳ, унутдингизми?” дедим. У зот: “(Йўқ,) балки сен ўзинг унутдинг. Раббим азза ва жалла менга шундай (қилишим)ни буюрган”, дедилар” (Абу Довуд, Аҳмад, Ҳоким, Табароний “Кабир”да ривоят қилган. Ҳадис лафзи Ҳокимга тегишли. Заҳабий ҳадис санади саҳиҳ, деган).

Ушбу ривоятдан маҳсига масҳ тортиш Аллоҳ таоло тарафидан Расулulloҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) буюрилганини билиб оламиз.

Кунларнинг бирида Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳорат олаётиб, оёқни ювишга келганда маҳсиларига масҳ тортдилар. Буни кўрган Муғира ибн Шуъба: “Эй Расулulloҳ, оёқни ювишни унутдингизми”, деб савол берди. Бунга жавобан Расулulloҳ: “Йўқ, мен ҳеч нарсани унутганим йўқ, балки ўзинг маҳсига масҳ тортиш жоизлигини ва мени бунга Парвардигорим буюрганини унутдинг”, дедилар.

* * *

Баъзилар Моида сурасида таҳорат олиш ҳақидаги оят тушгандан сўнг, маҳсига масҳ тортиш мансух бўлган (амалдан қолган) деб даъво қилади¹²¹. Бу хато даъво. Чунки буни инкор этадиган далиллар етарли. Бу масала ихтилофларга сабаб бўлгани учун уламолар “Таҳорат боби”да алоҳида бир бобни ана шу мавзуга бағишлаб келган. Ҳозир ҳам ким таҳорат хусусида китоб ёзса, масаланинг шу жихатига алоҳида эътибор қаратади. Биз ҳам имкон қадар мазкур масалани ёритишга ҳаракат қиламиз.

¹²¹ Имомий шиалар, зайдийя, ибозийя ва хаворижлар маҳсига масҳ тортишни инкор қилган.

۲۸۷ – وَعَنْ هَمَّامِ بْنِ الْحَارِثِ قَالَ: رَأَيْتُ جَرِيرَ بْنَ عَبْدِ اللَّهِ بَالَ ثُمَّ تَوَضَّأَ وَمَسَحَ عَلَى خُفَيْهِ ثُمَّ قَامَ فَصَلَّى فَسُئِلَ فَقَالَ: رَأَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ صَنَعَ مِثْلَ هَذَا. قَالَ إِبْرَاهِيمُ: فَكَانَ يُعْجِبُهُمْ لِأَنَّ جَرِيرًا كَانَ مِنْ آخِرِ مَنْ أَسْلَمَ. (رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَالتِّرْمِذِيُّ وَالنَّسَائِيُّ وَابْنُ مَاجَهَ وَأَحْمَدُ وَابْنُ حَبَّانَ وَالدَّارَقُطْنِيُّ.)

287 – Ҳаммам ибн Ҳорис ривоят қилади: “Мен Жарир ибн Абдуллоҳ бавл қилиб, сўнгра таҳорат олгани ва маҳсисига масҳ тортгани, кейин туриб намоз ўқиганини кўрдим. Шунда ундан бу ҳақда сўралган эди, у: “Мен Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шундай қилганларини кўрганман?” деди”. Иброҳим¹²² айтади: “Жарирнинг бу гапи уларга жуда ёқарди, чунки у охириги мусулмон бўлганлардан эди” (Бухорий, Муслим, Термизий, Насоий, Ибн Можа, Аҳмад, Ибн Ҳиббон ва Дорақутний ривояти).

Жарир ибн Абдуллоҳ Бажалий (розияллоҳу анҳу) машҳур саҳоба бўлиб, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳаётларининг охирида исломни қабул қилган. У Моида сураси нозил бўлганидан кейин мусулмон бўлган. Агар у таҳорат ояти нозил бўлмасдан олдин Исломга кирганида маҳсисига масҳ тортиш таҳорат ояти билан мансух бўлган, дейиши мумкин бўларди. Аммо Жарир таҳорат ояти тушгандан кейин мусулмон бўлган. Демак, оятда маҳси кийган киши эмас, балки оёғида маҳси бўлмаган киши назарда тугилган.

۲۸۹ – وَعَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ رَأَى سَعْدَ بْنَ مَالِكٍ وَهُوَ يَمْسَحُ عَلَى الْخُفَيْنِ فَقَالَ: إِنَّكُمْ لَتَفْعَلُونَ ذَلِكَ فَاجْتَمَعْنَا عِنْدَ عُمَرَ فَقَالَ سَعْدُ لِعُمَرَ: أَفَتِ ابْنُ أَخِي فِي الْمَسْحِ عَلَى الْخُفَيْنِ فَقَالَ عُمَرُ: كُنَّا وَنَحْنُ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَمْسَحُ عَلَى خِفَانَا لَا نَرَى بِذَلِكَ بَأْسًا فَقَالَ ابْنُ عُمَرَ:

¹²²“Иброҳим” деб келтирилатган киши ривоят санадидаги ровийлардан бири. Ҳаммам ибн Ҳорис айнан ундан ривоят қилган.

وَأَنَّ جَاءَ مِنَ الْغَائِطِ قَالَ: نَعَمْ. (رَوَاهُ ابْنُ مَاجَهَ وَأَحْمَدُ وَابْنُ جُرَيْمَةَ وَعَبْدُ الرَّزَّاقِ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ).

289 – Ибн Умар (розияллоху анху) ривоят қилишича, у Саъд ибн Моликнинг маҳсисига масҳ тортаётганини кўриб: “Сизлар шундай қияпсизларми?” деди. Бас, биз Умарнинг ҳузурига тўпландик ва Саъд Умарга: “Эй биродаримнинг ўғли, масҳ ҳақида бизларга фатво бер”, деди. Шунда Умар: “Биз Расулulloҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) билан бирга маҳсиларимизга масҳ тортар ва бунинг ҳечқиси йўқ деб билар эдик”, деди. Ибн Умар: “Агар ҳожатхонага борса-чи?” деб сўраган эди, (Умар): “Унда ҳам (масҳ тортаверади)”, деб жавоб берди” (*Ибн Можа, Аҳмад, Ибн Хузайма ва Абдураззоқ ривояти. Ривоят санади саҳиҳ*).

Ушбу ривоятдан баъзи саҳобалар орасида маҳсига масҳ тортиш борасида ихтилоф ва турли хил қарашлар юзага келган. Аммо машҳур ва олим саҳобалар маҳсига масҳ тортиш жоиз экани ва бу нарса бирон-бир оят билан мансوخ бўлмаганини аниқ билган.

٢٩٠ – وَعَنْ الْبَرَاءِ بْنِ عَازِبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَمْ يَزَلْ يَمْسَحُ عَلَى الْخَفَيْنِ قَبْلَ نُزُولِ الْمَائِدَةِ وَبَعْدَهَا حَتَّى قَبَضَهُ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ. (رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ فِي الْأَوْسَطِ وَفِي سَنَدِهِ ضَعْفٌ).

290 – Баро ибн Озиб (розияллоху анху) ривоят қилишича, Расулulloҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) Моида сураси нозил бўлишидан олдин ҳам, кейин ҳам то Аллоҳ азза ва жалла у зотнинг жонларини олгунича маҳсига масҳ тортишда давом этганлар (*Табароний “Авсат”да ривоят қилган. Ривоят санадида заифлик бор*).

Ушбу ривоятда ҳам Набий (соллаллоху алайҳи ва саллам) ҳаётларининг охиригача маҳсига масҳ тортиб, Моида сураси нозил бўлгандан кейин ҳам бу ишдан тўхтамаганлари айтилмоқда. Ҳасан Басрий (раҳматуллоҳи алайҳ) айтади: “Расулulloҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) саҳобаларидан етмиш нафари Набий (соллаллоху алайҳи ва сал-

лам) маҳсиларига масҳ тортганларга шоҳид бўлишгани ҳақида ривоятлар бор”.

Маҳсига масҳ тортиш жоиз эканини тасдиқлаш аҳли сунна вал-жамоанинг эътиқодидандир. Абу Ҳанифа бундай деган: “Ким маҳсига масҳ тортишни инкор этса, унинг куфрга тушиб қолиш ҳафви бор. Чунки маҳсига масҳ тортиш ҳақида ворид бўлган ривоятлар маънан мутавотир даражасига етган”.

Маълумот ўрнида шуни айтиш мумкин, таҳорат ҳақидаги оят Мурайсиъ ғазотида нозил бўлган. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Табук ғазотида маҳсига масҳ тортганлар. Мурайсиъ (Бани Мусталиқ) ғазоти ҳижрий олтинчи йилнинг Шаъбон ойида бўлиб ўтган. Табук ғазоти эса ҳижрий тўққизинчи йилнинг Ражаб ойида бўлган. Энди бир ўйлаб кўрайлик, аввал нозил бўлган ҳукм ўзидан кейингисини қандай насх қила олади?

٢٩١ - وَعَنْ أَبِي زُرْعَةَ بْنِ عَمْرٍو بْنِ جَرِيرٍ أَنَّ جَرِيرًا بَالَ ثُمَّ تَوَضَّأَ فَمَسَحَ عَلَى الْخَفَيْنِ وَقَالَ: مَا يَمْنَعُنِي أَنْ أَمْسَحَ وَقَدْ رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَمْسَحُ قَالُوا: إِنَّمَا كَانَ ذَلِكَ قَبْلَ نَزُولِ الْمَائِدَةِ قَالَ: مَا أَسْلَمْتُ إِلَّا بَعْدَ نَزُولِ الْمَائِدَةِ. (رواه أبو داود والترمذي والحاكم والدارقطني والبيهقي في السنن الكبرى وسنده حسن.)

291 – Абу Зуръа ибн Амр ибн Жарир ривоят қилишича, Жарир бавл қилиб таҳорат олган ва маҳсисига масҳ тортган ва: “Мен Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) маҳсига масҳ тортганларини кўрганимдан кейин масҳ тортишдан мени нима тўса олади?” деган. Шунда одамлар: “Бу Моида сураси нозил бўлишидан олдинмиди?” деб сўрашганида, у: “Мен Моида нозил бўлганидан сўнг муслмон бўлганман”, деб жавоб берган (Абу Довуд, Термизий, Ҳоким, Дорақутний, Байҳақий “Ас-сунанул кубро”да ривоят қилган. Ривоят санади ҳасан).

Бу ривоят ҳар қандай ихтилоф ва тушунмовчиликларга чек қўяди. Чунки Жарир ибн Абдуллоҳ (розияллоҳу анху)

Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) маҳсига масъ тортаётганини кўрган. Унинг қачон Исломга кирганини ҳаммамиз яхши биламиз.

Жарир ибн Абдуллоҳдан ривоят қилинади: “Мен Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) вафотларидан қирк кун олдин мусулмон бўлганман” (*Ибн Хузайма ривояти*).

٢٩٢ – وَعَنْ جَرِيرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَدِمْتُ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَعْدَ نَزُولِ الْمَائِدَةِ فَرَأَيْتُهُ يَمْسَحُ عَلَى الْخُفَّيْنِ. (رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ وَعَبْدُ الرَّزَّاقِ وَابْنُ أَبِي شَيْبَةَ.)

292 – Жарир ибн Абдуллоҳ (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Моида сураси нозил бўлганидан сўнг мен Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига борганимда у зот маҳсига масъ тортаётганларини кўрдим” (*Табароний, Абдураззоқ ва Ибн Абу Шайба ривояти*).

Юқоридаги ва ушбу ривоятдан маълум бўлади, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) вафотларидан кейин одамлар Жарир ибн Абдуллоҳга (розияллоҳу анҳу) маҳсига масъ тортиш ҳақида кўп саволлар билан мурожаат қилган. Жарир берган саволларига Моида сураси нозил қилинганидан кейин мусулмон бўлгани ва Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) маҳсига масъ тортаётганларини кўрганини айтиш билан жавоб қайтарган.

МАҲСИГА МАСЪ ТОРТИШ ШАРТЛАРИ

Қуйидаги шартлар¹²³ мавжуд бўлганда маҳсига масъ тортиш тўғри бўлади:

Маҳси оёққа таҳоратли ҳолда кийилган бўлиши.

٢٩٣ – عَنْ عُرْوَةَ بْنِ الْمُغِيرَةَ عَنْ أَبِيهِ أَنَّهُ وَضَأَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَتَوَضَّأَ وَمَسَحَ عَلَى خُفَيْهِ فَقَالَ لَهُ فَقَالَ: إِنِّي أَدْخَلْتُهُمَا طَاهِرَتَيْنِ. (رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَأَحْمَدُ.)

¹²³ Ҳанафийлар маҳсига масъ тортиш тўғри бўлиши учун етти шарт қўйган. Моликийларда ўн битта, шофиийларда иккита, ҳанбалийларда етти шарт бор.

293 – Урва ибн Муғира отасидан ривоят қилишича, у Набийга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳорат суви қуйиб турган ва у зот таҳорат қилиб, маҳсиларига масҳ тортганлар. Кейин унга: “Мен бу икки (маҳси)ни оёқларим пок ҳолида кийганман”, деганлар (*Бухорий, Муслим ва Аҳмад ривояти*).

Бу ривоятни юқорида ўргандик.

۲۹۴ - وَعَنْ الْمُغِيرَةَ بْنِ شُعْبَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ أَمَسَحَ عَلَى الْخَفَيْنِ قَالَ: نَعَمْ إِذَا أَدَخَلْتَهُمَا وَهُمَا طَاهِرَتَانِ. (رَوَاهُ الشَّافِعِيُّ وَالِدَارَقُطْنِيُّ.)

294 – Яна Муғира ибн Шуъба (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Мен: “Эй Расулуллоҳ, маҳсига масҳ тортаверайми?” деб сўраганимда, у зот: “Ҳа, агар икки (маҳ)сини оёқларинг пок ҳолида кийган бўлсанг (уларга масҳ тортавер)”, дедилар (*Шофиъий ва Дорақутний ривояти*).

Ушбу икки ривоятда маҳси таҳоратли оёққа кийилса, унга масҳ тортиш жоизлиги айтилмоқда. Дастлаб оёқ ювилиб, унга маҳси кийилгандан кейин таҳорат охиригача тўлиқ бажарилса, таҳорат кетгандан кейин маҳсига масҳ тортиш жоиз. Чунки ҳанафийлар наздида, таҳоратда тартиб шарт эмас¹²⁴. Лекин таҳоратни тартиб билан бажаргандан сўнг, маҳси кийиш афзал.

Жумҳур уламолар маҳси кийишдан олдин тўлиқ таҳорат сув билан олиниши лозимлигини айтган. Шофиъийлар бу таҳорат сув, ғусл ёки таяммум билан ҳам бўлиши мумкинлигига рухсат берган. Улар таяммум сув йўқлиги учун қилинган бўлса, сув топилгандан кейин маҳсига масҳ тортиш жоиз эмас. Агар касаллик ёки шу каби сабаблар билан таяммум қилинган бўлса, таҳорати кетгандан кейин янги таҳорат олганда маҳсига масҳ тортиш жоиз, деган.

¹²⁴ Шофиъий ва ҳанбалийлар маҳси кийилаётганда тўлиқ таҳоратли бўлмаса, маҳсига масҳ тортиш жоиз эмаслигини айтган. Уларда таҳоратни тартиб билан амалга ошириш шарт саналади. Шунга кўра, таҳоратда аввал оёқни ювиб олиш оёқни ювмаслик билан баробардир.

Агар таҳоратда ювилиши лозим бўлган аъзоларда бирон жой ювилмай қолса, уни ювмасдан олдин таҳорати бузилса, маҳсига масҳ тортиши мумкин эмас¹²⁵.

Агар таҳоратли киши сиймоқчи бўлса-ю, аввал маҳсини кийиб, кейин сийса, таҳоратда маҳсига масҳ тортиши жоиз.

Жунуб ғусл қилиб, баданда озроқ жой ювилмай қолса ва маҳси кийса, кейин ўша жойни ювса, таҳорати сингандан кейин маҳсига масҳ тортиши мумкин¹²⁶.

Агар таяммум қилган киши маҳси кийса, кейин сув топилса, маҳсисини ечади. Чунки у маҳсини тўлиқ таҳорат билан киймаган бўлиб, таяммум аъзолардан нопокликни кетказмайди. Таяммум билан кийилган маҳси таҳоратсиз оёққа кийилган бўлади.

Агар таҳоратдан олдин жароҳатни боғласа ва устига масҳ тортса, оёғини ювиб, маҳсисини кийса, таҳорати бузилгандан кейин жароҳат ва маҳсига масҳ тортади.

Агар маҳси кийиши ва таҳорати синмасдан илгари жароҳати тузалса, тузалган жойни ювиб, маҳсига масҳ тортади. Агар жароҳат таҳорат кетгандан кейин тузалса, маҳсини ечиб, оёқни ювади¹²⁷.

Узрли киши (яъни ҳар бир намозга таҳорат оладиган киши)лар таҳорат пайтида узри безовта қилмаса ва маҳси кийса, худди соғлом одамдек белгиланган муддатгача маҳсига масҳ тортади. Агар таҳорат қилиш ва маҳси кийиш чоғида узрли ҳолат юз берса, ўша намоз вақти ичида маҳсига масҳ тортади¹²⁸.

Агар эшак ичганидан қолган сув билан таҳорат олса, кейин таҳорати бузилиб, пок ва покловчи сув топилса, маҳсисини ечиб, оёғини ювади. Чунки бунда ҳам маҳси тўлиқ таҳорат билан кийилмаган ҳисобланади. Эшак ва хачирдан қолган сувнинг поклашида шубҳа бор.

Масҳ тортиладиган маҳси ҳам тоза бўлиши керак. Агар унга нопок нарсалар теккан бўлса, бундай маҳсини кийиш ва унга масҳ тортиш мумкин эмас.

¹²⁵ “Табйин”.

¹²⁶ “Ал-хуласоту”.

¹²⁷ “Ас-сирожул ваҳҳаж”, “Аз-зоҳирийя”.

¹²⁸ “Ал-баҳрур роиқ”.

Ҳанафий ва Шофиъий наздида, ўлимтик териси ошлаш билан пок бўлиб, унинг терисидан тикилган маҳсини кийиш жоиз.

Маҳси теридан тикилган бўлиши.

Айниқса, моликийлар бунга алоҳида аҳамият берган. Уларга кўра, матодан қилинган пойабзал, жумладан, пайпоққа масҳ тортиш мумкин эмас. Агар мато устидан тери қопланган бўлса, жоиз. Шофиъийлар ҳам матодан қилинган, оёққа сув киришига тўсқинлик қилмайдиган оёқ кийимга масҳ тортиш жоиз эмаслигини айтган.

Маҳси оёқ тўпиғини беркитиб туриши.

Таҳорат олганда оёқ тўпиққача ювилиши лозим. Бундан ташқари, кийиладиган маҳси ювилиши лозим бўлган жойни беркитиб туриши ва унга нопоклик тегишидан сақлаши керак. Шуни унутмаслик лозим, тўпиқни беркитмайдиган маҳсига масҳ тортиш мумкин эмас.

Маҳсининг тўпиқдан пастки қисмида оёқнинг учта кичик бармоқлари сиғадиган даражада йиртиқ бўлмаслиги.

Ҳанафий ва моликийлар наздида, озроқ йиртиғи бор маҳсиларга масҳ тортиш жоиз, аммо каттароқ йиртиқли маҳсиларга жоиз эмас¹²⁹. Ҳанафий мазҳабида катта йиртиқ энг кичкина оёқ бармоқларининг учтаси миқдоричадир. Бунда йиртиқ маҳсининг усти, таги ёки товон тарафидан қайси бирида бўлишининг фарқи йўқ.

Икки маҳсидаги эмас, бир маҳсидаги йиртиқлар жамланади. Агар биринчи маҳсида бир бармоқ, иккинчисида икки бармоқ миқдорича йиртиқ бўлса, унга масҳ тортиш жоиз. Агар маҳсининг олдида бир бармоқ миқдорича, товонида ҳам шунча, ён тарафида ҳам шунча миқдорда йиртиқ бўлса, бундай маҳсига масҳ тортиш мумкин эмас.

Агар йиртиқ тўпиқдан тепада, яъни болдирда бўлса, масҳ тортишга тўсқинлик қилмайди.

Маҳси бирон боғичларсиз оёқда турадиган даражада қалин бўлиши.

Ҳанафий мазҳабида кўра, маҳсида бўлиши керак бўлган энг асосий шартлардан бири ҳам шу.

¹²⁹ Шофиъий ва ҳанбалийлар мазҳабида кўра, гарчи озгина йиртиғи бўлган маҳсиларга ҳам масҳ тортиш жоиз эмас.

Маҳси кийилганда унинг юпқалиги ёки бошқа сабадан оёқ кўринмайдиган бўлиши.

Юпқа маҳси оёқни нопок нарсалардан тўлиқ сақлай олмайди. Аслида масҳ тортиш мумкин бўлиши учун маҳси сафар қилишга яроқли, сув ва чангни ўтказмайдиган бўлиши матлубдир.

Юрган вақтда маҳси оёқдан ечилиб кетадиган даражада бўлмаслиги.

Бундай ҳолатдаги маҳси ҳам масҳ тортишга ярамайди. Сабаби маҳси оёқдан ечилиши билан унга тортилган масҳ бузилади.

Маҳси сув ўтказмайдиган бўлиши.

Ҳанафий ва шофиъийлар оёққа сув ўтказмайдиган маҳсига масҳ тортиш мумкинлигини айтган.

Ҳанафийлар наздида, ойна, ёғоч ёки темирдан қилинган, юрганда йиртилиб кетадиган даражада юпқа маҳсига масҳ тортиш мумкин эмас¹³⁰.

Тахминан бир фарсах миқдорида йўл юришга яроқли бўлиб, йиртилиб кетмаслиги.

Маҳсига масҳ тортиш жоиз бўлиши учун уни одатдаги каби кийиб юриш мумкин бўлиши керак. Ҳанафийлар бу маҳсида бир фарсах ёки ундан кўпроқ масофани босиб ўтиш мумкин бўлиши керак, деган.

Агар бу масофани босиб ўтгунча маҳси йиртилиб, ўз ҳолатини ўзгартирса, бундай оёқ кийимга масҳ тортиш жоиз эмас.

Бир фарсах уч мил, ўн икки минг қадамга тенг. Бир мил 1848 метр. Бир фарсах 5544 метрга тенг бўлади.

МАСҲ ТОРТИШНИНГ ФАРЗ ВА СУННАТЛАРИ

Қўлнинг учта бармоғини намлаб, икки оёқнинг устидан силаш масҳнинг фарзи саналади. Маҳсининг таги ёки ён томонига масҳ тортилмайди.

Қўйдагилар масҳ тортишнинг суннатларидир:

– қўлни хўлаб, ўн қўл бармоқлари билан ўнг оёқ устига, чап қўл бармоқлари билан чап оёқ устига масҳ тортиш;

¹³⁰ Ҳанбалийлар наздида, тери, жун, ёғоч, ойна ва темирдан қилинган маҳсига масҳ тортиш жоиз.

- масҳни тўпикқача етказиш;
- бармоқлар ораси бир оз очикроқ бўлиши.

МАҲСИГА МАСҲ ТОРТИШ МУДДАТИ

Масҳ тортиш муддати муқим киши учун бир кеча-кундуз (24 соат), мусофир киши учун уч кечаю уч кундуз (72 соат) қилиб белгиланган.

۲۹۵ – عَنْ شُرَيْحِ بْنِ هَانِيٍّ قَالَ: أَتَيْتُ عَائِشَةَ أَسْأَلُهَا عَنْ الْمَسْحِ عَلَى الْخُفَيْنِ فَقَالَتْ: عَلَيْكَ بِابْنِ أَبِي طَالِبٍ فَسَلَّهُ فَإِنَّهُ كَانَ يُسَافِرُ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ثَلَاثَةَ أَيَّامٍ وَلَيَالِيَهُنَّ لِلْمَسَافِرِ وَيَوْمًا وَلَيْلَةً لِلْمُقِيمِ. (رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَحْمَدُ وَالْبَيْهَقِيُّ وَعَبْدُ الرَّزَّاقِ وَأَبُو عَوَانَةَ.)

295 – Шурайх ибн Ҳони ривоят қилади: “Мен Ойшанинг (розияллоҳу анҳо) олдига бориб, маҳсига масҳ тортиш ҳақида сўраган эдим, у: “Сен Ибн Абу Толибдан сўра. Чунки у Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан сафар қилар эди”, деди. Бас, биз ундан (шу ҳақда) сўраган эдик, у: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) (масҳ муддатини) мусофир учун уч кечаю уч кундуз, муқим учун бир кеча-кундуз қил(иб белгила)ганлар”, деди” (*Муслим, Аҳмад, Байҳақий, Абдураззоқ ва Абу Авона ривояти*).

Демак, сафардаги киши уч кечаю уч кундуз, муқим киши эса бир кеча ва бир кундуз маҳсига масҳ тортади. Буни аксар саҳобалар, Абу Ҳанифа, Шофиъий ва Аҳмад ҳам таъкидлаган¹³¹.

¹³¹ Аммо моликийлар бунинг муддати йўқлиги, агар маҳсини ечмаса ёки жунуб бўлмаса, хоҳлаганча масҳ тортиш мумкинлигини, маҳси кийган кунидан эътиборан ҳар ҳафтада маҳсини ечиб, оёғини ювиши мандублигини айтган.

Бу борада саҳобалар орасида ҳам ихтилоф бор. Умар, Али, Ибн Масъуд, Ибн Аббос, Ибн Умар, Саъд ибн Абу Ваққос, Жобир ибн Самура, Абу Мусо Ашъарий ва Муғира ибн Шуъбалардан ривоят қилинишича, масҳ тортиш муддати белгиланган. Абу Дардо, Зайд ибн Собит ва Саидлардан ривоят қилинишича, масҳ тортиш муддати чегараланмаган.

Муқим киши ўз юртида яшаб турган, ўзга юртга сафарга чиқмаган кишидир. Мусофир киши ўртача пиёда юриш билан уч кунлик йўлни ният қилиб, йўлга чиққан кишидир. Бу масофа ҳисобида тахминан 80–90 км ни ташкил қилади.

۲۹۶ – وَعَنْ خُزَيْمَةَ بْنِ ثَابِتٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: الْمَسْحُ عَلَى الْخُفَيْنِ لِلْمُسَافِرِ ثَلَاثَةَ أَيَّامٍ وَلِلْمَقِيمِ يَوْمٌ وَلَيْلَةٌ. (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَأَحْمَدُ وَالطَّبْرَانِيُّ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

296 – Хузайма ибн Собит (розияллоҳу анҳу) Набийдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади: “Маҳсига масъ тортиш мусофир учун уч кун, муқим учун бир кеча-кундуздир” (*Абу Довуд, Аҳмад ва Табароний ривояти. Ҳадис санади саҳиҳ*).

Маҳсига масъ тортиш ҳақида савол берилганда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унинг қандай бўлишини очиқ-ойдин баён қилганлар. Бундан маҳсига муқимликда ҳам, сафарда ҳам масъ тортиш жоизлиги ва муқим киши бир кеча-кундуз, мусофир киши уч кеча-кундуз масъ тортиши мумкинлиги маълум бўлади.

Хузайма ибн Собит (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мусофир киши учун маҳси муддатини уч кун қилиб белгиладилар. Агар сўровчи (аъробий) савол беришда давом этганида, у зот муддатни беш кун қилиб белгилардилар” (*Ибн Можа, Аҳмад, Ибн Ҳиббон, Табароний “Кабир”да ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ*).

Эслатиб ўтамир, ҳар таҳорат синганда оёққа янгидан масъ тортиш керак. Агар таҳорат олиниб, масъ тортиш эсдан чиқса ва шу ҳолда намоз ўқилган бўлса, оёққа масъ тортиб, сўнгра намозни қайтадан ўқиш керак. Чунки масъ тортиш оёқни ювиш ўрнига жорий қилинган. Маълумки, оёқ ювиш ҳам таҳоратнинг фарзлари қаторига киради. Ўз-ўзидан оёқни ювмасдан ёки маҳси кийган бўла туриб, унга масъ тортмасдан ўқилган намоз қабул бўлмайди.

٢٩٧ – وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ مَا الطُّهُورُ عَلَى الْخُفَّيْنِ؟ قَالَ: لِلْمَسَافِرِ ثَلَاثَةٌ أَيَّامٌ وَلِيَالِيَهُنَّ وَلِلْمَقِيمِ يَوْمٌ وَلَيْلَةٌ. (رواهُ ابْنُ مَاجَهَ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

297 – Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Одамлар: “Ё Расулulloҳ, маҳсига масҳ тортиш (муддати) қанча?” деб сўрашди. У зот: “Мусофир учун уч кеча-кундуз, муқим учун бир кеча-кундуз”, дедилар” (*Ибн Можа ривояти. Ривоят санади саҳиҳ*).

Масҳ тортиш муддати охирига вақтга қараб эътибор қилинади. Масалан, агар муқим яшайдиган кишининг масҳ муддати тугамай туриб сафарга чиқса, унинг масҳ тортиш муддати мусофирнинг масҳ тортиш муддатига айланади. Мусофир тўлиқ бир кеча-кундуз ўтиб, сафардан қайтса, масҳ муддати тугаган ҳисобланади ва маҳсини ечиб, оёғини ювади. Агар у масҳ тортишда давом этса, муддатдан ўтказиб масҳ тортган бўлади¹³².

Масҳ муддати маҳси кийилиб, унга масҳ тортилгандан сўнг таҳорат бузилган вақтдан эътиборга олинади¹³³.

٢٩٨ – عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ أَبِي بَكْرَةَ عَنْ أَبِيهِ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ رَخَّصَ لِلْمَسَافِرِ إِذَا تَوَضَّأَ وَلَبَسَ خُفَّيْهِ ثُمَّ أَحْدَثَ وَضُوءًا أَنْ يَمْسَحَ ثَلَاثَةَ أَيَّامٍ وَلَيَالِيَهُنَّ وَلِلْمَقِيمِ يَوْمًا وَلَيْلَةً. (رواهُ ابْنُ مَاجَهَ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ.)

298 – Абдурахмон ибн Абу Бакра отасидан ривоят қилишича, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), агар таҳорат қилиб, маҳсисига масҳ тортса, сўнгра таҳорати кетса,

¹³² Шофъий ва ҳанбалийлар наздида, киши муқимликда маҳсига масҳ тортиб, кейин сафарга чиқса ёки сафардан қайтса, бир кечаю бир кундуз маҳсига масҳ тортади.

¹³³ Маҳсига масҳ тортиш муддати қачондан бошланиши ҳақида турли фикрлар айтилган. Аксарият уламолар бу муддат маҳси кийилгандан сўнг таҳорат бузилгандан эътиборан бошланади, деган. Баъзилар бу муддат маҳси кийиш билан бошланади, деса, яна бошқалар маҳсига масҳ тортишдан бошланишини айтган.

Таҳорат бузилгандан сўнг масҳ муддати бошланиши ҳақидаги фикр энг тўғриси саналади. Сабаби маҳси ва унинг турига кирувчи оёқ кийими таҳорат синганда оёққа нопоклик ўтишига тўсқинлик қилади. Шу сабаб масҳ тортиш муддати таҳорат бузилганда бошланади, дейиш ҳақиқатга яқинроқ бўлади.

мусофирга уч кечаю уч кундуз, муқимга бир кечаю бир кундуз масъ тортишга рухсат берганлар (*Ибн Можа ривояти. Ривоят санади ҳасан*).

Бир киши таҳорат олиб, оёғига маҳсини кийди, шундан кейин таҳорати хуфтон вақтида синди. Агар банда муқим яшаётган бўлса, эртаси куни хуфтонгача, мусофир бўлса, тўртинчи куннинг хуфтонигача оёғига масъ тортиши мумкин.

Яна бир киши бомдод намозига таҳорат олганда маҳсига масъ тортди ва қуёш чиққандан кейин таҳорати синди. Сўнгра завол вақти ўтгач, таҳорат олиб, маҳсига масъ тортса, муқим киши эртаси куни қуёш чиққандан кейинги вақтгача, мусофир киши эса тўртинчи куни қуёш чиққандан кейинги вақтгача маҳсига масъ тартади.

Баъзи уламолар, жумладан, моликийлар маҳсига масъ тортиш муддати аниқ белгиланмаган, хоҳлаган вақтгача унга масъ тортиш жоизлигини келтиради. Уларнинг ҳам ҳужжатлари бор.

۲۹۹ – عَنْ عُقْبَةَ بْنِ عَامِرِ الْجُهَنِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ قَدِمَ عَلَى عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ مِنْ مِصْرَ فَقَالَ: مُنْذُكُمْ لَمْ تَنْزَعْ خُفَيْكَ قَالَ: مِنَ الْجُمُعَةِ إِلَى الْجُمُعَةِ قَالَ: أَصَبْتَ السَّنَةَ. (رَوَاهُ ابْنُ مَاجَةَ وَالدَّارَقُطْنِيُّ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

299 – Уқба ибн Омир Жуханий (розияллоҳу анҳу) ривоят қилишича, у Мисрдан келиб Умар ибн Хаттобнинг олдига кирганида, Умар: “Неча кундан бери маҳсингни ечмадинг?” деган. У: “Жумадан жумагача”, деб жавоб берган. Шунда Умар: “Тўғри (суннатга мувофиқ) қилибсан”, деган (*Ибн Можа ва Дорақутний ривояти. Ривоят санади саҳиҳ*).

Бу ривоят ҳақида икки хил фикрни билдириш мумкин:

– Уқба ибн Омирнинг саккиз кундан бери маҳсинини ечмагани масъ тортиш муддати узоқроқ бўлиши мумкинлигига далолат қилади;

– балки бу ҳолатда масъ тортиш муддатига амал қилган ҳолда Уқба ибн Омирдан қачондан бери маҳси кийиб юргани сўралган бўлиши мумкин. Валлоҳу аълам!

Шуниси маълум, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) муқим киши бир кеча-кундуз, мусофир киши уч кеча-кундуз маҳсини ечмасдан унга масҳ тортиши мумкинлигини кўплаб ривоятларда таъкидлаганлар. Биз ўша ривоятларни далил қилиб оламиз. Бу борада келган бошқа бир-икки ривоятни инобатга олган ҳолда, ихтилоф чиқаришга ҳожат йўқ.

ЖАВРАБГА МАСҲ ТОРТИШ

Аввало, “жавраб” сўзининг луғавий маъноси билан танишиб чиқсак. “Жавраб” асли форсча сўз бўлиб, дастлаб “кавроб” шаклида бўлган. Араб тилига “жавраб” шаклида ўтган. (*Ибн Манзур, “Лисанул араб”, 1-жуз*).

“Қомусул муҳийт”, “Лисанул араб” ва “Ас-сиҳоҳ” луғатларида “жавраб”га “оёқни ўраб турувчи нарса”, дея таъриф берилган. Тийбий: “Жавроб теридан қилинади, оёқни ўраб туради. У маҳсининг бир туридир”, деган. Абу Бакр ибн Арабий “Оризатул аҳвазий”да: “Жавроб жундан тўқилиб оёқни ёпиб турувчи пойабзал. У совуқ кунларда кийилади”, деган. Шавкониий “Шарҳул мунтақоъ”да: “Маҳси ошланган теридан қилинади ва тўпиқни ёпиб туради. Журмуқ маҳсидан каттароқ бўлиб, унинг устидан кийилади. жавраб эса журмуқдан ҳам катта бўлади”, деб айтган. Шайх Абдулҳақ Дехлавий “Лумъат”да айтади: “Жавроб маҳсига ўхшаган нарса бўлиб, маҳси устидан кийилади. У оёқни совуқдан асраса, маҳсининг устки қисмини чанг ва сув тегишидан сақлайди”.

Ҳанафий имомлардан бири Ҳалвоний, жавраб беш хил бўлишини келтиради. жаврабни тери, жун ва шу каби нарсалардан қилинишини айтиб, аммо кирбос (юпка ип газлама)дан қилинган жаврабга масҳ тортиш мумкин эмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтади.

Шулардан биламиз, жавраб маҳсининг бир тури, фақат у маҳсидан каттароқдир. Баъзилар унинг болдиргача ёпиб туришини келтирса, бошқалар жавраб тўпиққача етиб туришини билдирган.

Жавроб тери, жун ва пахтадан қилиниши мумкин. Аммо Тийбий ва Шавконий жаврабни фақат теридан қилинишини қайд этади. Абу Бакр ибн Арабий ва аллома Айний жавраб жундан ҳам тўқилиши мумкинлигини келтирган.

Ривоятларда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) жаврабга масъх тортганлари баён қилинган.

۳۰۰ – عَنْ الْمُغِيرَةَ بْنِ شُعْبَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تَوَضَّأَ وَمَسَّحَ عَلَى الْجُورَبَيْنِ وَالتَّلْعَيْنِ. (رَوَاهُ أَصْحَابُ السُّنَنِ وَأَحْمَدُ وَابْنُ خَزِيمَةَ وَابْنُ حَبَانَ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

300 – Муғира ибн Шуъба (розияллоҳу анҳу) ривоят қилишича, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳорат олиб, жавраб ва пойабзалларига масъх тортганлар (*Сунан соҳиблари, Аҳмад, Ибн Хузайма ва Ибн Ҳиббон ривояти. Ҳадис санади саҳиҳ*¹³⁴).

Уламолар, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) жавраб ва пойабзалга қўшиб масъх тортганлар. жавраб билан бирга оёқ кийимга ҳам масъх тортиш афзал. Аммо ёлғиз оёқ кийимнинг ўзига масъх тортиш жоиз эмас, деганлар.

Устоз Абулвалид бу ҳадисни таъвил қилган ҳолда, “у зот жаврабга алоҳида, пойабзалга алоҳида эмас, балки пойабзал шаклидаги жаврабга масъх тортганлар”, деган. (*Байҳақий “Ас-сунанул кубро”да ривоят қилган*).

Бу фикрни қуйидаги ривоят ҳам тасдиқлайди. Рошид ибн Нажийҳдан ривоят қилинади: “Мен Анас ибн Моликнинг ҳожатхонага кирганини кўрдим. У оёғига таги теридан, усти соф жун ва ипақдан қилинган жавраб кийиб олган эди. У ўша жаврабга масъх тортди” (*Байҳақий “Ас-сунанул кубро”да ривоят қилган*).

¹³⁴ Насоий “Ас-сунанул кубро”да: “Бу ривоятда Абу Қайса мутобаъат қилган бирон кишини билмайман. Муғирадан қилинган саҳиҳ ривоятга кўра, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) маҳсига масъх тортганлар”, деган.

Байҳақий Муғира ибн Шуъбанинг мазкур ривоятини зикр қилиб, кейин: “Бу мункар ривоятдир. Суфён Саврий, Абдурахмон ибн Маҳдий, Аҳмад ибн Ҳанбал, Яҳё ибн Маъин, Али ибн Мадиний ва Муслим ибн Ҳажжож бу ҳадис заиф эканини айтган. Муғирадан маҳсига масъх тортиш ҳақида қилинган ривоят маълумдир”, деб айтган.

Имом Шинқитийнинг “Сунани Термизий”га ёзган шарҳида: “Жавроб уч хил бўлади:

1. Тагига тери қилинган жавраб.
2. Теридан қилинмаган, аммо қалин жавраб.
3. Юпқа жавраб.

Теридан қилинган жаврабни таърифлайдиган бўлсак, унинг усти матодан ишланиб, тагига эса тери қопланади. Бу турдаги жавраб бизнинг давримизда мавжуд эмас, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) даврларида шундай жавраблар кийиб юрилган. Бундай жаврабни кийиб юргандан кейин пойабзалга ҳожат қолмаган. Мана шу турдаги жаврабга жумҳур уламолар, хусусан, ҳанафий, моликий, шофиъий ва ҳанбалийлар масҳ тортиш мумкинлигини айтган. Агар жаврабнинг таги теридан қилиниб, ўзи қалин бўлса, усти жун ёки пахтадан иборат бўлса ҳам, унга масҳ тортиш жоиз. Чунки у оёқни ўраб туради. Мана шундай жавраб маҳси ҳукмида бўлади. Теридан қилинган жаврабга масҳ тортиш борасида ҳеч қандай ихтилоф йўқ.

Иккинчи ҳолат шуки, ҳанбалийлар, Абу Ҳанифанинг икки шогирди Абу Юсуф ва Муҳаммад ибн Ҳасан, Исҳоқ ибн Роҳавайҳ ва Довуд Зоҳирий наздида, теридан қилинмаган, аммо қалин жаврабга масҳ тортиш жоиз. Аммо ҳанафий, моликий ва шофиъийлардан иборат жумҳур уламоларга кўра, жавраб қалин бўлса ҳам, агар теридан қилинмаган бўлса, унга масҳ тортиш мумкин эмас.

Учинчи ҳолат шуки, салаф ва халаф уламоларнинг жумҳурлари юпқа жаврабга масҳ тортишга рухсат бермаган. Чунки Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўз замонларида машҳур бўлган жаврабга масҳ тортганлар. У вақтларда ҳозирги юпқа, шаффоф жавраблар (пайпоқлар) тарқалмаган. Саҳобалар ҳам оёқларига қалин жавраб кийиб юришган ва жавраблар юпқа бўлмаган. Юпқа жавраб қалин жавраб билан тенг бўла олмайди. Қалин жаврабга масҳ тортиш жоиз. У теридан қилинган маҳси кабидир”, дейилган.

۳۰۱ - وَعَنْ أَبِي مُوسَى الْأَشْعَرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ

عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تَوَضَّأَ وَمَسَحَ عَلَى الْجَوْرَيْنِ وَالتَّعْلَيْنِ. (رَوَاهُ ابْنُ مَاجَهَ وَالطَّبْرَانِيُّ وَالطَّحَاوِيُّ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ).

301 – Абу Мусо Ашъарий (розияллоху анху) ривоят қилишича, Расулulloх (соллаллоху алайҳи ва саллам) таҳорат қилиб, жавраб ва пойабзалларига масҳ тортганлар (*Ибн Можа, Табароний ва Таҳовий ривояти. Ривоят санади саҳиҳ*).

“Мирқотул мафотийҳ шарҳу мишкотил масобийҳ” китобида: “Набий (соллаллоху алайҳи ва саллам) жавраб устидан пойабзал кийганлар, жавраб ва пойабзалга бирга масҳ тортганлар. Бу билан у зот пойабзалга эмас, жаврабга масҳ тортишни мақсад қилганлар”, дейилган.

٣٠٢ – وَعَنْ كَعْبِ بْنِ عُجْرَةَ عَنْ بِلَالِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَمْسَحُ عَلَى الْخَفَيْنِ وَالْجَوْرَيْنِ. (رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ وَابْنُ أَبِي شَيْبَةَ).

302 – Билолдан Каъб ибн Ужра (розияллоху анху) ривоят қилади: “Расулulloх (соллаллоху алайҳи ва саллам) маҳси ва жаврабга масҳ тортар эдилар” (*Табароний ва Ибн Абу Шайба ривояти*).

Жавробга масҳ тортиш бир ёки ундан кўпроқ кишининг ривояти билан собит бўлган. Оёқни ювиш эса саноқсиз ровийлар ва қатъий далиллар билан собит бўлган. жаврабга масҳ тортиш ҳақидаги ривоятлар таъвили муҳтамал, оёқни ювиш ҳақидаги эса муҳкам ва очиқ-ойдиндир.

Расулulloх (соллаллоху алайҳи ва саллам) жаврабга масҳ тортишларини кўрган саҳобалар у зотга эргашиб жаврабга масҳ тортганлари кўплаб ривоятларда келтирилган.

٣٠٣ – عَنْ كَعْبِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ قَالَ: رَأَيْتُ عَلِيًّا بَالَ فَمَسَحَ عَلَى جَوْرِيهِ وَنَعْلَيْهِ ثُمَّ قَامَ يُصَلِّي. (رَوَاهُ عَبْدُ الرَّزَّاقِ وَابْنُ أَبِي شَيْبَةَ).

303– Каъб ибн Абдуллох ривоят қилади: “Мен Али бавл қилиб, кейин жавраб ва пойабзалига масҳ тортиб, намоз-

га турганини кўрганман” (Абдураззоқ ва Ибн Абу Шайба ривояти).

Саҳоба ва тобеинлар жаврабга масҳ тортгани ҳақида ривоятлар кўп.

۳۰۴ – وَعَنْ هَمَّامِ بْنِ الْحَارِثِ عَنِ ابْنِ مَسْعُودٍ أَنَّهُ كَانَ يَمْسَحُ عَلَى الْجُورَبَيْنِ وَالنَّعْلَيْنِ. (رَوَاهُ عَبْدُ الرَّزَّاقِ وَأَبْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَالطَّبْرَانِيُّ فِي الْكَبِيرِ وَرَجَالُهُ مُوثَقُونَ.)

304 – Ҳаммам ибн Ҳорис ривоят қилишича, Ибн Масъуд жавраб ва пойабзалга масҳ тортар эди (Абдураззоқ, Ибн Абу Шайба, Табароний “Кабир”да ишончли ровийлардан ривоят қилган).

Баъзи тоифалар юқоридаги ривоятларни далил қилиб, пайпоққа масҳ тортиш жоиз, деган фатвони беряпти. Бу тил қондаси ва шариат асосини яхши тушунмаслик ёки “аҳли зоҳирлик” натижасида келиб чиққан. Биз юқорида “жавроб” сўзига уламолар келтирган изоҳларни кўриб чиқдик. Ҳозирги араб тилида “жавроб” деганда “юпқа матодан тайёрланган пайпоқ” тушунилади. Улар “жавроб” сўзи ўрнида “шурроб” ни ҳам ишлатади. Олдинлари “жавроб” деганда тери ёки жундан ишланган, оёққа чанг ва сув ўтказмайдиган оёқ кийими тушуниланган бўлса, ҳозир юпқа, сув, чанг ва ҳаво ўтказувчи, ёлғиз ўзи билан юриш мумкин бўлмаган матони араблар “жавроб”, деб атайди. Лекин биз ўрганаётган ривоятларда, имом Шинқитий айтганидек, ҳозирги юпқа пайпоқлар назарда тутилмаган.

Ушбу ривоятларни далил қилиб, пайпоққа масҳ тортиш жоиз, деганлар балки мусулмонларга осон бўлишини ўйлагандир, ҳадисда келтирилган, мана далили, деб яхшилиқни ирода қилгандир. Аммо ҳадисни хато тушуниб, уни бошқаларга етказиш катта гуноҳ ва зарарли эканини ҳам ёддан чиқармаслик лозим.

Юқоридаги ривоятларда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кийган жавраб тери ёки жундан қилинган айтилмаган. Тахминимизча, у теридан қилинган ёки

остига тери ишланган. Ҳеч бўлмаганда жундан қилинган. Ҳар ҳолда у зот оёқларига пайпоқ кийиб, кейин унга масҳ тортмаган бўлсалар керак. Зеро, таҳоратда оёғини чала ювган кишини қайта таҳорат олишга буюрганлари, товонини пала-партиш ювганларга қарата баланд овозда: “Товонларга жаҳаннамда вайл бўлсин!” деб айтган сўзлари у зот маҳси сифатига эга бўлмаган оёқ кийимга масҳ тортмаганлар, деган хулосага келишимизга асос бўлади.

Юқоридаги далиллар ҳар қандай жаврабга масҳ тортиш жоизлигига далолат қилмайди. Масҳ тортишга яроқли бўлиши учун жавраб қалин, тери ёки жундан қилинган бўлиши кераклигига бир қанча далиллар бор.

۳۰۵ – عَنْ قَتَادَةَ عَنْ سَعِيدِ بْنِ الْمُسَيْبِ وَالْحَسَنِ أَنَّهُمَا قَالَا: يَمَسُّحُ عَلَى الْجَوْرَيْنِ إِذَا كَانَا صَفِيقَيْنِ. (رَوَاهُ ابْنُ أَبِي شَيْبَةَ فِي الْمَصْنَفِ وَرِجَالُهُ رِجَالُ الْجَمَاعَةِ.)

304 – Қатода ривоят қилишича, Саид ибн Мусайяб ва Ҳасан Басрий: “Агар жавраб қалин бўлса, унга масҳ тортилади”, деган (*Ибн Абу Шайба “Мусоннаф”да ривоят қилган. Унинг ровийлари жамоат (машҳур) ровийларидир.*

Ушбу ривоятда айтилишича, машҳур тобеинлар – Саид ибн Мусайяб ва Ҳасан Басрий (раҳматуллоҳи алайҳимо) жавраб қалин бўлиши кераклигини шарт қилишган экан. Бундан келиб чиқади, юпқа жаврабга масҳ тортиш мумкин эмас. Деярли барча уламолар жаврабга масҳ тортиш тўғри бўлиши учун жавраб қалин бўлиши кераклигини билдирган.

Ушбу ривоят “жаврабга масҳ тортиш мутлақ. Уни чекловчи ҳеч қандай шарт ривоятларда собит бўлмаган”, деб даъво қилувчиларга раддия бўлади.

۳۰۶ – وَعَنْ رَاشِدِ بْنِ نَجِيحٍ قَالَ: رَأَيْتُ أَنَسَ بْنَ مَالِكٍ دَخَلَ الْخِلَاءَ وَعَلَيْهِ جَوْرَبَانِ أَسْفَلَهُمَا جُلُودٌ وَأَعْلَاهُمَا خَزٌّ فَمَسَّحَ عَلَيْهِمَا. (رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ فِي السُّنَنِ الْكُبْرَى.)

306 – Рошид ибн Нажийҳ ривоят қилади: “Мен Анас ибн Молик ҳожатхонага кирганини кўрдим. Унинг оёғида таги теридан, усти соф жун ва ипақдан бўлган жавраб бор эди. У ўша жаврабга масҳ тортди” (*Байҳақий “Ас-сунанул кубро”да ривоят қилган*).

Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) жаврабга масҳ тортганларини кўришган. Саҳобалар ўша вақтда жавраблар нимадан ишланганини ҳам яхши билган. Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу) таги тери, юқориси тоза жун ва ипақ қўшиб тўқилган жаврабни кийиб, таҳоратда унга масҳ тортган экан, демак, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) жавраблари ҳам камида шундай сифатга эга бўлган.

۳۰۷ – وَعَنْ خَالِدِ بْنِ سَعِيدٍ عَنْ عُقْبَةَ بْنِ عَمْرٍو أَنَّهُ مَسَحَ عَلِيَّ جَوْرَيْنِ مِنْ شَعْرِهِ. (رَوَاهُ ابْنُ أَبِي شَيْبَةَ.)

307 – Холид ибн Саид ривоят қилишича, Уқба ибн Амр жундан қилинган жаврабга масҳ тортган (*Ибн Абу Шайба ривояти*).

Саҳоба ва тобеинлар ўртасида жаврабга масҳ тортиш борасида ҳеч қандай ихтилоф йўқ. Чунки у даврдаги жавраб бир хил сифатга эга бўлиб, унинг юпқа шакли деярли бўлмаган. Агар бир саҳобий қалин жаврабга, иккинчиси юпқа жаврабга масҳ тортганда, орада низо ва келишмовчилик пайдо бўларди. Демак, бир тарафдан бу борада салафлар орасида ихтилоф йўқ. Бошқа тарафдан, жавраб қалин, ости тери ва усти жундан бўлиши ҳақида саҳоба ва тобеинлардан ривоятлар мавжуд. Бундан келиб чиқади, ҳадис ва мўътамад фикҳ китобларда келган “жавроб” ҳозирги пайтдаги жавраб (пайпоқ)лардан тубдан фарқ қилган. Мана шу фикр ҳам нақлан, ҳам ақлан олганда ҳақиқатга яқиндир.

۳۰۸ – وَعَنْ سَعِيدِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ ضَرَّارٍ أَنَّ أَنَسَ بْنَ مَالِكٍ تَوَضَّأَ وَمَسَحَ عَلِيَّ جَوْرَيْنِ مِرْعَزِيٍّ. (رَوَاهُ ابْنُ أَبِي شَيْبَةَ.)

308 – Саид ибн Абдуллоҳ ибн Зирор ривоят қилишича, Анас ибн Молик таҳорат қилиб, майин жундан қилинган жаврабга масх тортган (*Ибн Абу Шайба ривояти*).

Бу ерда “майин жун” деганда “юпқа мато”ни деб тушуниш тўғри эмас. Балки ушбу ривоятда дағаллиги нисбатан камроқ бўлган жун назарда тутилган.

۳۰۹ – وَعَنْ خَالِدِ بْنِ سَعْدٍ قَالَ: كَانَ أَبُو مَسْعُودٍ الْأَنْصَارِيُّ يَمَسُحُ عَلَى جَوْرَيْنِ لَهُ مِنْ شَعْرٍ وَنَعْلَيْهِ. (رَوَاهُ عَبْدُ الرَّزَّاقِ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

309 – Холид ибн Саид ривоят қилади: “Абу Масъуд Ансорий жундан қилинган жавраб ва пойабзалига масх тортар эди” (*Абдураззоқ ривояти. Ривоят санади саҳиҳ*).

Мана шу ривоят ҳам Муғира ибн Шуъбанинг ривояти-ни шарҳлайди.

۳۱۰ – وَقَالَ الْأَزْرُقُ بْنُ قَيْسٍ: رَأَيْتُ أَنَسَ بْنَ مَالِكٍ أَحَدَتْ فَعَسَلَ وَجْهَهُ وَيَدَيْهِ وَمَسَحَ عَلَى جَوْرَيْنِ مِنْ صُوفٍ فَقُلْتُ: أَتَمَسَحُ عَلَيْهِمَا؟ فَقَالَ: إِنَّهُمَا خُفَّانِ وَلَكِنَّهُمَا مِنْ صُوفٍ. (قَالَ أَحْمَدُ شَاكِرٌ رَحِمَهُ اللَّهُ: رَوَاهُ الدُّوْلَابِيُّ بِإِسْنَادٍ صَحِيحٍ.)

310 – Азрак ибн Қайс ривоят қилади: “Мен Анас ибн Моликнинг таҳорати бузилгандан кейин юзи ва икки қўлини ювганини ва жундан қилинган жаврабга масх торганини кўрдим ва: “Буларга масх тортасанми?” деб сўрадим. У: “Бу иккиси маҳси, фақат жундан қилинган”, деб жавоб берди” (*Аҳмад Шокир (раҳматуллоҳи алайҳ): “Буни Дулобий саҳиҳ санад билан ривоят қилган”, деган*).

Шу ерда эслатиб ўтиш лозим, агар жавраб теридан ишланган бўлса, асосан тагига тери қўйилган бўлса, ханафий уламолар наздида унга масх тортиш жоиз. Агар жавраб теридан қилинмасдан юпқа бўлса, сув ва чанг ўтказса, уламолар ижмосига кўра, унга масх тортиш мумкин эмас.

Салафлар жавраб маҳси ҳукмида эканини айтган. Бунинг учун албатта жавраб алоҳида сифатларга эга бўлиши керак.

۳۱۱ – وَعَنْ ابْنِ جُرَيْجٍ عَنْ عَطَاءٍ قَالَ: الْمَسْحُ عَلَى الْجَوْرَيْنِ بِمَنْزِلَةِ الْمَسْحِ عَلَى الْخُفَّيْنِ. (رَوَاهُ ابْنُ أَبِي شَيْبَةَ.)

311 – Ибн Журайж Атодан (рахматуллоҳи алайҳ) ривоят қилади: “Жавробга масҳ тортиш маҳсига масҳ тортиш ўрнидадир” (*Ибн Абу Шайба ривояти*).

Бу ривоятни фақат “жавробга ҳам худди маҳсида бўлгани каби муқим киши бир кеча-кундуз, мусофир киши уч кеча ва уч кундуз масҳ тортиши мумкин” деб эмас, балки маҳси қандай сифатга эга бўлса, жавраб ҳам шундай сифатга эга бўлиши лозим ва ана шунда унга масҳ тортиш худди маҳсига масҳ тортиш каби бўлади”, деб тушуниш керак.

Баккоъдан ривоят қилинишича, у Ибн Умарнинг (розияллоҳу анҳу): “Жавробга масҳ тортиш худди маҳсига масҳ тортишга ўхшайди”, деб айтганини эшитган (*Ибн Абу Шайба ривояти*).

Иброҳимдан Ҳусайн ривоят қилади: “Жавроб ва пой-абзал маҳси ўрнидадир” (*Ибн Абу Шайба ривояти*).

Аббод ибн Рошид ривоят қилади: “Мен Нофеъдан жаврабга масҳ тортиш ҳақида сўраганимда, у: “Жавроб маҳси ўрнидадир”, деб жавоб берди” (*Ибн Абу Шайба ривояти*).

Маҳси ва қалин жаврабнинг ҳукми бир бўлса-да, аммо иккови ўртасидаги фарқ шуки, маҳси фақат теридан ишланиб, жавраб эса тери, жун, зиғир толаси ва шу каби матолардан тўқилади.

Энди жаврабга масҳ тортиш борасида салафларнинг қандай фикрда бўлганини бошқа ривоятни ўрганиш орқали таҳлил қилишда давом эттирамиз.

۳۱۲ – وَقَالَ أَبُو دَاوُدَ: وَمَسَحَ عَلَى الْجَوْرَيْنِ عَلِيُّ بْنُ أَبِي طَالِبٍ وَابْنُ مَسْعُودٍ وَالْبَرَاءُ بْنُ عَازِبٍ وَأَنَسُ بْنُ مَالِكٍ وَأَبُو أُمَامَةَ وَسَهْلُ بْنُ سَعْدٍ وَعَمْرُو بْنُ حُرَيْثٍ وَرَوَى ذَلِكَ عَنْ عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ وَابْنِ عَبَّاسٍ وَقَالَ أَبُو عِيْسَى: هُوَ قَوْلٌ غَيْرٌ وَاحِدٍ مِنْ أَهْلِ الْعِلْمِ وَبِهِ يَقُولُ سُفْيَانُ الثَّوْرِيُّ وَابْنُ الْمُبَارَكِ

وَالشَّافِعِيُّ وَأَحْمَدُ وَإِسْحَقُ قَالُوا: يَمْسَحُ عَلَى الْجَوْرَيْنِ وَإِنْ لَمْ تَكُنْ نَعْلَيْنِ إِذَا كَانَا نَحِيْنَيْنِ.

312 – Абу Довуд айтади: “Али ибн Абу Толиб, Ибн Масъуд, Баро ибн Озиб, Анас ибн Молик, Абу Умома, Саҳл ибн Саъд, Амр ибн Хурайс жаврабга масҳ тортган ва бу Умар ибн Хаттоб ва Ибн Аббосдан ривоят қилинган”. Абу Исо Термизий айтади: “(Жавробга масҳ тортиш жоизлиги ҳақидаги гап) аҳли илмлардан фақат бир кишининг гапи эмас, балки Суфён Саврий, Ибн Муборак, Шофиъий, Аҳмад, Исҳоқ ҳам унинг жоизлигини айтган ва: “Агар жавраб қалин бўлса, пойабзал шаклида бўлмаса ҳам, унга масҳ тортилаверади”, деган.

Жавробга масҳ тортиш мумкинлиги тўққиз нафар саҳобадан ривоят қилинган. Булар: Али, Аммор, Ибн Масъуд, Анас, Ибн Умар, Баро, Билол, Ибн Абу Афво ва Саҳл ибн Саъд (розияллоҳу анҳум). Али, Ибн Масъуд, Баро ибн Озиб ва Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳум) жаврабга масҳ тортгани Абдураззоқнинг “Мусоннаф”ида келтирилган. Машҳур тобеинлардан Ато, Ҳасан Басрий, Саид ибн Мусайяб, Ибн Жубайр, Нахаъий ва Саврий жаврабга масҳ тортиш жоизлигини айтган.

Энди ривоятнинг иккинчи қисмига эътибор қаратамиз.

Абу Исо Термизий айтади: “(Жавробга масҳ тортиш жоизлиги ҳақидаги гап) аҳли илмлардан фақат бир кишининг гапи эмас, балки Суфён Саврий, Ибн Муборак, Шофиъий, Аҳмад, Исҳоқ ҳам унинг жоизлигини айтган ва: “Агар жавраб қалин бўлса, пойабзал шаклида бўлмаса ҳам, унга масҳ тортилаверади”, деган.

Бундан келиб чиқади, агар жавраб юпка бўлса, унга масҳ тортиш жоиз эмас. жавраб қалин бўлиб, масҳ тортишга яроқли бўлиши учун у камида жундан тўқилиб пишиқ ишланган бўлиши керак. Яна таъкидлаб айтамиз, пахта ёки синтетик толалардан ишланган юпка пайпоқларга масҳ тортиш мумкин эмас.

Абу Ҳанифа наздида, жавраб теридан қилинган ёки тагига тери қопланган бўлсагина унга масҳ тортиш мумкин. Аммо Абу Юсуф ва Муҳаммад фикрига кўра, жавраб қалин бўлиб, оёққа сув ўтказмаса, теридан қилинмаган бўлса ҳам унга масҳ тортиш жоиз. Ҳанафий уламолар бир фарсах ёки ундан кўп масофани босиб ўтиш мумкин бўлган, оёқда ўз ҳолича турадиган, тагидаги нарса кўринмайдиган қалин жаврабга масҳ тортишга рухсат берган.

Шофиъий наздида, жавраб тўлиқ теридан иборат бўлмаса, унинг тагига тери қопланган бўлса ҳам, унга масҳ тортиш жоиз эмас.

Моликийлар жаврабга масҳ тортиш жоиз бўлиши учун жаврабнинг усти ва таги теридан қилинган бўлиши лозимлигини алоҳида таъкидлаган.

Мазҳаблар фикридан хулоса қиладиган бўлсак, теридан қилинган ёки тагига тери қилинган жаврабга масҳ тортиш жоизлигига жумхур уламолар иттифоқ қилган. Аммо оддий (теридан қилинмаган) қалин жаврабга масҳ тортиш борасида ихтилоф қилинган. Ҳанафий, шофиъий ва моликий мазҳабидагилар бундай жаврабга масҳ тортиш жоиз эмас, деган. Ҳанбалийлар ва Абу Ҳанифанинг икки шогирди Абу Юсуф ва Муҳаммад бу нарса жоизлигини айтган.

Ҳанбалийлар икки шарт бўлганда, жаврабга масҳ тортиш мумкинлигини айтган:

– жавраб қалин бўлиши, тагидан оёқ кўриниб турмаслиги;

– унда юриш мумкин бўлиши, ўз ҳолича оёқда туриши.

۳۱۳ – عَنْ صَالِحِ بْنِ مُحَمَّدِ التِّرْمِذِيِّ قَالَ: سَمِعْتُ أَبَا مُقَاتِلَ السَّمَرَقَنْدِيِّ يَقُولُ: دَخَلْتُ عَلَى أَبِي حَنِيفَةَ فِي مَرَضِهِ الَّذِي مَاتَ فِيهِ فَدَعَا بِمَاءٍ فَتَوَضَّأَ وَعَلَيْهِ جَوْرَبَانِ فَمَسَحَ عَلَيْهِمَا ثُمَّ قَالَ: فَعَلْتُ الْيَوْمَ شَيْئًا لَمْ أَكُنْ أَفْعَلُهُ مَسَحْتُ عَلَى الْجَوْرَبَيْنِ وَهُمَا غَيْرُ مُنْعَلَيْنِ. (رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

313 – Солих ибн Муҳаммад Термизий айтади: “Мен Абу Муқотил Самарқандийнинг: “Мен Абу Ҳанифа вафо-

ти олдидан касал бўлганида унинг ҳузурига кирдим. Абу Ҳанифа сув олиб келишни буюрди ва таҳорат олди. У оёғидаги жаврабга масҳ тортди ва: “Мен бугун аввал қилмаган ишни қилдим, жаврабга масҳ тортдим, бу иккисининг таги пойабзал шаклида эмас”, деди”, деб айтганини эшитганман” (*Термизий ривояти. Ривоят санади саҳиҳ*).

Оддий пайпоққа масҳ тортишга рухсат берувчилар даъвосича, Абу Ҳанифа аввалига пайпоққа масҳ тортишга рухсат бермагану, вафотидан бир оз олдин ўзлари пайпоққа масҳ тортган. Бундан у киши олдинги фикридан қайтган, деб ҳукм қилувчилар ҳам бор. Аслидачи? Юқорида айтиб ўтганимиздек, Абу Ҳанифа наздида, жавраб теридан қилинган ёки тагига тери қўйилган бўлсагина унга масҳ тортиш мумкин. Аммо Абу Юсуф ва Муҳаммад фикрига кўра, жавраб қалин бўлиб, оёққа сув ўтказмаса, теридан қилинмаган бўлса ҳам унга масҳ тортиш жоиз. Абу Ҳанифа умри охирида икки шогирди фикрига қўшилган. Демак, бу ривоятни “мен аввал пайпоққа масҳ тортмас эдим, энди ўша ишни ўзим қилмоқдаман”, эмас, балки “мен аввал сизларни теридан қилинмаган жаврабга масҳ тортишдан қайтарган эдим. Энди ўзим жаврабга масҳ тортмоқдаман. У иккиси пойабзал шаклида эмас, яъни тагига тери қилинмаган”, деб тушуниш лозим.

МАСҲ ТОРТИШ ТАРТИБИ

۳۱۴ – عَنْ الْمُغْبِرَةِ بْنِ شُعْبَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: رَأَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَمْسَحُ عَلَى الْخُفَّيْنِ عَلَى ظَاهِرِهِمَا. (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ).

314 – Муғира ибн Шуъба (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Мен Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) маҳсилари устига масҳ тортаётганларини кўрганман” (*Абу Довуд ва Термизий ривояти. Ҳадис санади ҳасан*).

Маҳси устига масҳ тортилади, тагига эмас¹³⁵. Агар фақат тагининг ўзига масҳ тортилса, жоиз эмас. Агар маҳси тагида нажосат бўлса, унинг тагига ҳам масҳ тортилади, яъни покланади.

Шунингдек, маҳсининг орқаси, ён томони ёки болдир қисмининг ўзигагина масҳ тортиш ҳам жоиз эмас¹³⁶.

Маҳси ва бошга масҳ тортиш учун ният қилиш шарт эмас¹³⁷.

۳۱۵ – وَعَنْ عَلِيٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: لَوْ كَانَ الدِّينُ بِالرَّأْيِ لَكَانَ أَسْفَلَ الْخُفِّ أَوْلَى بِالْمَسْحِ مِنْ أَعْلَاهُ وَقَدْ رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَمْسَحُ عَلَى ظَاهِرِ خُفِّهِ. (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالِدَّارِقُطْنِيُّ وَالْبَيْهَقِيُّ فِي السُّنَنِ الْكُبْرَى وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

315 – Ҳазрат Али (розияллоҳу анху) айтади: “Агар дин раъй (ўз шахсий фикри) билан бўлганида, маҳсининг устидан кўра таги масҳ тортилишга муносиброқ бўларди¹³⁸. Лекин мен Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) маҳсилари устига масҳ тортаётганларини кўрганман” (Абу Довуд, Дорақутний, Байҳақий “Ас-сунанул кубро”да ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ).

Дин аҳкомлари, шариат қонунлари ҳеч қачон банда ихтиёри ёки фикри билан жорий бўлмайди. Бу нарса фақат Аллоҳ таоло тарафидан нозил қилинади. Банда шариат ҳукмларини мулоҳаза қилиш, ўйлаб кўриб, кейин амал қилиш ёки ўз фикри билан шариатга ўзгартириш киритишга

¹³⁵ Баъзи ривоятларда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) маҳсининг усти ва тагига масҳ тортганлари айтилган. Лекин у зот буни аҳён-аҳёнда қилганлар. Маҳсининг устига масҳ тортиш ҳақида келган ривоятлар кўп ва саҳиҳдир.

¹³⁶ Моликийлар наздида, маҳси устининг ҳаммасига масҳ тортиш вожиб, маҳси тагига масҳ тортиш мустаҳаб.

Шофиъий фикрича, худди бошга масҳ тортган каби маҳсига масҳ тортилса, кифоя.

Ҳанбалийларга кўра, маҳси устининг аксар қисмига масҳ тортса, етарли бўлади. Улар наздида ҳам маҳси таги ёки товонга масҳ тортилмайди.

¹³⁷ “Ал-бахрур роиқ шарҳу канзид дақоик”.

¹³⁸ Бу ривоятни ҳанафий ва ҳанбалийлар олган ва маҳси тагига масҳ тортилмаслигини айтган. Шофиъий ва моликийлар Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) маҳсининг усти ва тагига масҳ тортганлари ҳақидаги ривоятни далил қилиб олган.

ҳақли эмас. У фақат Аллоҳ томонидан буюрилган амални адо этиши керак, холос. Маҳсига масҳ тортишда ҳам худди шундай. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) маҳси устига масҳ тортганлар. Шу маънода Али (розияллоҳу анҳу) маҳси устидан кўра унинг таги масҳ тортишга муносиброқ экани, сабаби маҳси тагига нопок нарсалар тегиши эҳтимоли борлигини айтган. Аммо дин ўз фикри билан бўлмаслиги эътиборидан маҳсининг устига масҳ тортган.

Бошқа ибодатларда ҳам худди шундай. Аллоҳ буюрган ибодатларни бажаришда, буниси афзал, униси бунақа, бунисини бундай ўзгартирса бўлармикан, деган гаплар бўлиши мумкин эмас. Инсон ақли чегараланган, маълум нарсаларнигина идрок қила олади ва ақли етмаган нарсаларни инкор қилиши ақлсизликдир. Ақлга суяниш, унга ортиқча баҳо бериш бандани адаштиради, кибр ва манманлик томон етаклайди. Ақл бовар қилмаган ҳар қандай нарсани, гарчи у ҳақида оят ва ҳадисларда маълумот берилган бўлса ҳам, инкор қилиш бандани қаттиқ адаштиради. Ақлга суянгани учун маълум тоифалар қиёмат куни амаллар тарозида ўлчанишини тан олмади. Ақлга таяниб иш кўргани сабаб баъзи мазҳаблар қабр азобини инкор қилган. Демак, инсон ўзини ожиз билиб, Парвардигори томонидан буюрилган амалларни бекаму кўст бажарса, У Зот хабар қилган нарсаларни тасдиқласа, нажотга эришади. Акс ҳолда, ҳалокат жарига қулайди.

۳۱۶ – وَعَنْ جَابِرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: مَرَّ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِرَجُلٍ يَتَوَضَّأُ وَيَغْسِلُ خُفَيْهِ فَقَالَ بِيَدِهِ كَأَنَّهُ دَفَعَهُ إِنَّمَا أُمِرْتُ بِالْمَسْحِ وَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِيَدِهِ هَكَذَا مِنْ أَطْرَافِ الْأَصَابِعِ إِلَى أَصْلِ السَّاقِ وَخَطَّطَ بِالْأَصَابِعِ. (رَوَاهُ ابْنُ مَاجَهَ وَسَنَدُهُ ضَعِيفٌ.)

316 – Жобир (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳорат қилаётган бир киши олдидан ўтдилар. У маҳсисини юваётган эди. У зот уни қўллари билан туртгандек бўлиб: “Албатта мен масҳ тортишга буюрилдим”, дедилар ва қўллари билан

оёқлари учидан тўпикқача масҳ тортдилар ва бармоқларини (оёқлари устидан) юргиздилар” (Ибн Можа ривояти. Ривоят санади заиф).

Маҳсига қандай масҳ тортилиши мана шу ривоятдан олинган.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳорат қилаётган бир кишини кўрдилар. У аъзоларини ювиб, оёғига келганда маҳсини юва бошлади. Шунда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) оёқда маҳси бўлса, уни ювиш эмас, балки унга масҳ тортиш кераклигини айтиб, бунинг учун қўлни оёқ учидан тўпикқача юргизиб бориш лозимлигини кўрсатдилар.

Ушбу ривоятда “бармоқлар” деб келмоқда. Араб тилида кўпликнинг энг кам миқдори учтадир. Уламоларимиз мана шу ривоятни далил қилиб, маҳсига камида учта бармоқ билан масҳ тортиш лозимлигини таъкидлаган.

۳۱۷ – وَعَنْ الْمُغِيرَةَ بْنِ شُعْبَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَالَ ثُمَّ جَاءَ حَتَّى تَوَضَّأَ وَمَسَحَ عَلَى خَفِّهِ وَوَضَعَ يَدَهُ الْيُمْنَى عَلَى خَفِّهِ الْاَيْمَنِ وَيَدَهُ الْاَيْسَرَى عَلَى خَفِّهِ الْاَيْسَرِ ثُمَّ مَسَحَ اَعْلَاهُمَا مَسْحَةً وَاَحَدَةً حَتَّى كَانِي اَنْظُرُ اِلَى اَصَابِعِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَى الْخَفَّيْنِ. (رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ فِي السُّنَنِ الْكُبْرَى وَاِبْنُ اَبِي شَيْبَةَ فِي الْمُنْتَفَى وَفِي سَنَدِهِ ضَعْفٌ.)

317 – Муғира ибн Шуъба (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Мен Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бавл қилганларидан сўнг таҳорат олиб, маҳсиларига масҳ тортганларини кўрдим. У зот ўнг қўлларини ўнг маҳсилари устига, чап қўлларини чап маҳсилари устига қўйдилар. Кейин юқорига қараб бир марта масҳ тортдилар. Мен ҳалигача Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) маҳсилари устидаги бармоқларига қараб тургандекман” (Байҳақий “Ас-сунанул кубро”да ва Ибн Абу Шайба “Мусоннаф”да ривоят қилган. Ривоят санадида заифлик бор).

Ушбу ривоятда ҳам Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) маҳсига қандай масҳ тортганлари баён қилинмоқда.

۳۱۸ – وَعَنْ الْمُغِيرَةَ بْنِ شُعْبَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: وَضَّأْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي غَزْوَةِ تَبُوكَ فَمَسَحَ أَعْلَى الْخَفَيْنِ وَأَسْفَلَهُمَا. (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالِدَارَقُطْنِيُّ وَالْبَيْهَقِيُّ فِي السُّنَنِ الْكُبْرَى وَسَنَدُهُ ضَعِيفٌ.)

318 – Муғира ибн Шуъба (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Мен Табук ғазотида Набийга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таҳорат сувини қуйиб турдим. У зот маҳсининг усти ва тагига масҳ тортдилар” (Абу Довуд, Дорақутний, Байҳақий “Сунанул кубро”да ривоят қилган. Ривоят санади заиф).

Бу ривоятда Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Табук ғазотида маҳсининг усти ва тагига масҳ тортганлари айтилмоқда. Али ва Муғира (розияллоҳу анҳумо) ривоятида у зот маҳсининг устига масҳ тортганлари айтилган эди. Бундан хулоса қилиб, шундай дейиш мумкин:

– Табук ғазотида у зот маҳсилари тагига нопок нарса-лар теккан бўлиши мумкин;

– у зот баъзида маҳсининг устига, баъзида усти ва тагига масҳ тортган бўлишлари мумкин.

Лекин маҳсининг устига масҳ тортиш ҳақида келган ривоятлар саҳиҳ ва сон жиҳатидан кўпроқ.

Маҳсига масҳ тортиш учун икки қўл ҳўлланиб, қўл панжалари ёйилади, ўнг қўлни ўнг маҳсининг, чап қўлни чап маҳсининг учига қўйилади ва панжалар маҳси устидан тўпиққача тортиб борилади. Бунда бармоқлар ораси очилади.

Маҳси ва унинг сифатига эга бўлган оёқ кийимнинг уст қисмига учта бармоқ билан масҳ тортилади. Шунда масҳ тортишнинг фарзи адо этилган ҳисобланади. Агар бир ёки икки бармоқ билан масҳ тортилса, ўрнига ўтмайди. Маҳсига ҳамма бармоқлар билан масҳ тортиш суннат.

Қўл бир марта ҳўлланиб, бир бармоқ билан уч марта масҳ тортиш, жоиз эмас. Агар бир бармоқ билан уч марта масҳ тортилса, ҳар сафар бармоқ ҳўлланса, жоиз.

Маҳсига масҳ бир марта тортилади. Такрор тортиш шарт эмас.

Масҳни тўпикдан бошлаб бармоқлар учи томон тортиш ҳам мумкин. Лекин бу суннатга хилоф.

Кафтнинг ички қисми билан масҳ тортиш мустаҳаб. Кафтнинг ташқи қисми билан ҳам масҳ тортиш жоиз. Агар оёқ тўпик тепасидан кесилган бўлса, оёқни ювиш соқит бўлади ва маҳсига масҳ тортишга ҳожат йўқ. Иккинчи соғлом оёғидаги маҳсига масҳ тортади.

МАҲСИГА ТОРТИЛГАН МАСҲНИ БУЗУВЧИ НАРСАЛАР

Таҳоратни бузувчи ҳар қандай нарса.

Кимнинг таҳорати бузилса, оёғига тортилган масҳ ҳам бузилади. Сабаби маҳсига масҳ тортиш ҳам таҳоратнинг бир қисмидир. Аслини-таҳоратни бузган нарса унинг ўринбосарини ҳам бузади. Қачон таҳорат олса, яна оёғига масҳ тортиши лозим. Бундан олдин тортган масҳи келаси таҳорати учун кифоя қилмайди. Ҳар бир таҳорат олганда оёққа алоҳида масҳ тортади.

Агар маҳси кийган киши жунуб бўлса, аёл киши ҳайз ёки нифос кўрса, маҳсига тортилган масҳ бузилади. Жунубликда маҳси ечилиб, оёқ ювилади.

Маҳсини ечиш.

Бир пойи ечиладими ёки иккала пойими фарқи йўқ, агар муддати тугамасдан маҳси оёқдан ечилса, унга тортилган масҳ бузилади.

۳۱۹ – عَنْ الْمُغِيرَةَ بْنِ شُعْبَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: غَزَوْنَا مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَأَمَرَنَا بِالْمَسْحِ عَلَى الْخُفَيْنِ ثَلَاثَةَ أَيَّامٍ وَلَيَالِيهَا لِلْمَسَافِرِ وَيَوْمًا وَلَيْلَةً لِلْمُقِيمِ مَا لَمْ يَخْلَعْ. (رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ فِي الْكَبِيرِ وَالْبَيْهَقِيُّ فِي السُّنَنِ الْكُبْرَى.)

319 – Муғира ибн Шуъба (розияллоҳу анху) ривоят қилади: “Биз Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан бирга ғазотда иштирок этдик. У зот бизни маҳсига масҳ тортишга буюрдилар, агар маҳсини ечмаса,

мусофир уч кеча-кундуз, муқим бир кеча-кундуз масҳ тортиши мумкинлигини айтдилар” (*Табароний “Кабир”-да ва Байҳақий “Ас-сунанул кубро”да ривоят қилган*).

۳۲۰ - وَعَنْ أَبِي مَعْشَرٍ عَنْ إِبْرَاهِيمَ قَالَ: إِذَا مَسَحَ عَلَى خُفِّهِ ثُمَّ خَلَعَهُمَا خَلَعَ وَضُوءَهُ. (رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ فِي السُّنَنِ الْكُبْرَى.)

320 – Иброҳимдан Абу Маъшар ривоят қилади: “Агар киши маҳсига масҳ тортса, кейин уни ечса, таҳорати бузилади” (*Байҳақий “Ас-сунанул кубро”да ривоят қилган*).

Маҳси ечилиши билан аввалги таҳоратсизлик оёққа ўтади. Агар маҳси ечилганда кишининг таҳорати бўлма-са, тўлиқ таҳорат олиб, кейин намоз ўқийди. Агар бу ҳолда таҳоратли бўлса, фақат оёғини ювади.

Абу Ҳанифага кўра, агар товоннинг кўпроқ қисми маҳсидан чиқиб кетса, масҳ бузилади. Акс ҳолда йўқ. Абу Юсуфга кўра, агар оёқнинг аксар қисми маҳсидан чиқиб кетса, масҳ бузилади. Агар чиқмаса, бузилмайди. Муҳаммадга кўра, агар оёқнинг масҳ тортиш миқдорича қисми маҳсида қолган бўлса, унга тортилган масҳ бузилмайди. Акс ҳолда бузилади. Баъзи ҳанафий уламолардан ривоят қилинишича, бунда, у ҳолда юриб кўрилади. Агар одатдагидек юра олса, масҳ бузилмайди. Акс ҳолда маҳсига тортилган масҳ бузилади. Бу Абу Юсуфнинг гапига мувофиқ олинган. Маҳси кийишдан мақсад юришдир. Агар маҳси кийиб юролмаса, у оёқдан ечилган ҳисобланади. Демак, оёқнинг кўпроқ қисми маҳсидан чиқса, унга тортилган масҳ бузилган саналади.

Агар маҳсининг биттасини ечса ҳам, иккала оёғига тортилган масҳ бузилади ва бу ҳолда иккинчи оёғидаги маҳсини ҳам ечиб, агар таҳорати бўлса, оёғини ювиб олади¹³⁹. Агар оёқ соғлом бўлса, бир оёқни ювиб, иккинчисига масҳ тортиш мумкин эмас.

¹³⁹ Ҳанбалийлардан бошқа жумхур уламоларга кўра, таҳорати бўла туриб маҳсини ечса, оёғини ювиб олиш кифоя қилади. Ҳанбалийлар таяммум қилган киши сув топилиши билан таяммуми бузилгани каби бундай ҳолатда қайтадан таҳорат қилиш кераклигини айтган.

Агар маҳси ва чориққа масҳ тортгандан кейин чориқ ечилса, маҳсига қайтадан масҳ тортиш керак¹⁴⁰.

Агар масҳ тортиш муддати тугамасдан олдин маҳси ечилганда таҳоратли бўлса, фақат оёқ ювилади, янгидан таҳорат қилиш шарт эмас.

۳۲۱ – عَنْ إِبْرَاهِيمَ عَنِ عَلْقَمَةَ وَالْأَسْوَدِ فِي الرَّجُلِ يَتَوَضَّأُ وَيَمْسَحُ عَلَى خَفَيْهِ ثُمَّ يَخْلَعُهُمَا قَالَا يَغْسِلُ رِجْلَيْهِ. (رَوَاهُ الدَّارِقُطْنِيُّ فِي السُّنَنِ وَالْبَيْهَقِيُّ فِي السُّنَنِ الْكُبْرَى.)

321 – Иброҳим ривоят қилишича, Алқама ва Асваддан таҳорат қилиб, маҳсига масҳ торган ва уни ечган киши ҳақида сўралганда, у иккиси: “Оёғини ювади”, деб жавоб берган (*Дорақутний “Сунан”да ва Байҳақий “Ас-сунанул кубро”да ривоят қилган*).

Демак, бунда бошидан таҳорат қилиш шарт эмас, оёқнинг ўзини ювиб олса, кифоя қилади.

Ғуслини вожиб этувчи ҳолатлардан бири юз бериши.

Эҳтилом ёки жунуб бўлган эркак ва аёллар маҳсига масҳ тортиши мумкин эмас. Бундай ҳолларда маҳсини ечиб, оёқни ювиш лозим.

۳۲۲ – عَنْ زُرِّ بْنِ حُبَيْشِ الْأَسَدِيِّ قَالَ: سَأَلْتُ صَفْوَانَ بْنَ عَسَّالٍ عَنِ الْمَسْحِ عَلَى الْخَفَيْنِ فَقَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَأْمُرُنَا إِذَا كُنَّا مُسَافِرِينَ أَنْ نَمْسَحَ عَلَى خِفَافِنَا وَلَا نَنْزِعَهَا ثَلَاثَةَ أَيَّامٍ مِنْ غَائِطٍ وَبَوْلٍ وَنَوْمٍ إِلَّا مِنْ جَنَابَةٍ. (رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَالنَّسَائِيُّ وَابْنُ مَاجَهَ وَالشَّافِعِيُّ وَأَحْمَدُ وَالدَّارِقُطْنِيُّ وَابْنُ خُزَيْمَةَ وَابْنُ حَبَّانَ وَالتَّطَبْرَانِيُّ فِي الْكَبِيرِ وَالْأَوْسَطِ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ.)

322 – Зирр ибн Хубайш Асадий ривоят қилади: Мен Сафвон ибн Ассолдан маҳсига масҳ тортиш ҳақида сўрадим. У: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бизларни, агар сафарга чиқсак, маҳсига масҳ тортишга, катта

¹⁴⁰ “Ал-муҳит”.

ҳожат, кичик ҳожат ва уйқудан сўнг уни уч кунгача ечмасликка буюрардилар. Фақат жунубликдан (ечишга буюрганлар)”, деди (Термизий, Насоий, Ибн Можа, Шофибий, Аҳмад, Дорақутний, Ибн Хузайма, Ибн Ҳиббон, Табароний “Кабир” ва “Авсат”да ривоят қилган. Ривоят санади ҳасан).

Ушбу ривоятда нажосат чиқиши ва уйқу сабабидан таҳорат кетса, оёқда маҳси бўлса, унга муддат чиққунча маҳс тортиш жоизлиги, агар жунублик содир бўлса, ғул қилганда маҳсини ечиб, оёқни ювиш кераклиги айтилмоқда. Бунга сабаб шуки, биринчидан бавл, ел, уйқу ва қон чиқиши кабилар кўп учрайдиган ҳолат. Бунда осон бўлиши учун маҳсига маҳс тортишга рухсат берилган. Жунублик эса гоҳ-гоҳида юз беради. Иккинчидан, кичик таҳоратсизликда оёқдаги маҳси оёққа нажосат ўтишининг олдини олади. Жунубликда эса бундай эмас. Унда ҳар бир тук остида нопоклик содир бўлади. Маълумки, оёқда ҳам тук бўлади. Демак, жунуб бўлганда оёқда маҳси бўлса-бўлмаса, оёқ нопок бўлади. Шу сабаб бундай ҳолда, гарчи маҳс тортиш муддати тугамаган бўлса ҳам, маҳси ечилиб, оёқ ювилади.

۳۲۳ – وَعَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: إِذَا تَوَضَّأَ أَحَدُكُمْ وَلَيْسَ خُفَيْهِ فَلْيَصِلْ فِيهِمَا وَلْيَمْسَحْ عَلَيْهِمَا ثُمَّ لَا يَخْلَعُهُمَا إِن شَاءَ إِلَّا مِنْ جَنَابَةٍ. (رَوَاهُ الْحَاكِمُ وَصَحَّحَهُ وَالِدَارَقُطْنِيُّ وَالْبَيْهَقِيُّ فِي السُّنَنِ الْكُبْرَى).

323 – Анас (розияллоху анху) Расулуллоҳдан (соллаллоху алайҳи ва саллам) ривоят қилади: “Агар биронтангиз таҳорат қилиб (оёғига) маҳси кийса, унда намоз ўқийверсин ва унга маҳс тортсин. Сўнгра, агар хоҳласа ечмасин, магар жунубликдан (сўнг ечиб, оёғини ювади)” (Ҳоким, Дорақутний, Байҳақий “Ас-суанул кубро”да ривоят қилган. Ҳоким ҳадис санади саҳиҳ, деган).

Демак, таҳоратни кетказувчи ҳолатлардан кейин маҳсига маҳс тортиш жоиз. Ғулни вожиб қилувчи ҳолатлардан кейин эса маҳсига маҳс тортиш мумкин эмас.

Масҳ тортиш муддати тугаши.

Аввал айтиб ўтганимиздек, муқим киши бир кеча-кундуз, мусофир киши уч кеча-кундуз маҳсига масҳ тортиши мумкин. Бу муддат тугагандан сўнг маҳси ечилиб, оёқ ювилиши керак. Агар оёқлар ювилганда совуқ қотишидан қўрқилса, хавф ўтгунча масҳ муддати чўзилади.

Муқим киши масҳ тортиш муддати тугаса, гарчи ўша пайтда таҳорати бўлса ҳам масҳи бузилади. У маҳсини ечиб оёғини ювади¹⁴¹.

Оёқнинг кўпроқ қисми тўпиққача бўлган жойидан чиқиб кетиши.

Шунингдек, маҳсига сув кириб, бир ёки икки оёқнинг ярмидан кўпроғини ҳўл қилиши ҳам унга тортилган масҳни бузади. Сабаби бунда оёқ ювилган ҳисобланади ва иккала оёқдаги маҳси ечилиб, оёқ ювилади. Агар масҳ муддати тугаши ёки маҳсининг тўпиққача бўлган жойидан чиқиб кетиши туфайли оёққа тортилган масҳ бузилса ва ўша ҳолатда таҳоратли бўлса, фақат маҳсисини ечиб оёғини ювиб олиши кифоя қилади.

Маҳсидаги йиртиқлар жамланганда кичик бармоқлардан учтаси кўринадиган даражада бўлиши.

Бунда икки жуфт маҳсидаги йиртиқлар эмас, балки бир пой маҳсидаги йиртиқлар жамланади.

Оёқнинг аксар қисмига сув тегиши.

Агар бир оёқнинг ҳаммаси ҳўл бўлса, маҳси ечилиб, иккала оёқ ювилади.

ТАЯММУМ

“Таяммум” сўзи луғатда “ният қилиш” маъносини англатади¹⁴². Шаръий истилоҳда таяммум деб покланиш нияти билан покиза ер жинсини юз ва икки қўлга суртишга айтилади.

Таҳорат ёки ғусл қилмоқчи бўлганда сув топилмаса ёки сув ишлатишга қодир бўлинмаса, таяммум қилина-

¹⁴¹ Агар кишининг таҳорати бўла туриб маҳсини ечса ёки масҳ тортиш муддати тугаса, ҳанафий, шофий ва моликийлар наздида, оёқнинг ўзини ювиб олса, кифоя қилади. Ҳанбалийлар бу икки ҳолатда таҳоратни янгидан қилиш лозимлигини таъкидлаган.

¹⁴² Бақара сурасининг 267-оятда “таяммум” сўзи луғавий маънода, яъни “ният” маъносида келган.

ди. Айни пайтда таяммум Аллоҳга ибодат қилиш ва руҳий озуқа олишдан маҳрум бўлмаслик мақсадида шариятда жорий қилинган енгиллик ва раҳматдир.

Таяммум таҳорат ва ғусл ўрнига ўтади. Уламолар ижмоъсига кўра, таяммум бадандан нопоклик ва таҳоратсизликни кетказмайди, аммо намоз ўқишни мувоҳ қилади¹⁴³.

Таяммум ҳижрий олтинчи йилда, бани Мусталиқ (Мурайсиъ) ғазотида жорий қилинган бўлиб, Қуръони карим оятлари ва ҳадиси шарифлар билан собит бўлган.

Сув билан таҳорат қилгандан сўнг қандай амалларни бажариш мумкин бўлса, таяммум билан ҳам худди шу амалларни адо қилиш жоиз. Жумладан, хоҳ фарз, хоҳ нафл бўлсин, намоз ўқиш, Қуръонни ушлаш ёки ўқиш, тиловат ёки шукр саждаси қилиш, масжидга кириш ва ҳоказо.

Аллоҳ таоло намозга туришдан олдин таҳорат олиш лозимлигини баён қилгач, сув бўлмаган ҳолларда бандаларига енгиллик яратилганини таъкидлаб бундай деган:

“Агар бемор ё мусофир бўлсангиз ёки сизлардан биров ҳожатхонадан чиққан бўлса ёхуд хотинларингизга қўшилган бўлсаларингиз ва сув топа олмасангиз, бас, покиза ер жинси (тупроқ) билан таяммум қилинглр – юзингиз ва қўлларингизга ўша (покиза тупроқ) билан масҳ тортинглар!” (Моида, 6).

Ушбу ривоятда банда касаллик сабаб сув ишлата олмаса ёки сув ишлатишга қодир бўла туриб, сув топа олмаса, тоза ер жинси билан таяммум қилиш таҳорат ва ғусл ўрнига ўтиши маълум қилинмоқда.

¹⁴³ Ҳанафийлардан бошқа жумҳур уламолар таяммум зарурий бадал, у билан вақтинчалик, зарурат юзасидан намозни адо қилиш мумкинлигини айтган ва Термизий Абу Заррдан (розияллоху анҳу) қилган ривоятни келтиришган. Унда: “Агар сув топсанг, уни баданинга текказ. Зеро, мана шуниси яхшироқдир”, дейилган. Ушбу ривоятни далил қилувчи уламолар: “Агар таяммум нопокликни кетказганида сув топилгандан кейин уни баданга текказишга ҳожат қолмасди. Таяммум қилган киши қачон сув топса яна нопок ҳолга қайтади”, деган. Ҳанафий уламолар эса “Таяммум, гарчи ўн йил сув топа олмаса ҳам, мусулмоннинг таҳоратидир”, “Ер мен учун масжид ва покловчи қилинди” каби ривоятларни далил қилиб, “Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) бу ерда таяммумни таҳорат ва покловчи деб атамоқдалар. Таяммум нопокликни кетказади, аммо унинг покловчилик хусусияти сув топилгунчадир. Қачон сув топилса, яна нопокликка қайтади”, деб айтган.

Бошқа оятда бундай дейилади:

“Агар бетоб ё сафарда бўлсангиз ёки сизлардан биров ҳожатхонадан чиққан бўлса ёхуд хотинларингиз билан яқинлашган бўлсангиз ва сув топа олмасангиз, бас, покиза ер жинси (тупроқ) билан таяммум қилинглр – юзингиз ва қўлларингизга ўша (покиза тупроқ) билан масҳ тортинглар! Албатта Аллоҳ афв қилувчи ва мағфирати кенг Зотдир” (Нисо, 43).

Бу оятда ҳам юқоридаги маъно таъкидланмоқда. Фақат бу ерда Аллоҳ таоло бандалар гуноҳларини муттасил тарзда кечирувчи Зот экани эслатилмоқда.

Қуйида таяммум ояти нозил қилинишига сабаб бўлган воқеани кўриб чиқамиз.

۳۲۴ – عَنْ عَائِشَةَ زَوْجِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَتْ: خَرَجْنَا مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي بَعْضِ أَسْفَارِهِ حَتَّى إِذَا كُنَّا بِالْبَيْدَاءِ أَوْ بَدَاتِ الْجَيْشِ انْقَطَعَ عَقْدٌ لِي فَأَقَامَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَيَّ التَّمَاسَةَ وَأَقَامَ النَّاسُ مَعَهُ وَلَيْسُوا عَلَيَّ مَاءً فَآتَى النَّاسُ إِلَى أَبِي بَكْرٍ الصِّدِّيقِ فَقَالُوا: أَلَا تَرَى مَا صَنَعَتْ عَائِشَةُ أَقَامَتْ بِرَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَالنَّاسُ وَلَيْسُوا عَلَيَّ مَاءً وَلَيْسَ مَعَهُمْ مَاءٌ فَجَاءَ أَبُو بَكْرٍ وَرَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَاضِعَ رَأْسَهُ عَلَيَّ فَخِذِي قَدْ نَامَ فَقَالَ: حَبِسْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَالنَّاسَ وَلَيْسُوا عَلَيَّ مَاءً وَلَيْسَ مَعَهُمْ مَاءٌ فَقَالَتْ عَائِشَةُ: فَعَاتَبَنِي أَبُو بَكْرٍ وَقَالَ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ يَقُولَ وَجَعَلَ يَطْعُنِي بِيَدِهِ فِي خَاصِرَتِي فَلَا يَمْنَعُنِي مِنْ التَّحْرُكِ إِلَّا مَكَانَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَيَّ فَخِذِي فَقَامَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حِينَ أَصْبَحَ عَلَيَّ غَيْرَ مَاءٍ فَأَنْزَلَ اللَّهُ آيَةَ التَّيْمُمِ فَتَيَمَّمُوا فَقَالَ أُسَيْدُ بْنُ الْحَضِيرِ: مَا هِيَ بِأَوَّلِ بَرَكَتِكُمْ يَا آلَ أَبِي بَكْرٍ قَالَتْ: فَبَعَثْنَا الْبَعِيرَ الَّذِي كُنْتُ عَلَيْهِ فَأَصَبْنَا الْعَقْدَ تَحْتَهُ. (رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَالتَّسَائِيُّ وَمَالِكٌ وَابْنُ حِبَّانَ).

324 – Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) завжалари Ойша (розияллоҳу анҳо) ривоят қилади: “Биз Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан бирга у зотнинг сафарларидан бирига чиққан эдик. Байдога... ёки: Зотул Жайшга... етиб келганимизда мунчоғим узилиб кетди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уни қидиришга киришдилар. Одамлар у зот билан бирга мунчоғимни қидира бошлади. Ўшанда уларнинг сувлари йўқ эди. Одамлар Абу Бакрнинг олдига келиб, “Ойша нима қилганини кўрдингми? У Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ва одамларни ушлаб қолди. Устига-устак улар сув бор жойда эмас, ўзлари билан ҳам сув олмаган”, деди. Абу Бакр келганида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бошларини тиззамга қўйиб ухлаб қолган эдилар. (Абу Бакр:) “Сен Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ва одамларни ушлаб қолибсан. Улар сув бор жойда эмас. Ўзлари билан ҳам сув олмаган экан!” деди. Ойша (розияллоҳу анҳо) айтади: “Абу Бакр мени қаттиқ тергаб, Аллоҳ нима дейишини хоҳлаган бўлса, ўшани айтди ва қўли билан биқинимга турта бошлади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бошларини тиззамга қўйиб ётганлари учун қимирлай олмасдим. Тонг отганда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уйқудан турдилар. Ўшанда у зотнинг сувлари йўқ эди. Шунда Аллоҳ таоло таяммум оятини туширди ва улар таяммум қилди. Усайд ибн Ҳузайр: “Эй Абу Бакр оиласи, бу сизларнинг биринчи баракангиз эмас”, деди. (Ойша) айтади: “Мен миниб юрган туяни ўрnidан турғазган эдик, мунчоғимни унинг тагидан топдик” (*Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Насоий, Молик ва Ибн Ҳиббон ривояти*).

Байдо ва Зотул Жайш Мадина ва Хайбар орасида жойлашган. Баъзи ривоятларда келишича, Ойша (розияллоҳу анҳо) онамиз мунчоқлари Мадинага киришдан олдин Байдода йўқолган¹⁴⁴. Ойша (розияллоҳу анҳо) онамиз мунчоқлари йўқолгани маълум бўлгач, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), Усайд ибн Ҳузайр ва бошқалар

¹⁴⁴ Муҳаммад ибн Ҳабиб Ихборий айтади: “Ойшанинг (розияллоҳу анҳо) мунчоғи икки марта – Зотур риқо ва Бани Мусталик ғазотларида йўқолган”.

уни қидиришга тушди. Ибн Баттолдан ривоят қилинишича, ўша мунчоқнинг баҳоси ўн икки дирҳамга тенг бўлган. Излашга арзийдиган нарх бўлмаса ҳам, бундан мусулмон банда молини беҳуда зое қилмаслиги ва йўқолган нарсани қидириши кераклиги маълум бўлади.

Баъзи одамлар Ойша (розияллоҳу анҳо) устидан Абу Бакрга (розияллоҳу анҳу) шикоят қилди. Ваҳоланки, Ойша (розияллоҳу анҳо) Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) завжалари, оилали аёл эди. Абу Бакр (розияллоҳу анҳу) қизи Ойшани тергай бошлади. Табароний ривоятида келишича, у қизига: “Сен ҳар сафар бизга машаққат туғдирасан!” деган. Аслида ота қизига нисбатан меҳрибон бўлади. Аммо одамларни йўлдан қолдириб, сувсиз қолишига сабаб бўлган Ойша отасидан гап эшитди. Ота ўз фарзандлари ва уларнинг одоб-ахлоқига масъулдир. Фарзанднинг яхши ишига ҳам, ёмон қилмишига ҳам ота-она жавобгар. Шу сабаб бўлса керак, шикоятчилар Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эмас, Абу Бакрга (розияллоҳу анҳу) муурожаат қилди.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Ойша (розияллоҳу анҳо) тиззасига бошларини кўйиб ухлаб қолган эдилар. Тонг отганда уйқудан турдилар¹⁴⁵. Ўшанда у зот таҳорат қилишлари учун сув йўқ эди. Шунда Аллоҳ таоло мусулмонларга енгиллик бўлиши учун таяммум оятини туширди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бошчилигидаги мусулмонлар таяммум қилиб, намоз ўқишди.

Бундай енгиллик яратилишини кўрган Усайд ибн Хузайр (розияллоҳу анҳу) Абу Бакр ва Ойшага қарата: “Бу сизлар сабаб эришилаётган биринчи яхшилик эмас. Аввал ҳам сизлар кўп баракага сабаб бўлган эдингиз”, деди. Бундан Абу Бакр, Ойша ва уларнинг оила аъзолари фазилатлари нақадар улуғлигини билиб оламиз.

Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) томонидан таъинланган одамлар мунчоқни топа олмай қайтиб келган-

¹⁴⁵ Уламолар бундан далил олиб, сафарда таҳажжуд намозини тарк қилиш мумкин эканини айтишган. Маълумки, таҳажжуд намози Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) вожиб эди.

ларида таяммум ояти тушган эди. Улар Ойша (розияллоҳу анҳо) миниб юрган туяни ўрнидан турғизган эди, мунчоқ ўша туянинг тагида экан. Ажойиб ҳодиса! Аввалига Ойша (розияллоҳу анҳо) мунчоғи йўқолиб, одамлар сувсиз қолиши, мусулмонларга енгиллик туғдирувчи оят нозил бўлганидан кейин мунчоқнинг топилиши Аллоҳнинг улуғ тадбирларидан бири эканига шубҳа йўқ.

Куйидаги ривоят юқоридагининг баъзи жиҳатларини изоҳлайди.

۳۲۵ – وَعَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا أَنَّهَا اسْتَعَارَتْ مِنْ أَسْمَاءَ قِلَادَةً فَهَلَكَتْ فَبَعَثَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَجُلًا فَوَجَدَهَا فَأَدْرَكَتْهُمْ الصَّلَاةَ وَلَيْسَ مَعَهُمْ مَاءٌ فَصَلُّوا فَشَكَوْا ذَلِكَ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَأَنْزَلَ اللَّهُ آيَةَ التِّيْمِ فَقَالَ أُسَيْدُ بْنُ حُضَيْرٍ لِعَائِشَةَ: جَرَاكَ اللَّهُ خَيْرًا فَوَاللَّهِ مَا نَزَلَ بِكَ أَمْرٌ تَكْرَهِيهِ إِلَّا جَعَلَ اللَّهُ ذَلِكَ لِكَ وَلِلْمُسْلِمِينَ فِيهِ خَيْرًا. (رواه البخاري ومسلم وابن ماجه وأحمد).

325 – Ойша (розияллоҳу анҳо) ривоят қилишича, у Асмоъдан маржонни олиб турган эди. Ўша маржон йўқолиб қолганида, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир кишини юбордилар. У маржонни топди. Ўшанда намоз вақти кириб, уларнинг суви йўқ эди. Шундай бўлса ҳам намоз ўқийверишди. Бас, улар бун Расулulloҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтишганида, Аллоҳ таяммум оятини нозил қилди. Шунда Усайд ибн Хузайр Ойшага: “Аллоҳ сени яхшилик билан мукофотлантирсин! Аллоҳга қасам, сен билан боғлиқ, аммо сен ёқтирмайдиган бирон иш содир бўлса, албатта Аллоҳ бун сен ва мусулмонлар учун хайрли қилади”, деди (Бухорий, Муслим, Ибн Можа ва Аҳмад ривояти).

Ушбу ривоятдан маълум бўлади, Ойша (розияллоҳу анҳо) мунчоқни опалари Асмодан (розияллоҳу анҳо) олиб турган бўлиб, мунчоқ йўқолганида Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир неча кишиларни уни топиб

келишга буюрганлар. Уларнинг бири маржонни топади. Ўшанда намоз вақти кирган, аммо уларнинг суви йўқ эди. Шу сабаб улар таҳоратсиз намоз ўқиди. Улар буни Набийга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтганида Аллоҳ таоло таяммум оятини нозил қилди. Шунда Усайд ибн Хузайр Ойшага (розияллоҳу анҳо) қараб, “Аллоҳ сени яхшилик билан мукофотлантисин! Аллоҳга қасам, сен билан боғлиқ, аммо сен ёқтирмайдиган бирон иш содир бўлса, албатта, Аллоҳ буни сен ва мусулмонлар учун хайрли қилади”, деди.

Ҳа, Ойша (розияллоҳу анҳо) мунчоғининг йўқолиб, одамларни овора қилгани кўпчиликка маъқул тушмаган, ҳатто Ойшанинг (розияллоҳу анҳо) ўзи ҳам бундан сиқилди. Бироқ охир-оқибат бу воқеа Аллоҳ таоло мусулмонга энгиллик оятини нозил қилишига сабаб бўлди. Аллоҳ Ойша онамизни (розияллоҳу анҳо) яхшилик, ажр-савоб билан мукофотлантисин!

۳۲۶ – وَعَنْ أَبِي ذَرِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: إِنَّ الصَّعِيدَ الطَّيِّبَ طَهُورُ الْمُسْلِمِ وَإِنْ لَمْ يَجِدْ الْمَاءَ عَشْرَ سَنِينَ فَإِذَا وَجَدَ الْمَاءَ فَلْيُمْسَسْهُ بِشِرْتِهِ فَإِنَّ ذَلِكَ خَيْرٌ. (رَوَاهُ أَصْحَابُ السُّنَنِ وَأَحْمَدُ وَالِدَارَقُطْنِيُّ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

326 – Абу Зарр (розияллоҳу анҳу) Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади: “Албатта покиза ер жинси, гарчи ўн йил сув топа олмаса ҳам, мусулмон (банда)нинг покловчисидир. Агар сув топса, уни баданига текказсин! Зеро, мана шуниси яхши” (*Сунан соҳиблари, Аҳмад ва Дорақутний ривояти. Ҳадис санади саҳиҳ*).

Покиза ер жинси, тупроқ, қум, тош ва шу қабилар сув бўлмаса-да, мусулмон бандани покловчи воситадир. Агар ўн йил сув топилмаса ҳам, тупроқ билан таяммум қилиб юравериш мумкин. Албатта ўн йил сув топилмаслиги мумкин эмас. Бу ерда узоқ муддат кўзда тутилган. Бундан келиб чиқади, жунуб киши ҳам сув топа олмаса, таяммум қилиши мумкин. Шунингдек, ҳанафий уламолар бундан

далил қилиб, намоз вақти чиқиши билан таяммум бузилмайди. Унинг ҳукми таҳорат ҳукми кабидир, деган.

Сув йўқлигида таяммум қилинади. Агар сув топилса, аъзоларни сув билан ювиш афзал. Яъни сув, йўқлигида тупроқ билан таяммум қилгандан унинг борида сув билан таҳорат қилиш яхшироқ. Уламолар сув бор пайтда уни ишлатишга қодир бўлса ва таҳорат қилишга бошқа тўсқинликлар бўлмаса, таяммум қилиш мумкин эмаслиги, сув билан таҳорат қилиш вожиб эканини айтган.

۳۲۷ – وَعَنْ أَبِي ذَرٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: اجْتَمَعَتْ غُنَيْمَةٌ عِنْدَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: يَا أَبَا ذَرٍّ ائِدْ فِيهَا فَبَدَوْتُ إِلَى الرَّيْذَةِ فَكَانَتْ تُصَيِّبُنِي الْجَنَابَةُ فَأَمَكْتُ الْخَمْسَ وَالسَّتَّ فَاتَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: أَبُو ذَرٍّ فَسَكْتُ فَقَالَ: تَكَلَّتْكَ أُمُّكَ أَبَا ذَرٍّ لِأُمَّكَ الْوَيْلُ فَدَعَا لِي بِجَارِيَةٍ سَوْدَاءَ فَجَاءَتْ بَعْسٌ فِيهِ مَاءٌ فَسَتَرْتَنِي بِثَوْبٍ وَاسْتَرْتُ بِالرَّاحِلَةِ وَاغْتَسَلْتُ فَكَأَنِّي أَلْقَيْتُ عَنِّي جَبَلًا فَقَالَ: الصَّعِيدُ الطَّيِّبُ وَضُوءُ الْمُسْلِمِ وَلَوْ إِلَى عَشْرِ سِنِينَ فَإِذَا وَجَدْتَ الْمَاءَ فَأَمْسَهُ جِلْدَكَ فَإِنَّ ذَلِكَ خَيْرٌ. (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَابْنُ حَبَّانَ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

327 – Яна Абу Зарр (розияллоху анху) ривоят қилади: “Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) олдиларида озроқ қўйлар йиғилганди. У зот: “Эй Абу Зарр, уларни ўтлатишга олиб чиқ!” дедилар. Мен қўйларни Робзага олиб чиқдим. Ўшанда мен жунуб бўлиб қолиб, беш ёки олти кун (шу ҳолда) юрдим. Кейин Набий (соллаллоху алайҳи ва саллам) олдиларига бордим. У зот: “Абу Заррмисан?” деб сўрадилар. Мен индамадим. Шунда у зот: “Онанг сени йўқотиб қўйгур Абу Зарр, эҳ сени қара?!” дедилар ва бир қора жорияни чақирдилар. У идишда сув олиб келди ва мени кийим билан тўсиб турди. Мен туяни ўзимга пана қилиб, ғусл қилдим ва гўё елкамдан тоғ ағдарилгандек бўлди. (Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам):) “Покиза

тупроқ ўнг йилгача бўлса ҳам мусулмоннинг таҳоратидир. Қачон сув топсанг, уни баданингга текказ. Албатта шуни-си яхшироқдир”, дедилар” (Абу Довуд ва Ибн Ҳиббон ривояти. Ривоят санади саҳиҳ).

“Робаза” Мадина қишлоқларидан бири бўлиб, Мадинадан уч мил узоқликда, Зоту Ирққа яқин жойнинг номи-дир. Ушбу ривоятда Абу Зарр (розияллоҳу анху) жунуб бўлиб қолиб, сув топа олмай беш-олти кун нопок ҳолда юргани айтилмоқда. Унинг бу ҳолидан хабар топган Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Абу Заррни қаттиқ тергадилар ва хизматкор аёлга идишда сув олиб келишни буюрдилар. Абу Зарр ғул қилиб бўлгач, елкасидан тоғ ағдарилгандек бўлди. Сабаби жунублик катта таҳоратсизлик, маънавий оғирлик бўлиб, покланмай юрилса, инсон дили хира ва ўзи ланж бўлиб қолади. Бунинг тиббий ва маънавий сабаблари бор.

Абу Зарр ғул қилиб бўлгач, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) одатга кўра, унга билмаган нарсасини ўргатдилар, банда жунуб бўлганида ёки таҳорати бўлмаса ва сув топа олмаса, тоза тупроқ билан таяммум қилиши унга таҳорат ёки ғул қилиш ўрнига ўтиши, гарчи узоқ муддат сув топилмаса ҳам, тупроқ билан таяммум қилиб юравериш мумкинлиги, қачон сув топилса, сув билан ғул ёки таҳорат олиш лозимлигини баён қилдилар.

۳۲۸ – عَنْ أَيُّوبَ عَنْ أَبِي قَلَابَةَ عَنْ رَجُلٍ مِنْ بَنِي عَامِرٍ قَالَ: دَخَلْتُ فِي الْإِسْلَامِ فَأَهَمَّنِي دِينِي فَاتَيْتُ أَبَا ذَرٍّ فَقَالَ أَبُو ذَرٍّ: إِنِّي اجْتَوَيْتُ الْمَدِينَةَ فَأَمَرَ لِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِذُودٍ وَبِعَنَمٍ فَقَالَ لِي: اشْرَبْ مِنْ أَلْبَانِهَا. قَالَ حَمَادٌ وَأَشْكُ فِي أَبْوَالِهَا. هَذَا قَوْلُ حَمَادٍ. فَقَالَ أَبُو ذَرٍّ: فَكُنْتُ أَعْرَبُ عَنِ الْمَاءِ وَمَعِيَ أَهْلِي فَتَصَيَّبَنِي الْجَنَابَةُ فَأَصَلَى بِغَيْرِ طُهُورٍ فَاتَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِنِصْفِ النَّهَارِ وَهُوَ فِي رَهْطٍ مِنْ أَصْحَابِهِ وَهُوَ فِي ظِلِّ الْمَسْجِدِ فَقَالَ: أَبُو ذَرٍّ، فَقُلْتُ: نَعَمْ، هَلَكْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ، قَالَ: وَمَا

أَهْلَكَكَ. قُلْتُ: إِنِّي كُنْتُ أَعَزُّبُ عَنِ الْمَاءِ وَمَعِيَ أَهْلِي فَتَصَيَّبَنِي الْجَنَابَةُ فَأَصَلَى بِغَيْرِ طَهُورٍ فَأَمَرَ لِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِمَاءٍ فَجَاءَتْ بِهِ جَارِيَةٌ سَوْدَاءُ بَعْسٌ يَتَخَضَّضُ مَا هُوَ بِمَلَانَ فَتَسْتَرْتُ إِلَى بَعِيرِي فَأَغْتَسَلْتُ ثُمَّ جِئْتُ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: يَا أَبَا ذَرٍّ، إِنَّ الصَّعِيدَ الطَّيِّبَ طَهُورٌ وَإِنْ لَمْ تَجِدِ الْمَاءَ إِلَى عَشْرِ سِنِينَ فَإِذَا وَجَدْتَ الْمَاءَ فَأَمْسَهُ جِلْدَكَ. (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَابْنُ أَبِي عَاصِمٍ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

328 – Айюб Абу Қилобадан, у бани омирлик бир кишидан ривоят қилади: “Мен Исломга кирдим. Дин қайғусида (яъни, илм олиш учун) Абу Заррнинг олдига бордим. Абу Зарр: “Мадина ҳавоси мижозимга оғирлик қилди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мени туя ва қўйларни боқишга буюрдилар ва: “Унинг сутидан ичгин” дедилар (Ҳаммод: “Унинг “бавли”да шубҳаланаман”, деган. Бу Ҳаммоднинг гапи). Абу Зарр айтади: “Мен сувдан узоқда бўлар ва мен билан аҳлим ҳам бирга эди. Менга жунублик етганида таҳоратсиз намоз ўқир эдим. Бас, куннинг ярмида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) олдиларига бордим. У зот бир гуруҳ саҳобалар билан масжид соясида ўтирган эканлар. “Абу Заррмисан?” дедилар. Мен: “Ҳа. Ё Расулуллоҳ, ҳалок бўлдим!” дедим. У зот: “Нега ҳалок бўласан?” деб сўрадилар. “Мен сувдан узоқда бўлар, жунублик етганида таҳоратсиз намоз ўқирдим”, дедим. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сув олиб келишни буюрдилар. Қора жория идишда сув олиб келди. Идиш тўла бўлмаса-да, ундаги сув чайқалиб турарди. Мен туямни пана қилиб, ғусл қилдим ва Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) олдиларига бордим. У зот: “Эй Абу Зарр, пок тупроқ, гарчи ўн йил сув топа олмасанг ҳам, покловчидир. Агар сув топсанг, уни баданингга текказ”, дедилар” (Абу Довуд ва Байҳақий ривояти. Ривоят санади саҳиҳ).

Бу ривоят юқоридагисини шарҳлайди.

۳۲۹ - وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: جُعِلَتْ لِي الْأَرْضُ مَسْجِدًا وَطَهْرًا. (رَوَاهُ أَصْحَابُ السُّنَنِ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

329 – Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу) Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади: “Ер мен учун масжид ва покловчи қилинди” (*Сунан соҳиблари ривояти. Ҳадис санади саҳиҳ*).

Ушбу ривоятда Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) берилган икки хислат зикр қилинмоқда. Бу нарса аввалги умматларда бўлмаган. Ислом уммати, уммати муҳаммадийя Ер юзининг қаерида бўлмасин, чўлми, далами, тоғми ёки денгизми, агар намоз вақти кирса ва покиза жой бўлса, ҳар қандай ўринда намоз ўқиши мумкин. Намоз фақат масжидларда ўқилмайди. Бошқа динларда ибодат қилиш учун махсус жойларга бориш лозим эканини кўпчилигимиз яхши биламиз.

Шунингдек, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ва у зотнинг умматларига Ер (тупроқ ва тоза ер жинси) покловчи, намоз ва бошқа ибодатларни мубоҳ қилувчи қилинди. Агар сув бўлмаса ёки сув ишлатишга имкон топилмаса, ҳар қандай банда, қаерда бўлишидан қатъи назар, покиза тупроқ билан таяммум қилиб, намоз ўқиши мумкин. Бу нарса мусулмонлар учун энгиллик ва Аллоҳнинг раҳматидир.

Баъзилар таяммум фақат қишлоқ ёки сафар билан боғлиқ, муқим ва шаҳардаги киши таяммум қилиши мумкин эмас, деб даъво қилган. Аммо ривоятларда шаҳарда ҳам таяммум қилиш мумкинлиги баён этилган.

۳۳۰ - عَنْ نَافِعٍ عَنِ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: رَأَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تَيَمَّمُ بِمَوْضِعٍ يُقَالُ لَهُ مَرِيدُ النَّعْمِ وَهُوَ يَرَى بُيُوتَ الْمَدِينَةِ. (رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ وَالِدَارَقُطْنِيُّ وَالْحَاكِمُ وَقَالَ: صَحِيحُ الْإِسْنَادِ.)

330 – Ибн Умардан (розияллоҳу анху) Нофеъ ривоят қилади: “Мен Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Мирбадун наъам деб аталадиган жойда таяммум қилганларини кўрдим. У зот бу ердан Мадина уйларини кўриб турардилар” (*Байхақий, Дорақутний ва Ҳоким ривояти. Ҳоким: “Бу саҳиҳ санадли ривоят”, деган*).

Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Мадинадаги уйларни кўриб турган жойда эканларида таяммум қилганлар. Демак, у зот шаҳардалиқ пайтларида таяммум қилганлар.

ТАЯММУМНИНГ РУКНИ

Таяммумнинг иккита рукни, яъни фарзи бор. Булар:

1. Пок ер жинсига икки марта қўл кафтини уриш.

Биринчи уришда юзга масҳ тортилади, кейин қўл яна ер жинсига урилиб, икки қўлга масҳ тортилади. Али ибн Абу Толиб, Абдуллоҳ ибн Умар, Ҳасан Басрий, Шаъбий, Солим ибн Абдуллоҳ ибн Умар, Суфён Саврий, Молик, Абу Ҳанифа ва бошқалар шундай фикрда¹⁴⁶.

Баъзи тоифалар таяммум бир зарб уриш билан амалга оширилади, деб айтган. Бунга жавобан ҳанафий уламоларимиз: “Тўғри, оятда таяммумни икки зарб билан амалга ошириш ҳақида сўз йўқ. Аммо таяммум таҳорат ўрнига жорий қилинганини унутмаслигимиз лозим. Таҳоратда ҳеч қачон бир сув олиш билан икки аъзо баробар ювилмайди, балки уларнинг ҳар бири учун алоҳида сув олинади. Таяммумда ҳам худди шундай икки зарб урилади”, деган.

2. Юз ва қўлга тирсак билан қўшиб бир марта масҳ тортиш.

Бунда юз ҳам, қўл ҳам худди таҳоратда ювилгани каби тўлиқ масҳ қилинади. Таяммум қилишдан олдин қўлдаги узук ва билагузукларни ечиб қўйиш лозим.

Баъзи уламолар юз ва икки кафтнинг ўзига масҳ тортилади, деган. Ҳанафий уламолар бунга жавобан:

¹⁴⁶ Ато, Макхул, Авзий, Аҳмад, Исҳоқ, Ибн Мунзир ва кўпчилик аҳли ҳадислар бир зарб уриш билан юз ва икки кафтга масҳ тортиш лозимлигини айтган.

“Таҳоратда қўл тирсаккача ювилиши айтилган. Маълумки, таяммум таҳорат ўрнига ўтади. Бундан келиб чиқадикки, таяммум ҳам тирсаккача қилиниши керак”, деган.

ТАЯММУМ ТЎҒРИ БЎЛИШ ШАРТЛАРИ

Куйидагилар таяммумнинг тўғри бажарилиш шартлари саналади¹⁴⁷.

1. Ният.

Таяммумда фақат таҳорат билангина адо этиладиган ибодатни бажариш ният қилинади. Қўлни ер жинсига ураётган вақтда ният қилинади. Аслини олиб қараганда таяммум ҳақиқий поклик эмас, у зарурат юзасидан қилинади. Ер жинси инсонни покламайди, аксинча қўлни чанг қилади. Бунда фақат ният билан покланилади. Шу сабаб ҳанафий уламолар наздида, таяммумда ният қилиш фарз¹⁴⁸. Бусиз таяммум ўрнига ўтмайди. Таяммумнинг луғатдаги маъноси ҳам “ният” эканини зинҳор ёддан чиқармаслик лозим. Бундан фарқли ўлароқ таҳорат ҳақиқий поклик бўлиб, бунда ният муҳим эмас. Сув билан таҳорат олишда ниятсиз ҳам покланса бўлади.

Таяммумда таҳорат ёки намозни мубоҳ қилишни ният қилса, кифоя, нопоклик ёки жунубликни ният қилиш шарт эмас. Ҳанафийлар наздида, таяммумда нопокликни кетказишни ният қилиш дуруст¹⁴⁹.

Таяммумда кичик таҳоратсизлик ва жунубликнинг орасини ажратиш шарт эмас. Мисол учун, жунуб таяммум қила туриб, ғулни эмас, таҳоратни ният қилса, жоиз¹⁵⁰.

Агар жаноза намози ёки тиловат саждаси учун таяммум қилган бўлса, ўша таяммум билан фарз намозларини ўқиш мумкин. Бунда ихтилоф йўқ¹⁵¹.

¹⁴⁷ Ҳанафий уламолар таяммум тўғри бажарилиши учун саккиз нарсани шарт қилган. Шофиъийларда ўнта, моликий ва ҳанбалийларда иккита шарт бор.

¹⁴⁸ Аммо имом Зуфар: “Таяммумда ният фарз эмас. Сабаби у таҳорат ўрнига ўтади. Таҳоратда ният қилиш шарт эмас. Таяммумда ҳам шундай”, деган.

¹⁴⁹ Шофиъий, моликий ва ҳанбалийларга қўра, таяммумда нопокликни кетказиш ният қилинмайди. Ҳатто моликийлар: “Ким таяммумда фақат нопокликни кетказишни ният қилса, таяммуми бузилади”, деган.

¹⁵⁰ “Табйин”, “Нисоб”, “Татархоний”.

¹⁵¹ “Ал-муҳит”.

Агар масжидга кириш ёки Қуръонни ушлаш учун таяммум қилган бўлса, бу таяммум билан намоз ўқиши мумкин эмас. Сабаби булар намоз қисмларидан ҳисобланмайди. Жаноза намози ва тиловат саждаси эса намознинг бир қисмидир.

Агар салом бериш ёки саломга жавоб қайтариш учун таяммум қилса, бу таяммум билан намоз ўқиш мумкин эмас¹⁵².

Агар намозни эмас, бировга таълим беришни ният қилиб таяммум қилган бўлса, асҳобларимиз наздида, у таяммум билан намоз ўқиш мумкин эмас¹⁵³.

Агар жунуб Қуръон тиловати учун таяммум қилган бўлса, у билан намоз ўқиши мумкин.

Агар беморга бошқа одам таяммум қилдириб қўйса, ниятни таяммум қилдирувчи эмас, бемор қилади¹⁵⁴.

Авалло, Аллоҳ Ўзи асрасин, агар бир мусулмон таяммум қилиб, сўнг муртад бўлса, кейин яна мусулмон бўлса, унинг таяммуми бузилмайди¹⁵⁵ (“Насбур роя”).

2. Мусулмон бўлиш.

Уламолар таяммум тўғри бўлиши учун банда мусулмон бўлиши шартлигини таъкидлаган. Агар кофир Исломга кириш ниятида таяммум қилса, унинг таяммуми тўғри эмас. Агар кофирлигида таяммум қилиб, кейин Исломга кирса, жумҳур уламолар наздида, ўша таяммум билан намоз ўқиши жоиз эмас.

3. Таяммум қилишга сабаб бўладиган ҳолатлардан бирининг мавжуд бўлиши.

Бунга қуйидагилар киради:

– шаҳар жойларда сувнинг тўрт минг қадам (3 км) узоқда бўлиши;

– ҳаво қаттиқ совуганида сув ишлатиш аъзоларга зарар келтириш хафви борлиги;

– сув ишлата олмайдиган даражада бирон касалликка чалиниш;

¹⁵² “Фатава қозихон”.

¹⁵³ “Ал-хуласоту”, “Фатава қозихон”.

¹⁵⁴ “Ал-Қуня”.

¹⁵⁵ Имом Зуфар: “Бунда таяммум бузилади. Сабаби куфр таяммумни синдиради”, деган.

– таҳорат қиладиган бўлса, қазосини ўқиб бўлмайдиган жаноза ва ҳайит намозларини бошида ёки ўртасида улгура олмаслик ҳафви бўлса;

– сув оз бўлиб, унда кишининг таҳоратдан бошқа зарур эҳтиёжи бўлиши;

– қудуқдан сув тортиб олиш ёки бошқа жойдан сув олиб келиш учун восита бўладиган челак ва арқоннинг йўқлиги ва ҳоказо.

4. Қўл кафтини икки марта пок ер жинсига уриш.

Биринчи зарбда юзга, иккинчисида тирсак билан қўшиб икки қўлга масҳ тортилади¹⁵⁶.

Кафтга масҳ тортиш шарт эмас, уни ерга уришнинг ўзи кифоя қилади¹⁵⁷.

Юзи ва қўлига бир зарб билан масҳ тортиш, жоиз эмас¹⁵⁸.

Қўли чиғаноғидан кесилган киши тирсаккача бўлган жойга масҳ тортади. Агар қўл тирсаккача бўлган жойдан кесилган бўлса, кесилган жойга масҳ тортади. Агар қўл тирсак тепасидан кесилган бўлса, масҳ тортиш вожиб эмас¹⁵⁹.

Агар қўли шол бўлса, қўлини ерга, юзини деворга ишқаласа, кифоя қилади. Бунда намозни қолдириш мумкин эмас¹⁶⁰.

5. Аъзоларни тўлиқ масҳ қилиш.

Таяммумда юз ва қўлга тўлиқ масҳ тортиш вожиб. “Музмарот”да айтилишича, қошнинг пасти ва кўзнинг тепасига масҳ тортмаса ҳисоб эмас.

Уламолар таяммумда узук ва билагузукни ечиб қўйиш вожиблигини айтган. Сабаби тупроқ сувдан фарқли ўлароқ узук тагига етиб бормайди. Маълумки, таҳоратда остига сув тегиши учун тор узуклар қимирлатиб қўйилади. Таяммумда ҳам бунга алоҳида эътибор бериш керак.

Агар, чанг кирмаса ҳам бармоқлар орасини хилол қилиш вожиб. Ҳанафий ва моликийлар кафтнинг ички

¹⁵⁶ Ҳанафий ва шофиъийларга кўра, таяммум икки зарбдан иборат. Моликий ва ҳанбалийлар наздида, ерга бир марта зарб уриш фарз, иккинчиси суннатдир.

¹⁵⁷ “Ал-Музмарот”.

¹⁵⁸ “Фатаво қозихон”.

¹⁵⁹ Сарахсий, “Ал-муҳит”.

¹⁶⁰ “Аз-Захийра”.

тарафи билан бармоқлар орасини хилол қилиш вожиблигини айтган. Шофиъий ва ҳанбалийларга кўра, бу иш мандубдир.

Агар кафт усти масҳ қилинмаса, бўлмайди. Кархийдан ривоят қилинишича, таяммум жойларидан озми-кўпми қолдирса, жоиз эмас. Ҳасан “Мужаррад”да Абу Ҳанифадан ривоят қилинишича, агар таяммумда масҳ қилинадиган аъзоларнинг аксарига масҳ тортса, жоиз.

Сийрак тук остига тупроқ текказиш шарт эмас.

6. Таяммумни покиза тупроқ ва тош каби ер жинсидан бўлган нарсалар билан қилиш.

Таяммумда покиза ер жинси (тупроқ, тош, қум ва бошқа нарсалар) билан қилинади. Ёғоч ва ўсимлик каби ёниб кул бўладиган, темир, мис, ойна, олтин ва кумуш каби эрийдиган нарсалар ер жинсидан эмас. Шунингдек, нопок тупроқ ёки тоза бўлмаган бошқа ер жинси билан таяммум қилиш мумкин эмас. Ҳанбалийларга кўра, бировдан зулм билан тортиб олинган ер жинси ва мақбара тупроғи билан ҳам таяммум қилиш мумкин эмас.

7. Сув қидириш.

Яқин орада сув бор деб ўйлаган киши, агар хафвсиз жой бўлса, тўрт минг қадам масофа орасида сув топишга ҳаракат қилиши лозим. “Яқин ора”нинг масофаси бир милга етмайди. Баъзилар: “У ҳамроҳлари овозини эшитадиган ва ҳамроҳлари ҳам унинг овозини эшитадиган жойгача бориб, сув қидиради”, деган.

Муҳаммаддан ривоят қилинишича, сув бор жой бир мил ёки ундан узоқроқ бўлса, сув узоқ ҳисобланади. Бундан келиб чиқади, агар сув бир мил ва ундан кам масофада бўлса, сув қидириш лозим. Бунда таяммум қилиш жоиз эмас. Бир мил тўрт минг қадам ёки фарсахнинг учдан бирига тенг. Аслида “мил” сўзи кўз кўра оладиган масофагача бўлган жойни англатади¹⁶¹.

Агар яқинида сув борлигига шубҳа қилса, сув қидириш мустаҳаб. Агар сув йўқлигига шубҳа қилмаса, таямм-

¹⁶¹ Шофиъийлар наздида, яқин атроф олти минг қадамлик масофадир. Ундан кўпи узоқ ҳисобланади.

мум қилади¹⁶². Агар сув қидирмасдан намоз ўқиса, кейин сув қидирса ва топа олмаса ҳам, Абу Ҳанифа ва Муҳаммад наздида, намозни қайта ўқийди¹⁶³.

Агар яқин орада сув бўлса ва у буни билмаса, сўрашга одам ҳам топа олмаса, таяммуми жоиз. Агар сўрайдиган одам бўлатуриб, сув бор-йўқлигини суриштирмасдан таяммум қилиб намоз ўқиса, кейин сўраганда ёнида сув борлиги маълум бўлса, унинг намози тўғри бўлмайди. Агар ҳамроҳида сув бўлиб, сўрасам ҳам бермайди, деб гумон қилса, таяммуми жоиз эмас.

Агар ҳамроҳи сув бермаса, таяммуми жоиз. Агар ҳамроҳи сув бермайди, деб ўйлаб, таяммуми билан намоз ўқиса, кейин сўраганда сув берса, намозини қайта ўқийди¹⁶⁴.

Ҳамроҳи таяммумни бошлашдан олдин сув бермай, намоз ўқиб бўлганидан кейин берса, намозини қайтариб ўқимайди. Мисол учун бир мусофирнинг уловида сув бор. Лекин у сув борлигини билмасдан таяммум билан намоз ўқиди. Кейин билса, суви бор экан. Абу Ҳанифа ва Муҳаммад наздида, у намозини қайтариб ўқиши шарт эмас¹⁶⁵.

Агар намоздалик чоғида суви борлиги эсига тушиб қолса, уламолар иттифоқига кўра, намозни бузиб, қайтариб ўқиш керак.

Агар сув жуда танқис бўлиб, ўз баҳосида¹⁶⁶ сотиладиган бўлса, энг зарур эҳтиёжларидан ортиқча пули бўлса, сув сотиб олиб таҳорат қилади. Акс ҳолда таяммум қилади. Шунингдек, агар сув икки баробар қиммат нархга сотилса ҳам таяммум қилади.

¹⁶² Ҳанафий уламоларга кўра, муқим яқин орада сув борлигини гумон қилади-ми ёки йўқми, сув қидириши шарт. Мусофир эса, яқин орада сув йўқ, деб ўйласа, таяммум қилади.

Шофиъийларга кўра, хоҳ муқим, хоҳ мусофир бўлсин, атрофда сув йўқлигига ишонса, таяммум қилади.

¹⁶³ Абу Юсуф бунга хилоф қилган.

¹⁶⁴ “Ал-Кафийа”.

¹⁶⁵ Абу Юсуф, шофиъий ва моликийлар наздида, бунда намоз қайтариб ўқилади.

¹⁶⁶ “Ал-Кафий” да айтилишича, бунда сув қадрли ҳисобланадиган яқин жойлардаги сув нархи эътиборга олинади.

8. Таяммум қилаётганда ҳайз ва нифос каби нопокликлар ва шам, ёғли бўёқ, мой каби таяммумга тўсқинлик қилувчи нарсалардан холи бўлиш.

Ҳайз ва нифосдан покланган бўлиш ва саналган бошқа шартлар таҳоратнинг ҳам шарти ҳисобланади.

ТАЯММУМГА САБАБ БЎЛУВЧИ ОМИЛЛАР

Қуйидаги омиллар таяммум қилишга сабаб бўлади. Булар:

1. Сувнинг йўқлиги.

Бунинг масофаси тўрт минг қадамни (3 км) ташкил қилади. Яъни, киши хоҳ муқим, хоҳ мусофир, хоҳ шаҳарда ва хоҳ қишлоқда бўлсин, агар тўрт минг қадам масофа оралиғида сув топа олмаса, таяммум қилади. Аллоҳ таоло таяммум оятида:

فَلَمْ تَجِدُوا مَاءً فَتَيَمَّمُوا صَعِيدًا طَيِّبًا

“Агар сув топа олмасангиз, бас, покиза ер жинси (тупроқ) билан таяммум қилинглар!”, деган (*Моуда*, 6; *Нисо*, 43).

Аллоҳ таоло мазкур оятда таяммумга сабаб бўлувчи асосий омил сувнинг йўқлиги эканини маълум қилмоқда.

۳۳۱ – عَنْ عِمْرَانَ بْنِ حُصَيْنِ الْخُزَاعِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَأَى رَجُلًا مُعْتَزِلًا لَمْ يُصَلِّ فِي الْقَوْمِ فَقَالَ: يَا فُلَانُ مَا مَنَعَكَ أَنْ تُصَلِّيَ فِي الْقَوْمِ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ أَصَابَتْنِي جَنَابَةٌ وَلَا مَاءَ قَالَ: عَلَيْكَ بِالصَّعِيدِ فَإِنَّهُ يَكْفِيكَ. (رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَالتَّسَائِيُّ وَأَحْمَدُ وَابْنُ خُرَيْمَةَ وَابْنُ حَبَّانَ وَالْبَزَّازُ.)

331 – Имрон ибн Хусайн (розияллоҳу анҳу) ривоят қилишича, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) одамлар билан намоз ўқимасдан бир четда ёлғиз ўзи турган кишини кўриб қолиб: “Эй фалончи, нега одамлар билан бирга намоз ўқимаяпсан?” деб сўрадилар. У: “Ё Расулulloҳ,

мен жунуб бўлиб қолгандим, сув ҳам йўқ”, деди. Шунда у зот: “Тупроқ билан поклан. Зеро, у сенга кифоя қилади”, дедилар (*Бухорий, Насоий, Аҳмад, Ибн Хузайма, Ибн Ҳиббон ва Баззор ривояти*).

Ушбу ривоятдан маълум бўлади, жунубликдан ҳам таяммум қилиш мумкин. Бунинг учун сув бўлмаслиги ёки сув ишлатишга имкон топилмаслиги керак. Таяммум қилишга энг асосий сабаб сувнинг йўқ бўлишидир. Оятда ҳам сув топилмаса, таяммум қилишга буюрилган. Агар сув бўлиб, у фақат таҳорат қилиш ёки кийимдаги нажосатни кетказишга етса, жумхур уламолар наздида, у сув билан нажосатни ювади ва таяммум қилади. Агар ўша сув билан таҳорат қилиб, нопок либосда намоз ўқиса, кифоя қилади. Аммо бу тўғри эмас.

Бу ҳолатда аввал таяммум қилиб, кейин нажосатни ювса, таяммумни бошидан қилади. Сабаби унинг суви бўла туриб таяммум қилди. “Ал-муҳит”да шундай дейилган.

Агар таяммум қилувчининг баданида нажосат бўлиб, уни масҳ қилмасдан намоз ўқиса, жоиз. Сабаби масҳ билан нажосат бутунлай кетмайди. Аммо масҳ тортиш билан бадандаги нажосат камайгани учун бу иш мустаҳабдир.

Айни пайтда ёки келажақда сувга муҳтож бўлиш, сувсизлик ҳалокат ёки оғир аҳволга солиши мумкин бўлса, бундай киши ўзи ва ҳайвони сувсизликдан қийналиш хафви бўлганда ҳам таяммум қилади.

“Ал-муҳит”да: “Мусофир сув йўқлигини билса ҳам жорияси билан қўшилиши мумкин. Сабаби сув йўқлигида тупроқ покровчи саналади. Сув бор пайтда жунуб бўлиш макруҳ эмас. Худди шундай сув йўқлигида ҳам жунуб бўлиш макруҳ эмас”, дейилган.

۳۳۲ – عَنْ قَتَادَةَ عَنْ حَكِيمِ بْنِ مُعَاوِيَةَ عَنْ عَمِّهِ مَخْمَرِ بْنِ حَيْدَرَ قَالَ: قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنِّي أَغَيْبُ الشَّهْرَ عَنِ الْمَاءِ وَمَعِيَ أَهْلِي فَأَصِيبُ مِنْهُمْ قَالَ: نَعَمْ، قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنِّي أَغَيْبُ أَشْهُرًا قَالَ: وَإِنْ غَبْتَ ثَلَاثِينَ سَنَةً. (رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ فِي السَّنَنِ الْكُبْرَى وَالطَّبْرَانِيُّ فِي الْكَبِيرِ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ.)

332 – Қатода Ҳаким ибн Муовиядан, у амакиси Михмар ибн Ҳайдардан ривоят қилади: “Мен: “Ё Расулуллоҳ, мен бир ой сув йўқ жойда бўламан. Мен билан аҳли-аёлим ҳам бирга бўлади. Улар билан алоқа қилаверайми?” деб сўрадим. У зот: “Ҳа”, дедилар. Кейин мен: “Ё Расулуллоҳ, мен бир неча ой давомида сувсиз қоламан?” дегандим, у зот: “Гарчи ўттиз йил сувсиз қолсанг ҳам (тупроқ сен учун покловчидир)”, дедилар” (*Байҳақий “Ас-сунанул кубро”да ва Табароний “Кабир”да ривоят қилган. Ривоят санади ҳасан*).

Бир ой ёки ундан кўп муддат сув йўқ жойда бўлганда ёки сув йўқ бўлган бошқа ҳолатларда аёли билан алоқа қилиш жоиз. Сабаби сув бўлмаса, покиза ер жинси билан покланиш мумкин.

Жунуб ғусл қилаётиб суви тугаб қолса ва кейин жасадининг баъзи жойларига сув тегмагани маълум бўлса, таяммум қилади. Сабаби бунда у жунубликни ўзидан кетказмаган ҳисобланади. Агар етарли сувга эга бўлса, у яна жунуб саналади.

Ҳанафийларга кўра, жунуб фақат таҳоратга етадиган сувга эга бўлса, таяммум қилади¹⁶⁷.

Фақиҳ уламолар иттифоқига кўра, ким сув йўқлиги учун таяммум қилиб намоз ўқиса, кейин вақт чиқмасдан сув топса, намозини қайтариб ўқимайди. Аммо бошқа сабабларга кўра таяммум билан намоз ўқиб, намоз вақти чиқмасдан аввал сув топса, намозни қайтариб ўқиш ё ўқимаслик борасида ихтилоф бор. Ҳанафий, моликий ва ҳанбалийларга кўра, ким таяммум билан намоз ўқиб, вақт чиқмасдан туриб сув топса, намозни қайтариб ўқимайди. Шофиъийларга кўра, ким сув йўқлиги учун таяммум қилиб, сўнг сув топса,

– агар намозга киришдан олдин сув топса, таяммуми бузилади;

– агар намоздалик чоғида сув топса ва муқим бўлса, таяммум ва намози бузилади. Агар мусофир бўлса, таяммуми бузилмайди;

¹⁶⁷ Шофиъийларга кўра, бунда аввал таҳорат қилинади. Сув қолмагандан кейингина таяммум қилиш мумкин.

– агар намоз ўқиб бўлганидан кейин сув топса ва муқим бўлса, намозни қайта ўқийди. Агар сафарда бўлса, намозни қайта ўқиши шарт эмас.

2. Сув ишлатишга қодир бўлмаслик.

Бунга асосан касаллик сабаб бўлади. Агар касаллиги оғир бўлиб, сув билан таҳорат ёки ғусл қилган тақдирда танага зарар етса, касал тузалиши чўзилиб кетса, бундай кишилар таҳорат ва ғусл ўрнига таяммум қилиши мумкин. Фақат бунда оддий беморлик эмас, балки ҳақиқатан сув ишлатса зарар етадиган беморлик бўлиши керак. Буни, банданинг ўзи билади ёки моҳир табиб маълумотига кўра аниқланади. Ҳанафий ва ҳанбалийларга кўра, табиб мусулмон бўлиши керак. Шофиъий ва моликийларга кўра, табиб мусулмон бўлиши шарт эмас. Ҳанбалий уламолар: “Ким касал бўлиб, ҳаракатлана олмаса ёки таҳорат қилдиришга ёрдамчиси бўлмаса, у худди суви йўқ киши ҳукмидадир. Агар намоз вақти чиқиб кетишидан кўрқса, таяммум қилади”, деган.

3. Қаттиқ совуқ.

Қаттиқ совуқда сувни иситиш имкони бўлмаса ва совуқ сув соғлиққа зарар қилиш хавфи бўлса, таяммум қилинади.

۳۳۳ – عَنْ عَمْرِو بْنِ الْعَاصِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: احْتَلَمْتُ فِي لَيْلَةٍ بَارِدَةٍ فِي غَزْوَةِ ذَاتِ السُّلَاسِلِ فَأَشْفَقْتُ إِنْ اغْتَسَلْتُ أَنْ أَهْلِكَ فَتَيَمَّمْتُ ثُمَّ صَلَّيْتُ بِأَصْحَابِي الصُّبْحَ فَذَكَرُوا ذَلِكَ لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: يَا عَمْرُو صَلَّيْتَ بِأَصْحَابِكَ وَأَنْتَ جُنُبٌ فَأَخْبَرْتَهُ بِالَّذِي مَنَعَنِي مِنَ الْإِغْتِسَالِ وَقُلْتُ: إِنِّي سَمِعْتُ اللَّهَ يَقُولُ: «وَلَا تَقْتُلُوا أَنْفُسَكُمْ إِنَّ اللَّهَ كَانَ بِكُمْ رَحِيمًا» فَضَحِكَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَلَمْ يَقُلْ شَيْئًا. (رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَأَبُو دَاوُدَ وَأَحْمَدُ وَالْحَاكِمُ وَالِدَّارَقُطْنِيُّ).

333 – Амр ибн Ос (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Мен Зоти Сулосил ғазотида совуқ кунларнинг бири-

да эҳтилом бўлиб қолдим. Ғусл қилсам, ҳалок бўлишдан қўрқиб, таяммум қилдим ва дўстларимга (имом бўлиб) бомдод намозини ўқидим. Улар буни Набийга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтишган эди, у зот: “Эй Амр, жунуб ҳолингда биродарларингга (имом бўлиб) намоз ўқидингми?!” деб сўрадилар. Мен у зотга нима сабабдан ғусл қила олмаганимни тушунтирдим ва: **“Мен Аллоҳнинг: “Ўзларингизни ўлдирманг. Зеро, Аллоҳ сизларга ўта Мехрибондир”**, деганини биламан”, дедим. Шунда (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кулдилар ва ҳеч нима демадилар” (*Бухорий, Абу Довуд, Аҳмад, Ҳоким ва Дорақутний ривояти*).

Зоти Сулосил Куро водийсида жойлашган бўлиб, у билан Мадинанинг ораси ўн кунлик йўл. Зоти Сулосил ғазоти ҳижрий саккизинчи йилнинг Жумодул аввал ойида бўлиб ўтган.

Амр ибн Ос (розияллоҳу анху) Зоти Сулосил ғазотида, совуқ тунларнинг бирида эҳтилом бўлиб қолди. Ғусл қилиш учун сув бўлса ҳам, аммо совуқда соғлиғига зарар етишидан қўрқиб, ўз ижтиҳодига кўра таяммум қилди. Тонгда саҳобалар билан бомдод намозини ўқиди. Саҳобалар Амр жунуб ҳолида ғусл қилмасдан фақат таяммум билан намоз ўқиганини айтишганида Пайғамбаримиз: “Эй Амр, жунуб бўла туриб, ғусл қилмасдан ҳамроҳларингга (имом бўлиб) намоз ўқидингми?” деб сўраганларида, Амр ўзини ғусл қилишдан нима тўсгани ҳамда Аллоҳ таоло ояти каримада ўзларингизни ўлдирмангиз, деб амр қилганини айтганида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кулдилар ва бирон нарса демадилар. Бу нарса у зотнинг тақрирлари, яъни Амрнинг ишини тасдиқлашлари эди.

Аслида Аллоҳ таоло таяммум оятида таяммумга сабаб бўлувчи нарса фақат сув йўқ бўлиши эканини билдирган. У ерда сув ишлатишга қодир бўлмаслик таяммумга сабаб бўлиши айтилмаган. Аммо Амр ибн Ос (розияллоҳу анху) бошқа бир оятдан келиб чиқиб, ўз раъйи билан таяммум қилган ва унинг бу ишига Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қаршилиқ билдирмаганлар.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Амрнинг жавобидан кулишлари қаттиқ совуқда сув иситиш имкони бўлмаса ёки бошқа жиддий сабаблар бўлса, таяммум қилиш жоизлигига далолат қилади. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, биринчидан у зот Амрнинг жавобидан хурсанд бўлдилар ва табассум қилдилар. Бу сукутдан ҳам кўра кучлироқ далил бўлади. Иккинчидан, у зот Амр ибн Осни бу ишдан қайтармадилар. Зеро, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳеч қачон ботил нарсага рози бўлмаганлар.

Аксар уламолар, агар сув иситиш ва пана жойда ювиниш имкони бўлса, совуқ пайтда таяммум қилиш мумкин эмаслигини айтган. Юқоридаги рухсат асосан шароит оғир ва очиқ жойларда бўлади. Агар шароит бўлса, сув бор бўлса, ғул қилиб олиш керак. Бунда таяммумга рухсат йўқ¹⁶⁸.

Совуқ туфайли жунубликдан таяммум қилганидан сўнг таҳоратни бузадиган ҳолатлардан бири содир бўлса, у яна жунубга айланмайди. Балки таҳоратсиз ҳисобланади. У ёддан Қуръони каримни ўқиши ва тилини ҳаракатлантириб зикр қилиши мумкин. Агар олган таяммуми яна жунублик билан бузилса, токи ғул қилмагунича ёки сув ишлатишга қодир бўлмаса, қайта таяммум қилмагунича Қуръони каримни ўқий олмайди. Агар жунуб таяммум қилиб, кейин таҳорати синса ва таҳоратга етадиган сувга эга бўлса, таҳорат олади, таяммум қилмайди. Сабаби, у аввалги таяммум билан жунубликдан чиққан ҳисобланди. Қачон ғулга етарли сув топилса, ғул қилиш вожиб бўлади. Бу нарса фақат жунубга тегишли. Кичик таҳоратсизликда совуқ сабабли таяммум қилиш мумкин эмас. Ҳанафий ва моликийларга кўра, касаллик ёки совуқ сабабли таяммум қилинса, намоз қайтариб ўқилмайди¹⁶⁹.

4. Ҳайит ва жаноза намозларини ўтказиб юбориш ҳафви бўлганда.

Икки ийд ва жаноза намозларини ўз вақтида ўқий олмаса, кейин қазо қилиш мумкин эмас. Шу сабаб бу намоз-

¹⁶⁸ Абу Юсуф ва Муҳаммадлар наздида, шаҳар жойда таяммум қилиш жоиз эмас.

¹⁶⁹ Шофиъийлар бунда намоз қайтариб ўқилишини айтган. Ханбалийларда икки хил ривоят бор. Уларнинг бирида қайтариб ўқилади, иккинчисида қайтариб ўқилмайди, дейилган.

ларга улгура олмаслик эҳтимоли бўлганда, таяммум қилиб, намозга қўшилиб олишга рухсат этилади. Аммо жума намози бундай эмас. Чунки жума ўқий олмаган банда ўрнига пешинни ўқийди.

Маййитнинг валийси таҳорат қилмоқчи бўлса, кутиб турилади. Аммо валий бўлмаган кишилар жанозани ўтказиб юбориши эҳтимоли бўлганда, таяммум қилади.

۳۳۴ – عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: إِذَا خَفَتَ أَنْ تَفُوتَكَ الْجِنَازَةَ وَأَنْتَ عَلَى غَيْرِ وُضُوءٍ فَتَيَمَّمْ وَصَلِّ. (رَوَاهُ ابْنُ أَبِي شَيْبَةَ.)

334 – Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) шундай деган: “Агар таҳоратинг бўлмаса ва жаноза намозини ўтказиб юбориш эҳтимоли бўлса, бас, таяммум қил ва намоз ўқийвер” (*Ибн Абу Шайба ривояти*).

Бу ривоятда жаноза намозини ўтказиб юбориш мумкин бўлган вақтларда таяммум қилиб, жамоатга қўшилиб, намоз ўқиш мумкинлиги айтилмоқда. Бу гапни Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) Атога (рахматуллоҳи алайҳ) айтган.

Бу фикрни Ибн Аббосдан ташқари Солим, Шаъбий, Ато, Зухрий, Саъд ибн Иброҳим, Наҳабий, Икрима, Яҳё Ансорий, Робийъа, Лайс ибн Саъд, Суфён Саврий, Авзой, Исҳоқ ва асҳоби раъйлар ҳам айтган¹⁷⁰.

۳۳۵ – وَعَنْ نَافِعٍ عَنِ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ أَتَى بِجِنَازَةٍ وَهُوَ عَلَى غَيْرِ وُضُوءٍ فَتَيَمَّمْ ثُمَّ صَلَّى عَلَيْهَا. (رَوَاهُ الدَّارِقُطْنِيُّ فِي السُّنَنِ وَالْبَيْهَقِيُّ فِي مَعْرِفَةِ السُّنَنِ وَالْآثَارِ.)

¹⁷⁰ Молик, Шофиъий, Аҳмад ва Абу Савр бунда таяммум билан жаноза намози ўқилмаслигини айтган. Бу тоифа уламолар: “Аллоҳ сув йўқ бўлганда покиза ер жинсини покловчи қилган. Аҳли илмлар жума намозини ўтказиб юборишдан қўрққан киши сув билан таҳорат қилади. Агар жумага улгурмаса ҳам таяммум қилмаслигини таъкидлаган. Энди жума намози жаноза намозидан кўра авлороқдир”, деган. Яъни, жума намозини таяммум билан ўқиш мумкин эмас экан, қандай қилиб жаноза намозини таяммум билан ўқиш жоиз бўлсин? дейилмоқчи.

Учинчи тоифа вакиллари: “Бунда у жаноза намозини таҳоратсиз ўқийди, чунки унда руку ва сажда йўқ”, деган. (“Ал-авсат фис сунани вал ижмаъи вал ихтилаф”).

335 – Нофеъ ривоят қилишича, Ибн Умар ҳузурига жаноза олиб келинганида унинг таҳорати йўқ эди. Шунда у таяммум қилиб, жаноза намозига имомликка ўтди (*Дорақутний “Сунан”да ва Байҳақий “Маърифатус сунани вал асар”да ривоят қилган*).

Бу ерда ҳам таҳорат қилгунича жаноза намози ўқиб бўлиниши хафви бўлганида таяммум билан намоз ўқиш мумкинлиги айтилмоқда. “Шархут-таҳовий”да: “Шаҳарда фақат жаноза ёки ийд намозини ўтказиб юбориш хафви бўлганда ва жунуб совуқ туфайли касалликка чалиниш хафви бўлгандагина унга таяммум қилишга рухсат этилади”, дейилган. Сабаби шаҳар жойларда камдан-кам ҳолларда сув бўлмай қолади.

Жаноза намозидида имомнинг таҳорати бузилса, ўрнига бошқа одамни қўйиб, ўзи таяммум қилиб, унга иқтидо қилса, жоиз. Агар таҳорати бузилган имом таяммум қилиб, яна имомликка ўтса ва намозини охирига етказса, Абу Ҳанифа ва Абу Юсуфга кўра, барчаларининг намози жоиз бўлади. Муҳаммад ва Зуфарга кўра, таҳоратлиларнинг намози бузилади, таяммум қилганлар намози жоиз бўлади. Бундан маълум бўладики, жаноза намозини айрим сабабларга кўра бузишга тўғри келса, таяммум қилиб уни давом эттириш ёки имом ўрнига бошқасини қолдириши мумкин. Шунингдек, бунда таҳоратлилар таяммум қилганга иқтидо қилиши мумкин.

Жумҳур ҳанафий уламолар наздида, намоз вақти чиқиб кетиш хафви таяммумга сабаб бўла олмайди¹⁷¹. Чунки бунда таяммум қилишга етарли сабаб топилмаяпти. Бунда аввалроқ намоз ўқишга, қазо қилмасликка ҳаракат қилиши лозим эди. Хафсаласизлик ва лоқайдлик каби банданинг ўзига боғлиқ бўлган омиллар таяммумга сабаб бўла олмайди. Жамоат кўп бўлиб, уларнинг ҳар бири таҳорат қилгунча намоз вақти чиқиб кетса ҳам таяммум қилинмайди. Чунончи, сув йўқлигида намоз вақти чиқиши хафви эмас, балки масофага эътибор берилади. Масалан, бир жойда қудуқ бўлиб, у ерга жуда кўп одам йиғилган бўлса, навбат билан сув олаётган бўлса, гарчи ўз навбати келгунича на-

¹⁷¹ Имом Зуфар наздида, вақт чиқиб кетиш хавфи бўлса, таяммум қилади.

моз вақти чиқиб кетса ҳам таяммум қилмайди. Сув олгандан кейин таҳорат қилиб, намозини ўқийди.

5. Душман ёки ваҳший ҳайвон сабаб сувнинг олдига бориш имкони бўлмаганда.

Хоҳ муқим, хоҳ мусофир киши бўлсин, сув бор жойда душман (қароқчи, золим) ёки ваҳший ҳайвон бўлса, илон ёки олов хафви бўлса, ўз ҳаёти ёки моли хафв остида қолса таяммум қилишга рухсат этилади. Сабаби банда ўз жонини хатарга қўйиши мумкин эмас. У жони ва молига талафот етмаслик чорасини кўриш лозим. Бир аёл сув фосик ихтиёрида эканини кўрса, таяммум қилади. Ҳанафийлар наздида, ким таҳорат қилмасликка мажбурланса, таяммум билан намоз ўқийди ва кейин намозини қайтариб ўқийди.

6. Қудуқдан сув олиш учун пақир ва арқон йўқ бўлганда.

Сув олиб келиш ёки қудуқдан сув чиқариш учун бирон восита бўлмаса, кишининг суви йўқ ҳисобланади ва таяммум қилади. Агар музлаган кўл устида бўлиб, унда музни тешувчи ёки қорни эритувчи восита бўлмаса, таяммум қилади. Қамоқдаги маҳбус таяммум қилиб, намоз ўқийди. Кейин мукаммал таҳорат билан намозини қайтариб ўқийди. Сабаби бунда сув ишлатишга ожизлик банда сабабидан бўлмоқда. Банданинг амали Аллоҳ таоло ҳаққи соқит бўлишига сабаб бўла олмайди. Агар у сафарда қамоққа олинган бўлса, таяммум билан намоз ўқийди. Кейин намозини қайтариб ўқиши шарт эмас. Чунки бунда ҳақиқий ожизлик бор. Одатда, сафарда кўпинча сув бўлмай қолиши кузатилади¹⁷².

Қамоқдаги маҳбус нопок жойда бўлиб, сув ҳам, тоза тупроқ ҳам топа олмаса, Абу Ҳанифага кўра, у намоз ўқимайди. Абу Юсуф фикрича, бунда ишора билан намоз ўқилади. Озод бўлганидан кейин намозини қайтариб ўқийди¹⁷³.

7. Зарур эҳтиёжи бўлиб, таҳоратга сув етмаганда.

Зарур эҳтиёжга ўзи, ҳамроҳи ёки ҳайвонининг ташна бўлиб қолишидан кўрқиш ёки хамир қориш учун сувга

¹⁷² «Бадоиъус саноиъ», «Баҳрур роиқ».

¹⁷³ «Баҳрур роиқ».

муҳтожлик киради. Лекин унча зарур бўлмаган эҳтиёжлар таяммумга сабаб бўла олмайди.

ТАЯММУМ СУННАТЛАРИ

Қуйидагилар таяммум суннатларидир¹⁷⁴:

- таяммумни “бисмиллаҳ” билан бошлаш¹⁷⁵;
- тартибга риоя қилиш, яъни олдин юзни, сўнгра қўлларни масҳ қилиш¹⁷⁶;
- кетма-кет қилиш, яъни юз ва қўлларни масҳ қилиш орасини узмаслик¹⁷⁷;
- масҳни ўнг қўлдан бошлаш;
- қўлни тупроққа ургач, уни қоқиб ташлаш;
- тупроққа теккан қўллар орасини очиш;
- соқол ва бармоқлар орасини хилол қилиш;
- кенг узук остига масҳ қилиш. Тор узук ва масҳга тўсқинлик қилувчи нарсалар ечиб қўйилади.

Таяммум макруҳлари:

- таяммум суннатларидан биронтасини узрсиз тарк қилиш;
- аъзоларга икки марта такрор масҳ тортиш¹⁷⁸.

¹⁷⁴ Таяммумнинг суннатлари ҳанафийларда еттита, моликийларда тўққизта, шофиъийларда ўн бешта ва ҳанбалийларда иккита.

Қуйидагилар қўшимча суннатлар саналади: қиблага юзланиш, юзга масҳ тортишни юзнинг тепасидан бошлаш, аввал ўнг қўлга, сўнгра чап қўлга масҳ тортиш, таҳоратда бўлгани каби тирсақдан ўтказиб масҳ тортиш, такрор масҳ тортмаслик (яъни, бир марта масҳ тортиш), таяммум қилиб бўлгач таҳоратдан кейин ўқиладиган дуоларни ўқиш.

¹⁷⁵ Ҳанбалийлар таҳорат ва таяммумда “бисмиллаҳ” дейиш, тартиб ва кетма-кетликни вожиб санаган.

¹⁷⁶ Ҳанафий ва моликийлар таяммумда тартиб вожиб эмас, мустаҳабдир, деган. Шофиъий ва ҳанбалийларда бу иш фарз саналади.

¹⁷⁷ Ҳанафий ва шофиъийлар: “Худди таҳоратда бўлгани каби таяммумда ҳам кетма-кетлик суннатдир”, деган. Моликий ва ҳанбалийларга кўра, таяммумни кетма-кет бажариш фарз. Ҳанбалийлар жунублиқдан таяммум қилаётганда тартиб ва кетма-кетлик шарт эмаслигини истисно қилган.

¹⁷⁸ Тупроқ билан аъзоларга бир мартадан кўп масҳ тортиш шофиъий, моликий ва ҳанбалийларда ҳам макруҳ саналади.

ТАЯММУМ ҚИЛИШ УСУЛИ

۳۳۶ – عَنْ سَعِيدِ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ أَبِي عَمْرٍاءَ قَالَ: جَاءَ رَجُلٌ إِلَى عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ فَقَالَ: إِنِّي أَجَنَيْتُ فَلَمْ أَصِبِ الْمَاءَ فَقَالَ عَمْرٌ بْنُ يَاسِرٍ لِعُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ: أَمَا تَذَكُرُ أَنَا كُنَّا فِي سَفَرٍ أَنَا وَأَنْتَ فَأَمَّا أَنْتَ فَلَمْ تُصَلِّ وَأَمَّا أَنَا فَتَمَعَكْتُ فَصَلَّيْتُ فَذَكَرْتُ لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِنَّمَا كَانَ يَكْفِيكَ هَكَذَا فَضَرَبَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِكَفِّهِ الْأَرْضَ وَنَفَخَ فِيهِمَا ثُمَّ مَسَحَ بِهِمَا وَجْهَهُ وَكَفَّيْهِ. (رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَأَبْنُ مَاجَةَ وَأَحْمَدُ وَأَبْنُ خُزَيْمَةَ وَأَبْنُ حَبَّانَ وَأَبُو يَعْلَى).

336 – Саид ибн Абдурахмон ибн Абза отасидан ривоят қилади: “Бир киши Умар ибн Хаттоб олдига келиб: “Мен жунуб бўлиб қолдим, аммо сув топа олмадим”, деди. Шунда Аммор ибн Ёсир Умар ибн Хаттобга: “Иккимиз сафарда бўлганимиз эсингдами? Ўшанда сен намоз ўқи-магандинг. Мен эса (тупроққа) бир думалаб олиб намоз ўқигандим. Кейин буни Набийга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтганимда, у зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Сенга бундай қилишинг кифоя қиларди”, деб икки кафт-ларини тупроққа уриб, уни пуфлаб ташлаб, сўнг юзлари ва икки қўлларига масҳ тортдилар”, деди” (Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Насоий, Ибн Можжа, Аҳмад, Ибн Хузайма, Ибн Ҳиббон ва Абу Яъло ривояти).

Ушбу ривоятда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қандай таяммум қилишни кўрсатмоқдалар. Сахролик жунуб бўлиб қолиб, сув топа олмаса, бундай киши нима қилиши ҳақида Умар ибн Хаттобга (розияллоҳу анҳу) савол берилганида, унинг олдида турган Аммор ибн Ёсир (розияллоҳу анҳу) аввал бўлиб ўтган бир воқеани эслади. Умар ва Аммор розияллоҳу анҳумо сафарда эканида жунуб бўлиб қолишган. Ўшанда уларнинг суви йўқ эди. Умар сув топиб ғул қилмагунича намоз ўқимай туришни афзал

билди ва шеригини ҳам шундай қилишга чақирди. Бирок Аммор ижтиҳод қилиб, тупроққа думалади ва намозини ўқиди. Улар келиб, бўлган воқеани Набийга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтишганида, у зот Амморнинг иши тўғри экани, бироқ бунинг учун тупроққа думалаш шарт эмас, балки икки кафтни тупроққа уриб, у билан юз ва қўлга масҳ тортиш кифоя қилишини айтдилар.

Ушбу ривоятдан чангли тупроққа қўл урилгандан сўнг уни пуфлаб юбориш суннат экани маълум бўлади. Чанги йўқ қум, тош ва шу каби пок ер жинсига қўл урилса, уни пуфлаш шарт эмас.

Имом Молик ва баъзи тоифалар ушбу ривоятдан келиб чиқиб, таяммумда кафти ёки чиғаноғигача масҳ тортса ҳам бўлади, деб айтган. Лекин жумҳур уламолар, хусусан, ҳанафийлар бошқа ривоятлардан келиб чиқиб, таяммумда қўлга тирсақлар билан қўшиб масҳ тортиш лозимлигини таъкидлаган.

۳۳۷ – وَعَنْ عَمَّارِ بْنِ يَاسِرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَقُولُ فِي التَّيْمُمِ: ضَرْبَةٌ لِلْوَجْهِ وَالْكَفَّيْنِ. (رَوَاهُ الدَّارِمِيُّ وَأَحْمَدُ وَابْنُ خُرَيْمَةَ وَالِدَّارِقُطْنِيُّ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

337 – Аммор ибн Ёсир (розияллоҳу анҳу) ривоят қилишича, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таяммум ҳақида: “Юз ва икки қўл учун (кафтни тупроққа) бир марта уришдир”, деб айттардилар (*Доримий, Аҳмад, Ибн Хузайма ва Дорақутний ривояти. Ривоят санади саҳиҳ*).

Бу ривоятда таяммум юз ва кафтга масҳ тортиш билан амалга оширилиши айтилмоқда. Аммо ҳанафий мазҳаби уламолари бошқа ривоятни олган.

۳۳۸ – وَعَنْ جَابِرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: التَّيْمُمُ ضَرْبَتَانِ لِلْوَجْهِ وَضَرْبَةٌ لِلْيَدَيْنِ إِلَى الْمِرْفَقَيْنِ. (رَوَاهُ الْحَاكِمُ وَالِدَّارِقُطْنِيُّ وَالطَّبْرَانِيُّ فِي الْكَبِيرِ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

338 – Жобир (розияллоҳу анҳу) Набийдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади: “Таяммум икки уриш(дан иборат)дир: юз учун (кафтни тупроққа) бир уриш ва икки қўл (тирсаккача) учун бир уриш” (Ҳоким, Дорақутний, Табароний “Кабир”да ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ).

Ушбу ривоятда таяммум қўлни ерга икки марта уришдан иборат экани, биринчи уришда юзга, иккинчисида тирсак билан қўшиб қўлга масҳ тортиш кераклиги айтилмоқда.

Бу хусусда аҳли илмлар тўрт хил фикрда:

1. Али ибн Абу Толиб сўзига кўра, таяммум икки зарбдан иборат. Биринчи зарбда юзга, иккинчисида қўлга чиганоқкача масҳ тортилади;

2. Зухрийнинг таъкидлашича, қўлга қўлтиқкача масҳ тортилади;

3. Ато, Макхул, Авзоий, Аҳмад, Исҳоқ ва аксар ҳадис аҳлига кўра, таяммумда ерга бир зарб урилиб, юз ва икки кафтга масҳ тортилади;

4. Абдуллоҳ ибн Умар, унинг ўғли Солим, Шаъбий, Ҳасан Басрий, Молик ибн Анас, Лайс ибн Саъд, хижоз аҳлининг кўпчилиги, Саврий, Абу Ҳанифа, Куфа аҳли ва Шофиъий фикрича, таяммум икки зарбдан иборат. Биринчи зарбда юзга, иккинчисида тирсак билан қўшиб қўлга масҳ тортилади.

Ҳанафийлар наздида, таяммум қўлнинг ҳамма бармоқлари билан ёки камида учта бармоқ билан қилинади. Агар икки бармоқ билан масҳ тортилса, жоиз эмас. Чунки бунда аъзоларга тўлиқ масҳ тортилмай қолади.

۳۳۹ – وَعَنْ جَابِرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: جَاءَ رَجُلٌ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: أَصَابَنِي جَنَابَةٌ وَإِنِّي تَمَعَّكْتُ فِي التُّرَابِ فَقَالَ: اضْرِبْ هَكَذَا وَضَرْبَ بِيَدَيْهِ الْأَرْضَ فَمَسَحَ وَجْهَهُ ثُمَّ ضَرْبَ بِيَدَيْهِ فَمَسَحَ بِهِمَا إِلَى الْمِرْفَقَيْنِ. (رَوَاهُ الْحَاكِمُ وَالِدَّارِقُطْنِيُّ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

339 – Жобир (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Бир киши Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига келиб: “Менга жунублик етди ва мен тупроққа дума-лаб олдим”, деди. У зот: “Мана бундай қил”, деб, қўлларини тупроққа уриб, юзларига масҳ тортдилар. Кейин яна қўлларини (тупроққа) уриб, икки қўлларига тирсақларигача масҳ тортдилар” (*Ҳоким ва Дорақутний ривояти. Ривоят санади саҳиҳ*).

Хулоса қиладиган бўлсак, таяммум қилиш учун аввал ният қилиниб, либоснинг енги тирсақ юқорисигача шимарилади ва қўл кафтининг ичи ер жинсидан бўлган пок нарсага бир зарб билан урилади ҳамда қўлнинг орқа-олди айлантрилади. Кейин қўлни қоқиб ташлаб, таҳоратда юз қандай ювилса, худди шундай юзга масҳ тортилади. Сўнг иккинчи марта қўл кафти ерга урилиб, орқа-олди айлантрилади ва уни қоқиб, аввал чап қўлнинг кафти билан ўнг қўл тирсагигача, кейин ўнг қўл кафти билан чап қўлнинг тирсагигача масҳ тортилади. Шу билан таяммум қилган киши таҳоратли ҳукмида бўлиб, хоҳлаганча намоз ўқиши ва Қуръони каримни ушлаши мумкин бўлади.

НИМА БИЛАН ТАЯММУМ ҚИЛИНАДИ?

Аллоҳ таоло айтади:

فَتَيَمَّمُوا صَعِيدًا طَيِّبًا

“Бас, покиза ер жинси билан таяммум қилинглар!” (*Моид*, 6; *Нисо*, 43).

“Ер жинси” деганда ер тагидан чиқиб, ер юзасида қарор топган нарса тушунилади. Бу тупроқ ёки бошқа ер жинси бўладими, фарқи йўқ. Таяммумга яроқли ер жинси эримайдиган, ёндирса ёнмайдиган, ўз хусусиятини ўзгартирмайдиган ва кулга айланмайдиган бўлиши керак.

“Покиза” деганда устига ёмғир ва қор ёғиб, покланган ер жинси назарда тутилади.

Уламолар оятдаги “соъийд” сўзининг маъноси ҳақида турли фикрларни айтган. Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) оят-

даги “соъийд”ни “соф тупроқ” деб изоҳлаган¹⁷⁹. “Қомусул муҳит”да: “Соъийд ер юзаси ёки тупроқдир”, дейилган. Жавҳарий “Сихоҳ”да Фарронинг: “Соъийд тупроқдир”, деган сўзини келтирган. Саълаб: “Соъийд ер юзасидир”, деган. “Жамҳаро”да: “Соъийд қум ва шўрхоқ қўшилмаган тупроқ”, дейилган. Қатода: “Соъийд унда ўсимлик ва дарахт бўлмаган ердир”, деб айтган.

Мазкур сўзнинг луғавий маъноси борасида турли фикрлар айтилгани боис фақиҳлар таяммум нима билан қилиниши борасида ихтилофга борган. Шофиъий¹⁸⁰, Аҳмад, Ибн Мунзир ва Довуд Зоҳирийларга кўра, таяммумда фақат пок, аъзоларга ёпишадиган чангли¹⁸¹ тупроқ ишлатилади. Абу Ҳанифа¹⁸², Молик, Ато, Авзоий, Саврийга кўра, таяммумни ер (тупроқ) ва ер жинси билан қилиш жоиздир. Авзоий ва Суфён Саврий қор ва ер юзидаги барча нарсалар билан таяммум қилиш жоизлигини айтган.

Эътибор берадиган бўлсак, оятда ҳам “туроб” (тупроқ) эмас, балки “соъийд” (Ер юзасидаги нарса) деб келган. Буни фақат тупроқ деб хослаш тўғри эмас. Шуни таъкидлаш лозим, таяммумни тупроқ билан қилиш афзал. Аммо бошқа покиза ер жинслари ҳам таяммумга ярайди. Ҳадисларда “Ер менга масжид ва покловчи қилинди”, “Намоз вақти бўлганида қаерда бўлишимдан қатъи назар таяммум қилиб, намоз ўқийман”, дейилган. Банда доим ҳам тупроқ бор жойда бўлавермайди. У баъзида чўлда, баъзида тоғу тошлар орасида бўлиши мумкин. Шу сабаб ҳам таяммумни фақат тупроқ билан қилиш керак, деб айтиш бандаларга машаққат туғдиради ва бу билан “соъийд” сўзининг маъноси чеклаб қўйилган бўлади.

¹⁷⁹ Шофиъий ва Абу Юсуф мана шу сўзни олган.

¹⁸⁰ Шофиъий: “Таяммум ўсимлик ўсадиган тупроқ билан қилинади”, деган.

¹⁸¹ Абу Ҳанифага кўра, ер жинси устида чанг бўлиши, қўл ер жинсига урилганда қўлга чанг юқиши шарт эмас. Муҳаммад наздида, ер жинсидан биронтасига қўл урилганда қўлга чанг ёпишиши лозим. Чунки шунда ер жинсидан фойдаланган ҳисобланади. Абу Ҳанифага кўра, қўлни ер юзасига уриб, у билан икки аъзога масҳ тортиш кифоя. Абу Ҳанифа фикрича, оятда мутлақ таяммумга амр қилинган, қўлга чанг ёпишиши шарт қилинмаган. Мутлақни чеклаш фақат қатъий далил билангина собит бўлади.

¹⁸² Абу Ҳанифа ва Муҳаммадлар наздида, покиза ер жинсидан бўлган тупроқ, қум, тош, ганч билан таяммум қилиш мумкин. Аммо Абу Юсуф: “Таяммум фақат тупроқ ва қум билан қилинади”, деган (Абу Юсуфдан икки хил ривоят келган. Бирида тупроқ ва қум билан, иккинчисида фақат тупроқ билан жоиз, дейилган).

۳۴۰ - عَنْ حُذَيْفَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: فَضَّلْنَا عَلَى النَّاسِ بِثَلَاثٍ جُعِلَتْ صُفُوفُنَا كَصُفُوفِ الْمَلَائِكَةِ وَجُعِلَتْ لَنَا الْأَرْضُ كُلُّهَا مَسْجِدًا وَجُعِلَتْ تُرْبَتُهَا لَنَا طَهُورًا إِذَا لَمْ نَجِدِ الْمَاءَ وَذَكَرَ خَصْلَةً أُخْرَى. (رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَابْنُ أَبِي شَيْبَةَ).

340 – Ҳузайфа (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Уч (жиҳат)га кўра, биз одамлардан афзал қилиндик: сафимиз худди фаришталар сафидек қилинди, ернинг ҳамма жойи биз учун масжид, агар сув топа олмасак, унинг тупроғи бизга покловчи қилинди”, деб туриб, яна бошқа хусусиятни ҳам зикр қилдилар” (*Муслим ва Ибн Абу Шайба ривояти*).

Ушбу ривоятда уммати муҳаммадийя уч жиҳатга кўра бошқа умматлардан устун қилингани айтилмоқда. Улар ичида Ер юзаси мусулмонлар учун намоз ўқийдиган жой ва сув йўқлигида покловчи бўлиш ҳам бор. Аллоҳ таоло Ер юзасини, покиза ер жинсини бизлар учун покловчи қилгани ҳам бир раҳмат, У Зотнинг фазл-марҳаматидир.

۳۴۱ - عَنْ عَمْرٍو بْنِ شُعَيْبٍ عَنْ أَبِيهِ عَنْ جَدِّهِ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَامَ غَزْوَةِ تَبُوكَ قَامَ مِنَ اللَّيْلِ يُصَلِّي فَاجْتَمَعَ وَرَاءَهُ رِجَالٌ مِنْ أَصْحَابِهِ يَحْرُسُونَهُ حَتَّى إِذَا صَلَّى وَأَنْصَرَفَ إِلَيْهِمْ فَقَالَ لَهُمْ: لَقَدْ أُعْطِيتُ اللَّيْلَةَ خَمْسًا مَا أُعْطِيتُ أَحَدٌ قَبْلِي أَمَّا أَنَا فَأُرْسِلْتُ إِلَى النَّاسِ كُلِّهِمْ عَامَّةً وَكَانَ مِنْ قَبْلِي إِنَّمَا يُرْسَلُ إِلَى قَوْمِهِ وَنُصِرْتُ عَلَى الْعَدُوِّ بِالرُّعْبِ وَلَوْ كَانَ بَيْنِي وَبَيْنَهُمْ مَسِيرَةٌ شَهْرٍ لَمَلِئْتُ مِنْهُ رُعْبًا وَأَحَلَّتْ لِي الْغَنَائِمُ أَكْلُهَا وَكَانَ مِنْ قَبْلِي يُعْظَمُونَ أَكْلُهَا كَانُوا يُحْرَقُونَهَا وَجُعِلَتْ لِي الْأَرْضُ مَسَاجِدَ وَطَهُورًا أَيْنَمَا أَدْرَكْتَنِي الصَّلَاةُ تَمَسَّحْتُ وَصَلَّيْتُ وَكَانَ مِنْ قَبْلِي يُعْظَمُونَ ذَلِكَ إِنَّمَا كَانُوا يُصَلُّونَ فِي كَنَائِسِهِمْ وَبِيعِهِمْ وَالْخَامِسَةُ هِيَ مَا هِيَ قِيلَ لِي سَلْ فَإِنَّ كُلَّ نَبِيٍّ

قَدْ سَأَلَ فَأَخْرَجْتُ مَسْأَلَتِي إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ فِيهِ لَكُمْ وَلِمَنْ شَهِدَ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ. (رَوَاهُ أَحْمَدُ فِي الْمُسْنَدِ وَالْبَيْهَقِيُّ فِي السُّنَنِ الْكُبْرَى وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

341 – Амр ибн Шуъайб отасидан, отаси бобосидан ривоят қилишича, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Табук ғазоти йили кечаси туриб, намоз ўқидилар. Шунда саҳобалардан бир нечтаси у зот орқаларида туриб у зотни қўриқлашди. Намоз ўқиб бўлганларидан кейин саҳобаларга юзланиб: “Бу кеча менга беш нарса берилди. Улар мендан аввал бирон кишига берилмаган эди: мен барча инсониятга (пайғамбар қилиб) юборилдим. Мендан аввалгилар фақат ўз қавмигагина юборилар эди. Душман (қалби) га қўрқинч солиш билан душманларим устидан ғалабага эриштирилдим. Агар мен билан душманларим орасида бир ойлик масофа бўлса ҳам, улар қўрқувга тушадилар. Менга ўлжани ейиш ҳалол қилинди. Мендан олдингилар уни ейишни улуғ санашар, ўлжани ёқиб юборишар эди. Менга Ер масжид ва покловчи қилинди. Қаерда эканимдан қатъи назар, агар намоз вақти бўлса, таяммум қилиб намоз ўқийман. Мендан олдингилар буни улуғ санашарди, черков ва синагогаларда ибодат қилишарди. Бешинчиси шуки, менга: “Сўра!” дейилди. Зеро, ҳар бир пайғамбар (Аллоҳдан) ниманидир сўраган. Мен бу сўровни қиёмат кунига қолдирдим. Бу (шафоат) сизлар ва Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, деб иқрор бўлганлар учундир”, дедилар. (Аҳмад “Муснад”да ва Байҳақий “Ас-сунанул кубро”да ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ).

Бу ривоятда Ислому умматининг бошқа умматлардан қайси жиҳатларга кўра устун қилингани айтилмоқда. Ўша афзалликлардан бири бизга Ер юзининг масжид ва покловчи эканидир.

٣٤٢ – وَعَنْ أَبِي أُمَامَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: فَضَّلَنِي رَبِّي عَلَى الْأَنْبِيَاءِ عَلَيْهِمُ الصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ أَوْ قَالَ عَلَى الْأُمَّمِ بَارِعًا قَالَ: أُرْسِلْتُ إِلَى النَّاسِ كَافَّةً وَجُعِلَتِ الْأَرْضُ كُلُّهَا لِي وَالْأُمَّتِي مَسْجِدًا وَطَهْرًا فَأَيْنَمَا

أَدْرَكَتْ رَجُلًا مِنْ أُمَّتِي الصَّلَاةَ فَعِنْدَهُ مَسْجِدُهُ وَعِنْدَهُ طَهُورُهُ وَنَصْرَتْ بِالرُّعْبِ
مَسِيرَةَ شَهْرٍ يَقْدِفُهُ فِي قُلُوبِ أَعْدَائِي وَأَحَلَّ لَنَا الْغَنَائِمَ. (رَوَاهُ أَحْمَدُ فِي
الْمُسْنَدِ وَالْبَيْهَقِيُّ فِي السُّنَنِ الْكُبْرَى وَالطَّبْرَانِيُّ فِي الْكَبِيرِ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

342 – Абу Умома (розияллоҳу анҳу) ривоят қилишича, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар: “Парвардигорим мени пайғамбарлардан (алайҳимуссалом)... ёки: бошқа умматлардан, дедилар... тўрт нарса билан афзал қилди: мен барча одамларга (пайғамбар қилиб) юборилдим. Ернинг ҳамма жойи мен билан умматим учун масжид ва покловчи қилинди. Агар умматимдан бир киши қаерда бўлмасин, намоз вақти бўлса, ўша ерда унинг масжиди (намоз ўқийдиган жойи) ва покловчиси бор. Душманларим қалбига бир ойлик масофадан кўрқинч солиниши билан менга ғалаба берилди. Бизларга ўлжалар ҳалол қилинди” (Аҳмад “Муснад”да, Байҳақий “Ас-сунанул кубро”да ва Табароний “Қабир”да ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ).

Бу ерда ҳам ер мусулмон банда учун намоз ўқийдиган жой ва ер жинсидан бўлган покиза нарсалар таяммумга яроқли экани таъкидланмоқда. Эътибор берадиган бўлсак, инсон сафарда фақат тупроқли жойда бўлмайди. У баъзида чўлда, баъзида тоғу тошларда юрганда ўзи билан тупроқ олиб юриши шарт эмас, балки покиза қум ва тош кабилар билан таяммум қилиши жоиз. Ривоятнинг зоҳирий маъноси ҳам шунга далолат қилади.

Ер жинсидан бўлган тупроқ, чанг, қум, устида чанг бўлсин ё бўлмасин тош (бунинг учун у силлик, ўртача ҳажмда ва ювилган бўлиши керак), оҳак, ганч (гипс), пишган ғишт, сопол (агар устида бўёғи бўлмаса), қизил, қора, оқ ва сариқ лой, феруза тош, зумрад, забаржад (яшил рангли қимматбаҳо тош), ёқут, маржон кабилар билан таяммум қилиш мумкин. Кул, анбар, кофур, мушку анбар, муз, олтин, кумуш, оловда эрийдиган ёки кулга айланиб кетадиган нарсалар билан таяммум қилиш мумкин эмас.

Абу Ҳанифа ва Муҳаммадга кўра, бошқа ер жинсини қўллашга қодир бўла туриб чанг билан таяммум қилиш

жоиз. Сабаби у юпқа тупроқдир. Бунда покиза кийим, ғишт ва шунга ўхшаш нарсаларга қўл урилиб, уларнинг чанги билан таяммум қилинади. Агар икки қўл буғдой, арпа ёки шу каби дон маҳсулотларига тикилганда қўлда чанг асари бўлса, у билан таяммум қилиш жоиз. Агар чанг асари билинмаса, жоиз эмас¹⁸³.

Абу Ҳанифа ва Муҳаммад наздида, лой билан ҳам таяммум қилиш жоиз. Сабаби унинг таркибидаги сув буғланиб кетади. Агар лой таркибида сув кўп бўлса, у билан таяммум қилиш мумкин эмас¹⁸⁴.

Ёнган ер тупроғи билан таяммум қилиш жоиз¹⁸⁵.

Ерга нажосат тушиб, қуриса ва нажосат изи йўқолса ҳам у ердаги тупроқ билан таяммум қилиш жоиз эмас¹⁸⁶. Бунга сабаб шуки, қуёш иситиши ва ернинг шимиб олиши билан ердаги нажосат камайиши мумкин, аммо буткул кетмайди.

Агар жунуб ёки таҳоратсиз одам бир жойда таяммум қилса, кейин бошқаси келиб, ўша жойда таяммум қилса, жоиз. Сабаби аввалги таяммум қилувчи қўлига ёпишган ишлатилган тупроқ ерда қолгани йўқ. Бу худди бир киши таҳорат қилганидан кейин бошқаси келиб, идишда ортиб қолган сув билан таҳорат қилишига ўхшайди¹⁸⁷.

Сарахсий “Муҳийт” китобида айтилишича, агар туз сув шаклида бўлса, у билан таяммум қилиш жоиз эмас. Агар туз тоғ шаклида бўлса, у ҳақида икки хил ривоят бор. Уларнинг иккиси ҳам саҳиҳ дейилган. Аммо бу иш мумкинлигига фатво берилган. Агар тупроққа ер жинсидан бўлмаган нарса аралашса, қайси бирининг устунлиги, кўплигига қаралади¹⁸⁸.

Олтин ва кумуш эритилиб, уларга бирон шакл берилган бўлса, у билан таяммум қилиш жоиз эмас. Агар у тупроққа аралашган бўлиб, тупроқ устунлик қилса, жоиз¹⁸⁹.

¹⁸³ “Ас-сирожул ваҳҳаж”, “Ал-Баҳрур роиқ”.

¹⁸⁴ “Фатаво ҳиндийя”.

¹⁸⁵ “Аз-Зоҳирийя”.

¹⁸⁶ “Фатаво қозихон”.

¹⁸⁷ Ибн Масъуд Косоний, “Бадаиъ”

¹⁸⁸ “Аз-Зоҳирийя”.

¹⁸⁹ “Фатаво ҳиндийя”.

Агар юз ва қўлга чанг тегиб, таяммум нияти билан уни икки аъзога суркаса, таяммуми жоиз. Агар суркамаса, жоиз эмас¹⁹⁰.

НИМАДАН ТАЯММУМ ҚИЛИНАДИ?

Сув борида жунубликдан ғул ва таҳоратсизликдан таҳорат қилинади. Сув йўқлигида ёки сув ишлатишга қодир бўлмаганда жунубликдан ҳам, таҳоратсизликдан ҳам таяммум қилинади. Иккаласининг бажарилиши бир хил. Бунда ниятни алоҳида қилиш шарт эмас, балки покликни ёки намозни мубоҳ қилишни ният қилса, кифоя этади¹⁹¹.

۳۴۳ – عَنْ عِمْرَانَ بْنِ حُصَيْنٍ الْخُزَاعِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَأَى رَجُلًا مُعْتَزِلًا لَمْ يُصَلِّ فِي الْقَوْمِ فَقَالَ: يَا فُلَانُ مَا مَنَعَكَ أَنْ تُصَلِّيَ فِي الْقَوْمِ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ أَصَابَتْنِي جَنَابَةٌ وَلَا مَاءَ قَالَ: عَلَيْكَ بِالصَّعِيدِ فَإِنَّهُ يَكْفِيكَ. (رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَالنَّسَائِيُّ وَالِدَارِمِيُّ وَأَحْمَدُ وَابْنُ خُرَيْمَةَ وَابْنُ حَبَّانَ وَالْبَزَّازُ).

343 – Имрон ибн Хусойн (розияллоху анху) ривоят қилишича, Расулulloх (соллаллоху алайҳи ва саллам) одамлар билан намоз ўқимасдан бир четда турган кишини кўриб қолиб, “эй фалончи, нега одамлар билан бирга намоз ўқимаяпсан?” деб сўрадилар. У: “Ё Расулulloх, мен жунуб бўлиб қолгандим, сув ҳам йўқ”, деди. Шунда у зот: “Сен ўзингга (покиза) тупроқни лозим тут. Зеро, у сенга кифоя қилади”, дедилар (*Бухорий, Насоий, Аҳмад, Ибн Хузайма, Ибн Ҳиббон ва Баззор ривоят*).

Ушбу ривоятда жунубликдан ҳам таяммум қилиш жоизлиги айтилмоқда¹⁹².

¹⁹⁰ “Аз-Зоҳирийя”.

¹⁹¹ Абу Бакр Розий наздида, ниятни алоҳида қилиш керак, таҳоратсизликда нопокликни кетказишни, жунубликда жунубликдан покланишни ният қилади.

¹⁹² Умар, Ибн Масъуд, Ибн Умарлар оятдаги “муломаса”ни “кўл билан тегиш” деб изоҳлаб, жунуб таяммум қилишига рухсат бермаган. Али, Ибн Аббос ва Ойша (рози-

Шунингдек, ҳайз ва нифосдан ҳам таяммум қилиш жоиз.

۳۴۴ – وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: جَاءَ أَعْرَابِيٌّ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنِّي أَكُونُ فِي الرَّمْلِ أَرْبَعَةَ أَشْهُرٍ أَوْ خَمْسَةَ أَشْهُرٍ فَيَكُونُ فِيْنَا التَّنْفَسَاءُ وَالْحَائِضُ وَالْجُنْبُ فَمَا تَرَى قَالَ: عَلَيْكَ بِالتَّرَابِ. (رَوَاهُ أَحْمَدُ وَالتَّبَهَقِيُّ وَإِسْحَاقُ ابْنُ رَاهُوَيْهِ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ.)

344 – Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Бир аъробий Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига келиб, “ё Расулуллоҳ, мен тўрт ёки беш ой давомида чўлда бўламан. Орамизда нифос ва ҳайзли аёллар, жунублар бўлади. Бундай ҳолатда нима қиламиз?” деб сўради. Шунда у зот: “Сен ўзингга тупроқни лозим тут!” дедилар” (*Аҳмад, Байҳақий ва Исҳоқ ибн Роҳвайҳ ривояти. Ривоят санади ҳасан.*)

Мазкур ривоятдан маълум бўлади, кишилар таяммум фақат таҳоратсизликни кетказди, жунублик, ҳайз ёки нифосдан ғусл қилиш шарт, деб билган. Мазкур ривоятдаги аъробийнинг саволи буни тасдиқлайди.

Ушбу ривоятда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) жунуб, ҳайз ёки нифосдан фориг бўлган аёл, агар сув топа олмаса, таяммум қилиши мумкинлигини билдирмоқдалар. Бунда “агар мўмин ўн йилгача сув топа олмаса, пок тупроқ унинг покловчисидир” ҳадиси умумий қоида ҳисобланади. Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўша ривоятда таҳорати йўқ, жунуб ёки ҳайз ва нифосли аёллар орасида фарқ борлигини баён қилмаганлар. Демак, таяммум буларнинг ҳаммаси учун жоиздир. Агар жунуб масжидга сув олиш учун кирмоқчи бўлса, аввал таяммум қилиши керак.

Аёл камида ўн кун ҳайз кўриб покланган бўлса, унга таяммум қилиш жоиз. Агар ўн кундан кам бўлса, жоиз эмас¹⁹³.

яллоҳу анҳо) бу сўз жимо маъносида эканини айтиб, жунубликдан таяммум қилиш мумкин, деган. Мана шу сўзни ҳанафий ва жумҳур уламолар олган.

¹⁹³ “Ал-бахрур роиқ шарху канзид дақоик”.

ТАЯММУМ ВАҚТИ

Ҳанафийлар наздида, таяммум мутлақ поклик бўлиб, намоз вақти киришидан олдин ҳам, кейин ҳам таяммум қилиш ва бир таяммум билан хоҳлаганча фарз ва нафл намозларини ўқиш мумкин. Бунда таяммум таҳоратга қиёсланади. Маълумки, таҳоратни намоз вақти киришидан олдин ҳам қилиш мумкин¹⁹⁴.

Агар мусофир намознинг охирги вақтида сув топишдан умид қилса, таяммумни охирги вақтгача кечиктиради. Агар охирги вақтда ҳам сув топишдан умиди бўлмаса, таяммумни кечиктирмайди. Бунда сув топиб, таҳорат қилиб, намозга улгуриш шарти билан рухсат берилади. Агар бунинг иложи бўлмаса, таяммум қилиб, мустаҳаб вақтда намоз ўқиб олинади¹⁹⁵.

Бунга қуйидаги ривоят далил бўлади.

۳۴۵ – عَنِ الْحَارِثِ عَنْ عَلِيٍّ قَالَ: إِذَا أَجْنَبَ الرَّجُلُ فِي السَّفَرِ تَلَوَّمَ مَا بَيْنَهُ وَبَيْنَ آخِرِ الْوَقْتِ فَإِنْ لَمْ يَجِدِ الْمَاءَ تَيَمَّمَ وَصَلَّى. (رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ وَالِدَّارَقُطْنِيُّ وَابْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ.)

345 – Алидан (розияллоху анху) Ҳорис ривоят қилади: “Киши сафарда жунуб бўлса, намознинг охирги вақтигача кутади. Агар сув топмаса, таяммум қилади ва намоз ўқийди” (*Байҳақий, Дорақутний ва Ибн Абу Шайба ривояти. Ривоят санади ҳасан*).

Тўрт мазҳаб уламолари, агар сув топилишидан умид бўлса, таяммумни намоз вақтининг охиригача кечикти-

¹⁹⁴ Имом Шофиъий фикрича, таяммум намоз вақти кирганидан кейин қилинади. Бунда таяммум мутлақ бадалми (ўринбосар) ёки зарурий бадалми, масаласида томонларнинг турлича қарашлари бор. Ҳанафийларда таяммум мутлақ бадал, шофиъийлар наздида эса, зарурий бадал.

Жумхур уламоларга кўра, таяммум зарурий бадал бўлиб, уни намоз вақти киришидан олдин қилиш ва бир таяммум билан бир маҳалдан ортиқ фарз намозини ўқиш мумкин эмас.

¹⁹⁵ Зухрий, Ҳасан Басрий ва Ибн Сирий каби тобеинлар, агар сув топишдан умид бўлса, таяммумни охирги вақтгача кечиктиришини айтган.

Имом Молик: “Намоз вақтининг ўртасида таяммум қилиш мустаҳабдир”, деган.

риш афзал, деб айтган¹⁹⁶. Ҳанафийларга кўра, таяммумни намознинг охирги мустаҳаб вақтигача кечиктириш мандуб. Агар кимга сув берилиши ваъда қилинса, гарчи намози қазо бўлишидан кўрқса ҳам, таяммумни кечиктириши вожиб. Шунингдек, Абу Ҳанифага кўра, агар намоз қазо бўлишидан кўрқса ҳам, яланғочга кийим ва сув тортиб олиш учун челак берилиши ваъда қилинган одам ҳам намозини кечиктиради.

Сув топишига ишонган одамнинг таяммумни кечиктиришига сабаб шуки, сув билан таҳорат қилиб намоз ўқиш афзал. Таҳорат асл, таяммум унинг ўринбосаридир. Таҳорат ҳақиқий ва ҳукмий покликдир. Таяммум эса ҳукмий поклик, ҳақиқий эмас. Намоз вақти чиқиб кетиш ёки намозга улгура олмаслик эҳтимоли таяммумга сабаб бўла олмайди¹⁹⁷. Масалан, намознинг охирги вақтида бир милдан кам бўлган масофада сув борлиги маълум бўлди. Аммо сув олиб келиб, таҳорат қилай деса, намоз вақти чиқиб кетади. Бунда таяммумга рухсат йўқ. Абу Ҳанифа, Абу Юсуф ва Муҳаммад наздида, бу ҳолда сувни олиб келиб таҳорат қилиш ва агар вақт чиққан бўлса-да намозни тўлиқ таҳорат билан ўқиш лозим¹⁹⁸.

Агар нафл намоз учун таяммум қилган бўлса, у билан фарз намозини ўқиш мумкин.

Ҳанафий уламоларга кўра, бир марта таяммум қилгач, шу таяммум билан хоҳлаганча фарз ва нафл намозларини ўқиш мумкин.

¹⁹⁶ Ҳанафийлардан бошқа жумхур уламоларга кўра, агар сув топишдан умид бўлмаса, таяммумни аввалги вақтда қилиш мустаҳаб. Аҳмаддан ривоят қилинишича, ҳар қандай ҳолатда таяммумни кечиктириш афзал.

¹⁹⁷ Шофиъийлар ҳам намоз вақти чиқиб кетиши таяммумга сабаб бўла олмаслигини айтган. Сабаби бунда сув бўла туриб таяммум қилинган бўлади. Улар фақат мусофир намоз вақти чиқиши, ўзи ёки моли хавф остида қолишидан кўрқса, сув қидирмасдан таяммум қилади, деган.

Ҳанбалийлар ҳам шофиъийлар фикрини маъқуллаган. Фақат бунда фарз, жаноза ва ийд намозлари орасида фарқ йўқлигини айтишган.

¹⁹⁸ Имом Зуфар наздида, бунда таяммум қилиш жоиз. Уч асҳобимизга кўра, таяммумда вақт эмас, узоқ ёки яқинлик эътиборга олинади. Имом Зуфарга кўра, бунда сувнинг узоқ ё яқиндалиги эмас, вақт эътиборга олинади.

۳۴۶ - عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: يَتَيَّمُّ لِكُلِّ صَلَاةٍ وَإِنْ لَمْ يُحَدِّثْ. (رَوَاهُ الدَّارِقُطْنِيُّ وَعَبْدُ الرَّزَّاقِ وَالْبَيْهَقِيُّ فِي السُّنَنِ وَقَالَ: إِسْنَادُهُ صَحِيحٌ.)

346 – Ибн Умардан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Таҳорати кетмаса ҳам, киши ҳар бир намозга таяммум қилади” (*Дорақутний, Абдураззоқ ва Байҳақий “Сунан”да ривоят қилган ва: “Бу ривоят санади саҳиҳ”, деган*).

Ушбу ривоятда ҳар бир намоз вақтида таяммум қилиш ҳусусида сўз бормоқда. Нофеъдан ривоят қилинишича, Ибн Умар ҳар бир намоз учун таяммум қиларди (*Дорақутний ривояти*). Қатодадан ривоят қилинишича, Амр ибн Ос (розияллоҳу анҳу) ҳар бир намоз вақтида таяммум қиларди (*Дорақутний ривояти*). Али (розияллоҳу анҳу) айтади: “Ҳар бир намоз вақти учун таяммум қилинади” (*Ибн Абу Шайба ривояти*). Саиддан ривоят қилинишича, Қатодага ҳар бир намозга таяммум қилиш ёқарди (*Ибн Абу Шайба ривояти*). Мужоҳид Ибн Аббосдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Бир таяммум билан бир маҳалдан кўп намоз ўқимаслик суннатдир” (*Дорақутний ривояти*). Ҳасан Басрий: “Таяммумни фақат таҳоратсизлик синдиради”, деган (*Ибн Абу Шайба ривояти*). Ато айтади: “Агар таҳорати синмаса, бир таяммум билан хоҳлаганча намоз ўқийди” (*Ибн Абу Шайба ривояти*). Абу Ҳанифа Ҳаммоддан, Ҳаммод Иброҳимдан ривоят қилади: “Агар таҳорати синмаса, тупроқ билан покланувчининг таяммуми ўз кучида қолади” (*Ибн Абу Шайба ривояти*).

Абу Ҳанифа ва Абу Юсуф наздида, агар таҳоратлиларда сув йўқ бўлса, улар таяммум қилганга иқтидо қилишлари жоиз. Сабаби сув йўқлигида таяммум мутлақ таҳоратдир. Агар иқтидо қилувчиларда сув бўлса, таяммум қилган таҳоратлиларга имомлик қила олмайди.

ТАЯММУМНИ СИНДИРУВЧИ АМАЛЛАР

1. Таҳоратни бузувчи ҳар қандай амал таяммумни бузади.

Орқа ва олд йўлдан нажосат чиқиши, бадандан қон чиқиби, покиза жойга оқиши, оғиз тўлдириб қусиш, ёнбошлаб ухлаш ҳамда жинсий аъзоларнинг бир-бирига тегиши каби таҳоратни синдирувчи амаллар таяммумни ҳам синдиради.

Таҳорат ва ғуслни бузувчи ҳар қандай амал таяммумни бузади. Сабаби таяммум бу иккиси ўрнига ўтади. Аслини бузган нарса унинг ўринбосарини ҳам бузади. Ғуслни синдирувчи ҳар қандай амал таҳоратни синдиради. Таҳоратни синдирувчи ҳар қандай амал таяммумни синдиради. Аммо таҳоратни бузувчи ҳар қандай амал ғуслни бузмайди, яъни ғуслни вожиб қилмайди. Ким жунуб бўлганда таяммум қилгандан кейин таҳорати бузилса, у сув топгунича жунуб эмас, балки таҳоратсиз ҳисобланади.

2. Суви йўқ киши сув топиши билан қилган таяммуми бузилади.

Қўйдаги ривоят таяммум қилган киши сув топиши билан таяммуми синишига далолат қилади.

۳۴۷ - وَعَنْ أَبِي ذَرٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: إِنَّ الصَّعِيدَ الطَّيِّبَ طَهُورُ الْمُسْلِمِ وَإِنْ لَمْ يَجِدْ الْمَاءَ عَشْرَ سَنِينَ فَإِذَا وَجَدَ الْمَاءَ فَلْيُمْسَهُ بِشِرْتِهِ فَإِنَّ ذَلِكَ خَيْرٌ. (رَوَاهُ أَصْحَابُ السُّنَنِ وَأَحْمَدُ وَالِدَّارِقُطْنِيُّ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

347 – Абу Зарр (розияллоҳу анҳу) Расулуллоҳдан (солаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади: “Албатта покиза ер жинси, гарчи ўн йил сув топа олмаса ҳам, мусулмон (банда)ни покловчидир. Агар сув топса, уни баданига текказсин! Зеро, мана шуниси яхшидир” (Сунан соҳиблари, Аҳмад ва Дорақутний ривояти. Ҳадис санади саҳиҳ).

Ушбу ривоятда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таяммумни “покловчи” (таҳорат) деб атамоқдалар. Таяммум сув топилгунича бандани таҳоратсизлик ва жунубликдан поклайди. Бундан келиб чиқади, таяммум сув йўқлигида таҳоратнинг мутлақ ўринбосаридир. Сув топилгунича банданинг таяммуми синмайди. Агар таҳорат ёки ғулга етарли сув топилса, таяммум бузилади. Акс ҳолда бузилмайди¹⁹⁹. Бунда сув таҳорат ёки ғулга етадиган бўлиши керак. Агар сув топилса-ю, у нопокликни кетказишга етмаса, чанқоқни қондириш ёки хамир қориш каби зарур эҳтиёжлардан ортмаса, таяммум бузилмайди. Сабаби сув зарур эҳтиёжлардан ортмаса, сув йўқ дегадир.

Таяммум қилган киши сафарда бўлиб, таҳоратда ювилиши фарз бўлган аъзоларни бир мартадан ювишга етадиган сув топса, суннатга мувофиқ ювганда етмаса ҳам, унинг таяммуми бузилади.

Таяммум қилган киши кўп сув бор ердан ўтса-ю, аммо ўзи буни билмаса ёки ухлаётган бўлса, унинг таяммуми бузилмайди. Абу Юсуфдан шундай ривоят қилинган.

Таяммум қилган беш киши бир кишининг таҳоратига етадиган сув топишса, барчасининг таяммуми бузилади. Сабаби уларнинг барчаси бу сувга ҳақли, бири бошқасидан устун эмас.

Агар намоз ўқиб бўлгандан сўнг сув топилса ва намоз вақти ўтган бўлса, таяммум билан ўқиган намозини қайтариб ўқиши шарт эмас. Бунда ҳеч қандай ихтилоф йўқ. Агар намоз вақти чиқмай туриб сув топса ҳам, жумҳур уламолар наздида, намозни қайтариб ўқимайди. Бунга сабаб шуки, сув йўқ бўлса, таяммум қилинади. Ким сув йўқлигида таяммум билан намоз ўқиса, шаръан таҳоратли ҳолда намоз ўқиган ҳисобланади. Намоздан кейин сув топилиши билан ўқиган намози ботил бўлмайди. У намоз ўқиётган пайтида сув йўқ эди. Муҳими шу.

Киши сув бор ерга келсаю, аммо душман ёки йиртқич ҳайвон ҳамласидан қўрқса, таяммуми бузилмайди. Агар

¹⁹⁹ Имом Шофиъий наздида, озми-кўпми сув топилиши билан таяммум бузилади.

бир қудуқ олдига келиб, сув олиш учун челақ ёки арқон бўлмаса ёки сув топиб, ўзи ёки ҳайвони чанқаб қолиши эҳтимоли бўлса ҳам таяммуми бузилмайди.

Таяммум қилган киши сув топгани билан уни ишлатишга қодир бўлмаса, сув ишлатиш соғлиғи учун зарар келтирса, маълум муддат таяммум қилади. Ўз-ўзидан маълум, сув ишлатишга қодир бўлмаган кишининг сув топиши билан қилган таяммуми синмайди²⁰⁰.

3. Сув ишлата олмаслиги туфайли таяммум қилган киши сув ишлатишга қодир бўлган вақтда таяммуми бузилади.

Бунга қаттиқ совуқдан кейин куннинг исиб кетиши, душман ва ваҳший ҳайвоннинг сувли жойдан узоқлашиши, сув олиш учун арқон ва челақнинг топилиши кабилар ҳам киради.

Агар киши қаттиқ совуқ туфайли таяммум қилган бўлса, кун исиши билан қилган таяммуми бузилади. Агар сув бор пайтида касаллик ёки совуқ туфайли таяммум қилган бўлса, кейин сув бўлмай қолса, шу вақтда касаллик тузалиб, совуқ чекинса, сув ишлатишга қодир бўлгани учун таяммуми бузилади.

Таяммумни мубоҳ қилувчи ва унга сабаб бўлувчи ҳар қандай нарсанинг барҳам топиши билан таяммум бузилади.

Муртад бўлиш билан таяммум бузилмайди. Муртадлик ибодатнинг савобини кетказади, нопокликни кетказишни ман қилмайди. Бу худди риё таҳорат қилган кимсанинг аъзолари поклангани билан таҳорат олгани учун савобдан маҳрум бўлишига ўхшайди.

Ким намозни ўқиб бўлиб, муртад бўлса, сўнг намоз вақти чиқмай туриб яна мусулмон бўлса, намозини қайтариб ўқийди. Сабаби намоз ҳақиқий ибодат. Диндан қайтиш билан унинг савоби ҳам, амалнинг бажарилгани ҳам ботил бўлади. Шу сабаб уни қайтариб ўқиш керак. Аммо

²⁰⁰ Сув топилиши икки хил бўлади: 1) Сурат ва маъно жиҳатидан топилиши. Сув ишлатишга қодир бўлган кишининг етарли сувга эга бўлиши. Бу билан таяммум бузилади. 2) Маъно жиҳатидан эмас, сурат жиҳатидан топилиши. Сув ишлатишга қодир бўлмаган кишининг сув топиши. Бу билан таяммум бузилмайди. Сабаби бу ерда сув бўлгани билан таяммумни мубоҳ қилувчи бошқа бир омил бор.

таҳорат намозни мубоҳ қилиш учун шарт қилинган пок-
ланиш бўлиб, ҳақиқий ибодат эмас. Аммо таҳорат ният
билан ибодатга айланади.

ТАЯММУМ БИЛАН НАМОЗ ЎҚИЛГАЧ, ВАҚТ ЧИҚМАЙ ТУРИБ СУВ ТОПИЛСА, НАМОЗ ҚАЙТА ЎҚИЛМАЙДИ

۳۴۸ – عَنْ نَافِعٍ عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّهُ أَقْبَلَ مِنَ الْجُرْفِ حَتَّى إِذَا كَانَ بِالْمَرْبِدِ تَيَمَّمَفَمَسَحَ وَجْهَهُ وَيَدَيْهِ وَصَلَّى الْعَصْرَ ثُمَّ دَخَلَ الْمَدِينَةَ وَالشَّمْسُ مُرْتَفَعَةٌ فَلَمْ يُعِدِ الصَّلَاةَ. (رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَالشَّافِعِيُّ وَاللَّفْظُ لَهُ وَالْحَاكِمُ وَالِدَارَقُطْنِيُّ).

348 – Нофеъ ривоят қилишича, Ибн Умар Журуфдан чиқиб, Мирбадга етганида юзи ва икки қўлига масҳ тор-
тиб таяммум қилди ҳамда аср намозини ўқиди. Сўнгра
Мадинага кирди. Ўшанда куюш кўтаралиб турарди, аммо
у намозни қайта ўқимади (*Бухорий, Шофибий, Хоқим ва
Дорақутний ривояти. Ривоят лафзи Шофибийга тегишли*).

Журуф Мадина яқинидаги жой номи. Мирбад Мадина
билан Журуф орасидаги жой. Ибн Исҳоқнинг айтиши-
ча, Журуф Мадинадан бир фарсах узоқликда жойлашган.
Мирбад эса Мадинадан бир мил узоқликдадир.

Ушбу ривоятдан маълум бўлишича, таяммум муқим
ва мусофир кишига бирдек жоиз. Шунингдек, сув йўқ-
лиги сабаб таяммум билан намоз ўқилгач, намоз вақти
чиқмай туриб сув топилса, намозни қайтариб ўқиш шарт
эмас. Ибн Умар (розияллоху анху) қилган иш шунга дало-
лат қилади.

۳۴۹ – وَعَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: خَرَجَ رَجُلَانِ فِي سَفَرٍ فَحَضَرَتِ الصَّلَاةَ وَلَيْسَ مَعَهُمَا مَاءٌ فَتَيَمَّمَا صَعِيدًا طَيِّبًا فَصَلَّيَا ثُمَّ وَجَدَا الْمَاءَ فِي الْوَقْتِ فَأَعَادَ أَحَدُهُمَا الصَّلَاةَ وَالْوُضُوءَ وَلَمْ يُعِدِ الْآخَرُ ثُمَّ أَتَى رَسُولَ

اللَّهُ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَذَكَرًا ذَلِكَ لَهُ فَقَالَ لِلَّذِي لَمْ يُعِدْ: أَصَبْتَ السُّنَّةَ وَأَجْرَاتِكَ صَلَاتِكَ وَقَالَ لِلَّذِي تَوَضَّأَ وَأَعَادَ: لَكَ الْأَجْرُ مَرَّتَيْنِ. (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالنَّسَائِيُّ وَالِدَارِمِيُّ وَالْحَاكِمُ وَالِدَّارِقُطْنِيُّ وَالطَّبْرَانِيُّ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.)

349 – Абу Саид Худрий (розияллоху анху) ривоят қилинади: “Икки киши сафарга чиқди. Намоз вақти кирганида сувлари йўқ эди. Улар покиза тупроқ билан таяммум қилиб, намоз ўқиди. Кейин намоз вақти чиқмай туриб сув топишди. Улардан бири таҳорат олиб, намозини қайта ўқиди. Бошқаси эса қайта ўқимади. Кейин иккиси Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) ҳузурларига келиб, бўлган воқеани айтганида, у зот намозини қайтариб ўқимаган кишига: “Тўғри (шариатга мувофиқ) қилибсан. Намозинг дуруст”, дедилар. Сўнгра таҳорат олиб, намозини қайта ўқиган кишига: “Сенга икки марта кўп ажр берилади”, дедилар” (Абу Довуд, Насоий, Доримий, Ҳоким, Дорақутний ва Табароний ривояти. Ривоят санади саҳиҳ).

Ушбу ривоятга кўра, бундай ҳолатда намозни қайта ўқиш ҳам, қайта ўқимаслик ҳам мумкин экан. Бу ерда намоз вақти кириши билан иложини топиб, тезроқ ибодатни бажариб олишга ҳаракат қилиш лозимлигига алоҳида урғу берилмоқда.

Бу бобда айтилган ривоятларни ўрганиб чиққан уламолар таяммум билан намоз ўқиган, сўнг намоз вақти чиқмай туриб сув топган киши ҳақида ихтилоф қилган. Ато, Товус, Ибн Сирин, Макхул ва Зухрий бу ҳолатда намоз қайтариб ўқилишини айтган. Авзойи бу иш вожиб эмас, мустаҳаблигини айтган. Шаъбий, Молик, Суфён Саврий, раъй аҳллари, Шофиъий, Аҳмад ва Исҳоқларга кўра, бундай ҳолда намоз қайта ўқилмайди.

Абу Ҳанифа ва Муҳаммадга кўра, мусофир уловида сув борлигини унутиб, таяммум билан намоз ўқиса, кейин сув борлигини эсласа, намозини қайтариб ўқимади. Абу Юсуф наздида, қайтариб ўқийди. Агар уловимда сув қолмаган, деб ўйласа ва таяммум билан намоз ўқигач, сув борлиги маълум бўлса, намозни қайтариб ўқийди.

Сув ва тупроқ топа олмаган кишининг ҳукми.

Ким таҳорат учун сув ва таяммум учун тупроқ топа олмаса, ҳанафий мазҳабига кўра, ўзини намоз ўқиётганга ўхшатади, аммо қироат ва ният қилмайди. Қачон сув ва тупроқ ишлатишга қодир бўлса, намозини қайта ўқийди. Шофиъий ва ҳанбалийлар сув ва тупроқ топа олмаган киши фақат фарз намознигина ўқийди, деган. Шофиъийлар наздида, сув ва тупроқ топилгандан кейин намоз қайта ўқилади, ҳанбалийларга кўра, қайта ўқилмайди²⁰¹.

Мавзуга оид турли масалалар

Ҳанафий уламолар наздида, намоз вақти киришидан олдин таяммум қилиш жоиз.

Жунуб таҳорат олишга етарли сувга эга бўлса, таяммум қилади ва унга таҳорат олиш вожиб эмас. Шунингдек, таҳоратсиз кишида баъзи аъзоларинигина ювишга етадиган сув бўлса, у ҳам таяммум қилади. Бемор таҳорат ва таяммум қилишга қодир бўлмаса, унга таҳорат ва таяммум қилдирувчи ҳам топилмаса, у намоз ўқимайди²⁰².

Агар маҳбус таҳоратга сув, таяммумга тоза тупроқ ёки ер жинсини топа олмаса, Абу Ҳанифа ва Муҳаммадга кўра, у намоз ўқимайди. Бунда ер ёки деворни ковлаш имкони бўлмаслиги керак. Агар имкони бўлса, ковлаб тупроқ чиқаради ва таяммум қилади. Таҳорат олгандан кейин сийдиги томчилаб оқиб турса, таяммум қилганда бундай бўлмаса, унинг таяммум қилиши жоиз. Киши бир жойдан кўп марта таяммум қилиши жоиз. Икки киши бир жойдан таяммум қилиши ҳам жоиз. Таяммум устига таяммум қилиш Аллоҳга қурбат ҳосил қилмайди.

Намоздаги одамга бир ғайридин: “Мана бу сувни ол”, деса, киши намозини бузмайди. Сабаби насроний буни истехзо маъносида айтаётган бўлиши мумкин. Намоз шубҳа билан бузилмайди. Агар намоздан фориғ бўлгач, ундан сув сўраганда берса, намозини қайтариб ўқийди. Акс ҳолда, қайта ўқилмайди²⁰³.

²⁰¹ «Шарҳун Нававий ғала саҳиҳи Муслим», «Баҳрур роиқ»

²⁰² “Фатаво ҳиндийя”.

²⁰³ “Фатаво қозихон”.

ЖАРОҲАТГА МАСҲ ТОРТИШ

Бирон аъзо синганда ёки шикастланганда, устидан гипс қилинганда ёки дори қўйиб мато билан боғланганда, таҳорат чоғида уни ечиб ювиш машаққат туғдирса, оғриқни кучайтирса ёки тузалишни кечиктириб юборадиган бўлса, унга масҳ тортиш жоиз. Бу ҳам Ислом енгиллик дини эканига ёрқин мисолдир.

Жароҳатланган жойни таҳорат олганда ҳар сафар ечиб ювиш машаққат ва зарар келтиради. Уни ечиш маҳсини ечишдан ҳам қийинроқ. Абу Ҳанифа, Абу Юсуф ва Муҳаммад жароҳатларга масҳ тортиш фарз эмас, вожибдир, деган²⁰⁴. Фақат бунда масҳ тупроқ билан эмас, сув билан тортилади.

Жароҳат жойларига масҳ тортиш сув билан ювиш ўрнига ўтади²⁰⁵. Агар жароҳат жойи ечилганда тузалган бўлса, уни ювиш вожиб бўлади. Агар ҳали тузалмаган бўлса, масҳ тортишда давом этади. Агар жароҳати бўлиб, бошқа аъзоларга ҳам сув тегиши зарар қилса, бундай киши таяммум қилади.

Қуйидаги ҳолатларда жароҳатга масҳ тортиш жоиз:

– синган ёки жароҳатланган аъзога сув текказиш ёки ечиш зарар келтирса;

– жароҳатга боғланган латгани ечганидан кейин ярани ўзи боғлай олмаса ёки боғлаб қўядиган одам бўлмаса;

– совуқ сув билан ювиш ярага зарар келтирса²⁰⁶;

Агар жароҳат устига боғланган латтага масҳ тортиш ҳам зарар келтирса, масҳ соқит бўлади. Сабаби узр туфайли ювиш соқит бўлади. Жароҳатга масҳ тортишнинг соқит бўлиши ювишникидан кўра муҳимроқдир. Жароҳатларга масҳ тортиш билан маҳсига масҳ тортиш ўртасида фарқ бор. Улар қуйидагилар:

²⁰⁴ Лекин “Бадаиъус саноиъ”да Абу Ҳанифа бунини вожиб эмас, мустаҳаб, унинг икки шогирди эса вожиб, дегани келтирилган.

²⁰⁵ Шофиъий, моликий ва ҳанбалийлар жароҳатга сув билан масҳ тортиш вожиб, яъни фарз, деб айтган.

²⁰⁶ Бунда ярани иссиқ сув билан ювиш лозим бўлади.

1. Маҳсига фақат таҳоратда масҳ тортилади. Жароҳатларга эса таҳоратда ҳам, ғулда ҳам масҳ тортиш жоиз;

2. Маҳсига масҳ тортиш муддати муқим ва мусофир учун алоҳида белгиланган. Жароҳатларга масҳ тортиш эса муқим ва мусофирга бир хил. Унинг муддати яра тузалгунича давом этади.

3. Маҳсига масҳ тортиш учун маҳси оёқларга таҳоратли ҳолда кийилган бўлиши лозим. Жароҳатларга масҳ тортишда эса бу нарса шарт эмас. Чунончи, ярани боғлаш, тахтакачлаш ёки гипслаш учун аввал таҳорат олиш шарт эмас²⁰⁷.

4. Жароҳатнинг аксар қисмига масҳ тортиш лозим. Маҳсининг эса учта бармоқ миқдорича жойига масҳ тортиш етарли.

5. Жунуб бўлганда маҳси ечилиб, оёқ ювилиши керак. Аммо жароҳатликда ечилмайди. Ғулда ҳам жароҳатга масҳ тортилади.

6. Жароҳат тузалмасдан олдин унга боғланган латта тушиб кетса, жароҳатга тортилган масҳ бузилмайди. Маҳсининг оёқдан чиқиб кетиши билан унга тортилган масҳ бузилади.

7. Жароҳатга масҳ тортиш оёқдан бошқа аъзоларга ҳам тегишли. Аммо маҳсига масҳ тортиш фақат оёқ билан боғлиқ.

۳۵۰ - عَنْ جَابِرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: خَرَجْنَا فِي سَفَرٍ فَأَصَابَ رَجُلًا مِّنَّا حَجْرٌ فَشَجَّهُ فِي رَأْسِهِ ثُمَّ احْتَلَمَ فَسَأَلَ أَصْحَابَهُ فَقَالَ: هَلْ تَجِدُونَ لِي رُخْصَةً فِي التَّيْمُمِ فَقَالُوا: مَا نَجِدُ لَكَ رُخْصَةً وَأَنْتَ تَقْدِرُ عَلَى الْمَاءِ فَاغْتَسَلَ فَمَاتَ فَلَمَّا قَدِمْنَا عَلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أُخْبِرَ بِذَلِكَ فَقَالَ: قَتَلُوهُ قَتَلَهُمُ اللَّهُ إِلَّا سَأَلُوا إِذْ لَمْ يَعْلَمُوا فَإِنَّمَا شَفَاءُ الْعِيِّ السُّؤَالُ إِنَّمَا كَانَ يَكْفِيهِ

²⁰⁷ Ҳанафий ва моликийларга кўра, жароҳат боғланаётганда банда таҳоратли бўлиши шарт эмас. Шофиъий ва ҳанбалийлар бунда у сув билан таҳорат қилган бўлиши керак, деган. Бунда аввалги фикр маъқул саналади. Сабаби бирон жойнинг синиши ёки шикастланишидан кейин таҳорат қилиш машаққат туғдиради. Бунда жароҳатга масҳ тортишга рухсат берилишидан мақсад ҳам бандаларга енгиллик яратиш эканини унутмаслик лозим.

أَنْ يَتَيَّمَمَ وَيَعْصِرَ أَوْ يَعْصِبَ شَكَّ مُوسَى عَلَى جُرْحِهِ خِرْقَةً ثُمَّ يَمْسَحَ عَلَيْهَا وَيَغْسِلُ سَائِرَ جَسَدِهِ. (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالِدَّارِمِيُّ وَابْنُ مَاجَةَ وَأَحْمَدُ وَالْحَاكِمُ وَالِدَّارِقُطْنِيُّ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ.)

350 – Жобир ибн Абдуллоҳ (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Биз сафарга чиққан эдик. Орамиздан бир кишига тош тегиб боши ёрилди. Сўнгра у эҳтилом бўлиб дўстларидан: “Мен таяммум қилсам бўладими?” деб сўради. Улар: “Сен сув ишлатишга қодир бўла туриб таяммум қилишинг жоиз эмас, деб биламиз”, деди. Бас, у ғул қилди ва ўлиб қолди. Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига борганимизда у зот бундан хабар топиб, “Уни ўлдиришибди, Аллоҳ уларни ўлдирсин! Билмасалар сўрамайдиларми?! Ахир жоҳилликнинг давоси савол-ку! Унга таяммум қилиш – жароҳатига латта боғлаб, унга масҳ тортиши ва танасининг қолган қисмини ювиши кифоя қилар эди!” дедилар” (Абу Довуд, Доримий, Ибн Можа, Аҳмад, Ҳоким, Дорақутний ривояти. Ривоят санади ҳасан).

Ушбу ривоятда боши ёрилиб, эҳтилом бўлган киши дўстларидан таяммум қилиш ҳақида сўраганида уни бу ишдан қайтарганлари, у бемор бўла туриб ғул қилиши натижасида вофот этгани, буни эшитган Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) илмсиз тарзда фатво берганларни қаттиқ койиб, жароҳатга масҳ тортиш жоизлигини таъкидлаганлари айтилмоқда.

Ривоятдаги “таяммум”ни тупроқ билан таяммум қилиш эмас, балки жароҳат устига боғланган латтага сув билан масҳ тортиш, деб тушуниш керак.

۳۵۱ – وَعَنْ أَبِي أُمَامَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ لَمَّا رَمَاهُ ابْنُ قَمِيئَةَ يَوْمَ أُحُدٍ رَأَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا تَوَضَّأَ حَلَّ عَنْ عَصَابَتِهِ وَمَسَحَ عَلَيْهَا بِالْوَضْوِءِ. (رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ فِي الْكَبِيرِ وَفِي الْمُسْنَدِ الشَّامِيِّنَ وَفِي سَنَدِهِ ضَعْفٌ.)

351 – Абу Умомадан ривоят қилинишича, Уҳуд куни Ибн Қамиа Набийга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўқ отган ва у зот таҳорат олаётганларида жароҳат устидаги латтани ечиб, таҳорат суви билан унга масҳ тортганлар (*Табароний “Кабир” ва “Муснадуш шамиййин” да ривоят қилган. Ривоят санадида заифлик бор*).

Ушбу ривоятда айтилишича, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) жароҳатланганларидан кейин таҳоратда жароҳат устига масҳ тортганлар. У зот Уҳуд жангида жароҳат олганлар. Ўшанда саҳобалар орасида саросималик пайдо бўлиб, баъзи бирлари Мадинага қочиб кетади. Баъзи бирлари тоғ тепасига чиқиб олади. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) одамларни Аллоҳ йўлида сабот билан жанг қилишга чақирдилар. Шунда Абдуллоҳ ибн Қамиа Набийга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тош отди ва у зотнинг бурнилари ва тишларини синдирди. Кейин ўттиз нафар киши келиб, Расулulloҳни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳимоя қила бошлади. Улар ичида Талҳа ва Саҳл ибн Ҳунайф ҳам бор эди.

۳۵۲ – وَعَنْ عَلِيِّ بْنِ أَبِي طَالِبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَأَلْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنِ الْجَبَائِرِ تَكُونُ عَلَى الْكَسِيرِ كَيْفَ يَتَوَضَّأُ صَاحِبُهَا وَكَيْفَ يَغْتَسِلُ إِذَا أَجْنَبَ قَالَ: يَمْسَحَانِ بِالْمَاءِ عَلَيْهَا فِي الْجَنَابَةِ وَالْوُضُوءِ قُلْتُ: فَإِنْ كَانَ فِي بَرْدٍ يَخَافُ عَلَى نَفْسِهِ إِذَا اغْتَسَلَ قَالَ: يُمِرُّ عَلَى جَسَدِهِ وَقَرَأَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ « وَلَا تَقْتُلُوا أَنْفُسَكُمْ إِنَّ اللَّهَ كَانَ بِكُمْ رَحِيمًا » يَتِيمٌ إِذَا خَافَ. (رَوَاهُ الدَّارَقُطْنِيُّ فِي السُّنَنِ).

352 – Али ибн Абу Толиб (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Мен Расулulloҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) синган жойдаги жароҳатлар ҳақида, жароҳат эгаси таҳорат қилаётганида ва жунубликдан ғул қилаётганида қандай қилиши ҳақида сўрадим. У зот: “У (жароҳат) устига жунублик ва таҳоратда сув билан масҳ тортади”, дедилар. Мен: “Агар совук бўлиб, ғул қилса, ўзига зарар бўлишидан

қўрқса-чи?” деб сўраган эдим, у зот: “Агар қўрқса, (тупроқ билан) баданини силайди, таяммум қилади”, дедилар ва **“ўзингизни ўлдирманг. Зеро, Аллоҳ сизларга ўта Меҳрибондир”** оятини тиловат қилдилар” (*Дорақутний “Сунан”да ривоят қилган*).

Ушбу ривоятда таҳорат ва ғусл қилганда жароҳатга масҳ тортиш жоиз экани, агар жароҳати тузалмаган киши жунуб бўлса, жароҳатини ечиб, ярасини ювиши шарт эмаслиги айтилмоқда.

۳۵۳ - عَنْ أَشْعَثَ قَالَ: سَأَلْتُ إِبْرَاهِيمَ النَّخَعِيَّ فَقُلْتُ: انْكَسَرَتْ يَدِي وَعَلَيْهَا خَرَقَتُهَا وَعِيدَانُهَا وَجَبَائِرُهَا فَرُبَّمَا أَصَابَتْنِي جَنَابَةٌ فَقَالَ: امْسَحْ عَلَيْهَا بِالْمَاءِ فَإِنَّ اللَّهَ تَعَالَى يَعْذِرُ بِالْمَعْدِرَةِ. (رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ فِي السُّنَنِ الْكُبْرَى وَعَبْدُ الرَّزَّاقِ فِي الْمُصَنَّفِ.)

353– Ашъас ривоят қилади: Мен Иброҳим Нахаъийдан: “Менинг қўлим синди. Унинг устида латта, тахтакач ва яралари бор. Баъзида менга жунублик етади. (Шунда қандай йўл тутаман?)” деб сўрагандим, у: “Унинг устига сув билан масҳ торт. Чунки Аллоҳ таоло узрли ҳолатни кечиради”, деди (*Байҳақий “Ас-сунанул кубро”да ва Абдураззоқ “Мусоннаф”да ривоят қилган*).

Бундан жароҳатга масҳ тортиш жунубга ҳам жоиз экани маълум бўлади. Сабаби жароҳат боғланган вақтда кишида жунублик ҳолати кузатилади. Агар бунда ярани ювиш лозим, дейилганида бандаларга қийинлик қиларди. Шу сабаб енгиллик дини бўлган Исломда жунуб жароҳатга масҳ тортиши жоиз.

Жароҳат жойларга боғланган бинт ёки гипс устидан масҳ тортиш учун ният шарт эмас. Лекин ният қилиш афзал.

Икки оёқдан бирида яра бўлса, яралари оёққа масҳ тортилади ва унинг қолган жойи билан иккинчи оёқ ювилади. Агар жароҳатли киши жунубликдан ғусл қилганда соғлиғига зарар етишидан қўрқса, тупроқ билан таяммум

қилади. Яра тузалмасдан олдин устидаги бинт ёки гипс тушиб кетса, унга тортилган масҳ бузилмайди.

Жароҳат устидаги бинтни янгилаш жоиз. Бу ҳолда янгидан масҳ тортиш шарт бўлмаса ҳам, эҳтиёт юзасидан масҳ тортиш яхши. Абу Ҳанифа айтади: “Агар жароҳатга масҳ тортиш зарар етказса, масҳ соқит бўлади. Сабаби узр юзасидан ювиш соқит бўлади. Масҳ эса ювишдан кўра соқит бўлишга яқинроқдир”.

Абу Юсуф ва Муҳаммадга кўра, жароҳатга масҳ тортилмай ўқилган намоз тўғри эмас.

Ҳанафийлар наздида, жароҳатнинг аксар қисмига бир марта масҳ тортиш кифоя қилади. Жароҳатнинг ҳаммасига масҳ тортиш ёки масҳни такрорлаш шарт эмас²⁰⁸.

Уламолар иттифоқига кўра, бир оёғидаги жароҳатга масҳ тортиб, иккинчи соғлом оёғидаги маҳсига масҳ тортиш жоиз эмас. Бунда иккала оёқ ювилади ва жароҳат бор ерга масҳ тортилади. Жароҳатга масҳ тортиш муддати белгиланмаган. Яра тузалгунча унга масҳ тортиш жоиз.

Жунуб ғусл қилаётганида хоҳлаган вақтда жароҳатига масҳ тортиши мумкин²⁰⁹.

Ҳанафий ва моликийлар наздида, жароҳатга масҳ тортиш ва таяммум жамланмайди, яъни иккиси бир вақтда қилинмайди, балки жароҳатга масҳ тортишнинг ўзи етарли. Бунга сабаб шуки, икки хил таҳорат бир пайтда қилинмайди²¹⁰.

Оёқни ювиш билан маҳсига масҳ тортиш ҳам жамланмайди. Яъни, кишининг бир оёғида жароҳат бўлиб, таҳоратда унга масҳ тортса ва бошқа соғлом оёғига маҳсига кийса, таҳорати синганидан кейин иккинчи оёғидаги маҳсига масҳ тортиши мумкин эмас. Агар оёқдаги жароҳат-

²⁰⁸ Шофиъий, моликий ва ҳанбалийлар наздида, жароҳатнинг ҳамма жойига сув билан масҳ тортиш вожиб. Сабаби жароҳат ости ювилиши лозим бўлган жой саналади. Жароҳат боғланган латтага масҳ тортиш, одатда, зарар қилмайди. Маҳсида эса бундай эмас. Маҳсининг ҳамма қисмига масҳ тортиш қийин ва бу билан маҳсининг яроқлилигига путур етади.

²⁰⁹ Шофиъий ва ҳанбалийларга кўра, агар жароҳат таҳоратда ювилиши лозим бўлган аъзоларда бўлса, ғуслда ўша аъзо ювилаётганда унга масҳ тортиш шарт. Сабаби бу икки мазҳабга кўра, таҳоратда аъзоларни тартиб билан ювиш фарз саналади.

²¹⁰ Шофиъийлар наздида, жароҳатга масҳ тортилади ва таяммум ҳам қилинади.

га масҳ тортиб, иккала оёғига маҳси кийса, унда маҳсига масҳ тортиши мумкин. Ҳанафий уламолар наздида, киши жароҳатга масҳ тортиб, бир неча кун намоз ўқиса, яраси тузалганидан кейин жароҳатига масҳ тортиб ўқиган намозларини қайтариб ўқиши шарт эмас.

Баданининг кўп қисми ёки ярми ярали бўлган киши жунуб бўлса, ғусл ўрнига, таҳоратсиз бўлса, таҳорат ўрнига таяммум қилади. Агар тана аъзоларининг аксар қисми соғлом ва озроқ қисми ярали бўлса, соғлом жойларини ювади ва ярасига масҳ тортади.

Агар қорни ёки елкасида жароҳати бўлиб, баданига сув тегиши зарар етказса, бундай ҳолатда ҳам таяммум қилинади. Имом Абу Бакр айтади: “Мен Кархийнинг “Жомиъус-соғийр” китобида кўрдим, икки қўли ва икки оёғи кесилган кишининг юзида жароҳат бўлса, у таҳоратсиз намоз ўқийди. У таяммум қилмайди, намозини қайта ҳам ўқимади²¹¹”.

ЖАРОҲАТГА ТОРТИЛГАН МАСҲНИ БУЗУВЧИ НАРСАЛАР

Агар жароҳат тузалиб, унинг устига боғланган латта тушиб кетса ёки ечилса, таҳоратли бўлмаса, бундай одам таҳорат қилаётганда ўша аъзони ювади. Агар таҳоратли ҳолида жароҳат тузалиб латта тушиб кетса, унга тортилган масҳ бузилади. Бунда фақат жароҳатнинг ўзи ювилади, қайтадан таҳорат ёки ғусл қилиш шарт эмас. Жароҳатдан тузалгач, таҳорат ва ғуслда ювилмай, устига масҳ тортилган аъзонинг ўзини ювиб қўйса, кифоя қилади. Сабаби баъзи аъзонинг нопоклиги бутун танани нопок қилмайди. Бу худди маҳсига масҳ тортиш муддати тугаши ёки муддат чиқмай туриб, маҳсининг оёқдан ечилишига ўхшайди. Маълумки, бунда оёқнинг ўзини ювса, кифоя қилади. Агар яра тузалмай устига боғланган латта тушиб кетса, уни ювиш лозим эмас, унга тортилган масҳ ҳам бузилмайди. Агар яра тузалиб латта тушиб кетса, унга тор-

²¹¹ “Ал-Бахрур роиқ шарҳу канзид дақоиқ”.

тилган масҳ бузилади ва фақат ўша жойнинг ўзини ювиш лозим бўлади.

Агар намоз ўқиётганда жароҳатга боғланган латта тушиб кетса, намоз ўқишда давом этади, бошидан бошлаш шарт эмас. Агар намоздан ташқарида тушиб кетса, латтани жойига қайтариб боғлайди, унга қайтадан масҳ тортиши шарт эмас. Шунингдек, яра тузалмасдан олдин латта алмаштирилса ҳам қайта масҳ тортиш шарт эмас. Таҳоратда жароҳатга қўйилган дори устидан сув юргизилса, кейин яра тузалиб дори тушиб кетса, уни ювиш лозим. Акс ҳолда йўқ. Жароҳат устига боғланган латтага яра суви ёки қон чиқса, таҳорат бузилади. Акс ҳолда йўқ. Жароҳат устидаги латта алмаштирилганда унга қайта масҳ тортиш афзал. Сўзимиз охирида Аллоҳ таолога ҳамду санолар ва расулига салавот ва саломлар айтамыз!

Фойдаланилган манбалар рўйхати:

1. *Муҳаммад ибн Жарир ибн Язид ибн Касир ибн Ғолиб Абу Жаъфар Табарий*. “Жамиъул баян фи таъвилли Қуръон”, 24-жуз. – Муассасатур рисала, 2000.
2. *Абулфидо Исмоил ибн Касир*. “Тафсирул Қуръонил азим”, 4-жуз. – Байрут-Ливан. Дарул Маъариф, 1989.
3. *Абдураҳмон ибн Камол Жалолиддин Суютий*. “Ад-дуррул мансур”, 8-жуз. – Байрут. Дарул фикр, 1993.
4. *Асъад Ҳавмад*. “Айсарут тафасир”.
5. *Алоуддин Мансур*. “Қуръони карим”./Ўзбекча изоҳли таржима. – Бишкек. Эркин-Тоо, 2001. –767-б.
6. *Муҳаммад ибн Исмоил Абу Абдуллоҳ Бухорий*. “Саҳиҳул Бухорий”, 6-жуз. – Байрут. Дару ибни касир – Ямама, 1987.
7. *Муслим ибн Ҳажжжоз Абулхусайн Қушайрий Найсабурий*. “Саҳиҳу Муслим”, 5-жуз. – Байрут. Дару ихъит турос.
8. *Сулаймон ибн Ашъас Абу Довуд Сижистоний Яздий*. “Сунану Аби Довуд”, 4-жуз. – Байрут. Дарул фикр.
9. *Муҳаммад ибн Исо Абу Исо Термизий*. “Сунанут Термизий”, 5-жуз. – Байрут. Дару ихъит турос.
10. *Аҳмад ибн Шувайб Абу Абдураҳмон Насоий*. “Сунанун Насоий”, 8-жуз. – Ҳалаб. Мактабул матбуат, 1986.
11. *Абдуллоҳ ибн Абдураҳмон Абу Муҳаммад Доримий*. “Сунануд Доримий”, 2-жуз. – Байрут. Дарул китабил аробий, 1407 ҳ.й.
12. *Муҳаммад ибн Язид Абу Абдуллоҳ Қазвиний*. “Сунану Ибни Можа”, 2-жуз. – Байрут. Дарул фикр.
13. *Молик ибн Анас ибн Молик ибн Омир Асбаҳий Маданий*. “Ал-Мувадто”, 8-жуз. – Муассасату зойад ибн султон оли наҳшон, 1425 ҳ.й.
14. *Аҳмад ибн Ҳанбал Абу Абдуллоҳ Шайбоний*. “Муснадул имам Аҳмад ибн Ҳанбал”, 6-жуз. – Миср. Муассасату қуртуба.
15. *Муҳаммад ибн Идрис Абу Абдуллоҳ Шофиъий*. “Муснадуш шафиъий”. – Байрут. Дарул кутубил илмийя.
16. *Муҳаммад ибн Жарир ибн Язид ибн Касир ибн Ғолиб Абу Жаъфар Табарий*. “Таҳзибул асар”, 2-жуз. – Қоҳира.
17. *Имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Ҳузайма Суламий Найсабурий*. “Саҳиҳу ибни Ҳузайма”, 4-жуз. – Байрут. Ал-мактабул исламий, 1970.
18. *Муҳаммад ибн Ҳиббон ибн Аҳмад Абу Ҳотим Тамимий Бастиий*. “Саҳиҳу Ибни Ҳиббон”, 18-жуз. – Байрут. Муассасатур рисала, 1993.

19. *Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Абу Абдуллоҳ Ҳоким Найсабурий*. “Ал-Мустадрок алас саҳиҳайн”, 4-жуз. – Байрут. Дарул кутубил илмийя, 1990.

20. *Али ибн Умар Абулҳасан Дароқутний Бағдодий*. “Сунануд Дароқутний”, 4-жуз. – Байрут. Дарул маърифат, 1966.

21. *Абулқосим Сулаймон ибн Аҳмад Табароний*. “Ал-муъжамул кабир”, 25-жуз. – Ал-Мусил. Мактабул улум вал ҳикам, 1983.

22. *Абулқосим Сулаймон ибн Аҳмад Табароний*. “Ал-муъжамул авсат”, 10-жуз. – Қоҳира. Дорул ҳаромайн, 1415 ҳ.й.

23. *Абулқосим Сулаймон ибн Аҳмад Табароний*. “Ал-муъжамус соғир”, 2-жуз. – Байрут-Уммон. Ал-мактабул исламий, 1985.

24. *Аҳмад ибн Ҳусайн ибн Али ибн Мусо Абу Бакр Байҳақий*. “Сунанул Байҳақий ал-кубро”, 10-жуз. – Маккатул мукаррама. Мактабу дарил баз, 1994.

25. *Аҳмад ибн Ҳусайн ибн Али ибн Мусо Абу Бакр Байҳақий*. “Шуъабул имон”, 7-жуз. – Байрут. Дарул кутубил илмийя, 1410 ҳ.

26. *Абу Абдураҳмон Аҳмад ибн Шуъайб Насоий*. “Китабус сунанил кубро”. – Байрут. Дарул кутубил илмийя, 1411 ҳ.

27. *Абу Бакр Аҳмад ибн Амр ибн Абдулҳолиқ Баззор*. “Ал-баҳруз заххор муснадул Баззор”. – Байрут-Мадина. Муассасату улумил Қуръон, 1409 ҳ.

28. *Аҳмад ибн Али ибн Мусанна Абу Яъло Мусилий Тамимий*. “Муснаду Аби Яъло”, 13-жуз. – Дамашқ. Дарул маъмун лит турс, 1984.

29. *Абу Бакр Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Абу Шайба Куфий*. “Мусоннафу Ибни Аби Шайба”, 8-жуз. – Риёз. Мактабатур рушд, 1409 ҳ.

30. *Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Салома ибн Жаъфар Қузоъий*. “Муснадуш шиҳоб”, 2-жуз. – Байрут. Муассасатур рисала, 1407 ҳ.

31. *Абу Авона Яъқуб ибн Исҳоқ Асфароиний*. “Ал-мустахрож”, 5-жуз. – Байрут. Дарул маърифат.

32. *Аҳмад ибн Абдуллоҳ Абу Нуъайм Асбаҳаний*. “Ҳилйатул авлия ва тобақотул асфия”, 10-жуз. – Байрут. Дарул китабил аробий, 1405 ҳ.й.

33. *Сулаймон ибн Довуд Абу Довуд Форисий Басрий Таёлисий*. “Муснаду Аби Давуд ат-Таёлисий”. – Байрут. Дарул маърифат.

34. *Абд ибн Ҳумайд ибн Наср Абу Муҳаммад Кассий*. “Муснаду Абд ибни Ҳумайд”. – Қоҳира. Мактабатус сунна, 1408 ҳ.й.

35. *Ибн Қоййим Жавзийя*. “Зодул маъод”, 5-жуз.

36. *Аҳмад ибн Али ибн Ҳажар Абулфазл Асқалоний Шофиъий*. “Фатҳул борий”, 14-жуз. – Байрут. Дарул маърифат.

37. *Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Мусо ибн Аҳмад ибн Ҳусайн Абу Муҳаммад Бадруддин Айний Ҳанафий*. “Умдатул қорий”, 25-жуз. – Байрут. Дару ихъит турос.

38. *Абу Закариё Яҳё ибн Шараф Нававий*. “Шарҳун Нававий ала саҳиҳи Муслим”, 18-жуз. – Байрут. Дару ихъит турос, 1392 ҳ.й.

39. *Абдураҳмон ибн Абу Бакр Абулфазл Суютий*. “Ад-дийбож ала Муслим”, 5-жуз. – Саудия. Дару ибни аффон, 1996.

40. *Муҳаммад Шамсулҳаққил Азим Ободий*. “Авнул маъбуд”, 4-жуз. – Байрут. Дарул кутубил илмийя, 1995.

41. *Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Мусо ибн Аҳмад ибн Ҳусайн Абу Муҳаммад Бадруддин Айний Ҳанафий*. “Шарҳу сунани Аби Давуд”, 6-жуз. – Риёз. Мактабатур рушд, 1420 ҳ.й.

42. *Муҳаммад Абдураҳмон ибн Абдураҳим Абулаъло Муборақфурий*. “Тухфатул аҳвазий”, 10-жуз. – Байрут. Дарул кутубил илмийя.

43. *Нуруддин ибн Абдулҳодий Абулҳасан Синдий*. “Ҳошиятус синдий ғала ибни Можа”, 8-жуз. – Ҳалаб. Мактабул матбуат, 1986.

44. *Абдураҳмон ибн Абу Бакр Абулфазл Суютий*. “Шарҳус Суютий лисунанин Насайй”, 8-жуз. – Ҳалаб. Мактабул матбуат, 1986.

45. *Мулло Али Қорий*. “Шарҳу муснади Аби Ҳанифа”.

46. *Абдураҳмон ибн Абу Бакр Абулфазл Суютий*. “Танвирул ҳавалик шарҳу муватто Малик”, 2-жуз. – Миср. Ал-мактабатут тижарийятул кубро, 1389 ҳ.й.

47. “Ал-Мунтақо шарҳул муватто”, 4-жуз.

48. *Абдурауф Муновий*. “Файзул қодир”, 6-жуз. – Миср. Ал-мактабатут тижарийя, 1356 ҳ.й.

49. *Шайх Валийуддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Хатиб Табризий*. “Мишкатул масобиҳ”. – Байрут. Ал-мактабул исламий, 1399 ҳ.й.

50. *Мулло Али Қорий*. “Мирқотул мафатих шарҳу мишкати масобиҳ”, 9-жуз.

51. *Али ибн Ҳусомиддин Муттақий Ҳиндий*. “Канзул уммал фи сунанил ақвали вал афғал”. – Байрут. Муассасатур рисала, 1989.

52. *Абдулазим ибн Абдулқовий Абу Муҳаммад Мунзирий*. “Ат-тарғиб ват тарҳиб”, 4-жуз. – Байрут. Дарул кутубил илмийя, 1417 ҳ.й.

53. *Имом Абу Жаъфар Таҳовий /Шуъайб Арнаут таҳқиқи остида*. “Шарҳу мушкилил асар”, 15-жуз.

54. *Абдуллоҳ ибн Юсуф Абу Муҳаммад Ҳанафий Зайлаъий*. “Насбур роя ли аҳадисил ҳидая”, 4-жуз. – Миср. Дарул ҳадис, 1357 ҳ.й.

55. *Аҳмад ибн Али ибн Ҳажар Абулфазл Асқалоний Шофиъий*. “Ат-талхисул ҳабир фи таҳрижи аҳадисир рофиъий ал-кабир”, 4-жуз. – Байрут. Дарул кутубил илмийя, 1419 ҳ.й.

56. *Исмоил ибн Муҳаммад Жарроҳий*. “Кашфул хофа ва музилул албас аммаштаҳаро минал аҳадиси ѓала алсинатин нас”. – Дару ихяит туросил аробий.

57. *Жалолиддин Суютий*. “Асбабу вурудил ҳадис”. – Байрут. Дарул кутубил илмийя, 1404 ҳ.й.

58. *Муҳаммад ибн Мусо ибн Усмон Абу Бақр Ҳозимий Ҳамдоний*. “Ал-иътибар фин насихи вал мансухи минал асар”. – Ҳайдаробод. Даиротул маъарифил усманийя, 1359 ҳ.й.

59. *Шамсуддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абдулҳодий Ҳанбалӣ*. “Танқиҳу таҳқиқи аҳадисит-таълиқ”, 3-жуз. – Байрут. Дарул кутубил илмийя, 1998.

60. *Абу Закариё Яҳё ибн Шараф Нававий*. “Ҳуласотул аҳкам фи муҳимматис сунани ва қоваъидил ислам”, 2-жуз. – Байрут. Муассасатур рисала, 1418 ҳ.й.

61. *Сирожиддин Абу Ҳафс Умар ибн Али ибн Аҳмад Шофиъий Мисрий*. “Ал-Бадрул мунир фи таҳрижил аҳадиси вал асарил вақиъати фиш шарҳил кабир”, 9-жуз. – Риёз. Дарул ҳижро лин нашр ват тавзий, 1425 ҳ.й.

62. *Нуриддин Али ибн Абу Бақр Ҳайсамий*. “Мажмаъуз заваид ва манбаъул фаваид”, 10-жуз. – Байрут. Дарул фикр, 1412 ҳ.й.

63. *Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Жаъфар Каттоний*. “Назм мул мутанасир минал ҳадисил мутавадир”. – Миср. Дарул кутубис салафийя.

64. *Шамсиддин Сарахсий*. “Ал-мабсут”. – Дарул маърифа.

65. *Али ибн Абу Бақр ибн Абдужалил Абулҳасан Марғилоний*. “Ал-Ҳидая шарҳу бидайатил мубтади”. – Ал-мактабатул-исламий.

66. *Алоуддин ибн Масъуд Косоний*. “Бадаиъус сонаиъ фи тартибиш шароиъ”, 7-жуз. – Байрут. Дарул китабил аробий, 1982.

67. *Зайнуддин ибн Нажим Ҳанафий*. “Ал-бахрур роиқ шарҳу канзид дақоиқ”. – Байрут. Дарул маърифа.

68. Абдурахмон ибн Муҳаммад ибн Сулаймон. “Мажмаъул анхур фи шарҳи мултақол абхур”, 4-жуз. – Байрут. Дарул кутубил илмийя, 1419 ҳ.й.

69. Фахруддин Усмон ибн Али Зайлаъий Ҳанафий. “Табйинул ҳақоиқ шарҳу канзид дақоиқ”, 6-жуз. – Қоҳира. Дарул кутубил исламийя, 1313 ҳ.й.

70. Ҳасан Вафойй Абул Ихлос Ширинилолий. “Нурул ийзоҳ ва нажатул арваҳ”. – Димашқ. Дарул ҳикма, 1985.

71. Ҳасан ибн Уммор ибн Али Шурунбиллолий Ҳанафий. “Мароқил фалаҳ би имдадил фаттаҳ шарҳу нурил ийзоҳ ва нажатил арваҳ”. – Байрут. Дарул маърифат.

72. Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Қудома Абу Муҳаммад Мақдисий. “Ал-муғний фи фикҳил имами Аҳмад ибни Ҳанбал аш-Шайбаний”, 10-жуз. – Байрут. Дарул фикр, 1405 ҳ.й.

73. Аҳмад ибн Али ибн Ҳажар Абулфазл Асқалоний Шофиъий. “Булуғул маром мин адиллатил аҳкам”.

74. Атийя ибн Муҳаммад Солим. “Шарҳу булуғил маром”.

75. Муҳаммад ибн Али ибн Муҳаммад Шавконий. “Найлул автор мин аҳадиси саййидил ахяр шарҳу мунтақол ахбар”, 9-жуз. – Идаротут тибаъатил мунирийя.

76. Муҳаммад ибн Юсуф ибн Исо. “Шархун найл ва шифаул алил”. – Мактабатул иршад.

77. Зафар Аҳмад Усмоний Таҳонавий. “Иълаус сунан”, 19-жуз. – Байрут-Лубнон. Дарул фикр, 1421 ҳ.й.

78. Саййид Собиқ. “Фикҳус сунна”. – Байрут-Лубнон. Дарул китабил аробий.

79. Шайх Низом ва жамаатун мин уламаил ҳинд. “Ал-фатава ал-ҳиндийя”, 6-жуз. – Дарул фикр.

80. Ваҳба Зуҳайлий. “Ал фикҳул исламий ва адиллатуху”, 10-жуз. – Димашқ. Дарул фикр.

81. “Ал-мавсуъатул фикҳийя ал-кувайтийя”, 45-жуз. – Кувайт. Визаротул авқоф ваш шуъунил исламийя, 1404–1427 ҳ.й.

82. Юсуф Қарзовий. “Фатаво муъасиро”.

83. “Фатавал азҳар”. – Дарул ифта ал-мисрийя.

84. Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Мунзир Абу Бакр Найсабурий. “Ал-авсату фис сунани вал ижмаъи вал ихтилаф”. – Риёз. Дару тийба, 1405 ҳ.й.

85. Юсуф ибн Абдуллоҳ ибн Абдулбарр Абу Умар Нумарий. “Ал-истизкар”, 8-жуз. – Байрут. Дарул кутубил илмийя, 1421 ҳ.й.

86. *Ҳилмий Ховлий*. “Ас-солату ва сиҳҳатул инсан”. 1413 ҳ.й. – 140-б.

87. *Муҳаммад ибн Мукаррам ибн Манзур Иффриқий Мисрий*. “Лисанул араб”. 6-жуз. – Дарул маъариф.

88. *Исмоил ибн Ҳаммод Жавҳарий*. “Ас-сиҳоҳ фил луғо”, 6-жуз. – Байрут. Дарул илм, 1990.

89. *Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Али Муқри*. “Ал-мисбаҳул мунийр фи ғорибиш шарҳил кабир лир Рофиъий”. 2-жуз. – Байрут. Мактабатул илмийя.

90. *Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абдураззоқ Ҳусайний*. “Тажул арус мин жаваҳирил қомус”. 40-жуз. – Дарул ҳидая.

91. *Абуссаодат Муборак ибн Муҳаммад Жазарий*. “Ан-Ниҳоя фи ғорибил асар”, 5-жуз. – Байрут. Ал-Мактабатул илмийя, 1399 ҳ.й.

92. *Абулқосим Маҳмуд ибн Амр ибн Аҳмад Замахшарий*. “Ал-фоиқ фи ғорибил ҳадиси вал асар”. – 499-б.

93. *Ибн Салом*. “Ғорибил ҳадис ли Аби Убайд”, 4-жуз.

94. *Иброҳим Мустафо, Аҳмад Зайёт, Ҳомид Абдулқодир, Муҳаммад Нажжор*. “Ал-муъжамул васит”, 2-жуз. – Даруд даъва.

95. *Муҳаммад ибн Абу Бакр ибн Абдулқодир Розий*. “Мухтарус сиҳаҳ”. – Байрут.

96. *Муҳаммад Жамолиддин Қосимий*. “Ал-масху алал жаврабайни ван наълайн”. – Байрут. Ал-мактабул исламий.

97. *Абу Ториқ Муҳаммад ибн Маҳфуз*. “Ал-ҳамсур рофиқ би-жавазил масҳи алал жаврабир роқиқ”.

98. *Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф*. “Ҳадис ва Ҳаёт” / Поклик китоби. – Тошкент. “Шарқ”, 2004. – 4-жуз. 319-б.

99. *Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф*. “Кифоя”. – Тошкент. “Шарқ”, 2008. – 1-жуз. 534-б.

100. *Ҳасан Вафой Ширинилолий, Абу Зайд Шиблий*. “Нурул изоҳ”. – Тошкент. “Мовароуннаҳр”, 2003. – 211-б.

101. *Аҳмад Иззуддин Баянуний*. “Таҳорат ва намоз ҳукмлари” / Таржимон: Аброр Абдуазимов. – Тошкент. “Мовароуннаҳр”, 2005. 152-б.

МУНДАРИЖА

Муқаддима.....	3
Таҳорат олиш фазилатлари.....	5
Таҳоратда аъзоларни тўлиқ ювишнинг фазилати	21
Доим таҳоратли юриш ва таҳоратни янгилаш фазилати.....	27
Бармоқлар орасини хилол қилиш лозимлиги ва таҳоратда баъзи аъзолар ювилмай қолиб кетишининг зарари	34
Таҳоратдан сўнг икки ракат намоз ўқиш фазилати.....	38
Таҳоратнинг охираат учун фойдалари.....	41
Таҳоратнинг тиббий фойдалари.....	43
Сувлар ҳукми	51
Таҳорат қилиш мумкин бўлган сувлар.....	51
Суър (қолдиқ сув)лар ҳукми	60
Таҳорат қилиш мумкин бўлмаган сувлар	66
Истинжо.....	71
Ҳожатхона ва истинжо одоблари	77
Истинжо қилиш тартиби	110
Истинжо турлари.....	111
Қубо аҳлининг сифати.....	112
Сийгандан сўнг истинжо қилиш лозимлиги ва истиброни тарк этиш оқибатлари.....	115
Тик турган ҳолда бавл қилиш кароҳати.....	122
Идишга бавл қилиш	124
Намоз ўқиш учун таҳорат олиш фарз экани	125
Таҳорат фарзлари.....	128
Таҳоратнинг вожиб бўлиш шартлари.....	140
Таҳоратнинг тўғри бажарилиш шартлари	142
Таҳорат суннатлари	143
Таҳорат мустаҳаблари	185
Таҳорат одоблари.....	189
Таҳоратдаги макруҳ амаллар.....	205
Таҳоратдан сўнг сочиқ билан артиниш ҳақида	207
Расулulloх (соллalloху алайҳи ва саллам) таҳоратлари.....	209
Расулulloх (соллalloху алайҳи ва саллам) таҳорат сувларининг фазилати.....	213
Таҳорат олиш тартиби	215
Таҳоратни синдирувчи амаллар.....	216
Таҳоратни бузмайдиган нарсалар	233
Ғусл таҳорат ўрнига ўтадими?.....	244
Узрлилар таҳорати	245
Таҳоратда шубҳаланиш	251
Таҳорат турлари	255
Таҳоратсиз ҳолда қилиш мумкин бўлмаган амаллар.....	272
Маҳсига масҳ тортиш	276
Маҳсига масҳ тортиш шартлари	285
Масҳ тортишнинг фарз ва суннатлари	289
Маҳсига масҳ тортиш муддати.....	290
Жаврабга масҳ тортиш	294
Масҳ тортиш тартиби	305
Маҳсига тортилган масҳни бузувчи нарсалар.....	310
Таяммум.....	314
Таяммумнинг руқни	325
Таяммум тўғри бўлиш шартлари	326
Таяммумга сабаб бўлувчи омиллар.....	331
Таяммум суннатлари.....	340
Таяммум қилиш усули.....	341
Нима билан таяммум қилинади?.....	344
Нимадан таяммум қилинади?.....	350
Таяммум вақти.....	352
Таяммумни синдирувчи амаллар.....	355
Таяммум билан намоз ўқилгач, вақт чиқмай туриб сув топилса, намоз қайта ўқилмайди.....	358
Жароҳатга масҳ тортиш	361
Жароҳатга тортилган масҳни бузувчи нарсалар.....	367
Фойдаланилган манбалар рўйхати:.....	369

Диний-маърифий нашр

ТАҲОРАТ КИТОБИ

Муҳаррирлар Муҳаммад СИДДИҚ МУКАРРАМ
Жамшид ШОДИЕВ

Бадиий муҳаррир Файзуллоҳ ЛУТФУЛЛОҲ ўғли

Саҳифаловчи Толибжон ҚОДИРОВ

Мусахҳиҳа Нодира ОХУНЖОНОВА

Нашриёт лицензия рақами: АІ 146. 2009.14.08.

Босмахонага 2014 йил 28 майда берилди. Босишга 2014 йил 30
майда рухсат этилди. Офсет қоғози. Қоғоз бичими 60 x 90 ¹/₁₆.

Ҳарф гарнитураси РТ Serif. Офсет босма усули.

Ҳисоб-нашриёт т.: 18,0. Шартли б. т.: 25,25. Адади: 5000 нусха.

_____ -сон буюртма. Баҳоси келишилган нархда.

“Monaqounnahr” нашриётида тайёрланди.

Нашриёт манзили: 100002, Тошкент шаҳар

Зарқайнар 18-берккўча 47а-уй.

Электрон почта: *m-nashr@yandex.ru*.

Тел: (8-371) 227-34-30

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
босмахонасида чоп этилди.

100128, Тошкент шаҳар Шайхонтохур кўчаси 86-уй.

www.gglit.uz, e-mail: iptdgulom@sarkor.uz, info@gglit.uz